



135.2
809
T-24

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**



Тошкент - 2011

УЗБ. 2
809



УЗБ/Ф-2

T-24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

3753



Тошкент
2011

Ушбу ўқув қўлланма давлат илмий техника дастурлари доирасида Тошкент давлат шарқшунослик институтида фаолият юритувчи ОТ-Ф8-138-“Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси (форсий ва туркий манбалар асосида)”номли фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси иштирокчилари томонидан яратилди. Ушбу қўлланма олий ўқув юртларининг филология йўналиши магистратура босқичи талабаларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Баҳодир Назаров**

Муаллифлар:

Н.Комилов, проф

М.Имомназаров, проф.

А.Қуронбеков, проф.

Б.Назаров, проф.

А.Воҳидов, доц.

Г.Рихсиева, доц.

М.Қаландаров, тадқиқотчи

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор З.Исломов

филология фанлари доктори, профессор С.Ҳасанов

“Тасаввуф лингвопоэтикаси” нима? Бу саволга батафсил жавоб беришдан олдин бир неча масалаларни аниқлаштириб олиш керак бўлади. Биринчидан, “тасаввуф лингвопоэтикаси” дегани аслида “тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси” деган маънони билдиради, чунки “лингвопоэтика” тушунчаси фақат бадий адабиёт таҳлилига тегишлидир. Иккинчидан, “тасаввуф адабиёти” тушунчаси ҳам кенг маънога эга, уни қайси маънода ишлатмоқчи эканлигимизни аниқлаб олишимиз лозим. Учинчидан, Тасаввуф нима? Адабиёт нима? Поэтика нима? Поэтика ва лингвопоэтика нисбати қандай? Бу саволларга ўқув қўлланманинг хусусиятидан келиб чиқиб, аниқ, қисқа ва лўнда жавоблар берилиши керак. Агар шу жавоблар бўлмаса, масаланинг муваффақиятли ечимини топиш қийин бўлади. Тўртинчидан, лингвопоэтика биргина йўналишдан иборатми ёки унинг ичида ҳам турли йўналишлар мавжудми? Бу саволга ҳам жавоб оддийгина эмас. Бу муаммоларнинг барчасига ушбу қўлланмада илҳами борича гоҳ қисқа, гоҳ батафсил жавоблар беришга ҳаракат қилинган.

Ушбу ўқув қўлланмаси Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№ 3-баённома, 25.10.2011)

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	5
1-мавзу. Тасаввуф таълимоти. Тасаввуф ва адабиёт.....	8
<i>Мустақил иш учун қўшимча материал:</i>	
Тасаввуф тарихи ва таърифи.....	22
2-мавзу. Тасаввуф адабиёти. Тасаввуф таълимотининг ўрганилиши ва манбалари.....	34
3-мавзу. Тасаввуф терминологияси ва унинг шаклланиш омиллари.....	50
4-мавзу. Тасаввуф терминларини таснифлаш.....	65
<i>Мустақил иш учун қўшимча материал:</i>	
Маком, ҳол ва руҳий сафар терминларининг макомотлардаги маънолари.....	76
5-мавзу. Тасаввуф ва бадий адабиёт.....	87
6-мавзу. Тасаввуф адабиёти ва лингвопозтик таҳлил.....	102
7-мавзу. Тасаввуф адабиётида поэтик маъно катламлари.....	110
8-мавзу. Адабий мажоз, ирфоний рамз ва тимсоллар.....	124
9-мавзу. «Маснавийи маънавий»да сўфиёна рамз ва тимсоллар: ишиқ.....	140
<i>Мустақил иш учун қўшимча материал:</i>	
“Дил” тимсоли.....	166
“Май” тимсоли.....	200
10-мавзу. Дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиётида мажозий тасвир ва талкин.....	216
11-мавзу. “Маснавийи маънавий” ва унинг шарҳлари.....	242
<i>Мустақил иш учун қўшимча материал:</i>	
Жалолоддин Румий «Маснави маънавий» асаридан ҳикоятлар (таржима ва талкин).....	252
12-мавзу. “Мажоз тарики” нима?.....	265

Мустақил иш учун қўшимча материал:

«Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр» 282

13-мавзу. Ҳофиз ғазалларининг лингвопоэтик талкини..... 298

14-мавзу. Ҳофиз ғазалларида “гул” рамзи..... 308

15-мавзу. Тимсоллар тимсоли..... 324

Мустақил иш учун қўшимча материаллар:

“Ахтариш ашк эттию совуқ нафасни оҳ субҳ” 337

Ишкни оловлантирган сув ёхуд “Қаро кўзум”..... 344

Илова. Тасаввуфга оид атамаларнинг изоҳли лугати 357

Сўзбоши

Ўзбекистонда тарихий қадриятлар, маданий-маънавий меросни тиклаш, бу қадриятларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиб, илмий умумлашмалар қилиш ва ундан таълим - тарбияда фойдаланиш ишига катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон буюк келажак сари" номли асарида ижтимоий ва маънавий соҳада амалга оширилиши шарт бўлган вазифаларни таъкидлаб, уларнинг асосийлари "... маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш, халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш" дан иборат эканлигини уқтирдилар.

Зеро, мустақилликкача халқимиз бу имкониятдан бебаҳра эди, ўз меросимизни ҳаққоний ва холисона ўрганишга йўл қўйилмас эди. Ҳолбуки ислом динининг тарқалиши билан Ўрта Осиёда араб, форс ва туркий тилларда турли жанр ва услубдаги улкан бир адабиёт вужудга келди. Бу адабиётнинг катта қисми эса тасаввуф ғояларини ифодалаган достон, қисса, ҳикоя, ривоят, ғазал, рубоий, қасидалардир.

Тасаввуф адабиёти ҳақида фикр юритар эканмиз, бу адабиётнинг вужудга келиши даставвал араб ва форс тилларида буюк бир шеъриятнинг вужудга келиши билан бошланганига гувоҳ бўламиз.

Тасаввуф адабиётининг улкан қисмини ташкил этувчи сўфиёна шеърият, унга юклатилган вазифалар, уларнинг турлари, тасвир мавзуи, улардаги образлар, тимсоллар, буюк сўфий шоирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида етарли даражада тадқиқотлар олиб борилган. Тасаввуф адабиёти ҳақида ёзилган аксарият илмий тадқиқотларда сўфиёна шеърият, тасаввуф фалсафаси ёритилган шеърий асарлар таҳлил қилинган.

Аслида сўфиёна адабиётни Шарқ адабиётининг умум контекстида олиб қараганда ўзига хос бир адабий йўналиш деб баҳолаш мумкин. Бу йўналишнинг ичида хилма-хил жанрлар бор. Бу жанрларнинг аксари илгаридан мавжуд бўлган адабий шакл-

лардир. Булар қадимдан мавжуд бўлган рубоий, қитъа, ғазал, таржеъбанд, мухаммас, маснавий, дoston, қисса, ҳикоя ва ҳоказолардир. Тасаввуф бу жанрларга янги мазмун ва руҳ бағишлади, илгариги адабий усулларга рамзий (яширин) маънолар юкланди

“Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси” ўқув қўлланмасига киритилган мавзулар эса, мумтоз шарқ филологияси соҳаси ривожи, шунингдек, мумтоз филология таълим йўналишлари учун ниҳоятда муҳимдир. Ушбу ўқув қўлланмаси биринчи навбатда, кенг истеъмолда бўлган тасаввуф истилоҳларининг генезиси, семантик таҳлили, таркибий хусусиятлари, матн поэтикаси каби масалаларни атрофлича тадқиқ этилишига ва келажакда мутахассислар ва тасаввуф адабиёти ихлосмандлари учун сўфиёна асарлар мазмун моҳиятини чуқурроқ англашга имкон берувчи тасаввуф адабиёти намуналаридан олинган матнларнинг лингвопоэтик таҳлилини ва сўфиёна матнларнинг шарҳини яратиш малакасини шакллантиришга ёрдам беради деб умид қиламиз.

Қўлланмани яратишда тасаввуф адабиётини, унинг поэтик ва лингвистик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганишга кўмак берувчи мамлакатимизда ва хорижда яратилган қомуслар, тасаввуф терминларига оид луғатлар, илмий ва бадиий адабиётлардан кенг фойдаланилди. Шу мақсадда форсий ва туркий тиллардаги манбаларда тасаввуфий ғояларнинг ифодаланиши, уларнинг лисоний ва матний хусусиятлари, шунингдек, тасаввуфга оид истилоҳ (атама)ларнинг семантик таҳлили каби жиҳатларнинг қиёсий тадқиқи амалга оширилди.

Маълумки, сўфиёна, орифона назмда (ғазал, рубоий)да кўп қўлланиладиган тасаввуфий рамзлар, истилоҳлар мавжуд. Уларнинг ҳар бирини алоҳида муайян шоирнинг асарларидан олинган намуналар мисолида талқин қилиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қўлланмага умуман форсий ва туркий сўфиёна адабиётда тасаввуф истилоҳларининг шаклланиш, такомиллашиш жараёнларининг ўзига хос омиллари ва босқичлари, муайян сузлар ва рамзларнинг маънолар силсиласини тадқиқи ва таҳлилини, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридан олинган ҳикояларнинг таржимаси, шарҳи ва талқинини, Ҳофиз ҳамда

Алишер Навоийнинг сўфиёна оҳангдаги ғазаллари шарҳларини киритилган.

Қўлланмага киритилган маърузалар муаллифлари филология фанлари доктори, профессор Н.Комилов(1,15 мавзулар), филология фанлари доктори, профессор А.Қуронбеков(8,9, 13 мавзулар), филология фанлари доктори, профессор М.Имомназаров (1,2,5,7,10, мавзулар), филология фанлари доктори, профессор Б.Назаров (1,11мавзулар), филология фанлари номзоди, доцент А.Воҳидов (3,4,мавзулар), филология фанлари номзоди, доцент Г.Рихсиева(6 мавзу), тадқиқотчи М.Қаландаров(13 мавзу)лардан иборат.

1-мавзу:

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ. ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ

Дарснинг мақсади:

Миллий маънавиятимиз такомлида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти, унинг моҳияти, тасаввуфнинг тарихий ривожланиш босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида талабаларга қисқача маълумот бериш.

Дарс режаси:

1. Тасаввуф таълимоти, тасаввуфий мавзуларнинг адабиётда ўз аксини топиши
2. Тасаввуф таълимотининг такомли.
3. Нақшбандия тариқати тасаввуф таълимотининг энг юксак ривожи сифатида.

Таянч сўз ва иборалар:

Ёш авлод маънавий тарбияси, аждодлар маънавий мероси, инсон маънавий камолоти, тарихий изчиллик, асотир, илоҳий ишқ, Робияйи Адавия, Имом Ғаззолий, Тасаввуф тариқатлари ва ирфон босқичи, риёзат маърифати, тасаввуф сулуклари, кўнгилни поклаш, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Нажмиддин Доя, Ибн ал-Арабий, Баҳовуддин Нақшбанд, "Дил ба ёру даст ба кор"

1.Тасаввуф таълимоти, тасаввуфий мавзуларнинг адабиётда ўз аксини топиши

Улуғ тарихий бурилишлар даври мафқурасини белгилаган жаҳоний динлар инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, ижодий кўтарилиш, таҳайюл ва тасаввуротлар олами, ақлий ва бадий фаолият тарзига таъсир этиб келди. Айни вақтда инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти динларнинг ўзига таъсир ўтказиб, улардаги синкретиклик (омухталиқ) хусусиятини кучайтириб турди, янги таълимотлар, маъзаблар, қарашлар

силсиласини вужудга келтирди. Ислом оламида буни мўътазилия, ашъария, «ихвон ус-сафо» оқимлари таъсирида шаклланган илми калом, илми ҳикмат (фалсафа), илми ваҳдат ёки илми тавҳид (тасаввуф), шунингдек, исмоилия, қарматия, имомия мисолида кўриш мумкин. «Мафкуравий демократия»га изн бергани, инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққани, ахлоқий покликни тарғиб этгани сабабли тасаввуф моҳиятан илму ижод аҳлига яқин эди. Бу-бир томондан. Иккинчи томондан эса, шуни эътироф қилишимиз керакки, тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озикланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қанот бергани, Ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини банд этганига сабаб шу. Қолаверса, тасаввуфнинг айни шаҳар ҳунармандлари, қадимдан маданияти ривожланиб келган илм-маърифат марказларида тараққий этгани ҳам бежиз эмас. Яна бу ўринда бир ҳодисани-тасаввуфнинг футувват билан қўшилиб кетиши ҳодисасини ҳам қайд этиб ўтмоқ жоиз. Футувват (жавон-мардлик) аҳли ўз ҳаётларини дўст-биродарлари, яқин кишиларининг ҳожатини чиқариш, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам беришга бахшида этган одамлар бўлиб, аксар оддий халқ ичидан етишиб чиққан ҳунармандлар, олим ва санъаткорлар эдилар. Улар орасида сипоҳийлар, ном чиқарган пахлавонлар ҳам бўлиб, шахсий ҳаётда ҳалол яшаш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиш, нокас, номардларга яқинлашмаслик учун интилганлар; яширин жамиятлар тузиб, бир-бирларининг манфаатларини ҳимоя этганлар, уюшиб, ташқи душманларга қарши курашганлар. Чунончи, сарбадорлар ва Шарқдаги бошка кўп озодлик ҳаракати намояндалари жавонмардлар эдилар. Улар тасаввуфни назарий таълимот, маслак сифатида қабул қилиб олдилар, ўз навбатида, кўпгина шайхлар футувват қоидаларини тариқатга сингдириб юбордилар.

Шу тариқа, тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди; фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг

деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Шунинг назарда тутиб, атоқли олим Е.Э. Бертельс ўтган асрнинг бошидаёқ қайд этган эди: «Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин»¹.

Бунинг боиси шуки, тасаввуф ҳақиқий маънода инсонпарвар таълимот ҳисобланади. Инсоннинг камолоти, руҳий-маънавий юксалиши учун қайғуриб келган гуманистик таълимотлар ривожига бизнинг ватандошларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Президентимиз И.А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, ислом маърифати ва маданияти ривожига ҳақида гап борганда, биз «мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улугъ номлар билан боғлаймиз. Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».

Дарҳақиқат, қайд этиш зарурки, истиқлол йилларида бу соҳада ҳам анча ишлар амалга оширилди: тасаввуфга оид нодир манбалар ўрганилди, нашр этилди. Кубравия, яссавия, нақшбандия (Хожাগон) тариқатларининг шаклланиш жараёни, тарихий роли, бугунги маънавиятимиз учун аҳамияти очиб берилди. Хусусан, тасаввуфий адабиёт ҳолисона тадқиқ этилмоқда, тасаввуфнинг инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб, жаҳоншумул шеърини асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлгани олимларимиз томонидан кенг кўламда таҳлил этилмоқда. Воқеан, тасаввуф ғоялари бир бутунликни ташкил этадиган умуминсоний маданиятнинг таркибий

¹Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –М.: Наука, 1995. –С.54.

²Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 353-б.

қисмидир. Дин, фалсафа, адабиёт, санъат ва ҳоказо-буларнинг ҳаммаси шу муаззам дарахтнинг шохлари бўлиб, унинг илдизи халқнинг ижоди, дунёқараши ва фикрий кашфиётларидир. Инсон бутун онгли тарихи давомида ўзини излади, ўрганди, бу йўлда юзлаб асотирлар, идеал қаҳрамонлар, назария ва таълимотларни яратди. Буларнинг кўпи тасаввуфга келиб қўшилган ва қайта ҳаёт топган. Шунинг учун тасаввуфда турли соҳалар, қарашлар тутшиб, тўқнаш келгани, уйғунлиги ва ички зиддиятини кўрамиз. Бунда кенг фикрий майдонда ақл ва ҳикмат салобати ҳам, ҳис-ҳаяжонга фарқ қайноқ ижодий парвоз ҳам, расм-русум, белгилаб қўйилган ахлоқий қонун-қоидалар билан бирга, айти шу қоида-қонунларни писанд қилмайдиган эркинлик туйғуси изҳори ҳам, яширин сиру асрор баробарида очиқ мантикий-фалсафий мушоҳадакорлик ҳам бор. Шу боис баъзи оврупалик олимларнинг тасаввуфни «мистика» деб аташи бир ёқлама муносабат оқибатидир. Мистика — ғайб илмига ишонч, сирлилик демақдир. Кўрганимиздай, тасаввуфда бу нарса бор, аммо бу таълимот фақат шундан иборат эмас. Тасаввуф диний эътиқод, ҳикмат (фалсафа), бадий ижод омухталигидаги ҳиссий-тафаккурий таълимот бўлиб, илоҳий ишқ баённомасидир. Шунинг учун бўлса керак, тасаввуф шеърини ҳозир ҳам қалбларни ларзага келтиради, инсонийлик ҳақиқатларини очиб, онгу шууримизга баҳорнинг тоза ҳавосидай таъсир этади, огоҳ этади. Нафақат биз шарқликлар, балки жаҳондаги турли қитъаларда яшовчи маънавий зилол чашмаларга ташна одамларнинг бу таълимотга иштиёқмандлиги, ўнлаб тасаввуфий асарларнинг таржима қилинаётгани, Аттор, Румий, Насимий, Машраб каби сўфий шоирлар асарларининг бутун дунёга ёйилгани шу меҳру муҳаббатнинг натижаси, албатта.

Таъкидлаш жоизки, кўпчилик адабиётшунос олимлар Ўрта аср адабиёт меросини ўрганаётганда буни мутлақ тасаввуф ақидаларига бағишланган илмий асар сифатида тасаввуф қиладилар. Шуни айтиш керакки, бу янглиш тасаввуф, чунки тасаввуф ақидалари акс этган адабиёт ҳам яхлит бир хилдаги асарлар эмас. Уларнинг ҳамма эътироф этган иккита катта йўналиши бор: бу ҳақиқат тариқи ва мажоз тариқи. Ҳақиқат тариқининг ўзида бир неча усуллар ва оқимлар мавжуд. Фаридиддин Аттор, Мавлавий, Навоий ҳазратлари "Мантиқ

ут-тайр”, “Маснавий” ва “Лисон ут-ттайр”да ёзганларидек ҳар бир қуш ҳар хил сайрайди. Булбул бошқа, товус бошқа, ҳудҳуд яна бошқача. Ўрни ҳар бир тариқатнинг ўз муайян йўли бор, лекин Ҳақиқат битта. Мана шу Ҳақиқатга эришмоқчи бўлган шоирларнинг ҳам усуллари ҳар хил. Бир хиллари Шабустарийга ўхшаб тасаввуф истилоҳларини ва ҳақиқатга етиш йўлларини тўғридан-тўғри шеърга солиб тушунтирса, бошқаси Аттор ёки Мавлавийга ўхшаб тимсоллар ва рамзлар, ибратли ҳикоятлар орқали ҳақиқатни очиб бермоқчи бўлади. Мажоз тариқи эса бунданда хилма хил. Мажоз тариқида реал воқеъликдаги Лайли ва Мажнун, Подшоҳ ва гадо, ошиқ ва маъшуқ, соқий ва май, гул ва булбул, ой ва қуёш ва ҳоказо реал шахс, жонзотлар ва мавжудотлар орқали ҳақиқатга етишиш йўллари изланади. Аслида бу адабиётнинг диққат марказида ҳам Ҳақиқат туради. Фақат Илоҳий ҳақиқатгина эмас, ижтимоий ҳақиқат, инсоннинг бу дунёдаги рисолати ва ижтимоий адолат, маънавий ҳаёт ҳақиқатини излаш ва бу ҳақиқатлардан ер юзидаги барча дин ва мазҳаб намояндалари ва динсизларни огоҳ қилиш мақсадини олдиға қўяди.

Мажоз тариқининг, дунёвий адабиётдан фарқи, мажоз тариқида (концептуал) бош дунёқараш диний ақидаларга йўғрилган бўлса, дунёвий адабиётда инсон манфаати бош омил бўлиб ҳисобланади.

Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бу йўналишларнинг барчасини замирида битта ҳақиқат ётади, ҳақиқат тариқими, мажоз тариқими ёки дунёвий адабиётнинг мақсади битта – бу инсон манфаати!

Чунки буларнинг барчасида инсонни ҳайвоний жаҳолат ва ғурбатдан қутқариш ва инсоний маънавиятга бошлаш асосий кўзланган мақсад ҳисобланади.

Чунки тасаввуфнинг асл моҳияти ҳам одамзотни маъсиятдан қутқариб маънавий ҳаётга етишиш – тасаввуф таклиф этган усуллари ҳаммага ҳам маъқул эмасдир, ҳамма дунё лаззатларидан кечигша рози бўлмас, лекин мақсад олийжанобку! Инсонда ҳайвоний сифатлар билан ижтимоий сифатлар мужассам, гап ҳайвоний инстинктларни чегаралаб, ижтимоий ва маънавий сифатларни юксалтириш, имкон борича ривожлантириш ҳақида кетмоқда!

Аслида бадий адабиётни тасаввуф ғояларини тарғиб қилиниши ҳам мана шу ҳақиқатга асосланган, негаки бу иккала жараённинг кўзлаган мақсади умумий бўлган.

Ўрта аср буюк шоирлари нима учун реал ҳақиқатни бор бутунича баён қилишмади, нега ҳаёт ва ўлим ҳақиқатини очиқ-ойдин айтишмади, бунга бирон ижтимоий ва мафкуравий таъсири бўлдими ёки тасаввуф ақидалари ўша давр мутафаккирлари кашф этган энг олий Ҳақиқатмиди, деган савол туғилади. Ўша давр адабиётини ўрганиш ва шу даврни ўрганган олимлар фикрича диний ақидаларда реал ҳаёт билан мос тушмайдиган зиддиятли фикрлар вужудга кела бошлаган.

Бу зиддиятли дунёқарашларни ҳал қилиш учун тасаввуф аҳли Қуръоннинг ташқи маъносига қараб ҳукм чиқариш керак эмас унинг ботиний маънолари бор. Бу ботиний маъноларини тушуниш фақат пайғамбарларга ва риёзат орқали, поклик орқали ғайб сирларига ошно бўлган пир-у муршидларга ва Оллоҳ ўз файзидан баҳраманд қилган авлиёларга насиб этган. Бошқа кишилар ақлий мушоҳада ва муқояса усуллари билан ҳукм чиқармасликлари керак, бўлмаса куфрга кетиб қолади, деб тасаввуф аҳли ўша даврда вужудга келган Калом деб аталувчи рационалистик оқим тарафдорларининг мафкуравий қарашларига қарши Ҳақиқатни фақат дил билан англаб етиш мумкин деган ғояни ўртага ташлашди.

Бу ғоя бир томондан диний ақидаларнинг дахлсизлигини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан дунё ҳақиқатлари ҳақида яширин сирларни кашф қилишга ва унинг пардали қилиб рамз ва тимсоллар тилида ўз фикрларини баён қилишга кенг имконият яратиб берди.

Масалан: Фаридиддин Аттор “Мантиқ ут-тайр” асарида сонсиз-саноқсиз қушлар Семурғнинг олдига отланиб, кейин ўзларини Семурғга айланишида диний ақидага кўра куфр мавжуд. Негаки қушларнинг мақсади Ҳаққа етишиш эди, уларнинг ўзлари Семурғга айландилар. Лекин бу асарда буюк ҳикмат бор: агар ер юзидаги турли дин ва мазҳаб аҳллари биргалашиб саъй-ҳаракат қилишса, олий Ҳақиқатга эришади, бу Олий Ҳақиқат бутун дунё халқларининг бирлашувига, тинч-тотув яшашига ва миллатлар орасидаги турли

бидъатлар ва хурофотлардан, ўзаро хусумат ва адобатлардан халос бўлишига олиб келади.

Шунинг учун бўлса керак, тасаввуф ғояси Ўрта аср адабиётининг етакчи ғоясига айланиб қолди. Буюк мутафаккирлар ва шоир-ёзувчилар ўзларининг ижодида тасаввуф истилоҳларидан фойдаланиб ижтимоий адолат, инсон ҳаётининг мазмун мақсади, ер юзидаги рисолати, маънавий ҳаёт тарзининг тубан ҳайвоний ҳаёт тарзидан афзаллиги ҳақида бутун олам аҳлини тафаккур ва мулоҳаза билан ҳаёт кечиришга чақирди.

Юқорида баён қилинган фикрлар бадиий адабиётнинг тасаввуфга жалб қилиниши ва тасаввуф ғояларининг адабиётга таъсири масалалари, шунингдек тасаввуф истилоҳларининг юзага келиши ва бу истилоҳларнинг маъно кўламининг теранлашуви ва бу истилоҳларни талқин қилиш ва шарҳлаш усуллари ҳақида шарқшунос олимларнинг қарашлари мажмуидир.

Шарқ мумтоз адабиёти бўйича дарс олиб боришда, устоз ва шогирдларга, Ўрта аср бадиий сўз санъати бўйича тадқиқотларни амалга оширишда ва шунингдек маънавий меросимизни жиддий ўрганишда зикр этилган фикрларни назарда тутиш лозим. Чунки, юқорида таъкилананидек, бадиий адабиётда тасаввуф ғояларининг тарғиб қилиниши ҳам мана шу ҳақиқатга асосланган, негаки бу иккала жараённинг кўзлаган мақсади умумий бўлган.

2. Тасаввуф таълимотининг такомили

Тасаввуф ирфониди аввал зуҳду тақво етакчи мақом тутган бўлса, кейинроқ илоҳий ишқ тушунчаси юқори ўринга кўтарилди. Бу туйғу охир-натихада инсонни фанодан бақога олиб чиқувчи асосий восита деб топилди.

Аслида тасаввуф таълимоти ҳам исломнинг дастлабки асрларидаёқ пайдо бўла бошлаган бўлиб, аввал тақвога ўта қаттиқ риоя қилиш, нафл ибодатларга берилиш билан кўзга ташланган бу йўналиш VIII асрга келиб Робияйи Адавия сиймосида илоҳий ишқни улуғлашни биринчи ўринга чиқарди. IX асрдан Зуннун Мисрий

(вафоти 859), Хорис Муҳосибий (791-857), Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) каби суфий шайхлари тасаввуф назариясига илк пойдевор тошларини қўя бошладилар. IX аср охири X аср бошларида Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил), Мансур Халлож (858-922) каби машҳур сиймолар етишиб чиқди. X аср охирида тасаввуф бўйича илк умумлаштирувчи китоблар “Китоб ал-лумаъ фи-т-тасаввуф” (Абу Наср Абдуллоҳ ибн Али Саррож -вафоти 988 йил), “Китоб ат-тааруф ли мазҳаб-ул-тасаввуф” (Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободий - вафоти 995 йил) кабилар ёзилди. Тасаввуф таълимотининг кенг ёйилиши XI асрдан бошланди, дейиш мумкин. Бу аср тасаввуф насрий адабиётининг йирик вакили - Алишер Навоий тарафидан “пири Ҳирот” деб улуғланган Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), форс тилида ижод этган халқчил тасаввуф шеърляти вакиллари Бобо Тоҳир Урён, Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдулҳасан Хароқоний (вафоти 1033 йил), Бобо Куҳий (вафоти 1050 йил), тасаввуф ҳақида турли рисоалар муаллифлари Кушайрий (987-1073), Хужвирий (вафоти 1076 йил), Ас-Сулабий (937-1021) ва тасаввуфнинг бошқа машҳур амалиётчи ва назариётчилари яшаб ўтган даврдир. Аммо XI асрда ҳануз ислом маърифатчилиги - файласуфлар, мутакаллимлар, ботинийлар, табиий ва аниқ фан алломалари, қисқаси, ақл ва билимни биринчи ўринга қўувчилар етакчиликни қўлдан берган эмас эдилар. Бу даврга ўз ижоди билан яқун ясаган киши XI аср охиридаги мантиқий тафаккурнинг энг забардаст вакили Имом Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) бўлди.

Ғаззолий “Тахофут ал-фалосифа” (“Файласуфларнинг ўз-ўзини инкор қилиши”) асарида мантиқий тафаккурнинг ички зиддиятларини, ислом маърифатчилиги даври файласуф алломаларининг асарларидаги ўзаро зид келувчи ўринларни чуқур таҳлил қилиб берди. Унинг Шарқдаги энг машҳур ва кенг қамровли асари “Эҳёи улум ад-дин” (“Диний билимларнинг қайта жонланиши”) бўлиб, бу асарда аллома ўз қарашларини мунтазам бир тарзда баён этган. Ғаззолийнинг бу қарашлари ислом минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи яқунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди. Китобда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар бақувват мантиқий

далиллар ёрдамида жиддий таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади. Улуғ алломанинг ушбу асаридagi ғоялар ихчамлашган тарзда “Кимёи саодат” номи билан форс тилида ҳам баён қилинган.

Хуллас, XI аср охири - XII аср бошларида жамиятнинг маънавий аҳволи янги бир босқичда уйғунлашув ва мувозанатни тақозо этарди. Ғаззолий ижоди ушбу эҳтиёжга энг мукаммал жавоб бўлди. Ўзаро баҳс ва низолар ўрнига эл маънавиятида шундай бир уйғун мувозанат таклиф этилдики, унинг барча тоифа ва йўналишлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва фикрий оқимларга ўзаро яқинлашув имконини берувчи қудрати ва мазмун бойлиги яққол сезилди. Ғаззолий ўзининг бош асарида Сунна ва тасаввуф қадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаб қўяқолмай, имон, илм ва ирфоннинг яхлитлигини мантиқий асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу билан бирга Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа халқлари маънавий камолотини ислом маърифатчилиги босқичидан тасаввуф ирфони босқичига узил-кесил олиб ўтиб қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ҳам бемалол айтиш мумкин.



Ғаззолийгача тасаввуф ирфони ислом маърифатчилиги босқичининг йирик йўналишларидан бири сифатида шаклланиб улгурган бўлса, Ғаззолий маърифатчиликка маълум даражада яқун ясабгина қўймай, тавҳид моҳиятини англаб етмоқ учун ақл ва мантиқнинг ўзи кифоя қилмаслигини тан олиб, қатъиян тасаввуф ирфони қадриятлари ҳимоясига ўтди. Шулар асосида минтақа маънавиятининг ирфон босқичи сари юксалишига фикрий муҳит ҳозирлади. Ғаззолийдан кейин тасаввуф тариқатларининг кенг миқёсда шаклланишга ўтиши Тавҳид таълимотини англаб етишнинг янги босқичи минтақада ғалаба қилганини англатар эди.²

² Ғаззолий қарашларининг минтақа маънавиятида бурилиш нуқтаси бўлганлиги жаҳон тадқиқотчиларининг ишларида ҳам алоҳида қайд этилади. Масалан: Г. Э. Фон Грюнебаум, “Классический ислам”, М., 1988, с. 146-147; Дж.С. Тримингэм, “Суфийские ордена в исламе”, М., 1989, с. 21; “Ислам”, Энциклопедический словарь, М., 1991, с. 229.

XII асрдан туб ўзгаришлар бошланди. Имом Ғаззолийнинг туғишган укаси Абдулфутуҳ Аҳмад Ғаззолий (вафоти 1126 йил) акаси изидан бормай, сўфийлик йўлини ихтиёр этди. У шайх Абу Али ал-Фармозий (вафоти 1084 йил) ва шайх Абу Бақр ан-Нассож ат-Тусий (вафоти 1084 йил) суҳбатларига ноил бўлди ва Ибн Синонинг “Қуш рисоласи” асарига тасаввуф руҳида жавобия ёзди. Даврнинг забардаст шоирлари Санойй, Анварий, Ҳоқоний ва бошқалар ижодида фалсафий-ирфоний мавзулар баралла акс эта бошлади. XII-XIII асрлар давомида то бизнинг замонамизгача муайян таъсирини сақлаб келган асосий тариқатлар – Сухравардия, Қодирия, Рифоия, Яссавия, Кубравия, Шозилия, Бадавия, Дасукия, Чиштия, Мавлавия сулуқлари шаклланиб улгурди. Кейинчалик нақшбандия деб шуҳрат топган Хожагон сулуқининг қатор шайхлари - Юсуф Ҳамадоний (1049-1140), Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1179), Ориф Ревгарий (вафоти 1259йил), Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1272) кабилар ҳам шу икки аср оралиғида яшаб ўтдилар. Бу икки аср мобайнида ирфоний шеърят ва тасаввуф фалсафаси ҳам юксак чўққиларга кўтарилди. Агар Санойй дostonлари йўналиши ҳақида ҳануз тараддуд мавжуд бўлса, Фаридиддин Аттор (1147-1229) ва Жалолиддин Румий (1207-1273) дostonчилигининг мазмуни соф тасаввуф руҳида эканлиги ҳар қандай баҳсдан холидир. Араб дунёси ушбу асрларда икки буюк зотни - ирфоний ишқнинг оташин куйчиси Ибн ал-Фарид (1181-1234) ва назарий тасаввуфнинг чўққиси бўлмиш “Футуҳоти Маккия” асарининг муаллифи Ибн ал-Арабий (1165-1240)ни етказиб берди. Бугунги кунда Ибн ал-Арабий меросини чуқур ўзлаштирмай туриб, тасаввуф ирфони ҳақида салмоқли илмий мулоҳаза юритиш мушкул эканлиги жаҳон афкор оммасига аёндыр.

3. Нақшбандия тариқати тасаввуф таълимотининг энг юксак ривож сифатида

IX асрдан онгли равишда ривожлана бошлаган тасаввуф ирфони XII-XIII асрларда ўзининг олий босқичига кўтарилиб, нақшбандия тариқатида мукамал ниҳоя топди. Шу сабабли кейинги асрларнинг энг кенг тарқалган (ғарода Дижозу Яман,



шимолда Болқону Волгабўйи, жанубда Индонезиягача урф бўлган) тариқати нақшбандия бўлди. Баҳовуддин Нақшбанднинг энг машхур ибораси “Дил ба ёру даст ба кор” (“Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсин”) эса энди тасаввуф ирфони ўз асосий мақсадига эришганлигини, яъни Ҳақиқат асрори кўнгиллардан муқим ўрин олганлиги ва бу ёғи амалий ҳаракат биринчи ўринга чиқа бошлаганини билдирар эди.

Ирфон сўзи нимани англатади? Илм эгаси олим бўлса, ирфон нима-ю, ориф ким? Ўғит ва ибрат ташқи ҳодиса, ақл ҳам мавзуга ташқаридан туриб ёндошади. Ирфон эса Тавҳид моҳиятини англашга инсоннинг бутун руҳий қувватини сафарбар этади, бунинг учун эса аввал руҳий қувватни жамлашга ўрганиш керак бўлади. Инсоннинг руҳий камолоти тасаввуфнинг асосий мақсади бўлиб, бу йўналишда ҳар бир улуғ шайх ўз тартиб-қоидаларини ишлаб чиқди ва шу асосда турли тариқат сулуқлари шаклланди. Шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирди Нажмиддин Доя ўзининг 1223 йили Куняда ёзиб тугалланган рисоласида³ Инсон ва унинг моҳияти, Олий ҳақиқат (Ҳақ асрори)га ва Борлиққа муносабати ҳақида шундай мулоҳаза юритади:

Мавжудотлар олами, яъни моддий дунёдан мақсад инсон вужудидир. Икки олам инсон вужуди учундир. Инсон вужудидан мақсад эса Аллоҳ таоло зоту сифатларини англаб етишдир. Буни маърифат деганлар. Фаришта ва жинлар Аллоҳга ибодат этишда инсонга шерик бўлдилар. Аммо маърифат инсондан ўзга ҳеч қандай маҳлуқотга насиб бўлмади. Ҳақ маърифати юкини кўтармоқ фақат инсон зотига вожиб бўлди. Инсоннинг мумтозлиги шу туфайлидир. Аммо Нажмиддин Доянинг фикрига кўра, Инсон вужудида Ҳақ маърифатини акс эттирувчи кўнгил кўзгуси даставвал фақат имкон даражасида мавжуд, холос. Уни воқеликка

³ Олимнинг «Мирсод ул-ибод мин ал-мабдаъ илал-маод» асари форс тилида ёзилган бўлиб, XIX асрда Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон II (Фируз) топшириғига биноан ўзбек тилига ўгирилганлиги маълум. Ушбу асар қўлёзмалари ЎзФА Абу Райҳон Бируний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Эронда бу асар нашр этилган, аммо бизда бу асар ҳақида ҳануз махсус тадқиқотлар ҳам, асар таржималари ҳам эълон қилинмаган. Фақат «Соғлом авлод учун» журнали 1996 йил 1-сонида Нажмиддин Доя ҳақида дастлабки мақола эълон қилинди (с. 40-43)

айлантириш учун узоқ жидду жаҳд лозим. Кўнгил кўзгуси риёзат билан сайқал топади, инсоннинг маънавий тарбияси, ўз интилиши, пир-тарбиячининг иршоди нафс тарбияси билан бўлади. Бунинг учун инсон, биринчи навбатда, ҳам жисмоний, ҳам маънавий покланмоғи керак. Тасаввуф тариқати ушбу покланиш йўли бўлиб, уни темирчининг оловли кўрасига қиёс этиш мумкин. Унда инсон кўнгли аввал мумдек юмшаб, шакл олади, сўнг чиниқтирилади ва сайқал берилади. Охирида кўнгил пўлат кўзгу сингари шундай сайқал топадики, ўзида илоҳий нурни акслантириб, ой сингари нурланиб, ўзи ҳам атрофга зиё тарата бошлайди. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир.

Ўзбек тилимиз комил инсон моҳиятини ниҳоятда теран ифодалайди - "зиёли", яъни ўзидан атрофга зиё, нур таратувчи. Зиёли инсон атроф зулматни ёритади, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда илм, имон ва амал бирлиги вужудга келади. "Ман арафа нафсаҳу, фа қад арафа раббаҳу". ("Ким ўз нафсини англаб етипти, демак, Парвардигорини англаб етипти") дейилади ҳадиси набавийда. Мана шу одам ориф, унинг етишган маърифати - ирфондир. Шоир ёзади:

Эй нусхаи номаи илоҳий-ки туий,

В-эй ойинаи жамоли шоҳи-ки туий,

Бирун зи ту нист ҳарчи дар олам ҳаст,

Дар худ беталаб, ҳар он чи хоҳи-ки туий.

(Эй илоҳий нома нусхаси - ўзинг,

Ва ҳукмдор жамоли ойинаси - ўзинг,

Оламда неки мавжуд, сендан ташқарида эмас,

Ҳар неки истасанг, ўзингдан иста, барчаси – ўзинг.)

Тавҳид асрорини англаб етиш тасаввуф ирфонида юксак камолотга эришди. Аммо бу йўналишлар ибрат, мантиқий тафаккур ва руҳий камолот сифатида асосан инсоннинг ички тақомилига қаратилган эди. Инсон ўз-ўзини англаб етиш орқали Ҳақ асрорини идрок этишга интилди, аммо инсоннинг якуний мақсади шунда тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини ўзи учун англаб етди, дейлик, энди у нима қилиши керак?

Шу саволга тасаввуфнинг охирги тариқати - Нақшбандия жавоб берди: биринчи мақсадга эришилди – “дилда ёр” ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим - “даст ба кор” га ўтиши керак. “Дилда ёр” ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди “даст ба кор” бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас “дилда ёр” бўлиши, “Аллоҳ” исми дилда зикр этилиши, яъни “Хуш дар дам” қоидасига риоя этилиши тақозо қилинади. Чунки Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк этса, дарҳол ўрнини ғараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. “Назар бар қадам” ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб, назардан қочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир. Учинчи қоида - “Сафар дар ватан”, яъни вужуд ичида турган ҳолда руҳнинг моддийлик балчиғига булғанмаслиги, моддий ҳою ҳавасларинг ғаразидан холи равишда руҳингда ҳукмрон бўлиши лозим. Тўртинчи қоида - “Хилват дар анжуман” Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади. Тўлиқ “хилват”ни танлаш кибрга, тўлиқ “анжуман”га киришиб кетиш ғаразга етаклаши мумкин, “Хилват дар анжуман” эса мувозанатни сақлаб туриш демакдир.

Ирфон йўналиши Борлиқни идрок этишнинг мутлоқо ўзига хос йўли бўлиб, Суннадан ҳам, мантиқий тафаккурдан ҳам тамомила фарқ қилади. Бу ҳақда ибратли ривоят бор. Маълумки, олов куйдиради. Буни бизга муаллим тушунтиради ва биз унинг гапига ишониб, “олов куйдиради” деймиз. Бу - Сунна босқичи. Иккинчи босқичда биз тажриба ўтказамиз - қоғозни шам олови тепасида тутсак, қоғоз ёнабошлайди ва биз “олов куйдиради”, деб хулоса қиламиз. Бу - илм дейилади.

Сўфий Тавҳид моҳиятини англашга бутун руҳий қудратини сафарбар этади. Бунинг учун ишни нафсни поклашдан бошламоқ керак бўлади⁴. Тасаввуф тариқатлари маънавий покланиш йўли

⁴ Нафсни поклаш иши тасаввуфда ўзи алоҳида илм бўлиб, унинг турли даражалари Қуръон оятларига таянган ҳолда алоҳида ва муфассал ишлаб 20

бўлиб, ўзлигидан (худбинликнинг барча кўринишларидан) пок бўлган инсон кўнгли Ҳақ зиёсини ўзида акслантира бошлайди. Комил инсон - том маънодаги зиёлidir. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда имон, илм ва амал бирлиги вужудга келади. Бундай инсон ўзидан атрофга зиё тарата бошлайди, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради.

Айтиб ўтганимиздек, тасаввуф ғоялари ва назарияси VIII-IX асрларданоқ шакллана бошлаган бўлса ҳам, фақат Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) ижодида ислом маърифатчилиги даври яқунлангач, тасаввуф таълимоти ислом минтақасида зафарли “юриш” бошлади ва Борлиқни идрок этишнинг Ирфон йўналиши узил-кесил етакчи ўринга кўтарилди. Буюк тасаввуф шайхлари - юртдошларимиз Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний шу даврда яшадилар. Тасаввуф шеъриятининг энг забардаст вакиллари Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Фарид ва ирфоний тафаккурнинг энг буюк намояндаси Ибн ал-Арабий ҳам шу муддатда ижод қилдилар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Аждодларимиз меросидаги тасаввуфий қарашларни ўрганишнинг аҳамияти нимада?
2. Тасаввуфий мавзулар қай тарзда адабиётда ўз аксини топа бошлаган?
3. Ислом минтақа маданияти такомилида Имом Ғаззолийнинг ҳиссаси нимада?
4. Тасаввуфнинг бугунги кунимиз учун энг аҳамиятли бўлган асосий ғояси нимада?
5. Нақшбандия тариқати нега тасаввуф таълимотининг энг юксак ривож ҳисобланади?
6. “Дил ба ёру даст ба кор” ҳикматининг моҳиятини тушунтириб бера оласизми?

чиқилган. Нафснинг покланиш даражалари ҳақида қўлланма охиридаги тасаввуф атамаларининг изоҳли луғатида тўлиқ маълумот берилади.

Мустақил иш учун қўшимча материал:

ТАСАВВУФ ТАРИХИ ВА ТАЪРИФИ

Тасавуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин муслмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон разийаллоҳу анҳу замонларида бойликка ружу қўйиш, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Уммавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очик курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат ва зуҳдни («зуҳд» сўзидан «зоҳид» сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар.

Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиш керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Чунончи, **Увайс Қараний** (7-аср), **Ҳасан Басрий** (642-728) каби йирик сўфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун бу зотларнинг номи шайхлар ва сўфийлар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни сўфийлар қаторига қўшмаганлар ҳам.

Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан беҳабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валилик, каромат-мўъжизалар кўрсатиш каби хислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш,

Қуръони Каримда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам тамаънинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на охиратдан тамаъ бўлмаслиги керак. Ягона истак бу - Худонинг дийдоридир, холос.

Машҳур сўфий аёл **Робия Адавия** (714-801) Аллоҳга муножотларида нола қилиб айтар экан: *«Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир - минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан махрум этма!»*

Аллоҳ таолога қуруқ, кўр-кўрона мутеъликнинг ҳожати йўқ. Худо газабидан қўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар: Аллоҳни жон-дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу ҳирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ наслига етишиши ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилдилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва, демак, асосий мақсад - илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар.

Шу тариқа, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, «бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Ҳофиз Шерозий) зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мугафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Бундай одамларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хориқулудда (одатдан ташқари) сўзлари ва ишлари атрофдагиларни ҳайратга солар, баъзиларининг ғайбдан башорат берувчи кароматлари, сирли мубъжизалари ақлларни лол қолдирарди. Уларни аҳлуллоҳ, авлиё, шайх ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга олардилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ «сўфий» номи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа тушунча ва атамаларни ўз ичига олдирарди.

Ҳўш, «сўфий» сўзи қаердан пайдо бўлган? Бу ҳақда бир неча хил қарашлар бор. Баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан дейдилар, чунки сўфий Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида тўрувчидир. Баъзи олимлар уни «суффа» сўзидан ҳосил бўлган деб

айтадилар: асҳоби суффа ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларидаёқ тарки дунё қилган тақводор кишилар бўлиб, сўфийлар шуларга тақлид қиладилар, деб тушунтирадилар. Яна бир гуруҳ олимлар сўфий сўзи «сафо» сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифанинг қалби сидқу сафо офтобидай порлаб туради, деганлар. Яна баъзилар сўфий «суфуҳ» сўзидан ясалган, суфуҳ - бирор бир нарсанинг хулосасидир, бу жамоа халқнинг хулосаси бўлганлиги сабабли уларни сўфий деганлар, деб ёзадилар. Сўфий сўзи «соф» сўзидан чиққан дегувчилар ҳам бор. Абу Райҳон Беруний бўлса «суф», яъни файласуф сўзининг охириги қисмидан ясалган деб кўрсатади. Аммо кўпчилик сўфий сўзи арабча «сўф» сўзидан ҳосил бўлган, деган фикрни билдирадилар. «Сўф» сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ёки куй терисидан тикилган пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимлилар (форсчаси пашминапўш), яъни сўфий деб юритганлар. Бизнингча, шу кейинги эътимологик маъно ҳақиқатга яқинроқдир, зеро, сўфий сўзининг «сўф» сўзидан ясапиши араб тили қонун-қоидаларига мос келади.

Агар «сўф» сўзидан сўфий ясалган бўлса, ўз навбатида, «сўфий»дан, «тасаввуф», «мустасуф», «мутассуф», «мутасаввуф» сўзлари ҳосил бўлган. Мустасуф ўзини сўфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо асл мақсади амал-мансаб, молу мулкка интилишдан иборат бўлган кишиларга нисбатан ишлатилган сўз бўлса, мутассуф тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган, бироқ сўфий даражасига кўтарила олмаган кишилардир. Қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасавуфни эътиқод - маслак қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган одамлар эса мутасаввуф бўлиб ҳисобланганлар. Сўфийларнинг ўзини ҳам Хусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» номли асарида уч гуруҳга ажратган: муоширлар, мутарасмлар, муҳаққиқлар. Муоширлар - тариқат аҳлининг мухлислари. Улар дарвешларга муҳаббат билан қарайдилар, дарвешлар сўхбатида иштирок этадилар, уларнинг хизматларини бажарадилар ва савобга ўзларини шерик деб биладилар. «Мутарасм» сўзининг маъноси расму русумга эргашувчи демак, аммо мутарасмлар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсалар-да, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли файздан баҳраманддирлар.

Муҳаққиқлар - Ҳаққа етганлар, уларни олий мартабали сўфийлар деб таърифлаш мумкин. Ҳақиқий авлиёлар, шайхи муршидлар шулар ичидан етишиб чиққан. Бу ўринда муҳаққиқ сўфийларнинг нажиб сифатлари хусусида тўхтаб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Авалло шуни таъкидлаш керакки, чин сўфий ўзликдан ва фоний дунёдан кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандою, маънида озод кишидир. Сурат - ташқи кўринишда бандо бўлиш - жисм-танани Илоҳ тоатига бағишлаш бўлса, маънида озодлик-ботинни барча алоқалардан тозалаб, руҳни ҳур ва пок сақлаш демак. Сўфийга ҳеч бир нарса ва ҳеч бир киши қарам бўлмаслиги; унинг ўзи ҳам ҳеч бир нарсанинг ва ҳеч бир одамнинг қарами бўлмаслиги керак. Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидай:

*Ҳечи мо нею ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч-ҳечи мо ғам не,
Жанда бар пушту пушт-гўристон,
Рўзе ки мирем ҳеч мотам не.*

*(Ҳеч нарсамиз бўлмаганлиги учун ҳеч камимиз йўқ,
Уша «ҳеч», яъни нарса кетидан қувиб, ғам ҳам чекмаймиз.
Эғнимизда - жанда, орқамизда - гўристон,
Биз вафот этган кун ҳеч бир мотамнинг кераги йўқ.)*

Сўфийнинг озодлиги деганда тасаввуф аҳли солиқнинг башарий сифатлардан мутлақ қутулиши ва илоҳий фақр сифати бўлмиш пок руҳ кўринишида истиғно олами - Тангри таоло оламининг заруратлари бепоёнлигини куллан идрок этишини англаганлар. Сўфий яна «сирри соф, ақли етук, муҳаббат аҳлига дил боғлаган» (Кошифий) бўлиши, нафасидан бедардлар қалби бедор бўлмоғи керак. Сўфийлар руҳоният билан суҳбат қурадиган, кайҳону фалак асроридан мужда келтирадиган, фақрни ихтиёрий равишда бўйинга олиб, табиий ахлоқни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб этувчи, эзгулик йўлида жонини фидо қилувчидирлар, улар борлиқ ва йўқлик, замон ва макондан хориж, азалу абадни бирлаштирган мукарам зотдирлар.

Бундай кароматли инсонларни халқ азиз-авлиё, қудсий нафасли кишилар сифатида алоҳида эъзозлаган. Бу зотлар атрофдагилар онги ва шуурига қаттиқ таъсир ўтказганлар ва маънавият султонлари бўлиб майдонга чиққанлар. Уларнинг сўзи ва ҳаракати,

хислати ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Жаҳоннинг бутунлиги, ободонлик ва осойишталик Парвардигор файзини етказувчи шу табаррук зотларнинг дуоси, хайрли ишларига вобаста деб қаралган. Шу аснода авлиё - анбиёнинг меросхўри - давомчиси деган ақида шаклланган. Яъни, гарчи Пайғамбари охирзамон Муҳаммад(с.а.в.)дан кейин Пайғамбар келмаса-да, аммо қутби киром валилар ҳар замонда пайдо бўлиб, халқни ислом ҳақиқатларига ҳидоят этадилар, тўғри йўлга бошлайдилар. Чунончи, улуғ шоир Хусрав Дехлавий ўз пири Низомидин Авлиёни шундай кишилардан деб таъриф этади ва «Матлаъ ул-анвор» достонида бундай ёзади:

*Нури жаҳон аз қадами авлиёст,
Жони назар дар жасади тўтиёст.*

*(Кўзнинг равшанлиги тўтиё вужудида бўлганидай,
Жаҳоннинг нури авлиё қадамидандир).*

Алишер Навоий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомийни гарчи Хусрав Дехлавий каби пайғамбар давомчиси деб атамаса-да, лекин уларни «*муриди офоқ*», «*кошифи асрори Илоҳ*», барча ишлардан хабардор кароматли ва пок ниятли зотлар сифатида таъриф-тавсиф этади. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида:

*Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.
Йўқ мамоликка ниғаҳбон бўлиб,
Барча салотин уза султон бўлиб...
Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўруниб олида шоҳу гадо.*

Бу фақат шоирларнинг ҳаяжонли таъриф-тавсифи эмас, албатта. Буни ўрта асрлар кишисининг тафаккур тарзи ва дунёқараши ифодаси деб билмоқ керак. Сўфий ва дарвешлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Муқтадир шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб «девоналар», оддий дарвешларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ, дарвешчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган, хонақо удумлари шаклланиб, дарвешлар алоҳида бир тоифа табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган.

Тасаввуф бирданига юзага келган ҳаракат эмас, айтиб ўтганимиздай, тасаввуф ва дарवेशлик ҳаракати узоқ тадрижий тарихга эга. Олимлар тасаввуф тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: биринчи - зоҳидлик даври, иккинчиси - орифлик ва шиқлик даври. Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин.

Зоҳидлик даври сўфийлари (чунончи: Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий, Абуҳошим Куфий ва бошқалар) тақво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билган бўлсалар, кейинги давр сўфийлари тафаккурий-шуурий ривожланиш - яъни дунёни ва Илоҳни билиш, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Биринчи даврни тасаввуфнинг ибтидоий даври («аввалги давр») сифатида тилга оладилар. Орифлик даври деб атаганимиз иккинчи давр ҳам (бу IX аср ўрталаридан бошланади) бир неча босқичларга эга. Чунончи, IX-X асрлар - хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиш даври. XI-XII асрлар - тасаввуф мактаблари, силсилаларнинг таркиб топиш даври. Бунда Миср, Боғдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим рол ўйнаган. Натижада Миср, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топган.

XII - XIII асрлар тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор даврдир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145-1221), Муҳйиддин Ибн Арабий (1165-1240), Яхъё Суҳравардий (1155-1191) сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор (ваф. 1220), Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Жалолоиддин Румий (1207-1273) каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтирдилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Агар IX-XI асрларда тавҳид асосларини чуқурлаштиришга катта эътибор берилиб, тасаввуфнинг фано ва бақо каби тушунчалари, Ҳаққа восил бўлиш майли шиддат билан тарғиб қилинган бўлса, XIII аср ўрталаридан бошлаб, фалсафий-оқим тасаввуф тарихида «вахдат ул-вужуд» номи билан шуҳрат топди. Сўфийлар энди коинот тузилиши, олам ва одам муносабатлари, комил инсон англамалари билан бош қотирадиган бўлдилар. Натижада Ибн Арабий ва Жалолоиддин

Румий каби зотларнинг асарларида ўзига хос бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам кўп ажойиб фикрларни баён этдилар. Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига қамраб олиб, уни ривожлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада тасаввуф Шарқ кишининг тафаккур тарзи ва ахлоқ нормасини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди.

Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма-хиллиги сўфийлар ҳаёти ва дунёқарашига ҳам инчунин таъсир этиб турганини кўраемиз. Хусусан, сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги кураш сезиларли из қолдирган. Эрон олимлари, жумладан, «Тасаввуф истилоҳлари шарҳи» (Техрон, 1347 ҳижрий йили) номли қомус муаллифи Сайид Гуҳарин тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа мазҳаби қарашларининг таъсири борлигини таъкидлайди. Бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуштийлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларининг ролини кўрсатадилар. Тасаввуф амалиёти ва фалсафасида бу булоқларнинг самарали таъсири бўлиши мумкин. Бу ерда бошқа нарсани таъкидламоқ керак: биринчидан, исломий тасаввуф ўзи ўзлаштирган жамики нарсаларини ислом руҳида қайта ишлаб, шариатга мувофиқлаштирган. Иккинчидан, биз айтмоқчи бўлган фикр шуки, шиа ва сунний мазҳаблари орасидаги кураш тасаввуф силсилаларининг йўналишларини белгилаган. Чунончи, тайфурия, суҳравардия, ҳулулия, фирдавсия каби силсилалар кўпроқ шиачиликка мойил бўлсалар, яссавия, қодирия, нақшбандия сулуқлари сунний мазҳабида мустаҳкам турган тариқатлар эди. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий жидду жаҳди ҳам тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабига мослаштириш, уни шиачиликка хос жаҳру самоълардан тозалашдан иборат бўлган. Натижада нақшбандия сунний мазҳабли аҳоли орасида чуқур ёйилган.

Аммо Нажмиддин Кубро асослаган кубравия силсиласида шиа ва сунний мазҳабидаги кишилар бирга таълим олардилар. Чунки улуғ шайхнинг ўзлари мазҳаб ва маслакларга эътибор қилмаган. Нажмиддин Кубро вафотидан кейин эса шогирдларининг бир қисми

сунний тариқатига (Сайфиддин Бохарзий каби), бир қисми эса шиа асосидаги тариқатларга (Саъдиддин Ҳамавий каби) қўшилиб кетганлар.

Шу каби Жалолиддин Румий номи билан боғлиқ бўлган мавлавия мазҳаби ҳам сунний йўналишдаги тариқат бўлса-да, лекин диний ва мазҳабий айирмалар уларда у қадар аҳамиятли бўлмаган. Бугина эмас, Румий умуман динларнинг ўзини ҳам бир-биридан устун қўймай, уларни Оллоҳ сари олиб борадиган турли нуллар деб қараган.

Тасаввуф тарихи ҳақида гапирар эканмиз, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги даврни ҳам баҳолашимиз лозим бўлади. XV-XVI асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тўла тантана қилиб, гуллаган давр бўлди. Айниқса, Хожа Аҳрори Валининг амалий ва Маҳдуми Аъзам-Аҳмади Хожагоннинг илмий фаолиятлари туфайли нақшбандия мустаҳкамланди, нуфузи ошди ва Ҳиндистон, Арабистон ерларига етиб борди, Туркияга тарқалди.

Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келган эмас. Эрон ва Ҳиндистонда айрим янги тариқатлар шаклланган, лекин улар шохобчалар бўлиб, тасаввуф учун янги назарий ва амалий йўналиш бермади. Умуман XV асрдан кейин тасаввуфнинг назарий-фалсафий жиҳати сўна бошлади. Маҳдуми Аъзам рисолалари нақшбандия ақидаларини шарҳлаш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Ҳиндистонда бир қадар тафаккурий силжиш бўлган. Жумладан, «вахдатуш шухуд», «вахдати мавжуд» оқимларини янги фалсафий оқимлар деб қараш мумкин. Мирзо Бедил ижодига бу қарашларнинг таъсири бор. Яъни унда барча ишларни инсон шахси билан боғлаш, инсон ва унинг руҳини тадқиқ этишга уриниши бўлган. Бироқ, барибир XV асрдан кейинги даврда илгари тўпланган тажрибани ўзлаштириш, шарҳу тафсир қилиш ва тарғиб этиш билан шуғулланилди. Шунинг учун энг тоза ва журъатли фикрларни биз IX-XIII асрларда яшаган сўфийларда учратамиз. Тасаввуфнинг классик даври ҳам шу даврдир.

Тасаввуф ғояларининг сарчашмалари устида баҳс бўлганидай, биринчи сўфийлар ким эди, деган саволга ҳам турли хил жавоблар мавжуд. Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида («Мерос» нашриёти, 1994) келтириладиким, биринчи сўфий Одам алайҳиссаломнинг фарзандларидан бири Шиш деган киши эди. У оқ пўстин кийиб юргани учун шу номни олган. Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида биринчи сўфий сифатида ҳазрати Пайғамбаримизнинг замондоши ва муҳиби Увайс Қараний тилга

олинади. Лекин Абдурахмон Жомийнинг «Нафахотул унс» асарида биринчи марта эл орасида сўфий лақаби билан шухрат қозонган киши Абухошим Куфий эканлиги айtilган. Уни Абулхошим ас-Сўфий ал-Куфий ҳам дейдилар. Жомийнинг ёзишича, Абухошим Сўфёни Саврий деган бошқа бир атоқли дарвеш билан замондош бўлган экан. Сўфёни Саврий ҳижрий 191 (милодий 807) йилда оламдан ўтган. Абухошим эса Гуҳариннинг маълумотига қараганда, 788 йилда вафот этган («Шарҳи истилоҳоти тасаввуф», I жилд. Муқаддима, 55-бет). Сўфёни Саврий дейди: «Мен Абухошимни кўрганимга қадар сўфий нима эканини билмас эдим ва унғача ҳам зухд ва муомала ва вараъда, таваккул тариқи ва муҳаббат тариқида собит бузургворлар бор эдилар, лекин аввал кишиким уни сўфий деб атадилар ул эди ва унғача бирор кишини бу ном билан атамаган эдилар» («Нафахот ул-унс», Тошканд, 1913, 27-бет).

«Абухошим насроний роҳиблар каби узун жун кийим кийиб юрар ва ҳамиша тақво билан кун ўтказарди» (Гуҳарин, кўрсатилган асар, 53-бет). Сайид Содиқ Гуҳарин бундан ташқари Жобир бин Ҳаён (822 йилда вафот этган) ва Абдак Сўфий (821 йилда вафот этган)ларни ҳам дастлабки сўфийлар сифатида тилга олади. Шунини ҳам қайд этиш керакки, тасаввуф аҳли Чор ёри узом ва Расулulloҳнинг яқин саҳобаларидан Салмон Форсий ҳамда Имом Жаъфар Содиқни сўфийлик ва валийлик хислати кўринган улуг инсонлар сифатида эҳтиром билан тилга оладилар. Мазкур зотлар инчунин жувонмардларнинг пирлари сифатида ҳам зикр этилади. Бежиз эмаски, кўп сўфийлар ўз шажараларини шу уч зоти шарифга ёхуд уларнинг бирови воситасида Муҳаммад(сав)га олиб бориб боғлайдилар. Чунончи, «Назм ул- силсила» асари муаллифи Васлий Самарқандий (XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган) ургутлик Эшони Валихон силсиласини ёзар экан, ул кишининг сўфийлик нисбатини қуйидагича белгилаб чиқади: ҳазарти Муҳаммад(сав)дан Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳуга, ул кишидан Салмон Форсийга, ул жанобдан Имом Жаъфари Қосим разийаллоҳу анҳуга ул жанобдан Имом Жаъфар Содиқга, ул жанобдан Султон Абуязид Бистомийга, ул жанобдан Абулҳасан Харақонийга, ул жанобдан Хожа Али Формадийга, ул жанобдан Хожа Юсуф Ҳамадонийга, ул жанобдан Хожа Ориф Рефғарийга, ул жанобдан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга, ул жанобдан Хожа Али Рометанийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийга, ул жанобдан Сайид Амир Кулолга, ул Жанобдан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Алоуддин

Атторга, ул жанобдан Яъкуби Чархийга, ул жанобдан Хожа Убайдуллоҳ Ахрори Валига, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Зоҳидга, ул жанобдан Хожа Дарвешга, ул жанобдан Хожа Амкангийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Боқибиллоҳга, ул жанобдан Хожа Аҳмад Фирӯқ - Имом Раббонийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Саидга, ул жанобдан Хожа Абдулаҳадга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Обидга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Мусохонга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Сиддиқга, ул жанобдан Мавлоно Хусайнга, ул жанобдан Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳимга, ул жанобдан ҳазрати Эшон Хожа Валихонга сўфийлик нисбати ўтиб келган. Демак, нақшбандия сингиласи Салмон Форсий ва Абу Бакр Сиддиқ разийаллоху анҳумалар орқали Пайғамбаримизга олиб бориб уланган.

Шу зайлда, тасаввуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб кўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида санокли даражада зоҳид суфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машойихлар, сўфий дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай бу ўзига хос бир ҳаракатга айланди. Биргина Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул унс минал ҳазаротул қудс» номли китобида 664 та шайху сўфийнинг номи зикр этилади. Бу XV асргача яшаб ўтган атоқли сўфийлар тазкираси, ваҳоланки улардан кўпсининг номи Жомий китобида зикр этилмаган, Навоий уларнинг бир қисмини «Насойимул муҳаббат» асарига киритган. Шулардан юздан ортиқроғи Туронзаминда етишиб чиққан бузургворлар ҳисобланади. XV асрдан кейин ҳам яна қанча азизу авлиё яшаб ўтганлар.

Тасаввуф тарихи ҳақида қисқача нигоришимиз (обзор) ниҳоясига етар экан, яна бир нуқтани таъкидламоқчимиз: Тасаввуфда турли йуналишлар, яъни зоҳидона тасаввуф, орифона тасаввуф, ошиқона ва риндона тасаввуф оқимлари бўлгани каби сўфийлар ҳам турли қарашларга эга бўлган ҳар хил табиатли кишилар эдилар. Улар орасида зоҳидлар, мўътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, мажзуб девоналар, дарбадар қаландарлар, донишманд файласуфларни кўраимиз.

«Мавлоно Жалолиддин, унинг ҳаёти, фалсафаси, асарлари» номли китоб муаллифи, туркиялик олим Абдулбоқий Гулпинарли сўфийларнинг саккиз тоифасини ажратиб кўрсатади. Чунончи:

1. Ҳаёт ва дунё лаззатларига қаттиқ боғланган сўфийлар. Улар гуноҳу савоб, исён ва ахборни арзимас, ортиқча деб биладилар.

Шаръий амрлар жамият интизоми учундир, бизга у тааллуқли эмас, биз завқу ҳол кишиларимиз, тақводан халосмиз деб ўйлайдилар.

2. Коинотни Парвардигор зоти олами тажаллисининг сурати деб биладиган сўфийлар. Улар бу моддий дунёда фақат нақш ва рангларни кўрадилар, бутун оламни эса Парвардигорнинг зотидан иборат деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Мутлақ Илоҳ дунё суратида тажаллий этибдур ва моҳият Унинг ўзидир. Ошиқ ва Маъшуқ ҳам Удир, демак, ҳақиқий қибла ҳам Унинг Ўзидир.

3. Ҳамма нарсани Мутлоқ Илоҳ тажаллиси деб билиб, Исога ўхшаб фикр юритадиган ва ўнг юзингга шапатиласалар, чап юзингни ҳам тут, деган ақидани олға сурадиганлар. Улар зулмга эътироз билдирмайдилар, аммо мазлумларга иложи борича илтифот кўрсатадилар. Улар учун дунё ва унинг ишлари маънисиз, арзимас, инсон бурчини Илоҳни танишдан иборат деб биладилар.

4. Фалсафани, ақлни рад этувчи сўфийлар. Улар хаёл оламига ғарқ бўлиб, лохут оламидан сўз айтадилар, ўтмишдан ва келажакдан каромат қиладилар. «Ер юзидан хабарлари йўқ, аммо осмонни қадамлаб кезиб чиққандай гапирадилар. Оёқлари остидаги қудуқни билмайдилар, лекин сайёралар сайрию самовий ажойиботлардан сўзлайдилар» (Гўпёнарли, ўша китоб, 292-бет).

5. Ўз тасарруфларида фалсафа ва ҳикматни рад этмоқчи бўлган, лекин аслида сўфиёна ақидаларни фалсафий мушоҳадалар билан синовдан ўтказган, омухта этган сўфийлар. Булар орада қолганликлари учун шариат аҳли томонидан ҳам, тариқат аҳли томонидан ҳам маломатга учраганлар.

6. Тасаввуфнинг нозик ҳақиқатлари, фалсафа ва ҳикмат билан можароларини сезган ҳолда, аммо шариатдан кўнгил узолмайдиган сўфийлар. Улар тариқат одобини шариат аҳкомига сингдириб юборишга интиладилар ва тавҳид илмида мутаассиблар билан бир хил эътиқодда бўлишга уринадилар.

7. Шундай сўфийлар ҳам бўлганки, ўзларини замон Пайғамбари, кўқдан тушган Маҳди деб эълон қилганлар. Замона охир бўлгани, охират ва дунё бирлашгани ҳақида хабар берадилар, ўзларини Оллоҳ зотининг ердаги кўриниши, Буюк адолат даврининг асосчиси деб таништирадилар. Бундай уринишлар тарихда қонли фожеалар билан тугаган.

8. Аросатда, зиддиятлар ичида қолган сўфийнамо кишилар ҳам бўлган. Улар на тоза мусулмон, на бутунлай ғайри иймондирлар. Дардлари ичларида, ёниб, қийналиб юрадилар. Бирор динга ёки мазҳабга боғланмайдилар. Аммо уларнинг ботиний олами ниҳоятда

бой. Улар зоҳирларини беркитиб сир сақлаб юрадилар. Уларнинг аъмоли ва сўзларига диққат қилсангиз, зиддиятни кўрасиз. Барча ҳолларда Оллоҳга бандликни бажо келтирадилар ва айни ҳолда сурату сийратлар, расму русумларни писанд қилмайдилар, ахлоқу илмлари билан барчадан устунликларини намоеън этадилар, тақоват ва қобилиятлари ҳайратланарлидир.

2-мавзу:

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА МАНБАЛАРИ

Дарснинг мақсади:

Тасаввуф адабиёти ва унинг турлари, бошқа исломий илмларга нисбати, тасаввуфнинг тарихий ривожига жараёнида тасаввуф адабиётининг шаклланиши, ундаги асосий назарий қарашлар билан талабаларни таништириш.

Дарс режаси:

1. Тасаввуф адабиёти ва унинг турлари
2. Тасаввуф ва бошқа исломий илмлар
3. Тасаввуфнинг тарихий ривожланиш босқичлари ва тасаввуф назариясининг шаклланиши
4. Тарикатлар даври ва Ибн ал-Арабийнинг «Ваҳдат ул-Вужуд» назарияси
5. «Ваҳдат аш-шухуд» назарияси ва Янги даврда тасаввуфнинг таназулга юз тутиши

Таянч сўз ва иборалар:

Тасаввуф адабиёти, агиография, фалсафий-ирфоний асарлар, тасаввуфий тафсирилар, «Футуҳот ал-Маккия», «Фусус ал-ҳикам», Мансур Ҳаллож, «Китоб ат-тавосин», «Ал-инсон ал-комил» «Ат-таарруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф», «Қут ал-қулуб», «Кашф ал-маҳжуб», «Авориғ ал-маориф», «Табақот ас-суфия», «Тазкират ал-авлиё», «Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс» «Рашаҳот ал-айн ал-ҳаёт», «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақибанд», «Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин», «Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор» «Айн ал-ҳаёт фи тафсир ал-Қуръон» тарихий-маноқибий рисолалар, рисола, манқабалар, мақомот, тазкира, «Кимиёи саодат», «Ихёи улум ад-дин», «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ојизин», «Рисолаи одоби тариқ», «Қиссаи Машраб» Ҳаким Термизий, «Наводир ал-Усул», «Баҳр ал-Фавойид», «Шарҳ-и ҳадис-и арбаъин», асҳоб ас-суффа, Робиа ал-Адавийя, ишқи илоҳий, «фано», «бақо», футува, маломатия, нафс тарбияси, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, Ибн ал-Арабий, «Ваҳдат ул-Вужуд», «Ваҳдат аш-шухуд», Алоуддавла ас-Симноний, Аҳмад ал-Фаруқий.

1. Тасаввуф адабиёти ва унинг турлари

Ўрта асрлар шарқ тарихи ва адабиёти ҳақида тасаввуф адабиётини ўрганмасдан, унинг башарият тарихи ва тафаккурига таъсирини ўрганмасдан, тўлиқ тасаввуф ҳосил қилиш қийин.

Тасаввуф адабиётини ўрганиш шу жиҳати билан муҳимки, у ўрта асрларда жамиятнинг барча қатламларига ўз таъсирини ўтказган ва уларнинг тафаккур тарзи, дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир қилган.² Ўша даврларда яшаб, ижод қилган аксарият ижодкорларнинг асарлари тасаввуф таълимоти билан суғорилганлиги аниқ ва равшандир.

Тасаввуф адабиёти кўп маъноли тушунча бўлиб, унга биринчи навбатда тасаввуф назариясига оид илмий-фалсафий асарлар (Ибн ал-Арабийнинг «Футухот ал-Маккия», «Фусус ал-ҳикам», Мансур Ҳалложнинг «Китоб ат-тавосин», Абдулкарим Жилийнинг «Ал-инсон ал-комил» каби асарлари), илмий изоҳловчи асарлар (Қалабозийнинг «Ат-тааруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф», Абу Толиб ал-Маккийнинг «Қут ал-қулуб», Хужвирийнинг «Кашф ал-маҳжуб», Шаҳобиддин Сухравардийнинг «Авориф ал-маориф» каби рисоалари), тазкира типдаги асарлар (Сулламий ва Абдуллоҳ Ансорийларнинг «Табақот ас-суфия», Аттормнинг «Тазкират ал-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс» каби китоблари), мақомот ва маноқиб китоблари (Фаҳриддин Али Сафий «Рашаҳот ал-айн ал-ҳаёт», Муҳаммад Порсонинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин», Хожа Абдулҳақнинг «Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор» каби асарлари), тасаввуфий тафсирилар (Саҳл ат-Тустарийнинг «Тафсир», ас-Сулламийнинг «Ҳақойиқ», Нажмиддин Кубронинг «Айн ал-ҳаёт фи тафсир ал-Қуръон» каби асарлари) тааллуқлидир. Буларнинг кўпчилиги насрий асарлар бўлиб, баъзи бадий хусусиятларига қарамай асосан илмий-ирфоний ва тарихий-маноқибий рисоалардан иборат³.

² Шу ўринда Е.Э.Бертельснинг куйидаги сўзлари катта аҳамият касб этади: Суфиёна адабиётни ўрганмасдан Ўрта асрлар мусулмон шарқидаги маданий ҳаёт ҳақида аниқ тасаввуф ҳосил қилиш мумкин эмас.// Е.Э Бертельс .Суфизм и суфийская литература. М, 1965 стр.54.

³ Тасаввуф адабиётининг турлари Б.Н.Назаровнинг «Исломи агнографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари» китобида (Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2007, с.11-26) батафсил таснифланган.

Сўфиёна адабиётнинг энг кўп тарқалган тури ўрта асрларда юзлаб яратилган, форс тилида наср ва назмда ёзилган агиография жанрига оид бўлиб, бу турдаги асарларда муайян тарихатга асос солган шайхлар, пирлар, валийлар ёхуд уларнинг таълимотини ва амалиётини давом эттирган машойихларнинг барчага ибратли ҳаёти, фаолияти, кашфу кароматлари, башоратлари ва шу билан бирга уларга хос бўлган ҳавориқ одатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Агиографик адабиётнинг бошқа турдаги адабиётлардан фарқли ўлароқ ўзига хос хислатлари борки, уларни рус олимаси Н.Ю.Чалисова қуйидагича таърифлайди. «... агиографиялар (жития святых) уларда авлиёнинг биографиясига оид элементлар мавжудлиги туфайли тарихий (асарлар) дир, ахлоқий масалаларга тўғри жавобларнинг намойиш этилиши нуқтаи назаридан улар назарий асарлардир ва жанр нуқтаи назаридан ёндашилганда бадиий наср (намуналари) бўлганлиги ва диндорларга чуқур эмоционал таъсир кўрсатиши туфайли - поэтик (асарлар)дир». [77.140] Ушбу фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, агиографик асарларга ҳам тарихий, ҳам бадиий наср намунаси сифатида ёндашиш ва улардан муайян мақсадларда фойдаланиш мумкин.

2. Тасаввуф ва бошқа исломий илмлар

Тасаввуфнинг шахс маънавий камолотини энг биринчи ўринга қўйиши унинг исломий бирламчи манбаларга муносабатидаги методологик хусусиятларини белгилаб беради.

Масалан, Қуръони Каримнинг муташобих оятларини тафсир қилишда тасаввуф усуллари анъанавий усуллардан фарқ қилади. Маълумки, муташобих оятлар ортодоксал илмда инсон англаши мумкин бўлмаган оятлар ҳисобланади. Тасаввуфда Қуръоннинг эзотерик, яширин(ботиний) маъно-мазмунларига диққатни жамлаш ва муташобих оятларни англаш учун турли аллегориялар ва кўчма маъноли иборалар(тавиллар)дан фойдаланиш усуллари қўлланади. Юқоридаги методология бўйича амалга оширилган Қуръони Карим тафсирларидан энг машҳурлари қуйидагилар:

Абу Абдуррахмон Сулабийнинг(412ҳижрий./1021мелодий йилда вафот этган)«Ҳақойиқ ат-Тафсир»и;

Абдулкарим Кушайрийнинг(465ҳ./1072м.й.в.э.) «Латойиф ул-Ишора»си;

Абдурраззоқ Кошонийнинг(730х./1330м.й. в.э.) «Тавилот ал-Қуръон»и;

Неъматуллоҳ Нахжувонийнинг (902х./1496м.й.в.э.) «ал-Фавотиҳ ал-Илоҳийя»си;

Бурсалий Хаққийнинг(1137х./1725м.й. в.э.) «Рух ал-Баён»и.

Тасаввуфнинг Исломда ўз аҳамияти бўйича иккинчи ўринда турувчи бирламчи манба – Суннага муносабатида ҳам айнан шундай усуллар мавжуд. Тасаввуф классиклари ҳадисларни жамлашда уларнинг таркибидаги маънавиятга кўпроқ эътибор берардилар, лекин ортодоксал сунний муҳаддислардан фарқли равишда улар мазкур ҳадисларнинг саҳиҳлиги муаммоси ва уларни ривоят қилувчилар занжири мўътабарлигини текширишга деярли эътибор бермасдилар. Шу сабабли умумлашган «Китоб аз-Зухд» номи билан аталадиган сўфиёна ҳадислар тўпламларида ҳадисларни тизимга солувчи сунний муҳаддислар методологияси нўқтаи назаридан заиф ва ҳатто шубҳали ҳисобланадиган ҳадислар ҳам жамланган.

Тасаввуфдаги бундай ҳадислар тўпламлари орасида энг мўътабарлари қуйидагилар:

Ҳаким Термизийнинг(320х./932м.й. в.э.)«Наводир ал-Усул»и;

Абу Бакр Калабозийнинг(380х./990м.й. в.э.) «Баҳр ал-Фавоийд»и;

Аҳмад ар-Рифоийнинг(578х./1183м.й.в.э.) «Ҳолоту Аҳл ал-Ҳақиқа маоллоҳ»и;

Садр ад-Дин Кўневийнинг (673х./1274м.й.в.э.) «Шарҳ-и ҳадис-и арбаъин»и;

Ибн Абу Жамранинг(699х./1300м.й. в.э.) «Баҳжот ан-Нуфуз»и.

Тасаввуф фалсафасида ислом ҳуқуқи(фикҳ)га ҳам ўзига хос муносабат мавжуд. Худди бошқа ҳолатларда бўлганидек, ортодоксал ислом бағрида ривожланаётган тасаввуф ҳуқуқни инкор этмайди ва уни ислом динининг узвий қисми сифатида баҳолайди. Аммо айни пайтда ҳуқуқни ҳам маънавий асослашга интилади. Яъни, агар ислом ҳуқуқи соҳасидаги олим(фақиҳ) бирламчи манбалар ва тадқиқотларнинг муқобил методлари (ижтиҳод)га таянган ҳолда турли муаммоларнинг айнан ҳуқуқий ечимини топса, тасаввуф бундай ечимларга маънавиятни сингдиради, уларнинг қуруқ жонсиз Қонунга айланиб қолишига монелик қилади. Тасаввуф туфайли Қонун инсон томонидан бажариладиган мажбуриятгагина айланиб қолмайди, балки олий ахлоқий сифатларни ҳам касб этади. Демак, тасаввуф диннинг ҳуқуқий қонунлар, доғмалар доирасида қотиб қолишига ва Қонун ижросининг механик

тизимигагина айланиб қолишига йўл қўймайди. Ҳар бир қонун ортида яширин(ботин), ташқаридан кўринмайдиган жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, тасаввуф айнан шуларни ривожлантиради.

3. Тасаввуфнинг тарихий ривожланиш босқичлари ва тасаввуф назариясининг шаклланиши

Маълумки, мусулмон тадқиқотчилари ва тарихчилари тасаввуфнинг тарихий ривожланишини шартли равишда уч даврга бўладилар. Улардан биринчиси **зуҳд даври** бўлиб, бу давр Муҳаммад(САВ)нинг пайғамбарлик давлари ва уларнинг маънавий камолотга етишиш амалларини ўргана бориб, зоҳидликни ўзларининг турмуш тарзи қилиб олган айрим саҳобалар фаолиятдан бошланиб, кейинги авлодлар, яъни тобеъинлар ва табаи тобеъинлар даврини ҳам қамраб олади.

Расули Акрам(САВ) зоҳидона ҳаёт кечирганлар, жуда оз ва ҳаёт кечириш учун зарур нарсалар билангина кифояланганлар, дунёвий ҳою ҳаваслар кетидан қувмаганлар, ўз вақтларининг аксариятини ибодат ва рўзадорликда ўтказганлар, энг олий ахлоқий хислатлар намунаси бўлганлар. У кишини бойлик ва ҳокимият қизиқтирмаган.

Пайғамбар (САВ)нинг санаб ўтилган сифатлари мазкур маънавий камолотга етишиш амалиётининг давомчиларига айланган издошлари томонидан ҳар тарафлама синчиклаб ўрганиб чиқилган. Улар ҳақида юқорида зикр этилган тасаввуф тарихчилари ёзиб қолдирганлар. Баъзан бу асарларда хулафойи рошидин, яъни «тўғри йўлдаги халифалар» аталмиш 4 улуғ саҳоба (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (*розияллоҳу анҳума*)лар), Расули Акрам(САВ)-нинг оилалари аъзолари (Аҳл ал-Байт), Али(р.а.) авлодлари – Хасан, Хусайн, Али Зайн ал-Обидин, Муҳаммад Боқир, Жаъфар ас-Сиддик, ҳаётлик давларида жаннат башорат қилинган саҳобалар (*Аширо ал-Мубашширун*) ва бошқа баъзилар ҳам тилга олинади. Мусулмон зоҳидлиги пайдо бўлиши ва ривожланишида айниқса, «*Асҳоб ас-Суффа*» деб номланган кишилар гуруҳи намуна қилиб кўрсатилади. «*Асҳоб ас-Суффа*» муҳожирлар ва ансорларнинг энг камбағал вакилларида ташкил топган эди. Улар Мадина масжидида йиғилардилар ва соатлаб ибодат қилардилар ҳамда Муҳаммад Пайғамбар (сав)нинг барча сўз ва амалларини диққат билан кузатардилар, яъни маънавий амалиёт дарсларини бевосита Расули Акрам(сав)нинг ўзларидан олардилар. Булар орасида

айниқса, Абу Хурайра, Салмон ал-Форисий, Абу Зарр, Суҳайб ар-Румий, Абу Мусо ал-Ашарий ва бошқалар Расулиллоҳ(сав)нинг алоҳида эътиборига сазовор бўлганлар.

Мусулмонларнинг биринчи авлоди шакллантирган зоҳидона ималиёт кейинги авлодлар томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди. Улар орасида юзлаб машҳур зоҳидлар, жумладан, Ҳасан ал-Басрий, Увайс Қараний, Умар ибн Абдулазиз кабилар машҳур бўлганлар.

Ҳижрий II асрда зоҳидликнинг ривожини билан бир қаторда энди Оллоҳга муҳаббат ғоялари (Робия Адавия мисолида) пайдо бўла бошлади. Шунингдек, ҳижрий II аср охирларига келиб зоҳидликнинг биринчи мактаблари – Мадина, Басра, Куфа ва Хуросон мактаблари шакллана бошлади. Бу даврнинг машҳур зоҳидлари орасида Абухошим ас-Сўфий, Довуд ат-Тоъий, Робиа ал-Адавийя, Фузайл ибн Ийяд, Шақиқ ал-Балхий кабилар бўлганлар. Аммо бу даврда ҳали тасаввуфнинг асосларини белгилловчи принциплар ҳақида фундаментал асарлар ёзилмаган эди.

Тасаввуф назариясининг шаклланиши тахминан ҳижрий II аср охирларидан бошланади. Бу вақтга келиб энди «тасаввуф» термини пайдо бўлди, тасаввуфнинг назарий асослари, тушунчалари ва терминологияси шакллана бошлади. Кейинчалик эса, яъни ҳижрий III –IV(мелодий IX-X) асрларда мусулмон оламидаги турли диний, ҳуқуқий, фалсафий ва дунёқарашларга оид мактабларнинг умумий ривожланиши бошланди. Бу Аббосийлар салтанати даври бўлиб, Бағдод ҳамда халифаликнинг бошқа шаҳарлари дунёнинг илмий марказларига айланган эди. Бу даврда бошқа барча таълимотлар билан бир қаторда тасаввуф ҳам жўшқин ривожланиш йўлига кирди ва натижада, унга оид биринчи фундаментал назарий асарлар ёзилди, сўфиёна терминология тамомила шаклланди. Бу давр мутасаввуфлари(тасаввуф назариётчилари) инсон маънавияти, унинг руҳий ҳолатлари, маънавий-руҳий камолоти ва тозаланиши йўлидаги пиллапоялар(мақомлар)га тегишли муаммоларини тадқиқ этдилар. Айни пайтда баъзи мутасаввуфларнинг пантеистик дунёқарашлари ҳам кучайиб борди. Масалан, ал-Халлож ва ал-Бистомий томонидан «фано» (Оллоҳга руҳан сингиб кетиш орқали Ҳақиқий Моҳият билан бирлашиш ва унга эришиш) ва «бақо»(ўзининг «Мен»и Оллоҳга сингиб кетганидан сўнг Унда мавжуд бўлиш) каби пантеистик тушунчалар киритилди. Шунингдек, асослари Робиа ал-Адавийя томонидан шакллантирилган Оллоҳга чексиз муҳаббат(ишқ) ғояси ҳам ривож-

лана бошлади. Аста-секин бу ғоя атрофида Хасан ал-Басрий томонидан асосланган сўфиёна мотамсаролик ва Оллоҳдан қўрқиб ғоялари тарафдорлари ҳам жамландилар. Бу даврда Нишопур, Миср, Дамашқ, Бағдод, Мовароуннаҳр сўфийлик мактаблари вакиллари кенг ижодий фаолият олиб бордилар.

Нишопур тасаввуф мактабининг машхур вакили сифатида мистик-пантеист Боязид ал-Бистомийни (262ҳ./875м.й.в.э.) кўрсатиш мумкин. Унинг таълимотининг асосий ғояси – Оллоҳга сингиб киришиб кетган инсоннинг ўз «Мен»и йўқ бўлиши эди. Бу ҳолатни у «фано» деб атаган. Унинг таълимотида фанога ҳамроҳлик қилувчи ҳолатлар олий ҳаяжон ва Оллоҳга муҳаббатдан маст бўлишдир.

Нишопур мактабининг яна бир машхур вакили бўлган Яҳё ибн Муоз ар-Розий(258ҳ./871м.й.в.э.) тасаввуфга «(илохий) ишқдан маст» иборасини киритди. Унинг фикрича, ишқ ҳақиқати Маъшуқа билан учрашганда ошиб ҳам кетмайди ва У билан ҳижронда камайиб ҳам кетмайди.

Нишопур мактаби бағрида Абу Ҳафс ал-Хаддод(270ҳ./883м.й.в.э.) ҳам ўз таълимотини ривожлантирган. У бошқа одамлар фаровонлигини ўзиникидан устун қўйган(футувват) ва футувватни оғиздагина эмас, балки амалда фаол татбиқ этиш керак, деб ҳисоблаган.

Нишопур мактабининг яна бир мумтоз вакили Ҳамдун ал-Қассор(271ҳ./884м.й.в.э.) эди. Унинг таълимоти ўз ичига «малома» – нафсу-хирсларни маломатга солиш, улар билан курашиш ғоясини олган. У шунингдек, сўфий ўзининг ибодатлари, рўзалари ва Оллоҳга хизматининг бошқа турларини етарли эмас, деб билиши ва мунтазам равишда уларни кўпроқ бажаришга интилиши лозим, деб ҳисоблаган. Бундай ғоялар бирқатор Ислому уламолари томонидан танқидий қабул қилинган, зеро уларнинг назарида ибодатларда ўта чуқурлашиш, ундан доимий қониқмаслик динга турлича янгиликлар киритилишига сабаб бўлиши мумкин.

Миср мактаби ҳам тасаввуфнинг машхур мактабларидан бири бўлиб, Зун-Нун ал-Мисрий (245ҳ./859м.й.в.э.)унинг энг машхур вакили сифатида эътироф этилади. У ўз таълимотида тафаккурдан ташқарида турувчи(ботиний) билим (маърифат) ва Оллоҳга чек-чегарасиз муҳаббат ғояларига асосий ургу берган. Тафаккурдан ташқарида турувчи(ботиний), иррационал(важдий) билим ал-Мисрийда 3 даражага бўлинган. Биринчи даражадаги билимларга барча иймонли мусулмонлар эга бўладилар, иккинчи даражадагисига фақат Калом илми олимлари эришишлари мумкин, учинчи

даражадаги билимлар эса фақатгина Оллоҳ ҳузурини ўзининг бутун борлиги билан ҳис этадиган авлиёларга тегишли бўлади. Тафаккурдан ташқари(ботиний) билимларнинг айнан мана шу учинчи даражага оидларини Зун-Нун ал-Мисрий энг комил ва тўлиқ билимлар сифатида ажратиб кўрсатган. Бундай билим тафаккур, таҷриба, амалиёт, даллиллаш, исботлаш йўллари билан шикланмайди, балки кашф ва илҳом йўли билан инсон қалбининг тубидан чиқади. Тафаккурдан ташқари(ботиний) кашфу илҳомланиш Оллоҳнинг ўзи томонидан берилади ва Унинг ўз садоқатли хизматкорига нисбатан кўрсатган меҳрибонлигининг намойишидир. Ал-Мисрий Оллоҳ ҳақидаги антропоморф тасаввурларни нотўғри, деб ҳисоблаган. Зун-Нун ал-Мисрий, шунингдек, Оллоҳ томон яқинлашиш йўлидаги муайян маънавий босқичлар (мақомлар) ва руҳий ҳолатлар (аҳвол) ҳақидаги тасаввуфий таълимотнинг асосчиси, деб ҳам ҳисобланади. Унинг ғоялари кейинчалик Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарий, Абу Туроб ан-Нахшабий, Абу Абдуллоҳ ибн Желла, Абу Саид Харрозлар томонидан ривожлантирган.

Урта асрлардаги машҳур тасаввуф мактабларининг учинчиси Сурия мактаби бўлган ва бу мактаб вакиллари томонидан тунлари оч-наҳорлик ҳолатида бетиним шиддат билан ибодат қилиш амалиёти жорий этилган. Шу сабабли бу мактабни «Жуийя ва Аҳл ал-Лайл» номи билан аташган. Абу Сулаймон ад-Дароний (215ҳ./830м.й.в.э.) ва унинг шогирдлари Аҳмад ибн ал-Хаворий ҳамда Аҳмад ибн Осим ал-Антоқийлар Сурия мактабининг энг машҳур сўфийлари ҳисобланишади. Дароний фикрига кўра олий руҳий ҳолат ва тунлари амалга ошириладиган ибодатлардан олинадиган лаззат ҳар қандай бошқа ҳиссий лаззатлардан қиёслаб бўлмас даражада яхшироқдир. У «Аҳл ал-Лайл» одамларини уч даражага бўлган. Биринчиси – фикрловчилар ва йиғловчилар, иккинчиси – бу фикрлашдан чексиз шодлик ва хурсандлик ҳолатига тушиб қолувчи ҳамда буни баланд овоз билан ифодалаб турувчилар, учинчиси – ирфоний йўл моҳиятини тушунувчи ва тушуниш натижасида ўз-ўзини йўқотиб қўйиш ҳолатида турувчилар. Дароний шунингдек, кўпчилик сўфийлар сингари Оллоҳга чек-чегарасиз, бениҳоя шоду хуррамлик бағишловчи ва кучли ҳаяжон уйғотувчи муҳаббат ғояларини ҳам тарғиб қилган.

Бағдод мактаби тасаввуфнинг яна бир йирик мактаби сифатида қайд этилган. Бағдод тасаввуфининг машҳур вакилларида бири Маъруф ал-Кархий тафаккурдан ташқари турувчи (ботиний)

билимлар амалиёти (маърифат)ни Оллоҳ ва инсон ўртасидаги ўзаро муҳаббат ҳақидаги сўфиёна ғоя билан боғламоқчи бўлган. Унинг дунёқарашича, сўфийлар томонидан аксарият ҳолларда **Ал-Ҳақ** (*Мутлақ ҳақиқат*) деб номланган Аллоҳга муҳаббат тафаккур ва тажриба орқали англаниши мумкин эмас.

Бағдод мактабининг энг машҳур вакили Жунайд ал-Бағдодий (297ҳ./909м.й.в.э.) бўлган, деб эътироф этилади. Оллоҳ йўлида хизмат қилишда маст бўлиш (*сукр*) ва жазаба (*экстаз*) ҳақида сўз юритган Боязид ал-Бистомийдан фарқли ҳолда Жунайд ал-Бағдодий бу йўлда ақлу ҳуш жойида бўлиши, ҳушёрлик (*саҳв*) ғоясини илгари сурган. Унингча, инсонда руҳий кашфиёт фақат унинг ақлу ҳуши жойида ҳолатида, яъни экстатик ҳолатлар аралашмаган ҳолатда очилиши лозим. Шундай қилиб, Жунайд ал-Бағдодий рационал ибодат ғоясини ривожлантирди ва уни баъзи сўфийларнинг бениҳоя шоду хуррамлик ва кучли ҳаяжон асосидаги амалиётига қарама-қарши қўйди. Шунинг учун унинг аъъаналари сунний уламолар томонидан деярли тўлиқ йўл бериш мумкин бўлган қарашлар ҳисобланади.

Яширин, *эзотерик (ботиний)* билимларни яна бошқа бир машҳур бағдодлик Абу Саид Харроз ҳам (277ҳ./890м.й. в.э.) тарғиб қилган. Аммо у бу билимларни қўллашни шариатнинг зоҳирий мазмуни доираси билан чегаралайди. Унинг фикрича, ботиний билимлар ва улар билан боғлиқ мажозлар илоҳий кашфиётларнинг аниқ маъноларини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Бағдод мактабининг яна бир машҳур вакили Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож (305ҳ./917м.й. қатл этилган) биринчи бўлиб пантеистик «Ана'л Ҳаққ» (Мен – ал-Ҳаққ) шиорини асослади. Унинг фикрича, инсон Худо вужудига шунчалик сингиб кетади-ки, Холиқ(Яратувчи) ва махлуқ(яралмиш) ўртасидаги ҳар қандай фарқ йўқолади. Шу аснода инсон ўзлигини буткул йўқотиб, Тангри сифатларини касб этади. Мазкур нуқтаи назарларни тарғиб қилгани учун у ўша давр шариат пешволари томонидан қаттиқ қораланди ва узоқ йиллар зиндон қилинганда ҳам ўз ғояларини тарғиб қилишдан тўхтамагач, охири қатлга ҳукм қилинди. Шунга қарамай, кейинги давр сўфийлари орасида Мансур ал-Ҳаллож шахсияти фидоий авлиё сифатида улуғлаб келинди.

V-VI ҳижрий асрларда тасаввуф мактабларининг ривожланиши давом этди. Бу Аббосийлар халифалигининг ҳокимиятининг заифлашган ва мусулмон дунёсида Фотимийлар, Салжуқийлар, Уммавийлар(Испанияда) ва бошқалар каби давлатларнинг ташкил

топган даври эди. Бу давр тасаввуф назарияси ривожига ўз ҳиссасини қўшган машҳур мутасаввифлар қаторига Абу Абдур-рахмон ас-Суламий, Аҳмад Ғаззолий, Абу Нуайм ал-Исфаҳоний, Абусаид Абулхайр, Абдулкарим ал-Қушайрийларни кириш мумкин. Айнан шу даврда тасаввуф шеърляти ҳам ривожлана бошлади. Кўпчилик сўфийлар шеърлятда ўз ғояларининг рамзий мазмунини ифодалай бошладилар. Бу йўналишдаги шоирларнинг аксарияти форсийзабон назм вакиллари эди.

4. Тариқатлар даври ва Ибн ал-Арабийнинг «Ваҳдат ул-Шужуд» назарияси

VI-VII ҳижрий / XII-XIII мелодий асрларда дам-бадам юз бераётган ички низолар, шунингдек, салбчилар ва мўғулларнинг пайронгар юришлари натижасида муслмон дунёсидаги сиёсий вазият танглашди. Умумий таназзулнинг бу оғир даврларида аҳоли орасида маънавий қадриятлар, ахлоқий покланиш ва Аллоҳга бидқидилдан ибодат қилишга интилишлар кучайди, зеро айнан ислом динининг маънавий асосларидан четга чиқишлар муслмон халқларининг бундай умумий таназзулга юз тутишига сабаб бўлди, деб ҳисобланарди. Натижада тасаввуф тариқатлари ва тарғиботчиларининг обрў-эътибори кескин ортиб кетди ва улар муслмон ҳукмдорларининг алоҳида ҳурмат ва эъзозларига сазовор бўла бошладилар. Масалан, салжуқий султонлар тасаввуф тариқатларига ўз хонақоҳ(зовия)ларини қуришлари учун махсус ер майдонлари ажратиб берардилар. Бу хонақоҳлар жамият маданий ҳаётининг марказига айланиб борарди. Айнан мана шу юзйилликлар давомида тасаввуф марказлари шаклланди ва улар кейинги асрларда шу шаклда, яъни шаклу шамойилда сезиларли ўзгаришларсиз фаолият кўрсатиб борди. Сўфийлар Усманийлар салтанатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлар. Улар Анатолия ва Болқонда Исломнинг тарқалиши ва оммалашшига катта ҳисса қўшдилар. Асосий маълум ва машҳур тасаввуф тариқатлари айни шу даврда шакллана бошлади.

Айнан шу даврда мўътадил тасаввуфий қарашлар ва аҳли сунна уламоларининг бир-бирига яқинлашуви (келишуви) бошланди. Зикр этилган яқинлашиш жараёнининг асосчиси буюк муслмон файласуфи ва мутафаккири Абу Ҳомид ал-Ғаззолийдир. Айнан Ғаззолий саъй-ҳаракатлари сабабли тасаввуф тариқатларининг

кўпчилиги кейинги давр мусулмонлари орасида кенг урф бўла бошлади. Ал-Ғаззолийдан сўнг яшаб, ижод қилган улуғ ориф Ибн ал-Арабий (638х./1240м. й. в.э.) ижодида тасаввуфнинг асосий ғоялари ва принциплари мукаммал бир фалсафий-ирфоний тизимга солинди ва илк марта Мансур Халложнинг «Аналҳақ» принципида ўзлигини намоён қилган «Ваҳдат ул-вужуд» (вужуд бирлиги) назарияси ўзининг олий ифодасини топди.

Бу назариянинг моҳияти шундаки, фақат бир вужуд мавжуд ва у Аллоҳдир. Ундан ташқарида бошқа ҳеч қандай моҳияту мавжудлик йўқ. Моҳияту мавжудликларнинг барчаси Унинг мазҳари (кўринишлари) бўлиб, Унинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Яъни Аллоҳ билан моддий дунё мавжудотлари орасидаги муносабат худди мавжуд моддий нарса ва унинг сояси орасидаги муносабат каби бўлади. Маълумки, моддий нарсасиз унинг сояси ҳам бўлмайди. «Ваҳдат ул-Вужуд»(вужуд бирлиги) назариясига кўра бирор-бир мавжудотнинг борлиги унда Илоҳий кўринишлардан бири намоён бўлиб турибди, деб англашдан келиб чиқади, бундай англаш бўлмаса, демак, мавжудотнинг борлиги ҳам тасдиқланмайди. Мазкур назарияга мувофиқ ҳар бир *солик (тариқат йўлининг йўлчиси, яъни суфий)* Ҳақиқат(алҲаққ)дан ташқарида ҳеч нарса ҳақиқий борлиққа эга эмаслигига тўлиқ ишонади. Бу йўлга кирган инсон фақат бу дунё ҳою-ҳавасларидан мутлақо кўнгил узиш ва ҳар бир амалини Оллоҳ розилиги йўлида, яъни Оллоҳга ибодат даражасида бажариш орқали ўз маънавиятини камолотга етказиб, охир натижада илоҳий жазабага ноил бўлиши ва демакки, ирфоний, яъни ғайбий билимлар ҳосил қилиши мумкин. Маънавий камолотга интилиш амалиёти ва Яратганга чеку чегарасиз муҳаббатни ҳис этиш «йўловчини» кўринишлари бутун коинотни, шу жумладан, унинг ўзини ҳам эгаллаб олган ягона вужудни англашга олиб келади. Ана шундай кашф ҳолида у: «Анал-Ҳаққ» (Мен - Ҳаққман) дейишгача бориши мумкин. Бу ҳолатда «солик» ўзининг барча сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари, ахлоқи Оллоҳнинг ўзи томонидан амалга оширилганини англаб етади.

Табиийки, бундай қарашлар шариат ва зоҳирий илм эгаларининг ислом ҳақидаги тасавурларига мутлақо мос келмас эди. Натижада бундай фикрларни очиқ баён қилган сўфий алломалар «худоликка даъво» ширкида айбланиб, ўз вақтида шафқатсиз таъқибу қувғинларига дучор бўлишган. Масалан, араб дунёсининг ўша давр машҳур уламоларидан Ибн Жавзий (1116-1201) Мансур Халлож ва Абдуқодир Жилонийларни қоралаб рисоалар ёзган бўлса, Ибн

Таймия (1263-1328) Ибн ал-Арабий қарашларини куфр ва ширкка олиб борувчи хатарли ғоялар сифатида инкор этишга уринди.

Бундай қаршиликларга қарамай Ибн Арабийнинг ирфоний назарияси мусулмон дунёсининг кўпгина минтақаларида кенг тарқалди. Анатолияда Садриддин Қўнавий(623ҳ./1224м. й. в.э.), Фаластинда ва Мисрда Ибн ал-Фарид(632ҳ./1234м. й. в.э.), Туркияда Юнус Эмре «Ваҳдат ул-вужуд» ғоясининг машҳур тарафдорлари бўлганлар. Бундай қарашлар Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сида ҳам ўз аксини топган ва кейинчалик Европа файласуфлари орасида пантеистик қарашларнинг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатганлиги илмий доираларда эътироф қилинади.

5. «Ваҳдат аш-шухуд» назарияси ва Янги даврда тасаввуфнинг таназулга юз тутиши

Сўфийларнинг орасида ҳам «Ваҳдат ул-Вужуд»га яқдил муносабат мавжуд эмасди. Бу назарияни қарши бўлганлар унга муқобил бўлган ва сунний ислом уламоларига мақбул келувчи «Ваҳдат аш-шухуд»(шоҳидлик, гувоҳлик бирлиги) назариясини ишлаб чиқдилар. Бу назария биринчи марта машҳур кубравий сўфий Алоуддавла ас-Симноний (1261-1336) томонидан олға сурилган эди. Кейинчалик «Ваҳдат аш-шухуд» назарияси Имом Раббоний номи билан танилган Аҳмад ал-Фаруқий ас-Сирҳиндий (1564-1624) томонидан мукамал ишлаб чиқилди ва шу даврдан бошлаб кенг тарқала бошлади.

Ас-Симноний ҳар бир мавжудотда Илоҳий моҳият ва кўриниш жамлангани ҳақидаги ғояни рад этади. Унинг фикрича, Оллоҳ ҳам, У яратган моддий вужудлар ҳам реал ва мустақил равишда мавжуддир. Ас-Симнонийга кўра, маънавий камолотга эришиш амалиёти билан шуғулланаётган киши Оллоҳ билан ўзаро сингишиб кетишга (Ибн Арабий пантеизмидаги каби) эмас, балки У билан дийдорлашишга, Унинг яқинлигини ҳис этишга интилади. Айни аснода ас-Симноний Шариат аҳкомларининг барчасига сўзсиз риоя қилишни биринчи ўринга қўйиб, унга асосий аҳамият берарди. Унга кўра, фақат Ислом ақидаларига чин қалбдан риоя ва амал қилишгина маънавий камолотга етаклайди. Маънавий камолотга эришиш амалиёти Ислом динининг асосий аҳқому ақидаларига зид келмаслиги керак.

Ибн Арабийнинг «Ваҳдат ул-Вужуд»(вужуд бирлиги) ғоялари Нақшбандия тариқати тарафдорлари томонидан қабул қилинганига қарамай, Аҳмад ал-Форуқий бу назарияни танқид остига олади. Бундай танқиднинг асосий сабабларидан бири ҳинд ҳукмдори Акбаршоҳнинг ўз салтанати мусулмонлари, христианлари ва ҳинд динлари тарафдорларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб синкретик(қоришма, аралаш) дин тузишга интилиши бўлган. Бу «бирлаштириш»да Ибн Арабий ғояларига катта аҳамият берилган.

Аҳмад ал-Форуқий бундай «бидъат»ларга қатъий эътироз билдира бориб, ўз мактубларида ас-Симнонийнинг «Ваҳдат аш-Шухуд» (шоҳидлик, гувоҳлик бирлиги) назариясини ривожлантирди ва кенг тарғиб қилди. Унинг таълимотига кўра суфий ўз маънавий камолотида тасаввуфдаги маълум мақомларни босиб ўтар экан, айна пайтда Оллоҳ сифатларини касб этиб, Унинг вужудига сингиб кетмайди, балки фақат Унинг ҳузурини ҳис этади ва Унинг бирлигига шоҳидлик, гувоҳлик беради. Форуқий бу ҳолатни юлдузлардан келаётган нурни босиб кетадиган офтоб нурларига қиёслайди. Кучлироқ нурнинг борлиги кучсизроқ нурни кўринмай қолишига олиб келади. Аммо бу мазкур юлдузлар ва улардан таралаётган нурлар йўқ бўлиб кетади ёки кучлироқ нурга сингиб кетади, деган маънони англатмайди. Агар сўфий жазава(важд) ҳолатида ўзини Оллоҳнинг сифатларини касб этган ва Унинг вужудига айланган, деб ҳисобласа, ширкка кириб қолади. Шунингдек, Аҳмад ал-Форуқий «Барча нарса У(Оллоҳ)дир» пантеистик принципни ҳам рад этарди ва Оллоҳнинг исму сифатлари Ўзи яратган нарсаларда ўзининг айнан аксини топмайди, деган фикрни билдиради. Бунинг ўрнига Аҳмад ал-Форуқий «Барча нарса У(Оллоҳ)дандир» принципини киритди. Аҳмад ал-Форуқий ўз назариясида ақлу онг далилларига кўпроқ аҳамият берар ва кўпчилик тариқатларга хос бўлган ирфоний жазаба амалиётига ҳам қарши чиқарди.

Аҳмад ал-Форуқийнинг дунёқарashi ва унинг «Ваҳдат аш-Шухуд»(шоҳидлик, гувоҳлик бирлиги) назарияси аҳли суннанинг ислом ҳақидаги тасаввурларига бирмунча мувофиқ келарди. Шунинг учун бу назария зоҳирий уламолар қаршилигига учрамас ва шариат ва сунний тасаввуфни уйғунлаштириш имконини берарди.

XIV-XVI асрлар Мовароуннаҳрда нақшбандия тариқатининг буюк пирлари - Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий, Абдурахмон Жомий, Маҳдуми Аъзам сиймолари тимсолида тасаввуф энг юксак мавқеъга эришган бўлса, XVII асрдан бошлаб аста-секин

таназзулга юз тутди. Тасаввуф тариқатлари энди жамиятга ҳеч қандай янги ғоялар ва прогрессив тафаккур намуналарини таклиф қила олмай қолдилар. Улар Усманийлар салтанати ва мусулмон дунёсининг бошқа минтақаларидаги ижтимоий ҳаётга таъсир ўтказишда давом этардилар, аммо тасаввуф таълимотининг тадрижий ривожини бадийий ижодда Бедил ва назарияда Имом Раббонийдан кейин деярли тўхтаб қолган эди. Бу даврга келиб турли тасаввуф тариқатлари ўртасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб кетди. Гап шундаки, тасаввуф ўзининг тарихи давомида жуда катта миқдордаги тариқатларга бўлиниб кетган эди. Баъзи мусулмон тарихчиларининг фикрича, уларнинг сони 400 атрофида бўлган. Айтиш мумкинки, тасаввуф таназзули Усманийлар салтанати ва бошқа мусулмон давлатлари таназзули билан параллел борган. Тасаввуф ғоялари бу даврга келиб энди жамият ва давлатнинг тараққиётини белгилаб бера олмай қолди. Аҳмад ас-Сирҳиндий томонидан амалга оширилган диннинг ирфоний ва шаръий жиҳатларини уйғунлаштириш тамойили тасаввуфда зоҳидлик анъаналарининг янгидан кучайишига олиб келди ва энди тасаввуф тариқатлари борган сари ўз қобиғида ўралашиб қола бошлади. Янги давр мусулмон маърифатпарварларининг аксарияти мусулмон дунёсининг тўхтовсиз ривожланаётган Европадан ортда қолиб кетишининг асосий сабабларидан бири сифатида айнан мана шу тасаввуф ғояларининг ижтимоий воқелиқдан ажралиб қолганлигида деб билдилар.

Усманийлар салтанати қулагач, Ислом дини таъсири доирасининг торайиб бориши, Исломнинг бирламчи поклигига қийиш ва миллий назарияларни ривожлантиришга чақириқлар кучайиб кетиши сабабли тасаввуфнинг ислом дунёсидаги мавқеи сезиларли даражада пасайди. Шундай бўлса-да, ҳозирга кунгача ҳам тасаввуф таълимоти мусулмон дунёсининг баъзи минтақалари ижтимоий ҳаётида фаол рол ўйнашни давом эттирмоқда.

Тасаввуф таълимоти билан шуғулланган Европа олимлари бу ҳақда турли туман фикрлар билдиришган. Баъзиларнинг фикрича, «христиан аскетизми ва мистицизмнинг тасаввуфга таъсири яққол кўриниб туради»⁹ (1,295), бошқаларнинг таъкидлашича, «тасаввуф Ҳиндистон ва Юнонистон диний таълимотлари таъсири остида шаклланган»¹⁰ (2,11), учинчи гуруҳ вакилларининг айтишича эса,

⁹ E.W.T. Tomlin. Great philosophers of the East. London, 1959, p.295

¹⁰ J.P. Brown. Sufism. Madras, 1910, p.11

«тасаввуфнинг эмоционал моҳияти ҳинд файласуфларининг совук ва ҳиссиз таълимотларидан анча йироқ»¹¹(3,442). Рейнольд Никольсон ва Луи Массиньон тасаввуфда илк исломдаги аскетик йўналишлар эволюцияси натижасида шаклланган соф исломий ҳодисани кўрадилар. Уларнинг фикрича, тасаввуфда ғайримусулмон минтақалардан кириб келгандек туюладиган ғоялар тасаввуф таълимоти шаклланганига қадар ҳам мавжуд бўлган¹² (4,316). Тасаввуф таълимотини ҳар томонлама ўрганган Е.Э.Бертельс тасаввуфнинг илк муҳаддислар орасида вужудга келганини асослаган¹³(5,16).

¹¹ E.G. Browne. A literary history of Persia. London, 1909, p.442

¹² Петрушевский И.П. Ислам в Иране. Ленинград, 1966, с. 316. Nicholson R.A. A History Enquiry Concerning the Origin and Development of Sufism, in JRAS (Journal of the Royal Asiatic Society) of Great Britain and Ireland. – L: 1906, PP. 303-348.

¹³ Бертельс Е.Э. Избранные труды, т. 3. Происхождение суфизма и зарождение суфийской литературы. Москва, 1959, с.16

Мавзуни мустақкамлаш учун саволлар:

1. Тасаввуф адабиёти нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Тасаввуф адабиётининг бошқа исломий илмларга нисбати қандай?
3. Тасаввуфнинг Қуръон ва Суннага асосланишининг қандай хусусиятлари бор?
4. Тасаввуфнинг фикр илмига муносабати қандай?
5. Тасаввуфнинг тарихий ривожланиш даврлари қандай номланади?
6. Зухд даврида махсус тасаввуф адабиёти бўлганми?
7. Тасаввуф назарияларининг шаклланиши ва махсус тасаввуф адабиётининг пайдо бўлиши қайси асрларни ўзичига олади?
8. Тариқатлар даврида қандай назариялар шаклланган?
9. Ваҳдат ул-Вужуд назариясининг моҳияти қандай?
10. Ваҳдат аш-Шухуд назариясининг моҳияти нимада?

Мустақил таълим мавзулари:

1. Тасаввуф тариқатларининг ҳудудий ўринлари.
2. Маънавий-руҳий камолот йўлидаги мақомлар.

3-мавзу:

ТАСАВВУФ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Дарснинг мақсади:

Тасаввуф таълимоти тараққиётида тасаввуф терминологиясининг шаклланиши ва тартибга солиниши, унинг ўзига хос жиҳатлари, маънавий меросимизни англаб етишда тасаввуф терминларини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида талабаларга етарли маълумот бериш.

Дарс режаси:

1. Тасаввуф адабиётининг Ўзбекистонда ўрганилиши.
2. Илк тасаввуфий терминларнинг пайдо бўлиши.
3. Тасаввуф терминологиясининг тартибга солиниши.
4. Тариқатлар ва улардаги терминологиянинг ўзига хосликлари.
5. Марказий Осиёда тасаввуф терминларининг қўлланиши.

Таянч сўз ва иборалар:

Тасаввуф терминологияси, рисола, манқаб, мақомот, тазкира, зоҳидлик, мақомлар, муршид, обид, зоҳид, сўфий, мазҳаб, секта, орден, кубровийлик, яссавийлик, нақшбандийлик, қаландарийлик, ирфон босқичи, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат, вараъ, зуҳд, фақр, таваккул, ризо, ҳол (аҳвол), қурб, хавф, ражаъ, шавқ, унс, итмаъинна, мушоҳида, яқин, «Кимиёи саодат», «Ихёи улум ад-дин», «Футуҳоти Маккийя» «Тазкират ул-авлиё», Қалб, Рух, Фахруддин Али Сафий, «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт», Хожа Муҳаммад Порсо, Юсуф Ҳамадоний, хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий, мужаддийлик, Сўфи Оллоҳёр, «Маслаку-л-муттақин», «Саботу-л-ожизин», «Муроду-л-орифин», Абдураҳим Бухорий, «Рисолаи одоби тариқ», Мажзуб Намангоний, «Тазкирату-л-авлиё», «Рисолаи қаландарий» «Қиссаи Машраб» тасаввуф ва бадий ижод, муножот ҳамд, наът, тавҳид.

1. Тасаввуф адабиётининг Ўзбекистонда ўрганилиши

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тасаввуф адабиёти ва унинг манбаларини ўрганиш, тасаввуф тарихи, унинг шаклланиши босқичлари ва омилларига тегишли илмий муаммоларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай илмий-амалий муаммолардан бири сифатида тасаввуф терминологияси ва сўфийлар хос тилининг ўрганилиши ҳамда унинг филологик таълим тизимига татбиқ этилиши масаласи кун тартибидан ўрин олган. Сўфийлар хос тилининг чуқур рамзийликка эгалиги ҳамда унда тимсоллар олами ва фалсафий мушоҳадаларнинг қоришиб кетганлиги мазкур тилга хизмат қилувчи лугавий қатлам, яъни тасаввуф терминологиясини англашда ўзига хос мураккабликлар келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида тасаввуф терминларига тўғри ёндашув кўникма ва малакаларни шакллантиришга филологик таълимнинг тадрижий характердаги унвий қисми сифатида қаралиши зарурлигини кўрсатади.

Тасаввуф адабиёти ва унинг терминологияси Ўзбекистонда фақатгина мустақиллик давридан бошлаб жиддий ўрганила бошланганига қарамай, бу соҳада эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Тасаввуф илми ва амалиётининг асоси бутун китобларнинг онаси бўлган умми китоб – Қуръони каримга ва Пайгамбар (с.а.в.) ҳадисларига бориб тақалар экан, юртимизда испомшунослик илмининг тараққиёт йўлига чиқиши тасаввуф адабиёти тадқиқотлари доираси кенгайиши ва ривожланишига ҳам уш таъсирини кўрсатди. Офтобхон тўра Тарозий, Оловуддин Мансур, Шайх Абдулазиз Мансур, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф каби алломаларнинг заҳмати билан ўзбек тилида Қуръони каримнинг бир неча таржималари юзага келди. Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар томонидан қамланган саҳиҳ ҳадислар бир неча бор нашр этилди. Буларнинг ҳаммаси тасаввуф таълимотининг ўрганилишига ва унинг терминологияси секин-аста бўлса-да, халқ орасига сингишига, ширим номаълум истилоҳларнинг талқин қилинишига сабаб бўлди.

Тасаввуф адабиётининг назарий асослари рисола, манқабалар, мақомот, тазкира сингари жанрлар воситасида шаклланган. Демак, унинг аввал бундай назарий манбаларда тасаввуф терминларининг мақомини ўрганишга эҳтиёж туғилади. Зеро, тасаввуф терминологиясини кенг қамровли таҳлил этмай туриб, тасаввуф адабиётини ҳам, бу адабиёт яратилган мумтоз тил хусусиятларини

хам тўла ўрганиб бўлмайди. Марказий Осиёда яратилган тасаввуф адабиётидаги терминологизация жараёни ўзига хос тарихий-лисоний хусусиятларга эга бўлганлиги ҳам тадқиқотчи томонидан доимо ёдда тутилиши зарур.

Ҳозирги даврда Шарқ мамлакатлари тарихи ва адабиётидан озми-кўпми хабардор бўлган ҳар бир киши тасаввуф ғоялари ва сўфийларнинг фаолияти мусулмон мамлакатлари ижтимоий ва маданий ҳаётининг деярли барча томонларига катта таъсир ўтказганини яхши билади. Бу ўринда Низомий, Санойи, Аттор, Румий, Жомий каби деярли барча вакиллари сўфий бўлган форс мумтоз адабиётининг Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё минтақаларидаги мавқеи, қўлларида бутун бошли вилоят ва шаҳарлар устидан ҳукмронлик жамланган Хожа Аҳрор Валий ёки Сафиуддин Ардабилий каби тарихий шахсларнинг тегишли фаолиятлари ҳақида эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

2. Илк тасаввуфий терминларнинг пайдо бўлиши

Илк муҳаддислар даврида ҳали тасаввуф адабиёти умуман шаклланмаган эди ва тасаввуфнинг вужудга келиши масаласидаги фикрлар турли-туманлиги мана шу адабиёт танқислиги билан изоҳланиши мумкин. Хатто «сўфий» термини ҳам истеъмолга кирмаган бўлиб, илк сўфийларни «обид» (ибодат қилувчи), «зоҳид» (тарки дунё қилувчи) номлари билан атаганлар. Зоҳидлар диний машғулотлар, масалан, *зикр* (қисқа ибодат ёки муайян бир сўзни қайта қайта такрорлаш) билан шуғулланганлар, қолган пайтлари сув ташиш ёки саҳро тиканакларини ўтин сифатида тўплаб сотиш орқали ўз эҳтиёжлари учун пул топганлар. Бу ишларнинг барчаси ҳақиқий исломий таълимотларга амал қилиш қандай бўлишини кўрсатиш мақсадларида қилинган. Давр ўтиб бориши билан илк сўфийларнинг издошлари пайдо бўлди, тасаввуф эса анча оммалашиб қолди. Чунки тўлиқ зоҳидона бўлмаса-да, жуда камтарона яшашни одат қилган илк сўфийларнинг ҳаёт тарзи одамларни бу дунё неъмат лаззатларидан тийилишга чақирувчи, аммо ўзлари жуда катта бойликларни жамлаб қўлларидаги ҳокимиятни мустаҳкамлаб бораётган ҳукмрон доиралар вакиллари ва расмий руҳонийлар ҳаётидан кескин фарқ қиларди.

Аббосийлар даврига келиб Шарқ ва Ғарб мамлакатлари орасидаги маданий алоқалар ва ўзаро таъсирлар жадаллаша

бошлади. Уммавийлар Европа назарий ва амалий таълимотларини ўз таъсири остидаги минтақаларга киритмасликка ва уларни умуман кераксиз эканлигини уқтиришга ҳаракат қилиб келган эдилар. Ал-Маъмун (мелодий 813-833 йиллар) даврида эса Бағдодда махсус таржимонлар девони ташкил этилиб, улар юнон олимлари ва файласуфларининг илмий асарларини араб тилига таржима қила бошладилар. Бу ишда асосий эътибор тиббиёт ва фалсафага оид асарларга қаратилди.

Тасаввуф терминологиясининг шаклланиши бевосита тасаввуф адабиётининг тараққиёти билан боғлиқ. Дастлаб *суф* – *суфий* – *тасаввуф* каби умумқўлланишдаги терминларга муносабат шаклланди. Инглиз олими Р.Никольсон тасаввуфга берилган 78 таърифни йиғиб, уларнинг ҳар бирида иштирок этган терминларнинг маъно қамровини аниқлашга ҳаракат қилган¹⁴. Тасаввуф тарихида мелодий VIII асрларга келиб, ҳали *сўфий* термини фаол истеъмолга кирмай туриб, *обид*, *зоҳид* каби исм билдирувчи лексемалар истеъмолда бўлгани ва улар дастлаб *сўфий* маъносида қўлланилгани манбаларда қайд этилган. Шу даврда мазҳаблар ўртасидаги фарқларнинг юзага келиши, мазҳаб айирмалари ва уларга устивор мақом бериш учун кечган жараёнлар маълум маънода терминларда ҳам акс этган. Бунга биргина *ҳалол ва ҳаром* терминларига муносабатда, нимани ҳалолу ва нимани ҳаром деб белгилашда Иброҳим Адҳам, Зуннун Мисрий, Жунайд Бағдодий каби мутасаввифларнинг қарашларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шу аснода қайд этиш лозимки, *ҳалол ва ҳаром* терминлари замиридаги қарашлар, маънодаги фарқлар нафақат мутасаввифларнинг қарашлари ва мазҳаб айирмаларига, балки уларнинг ҳудудий жойланишига ҳам боғлиқ бўлган.

3. Тасаввуф терминологиясининг тартибга солиниши

Юқоридаги ҳолатлар илк сўфийларга араб бўлмаган файласуфларнинг асарлари ўз таъсирини ўтказганми ёки тасаввуф соф исломий ҳодисами, деган саволга аниқ жавоб бериш нақадар мушкуллигини кўрсатади. Лекин икки факт шак-шубҳасиздир:

¹⁴ Nicholson R.A. A History Enquiry Concerning the Origin and Development of Sufism, in JRAS(Journal of the Royal Asiatic Society) of Great Britain and Ireland. – L: 1906, PP. 303-348

биринчидан, зикр этилган барча таълимотларда сўфийликнинг назарий асосларига ўхшашлик мавжуд, иккинчидан эса, аббосийлар давридаги нисбатан эркин муҳит тасаввуфнинг кейинги тараққиётига йўл очган.

Тасаввуф таълимотининг тараққиётида уч асосий давр ажратиб кўрсатилади: биринчи давр(зуҳд даври) – мелодий VII асрдан IX асргача, иккинчи давр(тасаввуф даври) - X асрдан XII асргача бўлган муддатни қамраб олса, учинчи давр(тариқатлар даври) XII асрдан бошланган, деб ҳисобланади. Биринчи даврда, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳали тасаввуфнинг назарий асосларига бағишланган илмий асарлар вужудга келмаган, аммо шу аснода кўпчиликка тушунарли, асосан, Қуръони Каримдан олинган ва уларга янги маънолар киритила бошлаган ҳамда сўфийнинг муайян руҳий ҳолатини тавсифлаш учун зарур бўлган илк тасаввуф терминлари шакллана бошлаган. Бу даврда тасаввуф ҳали унчалик кенг тарқалмаган бўлиб, ҳудудий жиҳатдан кўпроқ Миср, Сурия ва Ироқ мамлакатларида тарқалган эди.

Тасаввуфнинг кейинги тараққиётига ўзининг ҳаёт тарзи ва сўзлари билан катта ҳисса қўшган илк мутасаввифлар қаторида Ҳасан Басрий, Зуннун Мисрий, Иброҳим Адҳам, Хорис ал-Мухосибий, аёллардан Робия ал-Адавия, Жаъфар Содиқ қизи Ойша, Нишопурлик Фотима ва Нафисалар кўрсатилиши мумкин. Юқорида зикр этилганидек, тасаввуф терминологияси асосан IX асрдан шаклланиш даврига кира бошлади. Масалан, Хорис ал-Мухосибий (Бағдодда 857 йилда вафот этган) сўфий етиша олиши мумкин бўлган руҳий ҳолатлардан бирига таъриф беради. Бу ҳолат «ҳол» термини билан аталади ва у кейинчалик жуда кенг истеъмолга киради. Бу даврда шунингдек, «фақр» (фақрлик), «таваккул» (ўзини Аллоҳга топшириш), «ризоз»(итоат, тобелик) каби терминлар ҳам ишлатила бошлаган.

Тасаввуф тараққиётининг иккинчи даври X асрдан бошланади ва тарафдорлари сонининг ортиб, ҳудудий тарқалишининг кенгайиб бориши билан характерланади. Сўфийлик хонақоҳлари Мағриб мамлакатлари, Хуросон, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатларида пайдо бўла бошлайди. Бу даврда тасаввуф терминологияси деярли тўлиқ шаклланиб, махсус тизим кўринишини олади ва ўз сир-асрорларидан бегоналар хабар топмаслиги учун сўфийлар фойдаланадиган алоҳида хос тил ҳам пайдо бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу давр мутасаввифлари орасида биринчи

даврдагидек бирдамлик ва яқдиллик кузатилмайди. Уларни шартли равишда икки йўналишга ажратиш мумкин:

1. Муътадил, яъни тасаввуфий ғояларни аста-секин, бошқичма-бошқич сингдиришга интилувчи йўналиш.

2. Ута кучли мистицизмга асосланувчи радикал йўналиш.

Биринчи йўналишга Бағдод мактабининг аксарият шайхлари, масалан, Абул Қосим Жунайд, Абу Бакр Шиблий ва бошқалар, иккинчи йўналишга эса, асосан, Хуросон мактабининг Абу Язид Бистомий каби шайхлари кирганлар. Иккинчи йўналишнинг моҳиятини машхур сўфий шайхлардан бўлган Мансур Халлож фикрида кўриш мумкин. Мутасаввиф шайхларнинг издошлари ёки муридлари эндиликда доимий ёки вақтинчалик асосда турли мамлакатларда турлича номланган (*хонақоҳ, зовия, рибат, такия*) дарвишхоналарда яшай бошлайдилар. *Мурид* (устоз) ва *мурид* (шогирд) орасидаги муносабатлар қоидалари ишлаб чиқилади. Шогирдлар ўз ирода-ихтиёрларидан тўлиқ воз кечишлари ва уларини устоз назоратига тўлиқ топширишлари талаб этиларди. Бу даврда доимий сафарда юривчи дарвишлар сони ҳам ортиб борди. Улар шаҳардан шаҳарга, мамлакатдан мамлакатга ўтиб, мутасаввиф авлиёлар мақбараларини зиёрат қилар ва айни пайтда, тасаввуф таълимотини кенгроқ ёйиб борардилар.

Тахминан XII асрдан бошлаб сўфийлик тарихида ўзига хос сифат ва миқдор ўзгаришлари билан характерланадиган учинчи давр бошланади. Бу ўзгаришларнинг энг муҳими сифатида тасаввуфнинг расмий мусулмон доиралари томонидан тан олиншини кўрсатиш мумкин. Бу ҳодиса мутасаввифларнинг ислом мамлакатлари ҳаётининг барча томонларига таъсири кучайганидан, бу таълимотни энди эътиборга олмаслик мумкин бўлмай қолганидан далолат берарди. XII асрнинг бошларида энг машхур ва йирик мутасаввиф даражасига етган Абу Хомид Ғаззолийнинг қатор асарлари ва улкан шахсий обрў-эътибори туфайли муътадил тасаввуф йўналиши исломий деб тан олинди ҳамда Ғаззолийнинг ўзи ўша даврнинг энг фахрли даражаларидан «шайхулислому» унвонига сазовор бўлди.

Бу давр аввалидан бошлаб барча ерларда мутасаввифларнинг жуда катта бирлашмалари ёки тариқатлари шакллана бошлади. Тариқат тарафдорларини ягона диний амалиёт ва назария (*тариқа*) бирлаштириб турарди. Мазкур даврда Абдул Қодир Ғилоний асос солган *қодирия*, Саид Аҳмад Рифоий асос солган *рифоия*, Жалолиддин Румий асос солган *мавлавия*, Абдухолиқ

Ғиждувоний асос солган *хожагон* (кейинчалик *нақшбандия*), Муйиниддин Чиштиий асос солган *чиштия* каби тариқатлар вужудга кела бошлади.

Энди мутасаввифлар «*тариқат*» (йўл) сўзи остида нимани тушунганлари ҳақида қисқача изоҳ бериш лозим. Бу масалада улар орасида яқдиллик кузатилмаган ва бу ҳолат турли тариқатлар, бошқача айтганда, диний амалиётнинг турли усуллари, яъни муридлар руҳиятига ёндашув ва уни ўзгартиришнинг турли методлари мавжуд бўлганлиги билан боғлиқ бўлган. Е.Э.Бертельснинг қайд этишича, мутасаввиф шайхлар ўз муридлари инон-иродасини синдириш орқали уларни ўзларига тўлиқ буйсиндириб, алоҳида психологик экспериментлар ўтказганлар ва муайян ютуқларга ҳам эришганлар (5,34). Масалан, шайхлар ўзларининг ўта ривожланган кузатувчанлик қобилиятларига таяниб, кишиларнинг юз ифодасидан унинг яширин фикри-истаклари ҳақида билиб олардилар ва бу муридлар томонидан каромат сифатида қабул қилинарди. Бундай шайхлар деярли барча мамлакату вилоятларда ўз хонақоҳларига эга бўлганлар ва шунинг учун ҳам тариқатнинг идрок этилиши турлича бўлган. Бундай тафовутлар одатда камолотга етишиш йўлини босиб ўтиш тартибини турлича тушунишга ва талқин этишга олиб келган. Албатта, барча учун умумий бўлган жиҳатлар борлигини ёдда тутиш лозим. Деярли барча мутасаввиф муаллифлар куйидаги босқичлар ёки камолот йўлидаги тўхташ жойлари (мақомлар)ни эслатиб ўтадилар. Мақомларни номловчи терминлар маъноси сўфийнинг муайян руҳий ҳолатига мос келади. Биринчи босқич – *тавба*, иккинчиси – *поқдомонлик* (*вараъ*), учинчиси – *ўзни тийиш* (*зуҳд*), тўртинчиси – *фақирлик* (*фақр*), бешинчиси – *сабр*, олтинчиси – *ўзни Оллоҳга топшириш* (*таваккул*), еттинчиси – *итоат* (*ризоя*). Бундай мақомлар турли тариқатларда турлича номланган бўлиши мумкин.

Тасаввуф назариётчиларининг фикрича, инсон муайян саъй-ҳаракатлар орқали мустақил ёки ўзининг устози ёрдамида мазкур босқичлардан ўта олади, яъни тегишли руҳий ҳолатларга етиша олади. Аммо шундай руҳий ҳолатлар борки, уларга фақат саъй-ҳаракат билан етишиб бўлмайди. Бу ўринда ҳол, яъни фақат Аллоҳгагина бўлган ва бошқа барча нарса-ҳодисаларнинг мавжудлигини ёддан чиқариб юборадиган ишқ инсонни ўз ихтиёрига олган ҳолат назарда тутилмоқда. Ҳол фақат илоҳий неъмат сифатидагина инсонга келиши мумкин, деб ҳисобланади ва ўзининг босқичларига эга: *яқинлик* (*қарб*), *муҳаббат*, *қўрқув* (*хавф*),

қилди (рижов), шавқ, дўстлик (унс), ором, юзма-юз келиш (мушоҳада), ишонч (яқин), йўқ бўлиш (фано), абадийлик (бақо). Буларнинг ҳар бири ҳолга етишишдаги руҳий ҳолатни ифодаловчи терминлар, деб ҳам қаралади.

Тасаввуф терминологиясининг мазмуни, маъно қатламлари, лексик хусусиятлари, семантик структурасини ўрганишда куйидаги тартибга риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

— тасаввуф терминологияси манбаларига тарихийлик тамойили асосида ёндашиш;

— тасаввуф терминларининг манбалардаги ўрнини белгилаш ва қўлланилиш доирасини аниқлаш;

— терминологиянинг ясалиш ва бойиб бориш босқичлари ҳамда тарраққиёт омилларини таҳлил қилиш;

— тасаввуф терминларини лексик-семантик хусусиятларга кўра таънифлаш;

— тасаввуф терминологиясининг семантик структурасини белгилаш ва бошқалар.

4. Тариқатлар ва улардаги терминологиянинг ўзига хослик-лари

Юсуф Ҳамадонийнинг «Рутбат ул-ҳаёт», Хожа Аҳмад Яссавийга нисбат берилган «Фақрнома», «Девони ҳикмат», Шайх Нажмиддин Кубронинг «Усули ашара», Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валийнинг мақомотлари, Хожа Аҳрор Валий қаламига мансуб рисолалар (Рисолаи волидия, Рисолаи ҳавория, Рисолаи анфоси нафиса)¹⁵, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», «Лисонут-тайр», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин», «Рисолаи волидия» (Хожа Аҳрор Валий рисоласининг шеърӣ таржимаси) ва Бобораҳим Машрабнинг «Мабдаи нур» асари ва девонидаги айрим ғазаллари (мас., «қаландар бўл, қаландар бўл» радифли ғазали) бундай ўрганишлар учун қизиқарли маълумотлар беради.

Ўтиборлиси шундаки, ушбу манбаларда муайян бир термин аини бир маънода қўлланилган эмас. Шунинг учун ҳам уларнинг қўлланилишида тариқатлар ёндашуви ҳам назарда тутилиши лозим бўлади. Масалан, яссавийлик тариқатида *зикр* термини *зикри жаҳрий* маъносини ифодоласа, нақшбандийликда *зикри хуфия* маъно-

¹⁵ Хожа Аҳрор Валий. Табаррук рисолалар. – Т: 1994

сини ифодолайди. Демак, *зикр* терминининг қўлланилиш доираси тариқат одоби меъёрлари билан белгиланади. Худди шу тарзда *мурид* ва *муршид*, *ринд* ва *бода*, тасаввуф мақомлари каби масалаларга муносабатда ҳам терминологик ўзгаришлар юзага келади.

Масаланинг шу каби жиҳатларини ўрганиш филологик таълим жараёнида тасаввуф адабиёти, унинг тимсоллар олами ва фалсафий жиҳатини ҳам тўғри англашга ёрдам беради. Шунинг учун дастлабки жараёнда тасаввуф адабиётининг ўқув луғатини тузишга амалий эҳтиёж бор. Чунки айти шу луғатгина ҳар бир терминнинг тасаввуфий маъносини оча олади.

Жалолиддин Румийнинг «мен 72 мазҳаб эгалари билан биргаман» деган сўзлари нафақат диндаги мазҳабчилик, балки тасаввуфий терминологиянинг шаклланиш омилларига ҳам боғлиқ. Чунки *мазҳаб ва тариқат* тушунчалари ҳеч вақт яқин келмаган. «Мазҳабчилик учун курашда маълум маънода сиёсий даъво – халифатга интилиш мавжуд, тасаввуфда эса таъма ва мансаб учун кураш ҳаром саналган»¹⁶.

Юқорида тилга олинган мутасаввифлардан Иброҳим Адҳам ватани Балх бўлса, Шайх Зуннун Мисрда яшаган ва Жунайд сўфийнинг қарашлари Бағдодда шаклланган. Шундай ҳудудий ҳолатнинг ўзи тасаввуф терминологиясининг турлича маънолар касб этишига сабаб бўлган. Кейинчалик эса улар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши, айрим тариқатларнинг юзага келиши билан боғлиқ ҳолда терминологиянинг шаклланиш омилларига таъсир кўрсатган яна бошқа манбалар аниқланган. Натижада тасаввуф тараққиётининг дастлабки босқичида терминологиянинг барқарорлашуви эмас, балки ҳар-хиллашуви жараёнини кузатиш мумкин бўлади.

Тасаввуф терминологиясининг шаклланишига сабаб бўлган омиллардан яна бири тариқатланиш даврига тўғри келади. *Тариқ* (йўл) термини билан бир қаторда *сулук (солик)*, *роҳ (ҳамроҳ)* каби сўзлар ҳам дастлаб умумий бир маънода синоним тарзида қўлланилган ва даврлар ўтиши билан бирга унинг айрим маъно қирралари қатъийлашиб, терминга айлана борган. Ҳатто айрим ўринларда деярли бир маънода қўлланилган *сулук ва тариқ* терминлари бирлашиб, *сулук ат-тариқ* (йўлни ўташ) тарзида терминологик бирлик ҳосил қилинган. Тариқатланиш жараёнидаги

¹⁶ Ислом тасаввуфи манбалари / Тасаввуф назарияси ва тарихи. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – С. 12.

ўмумий ҳодиса сифатида ҳар бир тариқатнинг ўз покланиш йўли, ибодат одоби ва зикр сифатларига эга бўла борганлигини кўрсатиш мумкин. Айни ҳолатнинг ўзи тасаввуф терминологиясининг шаклланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатган навбатдаги амиллардан бири ҳисобланади.

Тариқатни англатувчи термин айрим ғарб олимлари томонидан нотўғри талқин этилиб, *свкта*, *орден*, *братство* тарзида қўлланади, бу эса ўз навбатида *тариқат* терминини *мазҳаб* термини билан аралаштириб юборилишига сабаб бўлган. Ҳатто ғарб оламидаги энг эътиборли манбалардан ҳисобланган Ж.Тримингэмнинг «Суфийские ордены в исламе» китобида¹⁷ ҳам европаликларга тушунилиши қулай бўлиши учун тариқат *орден* термини билан берилганки, бунга асло қўшилиб бўлмайди. Айни йўналишда Е.Э.Бертельс танлаган усул¹⁸, яъни ҳар бир терминни таржима қилмасдан ўзини бериш ва изоҳлаб кўрсатиш мақсадга мувофиқ саналади.

Тасаввуф таълимоти ва адабиётининг юксак тараққиётга эришган даврларидан бири тасаввуф тарихидаги *ирфон босқичи* ҳисобланади. Бу даврнинг милодий XII-XIII асрларга тўғри келиши ва унинг тасаввуф тарихидаги мумтоз давр сифатида қабул қилиниши проф. Н. Комиловнинг асарларида изчил асосланган¹⁹. Мана шу даврда тасаввуфнинг руҳий (руҳоний), илмий-таълимий ва амалий асослари шаклланиши туфайли бир қатор терминларнинг шаклланиши Ирфон босқичининг маҳсули сифатида қаралиши мумкин. *Шариат*, *тариқат*, *маърифат* ва *ҳақиқат* каби босқичлар ва унга эришилиш йўлидаги етти мақом: *тавба*, *вараъ*, *зуҳд*, *фақр*, *сабр*, *таваккул*, *ридо* ҳамда тасаввуфдаги ҳол (*аҳвол*) баёнидаги ҳолатлар: *қурб* (яқинлик), *маҳабба* (севги), *хавф* (хатар), *ражаъ* (умид), *шавқ* (эҳтирос), *унс* (дўстлик), *итмаъинна* (қалб босойишталиги), *мушоҳида* (идрок) ва *яқин* (ишонч) терминлари шу даврда шаклланиши унутмаслик лозим²⁰. Ирфон босқичининг тасаввуф тарихида муайян ўрин олишида ва келгуси тараққиётга нисбатан зарур омил бўлишида Зайнуддин Муҳаммад Ғаззолий («Кимийе саодат», «Ихёи улум ад-дин»), Ибн Арабий («Футухоти

¹⁷ Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч. О.Ф. Акимускина). – М.: Наука, 1989.

¹⁸ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 14-15.

¹⁹ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: 1999. – Б. 57.

²⁰ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965. – С.38.

Маккийя»), Фаридиддин Аттор («Тазкират ул-авлиё», «Мантиқ ут-тайр»), Мавлоно Жалолиддин Румий («Фиҳи ма фиҳи», «Маснавийе маънавий») каби мутасаввифларнинг фаолиятини алоҳида тилга олиш керак.

5. Марказий Осиёда тасаввуф терминларининг қўлланиши

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг шаклланишида Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) томонидан Бухорода асос солинган тасаввуфий мактаб характерли ўрин тутди. Шайх Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихидаги хизматларидан яна бири Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андокий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний каби улуғ мутасаввиф шогирдларнинг етказиб берилишидир. Маълумки, Ўрта Осиёда шаклланган тариқатлар маълум маънода Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий ва Абдуллоҳиқ Ғиждувоний фаолиятлари билан боғлиқ. Шундай экан, *кубровийлик*, *яссавийлик* ва *нақшбандийлик* каби тариқатларнинг шаклланиши тасаввуф терминологиясининг кенгайишига ва янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлган.

Кубровийлик тарқатининг шаклланиши унинг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221) фаолиятига тўғри келади. *Кубровийлик* айрим манбаларда *заҳабийлик* деб юритилган. Бу таълимотнинг назарий асослари «Ал-усул ал-ашара», «Фавотиҳу-л-жамол» каби рисоаларда акс этгани, ушбу рисоаларида тўрт мавжудлик ҳақиқати: *Вужуд*, *Қалб*, *Рух* ва *Виждон* каби тушунчалар тариқат моҳиятини акс эттиргани ва бу терминларнинг фаоллашуви билан тариқат фаолиятининг кенгайганини ҳам унутмаслик лозим бўлади²¹. *Кубравийлик* тариқатидан, Ж.Тримингэмнинг ёзишича, *фирдавсийлик*, *рукнийлик*, *нурбахшийлик* ва бошқа тариқатлар илдиз отган²². Проф. Н. Комилов эса, «Кубравиядан *фирдавсия*, *нурия*, *рукния*, *ҳамадония*, *ифтишошия*, *нурбахшия* каби тоифалар ўсиб чиққан» дея таъкидлайди²³. Демак, биргина тариқатнинг шаклланиши қатор илмий ва маънавий жиҳатларнинг ва уларнинг инъикоси сифатида юзлаб терминларнинг вужудга келишига сабаб

²¹ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: Моварауннаҳр, 2004. –Б.11.

²² Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч. О.Ф. Акимовича). – М.: Наука, 1989. – С. 16.

²³ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – Б.29.

булган. Худди шу хулосани *яссавийлик (жаҳрийлик)* тариқати га нибатан ҳам қўллаш мумкин²⁴. Фақат яссавийликка доир терминологиянинг тараққиётида иккинчи, яъни сезиларли босқич ўрта Осиёда XVI асрдан кейин юзага келганини таъкидлаш лозим. Чунки Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) ва ўзбекхонлар кулопасининг давлат тепасига келиши билан яссавийлик яна қайта «янгиланди ва мамлакат бўйича ҳукмрон доираларда асосий тариқат ўзини олди. Бу даврда яссавийликка доир ўнлаб асарлар яратилди, аввалгилари қайта кўчирилди, ҳатто бизгача етиб келган яссавий тариқатига доир манбаларнинг деярли кўпчилиги мана шу давр маҳсули эканлигини унутмаслик керак.

Хожагон ёки нақшбандийлик тариқати Хожа Абдулхолиқ Гийждувоний (1103 й. туғ.) фаолияти билан вужудга келган. *Хожагон* тариқатининг вужудга келиши ва терминологик омилларининг шаклланиши бевосита ушбу таълимотнинг асосий қоидалари билан боғлиқ. Бу қоидалар Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айни-л-қабл», Хожа Муҳаммад Порсонинг «Фаслу-л-хитоб» асарларида акс этган ва кейинроқ *нақшбандийлик* номи билан мустақил тариқат шифатида эътибор топган экан, ушбу ҳолатга тасаввуф терминологиясининг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ муҳим омил деб қарамоқ лозим. Юсуф Ҳамадоний томонидан асос қилинган қоидалар *рашҳа* (томчи)ларда акс этган экан, дастлабки *хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман* каби терминлар Абдулхолиқ Гийждувоний томонидан *фидкард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт* тушунчалари билан бойитилган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти туфайли ушбу тариқатда *вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий* каби қоидаларининг шаклланиши терминологиянинг тараққиётида ҳам муҳим босқич саналади. Чунки терминлар ифода этаётган ҳодиса, ҳолат, ҳолат ва бошқа жараёнлар тасаввуф адабиётининг янгиланишига олиб келади. Тасаввуф адабиётининг тараққиёти боса, ўз-ўзидан инсоният маънавиятининг ривожланишини белгиловчи омиллардандир. Шундай экан, тасаввуф терминологиясининг шаклланиши ва тараққиётига ҳам халқ маънавиятининг юксалишига сабаб бўладиган омиллардан бири деб қарамоқ лозим.

²⁴ Бу ҳақда «Яссавийлик тариқати манбаларида («Фақрнома», «Девони қикмат») терминология масалалари» мақоламизда махсус тўхталганимиз учун фикрни кенгроқ давом эттириш ҳолат бўлмаса керак. Қ: ТДШИ профессор-ўқитувчилари конференцияси материаллари. – Т: ТДШИ, 2009, Б.29-32

Марказий Осиёда тасаввуф терминологиясининг тараққиёт омиллари хусусида сўз кетар экан, худди яссавийлик тариқатининг кенгайишига ва узоқ яшаб келишига шайбонийлар томонидан амалга оширилган илмий ва маънавий ҳаракатлар сабабчи бўлгани каби нақшбандийлик таълимотининг XVII асрдан кейинги янгиланиши унинг нафақат кенгайишига, балки жаҳон бўйлаб энг чуқур илдиз отган таълимотлардан бирига айланишига сабаб бўлган²⁵. *Мужаддийлик ёки нақшбандийликнинг янгиланиш даври* Сўфи Оллоҳёр (1644-1721) ва унинг асарларида ўз аксни топган. Унинг «Маслаку-л-муттақин» («Тақводорлар маслаги») асари тасаввуфшуносликда нақшбандийликнинг янгиланиш жараёни билан боғлиқ нуқта саналади²⁶. Ушбу асар ҳақида рисола эълон қилган С.Рафиддиновнинг қайд этишича, Аллоҳнинг саккиз субутий сифати: *ҳаёт, илм, қудрат, басар, самъ, урода, калом, тақвон* айни асар орқали нақшбандийлик эътиқоди билан боғлаб тушунтирилади²⁷. Шунингдек, Сўфи Оллоҳёрнинг «Саботу-л-ожизин», «Муроду-л-орифин», «Сирожу-л-ожизин», «Нажоту-л-толибин» ва «Махзану-л-мутеъин» асарларида ҳам бу жараён ўз аксини топган.

Маълумки, хожагон ёки нақшбандийлик таълимотининг асосий асарлари форс тилида яратилган. Шундай экан, тасаввуф терминологиясининг шаклланишида ушбу тилдаги сўзларнинг ўрни ва терминларнинг форсий адабиёт доирасида жуда кенг миқёсда қўлланилиши ва юзлаб рисолалар, лугатлар ва бошқа манбаларнинг вужудга келиши тасаввуф терминологиясининг тараққиётига тегишли бўлган навбатдаги зарурий омиллардан бири саналади.

Марказий Осиёдаги тариқатлар орасида алоҳида ўрин эгаллаган *қаландарийлик* ҳақида куйироқда зикр этилган айрим манбалар унинг ҳали тариқат шаклини олмагани, айримлари эса фақат силсила ёки адабий йўналиш сифатида тараққий этганини тилга оладилар. Биз ушбу жараёнга ҳам тасаввуф терминологиясининг тараққиётидаги омиллардан бири сифатида қараймиз. Қаландарийликнинг одоб ва сифатлари акс этган Абдураҳим Бухорийнинг «Рисолаи одоби тариқ», Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаланда-

²⁵ Девин Ди Уис. Маша'их-и турк и Х^оаджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа / Суфизм в Центральной Азии. – М.: Наука, 2002. - С. 211-224.

²⁶ D. De Weese. The Masha'ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links Between the Yasavi and Naqshbandi Sufi traditions. Journal of Islamic Studies.vol.7 Number 2 July 1996. - P.187.

²⁷ Сайфуллоҳ С. Фатво ва тақво китоби. – Т.: Фан, 2005. – Б.16.

нинг, Маъжуб Намангонийнинг «Тазкирату-л-авлиё», номаълум муаллифнинг «Рисолаи қаландарий» асарлари тасаввуф терминологиясининг муҳим қатламларини ўзида жамлаган манбалар сифатида тасаввуф тарихига киради. Бу ҳолат Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг тарқалган манба «Қиссаи Машраб» («Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб» номлари ҳам учрайди)да ва Машраб девонининг айрим ғазал ва мустаҳзодларида ҳам акс этгани учун у алоҳида адабий ҳодиса сифатида қаралишга ва тадқиқ этилишга лойиқ илмий муаммодир. Айни шу ўринда юқорида етарли даражада тилга олинмаган *тасаввуф ва бадий ижод* масаласини ўрганиш кун тартибига чиқади ва тасаввуф терминологиясининг шаклланиш ва тараққиёт жараёнида бу омил алоҳида аҳамият касб этади. Унинг ўрганилиши нафақат тасаввуф адабиётининг, балки мумтоз адабиёт масалаларининг ҳам ечилиши ва тўғри талқин қилиниши билан чамбарчас боғлиқдир. Масаланинг бу жиҳати тасаввуф терминологиясининг назарий рисоаларда қўлланилиши билан боғланган жараёни тўлдирди, унинг амалий аҳамиятини оширади ва қатор бадий асарлар орқали бу терминологиянинг оммаллашиб боришига сабаб бўлади.

Тасаввуф адабиётининг тараққиёти бу таълимот акс этган жанрлар тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Унинг тарихий ривожланиши давомида ёзма адабиётда *тазкиратул авлиё*, *маноқиб*, *мақомот*, *муножот* каби жанрлар вужудга келди. Бу жараёнда фақат бадий маъно ташиган жанрий атамалар ҳам энди тасаввуф адабиётининг тараққиётига хизмат қила бошлагани маълум. Бадий адабиётдаги ғазал, рубоий, дoston, фард каби жанрларда ҳам тасаввуфий адабиёт намуналари яратилди. Айрим ийрик асарларнинг муқаддималарида учраган *ҳамд*, *наът*, *тавҳид*, *муножот* сингари анъанавий бошланмалар ҳам маълум маънода тасаввуф терминологиясининг тараққиётига хизмат қила бошлади.

Демак, тасаввуф терминологияси ўзининг шаклланиш ва тараққиёт давомида бир неча босқичларни, унинг шаклланишига жиддий сабаб бўлган ва таъсир кўрсатган омилларни бошдан кечирди. Бунда зикр этилган омилларнинг мазкур Терминологик пласт шаклланишига чамбарчас боғлиқ ҳолда таъсир ўтказганини доимо назарда тутиш керак. Қуръони карим ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларидан бошланган жараён ва тасаввуф адабиётининг тараққиёти, диндаги мазҳабчиликнинг вужудга келиши ва тариқатланиш муносабатлари, тасаввуф тарихидаги Ирфон босқичининг хусусиятлари, Марказий Осиёда тасаввуф терминологиясининг

гиясининг шаклланишида муҳим омиллардан бўлган Хожাগон тариқатининг вужудга келиши, Яссавийлик тариқатининг кенгайиши, Нақшбандийлик таълимотининг XVII асрдан кейинги янгилашнинг таъсири (мужаддидийлик ҳаракати) ва Қаландарийликнинг вужудга келиши каби омиллар ҳам ҳисобга олиниши зарур. Бундан ташқари, терминларнинг форсий адабиёт доирасида қўлланилиши, бадий асарлардаги тасаввуфий истилоҳлар, уларнинг хорижий тилларга таржима этилиши билан боғлиқ манбаларгагина таяниш лозим.

Мавзуни мустақамловчи саволлар:

1. Тасаввуф адабиётининг Ўзбекистонда ўрганилиши тарихи нималар биласиз?
2. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач бу соҳадаги тадқиқотлар доираси кенгайдими?
3. Тасаввуф терминологиясининг тасаввуф адабиётидаги ўрни ва аҳамияти қандай?
4. Тасаввуф тараққиёти даврларининг терминологик хусусиятлари қандай бўлган?
5. Илк тасаввуф терминлари қандай тартибда ишлатилган?
6. Тариқатлардаги терминология шаклан ва мазмунан бир хил бўлганми? Уларнинг ўзига хосликларига мисол келтиринг.
7. Тасаввуф терминларнинг маъноларига мисол келтира оласизми?
8. Тасаввуф терминлари маъноларининг шаклланишига ҳудудий хусусиятлар қандай таъсир ўтказиши мумкин?
9. Тасаввуф терминлари маъноларининг шаклланишига мазҳабий, хусусиятлар қандай таъсир ўтказиши мумкин?
10. Тасаввуф терминлари маъноларининг шаклланишига тариқат хусусиятлари қандай таъсир ўтказиши мумкин?
11. Тасаввуф терминлари шаклланишида Ирфон даврининг ўрнига мисоллар асосида баҳо беринг.
12. Марказий Осиёда тасаввуф терминларининг қўлланишидаги ўзига хосликлар ҳақида нима дея оласиз?

Мустақил таълим мавзулари:

1. Термин ва унинг дефиницияси.
2. Терминологик маъно шаклланиши босқичлари.
3. Марказий Осиёда тасаввуф терминлари шаклланишининг босқичлари.

4 мавзу:

ТАСАВВУФ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ

Дарснинг мақсади:

Тасаввуф лексикасининг ўзига хослигини Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида кўрсатиб бериш, уларни таснифлаш, жумладан, лексик ва контекстуал терминлар, тасаввуф терминларининг бевосита ва билвосита маъноларининг фарқ-лиқини тушунтириш ва абжад ҳисобининг тасаввуф терминлари билан боғлиқ жиҳатларига талаба диққатини жалб этиш.

Дарс режаси:

1. Тасаввуф лексикасининг ўзига хослиги.
2. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида арабий улашма терминлар.
 - A. Лексик терминлар.
 - B. Контекстуал терминлар.
3. Тасаввуф терминларнинг бевосита ва билвосита маънолари.
4. Абжад ҳисоби ва тасаввуф терминлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Сувфийларнинг хос тили, рамзийлик, ишоралар тили, тасаввуфий қатлам, туб ва ўзлашма қатлам, афоризмлар, фразеологизмлар, онимлар, рамзий сўзлар, лексик термин, контекстуал термин, ориф, олим, Алишер Навоий, «Насойим ул-муҳаббат», Абдурахмон Жомий, «Нафаҳот ул-унс», бевосита маъно, билвосита маъно, бода, соқий, маъшуқа, жонон, комил инсон, бўса дарвиш, харобот, майхона, абжад тизими, Зуннун Мисрий, Жалолиддин Румий

1. Тасаввуф лексикасининг ўзига хослиги

Набиларга Аллоҳ ваҳий юборади, олимлар ақл ва тафаккурга таяниб сўз юритадилар, валилар эса илоҳий илҳом билан сўзлайдилар. Анбиё ва уламо аниқ гапиради, авлиё ғайб сирларини рамз ва ишора билан билдиради, чунки бандага берилган ирфоний билим бундан ошиғини кўтармайди. Тасаввуф адабиётидаги

ишоралар ва рамзларни сўзма-сўз тушуниш аҳли сунна уламоларини баъзан суфийларни куфрда айблагача олиб келиши мумкин. «Қандайдир илғаб ва тавсифлаб бўлмас сир-асрорлар билан боғлиқ бўлган ирфоний билим ва тажрибаларнинг иррационал характеридан келиб чиқиб, уларни ифодалаш учун кўпроқ ишоралар ва рамзлар тили, назмий эмоционал таъсирга эга сўз тўғри келади». Суфийлар ўз асарлари ва ҳатто кундалик мулоқотларида ҳам тасаввуфдан хабари бўлмаганлар тушуниши мушкул, баъзида эса ўзига хос мураккаб лексик қатламдан фойдалана бориб, бу ижод турини махсус санъат даражасига кўтара олдилар. Ўз-ўзидан маълумки, тасаввуфий луғат бирликлари ана шундай ижод намуналари, хонақоҳлардаги ҳослар суҳбатлари, тасаввуфий рисолалар орқали аста-секин ўз қўлланишининг ҳудудий чегараларини кенгайтира бошлади.

Тасаввуф лексикаси Марказий Осиё халқлари адабий тиллари таркибига IX-X асрлардан бошлаб кира бошлаган ва бу жараён, асосан, арабий ўзлашмалар пластининг миллий тиллар луғат таркибидан фаол ўрин олгани билан изоҳланади. Бу жараёнда араб ва маҳаллий халқлар тилларининг ўзаро муносабатларини кузатиш мумкин ва араб тилининг айни тилларга таъсири, асосан, лексикада акс этади. Тасаввуфий лексиканинг шаклланиши ва ривожланиши қуйидагича амалга ошган: аввал адабий тилга Қуръони карим ва ҳадислардан олинган арабий ўзлашмалар, сўнгра эса диний-ирфоний тафаккурга тегишли араб-форс лексемалари кира бошлаган. Кейинчалик бундай ўзлашмаларнинг чегаралари адабий тилда кенгая бориб, натижада тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи муайян лексик қатлам шаклланган.

Тасаввуф терминологияси Марказий Осиё халқлари адабий тилларининг кейинги тарақиётида ҳам муҳим рол ўйнади. Арабча тасаввуф терминлари ва рамзларининг ўзлашиши адабий тилларнинг луғат таркибини анча бойитди. Тасаввуф адабиёти луғат таркибини лексик регенерация, рамзий трансформация ва сўзларга семантик-стилистик қўшимча маънолар юклаш орқали бойитиш учун ҳам имкониятлар яратди ва шу асосда адабий тил семантик майдон йўналишларини кенгайтди. Суфийларнинг дунё лаззатлари ва ҳою-ҳавасларидан ўзларини тийишлари тасаввуф адабиётининг тилида ҳам акс этган бўлиб, бу адабиёт адабий тилларни айрим «ибосиз» ва «бузилган» ифода шаклларида чегаралай олди.

2. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида арабий ўзлашма терминлар

Юқорида қайд этилганидек, сўз ўзлаштириш адабий тилларда тасаввуфий лексика шаклланишининг асосий усулларидан бири қайта обланади. Маълумки, аввал ислом таълимотига оид сўзлар, айниқроқ эса тасаввуф терминлари ва рамзлари ўзлаша бошлаган. Тасаввуф адабиётидаги бундай ўзлашмалар қатламини терминлар, теримлар ва рамзий сўзлар, шунингдек, Қуръони карим ҳамда ҳодисалардан олинган афоризм, фразеологизмлар ва бошқа иборалар гуруҳларига тақсимлаш мумкин. Бундай таснифлашни улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги²⁸ ўзлашма терминлар мисолида амалга ошириб кўрамиз. Ишни уларнинг лексик-семантик ҳолатига назар солишдан бошлаймиз. Маълумки, «Насойим ул-муҳаббат» Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асари²⁹ асосида яратилган. Жомий тасаввуф таълимотининг тарихи, тариқатлар, буюк сўфийлар ва умуман, тасаввуфнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёт ҳодисаларга таъсири билан мунтазам қизиқиб борган ва Алишер Навоийнинг илтимосига кўра жуда қисқа муддатда ўз асарини ёзиб тугатган. «Нафаҳот ул-унс» тез машҳур бўлиб кетишининг сабаби асарда тасаввуф таълимоти вакиллари, шунингдек, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Ҳусрав Деҳлавий каби Шарқ мумтоз адабиёти намояналарининг ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида кенг маълумотлар берилганида эди. Аммо туркигўй уқувчилар асардан фойдаланишда муайян қийинчиликларга дуч келиб, тегишли маълумотларни аниқ тушуниш имкониятлари чекланиб қоларди. Алишер Навоий устозининг асарини Фаридиддин Аттор, Шайх Фарид Шакарғанж каби тасаввуф адабиётининг кўзга кўринган вакилларининг асарларидан олинган қушимча маълумотлар билан бойитади ва унга «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари») деган ном қўяди.

«Насойим ул-муҳаббат» асари муқаддима ва 770 шайх ва сўфийлар ҳаётига оид маълумотларни ўзида жамлаган илмий асар

²⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукамал асарлар тўплами/. 17-том. -Т.: Фан, 2001. - 520 с.

²⁹ نجات الانس من خضرات القدس. تأليف عبد الرحمن جامي. تهران: اطلاعات ۱۳۷۰.

сифатида эътироф этилади. Ҳазрат Навоий асар муқаддимасидаги изоҳларда ҳам, ҳар бир шайх тавсифига бағишланган мақолаларда ҳам тасаввуф таълимоти, сўфийлар мақомлари, тариқатлар ва қатор бошқа масалаларга оид аниқ ва далилли маълумотларни ўқувчиларга тақдим этган. Асарда араб ва форс тилларидан ўзлашган тасаввуф терминларининг қўлланиши алоҳида эътиборга сазовор. «Насойим ул-муҳаббат»да тасаввуф терминлари билан боғлиқ бўлган 900 дан ортиқ лексик бирликлар ишлатилган. Бевосита араб тилидан ўзлашган лексемалар тахминан 80% ни ташкил этади. Бундай катта лексик пластни тўла қамраб олиш мушкуллигини назарда тутиб, диққатимизни кенг истеъмолда бўлган, тасаввуфдан озми-кўпми хабардор бўлганлар бемалол тушунадиган фаол ўзлашма терминлар гуруҳи билан чеклаймиз.

Бундай ўзлашма терминлар гуруҳига **сўфий** - صوفى , **мурид** - مرید , **хирқа** - خرقه , **бақо** - بقا , **васл** - وصل , **зоҳид** - زاهد , **муҳаббат** - محبت , **сабр** - صبر , **тавба** - توبه , **тариқат** - تریقت , **хирқа** - خرقه , **фано** - فنا , **фақр** - فقر , **яқийн** - يقين , **қурб** - قرب , **ҳақиқат** - حقیقت ва шу каби терминларни киритиш мумкин. Тасаввуф терминлари таркибига, шунингдек, диний мазмундаги терминларни ҳам киритиш мумкин, чунки тасаввуф адабиёти намуналарида уларнинг барчаси ирфоний коннотацияга эга бўлади.

Тасаввуф терминлари тасаввуфий лексикага оид сўзларнинг бошқа гуруҳларидан нафақат ўзининг бир маънолиликка интилиши билан фарқ қилади, балки улар эмоционал бўёқлардан ҳам ҳоли бўлади. Лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиқиб тасаввуф терминларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

А. Лексик терминлар.

Б. Контекстуал терминлар

Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

А. Лексик терминлар

Лексик терминлар – контекст таркибида ҳам, ундан ташқарида ҳам ўзининг терминологик мазмуни ва бирмаънолилигини сақлаб қолувчи сўз–терминлардир: **сўфий**, **зоҳид**, **мурид**, **хирқа** ва б. Терминлар таърифига диққатимизни қаратиб, бунинг тасдиғини кўришимиз мумкин:

Сўфий - صوفى - тасаввуф йўлига кирган, тариқат одоб-арконларига риоя қилган, фоний дунёнинг ғам ва муаммоларидан устун, тафаккурининг сатҳи фалаклар қадар қамровли, қалбида

маънолар булоғи қайнаб турган комил инсон, халқ эъзозлаган азиз шайх, илоҳий нафасли киши, дам (нафас) билан топган нарсасига эътибор билан юриб эришган, яъни айн ул-яқин рутбасидан илм ул-қадимга тараққий этган валий инсондир³⁰.

Киши мураққаъ ва сажжода била суфий бўлмағай(НМ, 110).

Зоҳид — *زاهد* - дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шахс.

Зоҳидлар суратида, эғнида хирқа ва кифтида сажжода ва бир рўшада ўлтиур (НМ, 125).

Аммо бағоят зийрак ва закий ва **зоҳид** ва муттақий киши *эрмиши* (НМ, 156).

Мурид - *مريد* - талаб этувчи, истовчи, пирга қўл бериб, тариқатга киришган, камолотга эришишни ният қилган, комил шайхга боғланиб, унга байъат (қўл берган) қилган солиқ.

Ҳожа Юсуф Хамадоний муридларидандур (НМ, 168).

Хирқа — *خرقه* - шайх ва дарвишларнинг махсус устки кийими. Тасаввуфий истилоҳда муршид билан мурид ўртасида алоқа ўрнатилиши, муриднинг нафси билан ўзи орасидаги муршиднинг қувватлигини қабул айлашидир. Тариқатга янги кирганлар қора хирқа кийганлар. Маълум бир даражага эришган солиқ мовий ранг, сўпукни охирига етказганлар оқ рангли хирқа кийганлар.

Бир хирқа била, иккинчи, зикр талқини била ва учунчи, хизмат ва суҳбат ва анинг одоби била (НМ, 152).

Аммо Абу-Муҳаммад Аҳмад Асвад Динаварийдан **хирқа** *кидибтур*(НМ, 152).

Б. Контекстуал терминлар

Контекстуал терминлар – ўз терминологик майдонидагина аниқлик ва бирмаънолилик касб этадиган, ундан ташқарида эса бошқа термин характери йўқотадиган терминлар: **сабр, бақо, фано, ишқ, лутф** ва б.

Тарифларда бу гуруҳга оид терминларнинг айнан тасаввуфдаги маъно ифодасига (ўқувчига қулай бўлиши учун мақоламамизда уларни курсив билан ажратиб кўрсатдик) қай даражада изоҳлар берилишига диққат қилайлик:

³⁰ *دکتر سید جعفر سجادی، فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی، تهران: طهوری، ۱۳۷۰*

Сабр - صبر – чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устиворлик, солиқнинг бошига тушган ҳар бир қийинчиликка чидаши. Ризонинг боши сабрдир. Иймоннинг юксак даражаси Аллоҳнина ҳукмига сабр қилиш ва тақдирга рози бўлишдир. Сабр илм, ҳол ва амал билан камолга етади.

«Яна сабрдурким, ҳар не ҳақдин юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса сабр қилғай». (НМ, 72).

Фано — فنا - фонийлик, йўқ бўлиш. Бақо сифатининг инъикоси, бақо ўзида барча яхши сифатларни мужассам этиш бўлса, фано ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлашишдир.

«Бу ҳақир фақр тариқида ва фано жоддасида алардек тамом киши оз кўрибмен» (НМ, 161).

Тавба — توبه - қилган гуноҳларидан қайтиш, пушаймон бўлиш. Аллоҳ розилигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феълдан қайтиш. Сўфийлар тавбани боб ул-абвоб деб билганлар. Тавба дил софлиги билан Аллоҳга қайтишдир. Тавбанинг моҳияти инсоннинг ўз нуқсонларини кўра билиши, ўз аҳволини англаши, кабиҳ ишлардан қайтишида намоён бўлади. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳларга иқрор бўлиш - оддий кишиларга хос бўлса, сўфийлар тавбаси қалб истижоби (покланиш)дир. Тавба тариқат йўлига кирган солиқнинг биринчи мақомидир³¹.

«Тавбалариға сабаб бу бўлгандурки, бир кун атторлиғ дўқониға муомалаға машғул ва машъуф эмишлар»(НМ, 169).

«Айттики агар Хизр била суҳбат тутсанг, тавба ва агар бир кечада Ҳирийдан Маккага борсанг, андин ҳам тавба қил» (НМ,90).

Бақо — بقا – боқийлик, барқарор, абадийлик. Аллоҳнинг сифатларидан бири. Валийнинг Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан бутунлай воз кечиши.

Васл — وصل – бирикиш, боғланиш, етишиш. Қалбга Аллоҳ нурининг кириши, етиши, эришиш, восил бўлиш. Фано мақомидан кейинги мартаба. Бунда валий Аллоҳдан ўзга барча мавжудотлардан руҳан ажралиб, Аллоҳ васлига етишган бўлади.

Муҳаббат — محبت - севги, меҳр, яқинлик, садоқат ҳисси. Диний, маънавий, руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи, ишқнинг мартабаларидан бири. Муҳаммад (с.а.в.)га эргашиш ва маҳбубни барча нарсадан устун қўйишдир. Муҳаббатнинг ибтидоси ёлғиз Ҳақ билан бўлиш учун нафсни поклашдир. Аллоҳнинг бандасига

31 دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عراقی. تهران: طهوری ۱۳۷۰

булган муҳаббати уни балолар билан синаши, банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббати унга таслим ва таъзим қилишидир. Муҳаббатнинг ростлиги маҳбубга итоат қилишликдадир. Муҳаббат -маърифатнинг меваси бўлиб, унинг мақоми қалбда кўпи тугённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча афзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон таллпинишдир. Муҳаббат - қалбнинг истаги, яъни қалбнинг ҳоҷ бир такаллуфсиз Аллоҳга ва унга тегишли нарсаларга қарши бўлишидир. Муҳаббатнинг камоли бутун қалб билан ишққа асир бўлиш, маҳбубни барча нарсадан афзал кўришдир³².

Ишқ - عشق – муҳаббат, севги. Тасаввуфий маслакда аввал қиёсдан бошланиб, висол билан якун топадиган илоҳий ҳиссийат. Ошиқ ўз маҳбубини кўргач, уни орзу қилади ва қалби безовта бўлади. Бу туйғу кучая бориб, завқ-шавқ уйғотади. Иштиёқ даражасига кўтарилган ишқ муҳаббат мақомига эришади. Бунда маҳбуб учун ўзидан кечган ошиқ жонини беришга тайёр туради, фанога етишади. Бу ҳолат ишқ дейилади. Кимки ишқ билан ўлса, шундай ўлгани маъкул. Ўлим билан тугамаган ишқда хайр йўқдир.

Путф- لطف - яхшилик, марҳамат. Тасаввуфий маслакда Аллоҳнинг бандаларига марҳамати, раҳмдиллиги, карами.

Юқорида зикр этилган барча терминларнинг семантик муносабатлари уларнинг систем ва структур муносабатлари орқали аниқланиши мумкин.

Ўзлашмаларнинг бошқа гуруҳини онимлар – диний ва тарихий шахслар исмлари, учинчи гуруҳини рамзий сўзлар ва тўртинчи гуруҳини Қуръони карим ва ҳадислардан олинган афоризм, фразеологизм ва мураккаб иборалар ҳамда сўз бирикмалари ташкил этади. Санаб ўтилган гуруҳларга оид ўзлашмаларнинг семантик хусусиятлари кўпроқ назмий асарларда намоён бўлади.

1. Тасаввуф терминларнинг бевосита ва билвосита маънолари

Ҳозирги кунда ўқув қўлланмаларда тасаввуфий адабиёт намуналари ва уларнинг таркибидаги тасаввуфий терминларнинг

³² دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰

талқинларида ҳам аниқлик етишмайди. Қуйидаги мисолларга эътибор берайлик:³³

1. *Бода* сўзи ўз ўрнида «май», «ичимлик» маъноларида ишлатилса, тасаввуфий адабиётда терминологик «илоҳий муҳаббат» маъносига эга. *Соқий* сўзи эса фақат «май куювчи» эмас, балки тасаввуф терминологиясида «устоз» маъносида келади. *Жом, қадах, пиёла* сўзлари тасаввуфий термин сифатида «камолотга етган киши(пири муршид, шайх)нинг қалби» маъносини ифодалайди. Шунинг учун тасаввуф адабиётининг ўта рамзийлигини умуман ҳисобга олмай, айнан тушуниб келинган «*Соқий илқидин бир пиёла бода ичдим*» жумласида сўзлар ўз маъносида эмас, балки «*Устоз қалбидан илоҳий муҳаббат соҳасида сабоқ олдим*» мазмунига тўғри келадиган маънода қўлланади ва шу тариқа Ҳақ васлига яқинлашиш йўлида муридлар пирлари қалбидан илоҳий муҳаббатдан баҳраманд бўлишларига ишора қилинади.

2. *Маъшуқа, жонон, жоно* сўзлари рамзий тарзда «Оллоҳ», «Расулулоҳ(С.А.В.)», «комил инсон», *лаб* сўзи «комил инсоннинг пурмаъно сўзи», *бўса* сўзи эса «маърифатнинг сирру асрорларидан баҳраманд бўлиш воситаси» каби терминологик маъноларни ифодалаши назарда тутилса, «Жонона лабларидан бўса олсам эрди» жумласи «Камолотга етишганларнинг чуқур маъноли сўзлари ёрдамида маърифат сирларидан воқиф бўлсайдим» маъносини ифодалашини англаш мумкин.

3. *Дарвиш* сўзи «Ҳаққа ошиқ, унинг васлига етишмоққа ўзини бағишлаган киши», *харобот* ва *майхона* сўзлари «оқил, доно, камолотга етган кишилар илоҳиёт, Ишқ ҳақида мажлис қурадиган, суҳбатлашадиган жой» терминологик маъноларда қўлланади ҳамда рамзий «*Майхона* сори юз тутқон дарвиши девонаман» жумласида «Оқилу донолар суҳбатидан Ҳақ васлига интилувчи ошиқман» маъноси яширилади. Шу ўринда муслмончиликка умуман дахлдор бўлмаган *тарсо* ва *бутхона* сўзлари ҳам худди шундай терминологик қўлланишга эгалигига эътибор берсақ, тасаввуф

³³ Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков. Ўзбек адабиёти. 9-синф. –Т: 2006. С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров. Адабиёт. 8-синф –Т:2006. Қ.Йўлдошев, Б.Қосимов, В.Қодиров. Адабиёт. 7-синф. –Т: 2005.С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев. Адабиёт. 6-синф. Т: 2005. С.Аҳмедов, Б.Қосимов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев. Адабиёт. 5-синф. – Т: 2007

терминларининг ўта чуқур рамзийликка, бир қарашда ўқувчини умуман бошқа йўналишга етаклашга (буни ўзига хос имтиҳон, синов шифратида ҳам қабул қилиш мумкин) интилганига шоҳид бўламиз.

4. Абжад ҳисоби ва тасаввуф терминлари

Умумийроқ қамров назарда тутилса, сўфийлар фойдаланган махсус тил хусусиятлари ҳали жуда кам ўрганилганига гувоҳ бўламиз. Фақат шуниси аниқки, бу тилнинг турлари ҳам жуда кўп. Бил улар орасидан яна бирига, яъни мураккаб рамзлар ва алоҳида тушунчаларни *абжад санок тизими* орқали ифодалашга таянган турига диққатимизни қаратамиз.

Маълумки, *абжад* араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг бирдан мингтача бўлган тегишли санок сонни ифодалашига асосланган тизимдир. Сўфийлар маълум нарса-ҳодисаларни билдирувчи бўларни бегоналар, яъни тасаввуфдан бехабарлардан сир сақлаш ўғун уларни *абжад* орқали ифодалашни йўлга қўйганлар. Масалан, «сўфий» терминининг *абжад*даги тасаввуфий маъносига антибор берайлик. Бу сўз араб алифбосидаги тўрт ҳарфдан иборат: ص (сод), و (вов), ف (фе), ئ (йо). *Абжад*да ص=90, و=6, ف=80, ئ=10. Ҳарфларнинг сонлардаги эквивалентлари аниқлангандан сўнг уларни бир-бирига қўшиш керак. Бу сўзда йиғинди 186 ни ташкил этади. Белгиланган қоида бўйича йиғиндини яна юзлик, ўнлик ва бирликларга ажратиб, янги сонлар чиқарилади (100+80+6) ва *абжад* тизими бўйича сонларнинг алифбодаги эквивалентлари олинади: ق (қоф), ف (фа), و (вав). Ҳарфлар аниқлангач, улардан янги сўз ўзаги асалади: فو ق (фавқун). Бу сўз араб грамматик тизимидаги турли феъл бобларида турли маъноларни англатиши мумкин: «(бирор нарсадан) устун, юқори турмоқ»; «оширмоқ»; «уйғотмоқ»; «ўзига келмоқ»; «уйғонмоқ». Бу маъноларнинг барчаси тасаввуф билан ҳамбарчас боғлиқ, қатордаги биринчи маъно эса «(бирор нарсадан) устун, юқори турмоқ») сўфийлар наздида айнан тасаввуфнинг дунёвий-ўткинчи нарсалардан анча юқори турадиган моҳият билан боғлиқлигига ишора қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадқиқотчиларнинг аксарияти *صوفى* «сўфий» термини сўфийларнинг одатда жун матоли ёпинчиқ кийиб юрганликларига ишора тарзида арабча *صوف* «суф», яъни «жун» сўзидан олинган, деб ҳисоблайдилар. *Абжад* тизимидаги маъно эса бундай моддий маъноли изоҳдан кескин фарқ қилади.

Абжад тизими атоқли исмлар, тарихий воқеалар, география минтақалар номлари ва асл маъноси яширилиши лозим бўлган бошқа барча сўзларга нисбатан ҳам қўлланилган. Мақоламиз доирасида қатор машҳур мутасаввифлар исмларининг абжад тизими орқали англатиши мумкин бўлган маъноларини аниқлашга ҳаракат қилдик ва улардан айримларини диққатингизга ҳавола этамиз. Тасаввуф оламида Зуннун Мисрий ва Жалолиддин Румий шахсияти алоҳида эътибор ва эътирофга сазовор. Уларнинг таҳаллуслари қуйидагича талқин қилиниши мумкин.

«Мисрий» атоқли исми тўрт ҳарфдан иборат ва уларнинг сонлардаги эквивалентлари қуйидагича: م (мим)=40, ص (сад)=90, ر (ра)=200, ئ (йа)=10. Йиғинди 340ни ташкил этади. 300 ва 40 сонларининг ҳарфий эквивалентлари иштирокидаги янги ўзакларни топамиз: ماش (машша) «суяк илигини сўриб олмоқ» ва شم (шамма) «баланд бўлмоқ»; «ҳис этмоқ»; «фарқламоқ». Биринчи ўзак маъноси, эҳтимол, Зуннун Мисрий тасаввуфнинг энг махфий ва чуқур моҳиятини англаб етганига ишора қилиши мумкин. Бунинг тасдиғини мутасаввифларнинг барча даврларда мазкур шайхнинг шахсиятига чуқур эҳтиром билан қараб келаётганликларида кўрамыз. Иккинчи ўзак маъноси эса Мисрийнинг тасаввуфда тутган юқори мақомига нисбат бериши мумкин.

«Румий» атоқли исми ҳам тўрт ҳарфдан иборат: ر (ра)=200, و (вав)=6, م (мим)=40, ئ (йа)=10. Йиғиндидан(256) 200, 50 ва 6 сонлари чиқарилиб, ҳарфий эквивалентлар иштирокидаги бу ҳолатга тўғри келиши мумкин бўлган икки хил янги ўзак ясалади: ن (наввара) «нур билан йўғрилмоқ», «ялтирамоқ» ва رنو (рунуввун) «диққат билан қарамоқ», «тикилиб қарамоқ»; «бирор нарсани тадқиқ этмоқ». Биринчи ўзак маъноси Румийнинг тасаввуфдаги юқори мақоми ва унинг илоҳий илм нури билан йўғрилганига, иккинчисининг маъноси эса, эҳтимол, Румийнинг мутасаввиф сифатида ўз олдига қўйган вазифаларидан бирига ишора қилиши мумкин. Зеро сўфийлар муайян ғоялар устида моҳиятига етиш учун диққатни жамлаш, чуқур ўйга чўмишга (медитация) жуда катта эътибор берганлар.

Тасаввуфдаги атоқли исмлар ва терминологик пласт маъноларини абжад тизими орқали тадқиқ этишни шу йўсинда давом эттириш мумкин. Қўлга киритиладиган натижалар тасаввуф адабиётидаги ҳали тўлиқ очилмаган жиҳатларни талқин қилишга салмоқли ёрдам бера олади. Бу каби хулосаларни ҳар бир тасаввуфий терминнинг фактологик мисоли асосида чиқариш

муноси. Бунга эришиш учун фақат контекстга суянишнинг ўзи кифоят қилади. Таълим жараёнида терминларнинг айнан тасаввуфий маъносини билиши шарт қилиб қўйилади. Акс ҳолда лексикадаги мисоллардаги мисралардан омма Умар Хайём рубоийларидан узоқ вақтлар давомида ўзининг маърифати даражасидаги маъноларини англагани каби нотўғри мазмунлар фойдаланишига йўл қўйилади.

Тасаввуф терминологиясини тўғри ёндашув асосида ўранилиши мумтоз бадиий асарларни тушунишга ҳам, адабий таълим методикасини чуқурлаштиришга ҳам, лисоний таълимда ўзининг маъносини матн билан боғлаб ўрганишга ҳам ёрдам беради. Айниқса, тасаввуф терминларининг луғавий маъноларини, уларнинг дефиницияларини тузишда турли усуллардан комплекс сарфда фойдаланиш шу соҳага оид билимлар доираси ва мазмунининг тўғри шаклланиши ҳамда мустаҳкамланишини таъминлайди.

Мавзунини мустаҳкамловчи саволлар:

1. Сўфийларнинг ўзаро мулоқотларида қандай тилдан фойдаланганлар?
2. Тасаввуф терминлари қандай лексик қатламлар ҳисобига шаклланган?
3. Тасаввуф лексикасида арабий қатламнинг салмоғи қандай?
4. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари мавзуси қандай?
5. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида қанча сўфий шайхлар қайд этилган?
6. Тасаввуфий лексик терминлар қандай маънога эга?
7. Тасаввуфий контекстуал терминлар қандай маънога эга?
8. Тасаввуф терминларнинг бевосита ва билвосита маънолари ҳақида нима биласиз?
9. Абжод ҳисоби асосида тасаввуф терминларига юкланган иширин маънолар қандай очилган? Мисол келтиринг.

Мустақил таълим учун мавзу:

1. Тарихий ва диний шахслар исмларининг терминологик маъно келиб этиши.

Мустақил иш учун қўшимча материал:

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДА МАҚОМ, ҲОЛ ВА РУҲИЙ САФАР ТУШУНЧАЛАРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Мақомотларнинг ислом агиографияси тизимида тутган ўрнини аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларнинг мустақил жанр сифатида вужудга келишида намоён бўлган ўзига хос хусусиятларини, форс-тожик адабиётининг насрий жанрлари системасида тутган ўрни ва аҳамиятини, мақомот муаллифларининг бадий шакл, бадий услуб соҳаларидаги изланишларини, мақомотларнинг образлар системасини, ғоявий-бадий хусусиятларини, шакли ва ички тузилишидаги хусусиятларни, янгиланиш унсурларини, анъанавийлик масалаларини ўрганиш, умумлаштириш ва шу асосда мақомот жанрининг шаклланиш тарихи ва ўзига хос бадий-услубий хусусиятларини очиб бериш муҳим вазифалардандир.

Агиографик асарларга хос бўлган умумий хусусият - уларда яратилган анбиё ва авлиё образида ўрта аср кишиларининг идеали - художўй ва донишманд инсоннинг образини шакллантиришдан иборатдир. Бас, шундай экан бу турдаги асарларнинг тили ҳам ўзига хосликни талаб қилади. Шу сабабли буюк шайх ва авлиёлар ҳақида ёзилган мақомотларнинг муаллифлари ҳам муаайян тариқат аъзоси бўлиши баробарида умуман тасаввуф ва хусусан айни тариқатнинг ўзига хос таълимотидан хабардор бўлганлар. Акс ҳолда улар тариқат пиру муршидларининг тафаккур тарзини ва ахлоқ одобини ёрқин тасвирлай олмас эдилар. Шу сабабли китобхонлар мақомотларни мутолаа қилганда уларда баён қилинган фикр-мулоҳазаларни тўғри англашлари учун ҳам муайян тайёргарликка эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Мусулмон агиографияси деганда биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган авлиё, шайх ва пирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи араб, форс ва туркий тилларда ёзилган **«сира», «қисса», «табақот», «мақомот», «маноқиб»**лар билан бир қаторда баъзи **«тазкира»**ларни ҳам назарда тутамиз. Мазкур жанрларда яратилган бадий асарлар адабиётшунослиқда ҳануз кам ўрганилган соҳалардан ҳисобланади.

Мақомот ва маноқиб жанрида ёзилган асарларни тўғри тушуниб талқин қилиш учун аввало *мақом* ва *ҳол* сўзларининг сўфиёна мазмун моҳиятини англаб олиш керак бўлади. Бир тарафдан *мақом* сўзининг луғавий маъноси «жой», «мартаба» бўлиши баробарида

таълимуфта бу сўз ўзига хос маъно касб этганлигининг гувоҳи бўламиз.

Тасаввуф нуқтаи назаридан тариқатда солиқ ўзининг риёзати ўзига эгаллаши мумкин бўлган мартабалар «мақом» дейилиб, Аллоҳнинг инояти билан ҳосил қилинадиган мартабалар «ҳол» дейилади.¹

Мақом

Тариқатда мақомот ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутлади. «Мақомот» – мақом (манзил, бекат) сўзининг кўплиги бўлиб, солиқнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади. Абу Наср Саррож тариқатнинг қуйидаги мақомларини қайд этган:

1. Тавба.
2. Вараъ.
3. Зухд.
4. Фақр.
5. Сабр.
6. Хавф.
7. Ражо.
8. Таваккул.
9. Ризо.

Тавба–қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани *боб ул-абвоб* – эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шунки, солиқ Худога етишиш йўлида ғов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжуҳини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба куфрдан қайтиш, шариат ман этган наҳй ва ёмон ишлардан қайтиш, замима ахлоқдан ҳамида ахлоққа қайтиш, Ҳақнинг ғайри бўлган нарсалардан қайтиш кабиларни ўз ичига олади. Тавбанинг моҳияти ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг аҳволини англаш, қабих ишлар, қабих феъл ва қабих

¹ Бу икки атама тариқат йўлига қадам қўйган йўловчи-солиқнинг маънавий камолот сари интилишида унга хос бўлиши мумкин бўлган руҳий икки ҳолатни англатадиган атамалардир. Қушарийнинг (ваф.1072й) «Рисолат фит-тасаввуф» асарида «Ҳол» – солиқнинг сулуқдаги сайрида Аллоҳнинг марҳамати, «Мақом» – солиқнинг чеккан риёзати натижасида эгаллаган мартабасидир», деб шарҳланади. Н.Комиловнинг «Тасаввуф» китобининг биринчи жилдида «ҳол» мартабалари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

фикрлан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишни ҳам билдиради. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳга иқрор бўлиш – оддий одамларга хос. Сўфийлар тавбаси эса қалб истижоби, яъни истижобат – узилиш, ўзгариш тавбасидир.

Вараъ сўзининг маъноси парҳез, тақво бўлиб, булғанишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш демақдир. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: тил вараъи, яъни тилни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, ғийбат-туҳматга берилмаслик; кўз вараъи – шубҳали нарсалардан сақланиш, ғализ шаклларга боқмаслик; қалб вараъи, яъни паст ҳимматни тарк этиш ва нохуш қилиқларни қилмаслик. Кўнгил ман этган жамики нарсалардан парҳез қилиш, тамадан сақланиш, маҳрумликдан қўрқишдан ҳазар қилиш. Хуллас, тилга, кўзга, қулоққа ва оёққа банд солиш.

Зухд – вараънинг давоми ҳисобланади, бу ҳам парҳез, ҳазар қилиш демақдир. Аммо бунда таом ва ичимликдан сақланиш, ҳалол ва ҳаромни ажратишга алоҳида аҳамият берилади. Зухд сўфий учун дунё ва охират тарки, дунё молига эга бўламан, деб интилмасликдир. (Ҳадис: Кимки дунёдан парҳез этса, унинг қалби тажаллиёт нури кирадиган жойга айланади). Жунайд Бағдодий сўзи: «Зухд – қўлни мулкдан холи тутиш, дилни эса Ҳақдан ўзга ҳар нарсадан пок сақлаш демак». Ғаззолий дейди: «Зухд дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайғурмасликдир».

Фақр – маъноси қашшоқлик, бенаволик. Сўфийлар наздида улуғвор илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидқидилдан олий даражада бажо келтириш, бандалиқдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ному нишонсиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам, деб ҳисоблаш. Ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам. Барча нарсалар, оламу одам Аллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнинг мулкидир.

Фақрни ана шундай мазмунда англаган одам тасаввуф моҳиятига ҳам етиб боради.

Сабр – тоқат, чидам. Сўфийлар тилида қийинчиликлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Худодан бошқага нола-илтижо қилмаслик. Сабр этувчи (собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан қўрқмайдиган одамдир. «Сабр кушойиш учун интизорликлар» (Саҳл Тустарий), яъни руҳий-маънавий мушкулликлар юз берганда, сабр қилган солиқ кушойиш топади, янги манзил-

парни кашф этади. Сабр – имоннинг ярми дейдилар, чунки сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали жиловланади, тавддан ҳаловат топиш ҳам сабр билан бўлади.

Халф – қалбнинг ишончдан, имон аминидан чиқиши, иккиланиш, сазлика. Вақтинчалик шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф-қўрқув солади. Солик азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан қўрқадди. Ваҳоланки, шайтон имони мустаҳкам одамдан қўрқиши керак.

Ражо – умидворлик. Қалбнинг келажакда маҳбуб васлига эришидан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди. Дилнинг соғинчи, антикликлари ҳам шунга киради.

Таваккул – барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш, куллан Парвардигорга суяниш. Таваккул илоҳий қийматга эътимодли кишининг имонидир. Бу маърифат камолидан соладиган олий мақомдаги имондир. Барча ҳолларда ва амалларда Аллоҳга суяниш, ўзини бир фаолият асбоби ҳисоблаш, барчани Худога топшириб, Худодан ўзга нарсалар ҳам Худодан эканига чуқур ишонил. Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларнинг бари Улуғ Тангри қудрати туфайли, қудратининг намоён бўлиши эканини англаш шарт. Қуддонинг иродаси бизнинг иродамизга ҳоким. «Таваккул – имон таъдиқатидир» (Кошоний).

Ризо – қалбдан қабоҳат – кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсунил, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо амрига таслим бўлган қалбнинг сурури. Лоҳижий: «Ризо – банданинг ўз ризосидан чиқиб, Маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга зарра эътироз қилмаслигидир». Соликда ушбу мақомда ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина-қудурат ва хафаланиш бўлмайди...

Айрим тадқиқотчилар тилга олинган мақомлар ёнига яна **қаноат**, **сидқ**, **итминон** (тўла ишонч), **шукр**ни ҳам қўшганлар. Бироқ кўриб ўтганимиз тўққизта мақом қаноат, шукр ва итминонни ўз ичига олади. Диққат билан фикр қилиб қарасак, мақомотнинг ушбу тартибда муайян мантикий узвийлик борлиги маълум бўлади; иншал қатъий парҳез, кам ейил, кам ухлаш, кам гапирил, барча номаъқул ва номақбул ишлардан сакланиш, пок тийнат, пок бадан ва пок аъмол учун курашил. Сўнгра шу асосда руҳни чиниктирил, миҳрумликларга кўнил ва кўникиш, чилла ўтириллар, сурункали фикр орқали Аллоҳнинг муборак исмларини қалбга нақшлаш, хотира ва ҳофизани кучайтирил ва шу асосда имонни мустаҳкамлаш, жамики мавжудот ва ҳодисотда Аллоҳ қудратини

кўриш, идрок этиш ва қалбан иқрор бўлиш, таниш. Шу тариқа, маърифатга Йўл очилади ва солиқнинг аҳвол-руҳияси ўзгариб боради. Илоҳий маърифатга эришиш йўли ана шундай оғир ва машаққатли бўлган.

Ҳол – мақомот даражаларини бир-бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солиқ ҳол мартабасига етади ва тасаввур-тахаййулда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ қамраб олади. У шундай бир ҳолатга кўтариладиким, бутун аъзолари гўё Аллоҳ дейдиган, ҳар нафаси буюк Тангрининг борлигидан хабар берадиган бўлади. Алишер Навоийнинг ёзишича, «Боязид намоз қилса эрди, кўксининг сўнгаларидан қаъқаа (Аллоҳ деган қичқирик) чиқор эрди» {Алишер Навоий. 17-жилд 78-79-бетлар}.

Аммо баъзиларнинг фикрича, ҳол мартабаси мақомотдаи кейин келадиган руҳий хусусият бўлмасдан, балки мақомларни бир-бир эгаллаб бориш жараёнида юз беради. Бошқача айтганда, мақом қаъгий амалий назорат босқичи, ажзу изтиробининг чуқурлашиб, кучайиб боришини англатса, ҳол – руҳий тараққиётнинг натижа ҳосиласини билдиради; солиқда ўзга ҳолатнинг, ўзга руҳий кайфиятнинг ўзгаришидан хабар бериб туради. Ҳол (кўплиги *аҳвол*) – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада найло бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Ҳол – илоҳий раҳмат ва баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир. Саййид Жаъфар Сажжодийнинг «*Фарҳанги мусталаҳоти урафо*» номли луғатида ҳол тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: «*Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини тақомилга олиб борадиган фазлнинг даражасини ҳол дейдилар*».

Ҳол ўзи билан бирга *қувонч*, *тараб*, *сурур*, *завқ* ёки, аксинча, *маҳунлик*, *ториқиш*, *соғинч* кайфиятини юзага келтиради. Яъни қисқа муддатли руҳланиш, порлаш қувонч ва сурурга сабаб бўлса, порлаш ўтиб кетгандан кейин маҳунлик пайдо бўлади. Ҳолда орқага қайтиш йўқ, ўзгариш фақат олдинга қараб содир бўлади. Ҳолга кирган солиқнинг тили эмас, дили сўзлай бошлайди, у кечинмалари, ҳолатини ҳаракат-ишоралар, феъл-атвор орқали изҳор этади. Жунайд Бағдодий таърифи: «*Ҳол афъол жумласидандир, мақом эса аъмол жумласидандир. Ҳол – бу яшин, у доим яшанаб, тараққий этиб туради*». Ҳол руҳият билан боғлиқ бўлгани учун у тасаввуфда махсус илм – *илми ҳол* орқали ўрганилган. Тасаввуф аҳли орасида «*илми ҳол*» ва «*илми ҳол*» деган тушунчалар бўлган. «Илми ҳол» тил билан ифодаласа бўладиган

илмлар, яъни **зоҳирӣ илмлар**, чунончи, *шариат илми* ҳам шунга кирган. «*Илми ҳол*» эса инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавкуллодда феъл-атвор, киблатларнинг намоён бўлишидир. *Ҳол* шу боис *тараб*, *сурур*, *қўчинлик*, *шодлик*, *ғам*, *завқ-шавқ*, *яйраш* ва *хумор* тушунчалари билан алоқадордир.

Сўфийлар яна дейдиларким, ҳолни тиришиш, таълим-таҳсил билан қўлга киритиб бўлмайди, чунки ҳол – атоийи Худодир, ғайбдан келган тухфа-неъматдир. *Мақомни* эса таълим-таҳсил, маъру жиҳод билан касб этса бўлади. Шундай қилиб, ҳол – Аллоҳ инояти, ҳосил этилган мартаба.

Худди мақомотнинг босқичлари бўлганидай, ҳолнинг ҳам таъриф-таърифга келтирилган босқичлари мавжуд. Чунончи:

1. Қурб
2. Муҳаббат
3. Шавқ
4. Унс
5. Мужоҳида
6. Мушоҳида
7. Мукошифа

Қурб - (яқинлик) – солиқнинг ўзини Тангри таолога яқинлашганини ҳис этиш ҳолати, Худонинг ҳузурини бевосита сезиш, Худо нигоҳининг тушишини ҳам англатади. Қурбни сўфийлар кўпинча Муҳаммад Мустафо (сав)нинг Меърож туни Аллоҳ ҳузурига етганлари билан қиёслайдилар. Расули Акрам Меърож кечаси *турфат ул-айн* (бир кўз очиб юмгунча) вақт ичида етти қават осмондан ошиб, Тангри оламига яқинлашдилар, юзлари фақат Тангри томонида бўлди, бошқа ҳеч нарсага қарамадилар («*Мо зоғ ал-басару ва мо тало*» - унинг ўзи адашгани ҳам йўқ ва саркашлик ҳам қилмади). Неча ўнлаб пардалар очилди, Ҳабибуллоҳ билаи Тангри орасида икки қош ораси (ёки икки камон ораси), балки ундан камроқ масофа қолди («*Қоба қавсайн ав адно*»). Шунчалик яқин масофада висол ша берди, Расули Акрам Тангри билан суҳбатлашиб, иноятлар кўриб, қайтиб Ерга тушди.

Муҳаббат – қалбда кучли туғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Тангри томон талпинишдир. **Шавқ** – муҳаббатнинг зўрайиши. **Унс** эса (дўстлашув) кўникиш, Худо мақрига, шафқатига одатланишни англатади.

Мужоҳида – нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, танга машаққатни раво кўриб, маънавият учун жиҳод, яъни жангга кириш ва ғалаба қилиш, демак. Мана шундай жидду жаҳд, шиддатли руҳий изтироблардан кейин солиқ Ҳақ жамолини **мушоҳида** эта бошлайди, *мушоҳада* (кўриш) эса, ўз навбатида, ғайб пардаларининг очилиб, илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очади – **мукошифа** мартабаси ҳосил бўлади.

Хожагон-нақшбандия тариқати шайхлари ҳақидаги мақомотлар хусусида фикр билдирадиган бўлсак, улардан шу нарса маълум бўладики, Нақшбандия тариқати таълимотида Абдуллоҳ Ансорийнинг *«Манозил ус-сойирин»* асарида талқин қилинганидек **«мақом»** ва **«ҳол»** мартабалари бирга қўшиб қаралган.

Абдуллоҳ Ансорийнинг ёзишича *«Ҳақ йўлига кирган солиқлар турфа ҳолатларда бўладилар ва ҳар бир ҳолатнинг ўз сайри, бу сайрнинг бошланиш (ибтидо) жараёни ва тугаши (интиҳоси) бўлади»*

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мақомотларида мазкур фикрни тасдиқловчи сўзларни топамиз.

«Нақл қилишларича, бир кун Хожамизнинг суҳбатларида Султон ул-Орифин [Боязид Бистомий - Б.Н.] нинг: «Бу йўлда юрувчи (солиқ) қанчалик юрмасин, унинг сўнги қадами (мақоми) бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади», деган сўзлари нақл қилинибди. Хожамиз ғайрат юзасидан: «Биринчи қадами Боязиднинг охириги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ субҳонаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» деган эдилар ва улар, биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз» деган эдилар».

Мазкур нақлда ҳикоя қилинган суҳбатдан шундай хулоса чиқариш мумкин: «Манозил ус-сойирин» муаллифи тариқат манзилларини 10 та ҳолатдан иборат бўлиши ва бу ҳолатларнинг биринчисини «Ибтидо» (бошланиш) ва ниҳойий ўнинчисини «Интиҳо» (яқун) деб номлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазратлари *«биз «интиҳо»ни «ибтидо»да тугаллаймиз»* деганларида Нақшбандия тариқати мақомот - манзилларининг Абдуллоҳ Ансорий таърифига мослигини кўрамыз.

Суфийнинг руҳий сафари

*«Баҳоуддин Нақшбанд мақомотлари»*даги нақллар ва ҳикоятлардан юқоридаги фикримизни тасдиқловчи кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

«Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожамиз айтган эканлар:» Сўлтон ул-Орифидан (Боязид Бистомий) нақл қилишларича, улар тушунди деган эканлар: «Сайр мақомига етганимда пайғамбарлар, уларнинг ҳаммасига ҳамда ўз пайғамбаримизга салавоту саломлар бўлсин, сифати билан сайр қилардим. Шунда Мустафо, унга салавоту саломлар бўлсин, боргоҳларига етдим ва уларнинг сифатига кириб, сайр қилмоқчи бўлдим. Ул зот қўлларини менинг тўшонамга қўйдилар». Бизнинг Хожамиз, қаддасаллоҳу сирраҳу-л-лаҳид, дедилар: «Мен ўша мақомга етганимда Аллоҳ инояти билан аустоҳлик қилмадим, хожатмандлик ва илтижо бошини Онҳазратнинг иззат ва эҳтиром остоналарига қўйдим».

Яна бир мисол:

«Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожамиз айтган эканлар: «Жабба юз беришининг аввалларида бир тунда Мардохун мазорида эдим. Мен билан дарвеш Муҳаммад Зоҳид ҳам бирга бўлиб, менга суяниб олган эди. Шу аснода руҳим танамдан чиқиб, айлана-айлана осмон томонга чиқиб кетди. Шу тариқа биринчи осмонни сайр қилди, ундан иккинчи осмонга, учинчи осмонга, сўнг тўртинчи осмонга ўтди. Кейин айлана-айлана яна ерга тушди ва танамга кирди. Менинг бу аҳволимдан Муҳаммад Зоҳиднинг асло хабари йўқ эди».

Ушбу нақлларда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд руҳларининг сайри баён қилинган. Мазкур нақлларда руҳий ҳолатлардаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Энди суфий руҳининг осмонлардаги сайри ва ҳар бир осмон кимларнинг мақоми эканлиги ҳақида муфассалроқ тўхталамиз.

Тасаввуф таълимотини тушунишда ва тушунтиришда биз ақдоқларимизнинг олам, унинг яратилиши, унда жисм ва руҳларнинг жойлаштирилиши каби тушунчаларига таянишимизга тўғри келади. Акс ҳолда биз уларнинг на дунёқарашини тушуна оламиз, на бошқаларга тушунтира оламиз. Шу билан бир қаторда Нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида ёзилган мақомотларда шайхларнинг эгаллаган мақомлари ва уларнинг табиати ва руҳиятида содир бўладиган ўзгаришлар қандай мезонлар билан ўлчанганини англаб олишимиз мушкул бўлади.

Тасаввуф назариётчилари солиқнинг руҳий-маънавий кимолотини «сайр» ёки «сафар» сўзлари билан тушунтирганлар. Тариқат сафари деганда аксар руҳий сафар тушунилади.

Руҳ сафарлари нима ва нима учун руҳ сафар қилади, деган савол туғилиши муқаррар.

Бу саволга жавобни Х111 асрда яшаб ижод қилган юртдошимиз Азизуддин Насафийнинг «Зубдат-ул-Ҳақоик» (Ҳақиқатлар қаймоғи) асаридан топамиз. Насафий мазкур асарида мутафаккирларни уч гуруҳга бўлиб таснифлайди:

1. Шариат аҳли.
2. Ҳикмат аҳли.
3. Ваҳдат аҳли.

Мазкур уч тоифанинг руҳ ва унинг мақомлари ҳақидаги фикрларини келтиради.

Мазкур асарда руҳ ва унинг даражалари ҳақида фикр юритилганда Аллоҳ таоло руҳлар олами - «малакут» оламини³⁴ тўққиз даражадан иборат қилиб яратгани ҳақида айтилади. Улар қуйидагича номланади».

1. Анбиёлар ҳотами руҳи;
2. Улулазм пайғамбарлар руҳи;
3. Мурсал пайғамбарлар руҳи;
4. Анбиёлар руҳи;
5. Авлиёлар руҳи;
6. Орифлар руҳи;
7. Зоҳидлар руҳи;
8. Обидлар руҳи;
9. Мўминлар руҳи.

Қудратли Аллоҳ моддий дунё - «мулк» оламини³⁵ яратар экан, уни ҳам тўққиз даражадан иборат қилиб яратади. 1.Арши аъло; 2.Курси; 3.Еттинчи осмон; 4. Олтинчи осмон; 5. Бешинчи осмон; 6. Тўртинчи осмон; 7. Учинчи осмон; 8. Иккинчи осмон; 9. Биринчи осмон. Ундан сўнг руҳларнинг ҳар бир даражаси ва жисмларнинг ҳар бир даражаси бир-бирида ўз жойини-мақомини топади: яъни: Арш - Анбиёлар ҳотами руҳининг мақоми ва макони. Курси - Улулазм пайғамбарлар³⁶ руҳларининг мақоми ва макони. Еттинчи осмон - Мурсал пайғамбарлар³⁷ руҳларининг мақоми ва макони. Олтинчи осмон - Анбиёлар³⁸ руҳларининг мақоми ва макони.

³⁴ Малакут олами - моддий бўлмаган объектлар олами

³⁵ Мулк олами - моддий макон, жисмларнинг ҳис қилиниши орқали англашиладиган ва рўёбга чиққан имконият (потенция)лар дунёси.

³⁶ Улулазм пайғамбарлар - еттита асосий пайғамбарлар: Одам,Нух, Иброҳим, Мусо, Довуд, Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

³⁷ Инсониятга илоҳий муқаддас китобларни етказган пайғамбарлар: Ёқуб, Юсуф, Аюб Муҳаммад алайҳиссаломлар.

³⁸ Анбиёлар - барча бошқа пайғамбарлар.

Биринчи осмон - Авлиёлар руҳларининг мақоми ва макони, Тўртинчи осмон - Маърифат аҳли (ориф) руҳларининг мақоми ва макони. Учинчи осмон - Зоҳидлар руҳларининг мақоми ва макони. Иккинчи осмон - обидлар руҳларининг мақоми ва макони. Биринчи осмон - мўминлар руҳларининг мақоми ва маконидир.

Ушбу маълумотлар асосида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий сафари ҳақидаги юқорида келтирилган нақлни қуйидагича тапқин қилиш мумкин:

Авалло бу парчадаги жазба сўзига аҳамият берайлик. Жазба – Аллоҳ раҳмат назари билан қараган бандаси қалбида илоҳий шавқданқ уйғотиб, уни ўзига яқинлаштиради. Шунда ориф, **вали авлиё** сўзининг бирилиги, маъноси «*Тангирининг дўсти*») инсон ўзини гўё руҳи танасидан чиқиб, осмонларга парвоз қилгандек элади. Азизуддин Насафийнинг таърифига биноан *биринчи осмон* мўминлар руҳларининг мақоми ва маконидир, *иккинчи осмон* - обидлар руҳларининг мақоми ва макони, *учинчи осмон* - зоҳидлар руҳларининг мақоми ва макони, *тўртинчи осмон* - маърифат аҳли (*ориф*) руҳларининг мақоми ва макони эканидан келиб чиқсак, Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазратларининг руҳлари *тўртинчи осмонни*, яъни орифлар макони бўлган осмонни айлангангани ва яна танага қайтгани, у кишининг *орифлар даражасига*(мақомига) етишганидан даълолат беради.

Шу тариқа *руҳий сафар* ҳақида фикр юритар эканмиз, бу сафар қай тарзда амалга ошиши ҳақида мазкур асарга таянган ҳолда маълумот олишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда ислом динида мавжуд бўлган *меърож* тушунчаси ва ҳодисасига диққатни қаратамиз.

Араб тилида «*аража*» феълидан ясалган «*уруж*» ва «*меърож*» сўзлари мавжуд. «*Аража*» феъли юксалиш маъносини беради. Бу ҳам бўлса руҳий - маънавий юксалишдир. *Меърож* ва *уруж* сўзлари бир ўзақдан ясалган бўлиб «юксалиш», «кўтарилиш» маъноларини англатади.

Азизуддин Насафий ёзади:

«*Пайғамбарлар ва авлиёлар табиий вафотларига қадар руҳий ва маънавий юксалишни бошдан кечирадилар. Чунки улар табиий ўлимларига қадар ўладилар, шу сабабли бошқалар табиий ўлимларидан сўнг кўрадиган нарсаларни улар табиий ўлимларига қадар кўрадилар ва уларга ўлимдан сўнг пайдо бўладиган ҳолат ҳаётлик чоғларида аён бўлади. Одамлар учун тана ҳижоб бўлгани тусфайли уларнинг руҳи танадан чиққач, унга ҳеч нарса парда бўлполмайди.*

Пайғамбарларнинг юксалиши икки хил бўлади: биринчиси танаси билан бирга юксалиш, иккинчиси - фақатгина руҳий юксалишдир. Аммо тана ҳам руҳ билан биргаликда уруж қилиши мумкин». (14 .94)

«Авлиёларнинг юксалиши фақатгина бир хил бўлади, яъни уларнинг руҳи танасиз уруж қилиши мумкин.

Тасаввуф аҳлининг бундай юксалишдан кўзлаган мақсади шундан иборатки, солиқнинг руҳи унинг сиҳат ва бедор ҳолатида танадан чиқиб, унинг ўлимидан сўнг бўладиган ҳолатлар унга у тириклик пайтида очилсин, у жаннатни ва дўзахни кўрсин ва у ердагиларнинг аҳволидан хабар топсин ва бўлган нарсаларни ўз кўзи билан кўрсин, илм-ул-яқиндан айн-ул-яқин¹ даражасига кўчсин». (77.59)

«Ҳар бир солиқнинг руҳи танага қайтиб киргач, унинг хотирасида у етишган ва кўрган даража ва нарсалар сақланиб қолади. Баъзиларнинг руҳи осмонларда бир неча соат қолиб(сайр қилиб) яна танага қайтиши мумкин. Бошқаларнинг руҳи узоқроқ - ўн кун (осмонларда) сайр қилиши мумкин» (77.49)

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда валий ва шайхларнинг мақомотларида уларнинг руҳий-маънавий юксалишлари акс эттирилганда мақомот муаллифлари айнан мазкур тушунчаларга таянганликлари аён бўлади.

¹ Булар тасаввуф аҳли нуқтаи назаридан тайин қилинган уч хил билим босқичларини англатувчи истилоҳлардир: 1. Илмул яқин - билим орқали ишониш - Бу босқичга китобий, таҳсиллий билим орқали эришилади. Айнул яқин - тулиқ илм тажриба қилиб ишониш. Бунга солиқ ўзининг бевосита иштирокидаги тажрибавтӣ билим орқали етишида .Ҳаққул яқин - ҳақиқий ишонч. Бунга солиқ ўзи тажриба воситасига айланиб, ҳосил қилган билими эвазига муваффақ бўлади. Бу ҳақда маълумотни Е.Э.Бертельснинг «Суфизм и суфийская литература»(М.1965, с.39), Н.Комиловнинг «Тасаввуф» (Т.1996. с.39), Жаъфар Сажодийнинг «Фарҳанги луғат ва истилиҳот ва таъсироти ирфоний» (Техрон, 1991 йил) асарларидан олиш мумкин.

ТАСАВВУФ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ

Дарснинг мақсади:

Утибу маъруза бадиий адабиёт ва тасаввуфнинг ўзаро муносибатлари масаласига бағишланган бўлиб, унда асосан ислом минтақа маданияти доирасида мумтоз адабиётнинг ривож ва бу жараёнда тасаввуф адабиётининг тутган ўрнига таълибдор қаратилади.

Дарс режаси:

1. Адабиёт нима?
2. Ислом минтақа адабиётини даврлаштириш муаммолари.
3. Дунёвий адабиёт нима?
4. Тасаввуф адабиёти нима?

Тягнч сўз ва иборалар:

Итмий адабиёт ва бадиий адабиёт, бадиий тафаккур ва ирфоний тафаккур, дунёвий адабиёт, ислом минтақа адабиёти, адабиётни даврлаштириш, Европа адабиётшунослиги, ислом минтақа адабиётшунослиги, Борлиқ ҳақиқати, тахайюл ўқинлари, сўз санъати, бадиий тимсол, араб мумтоз адабиёти, фарс тилидаги мумтоз адабиёт, туркий тиллардаги мумтоз адабиёт, Сомонийлар даври адабиёти, Ҳазнавийлар даври адабиёти, сарой адабиёти, адабий мактаблар, қасида, ғазал, тамриёт, зуҳдиёт, ҳижо, достон, мусаммат, адабиётнинг объективий мавқеи, ақлга таяниш, илм маърифати, Абу Абдуллоҳ Рудий, Унсурий, Фаррухий, Манучехрий, Фирдавсий, «Шоҳнома», Абдуф Хос Ҳожиб, «Қутадғу билиг», Абул Аъло ал-Мааррий, Абдулмажд Саной, «Сайрул-ибод илал-маод», «Ҳадоийқ-ул-ҳақиқа», Анварий, Хоқоний, мадҳиявий қасида, фалсафий қасидалар, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий, адабий йўналиш, тасаввуф шеърияти, «ҳақиқат тирриқи», тасаввуф ирфони, ирфоний ва ижтимоий муаммолар

1. Адабиёт нима?

Адабиёт ва тасаввуф нисбати муаммоси асосан икки масалани ўз ичига олади. Биринчиси **минтақа адабиёти ривожига тасаввуфнинг таъсири** масаласи бўлиб, ушбу маърузада шу мавзуга бағишланади. Иккинчиси эса **бадий адабиёт билан тасаввуфий адабиётнинг ўзаро таъсири** масаласи бўлиб, бу мавзунинг турли қирраларига кейинги маърузаларда эътибор қаратилади.

Бугунги кунда «жаҳон илми» деганда назарий жиҳатдан кўпроқ Европа минтақасида шаклланган илмий андазалар тасаввуф этиладиган бўлган. Аслида Ер юзининг турли ўлкаларида минг йиллар давомида шаклланган турли минтақа маданиятлари мавжуд бўлиб, улар бошқа минтақалар билан турли даражада ҳамкорликка киришган мустақил ва залворли маданият тизимларини ҳосил қилган ва шунга яраша ўз мустақил илмий андазаларига эгадир. Масалага жиддий ёндашадиган бўлсак, табиий ва аниқ фанлар, шунингдек, техника фанларида бундай минтақавий андазаларнинг ўзаро фарқлари кўпроқ тарихий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Аммо адабиётшунослик, ахлоқшунослик каби муайян минтақа ижтимоий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган фанларда бундай ёндошувлар воқеликка мувофиқ илмий хулосаларга олиб келмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Шу нуқтаи назардан **мумтоз форс адабиётини** даврлаштириш масаласига эътибор қаратиб кўрайлик. Афсуски, то ҳозиргача бу муҳим масалада қониқарли ечим таклиф қилингани йўқ. Европа адабиётшунослиги, жумладан, собиқ Шўролар даври рус олимлари бу масалада ёки эскича усулга мувофиқ сулолавий принципни қўллаб келишди, ёки муайян Шарқ адабиётини Европа адабиётига мос келувчи даврлаштириш қолипларига зўраки бир тарзда жойлаштиришга уриниш йўлидан боришди. Натижада «Шарқ ренессанси», «анъанавий прогрессив романтизм» каби сунъий атамалар илмий адабиётларга кириб келди.

Яна бир катта камчилик адабиётнинг **шаклий жиҳатларини** ўрганишга биринчи даражали эътибор қаратишда кўринадики, бунда адабиётга турли мафкуралар тарғиботининг оддий бир воситаси сифатида қаралиб, унинг асл моҳияти назардан четда қолади. Ҳолбуки аслида ҳақиқий санъат ва бадий адабиёт **Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг мустақил йўналиши** бўлиб, бевосита **инсон маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилади**, бу соҳага бирор-бир фалсафий ёки мафкуравий тизимнинг

ёрдамчи воситаси сифатида қараш эса адабиётнинг инсон ҳаётидаги мустақил ўрни ва вазифасини камситишга олиб келади.

Санъат, жумладан, **бадий адабиёт**, миллий маданиятнинг тарихий қисми бўлиб, **бадий тафаккур** ҳосиласидир. **Бадий тафаккурни** эса ўз навбатида ҳаёт моҳиятини англаб етишнинг **мустақил йўли** сифатида баҳолаб, моҳиятан **тахайюл ўйинлари**³⁹ воситасида **Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга** уриниш, дея таърифлаш мумкин. Шу йўл билан ҳайкалтарош тошни «эканлантиради», мусаввир ранглар товланишини ишга солади, мусиқа санъати инсон туйғуларига бевосита коинот уйғунлигини олиб киради.

Бадий тафаккурнинг энг қудратли ва имкониятлари чексиз воситаси **сўз санъатидир**. Адабиётни инсон ҳаётининг бошқа бирор йўналишига бўйсундиришга уриниш ижодкорни йўлдан адаштиради. Адиб ёки шоир ўз ишига фақат беғараз ёндошсагина, ҳаёт ҳақиқатини бевосита бадий тимсоллар орқали акс эттиришга ўринсагина асл мақсадга эришиши мумкин. Бошқача қилиб айтсак, **мумтоз адабиёт беғараздир**.

Адабиёт инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий манбадир, ёш авлодни **маънавий баркамол** қилиб тарбиялашда унинг аҳамияти беқиёсдир. Адабий асар кўз олдингизда кечаётган бийлаш-уйқаш ҳодисалар гирдобини маълум тизимга келтириб, ундан сизнинг кўзингизга, онгингизга маъно, мазмун чиқариб беради. Бадий асар етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммага тўшунарли, ҳамма ҳам ундан ўз фаҳм-фаросатига лойиқ бир ҳисса чиқара олади. Шу сабабли **адабиёт - ибрат мактаби, меҳр парваришидир**. **Мумтоз адабиёт Борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга**. Ана шу хислати туфайли у инсон руҳини **Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга ёрдам берувчи асосий воситалардан бири** ҳисобланади.

³⁹ «Имагинация» (русча «воображение», Форобий ва Ибн Синолар фалсафасида «тахайюл») асотир тафаккур, фалсафий ва бадий тафаккурнинг Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва ифодалашдаги асосий восита эканлиги гангли рус олими Я. Голосовкернинг «Логика мифа» китобида ишонарли исбот қилиб берилган.

2. Ислом минтақа адабиётини даврлаштириш муаммолари

Шулардан келиб чиққанда ҳарбир миллат ёки минтақа адабиёти ривожини ушбу миллат ёки минтақа халқларининг маънавий камслоти билан боғланишда олиб қаралса мақсадга мувофиқ бўлади. Ислом минтақа маданияти доирасига кирувчи халқларнинг маънавий камолот жараёнини даврлаштирганда қуйидаги *уч асосий давр* алоҳида ажратиб қаралади:

1. *Исломгача турли миллатлар маънавиятининг шаклланиши* (энг қадимги даврлардан – VII ёки VIII аср бошларигача).

2. *Ислом минтақа маданияти доирасида турли миллатлар маънавиятининг такомили* (VIII - XV асрлар).

3. *Янги давр жаҳон маданияти миқёсида миллий маънавиятлар аҳволи* (XVI - XX асрлар)

Мумтоз форс адабиётининг ривожини юқоридаги даврлаштиришда асосан IX - XV асрлар, яъни Ислом минтақа маданияти доирасида турли миллатлар маънавиятининг такомили (VIII - XV асрлар) даврига тўғри келади.

Қуръони карим оятлари нозил этила бошлагач, VII аср давомида *Тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси* - «умма» тушунчаси шаклланган бўлса, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Исломнинг асл ғояси - мусулмон умматининг тенглиги амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди. Натижада ислом дини кенг тарқалган улкан бир ҳудудда ягона ғоя остида бирлашган яхлит **маданий минтақа** ташкил топди ва у VIII-XV давомида маънавий жиҳатдан узлуксиз такомил топиб борди. Ушбу маънавий такомил жараёнини қуйидаги жадвал билан ифодалаш мумкин:

1-жадвал. *Ислом минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичлари*

Ислом минтақа маданияти доирасида маънавий такомил босқичлари	Тарихий давр	Шахс ва миллат маънавиятининг такомил босқичлари ёки маърифат йўллари
I Сунна	VIII-IX асрлар	Ибрат
II	X-XI	Илм

Ислом маърифатчилиги	Асрлар	
III Тасаввуф тариқатлари ёхуд Ирфон	XII-XIII Асрлар	<i>Пуёзам</i>
IV «Мажоз Тариқи»	XIV-XV Асрлар	<i>Меҳр</i>

Ушбу маънавий такомил жараёнининг бош ғояси **Тавҳид** таълимоти бўлиб, минтақа халқлари томонидан **Тавҳид Ҳақиқати**ни бутун кўлами билан англаб етиш учун **8 асрлик тараққиёт** лозим бўлди⁴⁰. Ислом минтақа адабиёти ҳам VIII - XV асрлар мобайнида **дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш** нуқтаи назаридан катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ислом минтақа маданияти доирасидаги халқларнинг маънавий камолот йўли билан минтақадаги адабий жараённинг ривожини ўзаро қиёслаганда куйидаги ҳолат қузатилади:

VIII-IX асрларни ўз ичига олган **Сунна босқичида бадиий адабиёт бутун минтақа бўйлаб асосан араб тилида яратилди**. Бу давр араб мумтоз адабиётида «янгилаиш» ҳаракатига асос қўйилган Башшар ибн Бурд (714-784), Ибн ал-Муқаффа (724-759), Абу Нувос (762-713), Абул Атахия (748-825) каби машҳур шоир ва адиблар ижоди билан бошланади ва бутун минтақа бўйлаб то X аср бошларигача кенг кўламда давом этади. Бу даврда туркий ва форсий тилларида дастлабки шеърият намуналари (Адиб Аҳмаднинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари ва Маҳмуд Кошғарий асарида келтирилган баъзи парчалар, Ҳанзала Бодғисий, Абулаббос Марвазий шеърияти) пайдо бўлган бўлса ҳам, ҳануз бу тиллардаги шеърият кўп урф бўлган эмас.

Фақат IX аср охирилари - X аср биринчи ярмига келиб **Сомонийлар саройида** Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби шаклланди⁴¹. Шундан бошлаб, яъни X-XI

⁴⁰ Ислом минтақа маданияти доирасидаги ҳарбир маънавий такомил босқичи хусусида кириш маърузада етарли изоҳлар берилгани сабабли буерда идрокдаги жадвални келтириш билан чекланамиз.

⁴¹ Мустақилликгача яратилган илмий тадқиқотлар ва дарсликларда форс тилидаги мумтоз адабиётни даврлаштириш турлича берилган бўлиб, уларда баъзан ўта сунъий ёндошувлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Москва давлат университети нашриётида 1970 йилда чоп этилган бир дарсликда VIII - IX

асрларда (**Ислом маърифатчилиги босқичи** даврида) энди ислом минтақасида бадиий адабиётнинг қамрови ва кўлами кенгайди, араб тилидаги адабиёт ёнига Хурӯсон ва Мовароуннаҳрда яратилган форсий ва туркий тиллардаги мумтоз шеърят қўшилди. Қудратли маҳаллий ҳукмдорлар – Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар саройлари доирасида мустақил адабий мактаблар шаклланди.

IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хурӯсонда ҳар уч тилда асарлар яратилган бўлса, XI аср бошларидан араб тили асосан илм тили сифатида сақланиб қолиб, **Ғазнавийлар саройида** асосан форс тилида ва **Қорахонийлар саройида** туркий ва форсий тилларидаги шеърят ривож топди. Бу даврда Унсурий, Фарруҳий, Манучеҳрий ва бошқалар форс тилида мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналарини яратдилар, **Фирдавсий Тусий (940-1020)** 60 минг байтли улкан тарихий эпопея - **«Шоҳнома»**ни қозоғга туширди. Туркий тилда замонасининг долзарб ижтимоий ва фалсафий қарашларини кенг кўламда акс эттирган **Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони** (1069 йилда ёзилган) дунёга келди. Кейинги икки асар шу давргача Эрон ва Туронда яралган бой маънавий мероснинг ўзига хос бадиий қайта ишланган қомуси эди. Араб тилида **Абул Аъло ал-Мааррий (973-1058)**нинг юксак фалсафий мазмундаги асарлари ҳам шу давр маҳсули эди.

3. Дунёвий адабиёт нима?

Шарқ адабиётини ўрганишга оид XX асрда яратилган адабиётшунослика оид қатор асарларда **«дунёвий адабиёт»** тушунчаси тез-тез тилга олинади. Марксистик мафкура руҳида яратилган бундай тадқиқотларда бу атама одатда салбий маънода ишлатилувчи **«диний-мистик адабиёт»**нинг муқобили сифатида

асрлар «Уйғониш даври олди адабиёти» (Литература периода Предвозрождения) деб алоҳида даврга ажратилган. Ваҳоланки, бу даврнинг асосий қисми, яъни VIII асрдан то IX аср охиригача асосий асарлар ё араб тилида ёки ўрта форс (пахлавий) тилларида яратилган бўлиб, Сомонийлар давридагина янги форс тилидаги йирик адабий мактаб шаклланди. Бу мактабнинг ривожини ва унинг асосий намоёндалари яшаб, ижод этган давр IX аср охиригача чорагидан бошланиб, X асрни деярли тўлиқ қамраб олади. Қизиғи шундаки, китоб муаллифлари ўзлари ўйлаб топган бу «давр» адабиётидан уч-тўрт қатор шеърини парчадан бўлак тайинли бир намуналар келтира олишмаган.

келади ва бутун Ўрта асрлар адабиётига нисбатан қўлланилавер-
ради. Аслида ҳам шундайми? Бизнинг назаримизда, бу тушунчани
узининг аниқ тарихий маъносида мумтоз адабиёт ривожининг аниқ
бир даврига нисбатангина қўллаш ўринлидир. Шу мулоҳазалардан
келиб чиққанда бу атамани айни VIII - XI асрларни ўз ичига олган
минтақа адабиёти ривожининг биринчи даврига нисбатан
қўллаш мақсадга мувофиқдир. Хўш, бу адабиётнинг ўзига хос
хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

VIII - XI асрларда ислом минтақасида шаклланган турли адабий
жанрлар ҳам илмий доиралар сингари кўпроқ у ёки бу ҳукмдор
саройида марказлашган бўлиб, уларнинг мазмуний мундарижасида
мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт (май мавзуи),
тукдиёт (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебақолиги ва уларга меҳр
қуймаслик мавзуи), ҳижо (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв)
ваби мавзу турлари етакчилик қиларди. Бу даврда «энг ёлгон
шеър - энг яхши шеърдир» ва «энг рост шеър - энг яхши
шеърдир» деган ибораларда ўз аксини топган шеърятга икки хил
бидошув шаклланигани илмий адабиётларда қайд этилган ва бунга
муайян даражада ўша давр адабиётининг мавзу қамрови ва
вазифаси, ижтимоий воқеликда тутган мавқеи ҳам сабабчидир.

Бу давр адабиётининг аксарият намуналарига хос бўлган энг
хусусият ақлга таяниш бўлиб, ислом минтақа маданияти
доирасидаги маънавий такомил босқичларининг иккинчиси - Ислом
матрифатчилиги босқичида Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг
етакчи йўналиши бўлган илм маърифатига тўлиқ мос келади.
Мисолларга мурожаат қиламиз.

Сомонийлар даври адабиётининг таниқли вакилларидаан Абу
Абдуллоҳ Рудакийнинг сафдоши ва замондоши Абу Шукур Балхий
шундай ёзади:

Хирадманд гўяд: «Хирад – подшо-ст,

Ки бар хос-у бар ом фармонраво-ст.

Хирадро тани одаме пашкар аст,

Ҳаме шаҳват-у орзу чокар аст.

(Ақлликлар айтур, ақл – подшодир,

Ақл барчага бир фармонраводир.

Тана аъзолари – ақл лашкари,

Шаҳвату орзулар унинг чокари.)⁴²

⁴² Иқтибослар Ш. Шомухамедовнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари
иждодида гуманизм тараққиёти» асаридан олинди. С. 25.

Айни шу фикрларни кейинги асрда «Шоҳнома»нинг кириш қисмида Абулқосим Фирдавсий ривожлантиради:

*Хирад беҳтар аз ҳар чи изад бедод,
Ситоиш хирадро беҳ аз роҳи дод.
Хирад раҳнамо-ю хирад дилкушой,
Хирад даст гирад ба ҳар ду сарой.
Аз ӯ шодмони ва-з ӯ-ят ғами-ст,
Ва-з ӯ-ят фузуни ва-з ӯ-ят ками-ст.
Хирад тира-ву марди равшан равон
Набошад ҳами шодмон йек замон...
Каси к-ӯ надорад хирадро зи пеш
Дилаш гардад аз кардаи хеш реш.*

*(Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни васф этар кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик.
Бадан соғ бўлса-ю ақл – нотавон,
Бундай инсон бўлмас ҳеч вақт шодмон...
Киши иш қиларкан беақлу идрок,
Қилмишидан бўлур юрак-бағри чок).⁴³*

Кўрамизки, агар Рудакийнинг замондоши ақлни инсон вужудининг ҳукмдори деб улуғлаётган бўлса, **Фирдавсий** уни Аллоҳ инсонга ато этган неъматларнинг энг олийси деб талқин қилмоқда. Бундай фикрларни Рудакийдан ҳам, Юсуф Хос Ҳожибдан қанча истасак топиш мумкин. Бу давр алломалари барчаси имонли, тақволи, чин маънодаги мусулмон инсонлар, аммо тавҳид ғоялари ҳали булар онгида **Сунна босқичи** даражасида англаб етилган, **тавҳид таълимотининг** маъно теран-ликларини қидириш аксарият ҳолларда ҳануз бу давр шеъриятига хос эмас.

Бу давр шеъриятида **бадий адабиётнинг инсонлар маънавий камолотига хизмат қилиш вазифаси** ҳануз амалийроқ кўринишда идрок этилиб, Рудакийнинг қуйидаги байтлари бунга ёрқин мисол бўла олади:

⁴³ Ҷша асар, С. 25.

*Чнҳор чиз мар озодаро зи ғам бехарад,
Тане дуруст-у хўйе ник-у номе ник-у хирад.
Ҳар он-ке изадаш ҳар чаҳор рўзи дод,
Сазад ке шод зияд жовидон-у ғам нахўрад.*

*(Тўрт нарсани берди менга оқилларча ўйламоқ
Тансиҳатлик, яхши одат, яхши ном, яхши фикр,
Тангри кимга қилган бўлса бу тўрт нарсани насиб,
Мингу шодлик билан яшаб, ғам емаса ҳам арзир⁴⁴).*

Қарангки, шоир комил ишонч билан, инсон тани сиҳат бўлса, феъли кенг бўлса, элу юртда яхши ном қозонган бўлса, ва яна шохда таъкид этилмоқдаки, ҳар ишни ақл тарозусида ўлчаб амалга оширса, демак, бундай инсон албатта бахтли бўлади ва шоду хурсандлик билан умр кечиради, деб мулоҳаза юритмоқда. Бир қараганда, шоирнинг фикрлари жуда тўғрига ўхшаб туюлади ва тан олиб айтиш керак-ки, бугунги кунда ҳам кўпчилик инсонлар бу фикрга тўлиқ қўшилиб, ўз ҳаётларида унга амал қилиб яшашга уринадилар. Рудакий йигитлик даври давронларини суриб, эл брасида шухрат қозониб, Наср ибн Аҳмад Сомоний саройи дашрасида юқори обрў-эътиборларга эга бўлган пайтларда шундай танбин кайфиятларни бошидан кечирганлиги шубҳасиз. Аммо шоирнинг афсус-надоматларга тўла «Қарилик қасидасини» ўқисак, унинг олдинги тасаввурлари ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига қанчалик мувофиқ келмаслигини биламиз-қўямиз. Фирдавсийнинг ҳам бутун умрини бағишлаб ёзган улкан эпопеяси ўз даврининг ҳукмдорлари наздида ўз вақтида етарли қадр топмаганлиги, улғу шоир ўз мислсиз ижодий меҳнати натижасидан кутган умидлари юзага чиқмагани ҳақидаги ривоятлар бизгача етиб келган. Демак, фақат ақл, истеъдод, яхши феъл ва яхши ном билан бахтга эришиш, шоду хуррам ҳаёт кечириш мумкин деган қарашлар давр воқелигида кўп уринда ўзини оқламаслиги бора-бора равшанлашиб борди. Бундай ҳолатнинг сири Фирдавсийнинг қуйидаги сатрларида бироз очилгандек бўлади:

*Хирад гар сухан бар гузинад ҳами,
Ҳамонро гузинад ки бинад ҳами.
(Ақл агарчи танлаб-танлаб сўз юритса ҳам,
Унинг танлови фақат кўринадиган нарсаларгагина оиддир.)*

⁴⁴ Ўша асар, с.27.

Маълумки, материалистик дунёқараш фақат моддиятни, содда халқ тили билан айтганда, кўзга кўринадиган, қўлга илинадиган, сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсаларнигина мавжуд Борлиқ сифатида тан олади. Бундай қарашнинг мукамал эмаслиги аллақачон башариятнинг илғор сиймолари томонидан қайта-қайта исботланган. Албатта, «**дунёвий адабиёт**» дегани мутлақо материалистик дунёқарашга таянувчи адабиёт дегани эмас. Аммо бу адабиёт мавзулари моддий дунё ҳою ҳавасларидан жуда ҳам узоқ кетмагани унинг барча намояндалари ижодида ярқ этиб кўзга ташланиб туради⁴⁵.

Ислом минтақа адабиёти ривождаги **иккинчи йирик давр XII-XIII асрларни** ўз ичига олиб, Алишер Навоий минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларини айни шу давр шоирларидан бошлайди.

4. Тасаввуф адабиёти нима?

Алишер Навоий форсий «*Шоҳнома*»ни яхши билса-да, бадии ижод тариқи ҳақида мулоҳаза юритганда Фирдавсийни эсламайди, балки санокни форс мумтоз шеърятни вакиллари ичидан биринчилардан бўлиб саройни ва мадҳиягўйликни тарк этиб, шеърятга жиддий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирган **Абдулмажд Санойи** (1048 - 1140)дан бошлайди. Чунки унинг - «*Сайрул-ибод илал-маод*» («Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари») ва 10 минг байтдан ортиқ ҳажмдаги «*Ҳадоийқ-ул-ҳақиқа*» («Ҳақиқат боғлари») дostonлари минтақа адабиётида янгича йўналишга асос солган эди. Ундан кейин XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган **Абдулвосиъ Жабалий** (вафоти 1160), **Анварий** (вафоти 1191), **Асириддин Ахсикатий** (1108-1196), **Хоқоний** (1120-1199), **Зоҳир Фарёбий** (вафоти (1202) каби қатор таниқли шоирлар ҳам сарой мадҳиягўйлигини тарк этиб, ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришдилар.

⁴⁵ Албатта, XI аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан буюк шоир ва мутафаккир Носир Хусрав (1004-1088) ботиния йўналишида Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга урингани, Абу Али ибн Синонинг «Қасидат ан-нафс» маснавийси, «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр», «Соломон ва Абсол» каби муъжаз насрий қиссаларида фалсафий йўналишда Борлиқ ҳақиқатини мажозий йўсинда ифодалашга ҳаракат қилинганини инкор этиб бўлмайди. Аммо бу ҳолатлар ҳануз давр адабиётида етакчи қувватга эга эмас эди.

Санойий ўз даврида ҳам, кейинги даврлардаги форс адабиёти тарихига оид аксарият тадқиқотларда ҳам тасаввуф шоири фарғатиди тилга олинади. Навоий Санойий ижодини баҳолашда бу аълоанига зид бориб, уни «ҳақиқат тариқи» суханварлари қаторида эмас, «ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут» қилганлар даврида тилга олган. Дарҳақиқат, асарлари ўз вақтида буюк фалсафлари (издошлари) томонидан сўфиёна руҳда талқин этилган вақтига қарамай, Санойий ҳам, Анварий ва Ҳоқонийлар ҳам ҳануз ҳам маънодаги суфий шоирлар эмас эдилар. Санойийнинг «Ҳадоийиқ ақиқат» асарини Европа шарқшунослари узоқ вақт «тасаввуф мисоли» деб талқин этган бўлсалар-да, бу асарни диққат билан ўрганган Е.Э. Бертельс бундай қарашни қувватламайди. Дарҳақиқат, 10 бобдан иборат бу йирик дostonда, Навоий асосли равишда таълиқлаганидек, тасаввуфга оид мавзулар бошқа фалсафий-иҷтимоий масалалар билан аралаш (махлут) ҳолда баён этилган.

Санойий ва Анварийлар бошлаб берган шеърятга янгича яндошув уларнинг яқин издошлари - XII аср охири чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърят осмонида порлаган икки ёрқин юлдуз Низомий Ганжавий (1141-1202) ва Фаридиддин Аттор (1147-1229) сиймолари мисолида икки алоҳида йўналиш бўйича ривож олди.

Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади:

Биринчи - инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи;

Иккинчиси инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати.

Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади.

Иккинчи йўналишда иҷтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

Кейинчалик Жалолоддин Румий (1207-1273) ёзган эди:

*Аттор руҳ буду Санойий ду чашми ў,
Мо аз паи Санойю Аттор омадем.*⁴⁶

⁴⁶ Бертельс. Б.Э. Ибранные труды. Низами и Фузули. М.-»Наука»-1962, с. 174.

(Аттор руҳ эди, Санойи унинг икки кўзи,
Биз Санойи ва Аттор изидан келдик.)

Санойи «икки кўз»га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридан нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. Аттор эса «руҳ» - унинг назмдан мақсади «асрори илоҳий адоси» («илоҳий сирларни баён этиш») - инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. «Маснавийи маънавий» дек буюк ирфоний қомусни яратган Жалолиддин Румий ҳам айнаи шу йўлдан борди. Тасаввуф шеърятининг моҳияти аслида шу.

Форс тилида ижод этган буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий эса фақат инсон руҳиятининг ички қатламларига теран назар ташлаш билан чекланиб қолмай, ўз достонларида шахснинг Ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди, яъни, унинг асарларида ирфоний ва ижтимоий муаммолар олий бир уйғунликда ифодаланди. Айнаи шу уйғунлик ифодасига кейинчалик Алишер Навоий томонидан «Мажоз тариқи» деб ном берилган эди.

Аммо XII асрда ҳануз «Ҳақиқат» ва «мажоз» тазоди кун тартибига рўйирост қўйилган эмас, Низомий асарларида «мажоз» атамаси умуман истеъмолга ҳам кирган эмас эди. Навоий бу йўналишда мумтоз натижаларга эришган зот асарларини ўз ижодий йўлини белгилашда порлоқ бир намуна сифатида танлаган бўлса-да, назарий тадқиқотларида Низомий номини бирор гуруҳга мансуб этиб тилга олмайди.

Тасаввуф шеъряти XI асрдаёқ Абусаид Абулхайр (967-1049), Бобо Тоҳир Урўён (ваф. 1055) каби суфий шоирлар ижодида юз кўрсатабошлаган бўлса ҳам, ҳануз адабиётда етакчи мавқеъга кўтарилган эмас ва ирфоний ғоялар шеърятда ўзининг тўлақонли мажозий ифодасини топган эмас эди. Авваллари кичик лирик жанрлар (рубойи, ғазал) билан чекланган ирфоний шеърят XII асрдан бошлаб эпик руҳ касб эта бошлади. XII - XIII асрларда форс тилида Фаридиддин Аттор (1147-1229) ва Жалолиддин Румий (1207-1273)ларнинг тасаввуфий эҳтиросга йўғрилган буюк эпик асарлари, араб тилида ирфоний ишқнинг оташин куйчиси Ибн ал-Фарид (1181-1234) шеъряти ва Ибн ал-Арабий (1165-1240) яратган тимсолий тафаккурнинг мумтоз намунаси «Футуҳоти Маккия» асари дунёга келди.

Ирфон - ўзликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллоҳга қиссини нисбатим қандай? Тасаввуф шу саволга жавоб қидиради. Ҳақнинг жавоби қисқа ва содда қилиб ифодаланганда, қуйидагичадир: **Ҳақ - ягона ва мутлақ борлик, Аҳад (яккалик, бирлик). Ҳақ ўз сифолини кўрмоқ истайди ва ўзига кўзгу сифатида фоний рақибни (яъни, биз кўриб турган моддий борлиқни) бунёд этади.** Рақибийлар Ҳақнинг асл зотини **Ҳақиқат** ва унинг **мазҳари**, қиёсан ифодада, кўзгудаги аксини **«мажоз»** («иносказание», метафора), деб атайдилар. **«Ҳақиқат» ва «мажоз» тазоди** шундан бошланади. Алишер Навоийнинг **«Маҳбуб ул- қулуб»** рисоласи «Аввалги калом»нинг **«Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида»** деб аталган 16-фасли шоирлар таърифида бўлиб, шундай бошланади:

«Ул неча табақадир: аввалги жамоа нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжизнизомда тилаган топар, чун маал-қасд эмас, эл хурмати жиҳатидин ани шеър демас»⁴⁷

(**Насрий баёни:** Улар бир неча гуруҳдир. **Биринчи гуруҳ** маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан Маърифат гавҳарини термоқ ва у гавҳарни эл файз топсин учун назм ипига тортмоқ. Назмларининг ифодаси ғоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илоҳий калом оятлари ва Расулulloҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар».)

Алишер Навоий бу тоифа вакилларини **«ҳақиқат тариқининг руханвари»**, деб атайти ва улар жумласидан тасаввуф адабиёти-нинг энг буюк сиймолари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий** номларини тилга олади. Олим бу гуруҳ вакилларини *«авли-фи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ»*, деб улуғлайди.

Тасаввуф машойихлари **«Ҳақиқат» ва «мажоз» тазодига** турли даврда турлича ёндошиб келдилар. Агар XIII аср бошлари ва ўрталарида **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румийлар**

⁴⁷ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. Т.-»Фан «-1998, с.24

инсонларни «мажоз», яъни ташқи моддий дунё ҳою ҳавасларини берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) Ҳақиқати сари интилишга, Моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлсалар, мажозга (суратга) берилиш, Ҳақиқатдан (маънодан) чалғитади деб ҳисоблаган бўлсалар, XIII аср охирларига келиб **Фаҳриддин Ироқий** (1207-1289), **Авҳадиддин Кирмоний** (вафоти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. **Ибн ал-Арабий** ғоялари таъсирида «Ламаъот» асарини ёзган Ироқий «мажоз» ва «ҳақиқат» нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх Авҳадиддин Кирмоний ушбу нисбатни қуйидагича талқин этади:

*З -он минигарам ба чашми сар дар сурат,
Зеро-ки зи маъност асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.⁴⁸*

*(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,
Суратда маънонинг изи бордир.
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)*

Яъни, инсон Олий ҳақиқатни (Борлиқнинг ягона олий моҳиятини) бевосита унинг мазҳаридан (моддий борлиқда ўзлигини кўрсатиши, зуҳур этиши, намоён бўлишидан) ташқарида кўра олмайди, чунки у ўзи ҳам шу мазҳардан ташқарида эмасдир («сурат» ичидадир). **Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириши лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир.**

XIV-XV асрлардан Ислом минтақа адабиёти ривожда учинчи йирик **давр бошланади**. Алишер Навоийнинг бу ҳақдаги назарии мулоҳазаларига таянган ҳолда бу даврни минтақа шеърлятида «**Мажоз тариқи**» даври деб аташ мумкин. Бу даврда ҳам дунёвий, ҳам тасаввуф адабиёти эришган ютуқларга таянган ҳолда янги бир йўналиш шаклланди-ки, бу ҳақда кейинроқ муфассал баён қилинади.

⁴⁸ Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. Т., 1968, с.166

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Адабиёт нима?
2. Бадий тафаккур нима?
3. Мумтоз адабиёт деганда нимани тушунаси?
4. Ислом минтақа адабиёти асосан қачон ва кимлар томонидан шакллантирилган?
5. Ислом минтақа адабиётини даврлаштириш муаммолари қанда нималарни биласиз?
6. Дунёвий адабиёт нима?
7. Тасаввуф адабиёти нима?
8. Дунёвий адабиёт вакилларида кимларни биласиз?
9. Тасаввуфий-ирфоний адабиёт вакилларида энг машхурлашган кимлар?

Мустақил таълим мавзулари:

1. Адабиёт ва тасаввуф нисбати.
2. Минтақа мумтоз адабиёти даврлари.
3. Бадий адабиёт Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг мустақил шакли сифатида.
4. Тасаввуфий-ирфоний адабиёт ҳақида.

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛ

Дарснинг мақсади:

Лингвопоэтик таҳлилнинг бадииятни очиб беришдаги ўрнини кўрсатиш, тасаввуф адабиётини лингвопоэтик таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тасаввуф бериш, поэтик матнга яхлит система сифатида қараш ва уни лингвистик таҳлил қилиши жараёнида бадиийликни таъминловчи воситаларни фарқлашга ўргатиш.

Дарс режаси:

1. Лингвопоэтика – яхлит филологик соҳа.
2. Лингвопоэтик таҳлил тамойиллари.
3. Тасаввуф адабиёти таҳлилига лингвопоэтик ёндашув.

Таянч сўзлар ва иборалар:

лингвопоэтика, лингвопоэтик таҳлил, лингвистик таҳлил таҳлил тамойиллари, бадиий матн, поэтика илми, бадиий асар тили, адабий тил, услуб, нутқ бирлиги, образли ифода, шакл ва мазмун, сўз маъноси: ўз ва кўчма маъно, яхлит система бадиийлик, «бадиий юк», бадиий тил воситалари, синхрон аспект, диахрон аспект, бадиий асардаги шаклий ва мазмуний унсурлар, шоирнинг бадиият дунёси, мажозий маънолар, рамз ва тимсоллар, «илми ботин», бадиий матнга поэтик, прагматик, семантик аспектларда қараш

1. Лингвопоэтика – яхлит филологик соҳа

Бадиий адабиёт асрлар давомида инсонни ботинан кашф этиш, унинг кўнгил гўшасига кириш, очилмаган сиру синоатларини суи орқали намоён этиб келувчи қудратли кучдир. Адабиётимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қатор босқичлару оқимлар бўлганини биламиз. Адабиётни тадқиқ этувчи фанда эришилган илмий хулосалар, умумлашмалар қанчалик кўп бўлмасин, инсон қалби, шуури, борлиқни англаши билан боғлиқ қанчадан-қанча асрорнинг мавжудлигини тан оламиз. Айниқса, бадиий адабиёт,

шоирнинг шоирлару адиблар ижодида фикр, тил ва ифоданинг мавжудасам яхлитлиги ва уйғунлигини намоён этиш ҳамда Борлиқ ҳақиқатини ўзига хослик бир усулда англаш ва англатиш воситаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бадиий матн – ижодкор тафаккури, тасаввури ва тахайюл дунёсининг образли ифодаси, уни таҳлил қилаётган олимнинг аниқлиги эса худди шу дунёга кира олиши ва уни тўғри талқин қила олишидир. Шеърий асарларни ўрганишда уни ғоявий жиҳатдан таҳлил қилиш, мавзу доирасини белгилаш, бадииятини тадқиқ этиш ва бундан қатор жиҳатлар мавжудлигини биламиз. Поэтика доирасида таҳлил қилинган кўплаб фикрлар шеърият оламига кириш сирларини очиб берган. Арастудан то бугунги кун олимларгача борлиқни, воқеликни бадиий инъикос эттириш, бунда поэтик тушунчалар ва воситаларнинг хизмати хусусида фикр юритадилар.

*«Бадиий асар тили адабий тилнинг бошқа услубларидан фарқли ўлароқ, нутқ бирликларини образли ифодалашдаги ўзига хослиги, «шеъриятнинг оташи билан йўғрилган» тилдир».*⁴⁹

Бадиий матн, насрий ёки шеърий бўлишидан қатъи назар, тилнинг поэтик имкониятларини намоён этади. Демак, бундай матнни таҳлил қилиш бадиийлик мезонларини ҳисобга олишни, тил воситаларининг қўлланиш ҳолатига эътибор қаратишни тақозо этади. Филологияда бадиий тилнинг тадқиқи бўйича турли усул ва амаллар мавжуд. Бугунги кунда фанимизда бу ёндашувларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини ўрганувчи, филологиянинг тадқиқоти ҳамда адабиётшунослик тармоқларини бирлаштирувчи соҳа – **лингвопоэтика** муҳим ўрин эгалламоқда. Бадиий матнга тилнинг ва ижодкорнинг ифода имкониятларини намоён қилувчи манабу сифатида қараш нафақат услубий ёки бадиий хусусиятларини, балки тил ва нутқ бирликларининг матнда ишлатилиш майдонининг қанчалик кенглиги ҳақида хулосаларнинг чиқарилишига ҳам асос бўлади. Бу эса тил тараққиёт босқичларида бирликларнинг қўлланиши даражаси, яратилиш жараёни, семантик ўзгариши ва бадиийликни ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Лингвопоэтик тадқиқотлар аслида 2 хил йўналишда олиб борилади. Биринчиси, бадиий тил воситалари (приёмлар) тадқиқи бўлса, иккинчиси бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилдир.⁵⁰

⁴⁹ А.Ефимов. *Стилистика художественной речи.* – М.: МГУ, 1957. стр.35.

⁵⁰ Бу ҳақда қаранг: А.А.Липгарт «Методы лингвопоэтического исследования», М., 1997. стр.3; А.А.Липгарт «Основы лингвопоэтики». – М., 2006. стр. 8.

Бадиий асар матни филология фанининг ҳар икки тармоғи бўйича тадқиқ объекти сифатида олинишини эътиборга олсак, биринчи йўналиш кўпроқ адабиётшунослик бўйича бажарилган ишлар учун асос ҳисобланади. Чунки ижодкорнинг ўзига хос услуби, матнда қандай тасвир воситаларидан фойдалангани, уларнинг асар ғоявий жиҳатларининг намоён бўлишдаги хизмати каби масалаларни тадқиқ этиш адабиётшунослик ва адабий услубшунослик ёндашувлари асосида олиб борилади. Лингвопоэтик таҳлилнинг иккинчи йўналиши эса бадиий матнда фойдаланилган тил бирликларининг намоён бўлиш шаклларини тилшунослик нуқтаи назаридан олиб борилишини тақозо этади. Айнан мана шу ёндашув тилнинг турли янги имкониятларини ҳам синхрон, ҳам диахроник аспектда очиб бериш учун асос бўла олади. Демак, тил бирликларининг бадиий матнда нутқий жиҳоланиши асарни поэтик жиҳатдан бойитишга қай даражада таъсир кўрсатганини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг нафақат индивидуал ифода шакллари, балки даврий тараққиёт асносидаги ўзгаришлари ва имкониятлари ҳақида ҳам хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Лингвопоэтика бадиий матнга бир томонлама эмас, балки комплекс ёндашувни талаб этадиган, асарнинг бадиий қимматини тўлиғича очиб беришга йўналтирилган, ҳам адабиётшунос, ҳам тилшунос фикрларини мужассам этишга қаратилган соҳадир. Лингвопоэтик таҳлилда асарга бадиийлик бағишлаган барча шаклий ва мазмуний унсурлар эътибордан четда қолмаслиги, шоирнинг бадиият дунёсига кириш ва уни тўғри талқин этишга қаратилган барча воситаларни тўлиқ очиб бериш талаб қилинади. Чунончи, тасаввуф адабиётининг таҳлилида тил бирликларининг тасаввуф ғояларини ифода этишидаги ўзига хослиги, мажозий маънолар, рамзу тимсоллар орқали тасвир яратилишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиш жуда катта билим ва зийракликни талаб қилади.

2. Лингвопоэтик таҳлил тамойиллари

Бадиий матнга поэтик, прагматик, семантик аспектларда қараш, унинг адабиётшунос таҳлилга тортадиган жиҳатларини тўлдиради ва яхлит тадқиқни вужудга келтиради. М.Йўлдошев ўзинини «Бадиий матн лингвопоэтикаси» деб номланган китобида бадиий матнни таҳлил қилишнинг қуйидаги тамойилларини ифода этган:

1. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили.
 2. Макон ва замон бирлиги тамойили.
 3. Матн тилининг умухалқ тили ва адабий тилга муносабати таъминли.
 4. Бадиий матнга бадиий-эстетик бутунлик сифатида ёндашиш таъминли.
 5. Поэтик актуаллашган воситаларни аниқлаш тамойили.
 6. Бадиий матнда эксплицитлик ва имплицитлик ҳисбатини аниқлаш тамойили.
 7. Бадиий матндаги интертекстуаллик механизмларининг таъминий ва семантик хусусиятларини аниқлаш тамойили.⁵¹
- Маъқур тамойиллар асосида таҳлил қилиш орқали бадиий матннинг поэтик жиҳатларини очиб беришга эришиш мумкин. Мисли, «*поэтиклик – бу фақатгина нутқни риторик безаклар билан тўлдириш эмас, балки нутқ ва унинг барча бирликларини шунга назардан ўтказишдир*».⁵² Демак, бадиий матн таҳлилида ҳар муаллифи қўлаган ҳар бир тил бирлигига алоҳида эътибор қилиш, уларни асар поэтикасини яратишдаги ўрнини белгилаш талаб этилади. Бир қарашда бу тамойиллар асарнинг тил воситалари таҳлилига тегишлидек кўринади. Аммо асарда асардорнинг сўз танлашидан тортиб, қайси усулларни қўлаганига – барчаси асарнинг ўзига хос бадииятини таъминлайдиган воситалар ҳисобланади. Масалан, Аристотелнинг «*Поэтика*» асаридаги сўз танлашга оид саҳифаларда нутқнинг бадиий воситамал бўлиши учун умумистеъмомдаги сўзлар, ноёб сўзлар, кўма маънодаги, безак ва бошқа ифодаларни ҳар бирини ўз ўрнида қўллаш лозимлигини, уларнинг барчаси, ўз навбатида нутқни сийқа ва тубан бўлишидан сақлашини, шунингдек, матннинг аниқ ва ажойиб бўлишини таъминлашини эътироф этган.⁵³ Ёки, Г.Тодоров томонидан айтилган куйидаги фикр ҳам, тилнинг барча воситалари ва бирликлари асар яхлитлигида ўзига хос ўрин таъминлашини таъкидлайди: «*Биз ҳикоя таркибини персонаж бу – шунга, ҳаракат бу – «феъл» деб қараганимизда яхши тушуна-*

⁵¹ Иулдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Т.:Фан, 2008.148-159-б.

⁵² Қаранг: Якобсон Р. Лингвистика и поэтика // Структурализм: «за» и «против». М., 1975. Пер. с англ. И. А. Мельчука <http://philologos.narod.ru/classics/jacobson-1p.htm>. с.1.) С..23.

⁵³ Аристотель. Поэтика. Т., 1980. 45-б.

миз».⁵⁴ Бадиийликни очиб бериш жараёнида нафақат сўзлар, банки товуш ёки қўшимчаларнинг ҳам алоҳида ўрни бўлиши матн доирасида тилшунослар томонидан ўрганилган. Масалан Р.Якобсон «Поэзия грамматики и грамматика поэзии» китобида такрор, грамматик параллелизм, безаксиз шеърят, грамматика ва геометрия, грамматик ўзига хослик каби ҳодисаларни ўрганиш, шеърий матнларни қиёслаш орқали уларнинг бадиий моҳиятини очиб бериш усулларини тушунтирганки⁵⁵, лингвопоэтик таҳлил учун бу ниҳоятда муҳим жиҳатлардир. Бу жиҳатлар поэтик актуаллашган бирликлар таҳлили тамойили доирасида таҳлил қилинади ва таъкидлаш жоизки, улар шаклан аниқ кўриниб турган бирликлар таҳлили билан боғлиқ бўлади.

Шу ўринда бадиий матн таҳлилида М.Йўлдошев санаб ўтган таҳлил тамойилларига яна бирини қўшиш мумкин деган мулоҳазани баён этиш жоиз. Бу **тасвир воситалари ва бадиий санъатларнинг асардаги ўрнини аниқлаш тамойили**. Чунки бу воситаларнинг бадиий сўзнинг жилоларини аниқлаш бир томонлама бўлиб қолиши мумкин. (Таниқли олимларимиз А.Рустамов, Ё.Исҳоқовларнинг ишларида шеърий санъатларнинг асар бадиийлигини таъминлашдаги ўрни алоҳида тадқиқ қилинган.) Р.Якобсон «поэтиканинг асосий ўрганиш объекти нимадан иборатлиги ёки унинг муҳимлик даражаси ва қайси соҳа томонидан ўрганилиши масаласига битта саволга жавоб топиш билан ойдинлик киритиш мумкин: *қандий қилиб ёки нималар ҳисобига берилмаётган маълумот санъат асарига айланиб қолади?*» деган эди.⁵⁶ Демак, лингвопоэтик таҳлил фикр, ғоя ва мақсаднинг қайси воситалар ёрдамида бадиийлик касб этганини тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса бадиий матнни таҳлил қилишда унинг ҳамма томонларини эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини кўрсатади. Шу ўринда адабий турнинг турли жанрларига хос жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлаш билан бир қаторда, адабиётнинг оламни англаш ва талқин этиш билан боғлиқ фалсафий ёндашувларга асосланган намуналарига алоҳида ёндашув талаб

⁵⁴ Тодоров Ц. Грамматика повествовательного текста. /Текст: аспекты изучения – поэтика, прагматика, семантика. М.: URSS, 2001. с.189)

⁵⁵ Якобсон Р. Поэзия грамматики и грамматика поэзии // Семиотика. М. Радуга, 1983, С. 462-482.

⁵⁶ Якобсон Р. Лингвистика и поэтика // Структурализм: «за» и «против». М. 1975. С.1.

иниқлигини таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан тасаввуф адабиёти деб номланган, тасаввуфий ғоялар сингдирилган асарлар таҳлили ва унда лингвопозитик таҳлилнинг ўрни масаласига алоҳида тўхталиш керакдир.

1. Тасаввуф адабиёти таҳлиliga лингвопозитик ёндашув

Адабиётшуносликда тасаввуф инсоннинг қалби, руҳий дунёси шайхларини тадқиқ этишга қаратилгани учун ҳам «илми ботин» дейилган. Мустақиллик даврида тасаввуфни ўрганишга, таҳлил қилишга киришилгани, бу ҳақда Н.Комилов, И.Ҳаққул, С.Ғаниева, А.Болтабоев каби олимларимизнинг қатор асарлари маълум. И.Ҳаққул ўзининг «Навоийга қайтиш» китобида «Тасаввуф бизда бундай йиллик танаффусдан сўнг энди эркин ва кенгроқ ривожланиётган соҳа. Шунинг учун айрим хатоликлар, мунозарали ҳолатлар содир бўлиши мумкин. Лекин бунда шеърини матн моҳиятини теран тушунмасдан назарий фикр айтиш, катта хатоликлар чиқаришдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керакдир»⁶⁷ деб ёзган. Чиндан ҳам, мумтоз шеърят намуналарида қилинган жуда кўп сўзларнинг моҳиятини тасаввуфни билмасдан тўғри тушуниш мумкин эмас. Айниқса, тасаввуфий шайхларнинг асл маъно ва вазифаси, матнда акс эттирилаётган маънога анъанавий маънога мувофиқ келиши ёки ўзгача мақсадга қаратилган бўлиши мумкинлигини таҳлил қилишда сўзларнинг моҳияти ва унга айнан шу матнда юклатилган вазифасини очиб бериш ниҳоятда чуқур билим талаб қилади. Бугунги кунда адабиётшунос олимларнинг тасаввуф адабиёти таҳлиliga бағишланган ишлари талайгина. Навоий, Бобур, Жалолоддин Румий, Рафӣиз, Машраб асарлари таҳлили, ғоялар тадқиқига қаратилган ишлар мавжуд. Лекин, уларнинг ишларини тўлиқ таҳлил қилиш учун адабиётшунос олимларнинг ҳам тадқиқотлар олиб боришлари талаб қилади. Бирор ғазални таҳлил қилиш жараёнида тил шайхларининг қўлланиш ҳолатини очиб бериш ижодкорнинг ишларини ёзишдан мақсадини ёритишда муҳимдир. Ҳар бир сўзнинг ботиний матндаги вазифасини очиб бериш шоирнинг мақсадини билишга кириб боришдир.

⁶⁷ Ҳаққул И. «Навоийга қайтиш». – Т.:Фан, 2007. 68-б.

Бадий матнда, айниқса, мумтоз шеърятда сўзга ниҳоятда катта вазифа юкланган бўлади. Шу боис ҳам буюк ижодкорлар сўзнинг қадрини баланд қўйганлар. Жалолiddин Румий бежизли «Сўз мендан юксак туради, мен сўзга бўйсунаман» демаган. Алишер Навоий ҳам «Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил» деганида сўзни инсон қалбига кириш воситаси деб билганини англаймиз. Тасаввуфда кўнгил энг ноёб ҳилқат, ҳар бир сўз эса инсонгагина тегишли кўнгилнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Ёки Навоийнинг «Сўздаги маъно жондурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз...» «деган фикри ҳам айнан сўзнинг шакл ва маъноси бирлигига, умуман сўзнинг назмда икки томонлама гўзал бўлишига оиддир. Демак, тасаввуфий адабиёт намунасини таҳлил қилиш жараёнида юқорида тилга олинган лингвопоэтик таҳлил тамойилларидан ташқари истилоҳларнинг ўз ва кўчма маъноларда намоён бўлишини ҳам алоҳида ўрганиш даркор. Жумладан, вақт, тун, кун, руҳ, ақл, маъна каби сўзлар оддий ўз маъносида ҳам, тасаввуфий маънода ҳам қўлланади, шунингдек, фано, бақо, ҳол, мақом, маъруф, ориф каби истилоҳлар ҳамда тасаввуф адабиётига хос рамз ва тимсоллар (булар ҳақида алоҳида маърузаларда тўхталанади) ҳам бадий матнда ижодкор мақсади йўлида бадийлик либосини кийган бўлиши мумкин. Профессор А.Қуронбековнинг «Ҳофиз асрорининг етти пардаси», «Маснавийи маънавий»да тасаввуф тимсоллар» монографияларида, тасаввуф истилоҳлари маъноларига бағишланган туркум мақолаларида айнан шу масалалар чуқур таҳлил этилганини кўриш мумкин.⁵⁸

Хулоса сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз:

1. Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили ҳам адабиёт назарияси, ҳам тил назариясига оид билимларни талаб қилади. Бунда шеърый матннинг шаклий жиҳатларини, жанр хусусиятларини алоҳида эътиборга олиш зарур. Бу юқорида қайд этилган лингвопоэтик таҳлил тамойилларидан ҳам аниқ кўриниб турибди.

⁵⁸ Қуронбеков А. «Ҳофиз асрорининг етти пардаси». Т., ТошДШИ, 2009
А.Қуронбеков «Маснавийи маънавий»да тасаввуф тимсоллар», Т., 2011.

Қуронбеков А. «Маснавийи маънавий»да «ақл»нинг маъно белгилари// Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. ТошДШИ, 2010. 71-84. Рўдакий ва Ҳофиз шеърятда «май»нинг маъно эврилишлари.// // Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. ТошДШИ, 2010. 110-117. ва б.

3. Бадииятни таъминловчи тил ва нутқ бирликларининг қайси синтагматик ва қандай таркибий қуршовда келишини синтагматик ва синтаксис, шунингдек, стилистик жиҳатдан таҳлил этиш лозим.

4. Бадиийликни таъминловчи бирликларнинг қайси тасвир воситалари ёхуд қандай шеърий санъатлар билан ифодаланганлигини таҳлил қилиш ижодкорнинг маҳорати ва услубий ўзига хослиги билан бир қаторда, тил бирликларининг имкониятини ҳам намоён этади.

5. Лингвопоэтик таҳлил хулосалари бадиий матнга яхлит бир мавзуда сифатида қаралгандагина тўғри бўлади.

6. Муайян фалсафий ғоялар, масалан, тасаввуфий истилоҳлар мавжуд бўлган бадиий матндаги ифодаларни таҳлил қилиш асосида янада чуқур мушоҳада талаб қилинади. Чунки истилоҳлар бадиий адабиётда ўз луғавий маъносида ёки алоҳида тасаввуфий мазмун акс этган ҳолда, шунингдек, кўчма маънода ишлатилган бўлиши мумкин.

7. Шеърият тили, бадиият тадқиқи лингвопоэтик таҳлилсиз тўлиқ бўна олмайди.

Мавзуну мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Бадиий матн тушунчасини қандай тушунасиз?
2. Бадиий асар тили деганда нимани тушунасиз?
3. Бадиий матннинг қандай турлари мавжуд?
4. Лингвопоэтика қандай фан?
5. Лингвопоэтик тадқиқот усуллари неча хил?
6. Лингвопоэтик таҳлилга қўйилган асосий талаб нимадан иборат?
7. Бадиий матн таҳлили тамойилларини сананг.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Маъруфжон Йўлдошевнинг «Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари» китоби билан танишиш

7-мавзу:

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДА ПОЭТИК МАЪНО ҚАТЛАМЛАРИ

Дарснинг мақсади:

Тасаввуф шеъриятида поэтик маъно қатламлари ҳақида талабаларга батафсил тушунча бериш, тасаввуфий эпик шеърият таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари билан уларни таништириш ва эпик шеъриятда бадиий матн яратиш усулларидан уларни огоҳ этиш.

Дарс режаси:

1. Лингвопоэтика ва бадиий матн
2. Бадиий асарда маъно қатламлари
3. Тасаввуфий эпик шеърият таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари
4. Эпик шеъриятда бадиий матн яратиш усуллари

Таянч сўз ва иборалар:

Сўз санъати, бадиий матн, бадиий тимсол, шартли белгилар тизими, сўзга турлича муносабат, шакл ва мазмун нисбати, фонетик ва график ифода босқичи, бадиий ифода усуллари, илми аруз, илми қофия, шаклий санъатлар, тажнис, тарсеъ, иштиқоқ, сажъ, сўзларнинг маъно жипвалари, бадиий санъатлар, маънавий гўзалликлар, илми бадеъ, ташбиҳ, тавжиҳ, таълиқ, истиорат, ийҳом, киноя, лирик жанрлар, лингвопоэтика илми, эпик тасвир, воқеа қатлами, сўз орқали тасвир яратиш санъати, воқеа ичиди воқеа усули, ҳикоят, достон, бадиий деталь, тасаввуфий ирфоний эпик поэзия, Жалопиддин Румий, «Маснавийи маънавий», Абдурахмон Жомий, «Субҳат ал-аброр», эпик сюжет, асар композицияси, «Найнома», ирфоний ваъз, васф, «изҳори дил», ирфоний шарҳ, маънолар майдони, ғоявий қатлам, экстралингвистик омиллар, адабий-лингвистик омиллар, тарихий-ижтимоий шароит.

1. Лингвопоэтика ва бадиий матн

Бадиий асар таҳлили ўта мураккаб жараён бўлиб, агар бу асар мумтоз адабиётга мансуб бўлса, масала янада жиддий тус олади.

бу одатда бадий адабиётни **сўз санъати** деб атаймиз. Бу иборани умуман олганда нотўғри деб бўлмайди. Аммо уни жуда жўн қўлиниш ҳам яхши натижа бермаслигини ёдда тутмоқ лозим бўлади. Халқ тилида «сўзламоқ» ва «гапирмоқ» феъллари одатан бир маънода ишлатилади. Асли тилшунослик терминлари сифатида «сўз», «гап», «нутқ» турли тушунчаларни ифодалайди. **«Сўз санъати»** ибораси ҳам ўзининг аниқ маъносида муайян тилшуносниётларидан фойдаланиб бадий мазмун яратишга қўлланган санъат тури ҳақида гап бораётганлигини англатади.

Агар мантикий тафаккур ҳар бир нарса-ҳодисани қисмларга ажратиб илмий тушунчалар ёрдамида таҳлил қилишга уринса, бадий тафаккур воқеликни яхлит уйғунликда идрок этишга қўлинилади. Бунинг учун турли рамзлар, тимсоллар, ишора ва ташбеҳ (ўхшатиш)лардан фойдаланади. Бадий тил рамзу ишоралар сифатидир. Агар илм тилини мутахассисларгина тушунса, бадий тилда маҳсули кўпчиликка тақдим этилади. Илмда сўзлар муайян тушунчаларни ифодаласа, адабиётда улар кўпинча бадий тимсолларга айланади. Бадий тимсол эса ҳақиқатни ўзида тўлиқ ифодалашга даъво қилмайди, фақат унга ишора қилади.

Шу сабабли ҳарбир тил унсурига тилшунос билан адабиётшуноснининг ёндошувлари кўпинча бир-биридан кескин фарқ қилади. Тилшунос инсон нутқида ахборот алмашув воситаси сифатида ифодолади. Унинг нуқтаи назаридан тил муайян **шартли белгилар** тизими бўлиб, унда ҳар бир сўзнинг фонетик ёки график ифодаси, яъни **шакли** бор ва ушбу сўзнинг турли маънолари, яъни **мазмун** бор. Ҳар бир инсон ўз фаолиятида ўзи яхши билган тилдаги сўзларнинг шакл ва мазмунларидан хабардор бўлган ҳолда ўзга инсонлар билан ахборот алмашув жараёнида улардан кераклича фойдаланади. Аммо шоир ёки адиб **санъаткор** сифатида сўзга буткул бошқача ёндошади. Унинг учун сўзнинг шакли ҳам, маъноси ҳам мақсад эмас, балки **восита**. Том маънода олганда, бадий адабиёт мазмуни сўзлар воситасида эмас, **тимсоллар** воситасида ифодланади. Бизнинг назаримизда, **лингвопоэтика** бадий адабиётдаги айни шу муайян тилга оид **сўзларнинг бадий тимсолларга айланиш жараёни**ни таҳлил этишга қаратилгандир. Бу мураккаб муаммони мақсадга мувофиқ ҳал қилиш учун эса тадқиқотчи ҳам тилшуносликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг ўзига хос масалаларидан чуқур ва атрофлича хабардор бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, **лингвопоэтика** соҳаси мутахассиси на тилшунослик фани-

нинг ва на адабиётшунослик фанининг мураккаб муаммоларини тўлиқ қамраб олишни назарда тутмайди.

Демак, бадий матннинг илмий матндан асосий фарқи сузма турлича муносабатда бўлиб, биринчисида ҳар бир сўз асосини тушунчани ифодалаш учун ишлатилса, иккинчисида ҳар бир сўз иложи борича бадий тимсол вазифасини бажаради. Сўз муайини тушунчани аниқ аниқлаштириши учун у фақат аниқ бир маънода ишлатилиши ва тушунилиши керак. Аммо ҳар бир сўз тимсолни айланиши учун аниқ шунинг акси, яъни бир пайтнинг ўзиде бадий матнда бир сўзнинг имкон даражасида турли маъноларни бирваракай рўёбга чиқиши талаб қилинади.

2. Бадий асарда маъно қатламлари

Агар умумхалқ тилида шакл ва мазмун нисбати, юқорида қайд этилганидек, бирмунча содда бўлса, бадий адабиётда ундай эмас. Бадий асарда баъзан чексиз маъно қатламлари ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Аввало, унда сўзнинг шакли бўлмиш фонетик (баъзан ҳатто график, айниқса, ислом минтақаси шеърлятида) ифода босқичида қатор бадий ифода усуллари кен қўлланилади. Мумтоз адабиётшунослигимиздаги илми аруз, илми қофия, шаклий санъатлар, жумладан, тажнис, тарсеъ, иштиқоқ, сажъ, ташриъ ва ҳ.к.лар шу қатламга оид бўлиб, уларнинг бадий мазмунга нақадар жиддий таъсири мумтоз шарқ лирик шеърлятига оид тадқиқотларда батафсил ўрганилган.⁵⁹ Бадий матндаги иккинчи қатлам энди сўзларнинг маъно жилвалари асосини қуриладики, бу мавзу ҳам шарқ анъанавий адабиётшунослигимизда батафсил ишлаб чиқилган. Бу қатламдаги бадий санъатлар одатда маънавий гўзалликлар деб аталиб, улар ҳам анъанавий илми бадеъда батафсил ишланган. Мисол тариқасида ташбиҳ, тавжиҳ, таълиқ, истиора, ийҳом, киноя ва ҳ.к.ларни келтириш мумкин⁶⁰. Бу икки қатлам кўпроқ лирик жанрлар таҳлилига оид

⁵⁹ Қаранг: Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. Манба ва талқинлар. Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, с.234-239,241-242, 259, 263. Атоуллох Ҳусайний. Бадоийъ ус-санойийъ. Т., Ғафур Ғулум нашриёти, 1981, с.122-131,212-222.

⁶⁰ Қаранг: Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. Манба ва талқинлар. Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, с.182-225, 239-240, 247-248, 257.

булиб, ҳозирги замон лингвопозитика илми ҳам асосан Б.Кроче, П.Лапелли, Р.Якобсон, Р.Барт, Ю.Н.Тиньянов, Б.А.Ларин, Ю.М.Лотман, В.М.Жирмунский, П.Хартман, М.Хэллидей, Р.Харвег, К.Фосслер, А.Калпаци, В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, В.В.Виноградов, Д.Н.Шмелев, Г.В.Степанов, Ж.Ғариббэр, С.Дениз каби ҳозирги замон Ғарб ва Шарқ олимларининг қарашларига таянган ҳолда кўпроқ шу икки қатламга эътибор қаратмоқда⁶¹.

Аммо эпик тасвирда воқеа қатлами биринчи ўринга ўтади, энди баъдий адабиётнинг яна бир хусусияти сўз орқали тасвир этиштириш санъати юзага чиқиб, бунинг учун ҳар бир сўз танлоқларининг воқелик билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларидан фойдаланилади. Масалан, от (исм) туркумига тегишли сўзлар моддий ёки номоддий борлиқдаги алоҳида нарса-шайлар ёки уларнинг муайян белгиларига ишора қилса, феъл туркумидаги сўзлар иш-ҳаракатни билдириб, тасвирни жонлантиришга хизмат қилади. Бу қатламда турли сўз ўйинига қурилган поэтик тимсоллар ўрнини замон ва маконда ҳаракат қилувчи сиймолар эгаллайди. Масалан, «Лисон ут-тайр»дан бир қисм ҳикоят:

Дашт аро Мажнунни кўрди бир киши,

Ким ҳамиша сўз демак эрди иши.

Сўрди: «Ким бирла сурарсен бу мақол?»

Доди: «Лайли бирла эй фархунда фол.»

Доди: «Ондин то сангадур хейли йўл!»

Доди: «Эй ғофил, эрур жонимда ул.

Упки онинг зикридур жонимда қут,

Иўл йироқ бўлғондин ўлғойму унут!»⁶²...

Бу мўъжаз парчада икки инсоннинг суҳбати берилган ва учинчи инсон – Лайли сиймоси ҳам сиртдан тилга олинган. Ундаги «дашт аро», «кўрди», «деди», «сўрди» каби сўзлар ва сўз бирикмалар воқеани деталлаштириш ва жонлантиришга хизмат қилган. Воқеа қатламида баъзан реал шахслар тасвири ва тавсифи берилса, баъзан адабий сиймолар, қушлар ва жониворларнинг хатти-

⁶¹ Ҳ.В.Степанов, 261-262, 279-319. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. Т., Ғафур Ғулом нашриёти, 1981, с.35-121.

⁶² Маъруфжон Йўлдошев. Баъдий матн лингвопозитикаси. Т., «Фан», 2008, 100 саҳ.

⁶³ Алишер Навоий. Лисонут тайр. Т., Ғафур Ғулом нашриёти, 1991, с.235.

ҳаракатлари тасвирланиши, баъзида ҳатто турли нарса-ҳодисалар ҳам жонлантирилиши мумкин.

Бадий асар мазмуний қурилиши аслида бу қатламда ҳам тугалланмайди. Масалан, юқоридаги ҳикоят охирида яна икки баит мавжуд бўлиб, унинг насрий баёни қуйидагича:

«Кимки ишқда камолот касб этса, унинг вужудида маъшуқ оиди мужассамлашган бўлади. Агар сиз ҳам ишқ борасида лоф урмоқчи бўлсангиз. Ундан сизга дард келса ҳам шодлик ўрнида қибду этинг!»⁶³

Ҳикоят мазмунидан келтириб чиқарилган бу хулоса-ўғит Худҳуд томонидан ноумидликка берилган қушларга қарата айтилмоқда. Бу ўринда **воқеа ичида воқеа** усули қўлланган бўлиб, келтирилган **ҳикоят** дoston воқеалари ривожида Худҳуднинг қушларга насиҳатларини мисол билан тасдиқловчи бир деталь вазифасини бажармоқда.

3. Тасаввуфий эпик шеърият таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари

Тасаввуф адабиёти кўп маъноли тушунча эканлиги, унга уч навбатида тасаввуф назариясига оид илмий-фалсафий асарлар агиографик адабиёт, ҳамда асосан мумтоз шеърият намуналари ҳисобланган тасаввуфий-ирфоний лирик ва эпик асарлар хос бўлиб, биз бу маърузада кўпроқ тасаввуфий-ирфоний мазмундаги эпик поэзия ҳақида сўз юритамиз. Аввало таъкидлаш лозимки, ушбу жанрдаги асарларнинг умумий томонлари билан бир қаторда деярли ҳар бир асарнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Мисол тариқасида айни тасаввуфий-ирфоний мавзудаги уч эпик асарни қиёслаб кўрайлик. Булар **Фариддин Атторнинг «Мантиқ ул тайр»**, **Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»**, **Абдурахмон Жомийнинг «Субҳат ал-аброр»** асарлари бўлиб, ҳар уч асар ҳам соф тасаввуфий-ирфоний руҳда ёзилган мумтоз эпик шеърият намуналаридандир. Уларнинг композицион қурилишида умумий томонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, уларнинг барчасида тасаввуфий-диний, тасаввуфий-ирфоний, тасаввуфий-ахлоқий ваъзлар ва катта-кичик ибратли ҳикоятлар бир-бирини қувватлаб келади. Аммо бу асарларнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар ҳам

⁶³ Шу китоб, с.425.

намоён бўлган. Аттор асари яхлит сюжет асосига қурилган бўлиб, унинг қаҳрамонлари (айниқса, Худхуд) ўз мулоҳазаларини ифода қилиш асносида катта-кичик турли ҳикоятлар келтиради. Абдураҳмон Жомийнинг «Субҳат ал-аброр» достони 40 боб (қисм)дан иборат бўлиб, ҳар бир боб муайян тасаввуфий-суфий ва тасаввуфий-ахлоқий мавзулар шарҳига бағишланган ва ҳар боб охирида мавзуга мувофиқ бир ҳикоят келтирилади.

Жалолиддин Румийнинг асари эса ўз ички қурилишига кўра мураккаб олинган ҳар икки асардан жиддий фарқ қилади. Румийдан, унда бутун асарни қамраб олган яхлит эпик сюжет йўқ эмас. Иккинчидан, асар композицияси Жомий достони-дек қатъий бир ташқи низомга бўйсундирилмаган, балки асарда бир тартибда филбадиҳа янглиғ ижод этилган. Хуллас, Румийшунос олимлар ҳақли таъкидлаганидек, 14 йил давомида Румийнинг содиқ муриди Ҳисомуддин Чалабий жонбозлиги ва ундаги билан яратилган 6 дафтардан иборат бу улкан маснавий асарнинг моҳиятини тўғри англаб етиш ўта мушкул ва мураккаб ишдир. Унга ёзилган шарҳларнинг кўпчилиги ҳам шунга ишора қилади. Ундаги композицион ва мазмуний мураккабликларни ҳис этиш ва уларни асар аввалидан бир қисмини юза бир таҳлил этиб кўрайлик.

Аввало, нусхалар аро тафовутлар ҳақида. Менинг қўлимда уч нусха бор. Бири - Эронда 1379 ҳижрий қамарийда (1960 милодий йилида) Абдураҳим бин Абулфазл Зинжоний тайёрлаган нусха, иккинчиси марҳум шоир Асқар Маҳкам таржима ва шарҳи билан таърифлаган нусха, учинчиси – Жамол Камолнинг ўзбекча тўлиқ таржимаси бўлиб, ҳар уч нусха матни бир-биридан анча-мунча фарқ қилади. Масалан, Асқар Маҳкам ва Жамол Камол таржималарида асар бошланишидан то подшоҳ ва канизақ асносидаги биринчи ҳикоят бошланишигача 35 байт бўлса (Асқар Маҳкам асл матнни ҳам бериб борган), Техрон нашрида бу бошланиш қисм 52-байтда тугалланиб, 53-байтдан ҳикоят бошланади (яъни 17 байт қўшилган). Энди ҳар икки таржимани муқоyna қилган бўлсак, 266-байтдан бошлаб Асқар Маҳкам келтирган матн мундарижаси Жамол Камол таржимасидан мутлақо фарқ қилиб, бошқа мавзуга ўтиб кетган (Жамол Камол таржимасидаги 110 байтга мувофиқ келади) ва бундай чалкашликлар Асқар Маҳкам нашрининг охиригача давом этади (марҳум шоиримиз ўз таржимасини охирига етказишга муваффақ бўлмади). Демак, биз қўлимда қайси нусхага таянишимиз дуруст бўлади деган саволнинг аниқ жавоби ҳали қатъий жавоб йўқ. (Аслида Р.Никольсон тайёрлаган

илмий-танқидий матн билан Муҳаммад Истеъломий нусхалари ҳам ўзаро тўлиқ мутаносиб эмас.) Маснавийнинг ҳажми ҳақида ҳам турли олимлар турлича рақамлар келтирадilar, Ориф Усмонов 25700 байт санаса⁶⁴, Асқар Маҳкам 26840 байт деб келтиради⁶⁵, «Гулшани адаб» китобида 26000 байт дейилади⁶⁶.

Энди асл мақсадга қайтадиган бўлсак, «*Маснавийи маънавийи*» эпик асар деб айтдик, аммо эпик, яъни воқеабанд асарлар ҳам бири-биридан фарқ қилади. Масалан, **Фаридидин Аттор**нинг «*Илоҳийнома*» асарини оладиган бўлсак, унда ислом минтақа адабиётининг аксарият йирик эпик асарларига хос анъанага тўлиқ риоя қилинган, яъни дoston ягона Аллоҳ ҳамдидан бошланиб, Расули ақрам (сав) наъти, унинг меърожи тасвири, чаҳорёрилар васфи берилади, шундан сўнггина «*Руха хитоб*» келади⁶⁷. «*Маснавий*»да, маълумки, бундай тартиб мутлақо кузатилмайди. Аттор достонида бир қисса бошлангач, воқеалар изчил баён этилади, қисса қаҳрамонларининг суҳбати орасида ибрат тарзида келтирилган ҳикоятлар ҳам шу тарзда изчил давом эттирилади. Мавлавийда эса мутлақо бошқача ҳолат. «*Найнома*»дан бошланган ирфоний ваъз яна қатор байтларда давом этади. Юқорида эслаб ўтганимиздек, бу қисм таржимага жалб этилган матнларда 34 байт бўлса, қўлимиздаги Техрон нашрида 52 байтдир⁶⁸. Таржима матни ва Техрон нашри орасида то 14-байтгача фарқ йўқ. Аммо 14-байтдан бошлаб Техрон нашрида янги 4 байт қўшилган ва натижада «*Найнома*» хулосаси унда 18-байт эмас, 23-байтга тўғри келиб қолган. Кейинги қўшимча байтлар ҳам ора-орага шундай аралашиб келаберади. Бу фарқларни баён қилишдан мақсадимиз матншунослик муаммоларига эътибор қаратиш эмас. «*Найнома*»нинг 18-байт экани машҳур гап. Аммо оддий китобхон учун орада қўшилган байтларни бегона санаб ажратиб олиш ўта мушкул масала, чунки баён тарзида сезиларли фарқ йўқ.

⁶⁴ Мавлоно Жалолiddин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. Т. «Фан», 2005, с.10.

⁶⁵ Жалолiddин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб (Таржима шарҳи билан). Т., «Шарқ», 1999, с.18.

⁶⁶ Гулшани адаб. Намунаҳои назми форсу тожик. Жилди 2. Душанбе «Ирфон», 1975, с.13.

⁶⁷ Шайх Фаридидин Аттор. Илоҳийнома. Т., «Мусиқа», 2007, с.18-50.

⁶⁸ Куллиёти Маснавийи Мавлоно Жалолiddин Муҳаммад Балхий Румий. (То тасҳиҳи комил). Техрон, 1379 қамарий. саҳ. 1-2.

«Маснавий»даги биринчи қисса «Подшоҳ ва унинг канизаги» бўлиб, ўзбекча таржималар асосидаги матнда 36-247 байтларни ўз ичига олади. Жами 212 байтдан иборат ушбу парча тарихини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, тоза воқеабанд тасвирнинг ярмидан ҳам озроғини ташкил қилганлиги маълум бўлади. Бунгани эса турли мавзулардаги ваъз ва шарҳлардан иборат. Таърифилроқ кўриб чиқайлик: Воқеа бошланишидан 5 байт соф тасвир берилади, сўнг икки байт шарҳ:

*Эшиги бор эрса, жабдуқ йўқ эди,
Топди жабдуқ, эшагин бўри еди.
Кўл бор эрканда сув йўқ эди, бас,
Сув топилди – кўзага өтди шикаст⁶⁹.*

Бу шарҳлар канизакнинг касалланиши билан боғлиқ бўлиб, диний ўхшатишларга қурилган, ирфоний маънолардаги ваъз эмас. Кейин яна тасвир давом этади – подшоҳ табибларга мурожаат қилади. Табиблар мақтанишга берилиб, «Иншооллоҳ» дейишни айтишади. Шу баҳонада яна икки байт шарҳ киритилади. Яна тасвир давом этиб, сирли табибнинг шоҳга кўриниши баҳонасида 11 байтда қуйидаги ирфоний шарҳ келтирилади:

*Супҳу жанглар ҳам хаёл эрса не тонг,
Фахру нанглар ҳам хаёл эрса не тонг.*

Қисқаси, то 77-байтгача воқеабандлик (42 байт давомида) кескин бўлилмаган. Аммо 78-байтдан бошлаб «Худованди валий ум-таъфиқдин ҳамиша таъфиқ ва адаб роияти сўралгани ҳамда берадабликнинг касофатию зарарлари баёни» сарлавҳаси остида 15 байт давомида диний-ирфоний ваъз берилган. Кейин яна воқеа давом этади. Шоҳ меҳмон табибни бемор каниз ёнига бошлаб келади, табиб бемор аҳволдан хабар топади. Канизнинг касаллиги тана оғриғидан эмас, балки ошиқликдан эканлиги аниқланади. Шу жайдан бошлаб шоир «дарди ишқ» изҳорига ўтади. Орада Шамс Табризий ҳам эслаб ўтилади. Бу мавзудаги «шарҳу баён» 34 байт (109-142 байтлар) давом этади. Фақат 143-байтдан Мавлавий воқеа баёнига қайтади. Илоҳий ҳақимнинг канизак дардини аниқлаш арақатлари 144-байтдан бошланиб, орада яна 7 байт (150-156

⁶⁹ Мисоллар асосан Жамол Камол таржимасида келтирилди.

байтлар) тикан ҳақидаги, 4 байт (175-178 байтлар) сирни сақлаш фойдаси ҳақидаги, 2 байт (180-181 байтлар) ваъдалар ҳақидаги шарҳлар билан 205-байтгача (49 байт) давом этади. 206-байтдан яна воқеанинг шарҳи бошланиб, 210-байтдан заргарнинг уш аҳволига муносабати баён этилади (210-216 байтлар), аммо заргар тилидан айтилган мисралар ҳам шоир тилидан берилган шарҳнинг давомидай таассурот қолдиради. Яна бир байтда воқеа хулосаси берилади, қолгани яна ваъз (218-222 байтлар). Кейинги боб (223-247=25 байт) тўлиғича «Заргарнинг заҳар бериб ўлдирилшини ҳавоий нафс ёхуд ёмон бир ниятнинг натижаси бўлмай, балки ишорати илоҳий эканлиги баёни»га бағишланган. Демак, «Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида»ги қиссага бағишланган 212 байтнинг 108и турли мавзудаги шарҳ ва ваъзлардан иборат бўлиб, фақат 104 байтигина воқеа тасвирига бағишланган. Албатта, воқеанинг тасвир орасида ваъзга ўтиб кетиш хусусияти Аттор асарларида ҳам учрайди, аммо «Илоҳийнома»да ота ва ўғил суҳбати, «Мантиқ ул тайр»да қушлар воқеаси асар композициясини яхлитлаб тургани учун бу нарса асарнинг умумий руҳига катта таъсир қилмайди⁷⁰.

4. Эпик шеърятда бадий матн яратиш усуллари

Энди муаммонинг асосий жиҳати – мазмуний томонига эътибор қаратайлик. Эпик асар мазмуний мундарижасида тасвир, васф ва шарҳ, ваъз каби турли қисмлар ўзаро ўрин алмашиб келар экан буларнинг ҳар бирида тил воситаларидан бадий матн яратишнинг ўзига хос усуллари қўлланилади⁷¹. **Воқеабанд тасвир**да, юқориди қайд этилганидек, от сўз туркумига оид сўзлар кўпроқ денотатив маънода, турли замон ва шахс-сон қўшимчалари олиб келган феъллар ҳаракатни ифодалаб келса, **васф**да муайян шахс ёки нарса-ҳодисалар турли ташбиҳ ва истиоралар воситасида сифатланади. Масалан:

*Кўрди ул ногоҳ келарди бир киши,
Чеҳрасида нури офтоб тобиши.*

⁷⁰ Ваъз, яъни дидактика тасаввуф адабиётига кўп жиҳатдан хос бўлиб, туркий тилдаги суфиёна адабиётда бу ҳолат айниқса кучли намоён бўлган.

⁷¹ Ҳозирги замон адабиётида бадий матннинг мазмуний турлари ҳақида қаранг: М. Йўлдошев. Бадий матн лингвопозитикаси, саҳ.104.

Ҳа қолтир эрди мисоли бир ҳилол,
Ҳафтигу йўқлик унинг олдида пол.⁷²

Ҳабу парчанинг биринчи мисраси воқеабанд тасвир бўлиб,
Ҳабу ан уч мисраси **бадий тавсифдир**. Шарҳга мисол:

Тарки истисно дейишликдан мурод,
Ҳабу кунзил ботиллигидир, бенажот.
Ҳабу истиснони бир зикр айламай,
Ҳабу истиснога берганлар талай.

Коптирилган парча қисқа бир шарҳ намунаси бўлса, Подшоҳ ва
Ҳабу ҳақидаги қиссанинг таркибида келган «Тавфиқ ва адаб
Ҳабу ҳамда беадабликнинг касофатию зарарлари баёни»,
Ҳабуларнинг заҳар бериб ўлдирилиши ҳавойи нафс ёхуд ёмон бир
Ҳабунинг натижаси бўлмай, балки ишорати илоҳий эканлиги
Ҳабу» деб номланган боблар тўлиғича тилга олинган
Ҳабуларнинг ваъз йўсинидаги шарҳидан иборатдир.

Ҳабунинг оддий шарҳдан фарқи асосан унинг китобхонга
Ҳабутилган маълум мавзудаги **эҳтиросли нутқ** эканлигидир.
Маълум:

Ҳабу сенга зулмату андуҳ зуҳур,
Ҳабу бебоку густоҳлик эзур...⁷³
Ҳабу гумон этдинг-ки ифлос қилмиши,
Ҳабу қилмишида тозалик эрди иши...⁷⁴
Ҳабу ўзингдин гар қиёс этдинг, бироқ,
Ҳабу кўп йироқ тушдинг, назар сол яхшироқ.⁷⁵

Ҳабу «сен» деб аниқ кўрсатилган жойларини мисол келтирдик.
Ҳабу бундай аниқлик очиқ ифодаланмаса ҳам шеърнинг умумий
Ҳабудан ваъз услуби сезилиб туради.

Ҳабутиросли нутқнинг яна бир намунаси «дарди ишқ» изҳори, ёки
Ҳабунинг кўнгил дардлари баёни бўлиб, бунинг мисолини, юқорида
Ҳабу эслаб ўтганимиздек, табиб канизакнинг беморлиги ошиқлик,

⁷² Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб, с.22.
Ҳабу маълуми мураккаблаштирмаслик учун фақат таржима матни берилди.

⁷³ Шу китоб, с.24.

⁷⁴ Шу китоб, с.36.

⁷⁵ Шу китоб, с.37.

ҳижрон дарди эканлигини билгандан кейин бошланган 34 байтти лирик чекинишда кўриб ўтдик. Румийнинг ирфоний туйғулари аини шу парчада ўзини ёрқин намоён этади:

*Дарди ошиқ ўзгадир олам аро,
Ишқ – устурлоби асрори Худо.
Ул тараф ё бул тарафдинму келур,
Ишқ бизга ул сари раҳбар эрур...*⁷⁶

Мумтоз адабиётимиздаги шеърӣй дostonлар лиро-эпик жанри оид ҳисобланади. Улардаги аини шу «изҳори дил» ўринлари, улар хоҳ шоир тилидан бўлсин, хоҳ у ёки бу асар қаҳрамонлари тилидан бўлсин, эпик тасвирга лирик руҳни пайвандлайди. **Воқеабанд тасвир, васф, ошиқ ва маъшуқаларнинг «изҳори дил»лари ўзарини уйғунлашиб лиро-эпик асар бунёдга келади.** Аммо тасаввуф адабиётида буларга кўшимча **ирфоний шарҳ ва ваъзлар** ҳам асар мазмуний мундарижасини мураккаблашишига сабаб бўлган. Буларнинг барчасини назарда тутмай туриб тасаввуфий адабиётнинг лингвопоэтикаси билан шуғулланиб бўлмайди.

Юқорида тилга олинган хусусиятлар барчаси асар матни ичидаги омиллардир. Аммо тасаввуф адабиётининг мақсид-мазмунини тўлиқ намоён бўлиши учун булар ҳануз етарли эмас. Тасаввуфий асар мазмунини тўлиқ англаб етиш учун мавжуд матн чегарасидан ташқари чиқиш, **экстралингвистик омилларни** ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Ўз навбатида, мавжуд матн чегарасидан ташқаридаги таъсирлар ҳам икки турли бўлади. **Биринчиси,** мавжуд асар матнидан ташқаридаги **адабий-лингвистик омиллар.** Маълумки, мумтоз шарқ адабиёти анъанавий адабиёт ҳисобланади, яъни унда мавжуд **адабий анъананин** таъсири ўта кучли. Румий асаридаги ҳар бир **поэтик тимсон ирфоний ишора, мажоз ва ташбиҳларни** тўғри идрок этиш учун Қуръони карим матнини, Расулиллоҳ (сав) ҳадисларини, араб, ҳинд, форс мумтоз адабиёти анъаналарини, халқ оғзаки ижоди жумладан, араб, форс, турк мақол ва маталларигача яхши билиш керак. Айниқса, «*Маснавийи маънавий*»да улар асосидаги очиқ наъширин **тазминлар** ҳар қадамда учрайди.

⁷⁶ Шу китоб, с.26.

Иккинчиси, том маънодаги **экстралингвистик омиллар** бўлиб, уларни тўғри топиш учун ўша давр **тарихий-ижтимоий аҳволини** яхши билиш, турли диний, илмий, тарихий мерос ва манбалардан **қўқур хабардор** бўлиш, ўша давр кишилар онгидаги диний, **ижтимоий** ва **ирфоний тасаввурлар** билан таниш бўлиш, **тасаввуфий талқинлар**, **мақомотлар**, **маноқиб** ва **тафсирларни**, **ҳатто турли урф-одат** ва **хурофотларни** ҳам яхши билиш талаб этилади. Масалан, шахсан мен очиги «*Подшоҳ ва унинг канизаги*»⁷⁷даги қиссани Жамол Камол таржимасида ўқиб, қониқиш ҳосил қилмадим. Айниқса, сирли «*ҳозиқ ҳақим*» томонидан заргарнинг шарҳларлаб ўлдирилиши шоирнинг барча шарҳларидан кейин ҳам минддек ҳозирги замон кишининг назарида ниҳоят даражадаги **интерлатсизлик** бўлиб туюла берди. Чунки мен **шоҳни** ҳам, **канизакни** ҳам, **заргар** ва **табибни** ҳам оддий инсонлар сифатида қабул қилган эдим. Қалбимни **шубҳа тарк этмагач**, **Асқар Маҳкам таржимасини** эрдим ва унда шундай шарҳни ўқидим:

«*Ушбу ҳикоятда шоҳ – ақл ва руҳдир. Канизак – нафси аммора. Унинг заргарга майли – дунёвий лаззатга гирифторлик. Ғайбий табиб нафснинг дардини англайди ва уни шифолайди. Ақлни шайхнат домидан қутқаради...*»⁷⁷

Мен Обиддин Пошшо шарҳи айни Мавлавий кўзда тутган маънони билдиради, деб даъво қила олмайман. Чунки шоир матнда буни очиқ айтмаган. Унда фақат табибнинг иши илоҳий қазо ва қадар билан боғлиқ эканлиги таъкидланган, халос. Шунга қарамай мен шуни тушуниб етдимки, «*Маснавий*»ни англаб етиш учун машҳуд матннинг оддийгина таржимаси етарли эмас экан.

Биз юқорида 1) сўзнинг шаклига таянувчи **ифода босқичи**, 2) матндаги **сўзларнинг маъно жилвалари** асосига қуриладиган **иккинчи қатлам**, 3) эпик тасвирга хос **сўз орқали тасвир яратиш** сифатини намоён этувчи **воқеа қатлами** ва унга мувозий келувчи **вазф** ва **шарҳ**, **ваъз** ва «*изҳори дил*» усуллари ҳақида қисқа бир шаклда изоҳлар бериб ўтган эдик. Мана энди суҳбатимиз **маънолар майдонига** хос 4) **ғоявий қатлам** масаласига кўчди. Бунда энди асар **мазмун-моҳиятини** матндаги **сўз шакли** ёки **маънолари** даражасида эмас, ҳатто улар асосига қурилган **бадиий тасвир** даражасида ҳам эмас, балки **Борлиқ ҳақиқатини идрок** этиш даражасида таҳлил қилиш талаб этилади. Асарга бу қатлам

⁷⁷ Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи нوب, с.58.

даражасида баҳо бериш учун энди **лингвоэтик таҳлил** натижалари мутлақо кифоя қилмайди, балки юқорида санаб утилган **экстралингвистик омиллар** ҳам тўлиқ инobatга олинган талаб этилади. «*Маснавийи маънавий*» сингари ўта мураккаб ирфоний адабиёт намуналари учун бундай ёндошув инчунин лозимдир.

Афсуски, ижтимоий фанларнинг кўпида, айниқса, адабиётшуносликда, маънавият назарияси соҳаларида, жиддий ёндошув етишмаётир. Тўғри келган одам ўзи яхши билмаган соҳада бемалол фикр билдириб, буни яна илм деб тасаввур қилиши оддий ҳол бўлиб қолди. Жумладан, масалага жиддий ёндошув асли билан мумтоз адабиёт тадқиқотчиларининг ўзида ҳам етишмаслигини англаб қолдим. Сабаби, собиқ қарамлик даври асоратларидан ҳали ўзимиз ҳам астойдил чиқиб кета олганимиз йўқ, шекилли. Ёзилган китобларда янги фактлар, батафсил таҳлиллар учрайди. Аммо хулосалар яна ўша-ўша, энг умумий гаплардан нари ўтиш йўқ.

И.Кант айтадики, ҳақиқий мавжуд воқелик – «*нарса ўзида*», биз уни билолмаймиз, фақат ўз онгимиздаги қолипларга таяниб хулосалар чиқарамиз. Айни шундай. Онгимиздаги қолипларимиз эса жуда жўнлашиб кетган. Қадимда хитой аёлларининг оёқларига болалигидан ёғоч ковушлар кийдириб қўйилар экан. Шундан уларнинг оёқлари табиий равишда ўсишига йўл қўйилмай, боланинг оёғидек кичкина бўлиб қолар экан. Бизнинг онгимизни исканжага олган қолипларга шундай ўрганиб қолганмизки, уларни аллақачон ечиб ташлаш кераклиги хаёлимизга ҳам келмайди. Чунки аниқ ҳақиқатни излаш учун вақтимиз ҳам, ҳавсаламиз ҳам, қунтимиз ҳам йўқ. Асл ҳақиқатни излаб топиш эса ҳечқачон осон иш бўлган эмас.

Аммо бугунги кунда ҳақиқий илм қиламан деган одам бу машаққатли, шу билан бирга ҳалол меҳнатни бўйнига олмаса, охири натижада уятли бўлиб қолиши турган гап. Ўзбек илми филология соҳасида ҳам рўйи-рост жаҳон илми даражасида ўзини кўрсатиши учун жиддий изланишдан қочмаслигимиз керак.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини англаб етишда лингвоэтик таҳлил усулларининг ўзи кифоя қиладими?
2. Эпик шеърятда қандай маъно қатламлари мавжуд?
3. Тасаввуфий эпик шеърятнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

4. Эпик шеърятда бадий матн яратишнинг усуллари ҳақида нималар биласиз?
5. Бадий санъатлар қандай турларга бўлинади?
6. Илми бадеъда «маънавий гўзалликлар» деганда нималар тушунилади?
7. Ноқеа қатлами қандай яратилади?
8. «Маснавийи маънавий» қандай асар?
9. Ирфоний ваъз нима?
10. Бадий асарнинг ғоявий қатлам қандай аниқланади?
11. Экстралингвистик омиллар деганда нималарни тушунасиз?

Мустақил иш мавзулари:

«Маснавийи маънавий» асарининг турли шарҳлари (ўзбекча таржималар асосида):

- 1) Мавлоно Обиддин Пошшо шарҳи – Асқар Маҳкам таржимасида,
- 2) Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг «Мифтоҳ ул-асрор» асари – Маҳмуд Ҳасаний таржимасида,
- 3) Машраби сонийнинг «Мабдаи нур» асари – проф. И.Абдул-ганишиев нашри.

АДАБИЙ МАЖОЗ, ИРФОНИЙ РАМЗ ВА ТИМСОЛЛАР

Дарснинг мақсади:

Талабаларга рамз ва унинг шарҳ, хусусан, форс адабиётидаги ўрни ҳақида атрофлича маълумот берилади. Мавлоно Румийнинг асарлари асосида тузилган луғат⁷⁸ асосида от сўз-рамзлар сўз лексик-семантик гуруҳларга ажратилади.

Дарс режаси:

1. Рамз таърифи
2. Шеъриятда ирфоний маъно
3. Румийнинг асарлари асосида аниқланган лексик-семантик гуруҳлар

Таянч сўз ва иборалар:

Тасаввуф истилоҳлари луғати, рамз, шартли сўз ёки ибори. Мажоз - бадиий санъат воситаси, шаръий, урфий, ақлий ва луғавий мажозлар, С. Шамисо келтирган мажоз турлари, истилоҳ ра, мажозий образ, анъанавий мадҳ, тавҳид ёки ваҳдат-и вужуд ҳайвонот, наботот ва жумодот олами, мажозий образ, мажоз тарихи ва ҳақиқати, матла, илоҳий шароб, зоҳирий маъно ботиний маъно, тариқат, муршид, тасаввуф аҳли, нафс, кулл

1. Рамз таърифи

Тасаввуф истилоҳлари луғатида рамзга шундай таъриф берилади.

رمز: القا معنی و مقصودی با اشاره و ایما؛ کلمه و ،خنی که با رعایت نوعی تناسب و شباهت ر با حتی بدون تناسب معنایی بعید از آن اراده کنند⁷⁹

«Рамз - маъно ва мақсадни имо ва ишора воситасида ифодиланган; Бир хил мослик ва ўхшашликка риоя қилинган сўз ва ибори ёки ҳатто мослик бўлмаган ёт маънони ифодалаш».

⁷⁸ Таҷдиди, علی. فرهنگ نمادها و نشانه ها در اندیشه مولانا . سروش، تهران ۱۳۸۳

⁷⁹ سجادی س.ج. فرهنگ اصطلاحات و تعبيرات عرفانی چاپ هفتم سال ۱۳۸۳

бу келтирилган таърифни соддароқ қилиб айтилса, ёзувчи бирон шартли ва жамият ҳодисаси ёки назарий қарашларини шартли рамзлар – шартли сўз ёки ибора билан ифодалашга айтилади. Бу рамзнинг денотатив ва коннотатив маънолари умумтил сатҳида тил фанларига маълум ёки шоир ўзи янгидан қўллаган шартли сўз бўлиши мумкин. Масалан: «*homā*» сўзи афсонавий бахт куши, унинг қилиши тушган одам давлат ва бойликка эришади. Бу маъно келтирири бўлиб умумадабий тилга кирган. Аттор «Мантиқ ут-тайр» ва турли қушларнинг номларини келтириб, турли тоифадаги ва умумададаги кишиларнинг ягона Парвардигор висолига ошиққан ҳолатлар тарзида ифодалайди. Бу киритилган рамзлар ундан олдин ҳам мавжуд бўлиб, шоир бу умумхалқ тилида мавжуд бўлган рамзларга янгича маъно бағишлаган.

Мажоз - бадий санъат воситаси ва рамздан фарқ қилади. Мажоз ҳақида турлича таъриф бўлиб, манбалардан бирида шундай келтирилади:

قدما مجاز را به شرعى و عرفى و عقلى و لغوى تقسيم کرده بودند. حقیقت شرعى عبارت است از کار برد واژه یی در زبان مذهب به معنای خاص ... حقیقت عرفی آن است که واژه به کار معنای دیگری داشته باشد ولی در زبان مردم و در عرف عام در معنی جدیدی به کار رود ... عقلى یا اسناد فعل به فاعل غیر حقیقى است که در ادبیات به وفور دیده می شود ... مجاز لغوی آن است که در زبان ادبی واژه یی در معنای اصلی خود به کار نرود مانند نرگس که ... به عری استعماله از چشم به کار می رود.⁸⁰

«Қадимгилар мажозни шаръий, урфий, ақлий ва луғавийга тақсимлашган. Шаръийнинг ҳақиқати мазҳаб тилидаги сўзни махсус маънода қўллашдан иборат... урфийнинг ҳақиқати шуки, бу аслида бошқа маънога эга бўлган бўлиши керак эди, лекин халқ тилида ва умум одатича янги маънода ишлатилади... ақлий мажоз ёки мажозий далил, бир ишни ҳақиқий бўлмаган ҳаракат манбаи билан далиллашдир ва бу адабиётда кўплаб учрайди... луғавий мажоз шуки, адабий тилда бир сўз ўз асл маъносига ишлатилмайди. Масалан, *нарғис истиора сифатида кўзни ифодалайди...*»

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, мажоз санъати сўзни ўз маъносига эмас кўчма маъносига қўллаш ва рамз ҳам қўллади шу усуллардан бирига мансуб. Фарқи шундаки, бирон луғат бирлиги ишлатилиб, ундан бошқача маъно англашилади. Масалан, «*руза*» сўзи аслида «*кундузги*» маъносини ифодалаб, лекин мазҳабий маънода «*нафсини тийиш*» маъносини англашилади.

80) شمعیا س. بیان و معانی چابخانه رامین ص ۲۲۲۱. ۱۳۷۴ھ

Ирфоний рамзлар ҳам худди шу асосга қурилган. Масалан: «тароқ» сўзи «йўл, кўча» маъносида, ирфоний маънода «тасаввуфий муайян бир фирқаси». Мажознинг рамздан фарқи шундаки – маъно ўта кенг қамровли бўлиб, юқоридаги келтирилган манбада Шамисо уни қуйидаги турларини келтиради: «Бутун орқали жузъийни ифодалаш; жузъий орқали бутунни ифодалаш; ҳолат ва жой билан идиш билан ичидагисини ифодалаш; керак нарса билан керак бўлмаган нарсани ифодалаш; сабаб ва оқибат муносабатлари; умумий ва хусусий воқелик муносабати; бўлган иш билан бўладиганини ифодалаш; буюм ва ашё муносабати; сифат билан сифатланувчани муносабати; кўшничилик муносабати; қариндошлик муносабати» бир-бирига зид маънода қўллаш; ўхшатиш муносабати.»

Бошқача айтганда, «мажоз» сўзни кўчма маънода ишлатиш. Маъно кўчиши эса юқорида зикр этилган усуллардан бири воситасида амалга оширилади.

Доктор С.Шамисо рамзнинг истиорадан фарқини шундан таърифлайди:

سمبل symbol را در فارسی رمز و مظهر و نماد می گویند. سمبل نیز مانند استعاره ذکر شده به و اراده مشابه است منتھی با دو فرق:

۱- مشابه به در سمبل صریحاً به یک مشابه خاص مشخص دلالت ندارد. بلکه دلالت آن بر چند شبه نزدیک به هم و به اصطلاح هاله بی از معانی و مفاهیم مربوط و نزدیک به هم (Range of referent) است. مثلاً زندان در شعر عرفانی سمبل تن و دنیا و تعلقات دنیوی و امیال نفسانی

۲- در استعاره ناچاریم که مشابه به را به سبب وجود قرینه صرافه حتماً در معنای ثانوی در یابیم. اما سمبل در معنای خود نیز فهمیده می شود، فی الواقع قرینه صریحی ندارد و قرینه معنوی و مبهم است و درک آن مستلزم آشنایی با زمین های فرهنگ بحث است!⁸¹

«Символ (Symbol) ни форс тилида «рамз», «мазҳар» ни «нўмод» дейишади. Символ ҳам истиора каби ўхшаш нарсани зикр қилиб ўхшатиш нарсани ифодалайди, фақат икки фарқи бор:

1- Символда ўхшаш нарса муайян бир ўхшатиш нарсани дарак бермайди, балки бир қанча бир-бирига яқин ўхшатилаётган нарсалар, бошқача айтганда, ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва яқин маънолар ва тушунчалар доирасини ифодалайди.

Масалан, ирфоний шеърда «зиндон»- «инсон танаси», «дунё» ва «дунёвий нарсалар» ва «нафс мойилликлари» нинг симболидир.

2- Истиорада ўхшаш нарсани унга қаратиш белгиси бўлганлиги учун албатта иккинчи маънода тушунишга мажбурмиз, аммо символ ўз маъносида ҳам англашилади. Чиндан

⁸¹ Ўша асар, 75-76-б.

«... шайқ болгига эга эмас, белгиси маъхум ва маънавийдир ва маъноли тушуниш халқнинг маданий асослари билан таниш бўлгани тақозо этади».

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, символ (рамз) нинг истиорадан фарқи шуки, символ кўп маъноли бўлади ҳамда ўз маъносини ҳам сақлаб қолади. Истиора эса бир маъноли, яъни кўчма маънони ифодалайди. Иккинчи хулоса шунки, символнинг маъно бўлакларини тўғри тушуниш учун халқнинг маданияти, диний қарашлари ва урф-одати билан таниш бўлиш зарур. Акс ҳолда бу рамзлар ўқувчи учун очилмас тилсимлигича бўлади. Истиора эса ўхшатилаётган нарсанинг бирон белгисини билдириб чиқаради. Масалан, ўхшатилаётган нарса «кўз» бўлса, унинг маъноли ичкилиги, ранги, ички ҳиссиётининг ифодаси, ташқи кўрinishига қараб ўсимликлардан нарғисга, жониворлардан охуга, қўнғуга, маст кишига ва ҳ.к. га ўхшатилади. Бу ўхшаш нарсаларнинг бирон белгиси кўзга ўхшайди. Рамзда эса ўхшаш белгиси бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан «зулф» сўзига таъбирифуф термини сифатида шундай талқин берилади:

زلف. در تعابیر صوفیه زلف عبارت از تجلیات جلالیه حضرت حق است؛ زیرا جمال و کثرات و تعینات مستور است. تجلیات متسلسل حضرت حق به گیسوان مجعد و زنجیره زلف شده است.⁸²

«... сўфиylлар таъбирларида зулф Ҳазрати Ҳақ қудратининг таъбирифуф (жилоланиш) идан иборат. Чунки Ҳақ жамоли касарот (шуъна) ва таайунот (воқелик)да яшириндир. Ҳазрати Ҳақнинг раҳимонар тажаллиёти жингалак ва занжир каби ҳалқаланган зулфга ўхшатиладиган».

Бу рамзда инсон тана аъзоларидан зулфни ишроқ фалсафаси ва таъбирифуф ақидаларидан бири, яъни оламнинг ягона нурдан келиб чиққан ҳалқа шаклида яралиши назариясига ташбиҳ қилинган. Буни яшириш учун махсус тайёргарлик керак. Тасаввуф ақидаларидан келиб чиққан одам бу рамзнинг яширин маъносини англаши қийин.

Шундан маълум бўладики, рамзлар бу муайян бир тоифа инсонларнинг яширин алоқа воситаси, жумладан, таъбирифуф ақидаларини баён қилиш воситаси бўлган.

Бу яширин сирларни бир-бирига етказиш воситаси-рамзларнинг маънолиликда келишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар

82. فرهنگ نمادها و نشانه ها در اندیشه مولانا. سروش تهران ۱۳۸۳ تاجد بلو

ҳақида қарашлар турлича. Бу ҳақида Малик уш-шуаро Баҳорнинг фикри шундай:

«پس صوفی قبل از هر چیز معتقد است که جز خدا چیزی نیست، و هستی مطلق یک چیز است و همان خداست و چیز های دیگر جلوه های جمال همان یک وجود است. اما حقیقت را از ترس دینداران همه وقت به این صراحت نمی گویند. در هر زمانی با نسیبه به خود از ادبی یا ضعف آن به طرز دیگر ادما می کنند». (ص. ۱۴۱)⁸³

«Демак, сӯфий ҳаммасидан бурун Худодан бўлак ҳеч нарсани ва борлиқ мутлақ ягона нарса ва у ҳам бўлса Худо ва бошқа нарсалар ўша ягона вужуднинг жамолининг жилвалари, бундан ақидага эга.

Аммо диндорлардан ҳайиққани сабабли ҳар доим ҳам ҳақиқатни очик-ойдин айтавермайди. Ҳар бир даврда озодлик қудрати ва заифлигига қараб ўзга усулда ифодалашади».

Юқорида келтирилган парчадан маълум бўлишича, Малик уш-шуаро Баҳор, рамзларнинг пайдо бўлишини суфийлар диндорлардан ўз ақидаларини яшириш мақсадида қўллаган дини изоҳлайди.

Зотан, бу фикрни кўпчилик тасаввуф ақидалари ва манбаларининг ўрганувчилар таъкидлайдилар. Эронлик олим Маҳин Паноҳий бу ҳақида шундай фикр билдиради.

«دشواری های بیان کشف و شهود و تجربه های روحی علت کشیده شدن پای خط و خال و لب و لعل و به متون این طایفه است. عارف کاشف و شاهد که در آن سوی طبیعت سیر می کند برای بیان حالت ها و سر خوشی ها پیش چاره ای جز به کار بردن الفاظی که در طبیعت کار برد دارد نمی شناسد. بنابراین صوفیه به کمک آنچه در طبیعت هست برای خود اصطلاحاتی وضع کرده اند که خود قوم می فهمند و دیگران با انکار و تردید به آنها می نگرند». (ص. ۷)⁸⁴

«Кашф, мушоҳада ва руҳий таҷрибаларни баён қилиши қийинлиги «хат», «хол», «лаб», «қош» каби сўзларнинг бу тоифада кишилар матнига йўл топишига сабаб бўлган. Табиатдан ташқарида сайр қилаётган кашф ва мушоҳада ҳолатидаги ориф, ўз ҳолатини ва сурурини баён қилиши учун табиатда ишлатилмайдиган сўзлардан фойдаланишдан бошқа чора тополмайди. Бинобарин, сӯфийлар табиатда мавжуд нарсалар воситасидан ўзларига истилоҳлар киритганлар ва буни уларнинг ўзларининг англайдилар, бошқалар инкор этадилар ёки иккиланган қарайдилар».

83 1377 بهار، م.ت. سبک شناسی زبان و شعر فارسی تهران

84 پناهی، م. اصطلاحات و رموز در متن صوفیانه

Мақдун Паноҳий тасаввуфий рамзларнинг пайдо бўлишини оддий ва билан ифодалаб бўлмайдиган суфийларнинг жазабадаги ҳолати ва мушоҳадалари билан изоҳлайди.

«Тасаввуф форс шеърятининг билимдони, тасаввуф терминлари ва унинг талқинлари бўйича баракали иш қилган Е.Э. Бертельс тасаввуф терминларини изоҳлаб шундай фикр билдиради:

«При изучении суфийской поэзии легко заметить, что количество образов, которыми пользуются суфийские поэты довольно разнообразно. ...Но в суфийской поэзии дело обстоит иначе. Символической ценности образ в ней не имеет вовсе, назначение ему служить только своего рода словесным иероглифом, значком, представляющим собой истинное философское значение. Так как основная тема всякого суфийского стихотворения предусмотрена заранее и ничего кроме таухид или вахдат-и вужуд в нем воспето быть не может...» (стр. 109).⁸⁵

«Тасаввуф шеърятини ўрганиш асносида тасаввуф шоирлари билдирган образлар анчайин чекланганлигини сезиш қийин эмас.

Лекин тасаввуф шеърятини да бунинг сабаби бошқача. Унда образларнинг бутунлай ўзига мустақил қиймати йўқ, унинг вазифаси фақат замирида ҳақиқий фалсафий маъно яширин ўзига хос ифодалиқ, белги вазифасини бажариш, холос. Негаки, ҳар қандай тасаввуф шеърининг асосий мавзуси олдиндан белгилик-унда таухид ёки вахдат-и вужуддан ўзга нарсани тараннум этиш бўлган эмас...»

Е.Э.Бертельс ҳам кўпчилик билдирган фикрни-тасаввуф шеърятинидаги «зулф», «хол», «хат», «лаб» каби образлар рамзий образдан бўлак нарса эмаслигини ва уларнинг ўз маъно таркиби ҳақида тугилмаслиги, фақат ундаги яширин фалсафий (тасаввуфий) маъно аҳамият касб этишини таъкидлайди. Лекин замирида зикр этилган олимлар бўйича Е.Э.Бертельснинг билдирган фикрлари ҳар доим ҳам тўғри деб бўлмади, чунки у айтаётган образлари символ бўлиб символ ўз маъносини сақлаб қолади ва шунингча зоҳирий маъносида ҳам тушунса бўлади, аммо ботиний маъноси зоҳирий маъносига диаметрал қарама қарши бўлиши мумкин. Зотан борлиқ тасаввуф шеърятини мана шундай сўз ўйини асосига қурилган.

⁸⁵ 13 кн: Исследования по иранской филологии. Выш. второй. М., 1999. С.7.

2. Шеърятда ирфоний маъно

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шеърятдаги табиат ва жамият ҳодисалари тасаввуф шеърятини уларни қўлламадан бурун, исломгача ва ислом дини тарқалган илк даврларда шеърятда ҳам қўлланилган. Рудакий, Манучехрий, Абу Шуга, Балхий, Фирдавсий ва бошқа 1X-X1 асрда яшаб, ижод этган кўпгина шоирлар ижодида бу образлар ҳайвонот, наботот ва жумода оламидан олинган бўлиб, улар халқнинг кўп асрлик ҳаётида ҳодиса бўлган анъанавий-асотирий тушунчаларига асосланган ва бу мажозий образларнинг алоҳида диний-тасаввуфий таг маънога кузатилмаган.

XI асрдан бошлаб Санойӣ ва Ҳоқоний ва бошқа тасаввуф шеърятининг намояндалари бу мажозий образларни анъанавий мадҳ ва қасидалардан олиб, уларга Куръон оятлари ва ҳадислардан ифодаланган диний-тасаввуфий маъноларни жо қилишган.

Санойӣ ва Ҳоқоний қасидаларида қушларнинг тасаввуфий рамзий маъноларини таҳлил қилган М.Л. Рейснер шундай ёзади:

«Развитие» птичьей символики в касыдах Санои и Хакани может быть понято только с учетом факта пересечения в их поэтическом творчестве традиции и эстетических принципов светской (придворной, профессиональной) и религиозной (мистической-суфийской и исмаилитской) поэзии».

«Санойӣ ва Ҳоқоний қасидаларидаги «қушлар» символикасининг ривожланишини фақат уларнинг шеърӣ ижодиётида дунёвий (сарой, юксак касбий) ва диний (сўфиёна ва исмоилийлар ақидаси) анъаналари ва эстетик принципларининг ўзаро кесишти воқелигини назарга олган ҳолда тушуниш мумкин» (122 б.)

М. Л. Рейснернинг бу фикридан маълум бўладики, тасаввуфий рамзлар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаган, улар ўтмиш маънавий маданий анъаналарида мавжуд бўлиб, XI асрдан кейин тасаввуф шеърятини намояндалари ўз ижодида истеъмолга киритишган. Энди булар жонли образлар бўлиб, бирон табиий белгилари ва сифатлари ва функцияларига бошқа бир ҳодисани ўхшатиш учун эмас балки диний-тасаввуфий ақидаларни баён қилишга хизмат қилган.

Бу ҳодиса адабиётда мажоз тариқи ва ҳақиқат тариқини вужудга келтирди. Ҳақиқий ишқ - бу илоҳий ҳақиқатларга бўлган ишқ ва унинг баёни. Мажозий ишқ - дунёдаги барча ҳодиса ва воқеаларни Аллоҳнинг ягоналигини (касрат)да кўпликда намоён бўлишига ошиқлик. Бу маънавий силжиш шеърятдаги рамз ва тимсоллар

бойишига ва шоирларнинг хаёлот парвозига боис бўлди.
анин, Ҳофиз ғазалларидан бирининг матласида дейди:

روزه یکسو شد و عید آمد و دلها پر خاست
می ز خمخانه بجوش آمد و می باید خواست

Бу бир ёқли бўлди ҳайит келдию диллар қувнади,
Қўлондаги май қайнаб тошдию май истамоқ керак.

Бу байтда «май» тимсоли дунёвий адабиёт нуқтаи назаридан
қалб «шоду хуррамлик, ишқу муҳаббат» тимсоли, аммо бу
вий тасаввуфий ақидаларга зид.

Аммо тасаввуфий ақидага кўра бу ўринда (сўз) илоҳий шароб,
ки Қуръонда келтирилган шароб ҳақида кетмоқда:

یوسفون من رحيق مختوم ختامه مسک.

«*Сўзи муҳрланган шаробдан ичилади, унинг муҳри мушқдандир*»
(Мутаффифин 25,26 оят). Бу оятда оғзи муҳрланган хум ва
қайи май ҳақида гап кетяпти. Тасаввуфий қарашларга кўра
қайи оятларини юзаки қабул қилиш керак эмас, ҳадиси шарифда
қайишича:

للقرآن ظهراً و بطناً و لبطنه بطناً الى سبعة ابطن

«Қуръонда зоҳирий ва ботиний [маънолар] бор ва ботинийнинг
қайида еттинчи ботинигача маъно [яширин]».

Шу ҳадисга биноан тасаввуф аҳли Қуръондаги оятларни зоҳирий
(қайи) маънода тушуниш керак эмас, унинг ботиний маъносига
қайи қилиш керак, ботинда эса еттита маъно яширинган, деган
қайи илгари сурадилар. Бу ҳақда «Маснавий» да шундай
қайи бор:

حرف قرآن را بدان که ظاهر است
زیر ظاهر باطنی هم قاهر است
زیر ان باطنی یکی بطنی دیگر
خیره گردد اند رو فکر و نظر
زیر ان باطن یکی بطن سوم
که در او گردد خرد به جمله گم
بطن چارم از نبی خود کس ندید
جز خدای بی‌ظیر بی‌ندید
همچنین تا هفت بطن ای بوالکرم
می‌شمر تو زین حدیث معتصم
تو زقرآن ای پسر ظاهر مبین
دیو آدم را نبیند غیر طین
ظاهر قرآن چو شخصی اد مسند
که نقوشش ظاهر و جانش خفیهست!

Мазмуни:

Қуръон сўзини зоҳир деб билма,
Зоҳир тагида ботини ҳам бақувват
Ул ботиннинг тагида яна бир батн,
Унинг ичида фикр-у назар ҳайрон.
Ул ботиннинг тагида яна учинчи ботин,
Ким унда ақллар барчаси айрилуру ўздан.
Тўртинчи батини Набилардан кимса кўрмади,
Тенгсиз Худонинг ўзидан бошқа ҳеч ким кўрмади.
Ана шундай то етти батнгача эй карамли зот
Бу таянч ҳадисдан сен сана
Эй, Сен бола (ўғил), Қуръоннинг зоҳирига боқма,
Дев одамни кесакдан бўлак деб қарамайди.
Қуръоннинг зоҳири одам шахси каби,
Ким нақшлари зоҳиру жони яширин.

Бу байтларда Мавлавий тасаввуф аҳлининг туб ақидасини баён қилган. Тасаввуф аҳлининг ақидаси бўйича Қуръоннинг зоҳирини маъносига қараш керак эмас, унинг замиридаги ботиний маъносига амал қилиш керак. Ботиний маъносини фақат Пайғамбар (а) тўртинчи маъносигача англаб етган, бошқасини у ҳам англай олмаган.

Шу ақидага кўра тасаввуф аҳли Қуръон оятларини диндорлардан бошқача талқин қиладилар. Диндорлар Қуръон оятларининг ташқи (зоҳирий) маъносига амал қилишса, сўфийлар у тарикатининг муршидлари, йўл бошловчилари қилган талқинга амал қиладилар.

Жумладан, юқорида келтирилган «[хум] нинг оғзи мушк билан муҳрланган шароб» нинг кўплаб таъбирлари бор.

Сажжодий *شراب ازل* ни шундай таъбир қилади:

تجليات قديم را گویند و از ان به شراب الست تعبیر شده است.

«Қадимий (азалий) тажаллиётни айтишади ва ундан «шароб» аласт» таъбир қилишади.»

Демак, бу ўринда сўфийлар «оғзи мушк билан бекитилган шароб» ни Оллоҳнинг азалий ҳақиқатлари ёки «азалий ер юзида сочган нури» ва яна бошқа маъноларда таъбир қилишади.

Май-мастлик ва эс-ҳушидан айрилиш рамзи, фақат илоҳий ишқ илоҳий лиқога етишиш йўлида.

Шундан келиб чиқиб, Ҳофизнинг қуйидаги байтидаги тасаввуфий асарини илоҳий ишқ йўлида ҳалол май талаби, деб талқин қилиш мумкин.

Мақоз тариқи Ҳофиз каби буюк истеъдод эгаларига ўзининг асосий ҳис-туйғуларини, дунё гўзаллиги ва табиий неъматлар, асосий ширинлиги ҳақида қарашларини, дунёдаги ижтимоий ҳолатлар, тинимсиз тахт-у тож талашувлари, руҳонийлар бақарлиги ва жаҳолатга нисбатан нафратини баралла айтишга мумкин яратди. Масалан, Ҳофиз дейди:

شراب تلخ می خواهم که مرد افکن بود زورش
که تا یک دم بیا سایم ز دنیا و شر و شورش

*Амчиқ шароб истайман ки кучи Эрни ағдарсин
Токи бир дам ором олай бу дунё-ю азобидин.*

Бу байтда «май» эс-ҳушни оловчи куч тимсолини ифодаламақда. Байтдаги лирик қахрамон дунё ноқисликларидан жонидан тўйган ҳолатда. Бу мустабид тузумга қарши айтилган аёвсиз танқид, асариники. Аммо тасаввуфий мазмунда бу ҳудого муножот: «Эй Худо, ўзинга бўлган ишқимни шунча кучайтиргинки, токи бу ишқдан ҳаёт бўлиб, бутун борлиқни унутай», деб илтижо қилмоқда.

Мавлоно Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини турли талқин кишилари турлича талқин қилишади.

Жалолиддин Румий ҳақида автобиографик асар ёзган Радий Шайх фикирича Жалолиддин Румий ижоди Гегелга диалектика методини яратишга ёрдам берган бўлса, тасаввуф аҳли Румий методини «инсоннинг фоний дунёдан боқий дунёга ўтиши ҳақидаги асар» деб қарайди.

«Маснавий» даги рамзларни тушуниш учун аввало «Румий бу асарни битишдаи кўзлаган асл мақсади нима эди». деган саволга жавоб топиш керак. Доктор Муҳаммад Али Исломиёв Надушан бир асариникида бунини шундай изоҳлайди:

از همینجا نظر مولانا در باره ترک نفس و گرایش به کل مفهوم عمیق انسانی پیدا می شود
جامعه بشری یک خانواده است که باید راه درست زندگی کردن را بیابد و همه آنچه
تهدیب نفس و بزرگداشت دل و عروج و جولان روح خوانده می شود وسیله اند برای براندازی
فاصله میان خود و دیگران و این از طرف شناخت حق مردم و همدلی و همدردی و مهر و مروت
می شود.⁸⁶

«Шунинг учун Мавлононинг «нафс» ни тарк этиш ва «кулл» (борлиқ)га бирлашиш ҳақидаги назари чуқур инсоний тушунча

86 ندوشن م.ع. ا. آواها و ایماها! انتشارات یزدان. چاپ چهارم. ۱۳۷۰

ҳосил қилади. *Инсоният жамияти бир оиладир ва ҳаётини тўғри йўлини топиши керак. Ва нафси поклаш ва дилни улуттириш ва руҳини юксакликка кўтарилиши ва сайри деб аталадиган нарсалар ўзи билан бошқалар ўртасидаги йироқликни йўқоттириш учун воситадир. Ва бу одамлар ҳақини (хуқуқи) англаш, яқдониш ҳамдардлик ва меҳр орқали ҳосил бўлади.*

Шундан маълум бўладики, Мавлононинг «Маснавийи маънавийи» асарини ҳам кўпчилик бошқа тасаввуф адабиётининг намояндасидек тарғиб қилувчи асар деб қараш керак эмас, балки уларнинг асосий мақсади «тўғри ҳаёт кечириш йўлини излаб топиш» ва шу йўлнинг тинимсиз изланишга чақириш деб қараш керак. Шунинг учун Мавлоно ўз асарида оддий халққа тушунарли бўлган рамзлар ва ишоралар ва масалалардан фойдаланган. Чунки оддий халққа тушунирилиши қийин бўлган, маъноси мавҳум диний-фалсафий истилоҳлар билан ёзилган асарни ўқимайди ҳам, ўқиса ҳам тушунмайди.

3. Румийнинг асарлари асосида аниқланган лексик-семантик гуруҳлар

Али Тожиддиний Мавлоно Румийнинг асарлари асосида тузилган луғатида⁸⁷ қуйидаги лексик-семантик гуруҳларни кузатамиз.

1. Яратувчилик маҳсули			
۱خور	۲۲حمام	۳رنگ	۴عسل
۲اسياب	۲۳حماض	۴۴روزنه	۵عصا
۳ايينه	۲۴خاتم سليمانى	۵۵زنجير	۶۶غذا
۴اصطربلاب	۲۵خانه	۶۶زندان	۷۷قير
۵انگشته	۲۶خانقاه	۷۷زهر	۸۸قفس
۶بت	۲۷خشت	۸۸سپد زاینده ميوه	۹۹قبل
۷پالان	۲۸خم و خمره	۹۹سبو	۷۰قلعه
۸پرده	۲۹خمر	۵۰سپر	۷۱قلم
۹ترازو	۳۰اداس	۵۱سرداب	۷۲قند
۱۰اتور	۳۱ادام	۵۲سرکه	۷۳قيجي
۱۱تير	۳۲دانه	۵۳شراب	۷۴کاسه
۱۲اتيشه	۳۳درو درگاه	۵۴شطرنج	۷۵کاغذ

تاجدینی، علی. فرهنگ نمادها و نشانه ها در اندیشه مولانا. سروش، تهران ۱۳۸۳ 87

۱۳ تیغ	۳۴ دخمه	۵۵ شکر	۷۶ کاه
۱۴ آجاری	۳۵ دکان	۵۶ شمشیر	۷۷ کتاب
۱۵ اجام	۳۶ دوغ	۵۷ شمع	۷۸ کشتی
۱۶ آچاه	۳۷ دهل	۵۸ شاهر	۷۹ کوزه
۱۷ آچراغ	۳۸ دهلایز	۵۹ شیر	۸۰ اکیمیا
۱۸ آچمنزار	۳۹ دیار غربت	۶۰ شیشه	۸۱ آلیاس
۱۹ آچنگ	۴۰ دیگ	۶۱ صندوق	۸۲ نردبان
۲۰ آحرف	۴۱ دیوار	۶۲ طبل	۸۳ انگین انگشتری
۲۱ آحلوا	۴۲ آراه	۶۳ طناب	۸۴ آنی

2. Ҳайвонот олами

۱۱ اهو	۱۵ آخروس	۲۹ شتر	۴۳ گاو
۱۲ آژدها	۱۶ آخروگوش	۳۰ شغال	۴۴ گربه
۱۳ آسب	۱۷ آخروس	۳۱ شیر	۴۵ گرگ
۱۴ آباز	۱۸ آخفاش	۳۲ طاووس	۴۶ گوساله
۱۵ بلبلی	۱۹ آخوک	۳۳ آطوطی	۴۷ لک لک
۱۶ آپروبال	۲۰ آدم	۳۴ آعرب	۴۸ مار
۱۷ آپرندہ	۲۱ آروپاہ	۳۵ آعناق	۴۹ ماهی
۱۸ آپروانہ	۲۲ آزاغ	۳۶ آعنکبوت	۵۰ مرغ
۱۹ آتخم	۲۳ آزنبور	۳۷ آفیل	۵۱ مرغابی
۲۰ آتمساح	۲۴ آسرگین	۳۸ آقورباغہ	۵۲ مگس
۲۱ آجمل	۲۵ آسگ	۳۹ آکبک	۵۳ مورچه
۲۲ آجغد	۲۶ آسمندر	۴۰ آکبوتر	۵۴ موش
۲۳ آچهارپا	۲۷ آسوسمار	۴۱ آکرکس	۵۵ دھدھ
۲۴ آخر	۲۸ آسیمرغ	۴۲ آکلاغ	۵۶ هما

3. Табиат ҳодисалари

۱ آب	۱۲ آچراگاه	۲۳ آزمین	۳۴ آشفق
۲ آتش	۱۳ آچشمہ	۲۴ آزنگار	۳۵ آصبح
۳ آباد	۱۴ آخاک	۲۵ آساحل	۳۶ آصحرا
۴ آباران	۱۵ آخهوف	۲۶ آسایہ	۳۷ آغبار
۵ آبهار	۱۶ آخشکی	۲۷ آسحر	۳۸ آقطره
۶ آباییز	۱۷ آدجلہ	۲۸ آسرآب	۳۹ آکسوف
۷ آتاریکی	۱۸ آدریا	۲۹ آسنگ	۴۰ آکوه
۸ آنتیہ	۱۹ آدشت	۳۰ آستگلاخ	۴۱ آگل
۹ آجزومد	۲۰ آروز	۳۱ آسپیل	۴۲ آگیہ
۱۰ آحزیرہ	۲۱ آریگ	۳۲ آشب	۴۳ آمشرق و مغرب
۱۱ آجوی	۲۲ آزمستان	۳۳ آشرق	۴۴ آموج

۴۵ نور			
۴۶ یخ			

4. Башاریят аҳли			
۱۵ ۲۲	۱۵ ۲۲	۱۵ ۲۲	۱۵ ۲۲
۱۶ ۲۳	۱۶ ۲۳	۱۶ ۲۳	۱۶ ۲۳
۱۷ ۲۴	۱۷ ۲۴	۱۷ ۲۴	۱۷ ۲۴
۱۸ ۲۵	۱۸ ۲۵	۱۸ ۲۵	۱۸ ۲۵
۱۹ ۲۶	۱۹ ۲۶	۱۹ ۲۶	۱۹ ۲۶
۲۰ ۲۷	۲۰ ۲۷	۲۰ ۲۷	۲۰ ۲۷
۲۱ ۲۸	۲۱ ۲۸	۲۱ ۲۸	۲۱ ۲۸
۲۲ ۲۹	۲۲ ۲۹	۲۲ ۲۹	۲۲ ۲۹
۳۰ ۳۱	۳۰ ۳۱	۳۰ ۳۱	۳۰ ۳۱

5. Инсон тана аъзолари			
۱ ۶	۱ ۶	۱ ۶	۱ ۶
۲ ۷	۲ ۷	۲ ۷	۲ ۷
۳ ۸	۳ ۸	۳ ۸	۳ ۸
۴ ۹	۴ ۹	۴ ۹	۴ ۹
۵ ۱۰	۵ ۱۰	۵ ۱۰	۵ ۱۰
۲۱ ۲۲	۲۱ ۲۲	۲۱ ۲۲	۲۱ ۲۲
۲۳	۲۳	۲۳	۲۳

6. Диний рамзлар			
۱۳ ۱۴	۱۳ ۱۴	۱۳ ۱۴	۱۳ ۱۴
۱۵ ۱۶	۱۵ ۱۶	۱۵ ۱۶	۱۵ ۱۶
۱۷ ۱۸	۱۷ ۱۸	۱۷ ۱۸	۱۷ ۱۸
۱۹ ۲۰	۱۹ ۲۰	۱۹ ۲۰	۱۹ ۲۰
۲۱ ۲۲	۲۱ ۲۲	۲۱ ۲۲	۲۱ ۲۲
۲۳ ۲۴	۲۳ ۲۴	۲۳ ۲۴	۲۳ ۲۴

7. Машгулотлар			
۱۵ ۱۶	۱۵ ۱۶	۱۵ ۱۶	۱۵ ۱۶
۱۷ ۱۸	۱۷ ۱۸	۱۷ ۱۸	۱۷ ۱۸
۱۹ ۲۰	۱۹ ۲۰	۱۹ ۲۰	۱۹ ۲۰

۴سوارکار و گردو غبار	۹ غرق شدن	۴امطرب	۱۸نقاش و نقش لاری
۵صیاد	۱۰غمزه		

8. Үсимликлар дунёси			
۱انار	۶درخت	۱۰علف	۱۳گل و گلستان
۲انگور	۷ریشه	۱۱غوره	۴امیوه
۳باغ	۸سبزه	۱۲گردو	
۴خار	۹سیب		
۵خاشاک			

9. Табиий бойликлар			
۱اهن	۶طلا	۱۰امرواريد	۱۳معادن
۲جماد	۷عقيق	۱۱امس	۴انمک
۳زمرد	۸گنج	۱۲مشک	
۴سرمه	۹گوهر		
۵صدف			

10. Ҳиссиёт			
۱بوی	۳جنابت	۵خواب	۷شیرینی و تلخی
۲تشنه	۴جنده	۶درد	

11. Самовий жисмлар			
۱اسمان	۳ابر	۴ستاره	۵ماه
۲اقتاب			

12. Тасаввуф истилоҳлари		
		اختره

Бу китобда келтирилган 318 та рамз ва ишоралардан фақат 19 та диний ва 1 та тасаввуфий рамз учрайди. Энг кўп учрайдиган рамзлар «Яратувчилик маҳсули» (84), «Ҳайвонот олами» (56), «табиат ҳодисалари» (46), «башарият аҳли» (31), «инсон тана ҳодисалари» (23), «диний рамзлар» (19), «машғулотлар» (18), «үсимлик дунёси» (14), «табиий бойликлар»(14), «ҳиссиёт»(1), «самовий жинслар»(5), «тасаввуф истилоҳлари» (1) учрайди.

Кўриниб турибдики, инсоннинг ижтимоий ҳаёти ва уни ўраб турган муҳитга муносабати келтирилган рамзларнинг асосий кўпчилигини ташкил этади. Бу рамзларни қандай таъбир қилинишидан катти назар, Мавлононинг диққат марказида Инсон ва унинг табиат

ва жамият билан муносабати эканлиги аниқ равшан маълум бўлади.

Шу китобда келтирилган рамзларни кузатилса, буларнинг табиий, ҳам ирфоний маънолари назарга олингани маълум бўлади.

Масалан: «آب [āb] – сув сўзининг талқинида шундай маънолар келтирилади:

1. Сув – табиатнинг ҳаётбахш унсури;
2. Сув – покизалик рамзи
3. Сув – номуайянилик
4. Сув ва ташналик
5. Сув – гўзаллик, латофат ва ям-яшиллик мазҳари
6. Сув наф келтирувчи ва ҳалок килувчи
7. Сув – ўт ўчирувчи
8. Сув ва дарахт-маъно ва шакл тимсоли
9. Сув – хавфсизлик мавжудлиги
10. Қайнаётган сув
11. Олов шаклидаги сув
12. Сув навлари

Шуни таъкидлаш лозимки, бу талқинлар зоҳиран сувнинг табиий хосиятлари бўлиб кўринса ҳам, лекин унинг замирида Қуръон оятлари ётади.

Масалан: «сув – табиатнинг ҳаётбахш унсури». Бу талқин табиий кўринишдан ҳаммага маълум ҳақиқатга ўхшаб кўринади.

Аслида эса, бунинг таг заминиде Қуръон ояти ётади:

«جعلنا من الماء كل شيء حي (انبيا، آيه 30)»

Маъноси: «*Ҳар бир тирик вужудни сувдан яратдик...*» Демак, бу ташдан содда ҳақиқат бўлиб кўринган талқинлар тагида чуқур маъно яширин.

Бу рамзлар ҳам дунёвий ва ҳам ирфоний ҳақиқатлардан далолат беради.

Булардан кузатилган мақсад инсониятни фикрлаш ва ўз ҳаёт тарзини чуқурроқ ўйлаб кўришга ва тинимсиз ҳаёт сирларини киниф қилишга ва илм олишга чақирикдир.

Зотан, рамзлар, масаллар, тимсоллар ва мажозлардан кузатилган мақсад инсониятни ҳар доим энгил-елпи ўйлаб хулоса чиқариш, бировларни айтганига кўр-кўрона ишонишдан, жаҳонга ботқоғидан қутқаришдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, 1X-XI асрлар шеърятининг образлар мажозий (кўчма) маъноларни турли усул билан ифодалашга хизмат қилган. XI асрдан бошлаб тасаввуф шеърининг

санъий образлардан тасаввуфий рамз сифатида фойдаланиш-
ланади. Адабиёт икки оқимга-ҳақиқат тариқи ва мажоз тариқи
ланади. Ҳақиқат тариқининг асосий мавзуси *вахдати вуҷуд ва*
вақид ва бу мақсадга етишувдаги мақомлар тавсифи, мажоз
анда эса ҳам тасаввуфий-фалсафий, ҳам ижтимоий ҳаёт муам-
лари анъанавий образлар-рамзлар қўллаш билан баён қилина
ланади.

Мазунни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Рамз ва мажоз ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида гапириб
бериш.
2. Мажоз турларини сананг.
3. Рамзнинг истиорадан фарқини тушунтириб беринг.
4. Рамз талқин турлари ҳақида нималар дея оласиз?
5. Мавлоно Румийнинг асарлари асосида тузган луғати бўйича
келтирилган лексик-семантик гуруҳларни сананг.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи монографияси
(Борбобов А. Т.: Fan, 1994. 12-б.)да келтирилган лексик-семантик
гуруҳларини ўрганинг.

СЎФИЁНА РАМЗ ВА ТИМСОЛЛАР: ИШҚ

Дарснинг мақсади:

Дарсда сўфиёна рамз ва тимсоллардан «ишқ»нинг турли маънолари ҳақида маълумотлар берилади. «Маснавийи маънавийи» «ишқ» тимсоли тадқиқ қилинди.

Дарс режаси:

1. Тасаввуфда «Ишқ» тимсоли
2. «Маснавийи-и маънавий» асарида рамз ва тимсоллар

Таянч сўз ва иборалар:

«Маҳбуб-ул қулуб», «ишқ», авом ишқи, хавосс [ҳослар] ишқи, сиддиқлар ишқидир маърифати илоҳийдин, мажоз тариқи, истишод, «Ҳадиқатул-ҳақиқат», азвоқ, мавожд, таваҳҳид, Ваҳдати вужуд фалсафаси, тажаллий

1. «Ишқ» тимсоли

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида «ишқ»ни уч қисмга бўлади.⁸⁸ Биринчи авом ишқи, иккинчиси, хавосс [ҳослар] ишқи, учинчиси сиддиқлар ишқидир.

Юқорида келтирилган сатрлардан маълум бўладики, шеърини даги ишқ бир хил маънога эга эмас, бу ишқ инсоннинг бошқа бир инсонга ишқи, инсоннинг яратганга ишқи ва инсоннинг ер юзидagi мавжудот ва хилқатларга ишқи.

Тасаввуф аҳли расмий диндорлардан фарқли ўлароқ, Худонинг инсонларга яқинлаштирди. Ваҳдати вужуд фалсафасига кўра. Худонинг олий Ҳақиқат бўлиб, оламдаги барча мавжудот ва жонзотлар Олий Ҳақиқатнинг тажаллийси, турли ранг ва қиёфада намоён бўлиши эди. Бу дунёқараш расмий дин нуқтаи назаридан «ширк» яъни илоҳга ширк вужудга келтириш, унинг ягоналигига шак келтириш деб талқин қилиниши мумкин эди. Лекин катта қийинчиликлар

⁸⁸ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент 1998. 67-69

булса-да бу ғоя расмий дин пешволари томонидан қабул қилинди.

Чунки бу ғоя, аввало, Қуръон оятларига асосланган эди:

و نحن اقرب اليه من حبل الوريد

«... буларга бўйин томиридан ҳам яқинроқдурмиз».

Бу – Оллоҳ сенинг жисмингда, вужудингда дегани эмасми!

Шевинчидан, бу ғояда буюк фалсафий ҳикмат бор эди. Бу ғоя олами ва оламдаги барча жонзот ва мавжудот, ўсимликлар ва она оламга меҳр ҳиссини тарбиялашга мўлжалланган ғоя эди. Шунинг учун бу бутун оламни асраб-авайлашга асосланган ғоя расмий дин томонидан қабул қилинди.

Тасаввуф аҳлининг бу ғояни тарғиб қилишидан кузатилган ҳақиқат барча оламни фалокат ва ҳалокатдан сақлаб қолиш, инсониятнинг табиатида мавжуд ер юзидаги барча мавжудот ва инсонларни ўз ҳукмига бўйсундириш ва бу ниятни амалга оширишда ҳар қандай жиноят ва хиёнатдан тап тортмаслик қилишини қанчалик фожиали эканлигини англатиш ва бу қабиҳ қилишнинг ер юзидаги ва атрофдаги барча ўраб турган оламга меҳр ва бу оламнинг нафақат айни замонда яшаб турган одамларнинг ҳақдорлигини учун, балки булар оламдан ўтгач келажак авлодларга ҳам керак бўлишини идрок қилишга қаратилган эди.

Бу ғоя ўз замонасининг энг буюк донишмандлари томонидан қабул қилинган буюк Ҳақиқат эди.

Чунки одамзотнинг жаҳолатининг чек-чегараси йўқ, қўйиб берса шундай одамлар борки, ўз манфаати учун ер куррасини портлатиб қочиб ташлашга ҳам тайёр. Одамлардаги қаҳр-ғазаб, жаҳолат, қўрқоқчилик ва уйлаш нима оқибатларга олиб келишини сезган донишманд одамлар инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолишнинг ягона йўли – бу ҳақиқат билганлар.

Агар шундай пок ният бўлса, нима учун тасаввуф аҳли ўз инсонларини ошкор баён қилишдан қўрққанлар? Бу саволга Эрон ҳақиқатчиларидан бири шундай жавоб беради:

«صوفيه اين زبان را برای ان اختيار كردند كه اسرار خود را در تحت نقاب اين الفاظ مخفی دارند و اضافه بر آنکه نمی خواسته اند جواهر معانی و حقایق را به هر خامی نالایقی عرفیه و از بیم ظاهر پرستان نمی توانسته اند عقاید خود را به صراحت بیان کنند و جان خود را بخطر نندازند»⁸⁹

«Тасаввуф аҳли ўз сирларини бу сўзлар ниқоби остида яшириш учун бу тилни (рамз ва тимсоллар тили; А.Қ.) танладилар.

⁸⁹ قاسم غنى. بحث در آثار و افکار و احوال حافظ. چاپ اول انتشارات هرمس تهران ۱۳۸۶ ص ۱۱۵

Маъно-жавоҳирлари ва ҳақиқатларни ҳар бир нолойиқ кишиларга арз қилишни хоҳламаганликларидан ташқари зоҳирпарастлар қўрқувидан, ўз ақидаларини очиқ баён қилиш нажони хатарга қўёлмасдилар».

Муаллиф «хом кишилар» ва «зоҳирпарастлар» деб ўқимасдан авом халқ ва диннинг моҳиятини тушунмайдиган зоҳирпарастларни назарда тутган. Лекин тасаввуф аҳли нафақат улардан, балки замонасининг мол-дунёга муккасидан кетган хукмдор доираларга аён ва баёнларидан ҳам кўрққан. Чунки улар мол-дунё тўплашига ҳирс қўйган ва бу йўлда ҳар қандай тўсиқни бузиб-ёриб ўтишга шай бўлган кишилар эди ва бунга қарши гапирганларни таг-туғи билан кириб ташлашдан тоймасдилар.

Ўлим хавфи бўлишига қарамай тасаввуф аҳли, ҳақиқат инсонпарвар кишилар ўз ғояларини, ҳеч бўлмаганда, ўз ҳамфиқрига маслақдошларининг сафини кенгайтириш учун баён қилишларига керак эди. Шунинг учун улар шеър тилида одамда инсоннинг табиий интилишлари, ҳис-туйғулари ва айниқса, теран ўй-хаёллари ва ҳақиқатларини баён қилиш учун ишлатиладиган луғат ва терминлар ва таъбирларни ўз мақсадлари учун рамзий мазмунга бериб қўллай бошладилар. Натижада бу луғат ва таъбирлар қуйи маъноли мажозий ва тасаввуфий истилоҳларга айланди.

Бу рамзий истилоҳларни тасаввуф оламига қизиққан ва энди қадам қўяётган бошловчилар учун тасаввуф истилоҳларини шарҳловчи турли луғат ва рисолалар пайдо бўлди. Бу турдаги энг қадимий манбалардан бири Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» (Сирлар гулшани) китобида «ишқ»нинг таърифини шундай шарҳлайди:

بیت اینجا مظهر عشق است و وحدت
بود ز ناز بستن عقد خدمت
هو کفر و دین بود قائم به هستی
شود توحید عین بیپرستی⁹⁰

*Бут бунда мазҳари ишқ-у ваҳдатдур,
Белга зуннор тақмоқ шарти хизматдур.
Бўлгани-чун куфр-у дин борлиққа боғлиқ,
Бутпарастлик айни тавҳидга молик.*

⁹⁰ 120 ى اول چاپ انتشارات طایه چاپ اول ى 120 90
۱۳۸۲

бу китобни шарҳловчилар «ишқ» сўзини «зотнинг мутлақ ҳақиқати» деб шарҳлайди. Яъни дунёдаги ҳар бир зарра илоҳнинг қисми ва жаллоли намоён бўлгани учун улар «ишқ» қа лойиқ. «Ишқ» сўзининг бу маъноси фақат тасаввуф аҳлига маълум эмас, балки инсониятнинг умуман ҳамма аъзолига, яъни инсом халқ «ишқ»нинг рамзий маъносидан огоҳ эмас. Тасаввуф дунёдаги борлиқ мавжудот ва ашёларга меҳр кўзи билан қарайди. Чунки буларнинг барчаси ягона ҳақиқатнинг қисмлари, булар инсонга яхшими-ёмонми, фойдалими-зарарлими, ҳамма душманми фарқи йўқ. Бу ҳақиқатни тадқиқотчилар шундай қилайдилар:

«... تصوف در معنی 'هیچ وقت زیر بار تعصب و تحزب و ترجیح فرقه ای بر فرقه دیگر رود و از جنگ هفتاد و دو ملت دوری می جوید. به عقیده صوفی یک حقیقت کلی و واقعی و حقیقی و واقعی در تمام عالم ضبط است که مایه الاشتراک و سبب تحقق تمام موجودات همان است و خارج از آن چیزی نیست. چیزی در حد خود دارای جزئی و پرتوی از آن حقیقت کلی هست. پس عالم من حیث الوجود مطلق است ولی هیچ چیزی به تنهایی کمال مطلق نیست. واضح است که با چنین عقیده که دره ناچیزی از خدا یعنی جزئی از کمال مطلق می بیند زیر بار تعصب و ترجیح فرقه ای دیگر نمی رود و فرقی میان مسجد و میخانه نمی نهد و نه فقط با هفتاد و دو ملت بلکه با تمام در صلح و ائتیی است»⁹¹

Тасаввуф моҳиятан ҳеч қачон таассубга, тарафкашликка, фирқани иккинчи фирқадан афзал кўришга йўл қўймайди ва инсоният икки миллатнинг жангидан нари туришга интилади. Инсониятнинг ҳар қандаси бўйича барча оламда бир бутун ҳақиқат ва бир ҳақиқат ва воқеий вужуд ўрин олган ва ўша барча мавжудотнинг умуман барчаси ва ҳақиқатга айланиши боисдир ва ундан ташқари инсониятга бир нарсаси йўқ. Яъни ҳар нарса ўз ҳаддида ўша бутун ҳақиқатдан қисм ва бўлаги ва жипосидир. Шундай экан олам мажмуан мутлақ ҳақиқатдир, лекин ҳеч нарса якка ҳолда мутлақ камол эмас. Маълум бўладики, [сўфий] худонинг – яъни мутлақ камолнинг кичик бир қисми кўришдек ақида билан таассуб ва бир фирқани бошқа фирқадан устун қўйишга йўл қўймайди, масжид билан миҳонанинг ўртасида фарқ кўрмайди, нафақат етмиш икки қисм билан, балки борлиқ олам билан тинч-тотувликда бўлади».

Юқоридаги шарҳдан маълум бўладики «ишқ» даражасига етган сўфий дунёдаги барча дард-у ғам – шодликдан, куфр-у ширкдан, ўлим ва тирикликдан, орзу-умид ва аянчдан бойлик-милликдан юқори туради. Унинг қалбида фақат илоҳига ва унинг қисми билан мавжудотларига ишқ ҳукм суради.

91. قاسم غنى. بحث در آثار و افکار و احوال حافظ. چاپ اول. انتشارات هرمس تهران ۱۴۸۶ ص. ۱۴۲۸

«Маснавий-и маънавий» асари дунёга келганидан буён унинг ёзилган тафсирлар жамланса, минглаб жилдни ташкил қилган бўларди. Лекин бу асарнинг энг буюк фазилати шундаки, унинг мутолаа қилган ҳар авлод бу асарнинг маънолар оламини қайтадан кашф қилади ва ҳар бир миллат бу асардаги ғоялар оламнинг ўзининг маънавияти манбаи, деб қарайди.

Бу мақолада қўйилаётган муаммо «ишқ» сўзининг маъно тарихи ва унинг таҳлил этиш усуллари ҳақидаги баҳсдир. Шунинг билан керакки, «Маснавий» нинг шу пайтгача қилинган тафсирларида асарда ишлатилган асосий сўз – тимсоллар (ишқ, ошиқ, маънавий, май, соқий ва ҳ.к.) атрофлича таҳлил қилинган, лекин бу тафсирларда сўз тимсолининг кўпроқ қайси манбага тегишли эканлигини, унинг адабий, фалсафий, тарихий ҳаётий воқеаларга алоқадор жиҳатлари ўрганилган ва бу сўз тил системасининг таркибий бирлиги сифатида умуман шеъриятда, ва хусусан, Румий асарида қандай маънолар мажмуасига эга эканлиги таҳлил қилинмаган.

Бу фикрнинг далили сифатида Эронда чоп этилган ҳозирги даврда энг мукаммал тафсирлардан саналмиш Муҳаммад Таъиб Жаъфарийнинг 15 жилдлик «Тафсир ва нақд ва таҳлил» «Маснавий» асарида бу мавзунинг ёритилишини кўриб чиқамиз. Бу «Тафсир» нинг 12-жилдида ишқ мавзуси «Ишқ ва ошиқ ва маънавий аз назари Жалолiddин» сарлавҳаси остида муфассал кўриб чиқилган.

Жаъфарий ўз тафсирида ишқни уч турга бўлади: «ишқ маъмулий», «ишқ мажозий», «ишқ ҳақиқий». Сунг бу ишқ турларини фалсафий, ирфоний, ҳаётий жиҳатдан таърифлайди.

Тафсирнинг бошида ишқнинг моҳияти ҳақида Ишқни таърифловчи ёки тушунтириб бўладими, деган савол кўяди.

Бу саволга қуйидагича жавоб беради:

«Бу баҳсимизда биз шунини эслатиб ўтмоқчимизки, «ишқ»ни илмий жиҳатдан таърифлаб бўлмайди, чунки ҳам ҳиссиёт ва ҳам интиборасида таъсири бўлиши ва ўзгариш вужудга келтирилишига қарамай на уни ҳис қилиб бўлади, на англаб».

Масалани қўйилишидан кўриниб турибдики, муаллифнинг «Маснавий» даги «ишқ»нима, уни Мавлавий (Мавлоно Румий) қандай маънода қўллайди, деган савол қизиқтирмайди, унинг илмий таърифи қизиқтиради.

Жаъфарий тафсиридаги уни қизиқтирган саволларни қўйилган муаммолар сарлавҳасида ҳам аниқлаб олса бўлади: «Ишқ

сарлашларга ҳам ўз таъсирини ўтказадими?» (бу савол илмий дунёдан кўра кўпроқ диний қарашларга мансубдир), «Ишқ ва маънавий олами» (бошқача қилиб айтганда, «ишқнинг реал ҳаётга таъсири»), «Ишқнинг хосиятлари ва воситалари, умумий қонунилари» (бу ерда ишқнинг турлича кўринишда намоён бўлишини таърифлайди), «Жалолиддин таълимотида мажозий ишқ ва ҳақиқий ишқнинг таснифи», «Ҳақиқий ишқ, унинг юзага келиш омиллари ва таъсири» ва ҳоказо.

Маънавиятда келтирилган сарлавҳалар кўрсатиб турибдики, тафсир ва таълифни кўпроқ Румий асарларидаги ишққа нисбатан диний, маънавий ва ижтимоий қарашларни аниқлашга ҳамда таҳлил қилишга уринган.

Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» (Сирлар гулшани) асарига ёзган шарҳида Лоҳижий «ишқ»нинг тасаввуфий маъносини таъриф талқин қилади:

«بدان که عشق در این محل حقیقت مطلقه است چنانچه شیخ عراقی در لمعات فرموده نزد اهل کشف و شهود جمع ذرات موجودات مظهر و مجلای آن حقیقتند»⁹²
«*Бидан ки, бу ердаги «ишқ» мутлақ ҳақиқатдир, чунончи Шайх Лоҳижий «Ламаъот» да буюрган, ва [шунингдек] кашф ва мушоҳада қилишда барча зарралар ва мавжудотлар ўша ҳақиқатнинг таъсири ва тажаллийсидир...*»

Маънавиятдаги билдирилган фикр бироз шарҳлашга муҳтож: «ишқ» тасаввуф аҳли кашф қилган энг олий ҳақиқат, чунки инсон табиати ва табиатдан ташқари ҳодисаларга ишқ кўзи билан, яъни диний ҳодисалар ва воқеалар замиридаги ботиний моҳиятга меҳр билан қараса, бундай инсон дунёдаги барча мавжудот ва мавжудотни эъзозлайди. Бундай инсон фақат эзгуликка ва маънавий қилишга интилади. У фақат яхшиликни, адолатни ҳимоя қилиб, ҳақни ва қабохатга қарши курашади. Ж. Румийнинг «Маснавийи Маънавий» асарининг умумий руҳи ҳам инсонларни қабохат қилишдан қутқариб, эзгулик гулшани сари йўл кўрсатишдан иборат. «Ишқ» моҳияти бу абадият, инсониятни маъсиятдан нажот қилишга чорловчи омил.

«Маснавий»даги ишқ тимсолини мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Маснавий»да «ишқ» сўзи биринчи марта куйидаги байтда учрайди:

۵/۱۰ آتش عشقت کاندن نی فتاد

جوشش عشقت کاندن می فتاد.⁹³

شبهتري. م. گلش راز. چاپ خوشه تهران ۱۳۸۲ ص. ۴۹۳-۴۹۴

*Ишқ оловидир- ким, найга тушмиш,
Ишқ жунбишидур- ким, майга тушмиш.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъносига ишора биринчи мисрада (олов) сўзидир, шунга кўра бу инсон қалбини ўртагувчи ўт «ишқ» маъносидадир, иккинчи байтдаги «ишқ»нинг маъно белгиси *می* (май) сўзи бўлиб, бу ўринда унинг хушдан айирувчи таъсири тугилмоғи шунга кўра бу ўринда, «беҳушлик, жазаба» деб талқин қилинади. Байт «Бу найдан чиқаётган муқаддас иштиёқ ноалари, бу инсонни май каби эс-хушидан айирувчи ҳиссиёт» деб талқин қилинади.

۶/۱ لی حد پش راه پر خون می کند

اسه های عشق مجنون می کند

*Най қонли йўлдан ҳикоят қилур,
Мажнун ишқидан қиссалар қилур.*

Бу байтда «илоҳий ишқ» нинг яна бир сифати «савдойи» ошкор бўлган. Бунга ишора «Мажнун» тимсолидир. Байт: «Най [«илоҳий ишқ»] қа етишиш учун инсоният босиб ўтган қонли йўллардан, бу йўлда савдойи бўлиб эс-хушидан айрилган [Мажнун] лардан ҳикоят қилади» деб талқин қилинади.

۶/۲ هر کرا جامه ز عشقی چاک شد

او ز حرص و عیب کلی پاک شد

*Кимнинг кийими ишқдан сўқилса,
У ҳирс-у борлиқ айбдан покланди.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *پاک شد* (покланиш) феълидан келиб чиқади, ва «покланиш манбаи», яъни «ким агар ўткинчи безак [ҳюю- ҳавас] лардан покланса, у борлиқ ҳайвоният ҳирс ва ёмон хислатларидан қутулади» деб талқин қилиш мумкин.

۶/۳ شاد باش ای عشق خوش سودای ما

ای طیب جملہ علت های ما

*Шодлан эй бизнинг ёқимли изтироб ишқимиз,
Эй бизнинг барча иллатларимиз шифоповчиси.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *طیب* (шифокор) сўзидан яширин. Шунга кўра «ишқ»ни «шифобахш изтироб» деб талқин

93 Кейинги мисоллар мана шу китобдан *شرح حال استاد* ج. مثنوی معنوی. مقدمه و شرح حال استاد بدیع الزمان فروزانفر چاپ شتایی. ۱۴۷۱

ш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Эй ёқимли изтиробдан иборат
барча [инсоний] иллатларнинг шифобахш [ҳисси] шод бўл».

۱۲/۷ جسم خاک از عشق بر افلاک شد

کوه در رقص آمد و چالاک شد

عشق جان طور آمد عاشقا

طور مست و خرموسی صعقا

Мислим хок ишқидан фалакка кўтарилди,

бу ўйинга тушди-ю ўйноқлади.

бу ишқ, ишқ Тур [тоғ] нинг жони бўлди,

Тур маст-у Мусо беҳуш йиқилди.

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси «Қуръони карим» даги оятга
шунинг «Қуръони карим» да шундай оят келади:

فلما تجلى ربه للجبل جعله دكا و خر موسى صعقا

«Раббӣ тоққа тажаллий (кичик бир кўриниш) қилган эди, уни
қўлаб ташлади. Мусо (ҳам таъсирланиб) беҳуш ҳолда
қўлади».⁹⁴

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «برافلاك»(фалакларга
қўрилмоқ) бирикмаси билан белгиланади, яъни «буюкликка
қўримоқ» маъносини ифодалаган, шунга кўра биринчи байт:
«Тўроқдан ясалган [одам] мана шу шуур туфайли буюкликка
қўриди, тоғларни ҳам кўзготишга қодир» деб талқин қилинади.

Иккинчи байтда «ишқ»нинг маъно белгиси Қуръон оятида
қайдланган «илоҳий нур» дир. Байт: «Тур [тоғи] нинг қалбига
илоҳий нур жилва қилди, Тур [бу нур] дан маст бўлиб, Мусо беҳуш
қўлиди» деб талқин қилинади.

۹/۷ چون نباشد عشق را پروای او

او چومرغى ماند بى پروای او

Бўлмаса ишққа парвоси унинг,

У қанотсиз қушга ўхшар [ҳоли] га вой.

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «مرغ بى پر» бирикмасида
қайдланган, бу «илми таълил» санъати бўлиб, «ишқ»нинг
«буюкликка элтувчи куч» маъноси намоён бўлган. Байт: «Қимнинг
ишқиди бўлмаса, у қанотсиз қушдай юксакликка учолмайди, демакки
ишқ юксакликка элтувчи йўлдир» деб талқин қилинади.

⁹⁴ Қуръони карим маъноларини таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи
Манаур. Т., 2001й. (Қуръон оятларининг таржимаси шу китобдан келтирил-

۷/ عشق خواهد کاین سخن بیرون بود
ایده نماز نبود چون بود

*Ишқ истар бу сўз ташқари чиқсин,
Ойна чақимчи бўлмай қанақа бўлсин.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «*айне*» (ойна) сўзида ифодаланган. Демак «ишқ» – «илоҳий ҳақиқат жилвагоҳи» деган маънога эга. Байт «илоҳий ҳақиқат жилвагоҳи бу сўзни ошкор қилишни истайди, ишқ ойнада, ойна акс эттирмай, нима қилади?» – деб талқин қилинади.

۱۲/ بعلت عاشق ز علت ها جداست
عشق اصطر الاب اسرار خداست

*Ошиқлик [дарди] сабаби бошқа сабаблардан бўлак,
Ишқ Худо асрорининг устурлобидир.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «*اصطر الاب*» (устурлоб) сўзида ифодаланган бўлиб, «кашф қилувчи» деб талқин қилинади. Байтнинг мазмуни: «Ошиқлик [дарди] бошқа сабаблардан бўлак, ишқ Худо сирларини кашф қилувчи» дир.

۵/۱۱ هر چه گویم عشق را شرح و بیان
دور بعشق آیم خجل با شم از آن

*Ишқнинг ҳар қанча шарҳу баёнини қилмай,
Ишққа етганимда уни [баёни] дан хижолатдаман.*

Бу байтда биринчи мисрада «ишқ» – «тимсол» маъносини, иккинчи мисрада «жумбоқ» маъносини ифодалаган. Байт: «В тимсолни қанча шарҳлаб баён қилмай, бу «жумбоқ» ни ечолмай хижолатдаман» деб талқин қилиш мумкин.

۱۲/ عقل در شرحش چو خر در گل بخفت
شرح عشق و عاشقی هم عشق گفت

*Ақл унинг шарҳида эшакдай лойга ботди,
Ишқ ва ошиқлик ирҳини ҳам ишқ айтди.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси биринчи мисрада ифодаланган бундан келиб чиқадиган маъно шуки «ишқ» бу-«илоҳий сир» демоқчи. Байтнинг мазмуни: «Ишқ бу илоҳий сир, унинг шарҳи ақлдан сизмайди. Уни фақатгина ишқни ўз бошидан кечирган кимсалар (орифлар) билади».

۱۰/۱۸ عشق های کز پی رنگی بود
عشق نبود عاقبت رنگی بود

*Ғашу учун бўладиган ишқлар,
ишқ бўлмас оқибат шармандалиқдир.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси «رنگ» (ранг, ташқи чирой) сўзида белгиловчи бўлиб, «шайдолик» маъносини беради. Байт: «Ташқи чиройга бўлган шайдолик бу ишқ эмас, оқибати шармандалиқ» деб айтиш қилинади. Яъни бу ўткинчи ҳиссиёт деган маънони беради.

۱۹/۲ زانکه عشق مردگان پاینده نیست
چونکه مرده سوی ما آینده نیست

*Ўликни ўликлар ишқи доимий эмас,
Ўликни ўлган олдимишга қайтиб келмайди.*

Бу байтда «مردگان» (ўликлар) сўзи «ишқ»нинг моҳиятини белгиловчи бўлиб келган. Бу ўринда «ишқ»ни «жозоба манбаи» деб талқин қилиш мумкин, лекин «ишқ» бу икки томонлама жозоба, бир-бирига жалб қилувчи куч, бири йўқ бўлса иккинчисининг ҳисси тезда сўнади. Байт: «Ўликлар жозобаси давомли эмас, чунки ўликлар қайтиб келмайди» деган мазмунга эга.

۱۹/۳ عشق زنده در روان و در بصر
هر نمی باشد ز غنچه تازه تر

*Тирик ишқи руҳда ҳам кўзда,
Ҳар дамда ғунчадан ҳам хушнамороқ.*

Бу байтда маъно белгиловчи «غنچه» (ғунча) сўзи бўлиб – раҳматлик, маъсумлик рамзидир, шунга кўра «ишқ»ни «мафтунлик манбаи» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Тирик ишқнинг мафтунлиги га мафтунлик, худди янги очилган ғунчадек кўзда ва руҳда белгилашиб туради».

۱۹/۴ عشق ان زنده گزین کو باقی است
وز شراب جانفزایت ساقی است

*Соқий тирик бўлганнинг ишқини танла,
Ҳаётбахш шароб [берувчи] соқийдир.*

Бу байтда гап илоҳий ишқ ҳақида кетмоқда, бу «ишқ»нинг белгиловчи «باقی» (абადий) ва «شراب جانفزا» (жонбахш шароб) сўзлари бўлиб, «ишқ»нинг «абადий бахт» ва «эс-хушдан айирувчи» маъноларини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Абадий бахт ато қилувчи ва эс-хушингни олиб маст қилувчининг ишқини танла».

۱۹/۵ عشق آن بگزین که جمله انبیا
بافتند از عشق او کار و کیا

Унинг ишқин танла барча набийлар,
Унинг ишқидан буюклик топдилар.

Бу байтда маъно белгилловчи «انبياء» (пайғамбарлар) сўзи бўлиб «ишқ»нинг «эътиқод» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Барча пайғамбарлар эътиқод кўйиб буюкликка эришганини ишқини танлагин».

۴۹/۸ هر کرا دامان عشقی نابده
ان نثار نور بی بهره شده

*Ким бирон ишқ этагин тутмаган бўлса,
Ўша [илоҳий] нур нисоридан бебаҳрадур.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгилловчиси «دامان گرفتن» (этагин тутуш, бел боғлаш) бирикмасидир. Шунга кўра «ишқ»ни «ихлос» деб талқин қилса бўлади. Байтнинг мазмуни: «Кимки бирон ишқ нарсага [чин дилдан] ихлос қўймаса, бундай одам илоҳий нурдан бебаҳра қолибди».

۴۹/۹ جز و ها را روی ها سوی گل است
دلبلان را عشق با روی گل است

*Жузвларнинг юзлари кулл томонда,
Булбулларнинг ишқи гул томонда.*

Бу байтда «گل» (бир бутунлик, ваҳдат), «جز» (бўлак, қасри) маъносиди, «گل» (гул) бебақолик рамзи, шунга кўра «ишқ»ни «ҳон» ҳавас» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Бўлактини [яъни: зарралар] бутунлик [яъни: ваҳдат] га қараб интилади, ҳон ҳавасга берилган кимсалар [булбул] гулга [ўткинчи чиройини интилади]».

۵۲ / ۱ بی موکل بی کشش از عشق دوست
آنکه شیرین کردن هر تلخ از وست

*Ҳеч ундовчисиз, турткисиз дўст ишқидир,
Негаки ҳар бир аччиқ ширин қилувчи удир.*

Бу байтда гап ўтга ташлаш устида кетмоқда, маъно белгилловчи сўз «دوست» (дўст) бўлиб, дўстликнинг асоси содиқликка қурилган. Шунга кўра бу ўринда «ишқ»ни «садоқат» деб талқин қилиш керак. Байтнинг мазмуни: «Ҳеч бир ундовчи ёки туртки берувчи кишига азбаройи дўстга бўлган садоқат юзасидан [ўтга ташлардиларини] чунки ҳар аччиқни ширин қиладиган у [дўст] дир».

۸۴/۱ جان های بسته اندر آب و گل
چون رهند از آب و گل ها شاد دل
در هوای عشق حق رقصان شوند
همچو قوس بدر بی نقصان شوند

Жонпарӣ сув билан лой орасида бекинган,
(Дарахт) сув ва лойдан қутулгач кўнгли шод,
Ҳақ шиқи ҳавосида ўйинга тушар.
Ёд тоғрасидай бөнуксон бўлар.

Бу байтларда дарахтнинг ердан униб чиқиши тасвирланган. Бу байтда маъно белгиловчи бирикма «аз آب و گل» (сув ва лойдан қутулмоқ) бўлиб, «ишқ»нинг «шукроналик» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «(Дарахтлар) сув ва лойдан (униб) қутулгач, шукроналик нисбатан шукроналик ҳавосидан ўйинга тушадилар».

۹۶/۹ این نه بلبل این نهنگ آتشی است
جمله ناخوش های عشق او را خوش است

Булбул эмас ўтли аждаҳодир у,
Ишқнинг барча нохушликлари унинг учун шодликдир.

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиловчиси «наخوش ها» (нохушликлар) сўзи бўлиб, «жабр-у жафо» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Бу шайдо булбулмас, бу (ишқ) дан ўт қараётган аждаҳо ишқнинг жабр-у жафоси унинг учун шукроналик».

۹۶/۱ عاشق کل است و خود کل است او
عاشق خویش است و عشق خویش جو

«Кулл» нинг ошиғи у унинг ўзи «кулл»,
Ўлтигин ошиқи-ю ўз ишқини изловчи.

Бу байтда тасаввуфдаги ҳаммага маълум ақидага ишора бор: «انسان به شرط آگاهی از این که وطنش این جهان نیست و از آنجا که روح الهی دارد و در این اصلیش جهان ملکوتی است به شرط معرفت و عشق و سیر و سلوک یعنی عشق به باز گشتن یا می شود که قوس صعودی را طی کند»⁹⁵
«Инсон ватани бу жаҳон эмаслигидан огоҳлиги ва илоҳий руҳга эришиши билан бўлганлигидан ва асл яшаш жойи самовий олам бўлганлиги учун маърифат ишқ ва сайр-у сулук шартин билан яъни ўз (асли)

۹۵. غ. کلیاتی در مانی عرفان و مصوف. چاپ جوانجت ۱۴۷۷ص. ۲۴-۲۵

га қайтиш ишқи унинг юксаклик доирасини босиб ўтишга буюр
бўлади.»

Инсон руҳи ўз аслига (خويش) қайтишга интилади, чунки у мутна
ҳақиқатнинг (кулл) бир бўлаги, шунга биноан бу ўринда «инсон
«васлга иштиёқ» деб талқин қилинади. Байтнинг мазмуни: «Инсон
вахдати вужуд ошиғи, чунки унинг руҳи ўша ваҳдатдан, у ўз аслига
ошиқ ва у билан васл (қўшилиш) иштиёқда».

«پ ۹۹/ علم و حکمت زاید از لقمه حلال

سئق و رقت زاید از لقمه حلال

Илм-у ҳикмат туғилар ҳалол луқмадан,

Ишқ-у ҳамдардлик туғилар ҳалол луқмадан.

Бу байтда гап ҳалол ва ҳаром луқма устида кетмоқда. Ҳаром
луқма еган одамда ўз ҳамжинсига раҳм-шафқат ҳисси бўлмайди
фақат ҳалол луқма-ўз меҳнат тери билан топилган ризқ илм
ҳикмат, ишқ, ҳамдардлик ҳиссини вужудга келтиради. Шунга кура бу
ердаги «ишқ»ни «меҳр» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг
мазмуни: «Луқмаи ҳалолдан илм-у ҳикмат, меҳр ва ҳамдардлик
вужудга келади.»

۱۰۷/۱ باغ سبز عشق کو بی منتھی است

گل غم و شادی در او پس میوه ها ست

Ишқнинг ям-яшил боғи ҳадди поёнсиз,

Ғам-у шодликдан ўзга унда кўп мевалар.

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси (باغ سبز) (ям-яшил боғ)
бирикмаси бўлиб, «ишқ»нинг «яратувчилик» маъносини
ифodalаган. Байтнинг мазмуни: «Унинг яратувчилик қудратидан
яшнаган боғ бепоён, унда ғам-у шодликдан бўлак кўп яхши нарсалар
(мева) лар бор».

۱۱۴/۲ عقل جزوی عشق را منکر بود

از چه بنماید که صاحب سر بود

Жузвий ақл ишқни инкор қилади,

Гарчи ўзини соҳиби сир кўрсатса ҳам.

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгилловчи бирикмаси «عقل جزوی»
(жузвий ақл). Жузвий ақл бу ноқис ақл, ноқис ақлнинг имкониятларини
чекланган, дунё сирларини ҳаммасини илғаб ололмайди. Шунга
биноан «ишқ» бу ўринда «илоҳий сир» деб талқин қилинади.
Байтнинг мазмуни: «Ноқис ақл ўзини сирлардан воқиф кўрсатса ҳам
илоҳий сирни инкор этади.»

۱۱۷/۹ عشق و جان هر دو نهند. و ستیر
گر عروسش خوانده ام عیبی مگیر

Ишқ-у жон ҳар иккаласи пинҳон, яширин,
Қандай қилиб деб атасам айблама.

Бу байтда «ишқ-у жон» бир-бирига ташбиҳ қилиняпти. Жон бор
деса, лекин кўринмайди, ишқ ҳам «ҳақиқат», лекин уни кўз билан
қилиб бўлмайди. Байтнинг мазмуни: «Ишқ-у жон бу ҳақиқат, аммо
қандай яширин».

۱۶۱/۸ عشق شنگ بی قرار بی سکون
چون در آرد کل تن را در جنون

Ноқарор тиниб-тинчимас шодлик ишқи,
Қандай қилиб бутун танни жунунга келтиради.

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгилловчи бирикмаси «шнгқ би қрар»
(ноқарор шодлик) бўлиб, «шавқ-завқ» маъносини ифодалаган.
Байтнинг мазмуни: «Хурсандчилик завқи, бутун танани туғёнга
олғудай».

۱۶۳/۲ هر چه گوید مرد عاشق بوی عشق
از دهانش می جهد در کوی عشق

Ошиқ киши нима деса ҳам ишқ ҳиди,
Непар оғзидан ишқ кўчасида.

Бу байтдаги «кوی عشق» (ишқ кўчаси) бирикмасида, ёрнинг
қадрига етиш «орзу» си ифодаланган. Биринчи мисрадаги *بوی*
(ишқ ҳиди) бирикмаси «армон» туйғуси деб талқин қилинади.
Байт мазмуни: «Ошиқ киши орзулари кўчасида [дийдор] нима деса,
қадридан] армон туйғуси сезилади».

۱۶۷/۱ هین مهل خور او دست از وی مدار
زانکه عشق اوست سوی سبزه زار

Қани бўш қўйма эшакни, қўлдан бўшатма,
Чунки унинг ишқи доим сабззор.

Бу байтда «خر» (эшак) «ишқ»нинг маъно белгилловчи сўзи. Эшак
бу инсондаги ҳирсга ўхшатиш, шунга биноан бу ўринда
«ишқ»ни «хоҳиш-истак» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг
мазмуни «Ҳей, ҳирсингни жиловла, чунки унинг ягона истаги еб-
қиди».

۱۷۵/۱۰ گفت چون در عشق ما گشتی گرو
هرسه را بر گیر و بستان و پرو

*Деди бизнинг ишқимизда ўзни гаров қўйганинг учун,
Ҳар уччаловин ол, кўтар-да бор.*

Бу байтда гап шер билан тулки орасида кетаяпти. Тулки поре
пора бўлган бўридан ибрат олиб ҳар учала ўлжани шерга
бағишлайди. Шунга кўра бу ўринда «ишқ»ни «мутлақ садоқат» деб
талқин қилиш керак. Байтнинг мазмуни: «Сен бизга мутлақ садоқат
кўрсатганинг учун ҳар учаласини (сигир, эчки, қуён) олда кет».

۱۷۸/۱۰ باز آن جان چون که محو عشق گشت

بعجب الزراع آمد بعد گشت

*Яна маҳв бўлгач ишққа ул жон,
Экин эккандан кейин деҳқон ажабланди.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «العجب الزراع» (деҳқон
таажжубга тушди) бирикмасида бўлиб, бу «ишқ»нинг «ҳайрат»
маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Ул [инсон] ҳайратга
маҳв бўлгач, худди деҳқон дон сепиб, ундан униб чиққан [мўъжиза]
ни кўргандай бўлди».

۵/۱۹۲ گشت تشنه بوده ام من روزها

شب نخفتستم ز عشق و سوزها

*Деди: ташна эдим мен кундузлари,
Ишқ-у ўртанишдан ухламасдим кечалари.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «سوز» (куйиб-ёниш) сўзида
ифодаланган. Шунга кўра «ишқ» бу ўринда «дард» маъносини
англатади. Байтнинг мазмуни: «Мен ташналиқдан [имон] га дин
куйиб-ёнишдан кеча-кундуз ухламасдим».

۲۱۴/۱۳ چون مرا سوى اجلش عشق و هوا است

ایهی لاتلقوا باید یکم مر است

*Мен ажалга ишқ-у ҳавоим бўлгач,
«Ўз қўлингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз» ни
инкори менга.*

Бу байтда «Қуръони карим» даги 2-195 оятга ишора қилинган
бу маъно белгисини ташувчи ибора вазифасини бажарган. Бу
ўринда «ишқ»нинг маъноси «ташналик» ни ифодалаган. Байт: «Мен
ўзим ўлимимга ташна бўлганлигимдан, Қуръон оятидагининг
хилофини қилсам ҳам бўлади», деб талқин қилинади.

۲۵۴/۲ عشق او پیدا و معشوقش نهان

بار بیرون فتنه او در جهان

*Унинг ишқи пайдо, маъшуқи ниҳон,
Ёр ташқарида унинг фитнаси жаҳонда.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси иккинчи мисрада баён қилинган (Ёр ташқарида унинг фитнаси жаҳонда) жумласи «ишқ»нинг оламдаги мўъжизасига ишора, шунга кўра «ишқ»нинг бу байтда «мўъжиза» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Унинг мўъжизаси аён, лекин маъшуқа пинҳон, ёрнинг ўзи бурунмасдан, унинг фитнаси (туғёни) бутун оламни тутгандай».

۲۵۴ / ۴ چون وفا عشق افزون می کند
کی وفا صورت دگرگون می کند

*Вафо ул ишқни оширадиган бўлгач,
Суврат (ташқи кўриниш) вафони ўзгартирадим.*

Бу байтда ташқи суврат (ўткинчи зот) ва моҳиятга (абодий сифат) га вафодорлик ҳақида гап кетмоқда. Шунга биноан бу байтда «ишқ»ни «меҳр» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Вафо меҳрни оширгани учун суврат вафони ўзгартиролмади».

۲ / ۶۶ چند بازی عشق با نقش سبو
بگذر از نقش سبو و اب جو

*Қачонгача кўзанинг нақшига ишқибозлик қиласан,
Кўзи нақшини қўй, сув изла.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «ишқ» (кўза нақши) билан белгиланади. Шунга биноан «ишқ»нинг «ишқибозлик» маъно белгиси рўёбга чиққан. Байтнинг мазмуни: «Қачонгача ташқи безакка маҳлиё бўласан, моҳият изла».

۱ / ۲۷۴ ما ز عشق شمس دین بی ناخیم
ورنه ان کور را بینا کنیم

*Наз Шамси дин ишқидан нотавонмиз,
Иўқса у кўрнинг кўзин очардик.*

Бу байтда гап Шамс Табризий ҳақида кетмоқда. «ишқ»нинг маъноси «ишқ» (нотавон) сўзидан олинади, шунга кўра «ишон-иштиёр» деб талқин қилинади. Байтнинг мазмуни: «Шамс [Табризий] ишон-иштиёримизни олганидан нотавонмиз, иўқса кўрлар кўзини очардик».

۱۱ / ۲۸۶ همچو کوره عشق را سوزید نیست
هر که او زین کور باشد کود نیست

*Ишқ худди кўрадай куйдирувчи,
Ким буни кўрмаса тентакдир.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси (куйдирувчи) феълида ифодаланган, шунга кўра, «ўртовчи олов» деб тапқил қилинади. Байтнинг мазмуни: «Ишқ бу ўртовчи оловдир, ким бунни кўрмаса ақли норасо киши».

۲/۲۹۲ خواجه لقمان چولقمان را شناخت
بنده بود او را و با او عشق باخت

*Луқмоннинг хожаси Луқмонни [яхши] танигач,
Унинг қулига айланди ва унга ишқ боғлади.*

Бу байтда «ишқ» «муҳаббат қўймоқ» маъносида ишлатилган. Муҳаббат қудратини Мавлавий шундай таърифлайди:

وز محبت مس ها زرین شود وز محبت درد ها شافی شود وز محبت سر که مل می شود وز محبت بار بختی می شود بی محبت روضه گلخن می شود وز محبت دیو حوری می شود بی محبت موم آهن می شود وز محبت غول هادی می شود وز محبت شیر مویش می شود وز محبت قهر رحمت می شود وز محبت شاه بنده می شود کی گزافه بر چنین تختی نشست	از محبت تلخ ها شیرین شود از محبت درد ها صافی شود از محبت خار ها گل می شود از محبت دار تختی می شود از محبت سجن گلشن می شود از محبت نار نوری می شود از محبت سنگ روغن می شود از محبت حزن شادی می شود از محبت نیش مویش می شود از محبت سقم صحت می شود از محبت مرده زنده می شود این محبت هم نتیجه دانش است
--	---

*Аччиқ ширин бўлар муҳаббатдан,
Мислар заррин бўлар муҳаббатдан.
Қуйқалар соф бўлар муҳаббатдан,
Дардлар шифо бўлар муҳаббатдан.
Тиконлар гул бўлар муҳаббатдан,
Сиркалар шароб бўлар муҳаббатдан.
Дор тахтга айланар муҳаббатдан,
Юк бахтга айланар муҳаббатдан.
Балчиқ гулшан бўлар муҳаббатдан,
Муҳаббатсиз жаннат гулхан бўлар.*

Олов нурга айланар муҳаббатдан,
 Дов ҳурга айланар муҳаббатдан.
 Тош ёғга айланар муҳаббатдан,
 Муҳаббатсиз мум темирга айланар.
 Там шодликка айланар муҳаббатдан,
 Дов ҳодийга айланар муҳаббатдан.
 Ниш ҳам хуш келар муҳаббатдан,
 Шер сичқон бўлар муҳаббатдан.
 Бомор сиҳат топар муҳаббатдан,
 Қаҳр раҳмат бўлар муҳаббатдан.
 Ушк ҳам тирилар муҳаббатдан,
 Шоҳ қулга айланар муҳаббатдан.
 Бу муҳаббат билим натижасидур,
 Боқил қачон бундай бахтга муяссар бўлар.

Бу муҳаббат қудратига мадҳия, бу муҳаббатнинг қудрати
 қанчалик кучли эканлигининг таърифи. Мавлавий охирида шундай
 деганимаган хулоса чиқаради:

«Бу муҳаббат билим натижасидир» дейди. Яъни бу «билим» га
 муҳаббатдир.

Шунга кўра барча зоҳирий ва ботиний ишқ-муҳаббат замирида
 «билимга муштоқлик» маъноси жо бўлган, деб ҳукм чиқариш
 мумкин.

۱۰/ ۲۶۴ دانش ناقص کجا این عشق زاد
 عشق زاید ناقص اما بر جماد

Ноқис билим қачон ишқ яратган,
 Ноқис ишқ яратади, аммо қотган жисмга.

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси جماد (қаттиқ жисм) га боғланган,
 яъни тирик жонзотлардан бошқасига. Шунга кўра бу ўринда
 «ишқ»ни «жаҳолат» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни:
 «Ноқис билимдан жаҳолат яратилади».

۱۶/ ۲۴۱۶ گرگ بر يوسف کجا عشق آورد
 جز مگر از مکر تا او را خورد

Қандай бўри Юсуфга ишқ боғласин,
 Макр ила уни емоқ пайида бўлар.

Бу байтда Юсуф гўзаллик тимсоли, бўри эса ваҳшийлик, шунга
 кўра бу ўринда ишқ «жамолига маҳлиёлик» маъносини ифодалаган.

Байтнинг мазмуни: «Ёвуз кимса қачон гўзалликка маҳлиё бўлади, уни йўқ қилиш пайдан бўлади».

پ/۴۶۵ وزهوس وز عشق این دنیای دون
چون زنان هر نقش را بودن زبون

*Бу пасткаш дунёга ҳавас ва ишқдан,
Аёллар каби ҳар безакка ўч бўлмоқдур.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси *دنیای دون* (тубан дунё) бирикмасидан келиб чиқиб, «ҳирс» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни «Худди ҳар бир ташқи безакка учган хотинлардай тубан дунёга ҳирс қўяди».

۷/۲۹۷ آفرین بر عشق کل اوستاد
صد هزاران نره را داد اتحاد

*Устознинг оламшумул ишқиға балли,
Юз минглаб заррани бирлаштирди.*

Бу байтда маъно белгиловчи *داد اتحاد* (юз минглаб заррани бирлаштирди) жумласида ифодаланган. Шунга кўра «ишқ»нинг «шафқат туйғуси» маъно белгиси рўёбга чиққан. Байт мазмуни: «Юз минглаб заррани ўзаро жипслаштирган устознинг [Худо] шафқатига балли».

۳۱۵/۰ ترس و عشق تو کمند لطف ماست
زیر هر یارب تو لیبک هاست

*Қўрқув ва ишқинг лутфимиз каманди,
Ҳар бир «ё раб» инг тагида «лаббайк» лар.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси «қўрқинч» га қарама-қарши маънода ифодаланган, шунга кўра «умид» деб талқин қилинади. Байтнинг мазмуни: Биз [Худо] нинг лутфимиз умид ва аянчи боғлиқ, ҳар дуо қилганингда «лаббай деб жавоб берамиз».

۶/۴۳۹ قرب خلق و رزق بر جمله است عام
قرب وحی عشق دارند این کرام

*Халққа яқинлик ва ризқ барчага умумийдир,
Бу карим зотлар ишқдан яқинлик ва тириклик топдилар.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *قرب وحی* (яқинлик ва тириклик) бирикмасида ифодаланган. Шунга кўра бу ўринда «имон» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Авлиёлар [Худо] га

омон келтириб унга яқинлик ва ҳаёт топдилар, йўқса унинг хизмати ҳамма халққа бир хил эди».

پ ۴۷۱ / ذوق نکتہ عشق از من می رود
نقش خدمت نقش دیگر می شود

*Ишқ маъносининг завқи мендан кетар,
Хизмат қилиш шакли бошқа шаклга киради.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси ذوق (завқ) билан боғлиқ бўлиб, «маст» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Бу ҳиснинг баъзатини бой бераман, унга хизмат шакли ҳам ўзгаради».

۲/۵۰۱ سالها رفته سفر از عشق ماه
بی خبر از راه و حیران در اله

*Уп ой ишқида йиллаб сафар қилдим,
Йўлдан беҳабар. Худо [иш] ларидан ҳайрон.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси بی خبر و حیران (беҳабар ва ҳайрон) сўзлари билан боғлиқ бўлиб, «маст» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Оллоҳ ишларидан маст бўлиб, йўл-чўлга кирамай кездим».

۱/۵۱۴ خود روا داری که آن دل باشد این
که بود در عشق شیر و انگبین

*Ушнғ шунга рози бўласанми бу дил,
Сут ила асал ишқида бўлсин.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси شیر و انگبین (сут ва асал) бўлиб бу ўринда «ғарралик» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Сен дилингни сут билан асалга ғарра бўлиб қолишига рози бўласанми?»

۱۰/۵۱۸ کورم از غیر خدا بینا بدو
مقتضای عشق این باشد نکو

*Худодан бошқага кўрман унга кўз очиқ,
Бу ишқ талабига ўта муносибдур.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси کورم از غیر خدا (Худодан бошқасига кўрман) бирикмасида ифодаланган бўлиб, Худонинг жамолига «ғарқлик» деб талқин қилинади. Байтнинг мазмуни: «Мен худонинг жамолига ғарқман, бундан бошқасига кўрман».

پ ۵۵۰ / عشق با شد لوت و پوت جانها
جوع از این روی است قوت جانها

*Ишқ эмиш жонлар озиғи,
Бу чеҳрадан очлик жонлар емиши.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгилловчиси (жонлар озиғи) бирикмаси бўлиб бу «ишқ»нинг энг муҳим маъносини, яъни «тириклик манбаи» маъносини ифодалаган. Бу ҳам мажозий ишқ ҳам сўфиёна ҳақиқий ишқни ифодалаган. Бу инсоннинг пайдо бўлишига сўфиёна қарашни ифодалаган.

۸/۵۸۴ بهر روز مرگ این دم مرده باش
تا شوی باعشق سرمد خواجه تاش

*Ўлар кунинг учун бу дам мурда бўл,
Токи бўлгин абадий ишқ ила ҳамнафас.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси унинг сифатловчиси (абадият, мангулик) сўзида ифодаланган. Шунга кўра бу ўринда «ишқ»ни «боқийлик манбаи» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Ўлимидан олдин ўлгин, шунда абадий ишққа ҳамроҳ бўласан». Бу сўфийликнинг асосий доктриналаридан бири, инсон ўтқинчи дунё лаззатларидан воз кечса абадий ишққа эришади.

۵۹۱/۲ لیک شمع عشق چون آن شمع نیست
روشن اندر روشن اندر رو شنی است

*Лек ишқ шамъи ул шамъ эмас,
Ёруғдан ҳам ёруғроқ ёруғлик.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно бирлиги иккинчи мисрада ифодаланган, яъни «сўнмас нур» маъносини касб қилган. Сўфиёна маънода «илоҳий нур» демоқчи. Байтнинг мазмуни: «Лекин ишқ шамъи илоҳий нур, у ўчмайди, у офтобдан ёруғроқ».

۸/۶۱۴ لیک عشق عاشقان تن زه کند
عشق معشوقان خوش و فربه کند

*Лек ошиқлар ишқи танни оздирар,
Маъшуқлар ишқи ёқар, семиртирар.*

Биринчи мисрадаги «ишқ»нинг маъно белгиси (танни оздирар) бирикмасида берилган, шунга кўра «изтироб» деб талқин қилинади. Иккинчи мисрадаги «ишқ»нинг маъно белгилловчиси (хуш ва фәрбе) «вақтичоғлик» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Ошиқлар изтиробидан озишди, лекин маъшуқлар [майл билдирса] вақтичоғлик бахш этади».

۷/۶۱۶ میل و عشق آن شرف هم سوی جان
زین یحب و یحبون را بدان

Уш шараф [оллоҳ] нинг майл-у ишқи ҳам жонга,
Ишқилки, шунинг учун «у севадиган улар уни севадиган» лар.

Бу байтда Қуръондаги оятга ишора бор:

يا ايها الذين آمنوا من يرتد منكم عن دينه فسوف يأتي الله بقوم يحبهم و يحبونه ... (5,54)

«Эй имон келтирганлар! Сизлардан кимки динидан қайтса,
Оллоҳ шундай бир қавмни келтирурки, уларни Аллоҳ севадиган ва
Улар ҳам уни севадиган ...»

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиловчиси мана шу оят бўлиб,
Унинг маъноси ифодалаган. Байтнинг
Мазмуни: «Оллоҳнинг инсонга бўлган майли файзи инсоннинг
Унинг эмас, унинг жони [руҳ] га чунки инсонни камолга етакловчи
Унинг руҳи».

۶۱۶/۶۹ عشق معشوقان دورخ افروخته
عشق عاشق جان او را سوخته

Маъшуқлар иши икки юзин қизартирар,
Ошиқ ишқи унинг жонини ўртар.

Бу байтда «ишқ»нинг биринчи мисрадаги маъноси афроخته
(«ишқ»нинг биринчи юзин қизартган) бирикмасидан келиб чиқиб «ҳаётбахшлик
манбаи» деб талқин қилинади, иккинчи мисрадаги «ишқ»нинг
Маъноси ифодалаган. Байтнинг
Мазмуни: «Маъшуқа ишқи-ҳаётбахш, ошиқ ишқи бало,
Унинг ўқубат».

۲/۶۲۷ کرد فضل عشق انسان را فضول
زین فزون جویی ظلوم است و جهول

Ишқ фазли инсонни гапдон айлади,
Ишқ устунликка майлдан «золим-у жоҳил».

Бу байтда Қуръони каримдаги оятга ишора бор:

انا عرضنا الامانه على السموات و الارض و الجبال فابين ان يحملنها و اشققنا منها و
الانسن انه كان ظلوما جهولا لا (33,72)

«Биз (бу) омонатни осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф
қилдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар,
Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм
қилди ва нодондир» (33-72)

Яратган ўз руҳини омонатга инсонга топширган, у яратганига бўлган ишқ туфайли бу омонатни қабул қилган. Шунга кўра бу байтдаги «ишқ»ни «инсоний фазилат» деб талқин қилиш мумкин. Байтнинг мазмуни: «Инсон ишқ фазилатига эга бўлгани учун танига чечанлик қилди, мана шу ҳаммадан устун бўламан дегани учун уни «золим ва жоҳил» дейишади».

۹/۶۲۹ یاد و عالم عشق را بیگانگی است

اندر او هفتاد و دو دیوانگی است

*Ишқ у дунё-ю бу дунёга бегоналик,
Ундадир етмиш икки девоналик.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *диوانگی* (девоналик) сўзи билан боғлиқ бўлиб, бу «телбалик» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Ишқ бу телбалик, уни у дунё бу дунёдан хабари йўқ, чунки етмиш икки хил телбалик унда мужассам».

۱۳/۶۲۹ پس چه باشد عشق دریای عدم

در شکسته عقل را آنجا قدم

*Бас недур ишқ адам денгизи,
Уерга ақлнинг етмас қадами.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно таянчи *عدم* (йўқлик денгизи) бўлиб, шунга кўра «тубсиз уммон» маъноси кашф қилинади. Байтнинг мазмуни: «Ишқ – бу тубсиз уммон, унинг тагига ҳеч бир ақл қадами етмаган».

۶۴/۸ عشق از اول چرا خونى بود

تاگریزد آنکه بیرونى بود

*Ишқ не учун бошидан қонли бўлур,
Токи қочсин ким бўлса ундан ташқари.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *خونى* (қонли) сўзи билан мужассам, яъни «ишқ»нинг «қийноқ» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Ҳақиқий ишқ эгаси бўлмаган кимсаларни четлашиши учун ишқ аввалига қийноқдан иборат бўлади».

۵/۶۷۳ ان آتش عشق از نواها گشت تیز

ان چنانکه آتش آن جوز ریز

*Ишқ оташи наволардан алангаланди,
Шунчалар ким унинг тафтидан ёнғоқ ёғилди.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси «жунбуш» бўлиб, унинг бу маъносига ишора *از نوا تيز گشت* (наводан алангаланди) бирикмасидир. Байтнинг мазмуни: «Куй-наводан ишқ ўти жунбушга келди ва ундан дарахт ларзага келди».

۲/۶۷۸ عشق در هنگام استيلا و خشم
زشت گرد اند لطيفان را به چشم

*Ишқ [вужуд] ни босганда ғазаб,
Патифларни хунук кўрсатар кўзга.*

Бу байтда «ишқ»нинг «қаҳр манбаи» маъноси рўёбга чиққан бўлиб, бунга *خشم* (жаҳл) сўзи ишора қилмоқда. Байтнинг мазмуни: «Ишқнинг қаҳри келганда латофатли кишини ҳам кўзига хунук қўриқтиради».

۱۴/۷۰۲ عشق چون کشتی بود بهر خواص
کم بود آفت بود اغلب خلاص

*Ишқ хослар учун гўё кемадир,
Офати кам, кўпроқ халосдир.*

Бу байтда маъно белгилловчи *خلاص* (қутилмоқ) сўзи бўлиб, бу «ишқ»нинг «нажот манбаи» маъносини ифодалайди. Байтнинг мазмуни: «Хос кишилар учун ишқ нажот манбаи, камдан-кам офат бўлади, кўпинча халос бўладилар».

۲/۸۷۷ تو به یک خواری گریزانی ز عشق
توبجز نامی نمیدانی ز عشق

*Сен бир хорлик дея ишқдан қочасан,
Сен номидан ўзга ишқни билмайсан.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *گریزانی* (бир хорликдан қочасан) бирикмаси билан боғлиқ бўлиб, шунга кўра «рифодкорлик» маъносини ифодалаган. Байтнинг мазмуни: «Ишқ — бу рифодкорлик, сен унинг номидан бошқасини билмайсан, шунинг учун заррача хорликдан ташлаб қочасан».

۱/۸۷۷ عشق را صد ناز و استکبار هست
عشق با صد ناز می آید به دست

*Ишқнинг юз ноз-у кибр-у ҳавоси бор,
Ишқ юз ноз ила қўлга келади.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси *با صد ناز می آید* (юз ноз билан қўлга киради) бирикмасида ишора бор, шунга кўра «машаққат манбаи» маъноси ифодаланган дейиш мумкин. Байт мазмуни:

«Ишқ осонликча қўлга кирмайди – бу меҳнат-машаққат билан қўлга
киради».

۱/۸۷۸ عشق چون وفاي است وفاي مي خرد
از حريف بي وفاي مي ننگرد

*Ишқ вафодор бўлганлигичун вафодор олади,
Вафосиз ҳарифга назар солмайди.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси байтнинг ўзида ифодаланган
бўлиб «вафо манбаи» маъносини ўзида мужассам этган.

۹۲۴/۱ اب
من عشق جان دويد و اين زبيم
من كو و بيم كو فرق عظيم

*У жон ишқида чопди, бу қўрқувдан,
Ишқ қайда-ю қўрқув қайда фарқи катта.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиловчиси, унга зид маънодаги
бим (қўрқув) сўзидан келиб чиқиб, «шижоат» маъносини ифодалаган.
Байт мазмуни: «У жонини [ўртаган] ишқдан, бу қўрқувдан чопди
ишқ-бу тенгсиз шижоат қайда-ю қўрқув қайда?»

۵/۹۲۱ عشق وصف ايزد اما كه خوف
وصف بنده مبتلاي فرج و جوف

*Ишқ яратган васфидир, аммо хавф,
Тешик-ёриқча мубтало банда васфи.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиловчи бирикмаси аيزд
(Яратган васфи) бўлиб, «ишқ»нинг «қудрат манбаи» маъносини
юзага чиқарган. Байт мазмуни: «Ишқ илоҳий қудрат, хавф
шаҳватга муккасидан кетган банда хислати».

۹/۹۲۷ شرح عشق ارمن بگويم بردوام
مسد قيامت بگذرد و ان ناتمام

*Ишқ шарҳин мен гапирсам бардавом,
Юз қиёмат ўтгай, ул нотамом.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси байтнинг мазмунидан келиб
чиқади ва «жумбоқ» маъносини ифодалайди. Яъни юз қиёмат
ўтгунча шарҳласам ҳам бу жумбоқ ечилмайди, демоқчи.

۴/۹۵۴ عاشق كز عشق يزدان خورد قوت
مسد بدن پيشش نيزد تره توت

*Яратган ишқдан озиқланган ошиқ,
Юз бадан унинг олдида тут япроғига арзимас.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиси خورد قوت (озуқаланмоқ) билан боғлиқ бўлиб, кўчма маънода «ишқ»нинг «илҳом манбаи» маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: «Яратгандан келиб олган ошиқ учун баданнинг заррача аҳамияти йўқ».

۴/۹۵۴ من بدان افراشتم چرخ سنی
تا علو عشق را فهمی کنی

*Мен шунингчун яратдим юксак чархни,
Токи ишқ юксаклигини фаҳмлагин.*

Бу байтда «ишқ»нинг «олийжаноблик манбаи» маъноси ифода этилади. Байт мазмуни: «Ишқни қанчалик олийжаноб ҳис қилишини англашинг учун юксак фалакни яратдим».

۱۱/۱۲۱۴ صدر را صبری بذاکتون ان نمائد
بر مقام صبر عشق اتش نشاند

*Бор эди сабр садр [ҳоким] да букун қолмади,
Сабр ўрнига ишқ олов ташлади.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъно белгиловчи бирикмаси اتش نشاند (олов натижи) бўлиб, бу тоқатсизлик, ҳаяжонга ишора қиляпти, шунинг учун ўринда «ишқ» «туғён» деб талқин қилинди. Байт мазмуни: «Ишқим дилига ишқ туғёни тушиши билан сабри тугади».

۴/۱۲۲۷ ملک دنیا تن پرستان را حلال
ما غلام ملک عشق بيزوال

*Дунё мулки танпарастларга ҳалол,
Биз безавол ишқ мулкининг куллари.*

Бу байтда «ишқ»нинг маъноси моддий бойлик билан маънавий бойлик тазоди асосига қурилган бўлиб «ишқ» бу ўринда «маънавий бойлик» маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: «Қорин бандалари билан мулкка ошиқ, биз эса безавол маънавий бойлик қулимиз».

Шундай қилиб «Маснавий» да «ишқ тимсоли» ишлатилган ҳамма байтлар кўриб чиқилди. Бу байтлардаги тагматн асосида ва «ишқ»нинг маъносига бевосита алоқадор сўз ва бирикмалар бўлиб, имкон доирасида, «ишқ»нинг туб, васфий ва мажозий тилбилан талқин қилинди. Шуни таъкидлаб айтиш керакки, «ишқ»нинг ишлатилган ҳамма байтларда ҳам маъноси аниқ ва бир маънога эмас, кўпинча мавҳум ва серқирра маънога эга.

Мавлавий «маснавий» да табиий ва самовий ишқнинг барча хосияти ва хосиятларини васф қилган, бундан ягона бир мақсад кўрилган, у ҳам бўлса инсониятни ўткинчи, жаҳолат ва разолат

ботқоғидан нажот бериб, илоҳий бир нур файзига етказиш на илоҳий йўл билан инсониятни муаллақ ҳалокатдан қутқариш эди. Бу тадқиқотдан мақсад эса Мавлавий сатрларига жо этган маъноларнинг теранроқ тушунишга имкон яратиш эди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Навоийда «ишқ» таърифи қандай?
2. Тасаввуф истилоҳларига бағишланган луғатларда беришган «ишқ» таърифлари?
3. «Ишқ» рамзининг «Маснавийи маънавий»да учраган матнларини сананг.

Мустақил иш учун қўшимча материал:

«ДИЛ» ТИМСОЛИ

«Маснавийи маънавий» асарида «дил» сўзининг маъно қирраларини тадқиқ ва таҳлил қилишдан олдин муаллифнинг диний ва дунявий қарашлари, муаллиф яшаган даврдаги ижтимоий муҳит ҳукмрон мафкураларга бир назар ташлаш «Маснавий»да қўлланган «дил» сўзининг маъно қирраларини тўла англашга ёрдам беради.

«Маснавийи маънавий» ни кўпчилик «тасаввуфий ғоялар асаридеб эътироф этишади. Бу қараш албатта, бежиз айтилмайди. «Маснавий»ни мутолаа қилган ўқувчи, унда келтирилган масалани ва ҳикоят ва ривоятларнинг зоҳирий маъносидан ташқари рамзий ижтимоий ва ирфоний маънолари борлигининг гувоҳи бўлади. Бу яширин маъноларнинг калиди, муаллифнинг асарларида ва диний ва дунявий масалаларга муносабатларида ифодаланган. Мавлавий ўз замонасининг етук пири муршидларидан бўлган. У ўзидан сўраб «Мавлавия» тариқатини яратиб кетган бўлиб, издошлари ҳозиргача ҳам Туркияда ва бошқа мамлакатларда унинг тариқатини давом эттириб келмоқда.

Орифларнинг, яъни тасаввуф аҳлининг пешволари, дунёқарашлари ҳақида тасаввуфга бағишланган китобларда жуда кўп талқинлар мавжуд, шулардан биттасида қуйидагича баён қилинади:

«Орифлар» ҳақиқатга фақат «сайр-у сулук», «фано», «шухуд» (интуиция) воситасида етишиб бўлади, деб биладилар. Бинобарин орифлар нуқтаи назаридан башарият илмлари икки дастага «расмий илмлар» ва «ҳақиқий илм» ларга бўлинади.

«Расмий илмлар» фалсафа, физика, химия ва ҳ.к. лар зоҳирӣй
қадри ва фикрлар маҳсули. Аммо бу дунё ва у дунё яралӣш
қонуни, замон ва макондан ташқари ҳақиқатлар, дунё ва ундаги
қонунадлик мавқеи ва ҳ.к. каби маърифатлар ботиний кўриш, кашф
ва мушоҳада (интуиция) маҳсули «ҳақиқий илмлар» дир ва унга
қонуноҳада ва сайр-у сулуксиз етишиб бўлмайди.⁹⁶

Юқоридаги келтирилган сатрлар муаллифининг фикрига кўра
«маъриф» яъни тасаввуф тариқатини ўзига маслак қилган киши
қадрига эришмоқ учун риёзат чекмоғи керак. Риёзат эса нафси
қомарани жиловлаш ва дилни поклашни назарда тутуди. Орифлар
қадрича фақат риёзат, дил зангини поклаш йўли билан ҳақиқий
маърифатга эришмоқ мумкин.

Кўриниб турибдики бу якка шахснинг камолотга интилишидир ва
қадрининг ниҳойи мақсади оллоҳнинг олдига берган омонатини хиёнат
қадрига эришмоқ юз билан топшириш. Бу якка олинган шахс учун ўз
қадрига эришиш ва ҳалолликни ўзига пеша қилиш яхши, албатта.

Аммо Румийнинг «Маснавий»ни ёзишдан мақсади фақат мана
бу тасаввуф тариқатининг «сайр-у сулук» йўсинларини баён
қилган, десак бўлмайди.

«Маснавий» асарини «маънавий ҳаёт қомуси» дейиш мумкин.
Унда инсон онгли ҳаётининг турли-туман масалалари баён
қилинган.

Бу қандай мақсад, инсонинг бу дунёга келиши ва бу дунёдаги
қадрига эришишдаги вазифаларни қандай адо қилиш керак?

Бу ҳақда тасаввуф ақидалари тадқиқотчиси шундай фикр
қилдиради:

«Орифлар наздида борлиқнинг ибтидоси ва интиҳоси учта
қадри: «Хусн» (маъшук), огоҳлик ва ҳиссиёт (дил) ва ишққа боғлиқ.
Агар диний нуқтаи назардан **инсон** вазифа ва масъулият омонат-
қадри, фалсафа нуқтаи назардан англаш ва танлаш бўлса,
қадрига эришиш нуқтаи назардан бутун борлиқнинг ҳақиқий маъшук
қадрига эришиш сафарининг карвонбошисидир»⁹⁷

Бундан маълум бўладики, тасаввуф нуқтаи назаридан инсоннинг
қадрига эришишдаги вазифаси «ишқ»дир. Мавлоно Румий «Маснавий» нинг
қадрида бу ҳақда шундай ёзади.

آتشتن این با ننگ نای و نیست باد
هر که این آتش ندارد نیست، باد

⁹⁶ Եսրբւյ. Մ. Կ. Աբ Թրնակ. Կերան 1376, 14

⁹⁷ Կ. 14 Ե

*Най садоси бу ҳавомас, бу олов,
Ўлгани яхшироқ йўқ эрса олов.
Ишқ оловдир бу найга туташмиш,
Ишқ жўшқинидир бу майга туташмиш.*

Бу ишқ аҳли тасаввуф наздида, фақат ягона оллоҳга бўлган ишқдир. Орифлар таъбирича бу ишқни «хом киши» лар ягона тариқат босқичларини босиб ўтмаган кишиларга сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Форс адабиётидаги рамзлар тадқиқотчиларидан бири бу ҳақда Ҳаззолийнинг фикрини келтириб шундай ёзади:

«Мангулик кўзи ва огоҳлик нишонаси бўлган *ақл улови* (воситаси) билан ҳақиқий *маърифат* дарёсининг соҳилига етишиш мумкин фано, ўзни унутиш, огоҳсизлик [ўзидан кетиш] нишони бўлган *шаъри улови* (воситаси) билан *маърифат* дарёсининг лабига ботиш мумкин».⁹⁸

Ҳамонки буни сўз билан таърифлаб оддий инсонларга етказиб бўлмас экан, буни англаб етиш учун қандай йўл тутмоқ керак? Бунинг ягона йўли рамзлар воситасида ифодалашдир. Румий инсоннинг қалбидаги бу руҳий ҳолатни «Fihī mā fihī» (ичиндагини ичиндагилари) китобида шундай тасвирлайди:

«Одамда ишқ, дард, талаб, иштиёқ ва тақозо бордирки, агар инсоннинг олам унинг мулки бўлса ҳам у то бу мақсадга етмагунча тинчимади. Кишилар ҳар бир хунар, касб, санъатда батафсил ишга олса ва мансабга эришса-да, тиниб-тинчимади, негаки унинг кўзлаган мақсадига етишмаган. Ахир *маъшукни* дилором дейишди, яъни дил ундан ором топади. Шундай экан усиз қандай ором топади. Бу ҳаваслар ва мақсадларнинг барчаси нарвонга ўхшайди. Нарвон поялари эса унда туриш учун эмас, ундан ўтиш учундир. Ким тезроқ уйғониб, воқиф бўлса, ул киши хотири жамдур, узоқ йўл унга қисқа бўлгай ва бу нарвоннинг пояларида умрини сарф кетказмагай».⁹⁹

Яъни Мавлоно айтмоқчи бўлган фикр, таъбир жойиз бўлса, ҳар бир инсоннинг *маънавий оламга* йўл топиши. Инсон ўз ҳаёти

98 . نامداريان ت. رمز و دستاهاي رمزي تهران. ۱۳۶۸، ۴۷ ب

99 ب مهي ما قهي تهران چاپ سوم ۱۳۸۲. ۲۹۱

қилини, қилаётган ишларини, юриш-туришини, феъл-атворини ва ёки эканлигини билиш учун руҳий таянч керак. Бу таянч ҳамма инсонларда инсонларга дилдаги маънавий олам бўлган.

Бу руҳий таянчнинг энг содда кўриниши *имон* бўлган. Ер юзидаги инсонлар ибтидоий жамоадан тортиб турмуш маданиятининг юксак чўққисига эришганлари ҳам маънавий таянчга муҳтож, инсоннинг учун биров буддага, биров Исо Масихга, биров Оллоҳга, яна инсонларни оловга қуёшга ёки ойга имон келтиради.

Инсоният ақлий камолоти юксак чўққиларга кўтарилган сари инсоннинг ақли ва кенг миқёсда ўйлай бошлайди. Инсониятнинг энг юксак маданияти тафаккур эгалари кундалик турмуш ташвишлари ва табиий ҳирс-ҳавошларини қондиришдан ташқари, бутун инсониятнинг ғам-хавотинларини, оламнинг ибтидоси ва интиҳоси ва инсоннинг ҳақиқатга эришишда дахлдор илм-у аъмоллари ҳақида бош қотира бошлайди.

Инсониятнинг энг комил ақл эгалари минг хил кўринишда инсониятга қарамай асосан икки гуруҳга бўлинади: бир тоифаси тафаккур эгалари ва иккинчи тоифаси илоҳийчилар. Тафаккур эгалари бу ҳақда шундай фикр билдиришади:

انسان که عقل و استدلال را یگانہ تکیہ گاہ آدمی در نیل بہ اسرار ہستی می دانند «فیلسوفان» دارند بنابراین ابزار فیلسوف جهت دستیابی بہ راز افرینش و حقایق ہستی «عقل» و «استدلال» است. سقراط، ارسطو، کانت، دکارت، ابن سینا و فارابی از این گروه ہند. اما در مقابل ایشان ہر کس کہ دیگر کہ عارفانند عقل و استدلال را در مقام نفوذ بہ باطن ہستی و کشف اسرار و رموز آن ہستی می شمارند. بہ عبارت دیگر «عارف» حواس و اندیشہ بشری را صرفاً «در فہم ظاہر عالم ہستی» می شمارد، اما آن را در نفوذ بہ ماورأ زمان و مکان و درک حقایق ازلی ناتوان می دانند. حقیقت را تنها با «سیر و سلوک» و «فنا» و «شہود» قابل وصول می دانند.¹⁰⁰

«Борлиқ сир асрорини кашф қилишда, одамнинг ягона таянчи ақл ва тафаккур, деб биладиган кишилар «файласуф» деб аталади. Тафаккур эгалари, яралиш сир-асрори ва борлиқ ҳақиқатларига этишишдаги тафаккур эгаларининг қуроли «ақл» ва «тафаккур» дир. Суқрот, Арасту, Декарт, Ибн Сино ва Форобий мана шу гуруҳдандир.

Уларга қарши ўлароқ, бир тоифа кишилар бўлиб, улар тафаккур эгаларидир. Улар борлиқнинг ботинига кириб бориш ва сирларни кашф қилишда ақл ва далил-исботларни ожиз ҳисоблайдилар.

Ботиққа сўз билан айтганда, «ориф» ҳиссиёт ва тафаккурни ақл билан ташқи оламни фаҳмлашга қодир, аммо замон ва макондан ташқари чиқиш ва азалий ҳақиқатларни англашда ожиз ҳисоблайди.

¹⁰⁰ ш.к 14 б

Ориф ҳақиқатга фақат «сайр-у сулук», «фано» ва «шуҳур»
йўли билан етишиш мумкин, деб билади».

Мавлоно Жалолоiddин Румий ўз замонасининг етук орифи ақли
дилларидан бўлган. Шунинг учун «Маснавийи маънавий» да
«дил»ни айнан орифлар нуқтаи назаридан, тасаввуф ғояларини
йўғрилган тарзда ифодалаган.

Тасаввуф алломалари ва файласуфларнинг «дил» рамзинини
маънолар тизимига қарашлари ҳам бир-биридан кескин фарқ
қилади. Бу ҳақда «Форс адабиётидаги рамз ва рамзий ҳикоялар»
китобида тасаввуф ғояларининг етук дарғаси бўлган имом
Ғаззолийнинг фикрларини келтириб ёзади:

«Дил»дан гапирганимизда шуни билгинки, одамларнинг шундай
ҳақиқатини назарда тутамизки, уни гоҳо «руҳ», гоҳо «нафс» деб
аташади. Кўкракнинг чап томонида жойлашган бир парча гўшти
«дил» деб назарда тутмайдилар, унинг қадри йўқ, у ҳачирларда
ҳам, мурдаларда ҳам бўлади. Уни кўз билан кўрса бўлади, кўз
билан кўрса бўладиган нарсалар, шу оламдандир. Уни шаҳодат
(гувоҳлик) олами дейишади. «Дил»нинг ҳақиқати бу оламдан эмас,
бу оламга бегонадир...

Аmmo биз «руҳ» деб атайдиганимиз, *худойи таолонинг*
маърифат жойидир, бу ҳайвонларда бўлмайдиган ва бу на жисм, на
араз (акциденция) ва фаришталар гавҳаридан (моҳият) бўлган
гавҳардир. Унинг ҳақиқатини билиш қийиндир ва уни шарҳлаш
мушкулдир...»¹⁰¹

Юқорида келтирилган Ғаззолийнинг қарашларидан маълум
бўладики «дил» бу тана аъзоси ёки бирон тана аъзосининг
фаолияти натижаси эмас, бу инсонга берилган илоҳий неъматдир.
Уни на кўз билан кўриб бўлади, на қўл билан тутиб бўлади.
«Дил»ни баъзан «руҳ» ёки «нафс» деб аташади.

Имом Ғаззолий «дил»нинг фаолият тарзига тўхталиб, уни
шундай таърифлайди: «... Дил ҳовуз каби, илм сув ва беш ҳис
ариклар каbidир. Ҳислар ариғи ва кўз кўрган нарсалар эътибори
ила илм дилга то тўлгунча қуйилиши мумкин. Хилват, узлат ва
кўзни юмиш билан бу ариқчаларни тўсиш ва дил қаърини поклаш
шундан парда қатларини кўтариш мумкин, токи илм булоғи оқиб
бошласин»¹⁰²

¹⁰¹ ш.к. 41. б

¹⁰² ш.к. 47 б

Шу айтилган фикрлардан келиб чиқиб, дилда ҳосил бўладиган олимларнинг иккита манбаси бор: биринчиси инсон танасидаги бешта ҳис-кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш, там билиш аъзолари билан ҳосил бўладиган билимлар, иккинчиси бу ҳиссиётни тўсиб, кўрада даги ботиний манбани очиш йўли билан ҳосил қилинадиган билимлардир. Бу илмлар фақат риёзат ва сайр-у сулук йўли билан ҳосил қилинади.

Файласуфларнинг инсоннинг билим ҳосил қилишга қарашлари фикрлардан айриқча: «Зоҳирий ҳислар, яъни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, там билиш, сезиш бамисоли 5 дарича бўлиб бизнинг ташқи дунё, ҳис қилинадиган олам билан боғлаб туради. ... Бу ҳис қилинадиган нарсанинг суврати, кўзда ҳосил бўлгандан кейин шартлама ҳисларга топширади ва бу бирлашган ҳислар орқали бизни қипинган нарса нималигини тушунамиз. Бирлашган ҳислар миянинг олдинги томонидан биринчи қисмида, бошқача қилиб айтганда миянинг биринчи бўшлиғида жойлашган... Бирлашган олимлардан кейин «хаёл» иккинчи ички ҳис миянинг олдинги томонининг ўртасида ёки бошқача айтганда, миянинг биринчи бўшлиғининг охирида жойлашган. Унинг бошқача номи тасаввур сувратидир. Бу ҳиснинг вазифаси бирлашган ҳисларда ҳосил бўлган ҳис қилинган шаклларни сақлашдир.

Унда бир ваҳима ҳисси ёки ваҳм қувватидурки, миянинг ўрта бўшлиғида жойлашган. Бу ҳис қилинган нарсанинг маъносини аниқлайди. Кейингиси «ҳофиза» ёки «зокира» (эслаш) бўлиб миянинг олдинги бўшлиғида жойлашган. Бу ҳис ёки қувватнинг вазифаси ваҳм орқали англаган маъноларни сақлашдир.

Унда бир қувват ёки ботиний ҳис «мутахаййала» («хаёлот») ёки бошқача номи «муфаккара» (фикрлаш) бўлиб, миянинг ўрта бўшлиғида жойлашган. Бу қувват хаёл ва ҳофиза хазинасидаги сувратлар ва маъноларнинг бир қисмини олиб уни бирлаштиради...»¹⁰³

Файласуфлар Арасту, Ибн Сино Сухравардий ва бошқалар X-XI асрданоқ инсоннинг «дил» идаги жараён унинг ақлий фаолияти «инлиги ва бу жараён миянинг қайси бўлақларида рўй беришини аниқ тасаввур қилганлар. Юқорида келтирилган фикрлар XX асрда ушбу олимлари И. Павлов, Сеченовларнинг мия фаолияти ҳақидаги таълимотидан X аср илгари айтилгандир.

¹⁰³ Шу китоб 304-305 б

Доктор Сажожодий С.Ж. «Farhang-e estelāhāt va ta'birāt-e ʿarabī» луғатида «дил» га шундай таъриф беради:

«Дил» термин сифатида турли маънога эга: жумладан «табиғот нотиқа» (онгли мавжудот), маънолар тафсилотининг жойи ва асрорининг махзани маъноларидурким, ўша қалбнинг ўзгинасидир.

Тасаввуф адабиётида «дил»ни онгли мавжудотнинг илоҳий ҳақиқатларни англаш манбаи деб биладилар, лекин «дил»нинг ушунга қарда жойлашган, қай тарзда фаолият кўрсатади, ақл билан дилнинг бир-бирига қандай муносабати бор, буни аниқлаштирмайдилар ва ушунга аниқ билиш керак, деб ҳисобламайдилар.

«Mirsād ul-ibād» (бандалар катта йўли) китобида «дил» га шундай таъриф беришади:

«Инсон нафсининг моҳияти «дил» дир. «Дил» ойна ва ҳар имон жаҳон ойнанинг филофидир. Илоҳиятнинг барча жамол ва жамолнинг сифатлари мана шу ойна орқали юзага чиқади.»

«درهم آياتها في الآفاقى و اتسهم»
(دوره ۰۳ آيت ۴۱)

«Яқинда ўз қудратимиз белгисини (оят) ўзларининг уфқлари ва нафсларида уларга ошкор ва ойдин қилурмиз.»

Инсоннинг ойналикка мойил бўлган нафси тарбия топса ва у камолига эришса, Ҳақнинг барча сифатларининг кўринишини ушунда мушоҳада қилади ва нафсини танийди (билади) ва уни нима мақсадда яратилганини англайди. Ушунда «ким ўз нафсини билган у ўз раббисини танийди» нинг ҳақиқати рўёбга чиқади.

... Ва лекин, инсон нафси ойна сафолиги камоли мартабасини етишгунча кўп йўлларни ва хавф-хатарни босиб ўтиши керак ва шариат, тариқат ва ҳақиқат йўлини босиб ўтмай буни имкони йўқ»

Нажмиддин Розийнинг айтиши бўйича «дил» бу Ҳақ асрорининг ойнаси, яъни Оллоҳнинг ҳақиқатларини англаш «дил» орқали юзага чиқади. Бунинг учун инсон шариат ва тариқат, яъни риёзат йўлини босиб ўтиши керак, шундагина илоҳий ҳақиқатлар унга аён бўлади.

Худди шунга яқин фикр «Farhang-e ešārāt-e adabiyāt-e ʿarabī» (Форс абабиётининг ишоралари луғати) да келтирилади:

«Орифлар назарида «дил» руҳоний нафосат ва раббоний нафасдурки, барча маънавий қувват, эътиқод ва завқ манбаи ва ўшандан бошланади. Дилни илоҳий сирлар машриқи (келиб чиққан

104 سجادی. فرهنگ استلحات و تريفات ارفاقى ۳۸۷

راضى ن. ميرساد عباد. تهران، ۱۳۷۱، ۳

«... ва шоҳона ойна, деб билишади ва ойнаи жаҳон маъносидаги
... билан бир парча гўшт маъносидаги «дил»ни фарқлашади.

Тасаввуф аҳли юзаки кўрувчи ақл йўли билан илм орттиришга
...масдилар ва дилни пок тутиш ва дил ойнасини ғубордан
... йўли билан барча илмлар ва сирларни акс эттириш
...ин, деб биладилар.

Сўрийлар асарларида дил (ишқ манбаи) нинг ақлдан юксаклиги
...сида кўплаб фикрлар айтилган».¹⁰⁶

Тасаввуф ғояларига биноан «дил» Оллоҳнинг инсонлар қалбига
...н нафаси, инсон уни ғубордан покласа, унга борлиқ
...нинг сифатлари ва ҳақиқатлари аён бўлади. Инсоннинг ақл
...ан орттирган билимлари бу зоҳирий билимлар, ҳақиқий билимни
...а фақат дилни поклаш орқали қўлга киритиш мумкин.

«Fārhāng-e ešāgāt-e adabiyāt-e fārsi» луғатида Деҳхудонинг
...ликларида «дил»нинг таърифини шундай келтирилади:

«[Дил] туйғулар ва ҳиссиёт маркази, қадимгилар уни ақлнинг
...зи бўлган мияга қарама-қарши келтиришади. Ва бу маънони
...ан инсон туйғуларининг ҳамма кўринишлари: меҳр, кин, ишқ
... барча хилма-хил майлларга нисбат беришарди ва дилни
...ида шахс сифатида кўриб, унга хитобан мурожаат қилишарди.

«Муқаддас китоб» қомусида «дил» га шундай таъриф беришади:
...а дўст-душманнинг умид ва иродаси маркази, макони,
...нингдек ақлий тийраклик (басират) маркази ва аҳли башарнинг
...а руҳоний табиати унда мужассамдир».¹⁰⁷ Юқорида
...дирилган фикрлардан маълум бўладикки қадимгилар,
...асуфлардан ташқари, «ақл» билан «дил»ни икки бир-биридан
...қли ва бир-бирига зид руҳий қувват манбаи деб билишган.

Битан, инсон ўз ҳис-туйғулари ва ақлий фаолияти ҳақида
...роқ фикр юритса, уларнинг инсон ҳаётий фаолиятидаги роли
...и бир-биридан фарқли руҳий ҳолат эканлигини англайди.

Инсон ҳис-туйғулари поёнсиз хоҳиш-истакларни амалга
...иришга ундайди, ақл эса бу хоҳиш-истакларни жиловлайди.
...оннинг ҳаётий фаолиятини бошқарадиган бу икки руҳий омил
...онсиз бир-бирига зид муносабатдадир. Шунинг учун қадимгилар
...и) билан «ақл» ни бир-бирига зид икки қувват деб тушунишган.

¹⁰⁶ فرهنگ اشارات ادبيات فارسی. تهران. ۱۳۷۷، ۴۷۴، ۴۷۵

¹⁰⁷ لیکنامه خدا. تهران.

Ўрта асрлардаги, Мавлоно Румий яшаган даврлардаги ва ундан олдин «дил» га нисбатан бўлган қарашларни якунлаб шунинг асоси керакки, тасаввуф аҳли «дил»ни Оллоҳнинг инсонга берган омонати неъматини ва у Оллоҳ маърифатининг ойнаси, жилвагоҳи, дилга тушунишган. Файласуфлар эса «дил»ни инсон ташқи ва ички ҳиссиётларини ўзида жойловчи, сақловчи ва таҳлил қилувчи маъна фаолияти эканлигини таъкидлаганлар. Шоирлар наздида «дил» инсон руҳий оламининг ички ва ташқи таъсир орқали вужудга келган ҳиссиёт ва фикрий оламнинг рамзий ифодаси, деб билганлар.

Энди эса мана шу баён этилган «дил»нинг маъно талқинларини ҳисобга олган ҳолда бевосита Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» маънавий» асарини ўқиб, «дил»нинг маъно қирраларини таҳлилига киришамиз.

«Маснавий»¹⁰⁸ да «дил» сўзи биринчи марта 11 саҳифада шундай байтда учрайди:

دست یگشاد و کنارانش گرفت
همچو عشق اندر دل و جانش گرفت

*Қўл очиб олди ани оғушига
Ишқ каби олди дилу жонига*

Бу байтда «дил»нинг «ишқ манбаи» маъно белгиси намоён бўлган. «Ишқ» сўзи ҳам рамзий маънога эга бўлиб, «ҳақиқий ишқ» ва «мажозий ишқ» ва «ишқ мубтазил» яъни «эркак билан аёлнинг бир-бирини бўлган табиий интилиши», деб қаралган. Бу ўринда инсоннинг бор вужудини эгаллаб олувчи «жозоба ҳиссиёт» англашлмоқда. Ирфоний маънода «дил» «илоҳий шавқ манбаи» ишқ деб талқин қилинади.

Шу саҳифадаги кейинги байтда «дил» шундай маънода ифодалайди:

۱۲/۷ ترجمان هر چه مارا در دل است
دست گیری هر که پايش در گل است

*Дилда неки таржимони сен ўзинг
лойга ботганлар ҳалоскори сен ўзинг*

¹⁰⁸ «معنوی مولوی مقدمه و شرح حال استاد بدیع الزمان فروزانفر حواشی و تعلیقات از: م. درویش ۱۳۷۱»

* Барча шеърларнинг сўзма-сўз таржимаси мақола муаллифиники

Бу байтда «дил» сўзи мажозий «tarjomanī» (таржимонсан) сўзида ифодаланган бўлиб «дил»нинг «яширин фикр», «ўй», «хаёл» маъноларини ифодалаб келган.

۱۲/۱۰ دید از زارین کوزار دل است
تن خوش است و او گرفتار دل است

*Ботинигидан кўрдик у дил зоридир
Тани хушҳол, у дил гирифторидир*

Бу байтдаги «дил»нинг маъно белгиси «зор» сўзига боғлиқдир, «бу бошқа бир дил эгасига зор», бунда «дил» шахс маъносини ифодалаб «ўзга бир шахсга зор» маъноси англашилади. Лекин «дил»нинг замирида ботиний маъно ётади, яъни у дил эгаси кўнгилдан «маъшуқ ўз ошиғига зор» маъно белгиси ифодаланган.

Иккинчи мисрадаги «дил» «тан» сўзига қарама-қарши қўйилган, «тан» инсоннинг табиий вужуди бўлса «дил» бу табиий жисм эмас, балки ножисмоний тушунча «руҳий ҳолат» демоқчи. «Руҳий ҳолат»нинг яширин маъноси эса «ички дард» дир.

Шунинг учун саҳифада «дил»нинг қуйидагича ифодасини ўқиймиз:

۱۲/۱۱ عاشقی پیداست از زاری دل
نیست بیماری چو بیماری دل

*Ошиқлик аёндыр дил зорлигидан
Дард йўқ оғирроқ дил беморлигидан.*

Биринчи байтдаги «дил»нинг маъносидан далолат берувчи белги «zāgī»(зорлик) бўлиб, «дил»нинг «тушкун руҳий ҳолат» маъноларини маъно ифодаланган. Яъни «дил»нинг эмотив маъно белгиси намоён бўлган.

Иккинчи мисрада «дил»нинг маъносига ишора қилувчи «bimāgī» (беморлик, касаллик) сўзи мавжуд. «Касаллик» табиий тана касаллигининг маъно белгиси бўлиб, зоҳиран «дил»нинг «тана касаллигидан бўлган юрак» маъно белгиси намоён бўлган. Аслида «дил»нинг ташқи маъно бўлиб, замирида ирфоний «руҳий касаллик» деган маъно яширинган. Кейинги байтда «дил» сўзи турғун ибора ифодада келган.

۱۵/۶ خار در پاشد چنین دشوار یاب
خار در دل چون بود واده جواب

*Шунча қийин топилса оёқда тикон,
Жаноб бер нечук бўлғай дилдаги тикон?*

Бу байтдаги «xāg dar del»(дилдаги тикон) фразеологик биринчи бўлиб, «пинхоний дард» маъно белгисини ифодалаган. Бу байтдаги «дил» сўзи ҳам унинг денотатив маъноси борлигига ишора қилади. Чунки «тикон» фақат ашъвий кўринишдаги нарсага санчилади. Ирфоний маъноси «финоқ дарди» бўлиб, бу ошиқ қалбидаги «уш маъшуқнинг висоли»га етишиш дардидир. Шунга биноян «дил»нинг «маънавий дард манбаи» маъно белгиси ифодаланган. Кейинги байтда «дил»нинг янги бир маъно қирраси намойиш бўлган:

۱۷/۱ چون که اسرار ت نهان در دل شود
ان مراد ت زودتر حاصل شود

*Чунки асроринг дилда бўлса ниҳон,
Муродинг тезроқ ҳосил бўлғай бегумон.*

Бу байтда ирфоний жиҳатдан «ҳақиқат сир» (سر الحقیقه) ҳақиқат гап кетмоқда. «Farhang-e estelāhāt»¹⁰⁹ да бунини шундай таъриф қилинган. «Ҳар бир иш (нарса) да Ҳақ ҳақиқатини ошкор қилмасин». Ирфоний нуқтаи назаридан «дил»нинг бу байтдаги маъноси «асрорининг махзани» бўлади.

Бу байтдаги «дил»нинг маънавий-ахлоқий маъноси «маънавий бойлик махзани» деб талқин қилса бўлади. Чунки инсон ўзининг энг эзгу орзу-ниятларини «дил»ида яширин сақлайди. Уни инсон қилмайди, уни ошкор қилиши билан қадрини йўқотади. Мурод ҳосил бўлмайди. Шунинг учун Мавлавий «Ул муродинг тезроқ ҳосил бўлғай» деяпти.

Бу байтдаги «дил»нинг маъносидан далолат берувчи бошқа «асрор» бўлиб, «дил»нинг яна денотатив маъноси, яъни «хотираси манбаи» маъноси юзага чиққан. Чунки инсон яширин сир-асрорини ниятларини хотирасида сақлайди. Кейинги байт:

۱۸/۱ چون که زشت و ناخوش و رخ زرد شد
اندک اندک در دل او سرد شد

*Чу бўлди хунук, бемор, ранг сариғ,
Оздан-оздан дил совиб, бўлди фориғ.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «sard šod»(совиди) феълини ифода қилган. Бу ўринда «дил»нинг «эхтирос манбаи» маъно белгиси

¹⁰⁹ ш.к. 463 б

булади. Биринчи мисрадаги тасвир: хунук, бемор, сарғайган
манна шу маънога аниқлик киритади. Гузаллик «дил»даги
эҳтиросни кўзгайди, хунук юз, касаллик эҳтиросини сўндиради.
Кейинги байт:

۲۵/۲ چون غرض آمد هنر پوشیده شد
صد حجاب از دل به سوی دیده شد

*Чун гараз келди, хунар бекилди
Касал ҳижоб дилдан кўзга тутилди.*

Бу байтда «дил»нинг маъносини аниқловчи белги «yağaz»
(адолат, тама) сўзи бўлиб, «дил»нинг «табиий эҳтиёж манбаи»
маъно белгисини ифодалайди. Инсон руҳида «табиий эҳтиёжлар»
«маънавий эҳтиёжлар» ёнма-ён яшайди. Табиий эҳтиёжлар
(инстинкт) кўпинча «маънавий эҳтиёжлар»ни босиб кетади. «Юз
ҳижоб» ана шу табиий эҳтиёжлар ҳижоби бўлиб, у маънавий
эҳтиёжни тўсади. Кейинги байт:

۲۵/۳ چون دهد قاضی به دل رشوت قرار
کی شناسد ظالم از مظلوم زار

*Чу қози берур, кўнгулда порага жой
Кимни зорли мазлумдан ажратур қалай?*

Бу байтда «дил»нинг маъносига иккинчи мисрада ишора бор: бу
«адолат манбаи» маъносини ифодалайди. «Адолат» дилдаги
маънавий бойликнинг бир кўринишидир. Кимда тама устун бўлса,
адолат маънавий қудрати бўлмайди. Кимни қалбида маънавий
қудрат кучли бўлса, у ўз нафсини, яъни тамагирликдан устун
бўлади. Кейинги байт:

۲۶/۶ گفت گفت تو چو در نان سوزن است
از دل من تا دل تو روزن است

*Деди, сенинг айтганинг нон ичинда нинадур,
Менинг дилим сенинг дилингга ойнадур.*

Бу байтдаги «дил»нинг маъноси «ravzan» (дарча) сўзида яширин.
Бу ўринда дилнинг мажозий маъноси, яъни «ички нигоҳ» маъноси
ифодаланган. Суфийлар ақидаси бўйича «ташқи кўз» дан ташқари
«ички кўз» бор. Бу байтдаги ички кўз дилни зоҳирий таъсирлардан
қўлга олади. Кейинги байтда «дил»нинг ҳам мажозий, ҳам
ифоний маъноси намоён бўлган:

۲۸/۴ بس ستاره اتش از آهن جهید
وین دل سوزیده پذیرفت و کشید

*Кўп олов юлдузи темирдан учди,
Ва бу куйган дил олди-ю кучди.*

Бу байтдаги дилнинг маъноси ташбиҳ орқали берилган «Setāre»(юлдуз) «оташин нутқ» қа ташбиҳ қилиняпти, «dila suzide»(куйган дил) оловда куйган (гўшлга) ўхшатиляпти. «Куйган дил» мажозий маънода «ният-мақсадига етолмаган ҳолат» англатади.

Бу байтдаги «дил»нинг ирфоний маъноси эса «аҳли дин» дилидир, яъни «ҳақ висолига ошиқ» лар дили.

Кейинги байтда «дил»нинг маънавий-ахлоқий маъносига ишора бор:

۳۱/۱ چون کئی با بی حسد مکر و حسد
ان حسد دل را سیاہی ها رسد

*Гар айласанг ҳасадсизга макр-у ҳасад,
Қароликлар келтирур дилга ул ҳасад.*

Бу байтдаги «дил»нинг мажозий маъноси «siyāhi»(қоралик), яъни «зулмат», «жаҳолат», «ёвузлик» ранги билан белгиланади. «Ишора қора» яъни «бағритош, бераҳм» одам. Шоир бундан ирфоний маънода фойдаланган: «Ҳасад яъни тамагирлик манбаи». Ҳасад бировнинг омадига тама қилмоқ. Бу байтдаги «дил»нинг мажозий мажозий, ирфоний-маъносидан ташқари ижтимоий-маънавий маъноси бўлиб, бу маънода «дил», «ўткинчи эҳтирослар манбаи» ни ифодалайди. Чунки «ҳасад», «рашк», «кибр», «риё» бу маънавий тубан шахснинг хислатларидир. Маънавий бой, яъни мангуликка дахлдор ғоя ва амалларга банд шахс, бундай ўткинчи ҳирс ва ҳиссиётлардан устун бўлади. Яна бир байтда «дил»нинг ижтимоий-маънавий қирраси очилган:

۳۲/۱ دین و دل را کل بد و بسپرد خلق
پیش امر و نهی او میمرد خلق

*Дин-у дилин топширишди унга халқ,
Ул деса ўлуб, қол деса қолишди халқ.*

Бу байтда ирфоний маъно кузатилмайди. Бу ерда дилнинг ижтимоий муносабатлардаги маъно белгиси рўёбга чиққан ва бунинг далили иккинчи мисрадаги «унинг амр-у наҳийси олдида жон берарди халқ» сўзларидир. Шундан келиб чиқиб «дил»нинг маъноси «иродат манбаи» дейиш мумкин. Кейинги байтда «дил»нинг маънавий-ахлоқий маъноси очилган:

۳۴/۳ در یکی گفته مسیر آن بود
که حیات دل غذای جان بود

*Гировага дедики йўл шудир,
Ким дил ҳаёти жон озиғидир.*

Бу байтда соф мажозий маъно кузатилади ва бу «hayāt-e del» мисрасида яширинган. «Ҳаёт» бу ўринда кўчма маънода қўрилган, яъни «дилдаги кечаётган ўй-фикрлар» демоқчи. Таърихий жиҳатдан бу ўй-хаёллар икки хил бўлиши мумкин. Мумкин хизмат қиладиган ўй-хаёллар ва қабиҳликка етаклайдиган ўй-хаёллар. Бу мисрадаги «жон озиғи» белгиси бу ўй-хаёлларнинг қандалий талабларни қондирадиган ўй-хаёллар эканлигидан дарак беради. Демак бу ерда «дил»-«орзу-ҳавас» маъносини ифодалаган. Кейинги байтда «дил»нинг денотатив маъноси жо бўлган:

پ ۳۵ / ۴ جان و دل را طاقت این جوش نیست
با که گویم در جهان یک گوش نیست

*«Жон-у дилда тоқат йўқ, ғолиб ғалаён,
Кимга айтай йўқ бир эшитар мөҳрибон.*

Бу байтдаги «juš» (ҳис-ҳаяжон, ғалаён) сўзи юзаки қарашда инсон дилида кечадиган «ҳиссиётлар ғалаёни» га ишора қилмоқда. Шундан келиб чиқиб буни «тирик инсон руҳий ҳолати» деб талқин қилиш мумкин. Бу байтда «дил»нинг ирфоний маъноси ҳам жо бўлган. Орифлар наздида бу «дил»нинг «ҳайрат» маъносини ифодалайди. «Farhang-e estelāhāt va ta'birāt-e erfoni» луғатида «hayāt» сўзининг шундай таърифини беради:

«Ҳайрат, яъни саргардонлик, оллоҳ аҳли таъбирича, ўйга толиш, ҳур ва фикрга чўмган пайтда орифнинг қалбига йўл топадиган ҳолат ва ўй-фикр унинг (қалбига) парда бўлади».¹¹⁰ (331 б)

Бу ўринда «дил»нинг фалсафий маъноси ҳам мавжуд. Фалсафий маънода «дил»нинг «билиш имконияти чекланган» ҳолати наздида талқин қилиш мумкин.

Кейинги байтда «дил»нинг маъноси ташбиҳ санъати орқали ифодаланган:

پ ۳۶ / ۵ پس دل چون کوه را انگیخت او
مرغ زیرک باد و پا او یخت او

¹¹⁰ ш.к 64 б

*Тоғ каби дилга у солди туғён
Зийрак куш икки оёқдан осилди шу он.*

Бу байтда «дил»ни тоғга ташбиҳ қилиб, «дил»нинг «утқин юсак» маъноларини ифодалаган. Ирфоний маънода «дил»нинг «ботиний олам» белгиси юзага чиқади. Кейинги байт:

۳۸/۸ کاین چه يد بختی است مارا ای کریم
لا دل و دین مانده ما بی تو یتیم.

*Бу не бадбахтликдур бизга эй карим,
Дил-у диндан қолибмиз сенсиз етим.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «mānda yatim» (қолган етим бирикмасида жо бўлган бўлиб, бу мажозий маънода «дил»нинг «Маънавий озуқа» маъносини ифодалайди.

Кейинги байтда «дил»нинг денотатив маъноси устун:

۳۸/۹ تو بهانه می کنی و ما ز درد
می ز نیم از سوز دل د مهای سرد

*Сен баҳона қилурсен биз дарддамиз,
Юрак куйиб совуқ нафас тортамиз.*

Бу байтдаги «suz-e del» (юрак куйиши) «дил»нинг «тана аъзоси» маъно белгисига ишора қилади. Мажозий маънода «ғам-қийғу манбаи» маъно белгиси рўёбга чиқади. Ирфоний маънода «дил»нинг «ботиний ишқ ўти», «илоҳий ҳақиқат ишқи» белгисини ифодалайди. Кейинги байт:

۳۸/۱۰ می دهد دل مر ترا کان بی دلان
بی تو کردند آخر از بی حاصلان

*Дил айтур сенга ким бу бедиллар
Сенсиз ахир бўлгайлар беҳосиллар.*

Бу байтда «дил»нинг маънавий жиҳати «огоҳлик манбаи» маънода ошкор бўлмоқда. Бу байтда «дил»нинг ирфоний маъноси «басират» яъни дилни мунаввар қилувчи муқаддас нур бўлиб, унинг воситасида «ашёлар ҳақиқати ва ботини мушоҳада қилинади».

Кейинги байтда «дил»нинг яна бир денотатив маъносини кузатилади:

۳۹/۱ سیر جسم خشک بر خشکی فتاد
سیر جان پا در دل در یا نهاد

*Қуруқ жисм сайри қуруқда қолди,
Жон сайри дарё қаърига йўл олди.*

Бу байтдаги «дил»нинг денотатив маъноси «del-e daryā» (денгиз дари) бирикмасида яширинган бўлиб, бунда «дил» бирон-бир «жисм ёки ҳайвоннинг ўртаси» маъносини англатади. Лекин бу ўринда ирфоний маънога ишора бўлиб, унга биноан «дил» жисм ва ашёларнинг «ботини» маъносини англатади. «Ботин» истилоҳ сифатида «жисм ва ашёларнинг моҳияти» маъносини ифодалайди. Шунга биноан «дил»нинг «ички моҳият манбаи» маъно белгиси ифодаланган.

Кейинги байтда «дил» ҳам денотатив ҳам кўчма маънода ишлатилган:

پ ۳۹/۳ چونکہ دندان ها بر ارد بعد ازان
هم بخود گردد دلش جویای نان

Чунки ул тишлари чиққан замон,
Ум ўзидан дили излар парча нон.

Бу байтда «дил»нинг денотатив маъноси «juyā gardad» (излайди) бирикмасидан келиб чиқиб «дил»нинг «истак манбаи» маъно белгисини ифодалайди. Кўчма маънода эса «излайди нон» сўзидан келиб чиқиб «дил» «маънавий озуқа манбаи» маъно белгисини ифодалаб келмоқда.

Кейинги байтда «дил»нинг денотатив ва ижтимоий-маънавий маъноси ифодаланган:

۴ / ۴۰ گفت حجت های خود کوته کنید
پند را در جان و در دل ره کنید

Доди: ул ҳужжатларингизни бас қилинг.
Пандни жон-у дилингизга пайваст қилинг.

Бу байтда «дил»нинг маъносини белгиловчи сўз «rand» (ўғит) ишлатилган. Бу байтда «дил»нинг «идрок манбаи» маъно белгисини ифодалайди.

Маънавий-ижтимоий жиҳатдан «илм-у маърифат манбаи» маъно белгисини ифодалайди. Бу ўринда ирфоний маъно кузатилмайди. Кейинги байтда ҳам «дил»нинг мажозий маъноси очилган.

پ ۴۲/۴ انبیا چون جنس علیین بودند
سوی علیین بجان و دل شدند

Анбиёга чун Алийинда эрди макони
Алийинга* йўл олди дил бирла жони.

Бу байтдаги «ba jān-u del» (жон-у дилдан) бирикмаси дилнинг «истак манбаи» маъносини ифодалайди. Кейинги байтда «дил» икки маънода ишлатилган:

۴۶/۱ ای مبارک خنده اش کاو از دهان

لمايد دل چو در از درج جان

*Эй муборак кулгиси хандон оғзидин,
Кўрсатур дурдай дилин жон оғзидин.*

Бу байтда зоҳиран «дил»ни гавҳар донасига ташбиҳ қилинган. Мажозий маънода «дур», «моҳият» маъносини ифодалайди. Алийин* Яхши кишилар номаи аъмоли битиладиган жаннатдаги «Дил» эса «дур» га ташбиҳ қилинган, шундан келиб чиқиб бу ердаги «дил»нинг маъносини «моҳият манбаи» деб талқин қилиш мумкин.

Кейинги байтда ҳам «дил»нинг мажозий маъноси ошқор бўлган.

۴۶/۲ نامبارک خنده آن لاله بود

از دهان او سپاهی دل نمود

*Ул лоланинг номуборак кулгуси
Дил қорасин оғзидан кўргузгуси.*

Бу байтдаги лоланинг ичидаги қораси, дилнинг қоралиги ташбиҳ қилиняпти. Дилнинг қоралиги мажозий маънода «бағристон бераҳм, ҳасадгўй» маъносини ифодалайди. Бу ўринда ирфоний маъно кузатилмайди. Бўлса ҳам ўта мавҳум. Бу ерда «дил»нинг «бағритошлик манбаи» маъно белгиси ифодаланган.

Кейинги байтда «дил»нинг «тан»га нисбатан маъно белгиси кўзга ташланади:

۴۷/۱ دل ترا در گوی اهل دل کشد

آن ترا در حبس آب و گل کشد

*Дил сени аҳли диллар куйига чорлар,
Тан сени балчиқ суйига чорлар.*

Бу байтда «дил», «тан» га қарама-қарши қўйиляпти. Буни биринчи навбатда ижтимоий маъно кузатилади. «Тан ботқоқлик тортади» деб, инсон табиий эҳтиёжларини назарда тутмоқда. «Дил эса аҳли диллар кўчасига» яъни «маънавий муҳит» га тортади. Шунинг учун бу ўринда «дил»ни «маънавият, маърифат манбаи» деб талқин қилинса бўлади. Кейинги байт:

۴۷/۱ هین غذای دل بده از هم دلی

رو بجو اقبال را از مقبلی

*Қани, дил озукун бергин ҳамдилдан
Бор, иқболни излагил муқбилдан.*

Бу байтда ҳам ижтимоий-маънавий белгиси намоён бўлмоқда. Булар ўқиш ва интилиш орқали касб қилинадиган илм. Бу ўринда «дил»нинг маъносини белгиловчи сўз «hamdel» (ҳамфикр) бўлиб, «del yo del» эса «билим манбаи»дир. Кенг маънода «toqbel» (тоқиб киши), яъни «комил инсон» лардан «илм-у ҳунар ўрган» демоқчи. Бу ўринда «дил»нинг ирфоний маъноси «илми даросат манбаи»дир, яъни ўқиш ва интилиш орқали касб қилинадиган илм. Кейинги байтда «дил»нинг фақат мажозий маъно белгиси ифодаланган:

پ ۴/ ۴۹ کانکه این بت را سجود آرد بر ست
ور نیارد در دل آتش نشست

*Ким бу бутга сажда келтирса топди нажот
Ким сажда қилмаса гулхан ичра умрбод*

Бу байтда «дил»нинг «бирон нарса ва ҳодисанинг ичи, ўртаси» маъноси очилган. Мажозий маънода эса «дил», «балойи офат манбаи» деб талқин қилинади. Яъни «ким зolimнинг амрига эришмасе, унга балойи офат ёпирилади», демоқчи. Кейинги байтда «дил» турғун бирикма таркибида келган:

پ ۳/ ۵۰ طفل از و بستد در آتش در فکند
زن بترسید و دل از ایمان بکند

*Ботани ундан олиб оловга отди,
Алп кўрқиб имонини йўқотди.*

Бу байтда «del kandan» (юз ўгирмоқ) феълий иборанинг таркибидаги «дил»нинг якка ўзи маъно ҳосил қилмайди, балки «дил»нинг компоненти билан биргаликда «юз ўгирмоқ», «орқага қайтмоқ» маъносини ҳосил қилади. Мажозий маънода «дилнинг турғун имон манбаи» маъно белгиси ифодаланган.

Кейинги байтда «дил» қўшма сўз таркибида келиб, маъно ясовчи шаклда қўлланилган.

۶/ ۵۲ آن یهودی شد سیه رو و خجل
شد پشیمان زین سبب بیمار دل

*Үн яҳудий юзи қаро бўлди-ю хижил,
Бўлди пушаймон ул сабаб бемордил.*

Бу байтдаги «бемордил» қўшма сўзнинг зоҳирий маъноси «юрак қизи» бўлиб, бу «дил»нинг «тана аъзоси» денотатив маъносини ифодаламоқда. Дилнинг бу ердаги қўлланишидан мақсад денотатив

маъноси бўлмай, балки мажозий маъносидир. «Фарҳанги Сухан» да «бемордил» ни «дилнинг нопоклиги ва ҳақни танимаслиги» деб талқин қилинади. Шунга асосан бу ўринда «дил»нинг «шаққонлик манбаи» маъно белгиси ифодаланган.

Ирфоний маънода бу ўринда «дил»ни «нопоклик манбаи» деб талқин қилиш мумкин. Кейинги байтда ирфоний маъно жо бўлган

۵۴/۱ هست تسيحت بجای آب و گل
بر غ جذت شد زنفخ صدق دل

*Лой-у сув ҳам сөн каби-олқиш этар,
Сидқидилдан нафасинг жаннатга қуш этар.*

Бу байтдаги «дил»нинг ирфоний маъноси тасаввуф ақидаларининг бир кўринишидир ва бу «nafx» (нафас) сўзининг талқини билан боғлиқ. «Farhang-e estelāhāt va» да «nafx» (руҳ нафаси) нинг шундай таърифини беради: «Раҳмоний нафас гоҳи ундан мурод илмдир». «Nafx» ни 4 қисмдан иборат, деб билишади: бири «руҳ нафаси» дурки жисм у орқали тирилади. Бу ўринда «чин қалбдан имон келтириб, оллоҳни улуғласанг жаннатга қуши, яъни руҳингни тирилтирасан» деган мазмун бор. Шундан келиб чиқиб «дил»ни «раҳмоний нафас манбаи» деб талқин қилиш мумкин. Кейинги байт:

۶۲/۱ چون که مال و ملک را از دل براند
را از سلیمان خویش جز مسکین نخواند

*Мол-мулкни дилидан чиқарган ҳамон,
Ўзин мискин атарди ул Сулаймон.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиловчиси бўлиб, ирфоний маънода «дилдаги мол-мулкка бўлган ҳирсдан халос бўлиш» таъриф айтилади. Тасаввуф терминларидан бу «taḥalli», яъни бандлик худованддан тўсишга олиб келадиган ишлардан, жумладан дунё ва дунё ишларидан юз ўгириш маъносини англатади. Шу асосда бу ўринда «дил»нинг маъносини «покланиш манбаи» деб талқин қилиш мумкин. Кейинги байт:

۶۲/۱ کوزه سر بسته اندر آب زفت
از دل پر باد فوق آب زفت

انوری ه. فرهنگ کتاعت سخن. تهران ۱۳۸۳ ۱۱۱

*Теран сув ичинда оғзи берк кўза,
Ҳақ тўла ҳаводан сузар сув узра.*

Бу байтда «del-e ruğ bād» «ҳаво тўла дил» мажозий маънода «бир-ҳаводан шишинган дил» деб талқин қилинади. Бу ўринда дилнинг ирфоний маъно белгиси «кибр-у ҳаво манбаи»дир.

Кейинги байт:

۶۳/۳ اب نتواند مر او را غوطه داد
کش دل از نفع الهی گشت شاد

*Сўв ани ютмоқдан ожиз эрур,
Анинг дили илоҳий нафасла тиғиз эрур.*

Бу байтда «дил»нинг ирфоний маъно белгиловчиси «naʔh-e dīl» бўлиб, бу «Қуръон» даги оятларга ишора:

ثمّ سوّيه ر نفع فيه روحه و جعله (32-9)

«... сўнг уни қадди-қоматини тўғри қилдик ва ўз руҳимиздан уни уфурдик», яъни одамга уфурди. Шунга биноан «дил»нинг ирфоний нур манбаи» маъно белгиси юзага чиқади.

Кейинги байт:

۶۳/۴ گر چه این جمله جهان ملک و پست
ملک در چشم دل او لاشی است

*Тарчи унинг мулкидир жумлаи жаҳон,
Унинг дил нигоҳида мулк тариқдан арзон.*

Бу байтда «дил»нинг маъноси «šašm-e del»(дил кўзи) маъносисиде жо бўлган бўлиб, ирфоний маънода «ботиний назар» деб талқин қилинади. Сўфийлар наздида «назар», «мавжудотнинг «назар» ва ҳақиқатлари» га диққат эътибордир. Демак «дил» «ботиний назар» маъносини ифодалайди. Кейинги байт:

۶۳/۵ پس دهان دل ببند و مهر کن
پر کنش از باد کبر من لدن

*Шундай экан дил оғзин ёп, муҳрла,
Тўндир ани илоҳий ҳавоси-ю кибрла!*

Бу байтдаги «дил»нинг маъноси иккинчи мисрада баён қилинган. «кибр», яъни «ўзига бино қўйиш», «тавозу» қаршисиде қораланади, лекин бу ўринда гап «Илоҳий кибр» ҳақида кетмоқда «илоҳий кибр» маънода мажозий маънода «илоҳий ҳақиқатлар» маъносини англатади. Шунинг матндаги белгиси «kibr min ladun» (илоҳий кибр) дир. Шунга

асосан бу байтдаги «дил»нинг маъно белгиси. «илоҳий ҳақиқатни манбаи» дир. Кейинги байт:

۶۵/۱ قطره دل را یکی گوهر قتاد
دل بگردون ها و دریاها نداد

*Бир қатра гавҳар дилига тушиди,
На гардунлар, на дарёлар унга етишди.*

Бу байтда «дил»нинг маъносини белгиловчи сўз «гавҳар» бундан лугатда бу сўзнинг маъносини «руҳ, нафси нотиқа, комил инсон ҳақиқати, маънолар ва сифатлар» деб талқин қилинган. Бу ерда инсонга оллоҳ томонидан берилган «онг» ҳақида гап кетмоқда. Оллоҳ ўзи яратган махлуқотдан фақат инсонга онг берган бошқалар бундан маҳрум. Шу асосда бу ердаги «дил»нинг маъноси «онг манбаи» деб талқин қилинади. Кейинги байт:

۶۵/۲ خلق خوب و زشت هست از ما نهان
هر لدیر دل بهر دم کوشان

*Хулқинг яхши-ёмони биздан ниҳон,
Дилига келтирар ул ҳар дам зиён.*

Бу байтда «дил»нинг маъно ясовчи тугуни «xub-o zešt» (яхши ёмон) бирикмасида жо бўлган. «Яхшилик ва ёмонлик» инсоннинг ахлоқий хислатлари. Демак «дил»ни бу ўринда «хислат манбаи» деб талқин қилса бўлади. Бу умумбашарий тушунча бўлиб, кўпчиликда ижтимоий-маънавий хусусиятга эга. Ирфоний маъно кузатилмайди. Кейинги байт:

۱۰۰ پ بردران ای دل تو ایشان را مایست
و سئشان بر کن کشان جز پوست نیست

*Бурдала аларни тўхтама эй дил,
Пўстдан бўлак вақоси йўқ пўстин шил.*

Бу байтда «дил»нинг маъносини белгиловчи бирикма «darān» (бурдала) бўлиб, бу буйруқ майлида келган иш-ҳаракат дилга қаратилган. «Дил» эса ундалма вазифасида келяпти. Демак бу шахснинг иккинчи «мен»лиги бўлиб, бу «шахс» инсоннинг дилида жойлашган. Инсон бир ишга қўл уришдан олдин «дилини» кенгаш солади ва дил амрига қараб иш тутати. Шунга биноан бу ердаги «дил»нинг маъно белгисини «ички мен манбаи» деб талқин қилса бўлади. Бу байтда «дил»нинг ирфоний маъноси кузатилмайди, балки «дил»нинг утилитар маънавий маъно устунроқ. Кейинги икки байтда «дил»нинг маъноси эътиборга лойиқ

۱ / ۷۱ نور نور چشم خود نور دل است
نور چشم از نور لها حاصل است
باز نور نور دل نور خداست
کوز نور عقل و حسن پاک و جد است

Кўра нуриг нури ўзи нури дилдир,
Кўра нури диллар нуридан ҳосилдир.
Чун дил нурининг нури-нури худо
Бим ул ақл-у ҳис нуридан пок-у жудо.

Биринчи Байтдаги «дил»нинг маъноси иккинчи байтдаги «ақл-у нури» билан боғлиқ, шунга асосан бу ўринда «дил»нинг маъносини «ақл-у ҳис нури манбаи» деб талқин қилинади. Иккинчи байтда «дил»нинг маъноси белгилловчи «нури худо» бўлиб, бу ҳақда «дил»нинг «худо нури манбаи» маъно белгисини асос қўйди. Биринчи байтда «дил»нинг денотатив маъноси, яъни «дил»нинг манбаи «дил нури» маъно белгиси, иккинчи байтда «дил»нинг ирфоний маъноси акс этган. «Нури худо» эса «ақл-у ҳис нури» дир. Кейинги байт:

۷۵ / پ ۷ غير نطق و غير ايما و سجل
صد هزاران ترجمان خيزد ز دل

Шутқ-у имо хат-хужжатдан бўлак
Чунда юз минглаб таржимон туражак

Бу байтдаги «дил»нинг маъно ясовчиси биринчи мисра бўлиб, «дил»нинг «хат-хужжатдан ташқари» нарса, яъни инсон зоҳиран «дил» билан бошқа восита билан ифодаладиган фикрдан ўзга нарса. Бу ҳақда «дил»нинг ирфоний маъноси «сир», яъни солиқ дилида рўй берган мўъжизалар. Бу мўъжизаларни сўз билан ёки бошқа восита билан бировга ифодалаб бўлмайди.

«*Garhang-e estelāhāt*»¹¹² да Изуддин Кошонийнинг бу ҳақда айтилган фикрини келтиради: «Қалб тавсифининг маърифати ҳақиқатдан узрлидир ва унинг иборада (баёни) қийин, бунинг сабаби унинг аҳволини турлари давомли эврилишда ва камол даражалари ҳақиқийдадир; шунинг учун уни «қалб» дейишади». Яъни дил ҳақиқатларини бировга изҳор қилинмайди. Шунга кўра «дил»нинг маъноси «ички кечинмалар манбаи» деб талқин қилинади.

Кейинги байтда ирфоний маъно йўқ:

¹¹² Ш.к. 751.6

*Деди қани оёқ, қўл-оёқдан қолдим,
Жоним парзага келди азобда қалбим.*

Бу байтда «дил»нинг маъноси «del az jāy raft» (сўзма-сўз: дилдан жойидан кўзгалди) бирикмасида ифодаланган. Бу байтда «дил»нинг денотатив маъноси, яъни «юррак» ифодаланган. Бу бирикманинг ўзбек тилидаги муодили «юрагим ўйнаб кетди» иборасидир. Бунинг мажозий маъноси «қаттиқ кўрқиш ёки севиниш» дир. Шуни назарда олган ҳолда «дил»нинг «ҳис-ҳаяжон манбаи» маъно бериши борлигини таъкидлаш мумкин. Кейинги байт:

۶/۷۹ رنگ رو از حال دل دارد نشان
و مهم کن مهر من در دل نشان

*Дил ҳолидир ранги рўйидан аён,
Менинг меҳрим дилиннга сол, меҳрибон.*

Биринчи мисрада «дил»нинг маъноси «ҳоли дил» бирикмасида яширин бўлиб «руҳий кечинмалар манбаи» маъно белгиланиши ифодалайди. Иккинчи мисрада «дил»нинг маъно белгиланиши «меҳр» сўзи бўлиб, ирфоний маънода «меҳр» ни «ўз аслини муҳаббат, илм-у огоҳлик билан мақсадни топиш» деганини изоҳланади.¹¹³ Шундан маълум бўладики «дил-илоҳий манбаи» дир.

Кейинги байт:

۶ / ۸۱ قعر چه بگزید هر کو عاقل است
و آنکه در خلوت صفاهای دل است.

*Узлатга чекилди кимки оқилдир,
Чунки хилватда сафойи дилдир.*

Бу байтда «дил»нинг маъноси «safā-ye del» (дил сафойи) бирикмасида ифодаланган бўлиб, ҳам ижтимоий, ҳам ирфоний маънога эга. Ижтимоий маънода «дил софлиги» бу бировга фарғи ёмонлиги, ҳасади йўқ одам. Ирфоний маънода «safā-ye del» «инсон табъининг хиралик зангидан поклиги ва қабиҳликдан узоқлиги» деганини талқин қилинади. Бу аслий ва жузъий инсон сифати бўлиб, аслий маънода дилнинг ўзгалардан узиш ва жузъийси алдамчи дунёдан хилланганини

¹¹³ ш.к.-751 б

инишдир. Шунинг учун бу ўринда «дил»ни «покланиш манбаи»
тапқин қилинади. Кейинги байт:

۷ / ۸۵ قوتم بختييد و دل را نور داد
نور دل مر دست و پارا زور داد

*Қўлат бағишлади, дилга нур берди,
Дил нури оёқ-қўлимга зўр берди.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «nig-e del» (дил нури)
маънасида ифодаланган. «Nig» сўзи ирфоний термин сифатида:
«Ирфон ва шарқ ҳикматининг асосидир». «Насафийнинг айтишича
нур ўзи айтади, ўзи эшитади, ўзи беради, ўзи олади, ўзи иқро
қилади ва ўзи инкор қилади».¹¹⁴

Бошқача қилиб айтганда бу «илоҳий ҳикмат манбаи». Кейинги

۴،۵/۸۷ ای برادر چون ببینی قصر او
چونکه در چشم دلت رسمت مو
چشم دل از موی علت پاک ار
وانگهان دیدار قصرش چشم دار

*Эй биродар нечун кўрурсен қасрин ул,
Чунки дилинг кўзига тушибдир қил.
Дил кўзин қил иллатидин поклагил,
Эй дамон қасрин кўришга чоғлагил.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «šašmi del» (дил кўзи)
маънасида ифодаланган бўлиб, «šašm»(кўз) сўзи истилоҳда «аён
ман (кўзга ташланадиган) нарсалар ва уларнинг истеъдодларига
шоҳидлиги (нигоҳ солиш) га айтилади».¹¹⁵ Бу ўринда «дил»нинг
ирфоний маънода «идрок қилиш қобилияти» назарда тутилмоқда.
Кейинги байт:

۱۱ / ۱۱۳ اگرچه هم نغمه پری زین عالم است
نغمه دل برتر از هر دو دمست

*Гарчи пари нағмаси бу оламдандир
Дил нағмаси ортиқроқ ҳар икки дамдандир.*

Бу ўриндаги «дил»нинг маъноси «naṭmeye del» (дил нағмаси)
маънасида бўлиб, мажозий маънода «хузур-ҳаловат, бахт-саодат

¹¹⁴ уша китоб.302

¹¹⁵ уша китоб 713

манбаи» деб талқин қилинади. Ирфоний маънода «илоҳий ҳақиқат ва етишган инсон» яъни «инсони комил дили» дир. Кейинги байт:

۱۰ / ۱۱۱ از آنکه زان بستان جان ها زنده است
زان جواهر بحر دل آگنده است

*Чунки ул бўстондан жонлар тирилгай,
Дил уммонидан гавҳарлар терилгай.*

Бу байтдаги «дил»нинг маъноси «bahre del» (дил денгизи) бирикмасида ифодаланган. Ирфоний маънода «bahr» (денгиз) «жумладан: борлиқ денгизи, мутлақ борлиқ ва ваҳдати пучуқ ишорадир».¹¹⁶ Бу ўринда «дил»-«борлиқ уммони» деб талқин қилинади. Кейинги байт:

۴ / ۱۱۱ از نوایش مرغ دل پران شدی
از صدایش هوش جان حیران شدی

*Дил қуши учар эди навосидин
Жон ҳуши ҳайрон эди садосидин.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «muryi del» (дил кунни бирикмасида ифодаланган. Ирфоний маънода «mury» (кун) «мутлақ руҳ» маъносида келган.¹¹⁷ Шунга асосан ирфоний маънода «дил»ни «руҳ манбаи» деб талқин қилинади. Кейинги байт:

۱۶ / ۱۱۱ چون یقین گشتش که غیر پیر نیست
گفت در ظلمت دل روشن بسیست

*Чолдан ўзга йўқлиги бўлгач ишончи ҳосил,
Деди: ўз-ўзига зулматда ҳам кўп равшандил.*

Бу байтда «дил»нинг мажозий маъно белгиси «del-e rawšan» (равшан дил) нинг «zolmat» (зулмат, қоронғилик) ка қарама-қарши нисбатида ифодаланган. Мажозий маънода зулмат бу «жаҳонгирлиқ» ни англатади. «rawšan» эса «огоҳлик, ҳушёрлик» ни ифодалайди. Демак бу ўринда «дил» «огоҳлик манбаи» маъносида ифодалаган. Яна бир байт:

۱۰ / ۱۲۸ اوای کزتری زیر افکند خرد
باشک شد کشت دل من دل بمرد.

¹¹⁶ ўша китоб.302

¹¹⁷ ўша китоб 713

*Ади ким бу қўшиқлар пасайди тугалди
Садолар қуриди, дилни бузди, дил ўлди.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «košt del-e man» (дилимни
бузди қилди) «del bemord» (дил ўлди) бирикмаларида ифодаланган
дир. Бу дилнинг маърифат ва огоҳлиқдан маҳрумлигини
ишора қилади. Шунга асосан буни «бемаърифатлик манбаи» деб
қараш қилса бўлади. Яна бири:

گشت دلهارا طمعها جامعی
۱۲ / ۱۳۶ کز طمع عیش نیند طامعی

*Тамадин кўрмас ани айбин тамагир,
Тамапардан диллар бўлмас жамъ хотир.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «тамаъ» сўзида
ифодаланган. «Тамаъ» бу бировнинг мулкига кўз тикиш, бировдан
нанимда олиш пайдан бўлиш. Бу кўпроқ ижтимоий маънода бўлиб,
«дил»нинг ёмон хислатдаридан «тамаъгирлик манбаи» маъносини
ифодалайди. Ирфоний маънода бу «риёкорлик манбаи» дир.
Кейинги байт:

زد شراری بر دل مرد و حید
۱۳۹ / ۴ شد از آن باران یکی برقی پدید

*Ҳақ ёмғирдан бир пайт чақмоғи чақди,
Ҳақ чақини эр дилида ўт ёқди.*

Бу байтда «дил»нинг мажозий маъноси «šagāra» (чақин, учкун)
ифодаланган бўлиб, бу ўринда «моҳр-шафқат» уйғотди
маъносига келган. шунга биноан бу ўринда «дил»нинг маъноси
«моҳр-шафқат манбаи» деб талқин қилинади. Кейинги байт:

بر صنف آید ضرر نی برگهر
۱۴۰ / ۵ کس نیابد بر دل ایشان ظفر

*Ҳақ киши топмас алар дилига зафар,
Тапаҳаргамас, балки садафга тегса зарар*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «gohar» (гавҳар) сўзи билан
ишора қилинади. Гавҳар эса садафга қарама-қарши қўйилган. Ҳақ бир
кишининг моҳияти унинг гавҳарида садафда эмас, демоқчи. Шунга
иноан буюрда «дил»-моҳият манбаи» деб талқин қилинади. Яна
бир байт:

۱۰/۱۰۱ در دل مومن یکنجم ای عجب
ش «را جونی در آن دلها طلب

*Бул ажабки мен сиғармен мўмин дилида,
Ғар изласанг мени изла мўмин дилида*

Бу байтда «дил»нинг маъноси «...man begonjam» (мен сизимен жойлашаман) бирикмасида ифодаланган бўлиб, бу машхур ҳақиқат қудсийга ишора:

لا يمعنى ارضى وسمانى ولكن يمعنى قلب عبد المؤمن

«У ер ва осмонларга сиғмайди, лекин мўмин банданинг қанибери сиғади.»

Бу ерда «парвардигор» назарда тутилган. Шунинг учун «дил» худонинг маскани» деб талқин қилинади. Кейинги байт:

۱۰/۱۰۲ ب دل مپوشان تا پديد ايد دلم
تا قبول ارم هر آنچه قابلم

*Дилинг ёлма токи очилсин дилим
Токи ҳар қанча қобилман бўлсин қабулим.*

Бу байт бошидаги «дил»нинг маъно белгиси «tarišān» (ёлма) сўзида ифода топган бўлиб, мажозий маънода «самимийлик» ҳақида сўз кетмоқда. Демак бу ўринда «самимий бўл» демоқни шунга асосан «дил-самимийлик манбаи» деб талқин қилинади. «дил»нинг иккинчи маъноси «radid āyad delam» (дилим юзаси чиқсин) бирикмасида ифодаланган бўлиб, бу ерда «яширин сир» ҳақида сўз боради.

Шунинг учун «дил-яширин сир манбаи» деб талқин қилинади. Яна бир байт:

۱۰/۱۰۳ هين نگهد ار ايدل اندیشه خو
دل ز اندیشه بدى در پيش او

*Бўл нигоҳ сол, эй дили хаёлталаб,
Хаёл тўла эди дили унинг лабо-лаб.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «del-e andiṣexu» (эй фикрли қобил дил) ва «del zi andiše» (фикрли дил) бирикмаларида ифодаланган бўлиб, «дилнинг фикрлаш қобилияти» маъно белгисини мужастасан қилган. Бу «дил»нинг «ақлий фаолият» нинг узвий бир бўлиши эканлигидан дарак беради. Бу байтда сўз «дилдаги заковат» устида

Дилда. Заковатли одам қаршисидаги инсонни дилидагини бир
қилдиёқ англаб олади. Шунинг учун бу ўринда «дил-заковат манбаи»
деб талқин қилинса ҳам бўлади. Яна бири:

پيش سبحان بس نگاهداريد دل
تا نگريد از گمان بد خجل

*Шубҳон наздида дилни сақланг бас,
Токи бўлманг хижил гумондин абас.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «az gomān-e bad heje!»
(имон гумондан хижил) бирикмасида ифодаланган. Бу ўринда
оллоҳнинг олдида дилни шак-шубҳадан сақлаш ҳақида сўз
қилинмоқда. Инсон ўзи билмаган нарсаларга шубҳа билан қарайди,
иммо биладиган одамлар, масалан, ҳамма эътироф этиб, тан олган
қўламбарлар айтган ҳақиқатларга шубҳа билан қараш бу нодонлик
қилимати эканлигини англашади. Шунга биноан бу ўриндаги «дил»ни
«дил-шубҳа манбаи» деб талқин қилинади. Яна бир байт:

۱۰۰۳ / ۱۰۰۳ عقل اینجا ساکت آید یا مضل
زآنکه دل با او ست یا خود اوست دل

*Ақл бунда сукут сақлар, гунгдир тил,
Чунки дил у биландир ё ўзидир дил.*

Бу байтда «ақл» билан «дил»нинг ўзаро қарши қўйиш орқали
«дил»нинг маъноси очилган. Бу қараш соф ирфоний қараш бўлиб,
«дил» олдида «ақл»нинг ожизлигини таъкидламоқда. «Дил у
биландир ёки унинг ўзидир дил» жумласидан мақсад «дилдаги
«оллоҳ»дир. Бу ўринда сўз комил инсон ҳақида кетмоқда. Комил
инсоннинг дилида фақат оллоҳнинг зикри ва оллоҳнинг айтганлари
қилади, бошқа ҳамма ўй-хаёл, орзу-ҳавасга ўрин қолмайди. Шунинг
учун бу байтдаги «дил»ни «комил имон манбаи» маъно белгисини
ифодалаган. Яна бир байт:

۱۰۰۳ / ۱۰۰۳ کس نیا بد بر دل ایشان ظفر
چون صدف گشتند ایشان پر گهر

*Ҳоч киши топмас алар дилига зафар,
Чунки улар садафдурлар тўла гуҳар.*

Бу байтдаги «дил»нинг маъно белгиси «sadaf pur guhar»
(садаф.... тўла садаф) бирикмасида ифодаланган. Бу ўринда
«гуҳар» – «билим». Бу ирфоний маънода ҳамма жонзотларнинг

фоний дунёдан боқий дунёга ўтиши. Бу ҳақиқатни англаб олган инсон ҳеч нарсадан, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмайди. Чунки фоний дунё ўткинчи-бир лаҳзалик, фоний дунёда ҳеч кимга абадий «ваҳда» қилинган эмас. Абадият боқий дунёга ўтгандан кейин. Шунинг учун ориф кишига иккала дунё барибир, чунки ориф кишининг дили пок, нияти пок, имони пок, бундай инсон учун ўлимдан не бундай Бундай инсон учун на очлик, на бойлик, на муҳаббат, на адоват, на подшолик, на гадолик хавф-хатар сололмайди, чунки унинг дилида билим гавҳари жой олган. Шунга асосан бу ерда «дил»ни «билим гавҳари манбаи» деб талқин қилинади. Яна бир байт:

۸/۱۶۱ همچنين هر پنج حس چون نایزه

بهر اد امر دل شد جایزه

*Шунингдек ҳар беш ҳис мисли томоқ,
Дил амрига буйсунар қоқмай кулоқ.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «bar murādi amri del» (дил амрининг мақсади) бирикмасида ифодаланган. «Дил» нафақат бина ташқи ҳисларнинг таҳлил манбаи, балки уларнинг бошқарувчиси дир. Инсоннинг барча тана аъзолари билан ҳаракат қилади. Шунга биноан бу ўринда «дил»нинг «ирода манбаи» маъно белгиси ифодаланган, десак бўлади. Ирфоний маънода «ваҳдат улу вужудга» га интилган «солик дили». Яна бири:

۱۳/۲۵۱ کان جمال دل جمال باقی است

لبش از آب حیوان ساقی است

*Ким ул жамол жамоли боқийдур,
Икки лаби ҳаёт сувидин соқийдур.*

Бу байтдаги «дил»нинг маъно белгиси «jāmāl-e bāqī» (абидий жамол) да ифодаланган. Бу ўринда «жамол»нинг маъноси ирфоний бўлиб «Истилоҳ»¹¹⁸ да уни шундай таърифни беради: «Ошиқнинг (муҳаббат) ига эҳтиёжи йўқликдан юзага чиқадиган маъшуқнинг камоли, шунингдек Худованд лутфу раҳмати васфи» маъносида айтилади. Ирфоний маънода «дил»нинг жамоли-комиллик, шунинг учун бу ерда «комиллик манбаи» деб талқин қилинади. Яна бир байт:

۱۱/۲۷۱ دل زهر یاری غذایی میخورد

دل زهر علمی صفائی می برد

¹¹⁸ ш.к.288 6

*Дил ҳар бир ёрдин озик олар,
Дил ҳар бир илмдан ҳозиқ топар.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «zi har yār yizāyi»(ҳар бир илмдан озик) ва «zi har elmi safāyi» (ҳар бир илмдан сафолик) бирикмаларида ифодаланган. Ҳар иккала бирикмада битта фикр ва он дилининг ҳаёт манбаи, ўсиш-улғайиши ва камолга эришиш манбаи илм эканлигини таъкидлаган. Шунга биноан бу ўринда «дил вақилининг манбаи илм» маъно белгиси ифодаланган. Яна бир байт:

۱۳ / ۲۷۰ در دل سلطان خیال من مقیم
بی خیال من دل سلطان «مقیم

*Хайлим султон дилида жо эрур,
Хайлимсиз султон дили бежо эрур.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «del-e sultān muqim» (султон дилида жой олган) ва «del-e sultān saqim» (султон дили камор) бирикмаларида ифодаланган. «Султон» бу ўринда «оллоҳ қаратларига ишора» бўлиб, ирфоний маънода «дил»нинг «оллоҳ эри манбаи» маъносини ифодаламоқда. Иккинчи мисрада «оллоҳнинг ғамхўрлик сифатига ишора қилиб, «дил»нинг «ғамхўрлиги манбаи» маъно белгисини ифодалаб келган. Яна бир байт:

۳ / ۲۸ دل بدست او چوموم نرم رام
مهر او گه ننگ سازد گاه نام

*Дил кўлида мумдек юмшоқ, ром
Унинг меҳри гоҳ боиси шарм, гоҳ ном.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «di muṡ-e naṡm ḡaṡm» (юмшоқ мумдай ром) бирикмасида ифодаланган. Яъни инсоннинг дили устозни кўлида гўёки мумдай юмшоқ, устоз уни қандай ҳоҳласа шундай қолибга қолади, демоқчи. Ирфоний маънода солиқнинг тарбияси пири ирфониднинг кўлида дегани. Шунга асосан «дил – таълим тарбия манбаи» маъно белгисини касб қилади. Яна бир байт:

۹ / ۲۷۸ اندر ان ایام کش قدرت بود
صحت و زور دل و قوت بود

*Қудрати кўп бўлган ўшал айёмида,
Сихҳат-у дил қуввати бўлур маромида.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси соф жисмоний бўлиб, бу байтда соғлом юрак қуввати ҳақида сўз бормоқда. Лекин бу «zig-e

del) бирикмасини мажозий маънода маънавий қувват, деб тушуниш ҳам бўлади. Шунга биноан бу ердаги «дил»ни «маънавий қувват манбаи» деб талқин қилса бўлади. Яна бир байт:

عشق صورت در دل شهزادگان
و در خلش می کرد مانند سنان

*Суврат ишқи дилида шаҳзодалар,
Найзасимон жигар –бағрин поралар.*

Бу байтдаги «дил»нинг маъно белгиси «eşqi suvrat» (суврат) бирикмасида ифодаланган. Сувратта, яъни ташқи кўринишга бўлиб мажозий ишқ. Шунга кўра бу ердаги «дил»нинг маъносини «мажозий манбаи» деб талқин қилинади. Яна бир байт:

۱۱۰۱/۱۱۰۱ چونکه زد عشق حقیقی بر دلش
شد ملک و عیال و منزلش

*Ишқи ҳақиқий дилига тушган замон,
Совуди кўнгли мулку-аёлдин, хонумон.*

Бу байтда «дил»нинг маъно белгиси «eşqi haqiqi» (ҳақиқий) бирикмасида ифодаланган. «Истилоҳот» да «ишқ»нинг шундай таърифини беради.¹¹⁹

«Ишқни ҳақиқий ва мажозийга тақсим қиладилар. Мажозий ишқ ибтидода муҳаббат ва ҳаво, сўнг меҳр, сўнг қувонч ва ишқдуркининг асоси ҳаво ва мажозий севгидир. Ишқ мартабасидан сўнг савдойилиқдурки, қалбни ўртагучидир. Ишқи ҳақиқий, улфат раҳмоний ва шавқий илҳомдур ва тамоми камолотни вужудга келтирувчи, ўз зотида оқил ва маъқул бўлган ҳақ зоти ошиқ ва маъшукдир. Шу жумладан ишқи ҳақиқий, ҳақиқий маҳбубликосига ишқдурки, аҳадият зотидур. Ва қолган ишқлар мажозийдур»

Шунга асосан бу ўринда «дил»нинг «ҳақиқий ишқ манбаи» маъно белгиси ифодаланган деб айтиш мумкин бўлади. Хулоса қилиб айтилса «дил» сўзи «Маснавийи-маънавий» асариди мингдан ортми байтда учрайди. Бу байтларнинг ҳаммасида ҳам дилнинг яъни маъно белгилари кузатилмайди. Асарда учраган «дил» сўзи ҳамма байтларда кўриб чиқилди ва улардан фақат янгича маъно ифодалаганлари таҳлил қилинди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

¹¹⁹ ш.к 582 б

«Дил»нинг семантик таркиби

Тилит сифа ил қатор	Денотатив маъноси	Мажозий маъноси	Ирфоний маъноси	Оккази- онал маъноси
1п/91	-	Жозоба манбаи	Илоҳий ишқ манбаи	-
7п/12	-	Яширин ўй, хаел		Яширин дард
10/12	-	Шахс (ошиқ ё маъшук)	Руҳий безовталиқ	-
11/12	-	Ошиқлик	Руҳий дард	-
11/15	Юрак	Маънавий дард	Фироқ дарди	-
11/17	Хотира	Маънавий бойлик	Ҳақ асрорининг махзани	-
11/8	-	Эҳтирос	Илоҳий шавқ манбаи	-
2/25	Эҳтирос манбаи	Табиий эҳтиёж	Парда	-
3/25	-	Адолат манбаи	-	-
11/26	-	Ички нигоҳ	Ойна	-
4/28	-	Аҳли дард	Ҳақ висолига ошиқ	-
4/31	-	Жаҳолат, ёвузлик	Ўткинчи эҳтирос	-
11/32	-	Иродат манбаи	-	-
3/34	-	Орзу-ҳавас манбаи	-	-
4п/35	-	Ғалаён манбаи	Ҳайрат манбаи	-
5п/36	-	Улкан, юксаклик манбаи	Ботиний олам	-
8/38	-	Маънавий озуқа	-	-
9/38	Юрак	Ғам-қайғу манбаи	Илоҳий ҳақиқат ишқи	-
10п/38	-	Огоҳлик манбаи	Басират манбаи	-
1/39	-	Ботин	Моҳият манбаи	-
9п/39	Истак	Маънавий озуқа манбаи	-	-

22	4/40	Идрок	Илм-у маърифат манбаи	-	-
23	4п/42	Чин иштиёқ манбаи	-	-	-
24	4п/46	гавҳар	-	Моҳият манбаи	-
25	3п/46	Ичи қоралик	Бераҳмлиқ, ҳасадгўйлик	Нопоклик манбаи	-
26	3/47	Юрак	Маънавият манбаи	Маърифат манбаи	-
27	4/47	-	Билим манбаи	Илми даросат манбаи	-
28	4п/49	Урта	-	-	Балли офат манбаи
29	3п/50	-	-	Суст имон манбаи	-
30	6/52	Юрак	Шаккоклик манбаи	Нопоклик манбаи	-
31	3п/55	Руҳ	-	Раҳмоний нафас манбаи	-
32	1п/62	Ҳирс	-	Покланиш манбаи	-
33	1/63	-	-	Кибр-у ҳаво манбаи	-
34	3/63	Руҳ	-	Илоҳий нур манбаи	-
35	4/63	-	-	Ботиний нигоҳ манбаи	-
36	5/63	-	-	Илоҳий ҳақиқатлар манбаи	-
37	2/65	Гавҳар	Онг манбаи	Нафси нотиқа	-
38	2п/65	-	-	-	Ахлоқий ҳислат манбаи
39	10п/69	Юрак	Менлик манбаи	-	-
40	8,9/71	Ақл-у ҳис манбаи	-	Илоҳий ҳақиқат манбаи	-
41	7п/75	Яширин сир манбаи	Ички кечин-малар манбаи	Илоҳий мўъжиза манбаи	-
42	1п/78	Юрак	Қурқинч ё қувонч	Вараъ-(хавф) манбаи	-

6/70	Руҳий кечинма	манбаи Меҳр манбаи	Илоҳий меҳр манбаи	-
6/81	-	Софлик манбаи	«дил»ни поклаш	-
7/85	Нур манбаи	-	Илоҳий ҳикмат манбаи	-
4,5/87	Дил кўзи	-	Идрок манбаи	-
11/113	Дил нағмаси	Бахт-саодат манбаи	Комил инсон дили	-
10/121	Дил денгизи	-	Борлиқ уммони	-
4/122	Дил қуши	-	Руҳ манбаи	-
10/127	Равшандил	-	Огоҳлик манбаи	-
10/128	Улик дил	-	Маърифатдан маҳрумлик	-
12/136	Тамаъ манбаи	-	Риёкорлик манбаи	-
4п/139	-	Учқун, чақмоқ	Меҳр-шафқат манбаи	-
6/145	Гавҳар	Қимматбаҳо хосият	Моҳият манбаи	-
10/152	-	Парвардиго р	Худо маскани	-
7п/153	Самимийлик манбаи	-	Яширин сир манбаи	-
10/171	Фикр манбаи	-	Заковат манбаи	-
3/177	Гумон манбаи	-	Шак-шубҳа манбаи	-
10п/193	Кунгил	-	Комил имон манбаи	-
3п/193	Гавҳар	Билим манбаи	Маърифат манбаи	-
11/197	Дил амри	Ирода манбаи	Солик дили	-
13/254	Жамол манбаи	-	Комиллик манбаи	-
11/272	Илм манбаи	-	Такомиллик манбаи	-
13/275	-	Ғам-ташвиш манбаи	Оллоҳ меҳри манбаи	-
3/284	Юмшоқлик манбаи	-	Таълим-тарбия манбаи	-

66	9/278	Соғломлик манбаи	Маънавий кудрат манбаи	-	-
67	8/1196	Ишқ манбаи	-	Мажозий ишқ манбаи	-
68	1п/1206	Иштиёқ манбаи	-	Ҳақиқий ишқ манбаи	-

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва жадвалдаги маънолар тизимидан кўриниб турибдики, «Маснавий» да ишлатилган «дил» сўзи адабий рамз бўлиб Жалолиддин Румий ўз умумбашарий ижтимоий-маънавий қадриятлар, фалсафий ва ирфоний қарашларини ва дилидаги қийноқ бераётган ҳақиқатларни баён қилиш учун «дил»нинг ҳам луғавий тўғри маъноси (денотатив), ҳам мажозий маънолар (коннотатив), ҳам диний-ирфоний маънолар тизимидан фойдаланган. Агар бу маънолар силсиласини қиёс қилганда, асосан мажозий ва ирфоний маънолари кўпроқ кўринади. Бу албатта, табиий ҳодиса, чунки «Маснавийи-маънавий» асарининг кўпроқ ирфоний характерга эга бўлиб, Жалолиддин Румийнинг юксак истеъдоди уларни умумбашарий қадриятлар нуқтаи назаридан баён қилишга ва бу асарнинг ўлмас ҳақиқатлар тизимига айлантиришга муваффақ бўлган.

«МАЙ» ТИМСОЛИ

«Май» рамзининг Умар Хайём, Рудакий, Ҳофиз Шероидин асарларидаги семантик таркибини изчил таҳлил этиш жараёнида маълум бўлдики, бу лексема полисемантик хусусиятга эга. Умуман ҳар бир шоир ўзининг ғоявий позицияси қандай бўлиши, диндорлик, динсизми, сўфийми ё файласуфми бўлишидан қатъий назар «май» ёки «шароб» ёки унинг кўплаган мутародиф сўзларини қўллашдан кўзлаган мақсади самовий ва дунёвий воқеа ва ҳодисаларга у қарашларини теран маъноларини ифодалаш учун рамз сифатида фойдаланишдир. Агар таъбир жоиз бўлса, шоирнинг хатти-ҳаракати цирқдаги санъаткорларнинг оддий рўмолчалар билан намойиш қиладиган ҳунарига ўхшайди. Артист оддий рўмолчани ўзидан ўнлаб ҳунар кўрсатади: иккитасини боғлаб қўйиб буклаб-буклаб очса иккаласи алоҳида бўлиб қолади, рўмолчани ўраб туриб ичиди

җанга румолча ясайди ва ҳ.к. Ҳолбуки, оддий инсон қанча уринмасин билган румолчадан ҳеч нарса чиқаролмайди.

Шир сўз сеҳргари. Оддий сўзларни ишлатиб, санъати билан қанча гавҳар шодаларини яратади. Бу яратган дуру-гавҳарлардан бирим ўз диди-савиясига яраша завқ олади.

Шунинг учун бадиий асарда ҳар бир ишлатилган сўзни бадиий санъат воситаси деб қараш керак ва унинг том маъноси билан тафсилланиб қолмасдан, бу сўз орқали ёзуви ёки шоир асардаги бўлган фикрни англашга диққатни қаратмоқ керак. Бадиий асардаги, айниқса, шеърий асардаги сўз оддий сўздан фарқи улуроқ бадиий рамз, тимсол, сермаъно нишондир.

Бу рамзлардаги маъно теранлиги, аввало, муайян шоирнинг эстетик додига, муайян давр бадиий тафаккурининг ривожланиши даражасига ва маънавий оламидаги мавжуд ғоявий оқимларга, мафкураларга боғлиқдир.

Ҳар бир даврнинг ўз етакчи мафкураси ва унга қарши мафкуралар мавжуд бўлади. Мисол учун исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё ҳудудида бутпарастлик, зардуштийлик ва унга зид бўлган мафкура мавжуд бўлса, ислом мафкураси ўрнатилгандан кейин мафкура тамомила ўзгарди. Ва ислом мафкурасининг ичида ҳар бирига зид қарашларга эга бўлган турли мазҳаб ва оқимлар мавжудга келди.

Албатта бу ҳоким мафкура ва унга зид мафкуралар адабиётда ривожланиши ифодасини топади. Адабий рамзлар замиридаги маънолар таълимидаги бундай ўзгаришлар ва фикрий теранликни очиш учун шоир яшаган даврдаги маънавий ва руҳий муҳит калит вазифасини бажарди.

Фикримизни янада аниқроқ баён қилиш учун шуни айтиш керакки, Рудакий яшаган ўн биринчи аср маънавий муҳити билан умар Хайём яшаган ўн иккинчи аср маънавий олами бутунлай фарқлиқ эди. Шу сабабли Рудакийда ишлатилган рамзлар тизими билан Хайёмда ишлатилган рамзларнинг теранлиги ҳар хил. Рудакий шеъриятидаги рамзларда асосан ижтимоий ва маънавий муносабатлар ифодаланган бўлса, Хайём шеъриятида тасаввуфий ва фалсафий маъно тизими ифодаланган. Лекин шуни таъкидлаб айтиш керакки, шоир қайси замонда яшамасин ва қандай дунёқарашга эга бўлмасин, унинг диққат марказида инсон ва унинг ижтимоий ва руҳий муаммолари туради. 13-асрга келиб араб ва исломда тасаввуф ғоялари кенг тарқалди. Тасаввуф пирлари ўз

ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун шеърят ва муноҷа асарларни ўз фаолиятига кенг жалб қила бошлади.

Шеърятнинг маъно қатлами янада теранлашди. Меҳнатчи мазлум халқнинг азалий армонлари, ижтимоий адолат ва тасовуф ва биродарлик ҳақидаги орзулари тасаввуф ғояларига йўналтирилган шаклда баён қилинди.

Мавлоно Жалолоддин Румий ўзининг ўлмас асари «Маснавийи маънавий» да маънавий ҳаётнинг тамал тошини қўйди.

Мавлавийнинг дунёқарашлари ҳақида Эрон тадқиқотчиларидан бири шундай фикр билдиради:

مولانا جلال الدين رومی بدون شك یکی از مردان بزرگ روزگار است که ابعاد مختلف
عقاید عقلی را مورد توجه و بررسی قرار داده است. جهان بینی مولانا نه محدود به بعد خاص است
بلکه نگاه نظرانه ای را می بیند بلکه دنیای گسترده ایست که هر کس به اندازه و وسعت نظر و
تفکر خود از آن بهره می گیرد»¹²⁰

هر کسی از ظن خود شد یار من

از درون من نجست اسرار من

«Мавлоно Жалолоддин Румий, шубҳасиз, ўз замонасининг бундай кишиларидан бири. У борлиқ оламнинг турли жиҳатларини эътибор бериб, тадқиқот ўзказган. Мавлононинг дунёқарашини таърифлаш муайян бир жиҳат билан чегараланган, на калтабинлик йўлини тутган, балки бепоён дунё бўлиб, ундан ҳар ким ўз назари тафаккури кенглиги андазасида баҳра олади.

Ҳар киши шубҳа ила бўлди ёрим,

Ҳеч кимса сўрамади ичимдаги асrorим».

Мавлоно одамларнинг амалий турмушидаги аччиқ ва ширин ҳақиқатларни кўрсатиши асносида инсон ўзига танлаган йўл қанчалик бўлиши керак ва аслида қандай эканлигига ишора қилади. Инсонларнинг саодати ва бадбахтлиги фақат инсонларнинг қўлида эканлигини таъкидлайди ва улар танлаган йўлнинг натижаси сўзсиз ҳақиқий руҳий саодат ва ё бахтсизликдир, моддий эъмол Мавлонога шундай қараш ва англаш керак».

Амир Исмоилийнинг юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалари-дунёда нарса маълум бўладики, гарчи Мавлононинг асарлари диний ва тасаввуфий қарашларга йўғрилган бўлсада, бу асарлардан асосий мақсад барча инсонларни диндор ёки сўфий бўлишга чорлаш эмас.

120. اسماعیلی، امیر. مولانا جلال‌الدین رومی. تهران ۱۳۷۸ ض. ۵.

«Маснавий» олий саодат-маънавий камолотга даъват қилиш ва инсонларни ҳаётий турмуш ташвишларидан биров бўлсада юқори кўтарилиб, руҳий ҳолати кўпроқ эътиборини жалб қилиш бўлган.

«Маснавийи маънавий» да «май» рамзини талқин қилишда, уни ҳаётий тасаввуфий истилоҳ, ҳеч қандай ижтимоий-маънавий маъно билан алоқаси йўқ, деб қараш – бу «Маснавий» нинг ғоявий асосларини ҳаспўшлашдан бўлак нарса бўлмаган бўларди.

Маснавий асарларининг «фарҳанг»¹²¹ (луғат)ида «шароб»ни қуйидаги талқин қилишади:

1. Илоҳий илм ва илҳомлар
2. Ишқ
3. Бало, сабр ва тоқат
4. Ҳақ таолонинг васли ва висоли
5. Юксак фикру-хаёллар

Бу луғатда ҳар бир талқинга «Маснавий» дан ва ғазаллардан мисоллар келтирилади.

Бу луғатда келтирилган талқинлар «Маснавий» даги «май», «шароб» ва унинг инвариантларини тушунишга ёрдам беради, аммо булар ҳар бир байтда учрайдиган «май» нинг маъно алоқаларини тўла очиб бермайди. Шу мақсадда бу мақолада «Маснавий» да «май» рамзи учрайдиган ҳар бир байтнинг маъно алоқаларини мисоллар асосида очиб бериш вазифаси қўйилди.

«Маснавий»¹²² да «май» рамзи биринчи марта 95 бетда учрайди:

م / ۹۵ یک قدح می نوش کن بر یاد من
گر همی خواهی که بدهی داد من
یا بیاد این فتاده خاک کبیر
چونکه خوردی جرعه ای بر خاک ریز

Маъмуни:

*Бир қадаҳ май ич мени ёд этиб,
Агар етай десанг менинг додима.
Эки бу ғариб уфтода ҳол ёди учун,
Инчандан сўнг бир қултумин ерга тўк.*

Бу байтдаги «май» ташдан қараганда «маст қилувчи ичимлик», «май» унинг белгиси «қадаҳ» «ич» сўзларидир. Юзаки қараганда бу «май»нинг истеъмол қиладиган «табиий май» ҳақида сўз бормоқда.

¹²¹ Таҷдиди ' علی. فرھنگ نمادها و نشانه ها در اندیشه مولانا تهرانی ۱۳۸۲

¹²² رومی، جلال الدین. مثنوی معنوی. حواشی و تطبیقات م. درویش. چاپ هشتم تهران ۱۳۷۱

Аммо бу ўринда «май»нинг мажозий маъносига ишора қилувчи белги мавжуд. Бу сўзлар қафасдаги тўтининг Ҳиндистондаги тўтиларга савдогар орқали айтиб юбораётган саломии. Маълумки тўтилар «май» ичмайди, демак бу ўринда «май» мажозий маънода қўлланмоқда. Мажозий маънодаги маъносининг белгилари «бир» билан «дод» сўзлари. Шунинг учун бу ерда «бир қадаҳ май» бирикмаси «бир озгина ғамхўрлик, меҳр-оқибат» деб англашилган. Иккинчи байтда эса «бир қултум ерга тўк» нинг маъноси «мени билан ўргат» деганидир.

Лекин бу мажозий маъно тагида тасаввуфий маъно бор.

Бу ҳикоятнинг охирида Мавлавий шундай дейди:

قصه طوطی جان ز ينسان بود
از کسی کو محرم مرغان بود؟

Мазмуни:

Жон тўтисин қиссаси шундай бўлур

Қани ул кимсақим қушларга маҳрам бўлур?

Қафасдаги тўти бу инсон танасидаги руҳ. Бу руҳ ҳамиша ул маъна маконига жаннатга интилади. Юқорида келтирилган байтдаги «бир қултум май» оллоҳга муножотдир ва «илоҳий илҳом» маъносини англатмоқда. Шунга биноан юқорида келтирилган байт оллоҳга муножот қилиб «бир парвардигоро, бандангни ҳолини бироз ўйла ва унга бу қафасдан нозил топиш учун илҳом бер» деб талқин қилинади. Кейинги байтларда «май» ва унинг мутародифи «бода» ишлатилган.

۰۷/۶۰ اتافت نور صبح ما از نور تو
از صبحو حی با می منصور تو
باده تو چون چنین دارد مرا
باده چبود تا طرب آرد مرا
باده در جوشش گدای جوش ماست
چرخ در گردش اسیر هوش ماست
باده از ما مست شدنی ما از و
بالب از ما هست شدنی ما از و

Мазмуни:

Товланди тонг нуримиз сенинг нурингдан,

Тонгги хумор бостимиз зафарли майингдан.

Сен берганинг мени шундай [шод] этгач,

Бода нима бўптики менга қувонч келтирсин?

Бода жунбуши жунбушимиз гадоси,

Чарх айланишда асири ҳушимиз,

Бода биздан маст бўлгуси, биз ундан,

Қолиб биздан бор бўлгуси, биз ундан.

Бу байтларда Мавлавий ўзи мажозий май билан ҳақиқий (маъноий) майни қиёслаб, ўзининг ичадиган майи узумдан қилинган эмаслигини аниқ ифодалаган.

Биринчи байтдаги *می منصور* (ғолиб май) «илоҳий нур, билим нур», иккинчи байт ва кейинги байтдаги «бода» бу «маст қилувчи ичимлик» бўлиб «илоҳий нур» берадиган кайф олдида бу «бода» берадиган кайф ўта арзимасдир. Учинчи байтдаги «бода» (باده) сўзи маъноий маъноси «ичимлик» маъноси бўлиб, рамзий маънода «шавқ-завқ» белгисини ифодалаган. Яъни «бода»нинг «қайнаб-қайнаш»ни «инсон» даги «ишқдан шавқ-завқ»и кўзғалишига ташбиҳ қилиб, инсоннинг шавқ-завқ олдида боданинг қайнаши ҳеч нарсага эмас демоқчи.

Кейинги байтда бу фикр кучайтирилади. Бу байтда «жунбушга бермоқ» маъносини англатиб «биздаги ишқдан бода жунбушга берилди» демоқчи, иккинчи қисмида эса «биз ундан» дейилади, яъни «дил бодадан» демоқчи. Бу ўринда «эйҳом» санъати бор. Биринчи маъно «биз ичимликдан» деган маъно берса, иккинчи маъно «илоҳий ишқдан» деган маънони англатади.

Кейинги байтларда «май» рамзи янгича талқин беради:

آپ / ۱۰۵ زانکه احسان های ظاهر شاهد ند

بر محبت های سرای ار حمند

شاهدت گه راست باشد گه دروغ

مست گاهی از می و گاهی زدوغ

Маъмуни:

Итлаки ташқи эҳсонлар гувоҳдир,

Сирларига муҳаббатнинг эй азиз.

Гувоҳинг гоҳ рост бўлур гоҳ ёлғон,

Гоҳида маст майдан-у гоҳи айрон.

Бу байтдаги «май» рамзининг маъно белгиси «рост» ва «ёлғон» бўлишида яширин бўлиб, «май» бу ўринда «ҳақиқат» ва «айрон», «ёлғон ҳиссиёт» маъноларига ишорадир. Бу ўринда «май» нинг маъноий маъносига ишора бор.

«Май»нинг «ишқдан шавқ-завқ»ни «инсон» даги «ишқдан шавқ-завқ»и кўзғалишига ташбиҳ қилувчи нарса, токи илоҳий ҳақиқатлар аён бўлсин»¹²³. Айрон эса «маст қилувчи ичимлик эмас, айрондан маст бўлиш алдоқчи ҳиссиёт.

Кейинги байтда «май» рамзи яна бир маъно белгисини ифодалайди:

¹²³ شمیمسا، س. فرهنگ اشارات ادبیات فارسی. تهران ۱۳۷۷. ص ۷

۲۲۹/۱۱ در دل انگور می را دیده اند
فناى محض شى را دیده اند.

Мазмуни:

*Узумнинг заминида майни кўрдилар,
Мутлақ фанода шайни (нарса) кўрдилар.*

Бу байтда «май» рамзи юзаки қарашда «узумдан тайёрланган диган май» дан далолот беради. Лекин матндан кузатилган маъно бошқача: «имконий маҳсул» маъносини ифодаламоқда. Имом фаришталар узоқни кўра билиш хислатига эгалар, улар узумдан олиниши мумкин бўлган майни ҳам олдиндан кўра олади димоқчи. Шунга биноан бу байтдаги майнинг маъно белгиси «башорат» деб талқин қилинади.

Кейинги байтда «май» рамзининг фақат мажозий маъноси юзага чиққани

۲۴۲/۱۱ مستتى دارد ز گفتم خود و ليک
از بر وى تا بىمى راهى است نيک

Мазмуни:

*Ўз сўзидан мастдур у валеқ,
Ул кўксидан (дил) майгача анча йўл.*

Бу байтда гап риёкорлар ҳақида кетмоқда. Май сўзи бу ерда «соф ақид», «соф имон» маъносини ифодалаган. Чунки тақдир қилувчида «соф имон» бўлмайди, унда бирон нарса илинжида дунёда ҳам муайян манфаат топиш умидида имон келтиради.

Кейинги байтда «май» шундай ифодаланган:

۲۵۶/۱۰ صبح صادق را ز کائىب و اشناس
رنگ مى را باز دان از رنگ کاس

Мазмуни:

*Субҳи содиқни козибдан ажратгил,
Май рангини коса рангидан ажратгил.*

Бу байтда зоҳирда сўз муайян ранги бўлган табиий ичимлик ҳақида кетмоқда. Аслида «май» мажозий «хақиқат» ва «ёлғон» маъноларини ифодалаган.

۳۰۰/۱۶ او شناسد بوى مى كومى بخورد
چون نخورد او مى چه داند بوى كرد

Мазмуни:

*Кимки май ичса майнинг ҳидин билур,
Ҳимдган кимса майнинг ҳидин қайдан билур?*

Бу байтда Мавлавий табиий май ҳақида гапирмоқда, бу маънонинг белгилари «ҳид» «ичмоқ» сўзларидан англашилади. Аммо бу ўринда мавлавий «май» ни мажозий маънода «шахсий таъриба» сифатида қўллаган. Яъни агар инсон бир нарсани ўз кўзи билан кўрмаган таърибадан ўтказмаган бўлса уни ранги-бўйини билдан билади, демоқчи.

Кейинги байтда «май» рамзи шундай ифодаланади:

ما هم از مستان این می بوده ایم
عاشقان درگه وی بوده ایم

Мазмуни:

*Бил ҳам бу майнинг мастларидан бўлганмиз,
Унинг даргоҳи ошиқларидан бўлганмиз.*

Бу байтда «май»нинг мажозий маъноси яъни «оллоҳнинг шарафмати»дан бахрамандлик маъноси жо этилган. Кейинги байтда «май» рамзининг диний ақидаларга кўра маъноси акс этган:

۳۸۲ / ۱۰ جام می هستی شیخست ای فلیو
کاندرو اندر نگجد بول دیو
پر ومالا مال از نورحق است
جام تن بشکسته نور مطلق است

Мазмуни:

*Май жоми шайхнинг борлиғидир эй лақма,
Унда дев сийдиги жо бўлган деб ўйлама.
Тула у паймонадир ҳақ нуридан,
Тан жоми синган-у мутлақ нурдан.*

Бу байтда «май» рамзининг исломий қарашларга кўра иккита маъноси акс этган. Биринчи байтда мажозий маст қилувчи ичимликнинг сийдигига ўхшатиш, яъни «ҳаром» демоқчи. Чунки қуръони Каримда буюрилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رَجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوا
لَعَلَّكُمْ تَفْلَحُونَ {90} إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّ
عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَعَلَىٰ أَنْتُمْ مُنتَهُونَ (سورة المائدة) {90}

«Эй мўминлар, шароб ва қимор ва қуръа ташлаш ва фол кўриш шайтоннинг палид ишларидандир, ундан ўзингизни сақланг, шайтон нажот топсангиз. Негаки шайтон истайдики шароб ва қимор билан орилтириб ораларингизга кин ва душманлик ташласа сизларнинг худони ёд этишдан ва намоздан қайтарса, сизлар тортасизларми?»

Мана шу оятларга биноан мусулмонларга «май» ичиш маъноси қилинган. Иккинчи маъноси «шайх вужудининг май жоми» шарҳланган, яъни «ҳақ нуридан лиммо-лим» дея талқин қилинади.

Лекин Мавлавийнинг айтишича, агар инсон саломатлиги учун бўлса «май» пок бўлади.

۳۸۲/۵ در همهء خمخانه ها او می ننید
چونکه بود پر از عسل خم ننید

Мазмуни:

*Барча хумхоналарда у май кўрмади,
Май тўла хумлар асалга айланган эди.*

Бу байтда «май» рамзи «аччиқ там» маъносини ифодаламоқда. Чунки барча хумлардаги «май» «асал» га, яъни «аччиқ там» «ширин модда» га айланган эди.

Бу байтдаги «май» нинг иккинчи маъноси исломий дунёқараши билан боғлиқ бўлиб «май»-»ҳаром» нарса, «асал»- «ҳалол» нарсага айланган.

۴۰۶ / ۱ کوه طور اندر تجلی خلق یافت
۴۰۶ می نوشید و می را برتافت

Мазмуни:

*Тур тоғи тажалли аро топди томоқ
Токи май ичди истамас майдан бош тортмоқ.*

Бу байтдаги «май»нинг маъноси «Қуръон» даги «الجبَلُ جَعَلَهُ ذَاکَا وَخَرُّ مُوسَىٰ صَجًّا قَلَمًا تَجَلَّىٰ سُوْرَةُ الْاَعْرَافِ {143}

«Шу билан парвардигори тоққа тажалли қилгач, уни пирига парча қилди ва Мусо беҳуш йиқилди» оятига ишора бўлиб, бу ўринда «май» «илоҳий тажалли» деб изоҳланади.

۴۳۷/۱ گفت نی بادی جست از فرج وی
می شناسم همچنانک آبی ز می

*Деди: йўқ унинг ортидан чиққан ел фарқини
Билурман мен нақ сув билан май фарқини.*

Бу байтда «май» нинг маъноси сув билан қиёсий равишда ифодалаган. Шунинг учун «май» нинг маъно белгиси «муайян тамли модда» деб изоҳланади.

۳/ ۴۳۷ / مستی که آید ز بوی شاه فرد
صد خم می در سر و مغز آن نکرد

Мазмуни:

*Битиз подшоҳ ҳидидан келган мастликни,
Юз хум май бош-у мияга келтирмас.*

Бу байтдаги «май» оллоҳнинг қудратига қиёсланган бўлиб, ундаги иккаласининг орасидаги боғловчи маъно белгиси «кайф» маъно белгисидир. Яъни Оллоҳнинг ишқида шавқ-завқидан келиб чиққан «кайф»ни юз хум май ҳам бермайди демоқчи.

۱۱/ ۴۳۷ / مست می هشیار گردد از دبور
مست حق ناید بخود از نفع صور

Мазмуни:

*Майдан маст хушёр тортар тонг елидан,
Ҳақдан маст ҳушга келмас Исрофил карнайидан.*

Бу байтдаги «май»нинг биринчи мисрадаги маъно белгиси «хушёр тортмоқ» феълига боғлиқ бўлиб, «беҳушлик манбаи» маъно белгисини воқеалашган. Кейинги байтларда «май»нинг «маст бўлувчи ичимлик» сифатидаги хусусияти реаллашган:

۱۲/ ۴۳۹ / آنچهان مستی مباش ای بیخرد
که بعقل آید پشیمانی خورد
بلکه ز آن مستان که چون می می خوردند
عقل های پخته حسرت می برند
ای گرفته هم چو گریه موش پییر
گر از آن می شیر گیری شیر گیر

Мазмуни:

*У қндар маст бўлмагин эй бөөқл,
Ким сўнг пушаймонлик чекмасин асло.
Балки шул мастлардан бўл май ичса,
Пухта ақллар ундан ҳасрат чекса.
Эй сен тутган қари сичқон мушук каби,
Аспр ул майдан шер тутсанг шер тут.*

Бу байтлардаги «май»нинг луғавий маъно белгиси «ақл-хушдан кетиб қолувчи ичимлик». Бунга далил иккинчи мисрадаги «пухта ақллар ҳасрат чексин» жумласи. Лекин бу байтдаги «май»нинг мажозий маъно мавжуд бўлиб, бу «алдамчи туйғу» маъно белгисини ифодалаган, бунинг далили биринчи байт бўлиб, «унчалик алдамчи

туйғу» га берилиб кетма, чунки кейин пушаймон бўласан, домон
Охирги байтдаги «май» нинг маъно белгиси «маънавий қувват
манбаи» бўлиб, «агар бирон ишга бел боғласанг, шундай иш қил
у шон-шараф келтирсин, уят келтирмасин» демоқчи.

۱۱۰ فطره ای از باده های آسمان
۱۱۱ راز می وز ساقیان

Мазмуни:

*Осмон бодаларидан бир қатраси,
Тўлдирар жонни май-у соқийдан.*

Бу байтда «осмоний бода» билан «моддий май» ўртасидан
умумий маъно белгиси «эҳтирос» яъни «самовий нурдан бир тар
қалбингга тушса, сенинг барча эҳтиросларингни ўрнини босад
демоқчи.

۱۱۲ ان عرب بنهاد نام می مدام
۱۱۳ سزای نوبت میخور را مدام

Мазмуни:

*Шунингчун араб қўйди майнинг номин «мудом»,
Чунки тўйдим йўқ майхўрда мудом.*

Бу байтда «май»нинг маъно белгиси «мудом» билан изоҳлан
ди. «мудом» нинг бир маъноси «май», иккинчи маъноси «давомий
«доимий». Бу ўринда «май» инсондаги «ҳирс» нишонидир.
Инсондаги мол-мулкка, шахватга ҳирс ҳеч қачон тўймайди. Қачон
кўп бўлса шунча ортаверади.

۱۱۴ /۸ چون بیغزاید می توفیق را
۱۱۵ م می بشکنند ابریق را

Мазмуни:

*Тавфиқ майин [ҳаддан] оширса,
Май қуввати синдирар кўзани.*

Бу ўринда «май»-«ишқ шарораси», «ишқ ҳис-ҳаяжони» маъно
белгисини англатади. Бунга ишора иккинчи мисрадаги «кўзани
синдиради» бирикмаси бўлиб, бу бирикмада «кўза» инсон танасига
ташбиҳ қилинган. Яъни «ишқ ҳис-ҳаяжони ҳаддан ошса тан
қолипини яксон қилади» демоқчи. Бунинг шарҳи шуки, инсонда иш
ҳисси ғалаба қилса, тана (қолиб)нинг бошқа барча табиий
эҳтиёжларини бузиб издан чиқаради.

۱۱۶ /۹ کی توان نوشید این می زیر دست
۱۱۷ می بقیں مر مردم را رسوا گر است

Мазмуни:

Бу майни қандай ича олсин қарол,
Май эр кишин расво қилиши аниқ.

Бу байтда «май»нинг функционал маъноси «расволик манбаи»
сифатида, тасаввуфий маънода бу «бадномлик», яъни қабул қилинган
маъно ақлоқ қоидаларига риоя қилмаслиқдир.

۷۳۴ / ۵ حلمشان همچون شراب خوب نغز

نغز نغز ک بر رود بالای مغز

مست را بین ز ان شراب پر شکفت

همچو فرزین مست کز رفتن گرفت

مرد بر نا زان شراب زودگیر

در میان راه می افتد چو پیر

خاصه ان باده که از خم نبی است

نی می که مستی او یک شبی است

Мазмуни:

«юмшоқлиги ўта соф шароб каби,

сўп ёқимли кўтарилур мия сари.

Мастга қара ўша ажиб шаробдан

сўдди маст фарзандай қийиқ йўл солди

Тўз олувчи бу шаробдан ёш йигит,

Прим йўлда қарилардай тиз чўкар.

Мажозий маънода «пайғамбар хумидан олинган бода,

Мастлиги бир кунлик бўлган май эмас.

Тўртинчи байтдаги «шароб» нинг функционал маъноси «мияга ёқимли
сўпир қилади» бирикмасида очилган бўлиб, бу ўринда «маст қилувчи
«юмшоқлик» маъно белгиси реаллашган. Лекин бу ерда «حلم» «юмшоқлик»,
«маъноимлик» «шаробга» ташбиҳ қилиняпти. Шунинг учун бу ўринда
«юмшоқлик таъсир манбаи» маъно белгиси юзага чиққан. Тўртинчи байтдаги
«сўпир» нинг маъно белгиси «пайғамбар хумидаги» бирикмаси билан
«юмшоқлик» таъсир манбаи, бунда «бода» мажозий маънода «пайғамбар таълимоти»
таъсир манбаи сифатида таълимоти билан таъсир манбаи сифатида
«пайғамбар берган таълимотининг таъсир кучи бир кунлик эмас, балки
«пайғамбар берган таълимотининг таъсир кучи бир кунлик эмас, балки
«пайғамбар берган таълимотининг таъсир кучи бир кунлик эмас, балки
«пайғамбар берган таълимотининг таъсир кучи бир кунлик эмас, балки

۷۳۷ / ۱،۲ با خود از می بی ادب گردد تمام

با خود از می بی ادب گردد مدام

لیک اغلب چون بدند و ناپسند

بر همه می را محرم کرده اند

Мазмуни:

Одобли майдан бутунлай ҳушдан кетади,
Беадаб майдан ўзлигин намоён этади.
Лек кўпинча шундай писанд қилмаганичун
Ҳаммага майни ман этиб қўйдилар.

Бу байтда «май» нинг «эсдан оғдирувчи ичимлик» маънодаги белгиси ва иккинчи байтда «ман қилинган ичимлик» маънодаги белгилари луғавий маъноларидир. Лекин «май» бу ерда маънода маънода, яъни «кутилмаган бахт», «хушхабар», «илоҳий сирасордан воқиф бўлиш» маънолари яширин. Чунки тасаввуфий «ғойбдан келган сир-асрор» ни ҳаммага ошкор қилиши мумкин эмас. Мансур Халлож бу ишни қилгани учун бошидан жудо бўлди

۷۲۹ / زنده نی و مرده نی لا شی بود
زنده باشد نی عنب و نی می بود

Мазмуни:

На тирикмас, на ўликмас ҳеч нарсага арзимас,
Ғўрадур ул, на узум, на май бўлур.

Бу байтда луғавий маънода «май» «узумдан олинган ичимлик» лекин мажозий маънода бу «яроқсиз» (لا شی) га аппозицияда турган «яроқли» нарсадир.

۷۱۲ / جرعه می را خدا آن می دهد
بدان مست از دو عالم می رهد

Мазмуни:

Унга берар Худо қултум майини,
Ким ундан маст ҳар икки оламдан озод.

Бу байтда «май» нинг соф тасаввуфий маъноси рўёбга чиқарилиши бу маъно «خدا آن می دهد» (худо унга беради) бирикмасида яширин бўлиб, Худо бандасига дунёвий маънодаги «май» бермайди, балки «раббоний илм ва илҳом» беради. Бу ўринда «май» ни бошқарув талқинига имкон йўқ. Чунки бу «майдан маст киши иккала оламдан ғамидан озод» бўлади, яъни «илоҳий илм-у ирфон» дан воқиф бўлади. Шунинг учун бу байтда «май»-«ғайб илми» деб талқин қилинади.

۷۶۳ / پ۱ / هست می های شقاوت نفس را
ز ره بیرون برد آن نفس را
مست می های سعادت عقل را
بیاید منزل بی نقل را

Мазмуни:

Бундай шифонинг бадбахтлик майлари,
Ярим ул наҳсни йўлдан чиқарар.
Бундай ақлнинг саодат майлари,
Ярим кўчмас манзилни топар.

Бу байтлардаги *می شقاوت* (бадбахтлик майи) *می سعادت* (саодат майи) тинималарида битта маъно жо бўлган, бу «кўнгил хушлик», «ақллик» маъноси. Бу «хушҳоллик», иккинчиси «ақл бахтиёрлиги».

۷۶۲ / ۶/پ می شناسا هین بچش با احتیاط
تا میی یا بی منزه ز اختلاط
می شناسا هین بچش ای روتوش
آن می صافی کزان گردی خمش

Мазмуни:

Майни англа эй, эҳтиётла тати,
Токи аралашмаган майни топгайсан.
Токи ранги совуқ майни билиб тати,
Шундай соф майники ундан жим қолгайсан.

Бу байтларда зоҳирий маънода «табиий май» ҳақида сўз келиб чиқади. Лекин «Маснавийи-маънавий» да сўзлар ҳамиша тағйирлашиб бўлиб, бу ўринда «май» нинг сўфиёна маъноси «ақллик»дир. Бу билан Мавлавий «илоҳий ҳақиқат»ни назарда тутиб келибди. Бу маънога «аралашмаган тоза май», «соф май» тинималарида ишора қилинган.

۷۶۶ / ۷ این تکبر ز هر قائل دان که هست
از می پر زهر شد او گنج و مسبت
چون می پر زهر نوشت مدبری
از طرب یکدم بجمباند سری

Мазмуни:

Бу такаббур асли заҳри қотилдурур,
Бу оғули майдан бўлиб у маст аласт.
Бахти қаро оғули май ичган ҳамон,
Шодликдан бош силкитар уён-буён.

Бу байтларда «*می پر زهر*» («*ми*» заҳар тўла май) бирикмасида луғавий маънода «май»нинг «заҳарловчи модда» маъноси рўёбга чиққан, «*می*»нинг табиий хоссасига ишора бор. Лекин бунинг мажозий маъноси «оғули ғоя» яъни «залолатга бошловчи фикр» дир. Бунга «бу такаббур асли заҳри қотилдир» бирикмасида ишора бор.

۹۴۴ / خم های خسروانی پر زمی

از دم لب های وی

نقل می باشد آن بعید

معی لب های لعلش را ندید

Мазмуни:

*Май тўла подшоҳни хумлари,
Моя олмиш ул лаблари дамидан.
Ошиқидир ул хомхаёл майини,
Ким лаъли лабларин майин кўрмади.*

Биринчи байтда «*خم پر زمی*» (хум тўла май) аниқ «маст қиғуви ичимлик» маъносини ифодалаган. Лекин иккинчи мисрадаги «*дәм*» лаблари дамидан (сўзлари) моя олган жумласи бу «май» маъноси мажозий маъносига ишора қилади. Кейинги байтда бу маъно маънога «воқелиқдан узоқ», яъни «хомтамалик» маъно белгисини ифодалайди. Охири мисрада «*معی لب لعل*» (лаъли лаб майи) маъноси маънода «лаззат манбаи» маъносини англатади, лекин бу байтда «*алдамчи тамаъ*» маъноси англашилади. Бу байтлардаги «*من*» нинг тасаввуфий маъноси «*نفس اماره*» (шаҳвоний ҳирс, эҳтирос) бўлиб, орифлар наздида тубан ҳирсларга ружуъ ҳисобланади.

۹۴۴ / نقل پر نقل است و می پر می هلا

مداره رو بزن بالگ صلا

Мазмуни:

*Нуқл устига нуқл май устига май, эй!
Минорага чиқ, чақир баралла!*

Бу байтда «май» нинг ҳам луғавий маъноси ҳам маъно маънолари ифодаланган. Бу байтдаги «май» нинг маъноси маъноси «бахт манбаи», «май устига май» эса «кетма-кет бахт бахт-саодат» маъносини ифодалаган.

۹۷۱ / کی کند آن مست جز عدل و صواب

جام حق چشیده است او شراب

Мазмуни:

*Қачон қилгай ул маст адл-у савобдан бўлак,
Ким ул тотмиш ҳақ жомидан шароб.*

Бу байтда шароб сўзининг маъно белгиси тасаввуфий бўлиб «*ақли кул*» (мутлақ ақл) ҳақиқати деб талқин қилинади. «Жом», «шароб» бирикмалари фақат тасаввуфий маъно белгисига эга.

۲ / ۹۷۹ گونه گونه شربت و كوزه پكى
تائماند در مى غيبت شكى

Мини муни:

*Гушти туман шарбат-у кӯза бир,
Гушти ғайб майига қолмасин шаки.*

Бу байтда «май» нинг маъноси «ғайб» сўзи билан боғлиқ, бу маънода маънода эмас, тасаввуфий маънода ишлатилаётганига эътибор қилади. Шунинг учун бу ерда «май» нинг маъноси «илоҳий маъно» дегандир.

۸ / ۹۷۹ گفت صورت كوزه است و حسن مى
مى خدايم مى دهد از طرف وى

Мини муни:

*Нади кӯза сувратдир, ҳусн май,
Майини менга худо берар ўз идишидан.*

Бу байтда «май» тасаввуфий маънодаги «чирой», «гўзаллик», «қисмат» ақида-сиғинасига кўра «Оллоҳ ўз ҳуснига ошиқ бўлиб, ўзига қисматини жонзотни яратди» деган нақл бор.

۱ / ۱۰۸ فهم تو چون ياده شيطان بود
كى ترا فهم مى رحمان بود

Мини муни:

*Сени фаҳмингда бўлгач шайтон бодаси,
Сени нотиб фаҳм этгунг раҳмон бодаси.*

Бу байтда «шайтон бодаси», «раҳмон бодаси» га тазод санъати асосида қиёсланган ва фақат мажозий маъно касб қилган «шайтон бодаси», «алдамчи нафс», «раҳмон бодаси-ҳақиқат йўли» маъноларига эга.

۵ / ۱۱۴۶ ز ان ميبى ان مى چو نوشيده شود
اب نطق از گنگ جوشيده شود

Мини муни:

*Ун майдан ким ул май ичилса,
Унинг нутқ суви қайнаб чиқар.*

Бу байтдаги «май» нинг талқини «маънавий озуқа» деб талқин қилинади. Мавлавийнинг «Маснавийи маънавий» асарига «май» сўзининг маъно белгиларини таҳлили шуни кўрсатадики, «май» сўзи бу ерда бир шеърининг тимсол сифатида қўлланилган. Мавлавий «май» нинг маъно табиий ҳам мажозий ҳам тасаввуфий маъноларини қўллаб ўзининг тимсолий ва маънавий қарашларини баён қилган.

10-мавзу:

ДУНЁВИЙ АДАБИЁТ ВА ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДА МАЖОЗИЙ ТАСВИР ВА ТАЛҚИН

Дарснинг мақсади:

Дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиётини қиёслаш асарлари уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини очиб кўрсатиш, жумладан, Рудакий, Манучеҳрий ва Фаридиддин Аттор ижодидаги мажозий тасвир ва талқиннинг ўзига хос томонларига эътибор қаратиш, шу асосда талабаларни тасаввуф шеърятининг моҳиятидан хабардор қилиш.

Дарс режаси:

1. Дунёвий адабиётда мажозий тасвир.
2. Шеърят тили ва ирфоний тил: умумий ва фарқли жиҳатлар.
3. Фаридиддин Аттор ва унинг «Мантиқ ут-тайр» достони
4. Фаридиддин Аттор ижодида мажозий тасвир ва талқиннинг бирлашуви.

Таянч сўз ва иборалар:

Сўз орқали тасвир яратиш санъати, «аллегория», мажоз «метафора», дунёвий адабиётда мажозий тасвир, Рудакий қасидаси, «Модари май», ташбиб, боғбон, май-бола, май онаси (узум), Манучеҳрий Домғоний, мусаммат-қасида, «рабъи рағиб» (узумзор эгаси), кекса она (ток занги), ток қизлари (ток доналари), май тайёрлаш жараёни, воқеабанд ҳикоя, кувчи ва рамзий тимсоллар, мажозий ҳикоя, мажозий достон, адабиётнинг эстетик завқ бериш хусусияти, адабиётнинг инсон маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати, зоҳирий гўзаллик мазмуний теранлик, ижтимоий-ахлоқий мавзулар, моддий дунё чегаралари, ғайб олами, рамз ва ишоралар тили, сиддиқлар шайх шеърят тили, ирфоний тил, мажозий тасвир ва талқиннинг бирлашуви, «ҳақиқат тариқи»нинг йўлчиси, «булғанчилик» ирфоний шатҳиёт, футува (жавонмардлик), Е.Э. Бертелли «Мантиқ ут-тайр», Гарсин де Тасси, «Ситтайи Фаридиддин Аттор», «Ақлга хитоб», Худҳуд, «Дев», моддий ҳирсу ҳаваслар ўн икки тоифа қушлар, ҳукмдор танлаш, Сумург, йўл қийинчилиги

ибратли ҳикоялар, Шайх Санъон қиссаси, фидойи ва ботиний ишқ, насроний малика, «Лисон ут-тайр», ботиний соҳибқирол, зоҳирий мулоҳазалар, риндона исён, 7 водий (талаб, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано вақитлари), «Олий даргоҳ», «Иzzат човуши», «ҳожибии лутф», «қиссалик остонаси», «ҳашамат ва иззат курсилари», руқъа, «Қиссат пайғамбар ва унинг биродарлари, Олий мутлақ Борлиқ, «Қиссатлар», Поклик, фожеъ руҳ, умидсизлик кайфиятлари, инсон ҳақиқати Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлиги.

1 Дунёвий адабиётда мажозий тасвир

Қадамнинг маърузаларда Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи Маънавий» асари бадиий сўз маъно жилваларининг лингвопоэтик қисми жиҳатидан кўриб чиқилди. Энди эпик тасвирга хос сўз жиҳатли тасвир яратиш санъатини намоён этувчи воқеа қатлами асосида мажозий тасвир ва талқиннинг дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиётида қандай намоён бўлиши, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳақида суҳбатлашамиз.

Эпик шеърятнинг асосий хусусияти сўз орқали тасвир яратиш бўлиб, бунда ҳар бир сўз маъноларининг воқелик билан боғлиқ қисми хос жиҳатларидан унумли фойдаланилади. Буларнинг асоси мажоз тушунчаси билан у ёки бу даражада боғлиқ. Умуман асосида мажоз бир сўзнинг асл денотатив (воқеликдаги бирор нарса ҳодисани билдирувчи) маъносидан бошқа бир маънога яратиши бўлиб, тилда бу ҳодиса ҳар қадамда учрайди. Аммо Шарқ мажоз адабиётида мажоз сўзининг маънолари хилма-хил бўлиб, уларнинг кўпмаънолигини таъминлабгина қўяқолмай, воқелик тасвиридаги мажоз (Европа адабиётшунослигида «аллегория»), таъриқ ҳақиқатига муносабатдаги мажоз (буниси Европа поэтика асосидаги «метафора» тушунчасига ўхшаб кетади) каби маъноларнинг ишлатилиши мумкин. Биз қуйида бу атаманинг кейинги икки қисмида қўлланишига эътибор қаратамиз.

Фарс мумтоз шеърятда воқеликни акс эттиришнинг ифода қилиниши ривожда катта ютуқларга эришилди. Ана шу ютуқларнинг асоси мисолида дунёвий шеърятнинг тасаввуф адабиётига таъсири хусусида тўхталиб ўтиш мумкин бўлади.

Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг бизгача тўлиқ етиб келган икки қисмида бари «Қарилик қасидаси» бўлса, иккинчиси «Модари

май» (Майнинг онаси) қасидасидир. Иккинчи қасиданинг ташкили ва мазмунини қисми деярли тўлиғича узумдан шароб тайёрлаш жараёни тасвир қилиш асосида бадиий тасвирга бағишланган. Шеър шундай бошланади:

*Модари майро бикард бояд қурбон,
Бачайи уро гирифту кард ба зиндон.
Бачайи уро аз-у гирифт надони,
То-ш накуби нухуст-у з-у накаши жон.
Гарчи набошад ҳалол дур бикардан
Бачайи кучак зи шири модару пистон,
То нахўрад шир ҳафт маҳ ба тамоми
Аз сари Ўрдибиҳишт то бўни Обон.
Онгаҳ шояд зи рўйи дину раҳи дод
Бача ба зиндони тангу модар - қурбон...¹²⁴*

*(Майнинг онасини қурбон қилмоқ зарур,
Боласини ушлаб, зиндонбанд этмоқ зарур.
Аммо уриб-эзгилаб, жонини олмагунингча,
Ундан боласини ажратиб олиб бўлмас.
Агарчи эрта баҳордан то куз фаслигача,
Роса етти ой она сутига тўймагунича,
Мурғак болачани она кўксидан
Ажратиб олинса, ҳалол бўлмайди.
Ана ундан кейин онани – қурбон қилиб,
Болани тор зиндонга ташланса,
Ажаб эмас, шунда дину адолатга мос келса...)*

Қасида жуда машҳур бўлганлигидан унинг матнини тўлиқ келтириш ўлтирмаймиз. Фақат бундай мажозий (аллегорик) тасвир усулининг кейинги ривожини кўрсатиш учун XI аср биринчи ярми **Ғазнавий**нинг саройида таркиб топган форс тилидаги адабий мактабнинг номини эълон қилишимиз шай. Шунинг билан бирга, **Манучеҳрий Домғоний**нинг айни шу мавзудаги машҳур мусамматини ҳам кўздан кечириб ўтамиз. (**Манучеҳрий**нинг **мусаммат-қасидаси** ханузгача кўпчиликка маълум бўлмагани ва унинг мажозий тасвир маҳоратини намоён қилиш учун шеър мундарижидан оид иқтибосларни батафсилроқ келтиришни лозим топдик):

*Оби ангур биёред, ки Обонмоҳ аст,
Кор якрўя ба коми дили шоҳаншоҳ аст,*

¹²⁴ Посдорони сухан, Техрон, с. 28.

Вақти манзар шуду вақти назари хиргоҳ аст,
Дастии тобистон аз рӯи замин кутох аст,
Соби ангури хазониро хўрдангоҳ аст,
Ки кас имсол накардаст мар ўро талабе.

(Узум шарбатини келтиринг-ки Обон ойи кирмоқда,
Ниллар шоҳаншоҳнинг кўнгил хоҳишига мос келмоқда,
Кунларилочар давр келди, чодирга юзланадиган пайт келмоқда,
Унинг қуввати кетиб, кунлар қисқаришга бошламоқда,
Кундан узум шарбатидан ҳузурланиш навбати етмоқда
(Шу кунгача ҳали биров ундан тотиб кўриб улгурмади.)

Шоҳи ангури кўҳан духтаракон дод баса,
Ки на аз дард бинолиду на бар зад нафаса,
Ҳамиро зод ба як дафъа на пеше на пасе,
На варо қобилае буд на фарёдрасе,
Ничунин осон фарзанд назодаст касе,
Ки на дарде бигирифташ мутавотир на табе.

(Кас тоқ занги қатор қизчаларни дунёга келтирди,
Аммо на уни дард тутгани билинди, на овози чиқди,
Барча гўдаклари бир йўла туғилди, олдин-кетини бўлмади,
На унга биров доялик қилди, на тепасида меҳрибони бўлди,
Ҳали ҳеч ким бундай осонгина фарзанд кўрган эмас,
На тайинли азоб чеккани, на иситмаси чиққани сезилмади.)

Чун бизод он бачагонро сари ангушти дижам
Индар овехт ба рўда бачагонро ба шикам,
Бачагон зод мудаввар ҳама беқадду қадам,
Сиду си баччаеу андарзада ду даст ба ҳам.
Шу сар андар шикам ҳар як на бешу на кам,
На дар эшон ситухоне, на раге, на асабе.

(Дарра қайғу чекмай ул гўдакларни туғиб ташлагач,
Барчаси киндиги кесилмасдан қорнидан осилганича қолди,
Болачалар юм-юмалоқ, на қадди бор, на оғи,
Бир юзу ўттиз болача, барчаси қўлини қўлига берган,
Ҳар бирининг қорнида икки бошча на кўп эмас, на кам эмас,
Ҳеч бирида на суюги бор, на томири, на асаб толалари.)

Чун нигаҳ кард бад-он духтаракон модари пир,
Сабз буданд якояк чу сағиру чу кабир,
Кардашон модар бистар ҳама аз сабзҳарир,
На хуриш дод мар он баччакаконрову на шир,
На шағаб карданд мар он бачагонро, на нафир,
Бачайи гурсина диди, ки надорад шағабе?...

(Ул қизчаларига қари онаси назар солса,
Катта-ю кичик барчасининг ранги кўкимтир,
Барчасига онаси яшил барглардан жой солиб берди,
Ул мурғакларга на таом берди, на сут берди,
Болачалар ҳам на тўпалон қилади, на дод солади,
Ҳеч кўрганмисиз оч гўдакнинг дод солмай жим ётганини?..)¹²⁵

Шу жойдан воқеаларга боғбон (шоир «разбон», яъни «узумчи» эгаси) деб атайди) аралашади. «Бу гўдакларга онаси қарамаса, кўч бермаса, булар барчаси очидан ўлиб кетади-ку, қандок қипанган энди, ажаб иш бўлди-ку, мени девона қилади булар»- дейди у. Боғбон тезлик билан бориб сув очиб келади ва узумларни сувга бошлайди. «Агар буларга сут етказиб бера олмасам ҳам бўлмаса эрта-кеч сувини бериб туриш кўлимдан келади-ку, Аллоҳ бир натижа кўрсатар,» – дейди у ўзига-ўзи. Болачалар роса сўзи ичиб семиришади, тебраниб-тебраниб кўйишади-ю, тушадиган туришмайди, аста-секин чеҳраларига ранг кириб, тўлишади. Боғбон туну кун тепаларидан кетмай шаробу шарбат билан зиёда қилишда давом этади. Ўз-ўзига айтади: «Бу қизчалар менинг мулким, гўё жони-танзим, булар токи ток устида экан менинг меҳмон, узумзор – беҳишти фирдавсим, булар ундаги хурлар, устидаларида яшил совут.»

Бир куни боғбон отланиб шаҳар тушадиган бўлди, узумчи эшигини занжирлаб, кулф солди, биров кира олмайдиган қилди. Боғбон шу кетганича бир ҳафта шаҳарда қолиб кетди, қариндаси уруғникида меҳмон бўлди, аммо кўнгли-хаёли ток қизларида, оғир сабри чидамай, отини орқага бурди.

Узумзорига етиб келиб, эшиқдан кириб қараса, қизлар бари етилиб, юзлари доғ босиб қорайиб, баъзисини юзи қонталаш қилиб бошқалариники сомондек сарғайган, уятдан бошлари ҳам, лаблари нозли, қоринлари ҳомиладан дўппайган.

¹²⁵ Таржималар маъруза муаллифига тегишли.

Билбон қошлари чимирилиб, «Ло ҳавла ва ло қуввата илло
«лопоҳ» дуосини ўқиб, «мени не бало урди, буларга нима бўлди,
«қизчалар катта-ю кичик бари бир кечада ҳомиладор бўлиб, оғир
«қоҳга ботишипти-ку», - деб бўғилиб, Ток қизларига ўшқира
«шадди: «Ўзи кечагина онадан туғилган бўлсаларинг, ҳали
«қизчаларинг ҳам кесилмаган бўлса, оналаринг кўкрак тутмаган, сут
«маган, юзларингни ҳам юлмаган бўлса, ҳаммаларинг насли
«қизлардек ҳомиладор бўлиб ўтирсаларинг, менинг қилган
«қизчаларимга жавобларинг шу бўлдимиди? Ростини айтинглар, бу
«қоҳда йўқ ишлар қаердан бино бўлди, ким сизларни бу ҳолга
«қилди? Бу қандай бебоклигу бедодлигу бешармлик? Бунинг устига
«қизчаларинг, иккиталаринг, учталаринг, етмиш-саксонталаринг
«қизчаларинг шу аҳволга тушиб ўтирсаларинг», - деб уларни
«қоҳга тутди.

*Духтарони раз гуфтанд, ки «мо беғунаҳем,
Мо тани хеш ба дасти бани одам наниҳем,
Мо ҳама сарбасар обистани хуршеду маҳем,
Мо тавонем, ки аз халқи замон дур жаҳем,
Натавонем, ки аз моҳу ситора бираҳем,
То офтобу маҳамон суд надорад ҳарабе.*

*Ток қизлари жавобида айтишди-ки: «Бизда гуноҳ йўқ,
Биз ўз танимизга инсон зотини яқинлаштирганимиз йўқ,
Биз барчамиз ойу қуёшдан ҳомиладор бўлдик,
Биз олам аҳлидан ўзимизни олиб қочишимиз мумкин,
Аммо офтобу ойдан қандай беркинаимиз,
Офтобу ойдан қочган билан қутулиш имкони йўқ.)*

*Руз ҳар рўзе хуршед биёяд бари мо,
Ҳоштан барфиканад бар тани мову сари мо,
Чун шаб ояд, биравад хуршед аз маҳзари мо,
Моҳтоб ояду дархусбад дар бистари мо,
Пин ду тан дур нагарданд зи бому дари мо,
Никунад ҳеч кас ин беадабонро адабе.*

*Худонинг берган кун қуёш бизни тобласа,
Ўртадан кечгача устимиздан кетмаса,
Шом тушиб, қуёш тепамиздан кетгач,
Ой чиқиб келиб, кўрпамизга кириб олса,*

*Бу иккиси бизнинг тому дарчамизни ҳеч тинч қўймаса,
Бу беадабларнинг адабини бериб қўядиган ҳеч зот борми ўшунга!*

*Бачагонмон ҳама монандаи шамсу қамаранд,
3-он ки ҳамсирату ҳамсурати ҳар ду падаранд,
Тобноканд азеро ки ду улви гуҳаранд,
Бачагон-он банасабтар, ки аз ин боб гаранд,
Чеҳраву рангу руҳу одати обо сияранд,
Тўхматолуда нагарданд ба дигар сабабе»...*

*(Болаларимиз барчаси айни қуёшу ойнинг ўзгинаси,
Уларнинг сийрати ҳам суврати ҳам худди оталаридек,
Юзлари чарақлаб туриши сабаби ҳам ўшалар туфайли,
Болаларнинг насл-насаби, оталари ўшалар бўлгач,
Қиёфалари, ранги-рўйи, феъллари ҳам наслларига тортилади,
Бошқа сабаблар қидириб тўхматга қолишларига ўрин йўқ.)*

Ток қизлари шундай сўзлар билан ўзларини оқлашади, аммо болалар уларнинг сўзларига қаноат ҳосил қилмай, дейди: «Мен бундай сафсаталарга ишонмайман, токи барчаларингни ўткир пичоқ билан бошларингни таналарингдан жудо қилиб, қоринларингни ёриб, ушунга бошимни қонларингга бўяб, ўз кўзим билан бу харомибаччаларнинг оталари қуёш билан ойдан бошқа бир зот эмаслигига амин бўлмаганимча қўймайман. Агар улар ростдан ҳам юзлари нурли ой қуёш болалари бўлса, агар бошқа бир зотга алоқаси бўлмаса, уларнинг сўйган билан жонлари узилмайди, насл-насабига тортиб, юзларини чарақлаб тирилиб келаверади».

Боғбон шундай деб, келиб ток қизларининг барчасини қийратиб сўйиб ташлади, аммо улар бўғзидан бир томчи қон томмади, уларнинг бирортаси на оҳ чекмади, на типирчиламади, боғбон барчасининг лошини келтириб бир катта тоғорага солди, уларнинг устига чиқиб, ғазабини боса олмай, роса тепкилади. Ҳар бирининг терисини шипиштириб устихону жигарини обдон эзди, қонини сузиб олиб бир хумга жойлади. Хумнинг оғзини сирачлаб, маҳкам беркитди, устидан иссиқ бўлсин деган жун палос билан ўради. Куз ўтиб, қиш чиққунча беш-олти ой (Рабиъ, ун аввал, Рабиъ ус-соний, Жумодул-аввал, Жумоду ус-соний, Рамазон, Шабъон ойлари) шундай ташлаб қўйди. Баҳор келгач боғбон ҳукмдор каби кибр билан, қани баччаларнинг аҳволи нима бўлди экан деб, ўз кўзи билан кўришга келди. Юлдузларга қараб, туннинг учдан бири ўтган хумнинг оғзини очди. Қараса, тош хум ичида улар барчаси яхлит бўлиб

етишиб, осмондаги тўлин ой каби юзи яшнаб, шўълаланиб кўкка нур
сўб турарди.

Боғбон хулоса қилдики, «бу пари қизлар чиндан бегуноҳ
шарлар, дарҳақиқат, ҳомилалари қуёш ва ойдан эканлигига шубҳа
қолмади, юзлари қорайгани ҳам ою қуёш таъсиридан экан, энди
шарли қамоқ-қийноқдан озод қилиш пайти келипти, энди ўзим ҳам
шунинг бир базм тузиб яйрасам бўлар экан. Чангу рубоби билан
қамқонларни таклиф қилиб, гулу кабобу pista-бодомлар, мева-
шарлар билан дастурхон ясатиб, ушбу ёқутранг шаробнинг
таъминини бир тотинсам, гул жамолию кабоб ҳидидан ҳузур қилиб,
қайтирсам, «эй, дилга роҳат бахш этувчи гулгун қадаҳни келтиринг,
мен ул олийнажот, олийфазилатлар эгаси улуғ ҳукмдорни
қарашлаб ёд этайлик»...

Маълум бўлдики, **Рудакий қасидасида** май тайёрлаш жараёни-
нинг тасвири 18 байт (36 мисраъ) давом этган бўлса, **Манучеҳрий-
нинг мусамматида** токда эрта баҳор узум бошларининг пайдо
қилишидан то хумда шаробнинг етилишигача мажозий тасвир 23
байт (ҳар бир бандда 6 мисраъдан, жаъми 138 мисраъ) давомида
тафсил воқеабанд ҳикоя тарзида боғбон ва узум доналари
(бухтаракони раз) орасида бўлиб ўтган ҳаяжонли баҳслар ва
диалогик ҳолатлар баёни билан берилмоқда. **Рудакийда** асосий
тасмоллар фақат **май-бола** ва **унинг онаси-узум** (ток занги
қисми)дан иборат бўлса, **Манучеҳрий** тасвирида воқеа қатнашчи-
лари сафи кенгайиб, **кекса она** (ток занги), **унинг қизчалари** (**узум
доналари**), **боғбон** (**узумзор эгаси**), **қуёш**, **ой** ундаги тўлақонли
мажозий тасмолларга айланади. Демак, юқоридаги ҳолатлардан
қайлиб чиқиб, **Рудакий шеърини мажозий ҳикоя** деб фарз қилсак,
Манучеҳрий асарини кичикроқ **мажозий дostonга** тенглаштириш
мумкин.

Энди бир нарсага эътибор қаратайлик. Нега **VIII - XI асрлар**
давом минтақа адабиётини «дунёвий адабиёт» деб атадик?
Рудакий IX аср охири - X аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган.
Манучеҳрий ижоди **XI аср биринчи ярмига** тўғри келади. Ҳар икки
таъбир учун умумий бўлган бир мавзу баёнида қандай ривожланиш
ва берганини амалда кузатдик. Аммо ҳар икки шоир яратган
мажозий тасвир ортида **бир хил воқелик** туради. Одамни сархуш
қилиб, унга кайфият бахш этувчи майнинг қандай ҳосил бўлиши
қандай бир ифодалар билан тавсиф этилмоқда. Аммо бундан инсон
қарбисига қандай наф бор, ёки Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш
шунинг унга нечоғлиқ билим берилмоқда? Келтирилган тасвирларда

бадий адабиётнинг эстетик завқ бериш хусусияти кучли бўлган тарзда намоён бўлмоқда, лекин адабиётнинг иккинчи бир вазифаси – инсоннинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати очиқ-ойдин оқсаб турипти. Яъни шеърдаги зоҳирий гўзаллик мазмуний теранлик билан уйғунлашган эмас. Тасвирларда май – оддий маънодаги маст қилувчи ичимликдан ўзга нарса эмас. Бу деганимиз дунёвий адабиётда ижтимоий-ахлоқий манзурат тилга олинмаган деган маънони билдирмайди. Бу дунё адабиётининг дунёвийлиги шундаки, ундаги барча тасвир ва талқинлар моддий дунё чегараларидан ташқари чиқмайди, бу дунё шоирлари Аллоҳнинг ягоналиги, унинг илми ва қудрати чексизлиги, Халлоқи олам ва жами башарият Парвардигори (яъни йўқдан барча қилувчи, ризқ берувчи ва Ҳақ йўлида тарбият қилувчи) эканлигини билсалар ва тан олиб эътиқод қилсалар-да, ҳануз ғайб олам билан моддий олам орасидаги муносабатлар хусусида жиҳди тафаккурга берилиш уларга хос эмас. Чунки башариятнинг маънавий такомиллиги бир кунда, бир йилда, бир асрда амалга ошадиган ҳодиса эмас.

2. Шеърят тили ва ирфоний тил: умумий ва фарқли жиҳатлар

Одам атодан бошлаб барча пайғамбарлар ёлғиз Аллоҳни сиғинишга даъват этган бўлсалар ҳам, инсоният ўз адашувларидан осонликча қутулган эмас, Нуҳ (а.с.)га аксарият қавми қутулган эмас, Иброҳим (а.с.)га асосан ўз авлоди ва яқин қариндошларидангина эргашди, Мусо (а.с.) даъвати фақат яҳудий қавмига қаратилди, улар ҳам ҳар қадамдан йўлдан озиб турдилар, Исо (а.с.) бутун башариятни тенг кўрган бўлса-да унга астойдил эргашган ҳаворийлар санокли эътиқод эгаларидан иборат бўлдилар, улар тарқатган эътиқод тизими кейинчалик катта минтақага ёйилган пайтида турли ботил қарашлар билан қоришиб кетди. Муҳаммад (с.а.в.)га илоҳий калом бир йўла эмас, балки 23 йил давомида нозил бўлди. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, инсонлар илоҳий ҳақиқатни бирданига англаб олишлари қийин масала эканлигининг бунинг учун муайян даврлар ўтиши талаб қилинар экан. Шу сабабли тавҳид таълимотининг ислом минтақа халқлари томонидан мукаммал ўзлаштирилиши деярли 8-9 асрга чўзилиб кетди. Улардан биринчи босқичи Суннанинг шаклланиши (VIII – IX асрлар)

иккинчи муҳим босқич – **Ислом маърифатчилиги** (X- XI асрлар) даври бўлди. **Тасаввуф тариқатлари** ёхуд **ирфонийлик** эса улардан кейинги даврга (XII- XIII асрлар) тўғри келади. Иккинчалик суфийлар силсиласида тилга олинган **Ҳасан Басрий** (642-728) ва **Робия Адавия** (ваф. 752), суфийлик ҳол ва мукаммалари хусусида илк мулоҳазалар билдирган **Ҳорис Муҳосибий** (ваф.857) ва **Зуннун Мисрий** (ваф.859), **Боязид Бастомий** (ваф.874) ва **Саҳл Тустарий** (ваф.896) сингари улуғ зотлар ҳаёти Сунна ва шариъатида, илк тасаввуф назариётчилари **Абу Наср Саррож** (ваф.988), **Абу Толиб Маккий** (ваф.996), **Абу Бакр Калобозий** (ваф.999), **Абул Карим Қушайрий** (ваф.1072), **Абул Ҳасан Мушаррафий** (ваф.1077), **Абдуллоҳ Ансорий** (ваф.1077) кабилар эди. Ислом маърифатчилиги даврида кечган бўлса ҳам ҳануз бу даврларда ирфоний ғоялар муайян бир гуруҳлар доирасида қолган бўлиб, минтақа халқлари маънавий олами кенг қамраб олинган эмас эди.

Ушбу даврида **Ҳасан Басрий** илм ва тақвони уйғунлаштиришга, **Робия Адавия** эса тавҳид имони ва илоҳий ишқни бирлаштиришга қаратилган бўлсалар, ирфоний қарашлар ривожига фақат **Абу Ҳомид Гилолий** (ваф.1111)нинг умри охиригача келиб, улуғ аллома оламига мансуб **«Ихёи улум ад-дин»**, **«Кимёи саодат»** асарларидагина тасаввуф таълимоти имон ва илм билан мукаммал даражада уйғунлик ҳосил қилиб, **Ибн ал-Арабий**, **Ибн ал-Фарид**, **Фаридиддин Аттор**, **Жалолиддин Румий** каби буюк сиймоларнинг буюк мерослари яралишига замин ҳозирланди. Бу даврда шаклланиган ўндан ошиқ буюк тасаввуф тариқатлари бутун ислом минтақасини қамраб олишга эришди.

Суфийлик файласуфлик эмас. Тасаввуф тили мантиқий тафаккур тили эмас. Шу сабабдан «тасаввуф фалсафаси» ёки «фалсафий тасаввуф» деган тушунчалар тасаввуфнинг маънасидадан узоқ одамларнинг хаёлидагина шаклланиши мумкин. Тасаввуф ғайб олами билан иш кўради. Ғайб олами ҳақида эса илм ва мантиқ тили билан эмас, балки фақат **рамз ва ишоралар тили** билан гапириш мумкин. Шу сабабли тасаввуф тилини шоирлар ва муршият тилини суфийлар тушуниши осонроқ. Чунки уларнинг оқлига ёндошувлари деярли бир хил. Уларнинг ҳар иккиси учун ҳам **сулар оддий ҳарфлар ёки товушлар йиғиндисидан иборат** эмас, балки **ҳар бир сўз ўзи чексиз бир олам, маънолар, рамз ва ишоралар олами**. Шу маънода ҳар бир сўз шоир ёки суфий тилидаги рангин туйғулар туғёнини ифодаловчи рамзий бир

тимсол. Шу маънода шеърятни сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган туйғуларни сўз билан ифодалаш санъати таърифлаш мумкин.

Суфий ҳам аслида бир шоир. Унинг қалбидаги сирли тугёнлари на илм ва фалсафа тили, на оддий сўзлашув тили билан тушунтириб ёки баён қилиб бўлмайди. Фақат шоир дилидаги туйғулар ўзгарувчан, суфийнинг дил тугёнлари эса изчил на мақсад сари йўналгандир.

Суфий зуҳду ибодатга бериладими, зикру самоъ билан бўладими, важду ҳол даражасида бўладими - доим дилида мақсад билан яшайди. Алишер Навоий ҳақиқий суфийнинг қалбининг бу доимий ҳолатини «Маҳбуб ул-қулуб» асари иккинчи қисм «Ишқ зикрида» деб аталган 10-бобида шундай таърифлайди: «Учинчи қисм - **сиддиқлар ишқидурким**, алар **Ҳақиқат тажаллиёти жамолига мазохир воситасидин айру вола ва тағлулдурлар ва ул мушоҳада беҳудлиғида алардин шуур мисоли Шухудлари истиғроққа етган ва ул истиғроқдин истиғроқ мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авроридан учурса, аларга андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар соҳа совурса, аларга андин асар йўқ. Ҳавосслари нокор тажаллиёти жамоли садамотидин ва шавқлари номиқдор ишқ ҳужуми галаботидин. Анбиёйи мурсалин етгандин назарларин мақсудидин олмай ва малоика муқаррибин ўтгандин назарларин ул сари солмай...»¹²⁶**

(Насрий баён: «Учинчи қисм - **сиддиқлар ишқидурким**, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олий мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва унинг (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлиғида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул фарқ этган ва улар мафтун бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар. Агар ҳодисани бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учуриб кетса - улар беҳабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларнинг таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташқи...

¹²⁶ Алишер Навоӣ. Возлюбленный сердце. (Сводный текст). М.-Л., 1948, с.97. (Ушбу учинчи ишқ таърифи мустабид қарамлик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдирилган ва фақат араб ёзувида босилган ишқ нусхадагина мавжуд бўлган. Шу сабабга кўра асарнинг насрий баёнига кирмай қолган.)

ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ
мулклари остида йўқолиб битган...»¹²⁷

Демак, шеърият тили ва ирфоний тил бир нарсада
муаммоларга эга экан – улар ҳар иккиси ҳам рамзу ишоралар,
муаммолар тили билан сўзлайдилар. Шу нуқтаи назардан
ирфоний адабиётнинг тасаввуф адабиётига жуда катта
аҳамияти ва таъсири ҳақида гапириш мумкин¹²⁸. Айтиш
мумкинки, мумтоз шеърият кўмагисиз тасаввуф ўз моҳиятига
сўзсизлик тилни шакллантириши қийин бўларди. Аммо шу билан
бу шеърият мазмунининг теранлашувида унинг ирфоний
асослари билан бойитилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу
асосларнинг иккинчи томони эди.

1. Фаридиддин Аттор ва унинг «Мантиқ ум-тайр» достони

Урта асрлар Шарқ мумтоз шеъриятининг энг ёрқин
намуналаридан бири, буюк форс суфий шоири Фаридиддин Аттор
«Мантиқ ум-тайр» китобида айни шу мажозий тасвир ва талқиннинг бирлашуви
асосини бир тарзда намоён бўлди.

Шоир XII аср иккинчи ярми – XIII аср бошларида яшаб ижод
қилди. Бу давр ислом минтақа маданияти ривожига муайян
аҳамият юксалиш босқичининг тугай бошлаганидан нишонлар
асосини дастлабки сиёсий, ғоявий ва маданий инқироз унсурлари
асосини чиқа бошлаган замон эди. Салжуқийлар сулоласининг
инқирози, Ҳиндистондан Ғурийлар, Хоразмдан Абулмузаффар
Балғиш ва охириги Салжуқий султонларининг ўзаро талашлари,
қўриқса, туркманларнинг ғуз қабиласи босқинлари шоир ватани
Балғиш шаҳрини қатғиқ вайрон этди. Аттор умрининг сўнгги
даврига тўғри келган мўғул босқини буларнинг барчасидан ўтиб

¹²⁷ Бу мақолада бизнинг мақсадимиз тасаввуфнинг мазмун-моҳиятини
таърифил тушунтириш бўлмагани учун Навоий таърифларини юқоридаги
асосини баёндан ортиқ изоҳлаб ўтирмаймиз. Аслида аллома ишлатган ҳар бир
асосини моҳиятини очиш учун қанча-қанча саҳифаларни қоралаш зарур бўлар

¹²⁸ Тасаввуф адабиёти кенг маънодаги тушунча бўлиб, унинг турлари
Н. Назаровнинг «Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг
асосини-услубий хусусиятлари» китобида (Т., «Ўзбекистон миллий
энциклопедияси», 2007, с.11-26) батафсил таснифланган бўлиб, биз ўз
асосинида асосан эпик шеъриятга эътибор қаратдик.

тушди. Шоир асарларидаги чексиз алам билан йўғрилиш умидсизлик кайфиятининг объектив асослари ушбу тарихий инқироз вазияти билан изоҳланса, эҳтимол. У ўзининг бевоқуф туғилганини яхши билади, аммо барибир шундай фожиали шароитда ҳам юраги бахтга интиқ, ўзини интиланган Олий қудратдан нажот тилайди.

Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Хелмут Риттер, Абдулваҳоб Аъзам, Абдулҳусайн Зарринкуб, Маҳди Ҳомидий ва бошқа бир қатор хорижий Шарқ ва Ғарб олимлари унинг асарларида асосан ирфоний ғоялар ифодасини кўрадилар. Атроф ирфони алоҳида мавзу. Биз бу соҳадаги забардаст тадқиқотчи билдирган фикр ва хулосаларни жиддий қабул қиламиз ва унга билан бирор тарзда баҳсга киришувга ўзимизда журъат ва қўнғун сезмаймиз. Аммо Аттор аввало истеъдодли шоир, бадиий тафаккур эгаси. Шу нуқтаи назардан, биринчи галда унинг шеърини сатрлари остида яширинган буюк ижодкор шахснинг даражаси, қаттол замона зулмига қарши исёнкор руҳи, маълум халқ кўргуликларига куйиниши, энг муҳими, давр тарихий воқеликни кўйган мушкул ва бешафқат саволларга ўртаниб жангиз излашлари бизнинг диққатимизни тортади. Аттор тасаввур шоири, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «**ҳақиқат тарихи**»нинг йўлчиси. Аммо у ўз табиатига кўра тасаввур назариётчиси эмас, балки воқеликни бадиий идрок этувчи бадиий тимсолларда акс эттирувчи ҳассос шоирдир.

Аттор, дунёқарашига кўра, ўзини башариятдан, Борлиқдан айри кўрмайди, унингча инсон ва инсоният, барча жонзот ва бутун коинот бир бутун, яхлит. Шундай экан, атроф-жамиятдаги барча адолатсизлик, фасод, «булғанчлик» унинг назарида, ҳар бир инсонга, биринчи навбатда, шоирнинг ўзига, бевосита алоқадор. Бундай нуқтаи назар ўша даврдаги мураккаб сиёсий-ижтимоий воқелик ва унинг идроки даражасида инсон «нафси»ни, унинг моддийлигини, яъни унинг асл моҳиятига дахлдор жиҳатлардан мутлақо рад этиш кайфиятларини туғдириши табиий эди.

«Булғанчлик» манбаини моддий инсонга хос ҳирсу ҳаваслардан худбин интилишларда кўрган шоир, жўшиб кетганда, ўзининг эҳтиросли вужудини ҳам инкор этади. Мавжуд жамиятнинг булғанчилигига, фасод бойлаб кетганига тоқат эта олмаган шоир бутун башарият учун айбни ўз бўйнига олади.

Аттор идеали, унинг интиланган Ҳақиқати, аввало, Поклик тимсолида намоён бўлади. Унингча, Поклик Олий руҳий қудрат

нинг асосий сифатидир. Унинг тасавуридаги «Мутлақ пок борлиқ» деган давр ислом динига эътиқод этувчи кўпчилик тасавуридаги ҳақиқид тушунчасининг талқинидан фарқ қилади. Шоир **ирфоний** «Тўқибт жазабасида баъзан ҳатто барча диний китоблар, умумидан, Қуръон матнининг талқинларини ҳам Олий моҳиятни ташвишга тўсқинлик қилувчи бир парда деб ҳисоблаб, мунозаралар топинувчи санамларга қиёс этишдан қайтмайди. Шунинг билан расулларнинг сўзларини илоҳий калом билан мунозаралаштириш тамойилларини кескин қоралайди.

«Атторнинг худо ҳақидаги тасавури, — деб ёзади А.Муҳаммадхўжаев «Фаридиддин Атторнинг дунёқарши» китобида, — Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа кўпчилик Яқин ва Узоқ Шарқ мутафаккирларининг худо ҳақидаги тасавурларидан фарқи нима си билан фарқ қилмайди». Унинг тасавуридаги Олий пок борлиқ — барча моддий дунё ашёларининг ягона мутлақ моҳиятидан ажрат бўлиб, уни алоҳида кўриш ва тасаввур қилиш мумкин эмас:

*Жумла олам бе ту мибинам аён,
Па-з ту дар олам намибинам нишон.*¹²⁹

*(Барча оламни сенсиз аён кўриб турибман,
Па (бу) оламда сендан ҳеч бир нишона кўраётганим йўқ.)*

XIII аср тасаввуф шеърятининг бу буюк намояндаси, муқарримизда, ҳаётини мураккаб жараёнларни изчил ички мунозараларида олиб қарамайди. Ушбу хусусият унинг шеърларидаги умумий пессимистик руҳнинг кучли намоён бўлишига сабаб бўлган ва кейинги асрларда унинг ижодини турли руҳлар ўз мақсадлари йўлида турлича талқин этишларига мумкин берган.

Бу ўринда Аттор қўлғемаларига атайин «тузатишлар» киритиш, шеърининг исёнкорлик руҳини ошкор этиб қўювчи маълум сатрларни қайта қаратириш, кейинги асрларда «ижод қилинган» ўта тенденциоз

¹²⁹ А.Муҳаммадхўжаев ўз китобида Техрон нусхаси асосида ушбу байтнинг биринчи сатрини «жумлаи олам ба ту бинам аён» (Барча оламни сен туфайли аён кўриб турибман) шаклида келтиради. Бундай фарқлар яна бир марта Аттор асарлари матнига ёндошув ғоявий мақсадлардан холи эмаслигини кўрсатмайди.

«асарлар»ни шоирга нисбат бериш каби сохталаштиришнинг тушунмаслиги усуллари қўлланилган бўлиши мумкинлигини ҳам назардан ситқиб этиб бўлмайдики, ушбу ҳолатлар, биринчи навбатда, шоир меросида устида жиддий матншунослик тадқиқотларини талаб қилади.

А.Муҳаммадхўжаев ёзишича, шоир ўша даврларда шайхлар хунарманд доиралари орасида урф бўлган футувва (жавонмардлик, саховатпешалик, ўз манфаатларидан ўзганинг манфаатини устун қўйиш принципларига асосланган ўртоқлик жамоалари) таълимотининг тарафдори бўлган ва бу соҳада, ҳатто мақолада «Футувватномаи манзум» (Шеърӣй футувватнома) номли достон битган.¹³⁰ Бу достонда Аттор футувва аҳлининг 72 фазилатини таърифлаб беради, жумладан, ростгўйлик, аҳдга вафо, ўзгага холис ёрдамга доим тайёр туриш, бахти қайтган инсонларни бахтли этиш йўлида фидойилик каби ажойиб умуминсоний хислатлар ушбу таълимотнинг асосини ташкил этарди.

Албатта, Аттор ижодининг бутун моҳиятини жузъий кузатиш билан қамраб олишга уриниш бефойда. Унинг бой ва мураккаб бадиий олами кенг ва муфассал тадқиқотларни талаб қилади. Бизнинг асосий мақсадимиз Фаридиддин Аттор ижодининг муфассал тадқиқи эмас, балки унинг Алишер Навоий туфани ўзбек адабиёти ихлосмандлари орасида машҳур бўлган «Мантиқ ут-тайр» достони мазмуни ҳақида баъзи мулоҳазалар билдиришдир.

Маълумки, Шарқ адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси академик Е.Э. Бертельс 1928 йилда ёзилган «Навоий ва Аттор» асариде Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонини «Мантиқ ут-

¹³⁰ Тадқиқотчи бу достон ҳақида мукамал маълумот бермайди, аммо Атторнинг биринчи издоши, XIV асрда ижод қилган турк шоири Гулшаҳрий билан «Мантиқ ут-тайр» асари тўлиғича футувва ғояларини тартиб қилиш бағишланганлиги марҳум навоийшунос олим Ш.Шариповнинг «Лисон ут-тайр» генезиси ҳақида ёзилган асаридан китобхонга маълум. Аммо шу нарсани афсус билан қайд этмоқ керакки, ўзбек кенг китобхон аҳлига яқингача ҳам ахийли футувва, жавонмардлик жамоалари ва уларнинг фалсафий-социал асослари ҳақида етарли маълумот берувчи адабиёт йўқ эди ва ҳатто 14 томлик «Ўзбек совет энциклопедияси»да ҳам бу каби атамаларнинг шарҳи берилган эмас. Ваҳоланки, Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари ўшар даврида бу тушунчаларга алоҳида эътибор билан қарашган. Мустақиллик шарофати билан Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» рисолини Н.Комилов томонидан ўзбекчага ўгирилиб нашр этилганлиги бу соҳада катта ютуқ бўлди.

тар»нинг 1857 йилда француз шарқшуноси Гарсин де Тасси таърифлаган илмий-танқидий матнига қиёслаган эди. Биз француз таълимотининг жиддий меҳнатга жила бўлса ҳам ҳурматимизни қўйиб қўймаган ҳолда, Навоий даврига яқин қўлёзмани қидиришни доим кўрдик ва шундай қўлёзмани Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондидан топишга муваффақ бўлдик. Бу 813-инвентарь тартиб рақами остида наққоҳланган «Ситтайи Фаридиддин Аттор» (Фаридиддин Аттор таълимоти) номли ноёб қўлёзма экан. «Мантиқ ут-тайр»дан ташқари яна тўрт достон ва шоир девонини ўз ичига олган бу китоб баъзи маълумотларга кўра 1424 йилда Ҳирот шаҳрида таърифланган.

4. Фаридиддин Аттор ижодида мажозий тасвир ва таққиннинг бирлашуви.

Достоннинг асосий сюжетида 200 дан зиёд ҳикоят-тамсиллар ва тар иирик қисса киритилган. Аттор «тавҳид», «ҳамд», «наът» каби жанрлардан сўнг «Ақлга хитоб» сарлавҳаси остида Худҳудга мурожаат билан асосий мавзуга киришади:

*Марҳабо, эй Худҳуди ҳодийшуда,
Дарҳақиқат пайки ҳар водий шуда,
Эй ба сарҳадда Сабо ваъри ту хуш,
Бо Сулаймон «мантиқ ут-тайр»и ту хуш...*

*(Хуш келибсан, эй йўлбошловчи бўлиб етишган Худҳуд,
Ҳақиқатни билишда сен ҳар бир врдийдан хабар берувчи бўлиб етишидинг.*

*Сабо мамлакатига сенинг сайринг қутлуғ бўлсия,
Сулаймон билан кушлар тилида суҳбатинг қутлуғ бўлсин...)*

Бу сатрларнинг мажозий мазмуни жуда теран. Улар машҳур сюжетдаги Худҳуднинг Сулаймон пайгамбар билан Сабо мамлакатининг маликаси Билқис ўртасидаги элчилигига ишора қилимоқда. Бундан ташқари, Аттор Худҳуд тимсолида Ақлни кўрсатарда тутуди (Худҳуднинг бошидаги тожи бу рамзга ишора ва ақл инсон ҳис-туйғуларини етаклашда йўлбошловчи бўлиб етишгани, Ҳақиқатни англаб етишида инсон учун асосий восита

деб тан олингани таъкидланмоқда). У Сабо мамлакатига оламга сайр этади, Сулаймон, яъни Олий қудрат дарамти билан қушлар тилида суҳбат қура олади. Кейинги сатрлар унинг талқинни тўлиқ тасдиқлаш баробарида яна Атторминг асосий концепциясига китобхон диққатини қаратади:

*Девро дар банди зиндон боз дор,
То Сулаймонвор боши роздор.
Девро вақти ки дар зиндон кунӣ,
Бо Сулаймон қасди шодирвон кунӣ.*

*(Девни зиндонда банди этиб сақла,
Шундагина Сулаймон сингари (ҳақиқат) сирини англай оласан
Девни зиндонга қамагачгина,
Сулаймон билан шоҳ чодирда
суҳбат қуришни ўйласанг бўлади).*

«Дев» деганда Аттор яна инсоннинг моддий ҳирсу ҳавасларини назарда тутмоқда. Яъни, Инсон ақл қудрати билан моддий истакларини енгиб ўтгандагина, Олий ҳақиқатни англаш даражасига етиша олади, демоқчи.

Шу тартибда Аттор яна ўн икки турли тоифа қушларга мажбурий мурожаат қилади. Асар воқеалари қушларнинг йиғилиш ўзларига бир ҳукмдор танлаш ҳақида баҳсу мунозараларидан бошланади.

Шундан сўнг Худхуднинг қушлар жамоасига мурожаат берилади. Унинг сўзларидан маълум бўлишича, у ўз подшоҳини таниган, фақат ҳузурига танҳо йўлга чиқишга қудрати етмайдими. Лекин бошқа қушлар унга ҳамроҳлик қилишса, ул шоҳ ва ул ошро даргоҳга маҳрам бўлиш насиб этиши мумкин. Бу ошро ҳукмдорнинг номи Симурғдир. Қушларнинг саволларига жавобан Худхуд уни таъриф этади ва барчалари Симурғга етишиши орзусида йўлга отланадилар. Аттор асосий сюжетда эпик тасвирга кўп мойил эмас, унинг достонида ҳис-ҳаяжон, туйғулар тошқини кучли, эпик ҳикоя кўп ўрин-да жуда қисқа ва шартлидир. Масалан, қушларнинг Худхуд тарғиботи таъсирида йўлга отланишлари ва йўл қийинчиликлари атиги уч байтда мухтасар ифода этилган холос. Кейин яна қушлар ва Худхуд орасида баҳс-мунозара бошланиб кетади. Ҳар бир қуш йўл қийинчиликларидан зорланиб ўз аҳволини баён этиб, умумий мақсад йўлида интилишдан

туташга баҳона излай бошлайди. Худхуд эса уларнинг ҳар бир сўзига ўринли инкор жавоблари бериб, гапининг исботи учун ширатли ҳикоялар келтиради, уларни ўз интилишларида баитқадамликка ундайди.

Қушлар йўлбошловчидан Симурғнинг ўзларига нисбатан қандай сифатини суриштириб, шундай жавоб олишади:

*Сурати мурғони олам сар басар
Сонийи уст, ин бедон, эй бехабар.
Ин бедонисти, бубин онгаҳ бибош,
Чун бидонисти, макун он роз фош.*

*(Оламдаги барча қушларнинг сурати
Унинг соясидир, буни бил, эй, бехабар.
Бунни билдингми, қара, энди жим бўл,
Билган бўлсанг, ул сирни фош этма.)*

Аттор достонининг ўзак ҳикояти Шайх Санъон қиссасидир. Бу достон ичра дoston асарга қуйидаги сабаб билан киритилади. Қушлар барча узр ва саволларига мукамал жавоб олгач, «йўл бошқиятини» сўрайдилар, яъни Симурғ сари интилган йўлчидан савало қандай сифат талаб қилинишини билмоқчи бўладилар. Худхуд айтадики, бу йўлда асосий сифат фидойи ва беғаразликдир. Аттор қаҳрамони тилидан ишқни таъриф этар экан, ҳикоятда жўшиб кетади:

*Гир туро гўянд аз имон бар ой,
Па-р хитоб ояд туро к-аз жон бар ой,
Ту гаҳ инро ва гаҳ онро бар фишон,
Тарки имон гиру жонро бар фишон.
Сангар и гўянд ки ин бас сангар аст,
Ишқ гў аз куфру имон бартар аст.
Ишқро бо куфру бо имон чи кор,
Ишиқонро лаҳзае бо жон чи кор!*

*(Агар сенга имондан кеч деб айтишса,
Агар «жондан кеч» деб хитоб янгараса,
Сон дарҳол бунисидан ҳам, унисидан ҳам воз кечиб қўй,
Имонни тарк этгину, жондан юз ўгир.
Ту тўсиқ (яъни куфр ва имон орасидаги тўсиқ) жуда маҳкам
олишади,*

*Айтгинки, ишқ куфр ва имон (аро зиддият)дан юксакроқдир
Муҳаббатнинг куфру имон билан қанчалик иши бор?!
Ошиқларнинг бирор лаҳза жон билан ишлари борми?!)*

Шоир қалбидан тошиб келган бу эҳтиросли хитоблар тасаввуф маънавиятининг юксак парвозларидир. Мурад Алишерни ўз сеҳрига чулғаган, унинг истеъдодига чўғ туташтириш худди шу сатрлар бўлса, не ажаб! Ушбу чақмоқли мисралар давомида баён эталган қисса ҳам «Мантиқ ут-тайр» достонининг авж пардаларини ташкил этади.

Каъбада эллик йил улуғ шайх бўлмиш Санъон тушида пайнаслоний маликани кўриб севиб қолгани ва барча обрў рутбаларидан кечиб, ўша тарсобачча санамнинг йулуғ борлигини, дину имонини бағишлагани ҳақидаги ҳаяжонли Жавоид яратган драма ҳам кўп театрлар сахнасида кўрсатилган. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонида воқеанинг асосий мазмунини мукаммал гавдалантириб берган. Шу сабабли биз достон мазмунини такрорлаб ўтирмай, фақат баъзи жиҳатларини эътибор қаратамиз.

Аттор ўз достонини:

*Шайх Санъон сирри аҳди хеш буд,
Дар камолаш ҳар чи гўям беш буд –*

*Шайх Санъон ўз даврининг сирри эди,
Камолоти, ҳар қанча таъриф этмай, ундан юқорироқ эди)*

деб бошлайди. Бу сўзлар бутун қисса мазмунига калитди. Дарҳақиқат, эллик йил Каъбада шайх бўлган, эллик марта шартларини бажарган ислом динининг пешвоси аллақандай бир тарсо қизига хобида ошиқ бўлиб, ҳамма мартаба имтиёзларидан, орттирган обрўсидан воз кечиб йўлга чиқиши ва охир натижада тарсо қиз висолига етмоқ учун исломдан имондан кечиб, ўзга динга ўтмоғи, унинг учун энг табарруқ китоб «Қуръон»ни ўтга ёқиб, исломда энг ҳаром жонзот ҳисобланган чўчқаларни парвариш қилишга рози бўлмоқлиги – булар асло ҳирс ҳавас тугёнининг белгиси бўла олмас эди. Унинг маънавий камолотини таъкидланиши ҳам бунга далолатдир. Атроф ирфонида Ҳақиқат ишқи, Навоий талқинидаги Мансур Халӣ

қилганидек, дунёдаги барча мазҳаб намояндаларини қамраб олиши мумкин бўлган умумий бир эътиқод сифатида қўллаш мумкин. Шу сабабли бўлса керак, Рум гўзалига ошиқ бўлиб, ўзлигидан буткул воз кечган шайхни ўз асарига марказий ҳолатда қилиб олади.

Аmmo XII асрда ҳануз шайх Санъон жасорати, маълум ҳолатда, Атторнинг ўзи учун ҳам сир эди. Балким, шу сабабли Аттор форс тасаввуф шоири ўз ғояларининг ҳимоясида изчил бўла олди, унинг зиддиятли тафаккури доимо «ишқ» ва «имон» ҳолатида тараққий қилди. У ўз қаҳрамонини юрак билан ёқлайди, юрак билан қоралайди, ботиний эҳтирос билан кўкка кўтарайди, шайхнинг мулоҳазалар билан ерга уради. Румдаги дайрда тарсо шоирнинг шоир томонидан ички ҳавас билан муфассал таъриф қилини сулув жамолини кўргач –

*Шайх имон дод, тарсоий харид,
Оқибат бифрухт, расвоий харид.*

*(Шайх имонини қўлдан бериб, тарсоликни сотиб олди,
Котжак дунёсини сотиб, расволикни олди.)*

Аттор қиссасини бошлашдан бурун –

*Ишқро дарди бебояд пардасўз,
Гоҳ жонро пардадар, гаҳ пардадўз, –*

*(Ишқ дарди пардани куйдирувчи бўлиши,
Гоҳ жон пардасини йиртувчи, гоҳ тикувчи бўлиши лозим.)*

доган эди. Бу сатрлар мазмуни шоирнинг ўзига тамомила қўйилган эди. Шайхнинг инсонлар орасидаги барча зоҳирий ҳолатларни куйдирувчи алангали муҳаббати Аттор дилидан қўйилган эди, шайх Санъоннинг ўтли нидалари орқали Ошиқ шоир ўзи «пардани йиртиб чиқиб», дил дардларини тўкиб солади ва яна қаҳрамон эҳтиросларини парда қилиб ўзини қамраб олади.

Қисса бошида ишқни имондан юқори қўйган шоир яқунлашда «ишқ» қўшлар Санъон ишқини фақат бир тамсил, «ҳақиқий ишқ» (имонга ишқ) йўлида рамз (аллегория) деб қабул қилганларига шора қилади, яъни бадий тафаккур даражасида замона

*Айтгинки, ишқ куфр ва имон (аро зиддият)дан юксақроқдир
Муҳаббатнинг куфру имон билан қанчалик иши бор?!
Ошиқларнинг бирор лаҳза жон билан ишлари борми ?!)*

Шоир қалбидан тошиб келган бу эҳтиросли хитоблар тасаввуф маънавиятининг юксак парвозларидир. Мураккаб Алишерни ўз сеҳрига чулғанган, унинг истеъдодига чўл туташтириб худди шу сатрлар бўлса, не ажаб! Ушбу чақмоқли мисралар давомида баён этилган қисса ҳам «Мантиқ ут-тайр» достонининг авж пардаларини ташкил этади.

Каъбада эллик йил улуғ шайх бўлмиш Санъон тушида бундан насроний маликани кўриб севиб қолгани ва барча обрў рутбаларидан кечиб, ўша тарсобачча санамнинг йўлига борлигини, дину имонини бағишлагани ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя ўқувчига яхши маълум, бу ҳақда озар шоири Ҳусайн Жамал яратган драма ҳам кўп театрлар сахнасида кўрсатилган. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонида воқеанинг асосий мазмунини мукаммал гавдалантириб берган. Шу сабабли биз достон мазмунини такрорлаб ўтирмай, фақат баъзи жиҳатларини эътибор қаратамиз.

Аттор ўз достонини:

*Шайх Санъон сирри аҳди хеш буд,
Дар камолаш ҳар чи гўям беш буд –*

*Шайх Санъон ўз даврининг сирри эди,
Камолоти, ҳар қанча таъриф этмай, ундан юқорироқ эди)*

деб бошлайди. Бу сўзлар бутун қисса мазмунига калитдир. Дарҳақиқат, эллик йил Каъбада шайх бўлган, эллик марта қиз шартларини бажарган ислом динининг пешвоси аллақандай бир тарсо қизига хобида ошиқ бўлиб, ҳамма мартаба ва имтиёзларидан, орттирган обрўсидан воз кечиб йўлга чиқиши ва охир натижада тарсо қиз висолига етмоқ учун исломдан имондан кечиб, ўзга динга ўтмоғи, унинг учун энг табарруқ китоб «Қуръон»ни ўтга ёқиб, исломда энг ҳаром жонзот ҳисобланган чўчқаларни парвариш қилишга рози бўлмоқлиги – булар асло ҳирс ҳавас туғёнининг белгиси бўла олмас эди. Унинг маънавий камолотини таъкидланиши ҳам бунга далолатдир. Аттор ирфонидида Ҳақиқат ишқи, Навоий талқинидаги Мансур Халлиқ

қилганидек, дунёдаги барча мазҳаб намояндаларини қишлоққа олиши мумкин бўлган умумий бир эътиқод сифатида қишлоқ эдиларди. Шу сабабли бўлса керак, Рум гўзалига ошиқ бўлиб, ўзлигидан буткул воз кечган шайхни ўз асарига марказий қаҳрамон қилиб олади.

Аммо XII асрда ҳануз шайх Санъон жасорати, маълум қисмда, Атторнинг ўзи учун ҳам сир эди. Балким, шу сабабли Аттор форс тасаввуф шоири ўз ғояларининг ҳимоясида изчил бўла олди, унинг зиддиятли тафаккури доимо «ишқ» ва «имон» қисмида тараддудда турди. У ўз қаҳрамонини юрак билан ёқлайди, юрак билан қоралайди, ботиний эҳтирос билан кўкка кўтаради, зоҳирий мулоҳазалар билан ерга уради. Румдаги дайрда тарсо шоирнинг шоир томонидан ички ҳавас билан муфассал таъриф қилинган сулув жамолини кўргач –

*Шайх имон дод, тарсоий харид,
Оқибат бифрухт, расвоий харид.*

*(Шайх имонини қўлдан бериб, тарсоликни сотиб олди,
Қолажак дунёсини сотиб, расволикни олди.)*

Аттор қиссасини бошлашдан бурун –

*Ишқро дарди бебояд пардасўз,
Гоҳ жонро пардадар, гоҳ пардадўз, –*

*(Ишқ дарди пардани куйдирувчи бўлиши,
Гоҳ жон пардасини йиртувчи, гоҳ тикувчи бўлиши лозим.)*

қоғоз эди. Бу сатрлар мазмуни шоирнинг ўзига тамомилан янги дордир. Шайхнинг инсонлар орасидаги барча зоҳирий муноқишаларни куйдирувчи алангали муҳаббати Аттор дилидан янги кунлангандир, шайх Санъоннинг ўттиз нидолари орқали Ошиқ шоир ўзи «пардани йиртиб чиқиб», дил дардларини тўкиб солади ва яна қаҳрамон эҳтиросларини парда қилиб ўзини кўрсатайди.

Қисса бошида ишқни имондан юқори қўйган шоир якунлашда янги кушлар Санъон ишқини фақат бир тамсил, «ҳақиқий ишқ» (имурғ ишқи) йўлида рамз (аллегория) деб қабул қилганларига шайх ширра қилади, яъни бадий тафаккур даражасида замона

ақидаларига риндона исён кўтарган ҳолда, суфий сифатида мўътадилликни сақлаб қолади.

Қушлар бир муддат олға парвоз этиб, йўлнинг поёнига машаққатларидан толиқадилар ва яна Худҳуд билан ораларига баҳс бошланади. Қисқаси, то тариқат водийлари шаррига ўтилгунча (тақрибан 1,5 минг байт давомида) ўн бешга кушнинг Худҳуд билан савол-жавоби берилади. Ҳар бир жавобдан неча ҳикоят орқали далилланади.

Охириги қисм водийларга бағишланган. Йўлбошчи Худҳуд навбатдаги қушнинг саволига жавобан аввал 7 водий (талаб, ишқ маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано водийларининг номма-ном санаб, сўнг ҳар бирини алоҳида васф этади ва ҳар сафар 5-6 ҳикоят билан тавсифни муайянлаштиради.

Асар охирида минг машаққат ичра ҳудудсиз йўл босиб кўпчилиги сафар давомида қолиб кетган қушларнинг жуда кўп қисми Шайх Санъон қиссасидир фидойи ва беғараз ишқнасонини маликани к»Лисон ут-тайр» ботиний эҳтирос билан кўкка кўтаргани зоҳирий мулоҳазалар риндона исён 7 водий (талаб, ишқ маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано водийларининг «ул Олий даргоҳ»га етиб борадилар:

*Олами пур мурғ мибурданд роҳ,
Беш нарасиданд си он жойигоҳ.*

*(Улар йўлга тушганда бир олам қуш эдилар,
Ул даргоҳга ўттиздан ортиғи етиб келмади.)*

Аммо улар етиб келган жой жуда маҳобатли бўлиб, бунда минглаб офтоб бир зарра каби арзимас туюларди. Ожиз ва бенаво ўттиз қуш қалбини яна кўрқинч ва умидсизлик қоплайди.

*Қай падид оем мо ин жойигоҳ,
Эй дариғо, ранжбурди мо зи роҳ...*

*(Биз бу даргоҳда қандай ҳам кўзга ташлана олар эдик,
Эҳ, афсус, шунча йўл босиб тортган азоб-укубатларимиз...)*

Қушлар шундай тараддуд ичра турганларида парда ортидан «Иттизовуши» (худайчиси) чиқиб келиб, улардан нега келганликларини сўрайди. Қушлар ўз аҳволларини баён этиб, биз шунча йўл босиб, дунё чекиб, Симуруғдан бизга подшоҳ бўлишини илтимое қилиб келдик.

ишлади. Човуш жавоб қиладики, «агар сизлар жаҳонда бўлсангиз ҳам, умидсангиз ҳам у мутлоқ ва абадий подшоҳдир».

«Иззат човуши»нинг бу хитобига жавоб сифатида Аггор қирона ва шам ҳақида ҳикоят келтириб, қушлар кайфиятини таъбир билан асосида изҳор этади. Шу пайт умидсизликка тушган йўлчилар қиёсида «ҳожибии лутф» (мурувват дарвозабони) пайдо бўлиб, улар олдидаги пардаларни бирма-бир кўтаради ва уларни бир вақтда парда қаршисига етказиб, «яқинлик остонаси»да «ҳашамат ва иззат курсилари»га ўтказгач, қўлларига бир руқъа (хат битилган китоб) бериб, шуни охиригача ўқинглар, дейди.

Шоир шу ўринда Юсуф пайғамбар ва унинг биродарлари ҳақидаги ҳикоятни тамсил сифатида келтиради. Маълумки, отасининг сеvimли қизига ўғли бўлмиш гўзал Юсуфни биродарлари рашк қилиб, саҳрода қўриқ қудуққа элтиб ташлашган, сўнг савдогарга қўл қилиб сотишган ва унинг кўйлагини қонга бўяб, йиртқичлар еб кетди, деб отасига хабар келтиришган эди. Орадан кўп ҳодисалар ўтиб, Юсуф тақдир тақозоси, отасининг соф кўнглилиги ва ақл-идроқи туфайли Миср азизи даражасига кўтарилди. Юртда қаҳатчилик бошланиб, очликдан қийналган акалари ўз биродарларини танимай, олдига нон сўраб келишади. Юсуф уларга айтиди-ки, «менда бир яхудий тилида битилган ёзув бор, ҳеч ким уни ўқий олмайди, агар сизлар шуни ўқийсиз ёрдам берсаларингиз, сизга қанча муомала нон бераман» (Юсуф ва акалари, ривоятдан маълумки, яхудий қўриқчилар. Мисрнинг ўша даврдаги аҳолиси эса бошқа, аниқроғи, қиёсий тилида сўзлашар эдилар). Биродарлар шодмон бўлишиб, «хатни келтири», дейишади. Юсуф хат ўрнига биродарлари олдига ўзининг қонли қўйлагини келтириб ташлайди...

Ҳикоят ниҳоятда ибратлидир. Атторнинг юрагидаги бутун оғриқ ва ташвиш бир карра шу тимсол орқали ярқ этиб юзага уради, шоир асосан инсониятини қайта-қайта таъкид этади:

*Чун нигоҳ карданд он си мурғи зор
Дар хати он руқъаи пурэътибор,
Ҳар чи ишон карда буданд он ҳама,
Буд карда нақши он тобон ҳама.
Он ҳама худ буд сахт, он буд лек,
К-он асирон чун ниғаҳ карданд нек,
Рифта буданду тариқе сохта,
Юсуфи худро ба чоҳ андохта,
Жони Юсуфро ба хори сўхта,
В-онғаҳ уро бар сари бифрухта.*

(Ул бенора ўттиз қуш эътиборга сазовор номадаги
Ёзувга нигоҳ ташлагач, (кўришдики)
Улар ҳаётларида нимаики иш қилган бўлсалар, барчаси
Ушбу (ёзув)да равшан акс этган эди.
У барчаси жуда оғир эди, лекин ул асирлар яхшилаб
Назар ташлашса, айни ўша қилмишлари эди,
Яъни улар ўзларига бир йўналиш олиб йўл босишган,
Аммо (йўл бошидаёқ) ўз Юсуфларини чоҳга ташлаб юбориш
эдилар.

Юсуфнинг жонини хорлик билан куйдиришган,
Ва уни бир бегонага сотиб юборишган эди).

Аттор жўшиб кетиб хитоб қилади:

Минадони ту – гадои ҳеч кас,
Мифуруши Юсуфи дар ҳар нафас.
Юсуфат чун подшоҳ хоҳад шудан,
Пешгоҳу пешво хоҳад шудан,
Ту ба охир ҳам гадо, ҳам гўрисна,
Пеши у хоҳи шудан тан бараҳна.

(Сен – ҳеч ким бўлмаган гадо, ўзинг билмай –
Ҳар нафасда бир Юсуфингни сотасан,
Юсуфинг подшоҳ бўлиб етишганда эса,
Олий зот ва етакчига айланганда эса,
Ўзинг охир-натижада ҳам гадо, ҳам оч ҳолатда
Яланғоч тана билан унинг олдига (тиланиб борасан).

Қушлар бундай қиёсдан шарманда ва уят ичра қолиб, бундай
йўқликка чўмдилар ва танлари тўтиёга айланди. Шундан сўнг улар
буткул покланиб, янгидан жон пайдо қилдилар.

Чун нигоҳ карданд он си мурғ зуд,
Бешак он Симурғ он си мурғ буд.

(Ул ўттиз қуш тезлик билан нигоҳ ташласа,
Шак-шубҳасиз ул Симурғ ўша ўттиз қушнинг ўзи эди.)
Қушлар барчаси ҳайратдан бошлари қотади, «бу» қандай қилиб
«у» бўлиб қолганини тушуна олишмайди. Ўзларига қарашса, «бу»

мурғ» (ўтгиз қуш), Симурғга боқишса, яна «си мурғ»нинг ўзи. Улар «иттиз» (безабон) ул Олий даргоҳга савол қилишади, у ердан ҳам «безабон» жавоб келади:

*К ойинаст ин ҳазрати чун офтоб,
ҳар ки ояд хешро бинад дар у,
Жону тан ҳам жону тан бинад дар у.
Мун шумо си мурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чиҳил, панжоҳ мурғ оянд боз,
Пардари аз хеш бегушоянд боз.
Гарчи бисёри ба сар гардидаид,
Хеш мибиниду худро дидаид.
Ҳеч касро дида бар мо кай расад.
Чиними мўри бар сурайё кай расад.
Дидайи мўри ке сандон бар гирифт,
Паниша кай фили ба дандон дар гирифт...*

*(...Бу офтоб каби (чарақлаган) даргоҳ кўзгудир,
Унда ҳар ким келса ўзини кўради,
Жон ва тан ҳам унда жон ва танни кўради.
Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриндиларинг,
Агар бошқа сафар қирқта ё элликта қуш келса,
Мун ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар.
Агарчи кўп нарсаларни бошдан кечирган бўлсаларинг ҳам,
Уларингни кўриб келдиларинг ва ўзларингни кўриб турибсизлар.
(Сиз каби) ҳеч ким бўлганлар нигоҳи бизга қачон етарди,
Чумоли кўзи билан сандонни яхлит кўриб бўладими ?
Паниша филни тишида бутун тишлай оладими?..)*

Шоир хулосасидан шуни англаш мумкинки, аввало Олий мунтақ Борлиқ ўзга нарса, унга интилувчи «толиблар» — ўзга; инверса, камолот йўлининг охирида ҳам улар ўз аксларини, ўз келмиш-қидирмишларинигина кўрадилар, фақат улар ўз «кўсуф»ларини олдиндан чоҳга ташламасликлари маъқул, яъни агариммо ўз сийратларини пок сақлаб қолишга уринмоқлари, бўлганчликка берилмасликлари лозим. Асар бошида айтилган ҳиманики излаётган бўлсанг, нимагаки интилаётган бўлсанг, ўша сени ўзингсан, ўзингни англа, яна юз маротаба ўзингни англа»

деб қилинган хитобнинг маъноси ҳам шу, яъни инсондаги Илоҳи
ундаги Олий зот нишонасидир, деган ақида. Шоир ғояларининг
ижобий руҳи шунда. Аммо, кўриб ўтганимиздек, бу ижобий
ният Атгорда изчил эмас. У бани башарнинг моддий
чегарасида ўз поклигини сақлаб қола билишига ишончидан
билан қарайди.

Атгорнинг ирфоний қарашларида ўшд таҳликали замонлардаги
адолатсизлик, ижтимоий нотўқисликлардан қониқмаслик
норизолик кайфияти намоён бўлди, аммо бу кайфият, объектив
олганда, умидсизлик, моддий инсоннинг маънавий қудратининг
ишончсизлик кўринишида юзага чиқди. Биз агар шоирни тўқ
тушунсак, моддий ҳирсу ҳавасларга ружу қўйиш ўша жамият
фақат бир гуруҳ тўқликка шўхлик қилаётган фосиқ-ларнинг
алоқадор эди, бир бурда ҳалол луқма учун астойдил тер тўқ
ўтаётган меҳнаткашнинг нима нопоклиги бор эди, ахир? Аммо
Аттор инсон руҳидаги шаҳват ва ғафлат, кибр ва тасав
олудалигини ижтимоий жараёнлардан алоҳида, фақат бир умумий
мавҳум инсон фитратига хос нуқсон сифатида кўриб, ҳалол ва
меҳнаткаш инсонни ҳаромтомок, қорин тўқлигидан эрмакталаётган
кўчасига юз бурган фосиқ каслардан моҳиятан фарқ
билмади. Унинг умри охиридаги асарларида намоён бўлган фав
руҳ, моддий дунё ислоҳидан умидсизлик кайфиятларининг илҳами
ҳам, назаримизда, шу сабабдан эди.

Шундай қилиб, дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиёти
мажозий тасвир ва талқиннинг умумий ва ўзига хос томонлар
қандай намоён бўлишини Рудакий, Манучеҳрий ва Аттор
асарларининг қиёсий таҳлили мисолида кўриб чиқдик. Агар Х
шеърияида мажозий тасвир фақат эстетик завқ бериш, оддий
ҳаёт ҳодисаларини нафис тимсоллар орқали ифодалаш
хизмат қилган, яъни шаклий гўзалликка биринчи даража
эътибор қаратган бўлса, XII-XIII тасаввуф шеърияти олдинги
шоирлари бадий тасвир соҳасида эришган ютуқлардан унун
фойдаланган ҳолда мажозий тасвирни ирфоний туйғун
тараннуми билан уйғунлаштириб, шеъриятга жиддий мазмун
ни сингдириш, уни инсоннинг маънавий баркамоллиги, ин
руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлигини таъминла
йўлида хизмат қилдиришга киришди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Олик шеърятда қандай маъно қатламлари мавжуд?
2. Дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиётининг умумий ва фарқ-жиҳатлари нимада?
3. Рудакийнинг «*Модари май*» қасидаси нима ҳақида?
4. Манучехрий мусаммат-қасидасида қандай воқеа тасвирланади?
5. Дунёвий адабиётдаги мажозий тасвир асосан нимага хизмат қилади?
6. Шеърят тили ва ирфоний тилнинг умумий жиҳатлари нимада?
7. Фаридиддин Аттор ва унинг «*Мантиқ ут-тайр*» достони нимада сўзлаб беринг.
8. Алишер Навоий «*сиддиқлар ишқи*» деганда нимани назарда tutган?
9. «*Мантиқ ут-тайр*»да мажозий тасвир ва талқиннинг бир-бири нимада кўринади?
10. Аттор асаридаги қушлар ва Симурғ тимсоллари нимага хизмат қилади?
11. Шайх Санъон қиссасининг моҳияти нимада?

Мустақил таълим мавзулари:

1. Рудакийнинг «*Модари май*» қасидасини ўқиш
2. Фаридиддин Аттор ва унинг «*Мантиқ ут-тайр*» достонини ўқиш
3. Шайх Санъон қиссасининг «*Мантиқ ут-тайр*» ва «*Лисон ал-тайр*» асарлари асосида қиёсланг.

«МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ» ВА УНИНГ ШАРҲЛАРИ

Дарснинг мақсади:

Талабаларга тасаввуф адабиётининг ёрқин намунаси Мавлоно Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг ёзилган шарҳлар ва шарҳларнинг асар мазмунини очишда аҳамиятини ёритиб бериш.

Дарснинг режаси:

1. Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»
2. Тасаввуф терминлари луғатларининг яратилиши
3. «Маснавийи маънавий» га шарҳлар ёзиш анъаналари
4. Маснавийи маънавий» нусхалари ва шарҳлари

Таянч сўз ва иборалар:

«Форсий Қуръон, Аттор ва Санойи, . Николсон, ишк, хондор, шарҳ, рамз, важд, ҳол, хошиялар, назиралар. Маснавий дафтари ботиний маъно, зоҳирбинлик, «Ал ламаъ», «Манозил ус соирин», «Рисолаи қушайрия», «Мифтоҳ ул асрор», «Жавоҳир ул асрор», «Найнома», «Шарҳий най», «Лубби лубоби Маснавий», «Ҳошияи Шоҳ Доъий», «Жазираи Маснавий», «Шарҳи Маснавий», «Баҳри улум», «Асрор ул-ғуюб», «Шарҳи «Маснавий»и Шариф».

1.Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари

Жалолоддин Румийнинг жаҳон шеърояти тарихида муҳим ўрин тутган улкан тасаввуфий - ишқий, дидактик асари «Маснавийи Маънавий» Мавлононинг содиқ шогирди Хусомиддин Чалабий (Урмавий) тавассути билан жонбозлиги ва кўмаги билан битилган. Ушбу асарни «Форсий Қуръон» деген ҳам аташган. Маълумотларга қараганда «Маснавий» Жалолоддин Румийнинг севимли ва содиқ шогирди Хусомиддин Чалабий тавассути билан ёзилган. Мавлононинг ўқувчилари Румийгача яшаб, ижод қилган икки машҳур аллома Аттор ва Санойининг асарларини узоқ ўқишлари билан Чалабий пайқаб қолади. Аттор ва Санойининг асарлари ҳам суфийона руҳда, дидактик услубда ёзилган бўлиб, суфийликни ўрганувчилар учун

иши осон ва ёдда тутиш қулайлигига аҳамият беради. Шунда Хусомиддин Мавлонога шу каби асар ёзишни таклиф қилади. Румий шу қўғоз олиб «Маснавий»нинг биринчи ўн саккиз сатрини ўз қўллари билан ёзади. Шундан сўнг Румий ва Хусомиддин Чалабий тез-тез учрашиб қолади. «Маснавий»ни ёзишга киришгандан сўнг Румий туну кун ишда бўлади, ижод қилади. Айниқса кечалари тунги сокинликда Мавлоно оғзаки тарзда айтиб туради, Хусомиддин эса ёзиб боради. Сўнгра Хусомиддин ёзганларини ўқийди ва Мавлоно унинг тегишли ерларини кўриб кетади, шунда Хусомиддин яна қайтадан оққа ёзилганларни ўқийди. «Маснавий»нинг биринчи жилдининг ёзилиши 1259-йилда боғланиб, 1263-йилда тамомланди. Бу орада Хусомиддиннинг рафиқаси Хусомиддиннинг эстади ва «Маснавий» ёзишни давом эттириш бир муддатга тўхтади. Орадан икки йил ўтиб Хусомиддин Чалабий Мавлононинг қўлига келади ва улар ўз ишларини давом эттирадилар. «Маснавий»нинг дафтардан иборат: биринчи дафтарда 4018 байт, иккинчи дафтарда 4018 байт, учинчи дафтарда 4811 байт, тўртинчи дафтарда 3855 байт, бешинчи дафтарда 4240 байт, олтинчи дафтарда 4928 байт шеърлар мавжуд, жами 25700 байтдан иборат. Лекин бу ҳақда турли қарашлар мавжуд. Ҳиндистондаги «Маснавий»нинг қўлёзма нусхаларида 30 минг байтга ёзилганлари ҳам бор. Николсон тайёрлаган нусхада эса 25632 байт мавжуд. Мавлоно Жалолидин Румий музейида сақланаётган энг муҳим нусха деб эътироф этилаётган «Маснавий»да байтлар сони 25668 байт бўлиб, унинг санаси ҳижрий 677/1278-йил деб кўрсатилган. «Маснавий» «Маснавий» ҳикоя ичида ҳикоя тарзида ёзилган. Муаллиф бир ҳикоя ёки қиссани бошлайди. Сюжетнинг моҳиятини очишда ўз ақли ва қўлидаги фикрлар ҳамда хулосаларни айтиб ўтади ва лозим бўлса мазмунга оид яна бир бошқа ҳикоя ёки қиссани мисол тариқасида бериб қўлади таркибига ҳам ўз мулоҳазаларини сингдиради. Шундай қилиб Мавлоно мажозий ҳикояда яширинган тасаввуфий маънони янада кенгроқ, янада мисолларга бойитилган ҳолда ўқувчига етказди. Румий ўзи ёзган даврнинг асосий билим манбалари - тасаввуф илмини, «Қуръони Карим» оятлари ва уларнинг мазмунини, ҳадисларни чуқур билган ва бошқа ақддор диний ва дунёвий билимларни ҳам пухта эгаллаган.

«Маснавий» «Маснавий»нинг яратилиши дунё халқлари учун муҳим дунёвий бойлик бўлди. Бу асарда тасаввуф, шеърят, чуқур маърифий дунёвий мун, одоб масалалари, инсонийлик, гуманизм масалалари, дидактик масалалар ва бошқа ҳаёт учун керакли сабоқ берадиган мавзулар ўрин олган. Асардаги энг муҳим мавзу-ишқдир. Ишқ масаласи мусулмон дунёсидаги деярли барча тасаввуф тариқатларида мавжуд бўлиб, энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

2. Тасаввуф терминлари луғатларининг яратилиши

Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг тушунилишини осонлаштириш мақсадида кўплаб шарҳлар ёзилган. Назаримизда Маснавийни «форс тилидаги Қуръон» деб аташнинг бунга сабаб бўлгандир. Бундан ташқари бу асар тасаввуф адабиётида ўзига хос муҳим аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажралади туради. Бу асарга ёзилган шарҳларнинг аксарияти Эрон ва Туркияда яратилганлигини таъкидлаш жоиз. Румийнинг «Маснавийи» асарига асрлар давомида қизиқиш катта бўлган ва бугунги кунда ҳам камайгани йўқ. Мазкур асарни шу қадар қизиқиб ўқишлишига ва унинг мазмун моҳиятини англаб етишга бунга қизиқиш ва жозибанинг сабаби нимада экан деган савол туғилган. Табиий бир ҳол. Бу саволга жавобни олим Н.Комилонинин «Маснавийи маънавий»нинг А.Маҳкам томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимасига ёзилган сўзбошида топишимиз мумкин. Олимнинг ёзишича, «Қуръоннинг уч қават ботиний маъноси бунга деб қайд этади (Румий – Б.Н.). У ана шу маъноларни изчил билан тушунтиради. Бутун «Маснавий» бошдан охиригача икки муҳим ғоянинг талқинига бағишланган десам хато қилмайман. Бу ғояларнинг бири – тақлидчилик, зоҳирбинликнинг жаҳолатдан эканлигини исботлаш бўлса, иккинчиси илоҳий маънолар. Ҳақ ҳақиқатни эришган чин сўфийларни улуғлашдир.»

Маълумки, «Маснавий» аждодларимиз томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўқилган, шарҳланган. Натижада маснавийшунослик илми ҳам шакллланган, ривожланган ва бугунги кунда ҳам қайтадан тикланиб, ривожланиб бормоқда. Охириги йилларда (2001-2004йиллар) бу буюк асарнинг ўзбек тилига таржимаси таниқли шоир ва моҳир таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан амалга оширилди. Бу асарни таржима қилиб ўзбек китобхонларига тақдим этиш ва унинг мазмун моҳиятидан уларни баҳраманд қилиш маънавий қадриятларимизни тиклаш ва халқимизга етказишдек улуғ вазифанинг ажралмас бир қисми сифатида баҳоланмоғи лозим. Шу ўринда бир нуктани таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай сўфиёна мазмундаги асарни тўғридан тўғри ўқиб тушуниш, унинг маъзини чақиш муайян мушкулот туғдириши табиий. Бунинг асосий сабабларидан бири тасаввуф адабиётида кўплаб учрайдиган сўфиёна тушунчалар, иборалар, рамазлар, тимсоллар ва истилоҳларнинг мавжудлигидир.

Маълумки, сўфий ва орифлар муайян сўзларни фақат тасаввуф аҳли тушуниб, бошқалар тушунмаслиги учун уларнинг зоҳирий маъноларини тарк этиб рамз сифатида қўллай бошлаганлар. Шу сабабли қайси илм соҳаси бўлишидан қатъий назар, етарлича баҳим эгаллаш ва батафсил тадқиқот олиб бориш учун (аввало тушуниш учун) биринчи навбатда ўша соҳага тааллуқли рамз, тасмолларни ва истилоҳларни билиши керак бўлади. Баъзи қўллаб ибораларни ишлатганлар, улар рамз шаклини олиб, сўнгра истилоҳ сифатида қўлланила бошлаган.

У ёки бу терминнинг қачон, қаерда ва ким тарафидан жорий қилинганини аниқлаш муаммо бўлсада, равшанки сўфийларнинг асарлари ва нутқларида учрайдиган баъзи истилоҳлар Қуръони каримдан ва дин уламоларининг сўзларидан олингандир. Бунга оид мисоллар юқоридаги маърузаларда ўз акчини топганлиги сабабли бу ҳақда муфассал тўхталиб ўтмаймиз. Дикқатни жалб қиладиган ва бир жиҳат шундан иборатки, тасаввуф адабиёти пайдо бўла бошлаши биланоқ сўфиёна мазмундаги асарларни тўғри тушунишга эришмат қилувчи тасаввуф истилоҳлари луғатлари ёзила бошлаган. Дастлабки тасаввуф терминларини тўпловчилар ва шарҳловчилар сўфийлар ва мутасаввуф шоирлар орасидан чиққанлар. Булар қаторида Али бин Саррож Тусий, лақаби Товус ал фуқаро, (378 ҳ.йили вафот этган)нинг «Ал ламаъ» асари, Абулқосим Қушайрий (405 ҳ.йили вафот этган)нинг «Рисолайи қушайрия» асари, Абу Аббойил Абдуллоҳ бин Муҳаммад Ансорий (481 ҳ.йили вафот этган)нинг «Манозил ас соирин» асари ва бошқа бир қатор муаллифларнинг асарларини эслатиб ўтиш мумкин.

Тусийнинг мазкур асари тасаввуф истилоҳлари жамланган ва уларнинг шарҳлари берилган дастлабки асар ҳисобланади. У асосинан элликта истилоҳни аниқлаган ва шарҳлаган.

Абулқосим Қушайрий ўзининг «Рисолайи қушайрия» асарида эса ундан илгари яшаб ўтган ва шунингдек замондош бўлган кўплаб сўфийлар ҳақида маълумот жамлаган ва улар ишлатган тасаввуф истилоҳлари, таъбирлари ва сўзларидан намуналар келтирган ва уларни шарҳлаган. Ушбу асарда 40 нафар сўфийнинг номлари зикр қилинган. Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ус соирин» асарида сўфийларнинг мақомот ва аҳволлари, сайру сулуклари ҳақида маълумот берилиши баробарида 100 та тасаввуф истилоҳи таърирланган ва шарҳланган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири тасаввуф адабиётининг бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганидадир.

3. «Маснавийи маънавий»га шарҳлар ёзиш анъаналари

Сўфий адабиётга хос бўлган хусусиятлардан бири уларнинг тасаввуф ғоялари, кечинма ва ҳаяжонлар тимсол ва тамсиллар орқали тасвирланиб, талқин қилинади. Шундай асарлардан бири Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асаридир. Унинг асарни сўфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомларида англайдилар. Китобхонлар ҳам асарнинг асл мазмун моҳиятини тушунишлари учун унда қўлланилган тимсол ва тамсилларнинг рамзий ифодалардан бохабар бўлсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли «Маснавийда» учрайдиган кўплаб истилоҳлар, рамзлар, тимсоллар ва суфиёна тушунчаларни тушунишни осонлаштириш учун мазкур асарга ёзилган кўплаб шарҳлар мавжуд. Улар асосан форс тилида ёзилган, баъзилари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Улардан бири Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг «Мифтоҳ ул асрор» асаридир. Эронлик олим Доктор Муҳаммад Истеъломийнинг ёзишича «Маснавий»нинг илк шарҳи хижрий тўққизинчи йилнинг (XV асрда) Хоразмда «Жавоҳир ул асрор» номи билан Мавлоно Камолиддин Хусайн Хоразмий томонидан ёзилган.

Хижрий ўн иккинчи (XVШ)асрда Хоразмда яшаб ижод қилган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий «Мифтоҳ ул асрор»да «Маснавийи маънавий» асарининг уч дафтари (жилди)ни ирфоний жиҳатдан шарҳлаб берган. Форс тилида ёзилган «Мифтоҳ ул асрор» асарини олим Маҳмуд Ҳасаний 2006 йилда ўзбек тилига таржима қилиб «Маснавий» мухлисларига тақдим этди. Маънавий таржима муқаддимасида таржимон билдирган фикр ниҳоятда ўринлидир. Унинг ёзишича «Маснавий» ғоятда чуқур тасаввуфий ва фалсафий маъноларни ўз ичига олган бўлиб, бу соҳаларни чуқур билган олимларгина уни тўлиқ тушуна олганлар. «Маснавийни яна ўрганаётганлар учун эса ундаги чуқур рамзий маъноларни тушунтириш эҳтиёжи туғилган. Натижада унга ёзилган бир қатор шарҳлар пайдо бўла бошлади». Шу муқаддимада таржимон «Маснавий»га ёзилган шарҳлар ва асарнинг турли тилларга жумладан ўзбек тилига, таржималари ҳақида маълумот беради

Аммоки XX асрда Эронда «Маснавий»га шарҳлар ёзилиши ҳақидаги фикрларнинг нақадар тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Маъшҳур олим Бадиъуззамон Фурузанфар томонидан ёзилган «Маснавийи шарифнинг шарҳи» мазкур асарни форсийзабон китобхонлар томонидан тушунилишини осонлаштирди десак хато қилмаймиз. Олим нафақат «Маснавий»да зикр этилган тимсол ва тамсиллар шарҳига, балки уларнинг қайси манбалардан келиб чиққанлигига эътиборни қаратиб, уларнинг сюжети дастлаб қандай асарларда зикр этилганлигини ҳам асосли далиллар билан таъкидлаб беришга муваффақ бўлганлиги таҳсинга сазовордир.

4. «Маснавийи маънавий» нусхалари ва шарҳлари

Асарлар мобайнида «Маснавий»дан минглаб нусхалар таърифланган, унинг асосида кўплаб маърифий асарлар ёзилган. Эронда – сотиқ билан шугулланувчи тожирлар, Ҳаж сафари ва бошқа мақсадларда турли мамлакатларга борувчи кишилар ушбу асарни бошқа ўлкаларга тарқалишига хизмат қилган. Кичик шаҳарнинг ўзида Мавлононинг вафотидан сўнг тариқатни кенг тарқатиш мақсадида хонақоҳлар қурилган, мавлавийлар ўз шаҳарларида «Маснавий»хонлик кечаларини ташкил этишган.

«Маснавийи Маънавий»нинг нусхалари ҳозирги вақтда Эроннинг турли мамлакатлари китоб хазиналарида ва кўчалари фондларида сақланиши маълум. Чунончи **ЎЗР ФА** **Шарқшунослик институти фондида** Жалолиддин Румий «Маснавийи Маънавий» асарининг ўнлаб қўлёзмаси бор (№№ 1258, 104, 2748/П, 2749/11, 2863, 2854, 2855, 669, 203, 668, 204 ва ҳ.к.)

Асарнинг тушунилишини осонлаштириш мақсадида, кўплаб шарҳлар ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти Эрон ва Туркияда ёзилган «Маснавий»га шарҳ ёзиш бора-бора анъанага айланган. Натижада, «Маснавий»шунослик илми шаклланган ва бугунги кунда ҳам ривожланмоқда. «Маснавий»да учрайдиган суфиёна тушунчаларни янада соддароқ тушунтириш мақсадида китобхонлардан ташқари **иловалар, шарҳлар, ҳошиялар, назиралар** қилини ёки ундан **лавҳалар** кўчирилиб алоҳида китоб шаклига таърифланган. Эронлик олим Жалолиддин Ҳумоюннинг китобидаги маълумотга кўра, «Маснавийи Маънавий»га ёзилган форс тилидаги биринчи **шарҳ** **نصوص الخصوص في شرح النصوص** деб номланади, муаллифи китоб Рукниддин Масъуд бин Абдуллоҳ Байзовий Шерозий

(вафоти ҳижрий 769/1367-1368Й). Шарҳнинг ёзилиши ҳижрий 739/1338-1339 йил, яъни Мавлоно Румийнинг вафотидан 67 йил ўтгач бошланган ва ҳижрий 743/1342-1343 йил ниҳоясига етган Эронлик олим Доктор Муҳаммад Истеъломийнинг ёзилиши «Маснавий»нинг илк шарҳи 15- асрда Хоразмда «Жавоҳир ул асрор» номи билан Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Хоразмий томонидан ёзилган. Асар дostonнинг уч дафтарини ўз ичига олади, «Маснавий»дан парча ва унинг насрий изоҳи тарзида битилган. 1432-1436 йилларда Хоразмий бу асардан олдин «Канзул ҳақойиқ фи румуз ал дақойиқ» (қисқача «Канзул румуз» ёки «Шарҳи мунтахаби Маснавий») номли шеърий шарҳ ҳам битгани ҳақида «Кашф уз-зуннун» китобида келтирилади.

15-асрдан кейин **форсий шарҳлар** ёзила бошланди. Масалан, Абдураҳмон Жомий «Найнама», Яъқуб Чангий «Шарҳи най», Ҳусайн Воиз Кошифий «Лубби лубоби Маснавий», Шоҳ Доъий Шерозий «Ҳошияи Шоҳ Доъий», Юсуф Синезек «Жазират Маснавий» Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг «Мифтоҳ ул асрор» . Ушбу асарни шарҳшунос олим Маҳмуд Хдсаний 2006-йилда ўзбек тилига таржима қилган.

16-18 асрларда **Ҳиндистонда** ҳам форсий шарҳлар ёзила бошланди. Масалан, Муҳаммад Акбарободий «Шарҳи Маснавий», Абдулла Лақнавий «Баҳрул улум», Хожа Айюбнинг «Асрор ул-ғулюб», Шайх Муҳаммад Кашмирий «Шарҳи «Маснавий»и Шариф».

17-асрга келиб **туркий шарҳлар** ҳам ёзилган. 1621-1622 йилларда туркий шарҳ Исмоил Дада Русухий Анқаравийнинг «Фотиҳ ул-абод» асаридир. Бу шарҳ энг яхши ёзилган шарҳлар қаторига киради. Мисраи (1836Й.) ва Истанбулда (1872Й.) бир неча мартаба нашр қилинган. Урта Осиёда ҳам кенг тарқалган бўлиб, ЎзР ФА Шарҳшунослик институти қўлёзмалар фондида 12772 рақамли «Таржимаи шарҳи Маснавий» (18-аср, ўзбек тилида, насрий таржима) китоби сақланади. Иброҳим Давид Худойдот Қўнявий Шохидийнинг «Гулшани тавҳид « асари, 1436 йили Муиний тузган «Маснавийи Муродий» ҳикоятлар таржимаси, Сорий Абдуллоҳнинг «Жавоҳир ал-бавоҳир» (17-аср), Исмоил Ҳаққи ибн аш-шайх Мустафо Бурсавийнинг «Рухул Маснавий» (18-аср) ва бошқа ўнлаб туркий асарлар ҳақида фикр -мулоҳазалар билдирилган.

Туркча шарҳлар:

1. Мустафо Сурурий афанди (вафоти 1562Й) ёзилган шарҳ, нашр этилмаган.

2. Судий афанди (вафоти 1595й.) ёзган шарҳ, нашр этилмаган. Румий шарҳи, «Маснавий»нинг олтинчи дафтарига 16-аср охирида ёзилган шарҳ, нашр этилмаган.

3. Анқаравий Русухий шайх Исмоил Деде (вафоти 1631й) Исмоилдан ёзилган шарҳ. Мазкур шайх Мавлавия тариқатининг вакили бўлган ва унинг шарҳига юқори баҳо берилган. Жумладан, таълиф шарҳшуноси Р.А. Николсон «Маснавий»га инглиз тилида шарҳ ёзганда унинг шарҳидан кенг фойдаланган. Умуман олганда, Исмоил Деденинг шарҳи асрлар давомида маснавийшунослар учун асосий қўлланмалардан бири бўлиб келди. Бу шарҳ тил нуқтаи назаридан анча мураккаб саналади ва унда арабий ҳамда форсий сўзлар жуда кўп ишлатилган.

Исмоил Деде ўз навбатида таниқли олим ҳам эди ва «Маснавий»га шарҳ ёзганда кўпгина манбалардан, жумладан, Ибн Арабий ва Ибн ал-Фарид асарларидан кенг фойдаланган. Унинг шарҳи Мисрда ва Туркияда чоп этилган.

4. Абдулмажид Сивасий (вафоти 1639й.), халватия тариқатининг вакили. У «Маснавий»нинг биринчи дафтарига шарҳ ёзган холос, нашр этилмаган.

5. Сари Абдулло афанди (вафоти 1660й) ҳам «Маснавий»нинг биринчи дафтарига шарҳ ёзган. Жуда мукаммал шарҳ саналади ва таълиқотчилар унга юқори баҳо берганлар. Бу шарҳ 1871 - йил Санкт-Петербурда беш жилдда нашр этилган.

ЎР ФА Шарҳшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган шарҳлардан намуналар

Гулшани тавҳид 1572/3

Муаллиф Иброҳим Худойдод, тахаллуси Шоҳидий, мавлавия тариқатининг Бурсадаги вакили, шайх (вафоти 957/1550й). Тавҳидиёвуфга оид 600 та шеър Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи Маснавий»сига илова қилинган. «Маснавий» нинг ҳар бир дафтарида 100 байтдан олинган. Ҳар бир байтга 5 мисрадан шарҳ ёзган. Анчагина катта муқаддимада байтларни мақтаган ва «Таълиқий меҳнат ушбу дostonдаги хазинани очиш учун заруритдир» деган фикр билдирган.

Тарихда кўрсатилишича кўчирилган вақти- 927 (1520) йилга таърифи келади.

Котиб -Мулло Ҳусайн ибн Уста Ниёз Муҳаммад. Кўчирилган йили- 1276/1859й. Ҳажми 156в.

214

Котиб Абдувоҳид - Мулла Муҳаммад Рақибнинг ушбу Настаълиқ хатида. Кўчирилган йили -1332/1914Й. Ҳажми 112в
Жавоҳир ал –қулуб

2689

Асарда Жалолоддин Румийнинг «Маснавий» Маънавий»сидан лавҳалар берилган. Тузувчи Муҳаммад Рақиб бин Муҳаммад Шафиъ. Шарҳ ёки тушунтириш берилмаган. Натижада, «Маснавий»нинг қисқартирилган таҳрир қилинган нусхаси юзага келган. Лавҳалар тузиш йил 20 - шаъбон, яъни 1739 - йил 24 - ноябрда ниҳоясига етди. Настаълиқ ёзувида. Котиб -Муҳаммад Худобахш. Ҳажми 237в.

Нейномэ

694/3

Жалолоддин Румий «Маснавий» сининг биринчи байтига шарҳ. Муаллиф Абдурахмон Жомий. Асар тахминан 16 асрга тегишли. 8в.

503/6

Насхда ёзилган. Котиб- Муҳаммад Али бин Муҳаммад Муҳим Кўчирилган йили -Ю71/1660Й. Ҳажми 7в.

4502

Қўлёзма настаълиқ хатида ёзилган. Унда кўрсатилишича 1266/1849 йили Кобулда имомлар авлодларининг қабрлари топилган. Улар: Сайид Али, кичик ўғли имом Муҳаммад Баюқ Сайид Солиҳ, ўғли имом Мусо Козим ва Сайид Жалолоддин Сайид Абдураззоқ. Асарнинг давомидаги кўшимча варақларда мухаммаслар ва Навоий, Лутфий, Сайид ҳамда Маънавий Румийнинг ғазаллари бор. Котиб Абдурахмон. Кўчирилган йили -муҳаррамнинг бошлари 1266/ноябр 1849Й. Ҳажми 214в.

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўладики назмда, маснавий услубида ёзилган тасаввуфий, дидактик «Маснавий»дан асрлар давомида кўплаб нусхалар кўчирилган ва улар ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли давлатларидаги китоб хазиналарида сақланади. Асарнинг бошқа тилларга таржималари ҳам анчагина.

Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи Маънавий» асарига бағишланган шарҳлар араб, форс, туркий ва бошқа тилларда ёзилган. Ушбу шарҳларнинг ҳажми ва таркиби ҳар хил. Мазмун жиҳатдан уларда асарларнинг

...лари, унда акс этган воқеалар тафсилоти, Қуръон оятлари ва ...лар, муаллифнинг ҳаёти, ижоди, замондошлари ҳақида маълумот- ...ниқса Румийнинг дунёқараши, тасаввуфий ёндашувлари, инсонпар- ...ни хусусиятлари, шоир давридаги бизгача етиб келмаган бошқа ...ракирларнинг асарлари ва ҳоказо каби хилма-хил мавзулар акс

«Маснавий»нинг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилган экан ... «Маснавий» мухлислари унинг маънолар уммонидан тўла ...манд бўлишлари учун асарда қўллаб ишлатилган тасаввуф ...лоҳларини ўзбек китобхонига тушунарли тарзда изоҳлаш, ...оп ва тамсилларнинг шарҳларини бериш ҳам муҳим ва ...арб аҳамият касб этиши равшандир ва бу эҳтиёжни қондириш ...лунос ва тасаввуфшунос олимларимиз зиммасига жуда катта ...исъулиятли вазифани юклайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари қандай асар?
2. Бу асарни «Форсий Қуръон деб аталишигнинг сабаблари қанда нималарни биласиз?
3. «Маснавийи маънавий» қайси тилларга таржима қилинган?
4. Маснавийга шарҳлар ёзилишидан кўзланган мақсад нима?
5. «Маснавийи маънавий» нинг УР ФА Шарқшунослик институти амалар фондида мавжуд қайси шарҳларини биласиз?

Мустақил таълим мавзулари:

1. «Маснавийи маънавий»нинг ўзбекча таржималари ҳақида маълумот тўплаш.
2. «Маснавийи маънавий»га ёзилган Шайх Одина Муҳаммад Ризийнинг «Мифтоҳ ул асрор» асарини ўқиш.

Мустақил иш учун қўшимча материал:

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ
«МАСНАВИИ МАЪНАВИЙ» АСАРИДАН ҲИКОЯТЛАР
(ТАРЖИМА ВА ТАЛҚИН)**

1. Оғзига илон кирган одам ва донишманд амир

Боғлар оралаб келаётган суворий амир йўл ёқасида, дарҳол оғзисига ухлаб ётган одамга кўзи тушди. Қараса уйқудаги одамнинг оғзи очилган бўлиб, бир қора илон унинг оғзига кираётган экан. Суворий етиб келгунча илон ковакка киргандай очиқ оғзига кириб кетди, ухлаган одамни уйғотиб, хавфдан огоҳлантиришга улгурмади. Суворий оқил одам эди, у ақлини ишлатиб дарҳол ухлаб ётган одамни қамчиси билан савалай бошлади. Уйқудаги одам чўчиб уйғонди ва сапчиб ўрнидан турди: тепасида қамчи кўтариб дарҳол қилиб турган отлиқ амирни кўрди. Амир уни қамчилашни тўхтатмас эди. Ҳалиги одам қамчи зарбидан инграр экан: «Мен бу одамга нима қилдим, гуноҳим нима экан, нега бу одам менга бунча ташла қилаяпти», деб ҳайрон эди.

Отлиқ эса уни қамчилаб югуртирар ва олма дарахтлар остидаги тўкилиб, чириб ётган олмаларни «егин» деб мажбур қиларди. «Эй дардга чалинган, сенинг давойинг мана шу!» дерди отлиқ дағдаға билан. Отлиқ уйқучи одамга чирик олмаларни қорнига сиққунча едиргандан кейин, энди югур, деб яна қамчи билан савалай кетди. Уйқучи одам боғ ичида отлиқ олдига тушиб афғон югурар экан, отлиққа илтижо қиларди: «Эй амир, мен сени танимайман, мендан ёмонлик кўрмай, нега менга жафо қиласан нима қасдинг бор? Агар мақсадинг мени ўлдириш бўлса, қиличин билан чопиб ташла, нега қамчилаб жонимдан тўйдирасан? Қандай шум соатда сенга учрадим, қаердан пайдо бўлдинг ўзи! Сенин юзингни кўрган одамга лаънатлар бўлсин! Одил одамлар гуноҳига кишига бесабаб бундай ситам қилмайдилар. Гапираяпман оғзимдан қон келмоқда. Эй, Худо, бу золимнинг жазосини ўзинга бер!»

Уйқучи одам шу зайл отлиқни қарғар, пешонам курсин деб нон афғон қиларди. Отлиқ эса уни қамчилаб чоптирарди. Қоқилиб йиқилиб, яна туриб югураверганидан кейин уйқучи одамнинг меъдасидаги сафроси қўзғалиб, кўнгли айниди ва еганларини

тариб ташлади. Натижада чирик олмалар билан бирга қора илон
ом оғзидан ташқарига отилиб чиқди.

Уйқучи одам ичидан илон чиққанини кўриб, кўрқувдан даҳшатга
кииб кетди ва гап нимада эканлигини англаб, амир отининг оёғига
кииди. «Эй халоскорим, валинеъматим, - дер эди у амирга қараб,
ени шафқат фариштасимисан ё наби, ёки валийсан. Ажаб бир
борак соат эканки, Худо сени юборибди. Мен ўлган эканман, сен
идан жон бағишладинг, сен менинг сиҳатим, бахтимни ўйлаган
ансан, мен нодон эса бундан қочиб, сени ноҳақ хафа қилдим. Ҳа,
ен нодон эшак эканман. Фақат эшак ўз меҳрибон эгасидан қочади.
икнинг эгаси бўри уни емасин деб излайди, эшак эса буни
лмайди.

Эй амирим, сени ноҳўя гаплар билан ранжитдим, мени кечир. Бу
аирни мен эмас, менинг жаҳлим, жаҳолатим айтди. Агар мен бу
рооддан хабардор бўлганимда, бу сўзларни сенга айтмас эдим,
анки дашном ўрнига сенга таҳсин дердим».

Отлиқ деди: «Агар мен илон тўғрисида сенга айтганимда ёки шунга
юра қилганимда сен кўрқувдан ўтаканг ёрилиб, шу заҳоти жон
алим қилардинг. Шу боис айтмай турдим, токи илон ичингдан чиқсин
ен уни кўзинг билан кўргин», деб фикр қилдим.

Оғзига илон кирган одам халоскорига шукроналар айтди, «Бу
илигинг учун Худо сенга мукофотини берсин», деб дуо қилди ва
ир ажралдилар. Отлиқ йўлида давом этди.

Талқин

Мавлавий Румий ушбу ҳикояни оқил кишининг жабру зулми
дон одамнинг меҳрибонлигидан афзал, деган фикрни тасдиқлаш
чун келтиради. (Бундан кейинги ҳикоятда ухлаб ётган эгасининг
идаги чивинни ҳайдаш учун улкан тошни кўтариб уриб эгасини
кируҳ қилган айиқ ҳақида сўз юритилади.) Оқилларнинг
ишманлиги ҳақиқий дўстликка айланади. Улар худди аччиқ дори
риб беморни тузатган табиб кабидирлар. Аблаҳларнинг дўстлиги
и оқибатда кулфат ва надомат келтиради. Оқиллар шу учун ҳам
или-ёмонни билиб, нарса-ҳодисалар моҳиятини тушуниб,
амларга раҳнамолик қиладилар, тўғри йўл кўрсатадилар.
ипларнинг яхши ният билан қўллаган тадбирлари бошида
ининчилик ва азоб келтиради, аммо оқибатда бу тадбир ва
иралар саодатга олиб келади. Чунки оқиллар узоқни кўрадилар,

улар ақл билан қуролланиб, руҳ билан қувватланган кишилардир. Уларда таъбъ (табиат) хислатидан кўра руҳ хислати ёрқинроқ кўринади, улар Ақли кулл (Парвардигор олами)дан озикланадилар.

Нодонлар, жоҳилларда бу хислатлар йўқ. Шу боис улар калтабин ва ҳисларга берилувчан бўладилар.

Шунинг учун оқил кишилар раҳнамолигидан бўйин товламай керак. Аммо бу ҳикоятда яна бошқа маънолар ҳам акс этган. Чунончи: йўл ёқасида оғзини очиб ухлаб ётган одам - бу ғафлат тимсоли. Ғафлат эса кишини карахт ва ланж қилади, душманни дўст қилиб, дўстни эса душман қилиб кўрсатади. У агар оғизда жойда куппа-кундуз куни ухлаб ётмаганда, оғзига илон кирмас ва ҳалокат ёқасига келиб қолмас эди. Қора илон эса - бу ғофил бандалар ичига кирган нафс аждаҳоси тимсолидир. Бунини ғофил моддий нарсалар, яъни ноз-неъмат, бойлик деб тушунмасангиз лозим. Бунда инсонни ҳалокатга олиб борувчи номақбул фикрлар, ғоялар, ҳирсу аҳтирослар ҳам англашилади. Ўзидан ва дунодан беҳабар кишининг миясига ҳам, қорнига ҳам ҳар хил номақбул нарсалар кираверади. Бу нарсани уйқучи одам оғзидан илтиш ташқарига чиққандан кейин тушунди. Агар отлиқ буни кўрмаганда ва оқилона тadbир қўлламаганда у илон захридан уларда Жалолиддин Румий шу муносабат билан ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг саҳобаларига қараб: «Агар мен ичингиздаги душманнинг таърифини қилсам, даҳшатдан тил тортмай ўласизлар» деган ҳадисини келтириб, одамларни ғафлат уйқусидан уйғонишга, ўзини таниб, одам каби ҳаёт кечиришга чорлашди. Кишини ақл ва маърифат огоҳ этади, ғафлатдан, нафсу ҳирслардан халос этади. Оқил, доно ва илоҳий қалб соҳиби бўлган кишилар бу ишга масъулдирлар.

Ҳикоятдаги отлиқ ана шундай раҳнамо, оқил ва одил одам тимсолидир. Бунда Румий, албатта пири муршидни ҳам назарда тутган. Зеро, пир мурид тарбиясида қаттиққўл бўлмаса, натижада эришмайди. Пир муриддаги жисм талаблари, нафсоний интижишлар, ғофиллик аломатларини англаб уни махсус тарбия усуллари билан бартараф этади. Бунда руҳни халос этиш, яйритиш тadbирлари қўлланиладики, солиқ(мурид) пирнинг «азобларини» роҳат деб билмоғи лозим. Аммо Жалолиддин Румий ҳар доим кўп маъноларга ишора этувчи тимсоллар қўллайди. Бу ҳикоятда ҳам пири муршид билан бирга, умуман донишманд, ақлли кишилар хусусан, вали инсонларнинг халоскорлик, раҳнамолик миссини назарда тутилган.

2. Луқмон ҳикояти

Луқмон бир хожанинг қули эди. Аммо у хожасига бениҳоя содиқ, вафодор эди. Хожаси топширган топшириқни ортиғи билан бекаму ҳақ бажарарди. Хожаси шу боис уни яхши кўрар, фарзандлари атрофида «фарзандим» деб эъзозларди. Луқмоннинг ақл-заковати, иш билармонлиги хожаси хонадонига барака ва файз келтирди. Уни бутун хонадон ҳурмат қилар ва ҳатто хожа уни ўзининг яқин маслаҳатгўйи, ширин сўз кўнрағи айлантирган эди. Хожа билан Луқмон орасидаги меҳру муҳаббат шу даражада эдики, хожа усиз овқатланмас, қайси таомни еттириб олдига қўйсалар, аввал Луқмонга едириб, кейин ўзи ер эди. Агар Луқмон дастурхон атрофида бўлмаса, иштаҳаси бўғилар, таомни ери суриб қўярди.

Бир куни Хожага биродарлари қовун совға қилдилар. Хожа дарҳол одамларига: бориб фарзандим Луқмонни чақириб келинглар, деб буюрди. Луқмон кириб келгандан кейин, Хожа қовунни ўз кўли билан кесиб, Луқмонга узатди. Луқмон қовунни ниҳоят аччиқ билан еди. Унинг бундай иштаҳа билан ейишидан ташқиланган Хожа кетма-кет қовунни кесиб бераверди, Луқмон эса ҳақли қилиб еяверди.

Қовуннинг охири тилими қолганда, Хожа Луқмонга қараб: «Сен бу қовунни шунча мазза қилиб единг, энди бунисини ўзим ейман», деб қовунни оғзига солган эди, димоғидан тутун чиққандай бўлди. Аччиқ буришди, томоғи, тили гўё куйгандай эди. Чунки қовун жуда аччиқ эди. Хожа анча беҳаловат бўлиб оғзини ширин сув билан шуванди ва кейин Луқмонга қараб деди:

Эй азиз фарзанд, сен бу заҳарни қандай единг, қандай шувандинг бунга? Озгина бўлса ҳам сездирмадинг, бунинг устига шуванди асал ёки оби новвот еяётгандай, ҳузур билан тановул этдинг. Нима, жонингга қасдинг борми, бир ишорат қилсанг, мен тунтатардим бу меҳрибончиликни.

Луқмон деди:- Эй Хожам, мен сенинг ноз-неъматингни шунча кўп еганиманки, бир марта кўлингдан аччиқ нарсани еб, буни юзингга олишига уялдим. Ахир менинг вужудим сенинг маърифатинг, меҳру муҳаббатинг билан йўғрилган. Агар мен шунча яхшилиқдан сўнг озгина аччиқдан (аччиқлик)дан доду фарёд этсам, онкўрлик бўлмайдимми? Унда сенинг садоқатим, фарзандлигим, бандалигим қаерда қолади?

Талқин

Мавлавий Румий буни муҳаббатнинг кучи, муҳаббатдан туғилган садоқат деб тушунтиради. У ёзади: «Муҳаббатдан аччиқ нарсани ҳам ширин бўлур, муҳаббат олови мисни олтинга айлантиради. Муҳаббат тикондан гул қилур, лойқа сувни соф этар, сиркани қизилга айлантиради, боғларни гулга буркайди, дардларга шифо берди, тунгилни зритади». Муҳаббат туфайли қаҳр меҳрга, дўзах жаннатга шоҳ гадога, гадо эса шоҳга айланади.

Аммо бундай муҳаббат жоҳиллару нодонларда бўлмайди деген буюк сўфий шоир, бу билим ва илоҳий маърифатнинг меваси. Ҳатто бундай муҳаббат тахтига ўтира олмайди. Чунки Луқмон доно эди. Луқмон хожасига сўфий пирига хизмат қилгандай хизмат қиларди. Хожаси ҳам оддий одам эмас, балки донишманд ва соҳибқаромат эди. Ноқис, чала билимдан муҳаббат юзага келмайди. Инсон илоҳ билан аввало илми, маърифати, ҳамида ахлоқи орқали боғланган. Илоҳ илмга ташналик чин муҳаббатни туғдиради. Ўзаро интилиш жисмлилик, ўсимлик ва ҳайвонларда ҳам бор. Лекин бу муҳаббат эмас. Ҳатто одамлардаги ҳайвоний интилиш ҳам шу жумладандир. Муҳаббатни комиллик, фозиллик белгиси ва натижасидир. Комил инсонларда муҳаббат юксак маънавий асосга қурилади ва сидқу вафо ҳам бу боис мустаҳкам бўлади.

3. Эшагини йўқотган сўфий ҳикояти

Бир сўфий узоқ йўл юриб, бир хонақоҳга кириб келди. Эшагини оғилхонага олиб бориб боғлади, ўз қўли билан ем ва сув берди. Кейин ходимга эшакдан хабар олиб туришни тайинлаб, ўзи хўжасига кириб дам оладиган бўлди. Хонақоҳдаги сўфийлар қашшоқ эдилар. Қоринлари очлик азобини чекарди. Улар янги келган сўфийнинг эшагини чиқариб сотиб, пулига бир кеча бўлса ҳам қоринини тўйғизиш фароғат қилиш фикрига тушдилар. Маслаҳатлашиб, бир нечтаси йўлдан толиқиб келган сўфий олдига кириб, куюқ тановул билан салом бердилар, унинг атрофига гиргиттон бўлиб ҳол-аҳвал суриштиради, меҳрибонлик кўрсатардилар. Бири қўлини уқаласан бири оёғини уқалар, бири кўрпа-ёстиқ келтирар, бири эса кийимлардан чангини қоқарди. Юз хил ширин сўзлар айтиб, сўфий кўнглини овладилар. Сўфий бундан ниҳоят хурсанд бўларди. Қолган сўфийлар эса эшакни олиб чиқиб сотдилар ва пулига ош масаллиги

ва чева, нон ва шамъ сотиб олиб келдилар. Таом тайёр бўлгандан
эшакнинг эгасини ҳам чақириб келдилар. Улар биргалашиб
айтгандилар. Қоринлари тўйгандан кейин сўфийлар одатига кўра,
чалиб, жўр бўлиб ашула айта бошладилар. Самоъ (рақс ва кўшиқ
чили) авжига чиққанда сўфийлардан бири ўртага чиқиб, ашула
айтади:

*Кетди эшак, кетди эшак, вой-вой-эй,
Тўйди қорин, тўйди қорин, ҳой-ҳой-эй.
Кетса кетсин, садқаи жон эшагим,
Ҳақ йўлида бўлди қурбон эшагим.*

Сўфийлар тонг отгунча хонақони бошларига кўтариб, ашула
айтар, уйин тушардилар. Эшак эгаси бўлган сўфий ҳам бошқаларга
тақлид юзасидан, жўр бўлиб «Кетди эшак, кетди эшак, вой-вое» деб
ашула айтар ва завқ билан ўзини унутиб рақсга тушарди.

Ўрта тонгда сўфийлар хонақодан чиқиб ҳар томонга тарқалиб
кетдилар. Эшак эгаси ҳам юз-қўлини ювиб, эшакнинг аҳволидан
хабар олай деб оғилхонага борди. Қарасаки, эшаги жойида йўқ.
Хонақонига «Ходим суғоргани олиб боргандир», деб ўйлади. Аммо шу
вақтоти ходим кўринди, эшак эса йўқ эди.

Сўфий ғавво кўтариб ходимга ўшқирди:

«Эшагимни менга топиб бер, мен сенга уни омонат деб
таширган эдим, Пайғамбар ҳам ҳадисидида омонатга хиёнат қилма,
деб айтган».

Ходим эса: «Мен ёлғизлик қилдим. Оч сўфийлар қўл-оёғимни
кўтариб, зўрлик билан эшакни олиб кетдилар», деди.

Сўфий деди: «Унда менга хабар берсанг бўлмайдим, мен ўзим
тоғимни ҳимоя қилардим, ҳеч бўлмаса, пулини бериб ўғрилاردан
қўтариб олардим».

Ходим жавоб бериб деди: «Худо ҳаққи, мен ҳам шуни ўйлаб
қўлингизга бордим. Воқеани сизга айтай десам, сиз уларга
кўшилиб, «кетди эшак, кетди эшак, кетса кетсин, садқаи жон
эшагим» деб баланд овоз билан ашула айтардингиз. Менга
кўшибор қилиб қарамадингиз ҳам. Мен эса, сиз ўзингиз рози
экансиз, деб ўйлаб орқамга қайтдим».

Сўфий маҳзун бўлиб деди: «Бу қўшиқни хуш оҳанг билан ҳамма
айтадигандан кейин менинг ҳам завқим келиб, уларга кўшилиб
кетибман. Бошқаларга тақлид қилиш мени хароб этди. Минг лаънат
тақлидга ва тақлидчига ҳам!».

Талқин

Мавлавий Румий мазкур ҳикоят орқали кўр-кўрона эргашувчи (тақлидчилик), ёмон кишилар таъсирининг оқибати ҳам омон бўлишини тушунтирмоқчи бўлади. Ҳикоя ҳам аслида:

*Бишнава ин қисса пайи таҳдидро,
То бидони офати тақлидро.*

*(Таҳдид - хавфу хатар келтирувчи бу қиссани эшит,
токи тақлиднинг офати нима эканини англасанг)*

деб бошланади. Яъни тақлид инсон боласини мустиҳаб фикрлаш, воқеа-ҳодисаларни таҳлил ва таҳқиқ қилмай, тоғон муносабатда бўлишга олиб келади. Натижада ёмон таъсирнинг келтирилиши берилиб, ҳар жиҳатдан зарар кўради. Бежиз эмаски, Румий «Маснавийи маънавий» асарининг кўп саҳифаларини тақлид ва таҳқиқ ёки муқаллид (тақлидчи) ва муҳаққиқ (ҳақиқатни аниқлаш топадиган) кишилар қиёсига бағишлаган. Муқаллидлар ҳам жоҳилларнинг бир тоифаси, чунки тақлид аслида ақли ноқисога белгисидир. Эшак эгаси бўлган сўфий оқ кўнгил ва соддаликнинг шу аҳволга тушди. Бошқа манбаъларда бу ҳикоя шу маънода келтирилган. Аммо Румийни бу қизиқтирмайди. Румийнинг назарида ўта соддалик ҳам нодонликдир, зийраклик эса дондорлик нишонаси.

Шу боис Румийда бу латифанамо юмористик ҳикоя ҳақиқат оҳангли фалсафий мазмун касб этган. Румий дейдики, агар ёмон эгаси бўлган сўфий ақлу фаросат, билим нуқтаи назаридан баъзан бўлганида, хонақодаги сўфийларга таъсир қиларди, уларни ёмон йўлдан қайтарарди ва эшакдан ҳам ажралмас эди. Аксинча, угра сўфилар унга таъсир ўтказдилар, уни ўзларига қўшиб қўйдилар ва эшагидан ажралганини ҳам билмай қолди.

Шу ўринда ҳодиса ва моҳият, таъсир ва акс масалалари нутақ рилади. Сўфий самоъ мажлисининг зоҳири-оҳангига, ҳодисага махлиё бўлди, ашуланнинг маъно-моҳияти, хонақоҳ сўфийларининг ҳаракатига - эътибор қилмади ва алданди. Одамнинг одамга акси нуқси уради. Бу бор нарса. «Аммо, кошкийди, яхшиларнинг нуқси кўпроқ урса, кўпроқ эзгулик нури бошқаларга таъсир этса», дейди Румий. Акс-нуқс (таъсир) аввал тақлид шаклида кетма-кет бўлади кейин киши қалбига кириб боради. Оқибати эса ҳалокатлидир.

дундун кутулиш учун ҳар қандай хуш ёқадиган нарсани ҳам тановал таҳқиқ этиб, текшириб кўриб, кейин агар инсон илму сифатига фойдали бўлса қабул қилиш керак, бўлмаса узоқроқ кўрмоқ маъқул.

Бу ўринда тамаъ ҳам эшак эгасини ғафлатга солди. У бошқа сифийлар билан қўшилиб, базми жамшидда иштирок этди, таомдан Яъни манфаатга берилиб, эшагини унутди.

Хуллас, ушбу ҳикояда дунёвий ибрат бўладиган маънолар ҳам, ахлоқий маънолар ҳам (ўғрилиқ билан кун ўтказган очофат сифийлар тариқатга иснод) мавжуд.

4. Тўти ҳикояти

Бир баққолнинг чиройли гапирадиган суҳандон тўтиси бор эди, унинг олдига келган одамларни ҳар хил гаплар айтиб хурсанд қиларди. Бир кун баққол тўтини дўконга посбон қилиб, ўзи уйига қайтиб қилишга борди. Шу маҳал мушук дўконга кириб, баққолларни қувди. Тўти мушукдан қўрқиб, ўзини ёғ идишларига қўшиб олди. Идишлар ағнаб кетиб, бодом ва писта ёғлари тўкилди. Баққол қайтиб келгач, бу аҳволни кўриб хафа бўлди ва газзўпи билан тўтининг бошига битта урди - тўтининг бошидаги тожи ва катлари тушиб кетиб, кал бўлиб қолди.

Шундан хафа бўлган тўти уч кун овоз чиқармади. Эгаси қилган баққолдан пушаймон бўлиб, тўтини эркалар, қанд-қурс берарди. Аммо тўти ҳеч ўзига келмади, на сўз сўзларди, на овқат ер эди. Бир кун дўкон олдидан боши кал бир одам ўтиб қолади. Шунда унга кўзи тушган тўти бирдан тилга кириб: «Эй фалончи, сен ҳам ёғни қўқингани, нега бошинг кал бўлмаса?» дейди. Тўтининг бу гапидан дўкон эгаси ҳам, афрофда турган одамлар ҳам ҳайраганиб қулдилар.

Талқин

«Калила ва Димна» китобида бу ҳикоят тўтининг соддалиги ва баққоллигига мисол қилиб келтирилган, уни ўқиганда енгил кулгу ҳисил бўлади. Аммо Мавлавий Румийда бу ҳикоят ҳам фалсафий-ахлоқий мазмунга буриб юборилган. Худди юқоридаги эшагини унутган сўфий ҳикоятда бўлганидай, бу ерда ҳам тақлидчилик

танқид қилинади (тўти - тақлидчилик тимсоли эканини унутмайди). Бироқ бу ҳикоятда масала бошқа жиҳати билан қўйилади: тутининг ўзини кал одамга қиёслаши ноўрин қиёс, ноўрин ўхшатиш сифатида талқин қилинади. Баъзилар назарида барча одамлар баробар, чунки шаклу шамоийллари ўхшаш. Ҳолбуки бу хато, деб таъкидлайди Румий. Шаклий ўхшашлик бу ҳали мазмун ўхшашликни англатмайди. «Оламдаги одамлар шундан гумроҳ, зеро улар: қор абдоллари, пайғамбарлар ва валиларни ўзларига ўхшаган деган билдилар, натижада оқил ва фозил кишиларни нодон ва пай одамлардан фарқ қилмадилар. Кўзларига яхши-ёмон бирдай бўлиб кўринаверади», дейди Румий. Пайғамбар ҳам бизга ўхшаган одам ку. Унинг нимаси биздан ортиқ, дегувчилар куфр биёбонлар адашдилар.

Ҳолбуки, одам болалари орасида фарқ бор: бир ариқ бўйида бир-бирига ўхшаш қамишлар ўсади, аммо биридан шакар олинадиган иккинчиси хашак бўлади. Аччиқ сув ҳам, ширин сув ҳам кўринишида бир хил, аммо бири лаззат берса, иккинчиси меъдани яра қилади. Бундай қиёслар минг-минглаб топилади. Шу учун шаклий ўхшашликдан моҳият бир хиллиги ҳақида хулоса чиқариш хато. Фазилат, камолотни ташқи кўриниш билан белгилаш қиёс. Одамлар ўзларининг камолоти, ақллилиги, руҳияти билан фарқ қиладилар. Бири бахил ва ҳасадчи, бири сахий ва мурувватли, бири золим ва жафокор, бошқаси одил ва раҳмдил, бири оқил ва диндор, бошқаси нодон ва жоҳил.

Румий бу қиёсларни келтириш билан муҳим бир фикрни баён этади: нодон одам нодонлигига иқдор бўлмайди, кўпдан-кўп ақил ва аблаҳлар борки, ўзларини Суқроту Афлотундан донороқ деб ҳисоблайдилар. Донолик ва улуғворлик даъво қиладилар. Буларнинг шоир муддаилар деб атайди. Муддаий, яъни донолик даъво қилувчи одам муқаллиддан ҳам ёмонроқ. Чунки у ҳар қадамда ҳақиқий маърифатли, донишманд одамларга ўзини тенглаштириш юради. Буни ҳамма вақт ҳам ажрата олмаймиз, бу орада то улар фош бўлгунча кўп зарар етказадилар.

Аммо мана шу донотарошлик касали тагида ҳам манфаат ётмай. Худди шу манфаат истеъдодсиз кишиларни турлича турларга туришга, сохта донолик қилишга мажбур этади. Шунинг учун бундай одамлар макридан эҳтиёт бўлиш керак, асил истеъдод гайибдан порлаган одамларни эса қадрлаш, авайлаш даркор.

6. Меваси абадий ҳаёт бағишлайдиган дарахт

Бир доно киши дўстлари даврасида сўз олиб деди: - Ҳиндистонда бир ажиб дарахт борки, кимки унинг мевасидан еса, ҳеч вақт қаримайди ва ўлмайди. Бу гап шу мамлакат подшоҳи қулоғига бориб етди. Подшо бир мулозимига: шу дарахтни топиб, мевасидан янги келасан, деб Ҳиндистонга жўнатди. Мулозим хийла одобли, вақти ва шоҳига содиқ киши эди. У бир неча йиллар Ҳиндистонда келиб-кетиб шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқди. Ҳалиги дарахтнинг сирогини одамлардан суриштирди. Бирор жазира, тоғ ва сахро ҳам топмади. Кимгаки бу савол билан мурожаат этса, жавоб бермай кетарди. Баъзан уни масхаралаб, девона бўлибсан, мизожинг янгиб қолибди, ўзингни табибларга кўрсат, дер эдилар. Баъзан уни вақт сарсон қилиб, фалон ўрмонга боргин, у дарахтни мен суришманман, шохлари ёйилиб кетган, бўйи баланд, деб айтувчилар кетарди.

Шоҳ мулозими шу аснода бутун Ҳиндистонни кезиб чиқди, аммо бу дарахтдан нишон тополмай, ноумид бўлди. Кўнгли хижил ҳолатда юртига қайтмоқчи эди, бир кароматли шайхнинг дарагини келиб қолди. Шу шайхдан ҳам сўраб кўрай, деб унинг ҳузурига келди. «Ҳеч бўлмаса шу одамнинг дуоси билан муродимга эришман», деб кўнглидан ўтказди.

Мулозим Шайх ҳузурига бориб, бор гапни айтди. «Неча йиллар келиб, меваси оби ҳаёт бўлган дарахтни тополмадим. Сиз кароматли авлиёсиз, менга шу дарахтнинг нишонасини айтинг, шушқилимни осон қилинг», деди.

Шайх кулиб деди: «Эй мискин инсон сен айтган бу дарахт - Илм дарахтидир. У илмлар оламида ўсади. Дарҳақиқат, бу дарахт жуда яиланд ва ҳашаматли, шохлари кўп ва ҳар тарафга ёйилиб кетган. У илоҳий муҳит (уқёнус)дан сув ичади ва унинг мевасини татиган кишидан ҳам абадий ҳаёт топади.

Сен ўз юртингга бор. Жидду жаҳд қилсанг, бу дарахтни ўша ерда ҳам топа оласан».

Талқин

Биринчи маъноси: илм ҳеч қачон ўлмайди, илм ва маърифат орасининг яратган нарсалари ҳам абадий ўлмасдир. Чунки илм (хоҳ дунёвий, хоҳ илоҳий бўлсин) авлоддан-авлодга ўтиб боради. Илм

одамни улуғвор қилади, комил этади ва Аллоҳ маърифатини етиштиради. Шунинг учун ҳам оби ҳаёт бу илмдир ва унинг буюги Аллоҳ маърифатидир.

Иккинчи маъноси: суратга маҳлиё бўлиб, маънони унутиб Сўзлардан мақсад уларнинг маъносидир. Киноя, мажоз, тамсил тимсоллардан мақсад уларнинг маъноларини англашдир. Пойгоҳ ҳам, мулозим ҳам донишманднинг кўчма маъноли сўзлари ҳақиқат ҳиятини англамадилар. Мулозим ҳам гарчи ақлли бўлса-да, аммо Ақли куллга яқин бўлмаганлиги учун буни англамади, фақат бу хислат соҳиби бўлган Шайх буни англади. Илмни гоҳи дарахт, гоҳи офтоб, гоҳи денгиз, гоҳи булут деб қиёслайдилар. Аммо буларнинг ҳаммаси сўз, ҳар бири Илмнинг бирор жиҳатини англатади: баъзилари бепоёнлигини, баъзиси нурафшонлигини, баъзиси чуқурлигини ва баъзилари сўлмаслигини. Ҳаммаси йиғилиб, эса, илмнинг худди Руҳи мунотарифи каби абадийлигини билдиради. Барча номлар Унинг асарининг номлари ва шарҳларидир, ҳар бирига бир белги, бир ном муносиб. Гўё табиқани кўйилганидай. Шу боис битта номни излаган одам фарқлар ўрмонидан адашиб қолади. Доно киши номлар замиридаги маъноларни умумлаштириб, ҳақиқатни аниқлайди.

Умуман олганда сурат ва маъно қиёси «Маснавийи маънавий»нинг тез-тез учраб туради. Чунки асарнинг бош мавзуи комиллик билан ноқисликни солиштириш бўлганлиги учун инсондаги ноқисликларнинг турли кўриниш ва даражалари тушунтириб берилган.

Учинчи маъноси: билишда шаклдан мазмунга қараб бориб, Комил одам Аллоҳнинг сифатларини англашдан Зотини англашга қараб бораверади. Имон мустаҳкамлиги, сўфийнинг интиқилиши ниҳоятини шу билан амалга ошади, дейди Румий. То умумийликни таҳлил ва таҳқиқ қилолмасанг, қонуниятларни англамасанг, ҳақиқатни била олмайсан.

6. Узум учун низолашган тўрт одам

Бир одам йўлда кетаётган тўрт кишига бир дирам пул берди. Бири форс, бири араб, бири турк ва яна бири юнонлик бўлган бу тўрт киши бир-бирининг тилини тушунмас эдилар. Улар узумдан жанжал қилардилар, чунки форс бу пулга (бир дирамга) «иншур» (узум) оламин деса, араб йўқ, ангур керакмас, «инаб» (узум) оламин дерди. Турк бўлса: эй кўзум, мен инаб емайман, мен «узум» оламин истайман, деб туриб олганди; юнонлик бўлса, узум ҳам, инаб ҳам

бу ҳам емайман, мен «истофил» (узум) хоҳлайман, деб дарғазаб
қилди.

Бу тўрт одам номлар маъносини тушунмаганлари учун бир-
бирлари билан жанжал қилардилар. Билимсизлик ва аблаҳлик
сифатида мушшлашиб кетдилар.

Агар улар орасида юз тилни биладиган сирдан воқиф бир азиз
фироқда эди, уларни яраштирган бўларди ва уларга қараб: мен
бу дирам билан барчаларингизнинг истақларингизни қондираман,
қилди. Чунки сизлар кўпчиликсиз, дирам эса битта, аммо шу бир
дирам кўп хунар кўрсата олади: у ҳам ажратади ва ҳам
қараштиради. Бу бир дирам тўрттовлонни бирлаштириб,
қилманларни дўстларга айлантиради. У ҳар бирларинг учун уруш
ва ажралишга сабаб бўлган бўлса, менинг айтганларим
қилларингга нифоқ эмас, иттифоқ келтиради. Бас, сизлар жим
қилларингиз, сизларнинг тилларингиз мен бўлайин, деган бўларди ва
қилдан узум сотиб олиб бериб, уларни тинчитарди. Чунки улар
қилни кўрганда, фикрлари бир эканлигини англаб, тинчирдилар ва
қилшардилар.

Ғалқин

Румий бу ҳикоятда ҳам аввал келтирилган ҳикоятлардаги
қилларни давом эттирган, яъни: шаклга, суратга қараб ҳукм чиқариш,
қилларнинг маъносини билмай, аталишига қараб хулоса чиқариш
қиллик белгиси эмас. Бу одамларнинг ўзаро жанжали тил
қилмаслик, нодонлик натижасидир, демоқчи.

Ҳикоятни бошлашдан олдин Румий мана бу байтни келтиради:

*Ихтилофи халқ аз ном уфтод,
Чун ба маъни рафт - ором уфтод.*

(Одамлар орасидаги ихтилоф - келишмовчиликлар номлардан
қилиб чиқди. Улар маънога бориб етсалар - тинчийдилар).

Бироқ ушбу ҳикоятнинг ирфоний-фалсафий маъноси яна ҳам
қилроқ. Диққат қилинса, Румий асосий эътиборни «узум» сўзининг
қилли тилда турлича бўлиш оқибатида келиб чиққан низога эмас,
балки шу номларнинг ҳаммасининг маъносини биладиган одамга
қилтиради. Аввало шуки, «ном» деганда сўфий шоир оламдаги

жамики нарса ва ҳодисаларни кўзда тутади: моддий олам – шайтон (кўплик) оламидир. Парвардигорнинг илми, бутун қудрати ва жамоли беҳисоб шаклу суратлар, ном ва атамаларда акс эттади. Номлар - касрат аломати. Касрат эса фарқларни, ўзаро тортиқув ихтилофларни келтириб чиқаради. Касратнинг хоссаси шу. Аммо номларнинг маъноси, шаклларнинг мазмуни ўзаро яқинлашган боради ва умумийлик касб этади. Маъноларнинг хоссаси шу. Шу боис маъно - ваҳдат томон қадамдир. Маъноларни англасангиз бошлаган одам ҳам Ваҳдат сари қадам қўяди. Киши қанча қанча маънони англаса, қанча кўп билимли бўлса, у шунча Ваҳдатга яқин бўлади ва унда бирлаштириш қобилияти ўсаверади. Демак, донишманд авлиё одамлар шу боис ҳам халқни ислоҳга келтириб, ҳаммадан қилишга Мутлақ Рухга яқинлаштиришга қодирдирлар.

Румий бунга Сулаймонни мисол қилиб келтиради. Сулаймон барча инсу жинс, ҳашарот ва жонворлар тилини биларди ва улар билан сўзлашиб, уларга адолат юзасидан муомала қиларди. Шу боис уларнинг барчаси Сулаймон ҳукмига итоат этардилар ва ораларида ихтилоф йўқ эди. Ҳатто бўри билан қўй, йўлбарс билан кийик, қарчиғай билан кабутарлар иноқ-иттифоқда яшайдилар бўлдилар. Чунки Сулаймон ўзаро душман бўлганлар орқали воситачи бўлиб, турли қарашли одамларни келиштира олди.

Бу худди ғўранинг офтоб нурида пишиб, ширин узумга айлангани кабидир. Узум ва ғўра бир-бирига тескари. Аммо ғўра пишса узум билан бир хил бўлади, яъни бир хил шарбат боради. Шу каби ҳали пишмаган одамлар ўзининг ғўрлигини тан олиб, ақладилар ҳикмати офтобда пишиб етилсалар - рухий-маънавий бирлашишга юз тутадилар.

Демак, комил инсонларнинг илмида кўп одамларнинг хоҳиши истақлари жамланган бўлади, шу боис ҳам улар элга тўғри ишларни кўрсата оладилар ва пешволик қиладилар; кишиларни фирқаларга бўлиб ташлайдиган, ихтилоф-урушларни келтириб чиқарадиган шайтон табиат, ҳасадчилардан сақлайдилар, улар макридан оқиб етадилар. Шундай қилиб, Аллоҳга муҳаббат, Ҳақ сари, Ваҳдат сари бориш комил инсонлар орқали содир бўлади.

«МАЖОЗ ТАРИҚИ» НИМА?

Дарснинг мақсади:

Мингил маънавиятимиз такомилнинг тўртинчи ва минтақа адабиёти ривожининг учинчи, олий босқичи бўлмиш «мажоз тариқи» моҳиятини талабаларга тушунтириш, бунинг учун «мажоз» атамасининг маънолар доираси, тасаввуф таълимоти-«ҳақиқат» ва «мажоз» нисбати, ислом минтақа маънавияти аналарисида ишқ мавзусининг такомил ва Алишер Навоийнинг мисаладаги хизматлари борасида етарли маълумотлар бериш.

Дарс режаси:

1. «Мажоз» атамасининг маънолар доираси.
2. Алишер Навоий «мажоз тариқи» ҳақида.
3. Тасаввуфда «ҳақиқат» ва «мажоз» нисбати.
4. Ислом минтақа маънавияти аналарисида ишқ мавзуси.
5. «Мажоз тариқи» минтақа мумтоз шеърияти ривожининг олий босқичи сифатида.

Танч сўз ва иборалар:

«Мажоз» атамасининг лингвистик, поэтик, ирфоний ва тасаввуфий маънолари, Саъдий Шерозий, Камол Исфажоний, «Ҳақ асрори», «Бўстон», «Гулистон», Амир Хусрав Деҳлавий, «мажозий тарих», «Хамса», хамсачилик анъанаси, «лисон-ул-ғайб», Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», Насимий, Лутфий, Алишер Навоий, шеъриятда ишқ мавзуси, «Рисола фи-л-ишқ», Ғаззолий, «Иҳёи улум-ад-дин», «ишқи ҳақиқий» («ишқи илоҳий»), «ишқи мажозий», «Мантиқ ут-тайр», «Мумтоз», Жомий, «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Момон ва Ибсол» мажозий тимсоллар, ирфоний шарҳ, «Мажозия», «ал-Мажозу қантарат ул-ҳақиқат», «Ҳазоин ул-ишқий», «Фавоид ул-кибар», қитъа, «авом ишқи», «хавос ишқи», «ишқи ҳақиқат тарихи суҳанварлари» адабий асарлар, ва бадий ижод тариқи, «Ҳақ асрори», «Асрорнома», «Ҳақон зиндони», «ғаройиб кимиё», «покбоз», Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини.

1. «Мажоз» атамасининг маънолар доираси

«Мажоз тариқи» ҳақида сўз юритишдан олдин яна бир мажоз «мажоз» ўзи нима деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Пугта берилишига кўра араб тилида мажоз сўзи жааза феълидан ясалган бўлиб, 1) ўтиш йўли, 2) бўғоз (сув йўли), 3) кўчма маъно, мисол истиора, образли ифода, метафора маъноларини билдириши келади¹³¹. Форс тили луғатида бу сўз метафора, троп, аллегория деб таржима қилинган¹³².

Доктор Муҳаммад Муиннинг 6 жилдлик изоҳли луғатида – мажоз сўзига муфассал мақола аталган бўлиб, унинг куйидаги пугта маънолари кўрсатилган: 1) *ғайри воқеъи*, муқобили *ҳақиқат* (Мисол: *То мишавад қарини ҳақиқат мажози ман – Ҳофиз, 270*). 2) *Иборат аст аз истеъмоли лафз дар ғайри маънийе мавзӯ*, тасвир бо вужуди қаринаи ке монеъ аз иродаи маънийи аслий бошқача (Шарти нақли маънийи аслий (ҳақиқий) ба маънийи ғайри аслий (мажозий) вужуди таносибе аст байни он дў ва ин муносибати) «алоқа» гўянд¹³³.

Биринчи маъно лингвистикага оид масала эмас, балки дунёқарашга оид бўлиб, борлиқнинг тасаввуфий-ирфоний талқини билан боғлиқ. Ҳофизнинг шеърида бу маъно аниқ кўзга ташланган турипти. Иккинчи маъно айни тилшунослик ва адабиётшунослик доирасидаги талқиндир.

Ҳозирги замон Эрон олими доктор С.Шамисонинг олдинги маърузаларда келтирилган таърифига кўра, мажоз тушунчаси ислом минтақасида турлича маъноларда ишлатилган бўлиб, оғил улардан «*шаръий*», «*урфий*», «*ақлий*» ва «*луғавий*» маъноли маъноларини санаб ўтади. Бу талқинлардан биринчиси шаръий илми доирасига тегишли бўлиб, иккинчиси тилшуносликка оиддир. Учинчи ва тўртинчи маъноларнинг бадиий тасвир яратишга муносиб алоқаси борлиги сезилади.

Мустақиллик йилларида чоп этилган 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга оид шундай изоҳ берилган: «*Мажоз* (арабча – *ўтиш жойи*, *бошқача айтиш*, *номлаш*, *тасвирий ифода*)

¹³¹ Арабско-русский словарь. М., «Русский язык», 1977, с. 149.

¹³² Персидско-русский словарь. т.2. М., «Сов. энциклопедия», 1970, с.467

¹³³ Доктор Муҳаммад Муин. Фарҳанги форсий (мутавассит). Жилди 1. Техрон, 1357, с. 3864-3866. (Луғат мақоласи давомида турли сўз бирикмаларининг шарҳи берилган. Масалан, *мажоз истилоҳий*, *мажоз урфий*, *мажоз шаръий* ва ҳ.к.)

бу ики иборанинг ўз маъносидан бошқа, кўчма маънода ишлатилиши, ва шундай маънода ишлатилган сўз, ибора; метафора, аллегория. Мисол: «Демак, луғавий маъносига кўра метафора Шарқда қўлланилган мажоз – кўчим иборасига мос келади».¹³⁴

Инди бевосита мажоз атамасига адабиётшуносликдаги мутасабатни кўриб чиқайлик.¹³⁵ Адабиёт назариясига оид 2-жилдлик нашринг «Мажозий образ яратиш воситалари» мавзусидаги филология ф.н. Т.Расулфв ёзишича, сифатлаш, яратилиш, мажози мурсал (метонимия), истиора, киноя, кесатиқ, муболаға, акс муболаға (литота) каби бадий тасвир воситалари мажозий ифода турларига киради. Олим «**мажоз**» нима? деган саволга («сўзларни) ўз маъно бирикмасидан бошқа бир маъно бирикмасига кўчириб қўллаш» деб жавоб беради ва илова қилади: «Уни Европа филологиясида **«троп»** деб атайдилар.»¹³⁶

Рус тилидаги «Адабиёт назарияси асослари» китобида **троп**га шундай изоҳ берилади: «Переносное значение слова обозначают греческим термином троп». «В основе возникновения тропа лежит соотношение двух явлений, из которых одно служит для пояснения, для понимания другого».¹³⁷

Русча-ўзбекча луғатда **троп** сўзи «метафора, истиора, образли ики (кўчма маънодаги сўз ва иборалар)» деб тушунтирилган.¹³⁸

Юқорида келтирилган таъриф ва изоҳлардан хулоса қиладиган бўлсак, маълум бўладики, араб, форс, ўзбек тилларида ишлатилган мажоз атамасининг тилшунослик ва адабиётшуносликка оид русий маъно доираси кўчма маънодаги сўз ва иборалар, бадий тасвир воситаларининг муайян бир гуруҳи, торроқ маънода олинганда, метафора, аллегория маъноларини билдириб келар экан.

Аmmo мумтоз адабиёт таҳлили учун бу маънолар доираси ҳануз этарли эмас. **Мажоз** сўзининг Доктор Муҳаммад Муин луғатида акс эттирилган биринчи маъноси – «*ғайри воқеъи, муқобили ҳақиқат*», яъни ҳақиқий воқеликнинг зидди бўлган «ёлгон» воқеълик, борга ўқиб кўринадиган, аслида номавжуд «*борлиқ*» – бу тасаввуфий-

¹³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, с.523.

¹³⁵ Адабиёт назарияси. 1-жилд. Адабий асар.Т., 1978, с. 138-139.

¹³⁶ Шу китоб, с. 139.

¹³⁷ Л.И.Тимофеев. Основы теории литературы. Изд.5-е, исправленное и дополненное, М.,1976, с.211.

¹³⁸ Русча-ўзбекча луғат, 2-жилд, Т., 1984, с.597.

ирфоний дунёқарашга оид тушунчанинг моҳиятини англамай турганда на тасаввуф адабиётини, на «мажоз тариқи» нималигини тўғри англаб идрок этиб бўлмайди.

Бадиий асар шакл ва мазмуннинг ички уйғунлиги ва поғонадорлиги асосига қурилган матн ҳодисаси бўлиб, унда поэтик шакл – поэтик образ - поэтик ғоя мураккаб синтези мавжуд бўлсагина мумтоз адабиёт намунаси ҳисобланиши мумкин. Мумтоз шеъриятда 1) сўзнинг шаклига таянувчи **ифода босқичи**, 2) матндаги **сўзларнинг маъно жилвалари** асосига қуриладиган **иккинчи қатлам**, 3) эпик тасвирга хос **сўз орқали тасвир** яратилган санъатини намоён этувчи **воқеа қатлами** ва шоирнинг воқелик муносабатини очиб берувчи 4) **ғоявий қатлам** поғонадорлиги ушбу мураккаб муносабатлар ҳосил қилади ва агар уларнинг бирориси назардан қочирилса, асар таҳлили мукамал бўлмайди. Чикариладиган хулосалар ҳам оқсаб қолади. Албатта, бир қилса бу жиҳатларнинг ҳаммасини тенг ҳисобга олиш қийин масала, лекин сабабли ҳам бу ўринда турли йўналиш олимларининг холисона ва беғараз ҳамкорлиги ўта муҳим. Бундан ташқари нафақат матн илми омиллари, балки **экстралингвистик омиллари** ҳам турли инobatга олиш керак бўлади.

Яна мажоз масаласига қайтадиган бўлсак, мажозий мазмунни ҳосил қилишнинг **биринчи босқичи** юқорида қайд этилган **иккинчи қатламга**, **иккинчи босқичи** эса **мажозий тасвир қатлами** мувофиқ келади. Бу қатламга Абу Абдуллоҳ Рудакий, Башир Марғозий¹³⁹, Манучехрий Домғоний каби X-XI аср андеша шоирларининг узумдан май етиштириш жараёнининг бир-биридан гўзал ифодаланган **мажозий тасвирлари** ёрқин мисол бўла олади.

Агар дунёвий адабиёт вакиллари **мажозий тасвирдан** асосан шеърят мухлисларига **эстетик завқ бериш**, **оддий ҳаёт ҳодисаларини нафис тимсоллар орқали ифодалаш** учун фойдаланишган бўлсалар, XII-XIII аср тасаввуф шеърияти вакиллари салафларнинг бадиий тасвир соҳасида эришган ютуқлардан унумли фойдаланган ҳолда **мажозий тасвирни ирфоний тўғриликлар тараннуми билан уйғунлаштириб**, шеърятнинг ижтимоий аҳамиятини янада юксакликка кўтардилар ва теранлаштирдилар.

¹³⁹ Рудакий замондошлари қаторида тилга олинувчи ушбу шоирдан (шайх) етиб келган ягона қасида ҳам узумдан май тайёрланишининг ўзига хос мажозий тасвирга бағишланган. Қаранг: Рудаки и поэты его времени. Ленинград «Сов.писатель», 1985, стр.131-133.

Ана шу ерда энди муҳим бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишимиз мумкин бўлади. Тасаввуф адабиётининг ўзига хослиги шундаки, уни тўғри тушуниш ва тўғри талқин этиш учун ҳам бадиий адабиётнинг, ҳам таъаввуфий-ирфоний дунёқарашнинг асл моҳиятини яхши англаб этиш мумкин бўлади. Бунинг учун ҳам бадиий адабиётнинг табиатини, ҳам шайхлар ва тасаввуфни яхши билиш керак. Афсуски, биздаги бу соҳа таълимчиликларнинг аксарияти ё у жиҳатдан, ё бу жиҳатдан етарли даражада ва тасаввурга эга бўлмаганликлари туфайли хулосалари мумкин эмаслиги касб этмай қолмоқда.

2. Алишер Навоий «мажоз тариқи» ҳақида

Ислоҳ минтақа адабиёти ривожига учинчи йирик давр XIV-XV асрларни ўз ичига олиб, биз Алишер Навоийнинг бу ҳақдаги бадиий мулоҳазаларига таянган ҳолда бу даврни минтақа адабиёт тарихида «Мажоз тариқи» даври деб аташ мақбул кўринади. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» рисоласи «Аввалги қисм»ининг 16-басмида «мажоз тариқи» йўналишидаги шоирлар ҳақида шундай баҳо берган эди:

«Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқини
қилут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут
қилубдурлар. Андоқки, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх
Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва
қоғилари Амир Хусрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат
қилубдурларининг гириҳқушойи Шайх Заҳириддин Санойи ва фариди
қилубдурларининг яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосига лофиз Хожа
Шамсуддин Муҳаммад ал-Ҳофиз»...

«Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмиға
қилуб ва алар бу шеваға кўпроқ роғибдурлар. Андоқким, Камоли
Исфихоний ва Хоқонийи Ширвоний ва Хожуи Кирмоний ва
Қамоли Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва
Қамоли Мушовосий ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва
Қамоли Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий».¹⁴⁰

(Насрий баёни: «Яна бир гуруҳдурким, ҳақиқат сирларига
мажоз йўлини аралаштирибдурлар ва сўзларини бу услубда
қилубдурлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх
Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиқи

¹⁴⁰ Ўша китоб, с.25

Амир Хусрав Дехлавий, тасаввуф ва тафаккур мушкулларининг чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Саной, ҳақиқат аҳлининг ягонаси Шайх Авҳадиддин ва лафз билан маънони англайтидиган моҳир Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз»...

«Яна бир қанчалари бордурларки, мажоз йўли уларнинг шеърларида ғалаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбат этганлар. Чунончи: Камол Исфаҳоний, Хоқоний Ширвоний, Хоҷуви Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Зоҳир Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиби Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий».¹⁴¹

Келтирилган мулоҳазаларда номи тилга олинган шоирларда Саной, Анварий, Хоқоний, Абдулвосиъ Жабалий, Асириддин Ахсикатий, Зоҳир Фаробий, Камол Исфаҳоний, Саиди Шерозийлар ҳақида гапириб ўтилди. Улар барчаси XII-XIII асрларда, яъни буюк тасаввуф шоирлари Аттор ва Румийлар билан бир даврда яшаб ижод этдилар, улар ижодида шоирлар мавзуларининг жиддийлашуви, инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабати мумтоз адабиётнинг етакчи тамойилига айланган бошлагани кузатилади, аммо бу даврда ҳануз «ҳақиқат» ва «мажоз» тазоди шоирлар диққатини жалб этган эмас. Бу даврда «ҳақиқат тариқи суханварлари» Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий ижодлари мисолида тасаввуф адабиёти адабий йўналиш ва бадий ижод тариқи сифатида энг юқори такомил даражасига кўтарилди.

Бевосита «мажоз тариқи»нинг минтақа бўйлаб ҳам адабий йўналиш, ҳам бадий ижод тариқи сифатида онгли равишда мукаммал шаклланиши ва кенг миқёсда тараққий этиши эса айта ислом минтақа адабиётининг учинчи даври, яъни XIV-XV асрларга тўғри келади.

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккурнинг олий чуқурлиги бўлди. Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383) яшаган даврни «Мажоз тариқи» босқичига тааллуқли деб ҳисоблашга етарли асослар бор. Чунки бу улуғ ирфон муаллимидан бизга ёдгор қолган ҳикматлар «хилват дар анжуман», «дил ба ёру даст ба кор»- ўз маъноси моҳиятига кўра дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигини эришишга даъват қилади ва шуниси билан миллат маънавиятини тасаввуф тариқатлари босқичидан «Мажоз тариқи» босқичига олиб ўтади.

¹⁴¹ Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966, с.191

XIII асрда **Аттор ва Румийлар** билан бир пайтда яшаб ижод этган **Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий** (1189-1292) ва **Амол Исфаҳоний** (вафоти 1237)лар ўз асарларида Санойи ва **Аморийлар** анъанасини давом эттириб, «**Ҳақ асрори**»ни «мажоз тариқи»га, яъни инсон ҳаётининг дунёвий муаммоларига «махлут қилиб» (аралаштириб) баён этдилар, Саъдийнинг «Бустон» ва «Гулистон» асарлари «Ҳадиқа» йўналишда, ўша вақтнинг услубда яратилди, аммо улар ҳам ўз йўналишларининг «**ҳақиқат тариқи**»дан фарқини алоҳида таъкидлаган эмаслар.

XII асрда яшаган шоирлар орасида **Низомийнинг бадийи** «**Фитриқур даражаси** ўз даврдан шу даражада илгарилаб кетган эдики, унинг асарларида ифодаланган маънолар моҳиятини тасвирлаш учун XII, ҳатто XIII асрдан ҳам кўра XIV асрда мувофиқроқ шеър муҳит ҳосил бўлди, бунинг бир тасдиғи Низомий Ганжавий дostonларининг бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмалари XIV аср ўрталарига мансублигидир¹⁴².

XIII аср охири - XIV аср бошларида **Амир Хусрав Дехлавий** (1253-1325) **Низомий** дostonларига биринчи бўлиб жавоб ёзиш билан онгли равишда «мажоз тариқи» йўналишини танлаганини аъмомий қилди. Амир Хусрав «**Хамса**»си шу даражада шуҳрат қозондики, ислом минтақа шеърлятида «мажозий ишқ»ни куйлаш ва «**Хамса**» дostonларига татаббу бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. XIV- XV асрлар минтақа маънавияти «**Хамса**» анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч қандай маҳдудликда «**Хамса**»нинг бир дostonига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди¹⁴³. Бу жаҳон маънавияти тарихида бeтaкpop ҳодиса эди. Навоий эслаган **Хожуи Кирмоний** (1281 - 1362), **Салмон Соважий** (1300 - 1376) ва **Котибий (вафоти 1416)**лар ушбу дostonчилик анъанасига мансуб шоирлардир. Шундай қилиб, XIV-XV асрлар минтақа шеърлятида «мажоз тариқи» eтaкчи мaвқeгa кўтaрилгaнлигини қайд этиш мумкин.

Бу даврда нафақат дostonчилик, балки ғазалнависликда ҳам «**Ҳақ асрори**»ни «мажоз тариқи»га «махлут қилиб» баён этиш

¹⁴² Низомий Ганжавий «**Хамса**»сининг ҳозир илмий истеъмолда мавжуд қанчалик нусхалари 1362-1365 йилларда кўчирилган бўлиб, улардан кўра қадимийроқ, айниқса, XII-XIII аср нусхалари ҳануз топилган эмас.

¹⁴³ Ғ. Алиевнинг «Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока» (1985) китобида XIV- XV асрларда яшаб, форсий ва туркий тилларда Низомий ва Дехлавий дostonларига татаббу бағишлаган 50га яқин шоир ҳақида маълумот берилган.

кенг урф бўлди. Алишер Навоий бу йўналишдаги ижодкорлардан «Лисон-ул-ғайб» лақаби билан дунёга донғи таралган **Хўжа Ҳасан Шерозий** (1320-1389), мумтоз ғазал ва қасидалар устаси **Насимий Бухорий** (вафоти 1371) ва **Камол Хўжандий** (1318-1401) сарбадорлар шоири **Шоҳий Сабзаворий** (1385-1453)ларни эслаш ўтади.

Навоийнинг «**Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад**» рисоласида аттори туркигўй шоирлардан XIV асрда яшаган Насимий «**ҳақиқат тариқи**»нинг ва XV асрда ижод этган Мавлоно Лутфий «**мажоз тариқи**» нинг намояндалари сифатида тилга олинади.

3. Тасаввуфда «**ҳақиқат**» ва «**мажоз**» нисбати

Маълумки, Атторнинг «*Мантиқ ум-тайр*» достони мавзудаги биринчи асар эмас, Ибн Сино ва Аҳмад Ғаззолийларнинг насрий рисолаларидан ташқари XII асрда яратилган Санойининг «*Тасбиҳ ат-туйур*» ва Хоқонийнинг айнан «*Мантиқ ум-тайр*» деб номланган ирфоний қасидалари бунга мисол бўла олади.¹⁴⁴ Агар Фаридидин Аттор қушлар ва Симури муносабатлари ҳақидаги достониди Рудакий ва Манучехрийлар изидан бориб, тугил мажозий тасвирга таянган ҳолда ўз бадиий ғоясини ифодалашга бўлса, унинг «Илоҳийнома» ва «Асрорнома» достонларида бошқача йўл тутилган. Уларда умумий қолипловчи мажозий сюжет деярли йўқ, балки тасаввуфий-ирфоний шарҳ ва ваъзлар турли ибратли ҳикоят ва ривоятлар билан далилланиб бериб борилади. Жалолиддин Румий «Маснавий»сида ушбу услуб янада мураккаброқ бир йўсинда ривожлантирилган.

Суфий шоирларнинг бундай шарҳ ва ваъзлари биринчи навбатда уларнинг Борлиққа ҳақиқатига ўзига хос муносабатини ифода эттиради. Улар талқинига кўра **ҳақиқий**, яъни азалий ва абдий **Борлиқ – Ҳақнинг борлиғи**, биз кўриб турган моддий борлиқ **мажозий** бўлиб, **ўткинчи**, муваққат, ўзгарувчан, бебақо, демакки, **ҳақиқий борлиқ эмас**, балки **Ҳақнинг «мажози»**, яъни гўеки унинг кўзгудаги аксидири. Шундай мулоҳазалардан «**ҳақиқат**» ва «**мажоз**» нисбати келиб чиқибди.

¹⁴⁴ Рейснер М.Л. Птицы в мистико-символических касыдах Санаи и Хагани (XII в.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касыде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый М., 1997, с121-123.

моддий адабиётда бу нисбат асосан «ишқи ҳақиқий» (яъни Ҳақ ишқи) ва «ишқи мажозий» (моддий дунё унсурларига кўнгил боғлаш) ўсишларида ўзини намоён этди. **Ҳақиқат тариқи куйчилари** шуларни бу ўткинчи, мажозий борлиққа алданмаслик, балки ягона ҳақиқий Борлиқ бўлмиш Ҳаққа меҳр боғлаш, Ҳаққа интилишга бағишдилар. Аттор «Асрорнома»сига эътибор қаратайлик:

*Узинг ганжи ниҳонсен, кутма ортиқ,
Замоннинг тўрт биқиқ деворидин чиқ.
Шу тилсим, банди асрорингни синдир,
Шу даҳлиз ичра сен борингни синдир.
Узинг ганжсен, вале кон ичра маҳбус,
Узинг жонсен, вале тан ичра маҳбус.
**Жаҳон зиндони жонинг этмасин банд,
Бу дунёдин кўнгилни уз тамоман.**
Палидлик, гушналик бирлан адосен,
Вале билгаймусен, кимдин жудосен?...
Аё ҳикматсевар қуш, бу замонда
Не истарсен бу янглиғ ошиёнда?
Қанот ёз, маънилар осмонига уч,
Фалакнинг етти юсак қопқасин куч.
Ошиб ўт тўрту тўққиздин баҳарҳол,
Кечиб ўздин, Худойингга назар сол.
Нечун сен дев ила ҳамхонадирсен,
Бўлиб девона, чун ҳайронадирсен?
Биларсен, кетмагинг ғоятда маъқул
Ва лекин кетмагингни истамас ул.
Не ҳожат сенга жойи макру талбис,
Кечиб дунёданам, тарк айла Иблис.
**Билиб қўй, мулки иблисдир бу дунё,
Саройи макру талбисдир бу дунё.**
**Бериб иблисга мулкин, кечгил ондин,
Кўзинг осмонга тик, кечгил жаҳондин.**
Сенинг жойингда ул иблисга не кор?
Унинг жойини ҳам тарк айла зинҳор...¹⁴⁵*

¹⁴⁵ Шайх Фаридудин Аттор. Асрорнома. (Жамол Камол таржимаси).Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008, с.76-77, (66. 485- 489, 492-500).

Кўриб турибмизки, Атгор инсоннинг моддий ҳирсу ҳавасларини «дев» деб атамоқда, бу ёруғ дунёни эса «мулки иблис» ҳисоблайди. Инсон тарк этишга даъват этмоқда. Инсон руҳи Аллоҳдан, танаси эса хоку тупроқдан. Руҳ аслига интилади, бадан қафаси бундан монёлик қилади. Жалолиддин Румий «Найнома»си айни мавзуни давом эттиради:

*Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай:
Мен қамиш эрдим кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.
Сийна истармен тўла дарду фироқ,
Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ.
Ким йироқ тушса, йўқотса аслини,
Боз излар рўзгори васлини...*¹⁴⁶

«Маснавий»нинг биринчи ҳикояти ҳам мажозий усулда руҳ ва нафс муносабатлари тасвирига бағишланган бўлиб, унда заргарнинг ўлдирилиши нафснинг дунёвий ҳирсу ҳавасларини сўндирилишига ишора сифатида талқин этилади.¹⁴⁷

4. Ислоҳ минтақа маънавияти анъаналарида ишқ мавзусининг такомилли

Хўш, «мажоз тариқи» йўналишининг моҳияти нимада ва унинг тасаввуф ғояларига муносабати қандай?

Маълумки, бадий адабиётнинг, айниқса Шарқ шеърятининг етакчи мавзуси **инсоннинг руҳий кечинмалари** бўлса, бутун ичида энг гўзали, энг юксак даражаси, энг таъсирчани ишқ муҳаббатга оид кечинмалар бўлиб, шу сабабли **ишқ мавзуси** бутун замон ва маконлар адабиётида етакчи мавзу сифатида кундан-кун ташланади. Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «Сўзим дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бин ва

¹⁴⁶ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. I «Фан», 2005, с.17.

¹⁴⁷ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (Таржима шарҳи билан). Т., «Шарқ», 1999, с.58.

инсоннинг сўзга бу таронадур ва афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда яъни нашъаси ишқ ўзидур». Яъни, шоир назарида инсоннинг мазмуни ва завқи ишқдан ташқари эмас.

Бу мавзу минтақа илмий адабиётларида ҳам етарлича қўрилган бўлиб, масалан, Ибн Сино ўзининг «Ишқ ҳақида рисола» (*Рисола фи-л-ишқ*) асарида *ишқни руҳий ҳодиса* сифатида тадқиқ этади. Ибн Сино ишқни (бир нарсага қўйиллик маъносида) барча табиат унсурларига хос деб билади ва инсон ишқидаги *ҳайвоний ва руҳоний жиҳатларни* ажратиб қўришади¹⁴⁸. Олим фикрига кўра, улардан қайси бири ғолиб қилишига қараб инсон ишқи ҳайвоний ҳирсдан *илоҳий ишқ* сари ўзгаришиб боради. *Аллоҳ маърифатига интилиш ишқнинг энг юқори даражасидир*, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Ғаззолийнинг «Илмий илмларнинг тикланиши» («Иҳёи улум-ад-дин») китобидаги «*Нажотга элтувчилар*» («Мунжиёт») аталмиш тўртинчи қисми асарининг китобида ҳам бу мавзуда алоҳида боб мавжуд бўлиб, мутафаккир бу инсоний туйғунинг кимга йўналтирилганига кўра беш турга ажратган:

1. Инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати.

2. Унинг ўз ҳомийлари, унга меҳр-шафқат кўрсатувчиларга муҳаббати.

3. Унинг умуман инсонларга яхшилик қилувчиларга муҳаббати.

4. Инсоннинг барча ички ва ташқи гўзаллик эгаларига муҳаббати,

5. Моҳият жиҳатдан ўзига ўхшаган зотга муҳаббати.¹⁴⁹

Ушбу *барча муҳаббат турлари* Ғаззолийнинг кейинги асарининг таҳлили натижасида инсоннинг бутун борлиқ ва шайқудотларнинг яратувчиси ва хожаси *Аллоҳга бўлган муҳаббат* сифатида ягона олий туйғуга бирлашади.

Ғаззолий таълимотида ушбу қарашлар умумлаштирилиб, охири натижада «*ишқи ҳақиқий*» ва «*ишқи мажозий*» тушунчалари шаклланди. Уларнинг биринчиси Аллоҳга муҳаббат, яъни «*ишқи алоҳий*» маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг ёқиб билан яшашни билдирса, иккинчиси - *инсонларнинг бир-бирига ва фоний дунё ашёларига бўлган ишқи* сифатида талқин қилинган ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйилди. Масалан,

¹⁴⁸ Серебряков С. Б. Трактат Ибн Сины (Авиценны) о любви. Тбилиси, 1976, с. 47-48

¹⁴⁹ Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. М.-»Наука»-1980, с. 238.

буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор энг машхур асарини «Мантиқ ут-тайр»да қушларни Симурғ сари даъват этувчи Худудул тилидан шундай хитоб қилади:

*... Эй, гирифтори мажоз,
Аз сифат дуру ба сурат монда боз¹⁵⁰.*

*(...Эй, мажоз тузоғига илинган,
(ички) сифатдан узоқлашиб,
(ташқи) суратга маҳлиё бўлиб қолган.)*

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, ундан тасаввуф ирфони бўйича махсус таълим олган. «Маҳбуб ул кулуб»да шоир устозини «**ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил**», деб улуғлаётган. Дарҳақиқат, Жомий нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Ибсолларнинг оташин муҳаббатини эҳтирос билан гавдалантириб бергач, асар охирида барибир **барча мажозий тимсолларининг ирфоний шарҳини беришни унутмайди. Яъни Аттор кайи Жомий учун ҳам «мажозий ишқ» рамздир, аллегориядир.**

Лекин «мажоз тариқи» намояндалари Низомий, Деҳланин Саъдий, Ҳофизлар учун мажозий ишқ (яъни фоний онав мавжудотларининг бир-бирига муҳаббати) **муस्ताқил қийматга эга Амир Хусрав «Ширин ва Хусрав»** достони кириш бобларида ётади.

*Фидойи ишқ шав, гар худ мажозист,
Ки давлатро дар-у пўшида розист,
Ҳақиқат дар мажоз инак падида аст,
Ки фатҳи он хазина з-ин калидаст.¹⁵¹*

*(Ўзингни ишққа бахш эт, агар у мажозий бўлса ҳам,
Чунки унда саодат сирлари яшириндир.
Ҳақиқат мажозда шундай ўзини намоён этадики,
Ул хазинани қўлга киритмоқ имкони ушбу калит орқали бўлади.)*

¹⁵⁰ Ситтайи Фаридиддин Аттор (ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаҳои хазинаси, инвентар №813), 17а-варақ.

¹⁵¹ Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. М.-»Наука»-1979, с. 40

Шоир **«мажозий ишқ»**қа таъриф бериш билан чекланиб қолмай, таърифидаги баъзи **«ишқи ҳақиқий»**дан лоф урувчиларга дашном беришни ҳам лозим топади:

*Ту к-аз «ишқи ҳақиқий» лофий, эй дўст,
Хироши сўзани бенмой дар пуст,
Ту к-аз бонги саге аз дин шави фард,
Индори шарм аз-ин имони бедард.¹⁵²*

*(Эй, сен «ишқи ҳақиқий» дан лоф урувчи дўст,
Биданингга бир игна қадалишини тасаввур қилиб кўр.
Ногоҳон ит «вов» деса чўчиб диндан чиқиб кетасану,
Чина бундай «дардсиз имон»ингни кўз-кўз қилгани уялмайсанми?)*

Амир Хусрав «Хамса»дан кейин ёзилган тарихий ишқий дивани «Дувалроний ва Хизрхон» қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам мажозий эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

*Чу ишқ андар мажозаш жилвагоҳ дод
Мажозаш бар пули таҳқиқ раҳ дод.¹⁵³
(Ишқ ўз мажозидида намоеън бўлгани сабабли,
Бу мажоз Ҳақиқатни англаб етиш учун кўприк бўлди.)*

Кўриниб туриптики, бундай ёндошув Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг «мажозу қантарат ул-ҳақиқат» (мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) деган машҳур ҳадисларига тамомила мувофиқ бўлмоқда. Алишер Навоий «Ҳазоин ул-маоний»нинг охириги девони «Шаноид ул-кибар»да ушбу ёндошувни тўлиқ қувватлаб махсус биттади:

*Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошиқекеим бўлса ишқ атвори ичра покбоз.
Воҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гир сен идрок айласанг, айни Ҳақиқатдир мажоз.¹⁵⁴*

¹⁵² Уша китоб, с. 40

¹⁵³ Амир Хусрави Деҳлави. Дувалроний ва Хизрхон. Душанбе-«Дониш»-1975,

224

¹⁵⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-ж. Т. 1990, с. 512-513

Аммо «мажозий ишқ»ни инсонларнинг бир-бирига муҳаббат деб тушунилса, воқеликка бу масалани татбиқ этганда бундай мураккаблик вужудга келарди. Яъни инсоний муҳаббат ҳақида доимо беғараз бўлавермаслиги маълум бўлиб, бу энди ошиқнинг маънавий савияси билан боғлиқ эди. Алишер Навоий ижодий йўлининг назарий хулосаси бўлмиш «Маҳбуб ул-қулуб» рисоласининг иккинчи қисмидаги «Ишқ зикрида» аталмиш бобида ушбу муаммони мукаммал ҳал қилиб берди. Унда алайҳа ишқни уч қисмга ажратади ва уларга шундай таърифлар берилади:

«Аввалги қисм **авом ишқидурки**, авомуннос орасида бу машҳур ва шоедурким, дерлар: «Фалон фалонга ошиқ бўлубтур». Ва бу навъ киши ҳар навъ кишига бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларини лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халогликка суннатдур ва мубоҳ. Ва пастроқ мартабасида паришонлик ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки зикри тарки адабдур ва баёни беҳижоблиққа сабаб.»¹⁵⁶

(Қисқартирилган насрий баёни: «Биринчи қисм **оддий одамлар (авом) ишқи** бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадиган олий мартабаси - шаърий никоҳдир... Қуйроқ мартабадаги жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандалиқлар кўринади ва бу ҳақда сўзлаш - одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир»).

«Иккинчи қисм **хавос ишқидурким**, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнни ул пок юз ошубидин кўзгалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси билан ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ».¹⁵⁷

(«Иккинчи қисм - алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубини жамолидан баҳра олади»).

«Учинчи қисм **сиддиқлар ишқидурким**, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўли

¹⁵⁶ Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966 с.42

¹⁵⁶ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1983, с.51-52

¹⁵⁷ Алишер Навоий. Асарлар 13-ж., с.42.

¹⁵⁸ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, с.52

«...ишқ ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок этилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул фарқ этган ва улар фарқ бўлишдан ўзиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар»...¹⁵⁹ «Агар ҳодисалар дунони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса - улар Аксаббар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ учун умлари остида йўқолиб битган...»¹⁶⁰

5. «Мажоз тариқи» минтақа мумтоз шеърининг ривожининг олий босқичи сифатида

Навоий пок инсоний ишқни ошиқ учун ўзликни англаш йўли, «Ҳақиқат асрори» ганжинанинг калити деб билади. «Лайли ва Мажнун» достонининг хотима бобида¹⁶¹ шоир муҳаббатга фаройиб ямийб, яъни мисни олтинга айлантира олувчи сеҳрли куч, инсонга дорлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу, деб таъриф беради. У «ишқ» ҳодисасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда «мажозий ишқ»ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга келтиради, ўзак моҳиятга айлантиради. «Фарҳод ва Ширин» достонида Қадим Юнон фалсафасининг тимсоли бўлмиш Суқрот Фарҳоднинг келажак тақдирдан башорат этар экан, унга насиҳат этилиб, бу дунёнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётидан асл мақсад «ишқи ҳақиқий», яъни Ҳақ васлига интилиш эканлиги, бунинг учун инсон, аввало, ўзликдан, яъни худбин нафсининг ҳою-ҳавасларидан қормоғи лозимлигини таъкид этиб, айтади:

*Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...*

¹⁵⁹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами., 14-ж. Т., 1998, с.70

¹⁶⁰ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 1983, с.54. (Ушбу учинчи ишқ таърифи кичиклик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдириларди ва фақат араб ҳуқуқида босилган йиғма нусхадагина мавжуд эди. Биз уни тушунарли бўлиши учун фақат насрий баёнда ифода этдик – муаллиф.)

¹⁶¹ Алишер Навоий. Хамса. Т., 1960, с.447

Сенинг олингдадир ишқи мажозий,
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози -
Ҳам овозангни офоқ ичра солғай,
Ҳам овозинг кўхан тоқ ичра солғай.¹⁶²

Демак, «мажоз тариқи» намояндалари нуқтаи назарига кўра «ишқ» ношоиқ учун Борлиқ сирларини намоён этувчи қудрат – *ишқ* «ишқ» Дарҳақиқат, юқорида кўриб шлтанимиздек, Алишер Навоий дастлаб ҳам «мажозий ишқ» деб ишлатиб келган ҳодисани «Маҳбуб ул қулуб» асаридида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини «авом ишқи» ва иккинчисини «хавос ишқи» деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Шўқон Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган «алоҳид» оддий «ошиқ-маъшуқ»ликдан ҳам, тасаввуф аҳли «ишқи ҳақиқий» деб атаган ирфоний интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумкин **бир туйғу**, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Суқрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» охир-натияжада Навоий бадиият оламида **муस्ताқил ҳодиса** сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисани моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳақ воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳолати қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли «мажоз тариқи» деб ном олди. Шундай қилиб, «Мажоз тариқи» **босқичи** ислом минтақа маънавияти такомилли-нинг энг олий даражаси бўлиб, **Тавҳид таълимотининг энг мукам-мал талқини** деб, қўриқ мумкин. «Ҳақиқат асрори», яъни Тавҳид мазмунини «мажоз», яъни ушбу зоҳир бўлиб турган оламдан қидириш, Ҳақ асрорини англаб этиш учун холис ният, пок кўнги билан «мажоз»ни, «фоний», ўткинчи дунё, «сурақ»ни тадқиқ этиш, тушуниб этиш орқали Ҳақиқатни, «маънони» аниқлаш уриниш, биринчи навбатда, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш, Инсонларни, табиатни тушуниш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини идрок этиш - «Мажоз тариқи»нинг буюк ажодларимиз Хусрав Деҳлавий ва Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳофиз Шерозий ва Лutfийлардан мерос бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган ўзига «дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ислом ислом минтақа маънавияти такомиллининг қонуний якуни бўлиб, турини

¹⁶² Ўша асар. С.219

қолда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобоколони ижодида авж нуқтага келди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат **бадий адабиётда**, бадий тиллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, «мажоз» тилининг ўзи бадий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

Шундай қилиб, XIII аср охири – XIV аср бошларида Амир Хусрав андлювий (1253 – 1325) ҳақиқат ва мажоз нисбати масаласида суфий қарашларни рад этмагани ҳолда, суфийларнинг *ишқи шайқий* ва *ишқи мажозий*ни бир-бирига зидлаштириш принципига қарши келди. XIV – XV асрларда бу янги қарашлар адабиёт майдонида кенг тарқалиб, кейинчалик Алишер Навоий асарларида **«мажоз тариқи»** номи билан тилга олинган янги йўналиш шаклланди. Форсий ва туркий тилли шеърларда урф бўлган бу йўналиш намояндалари суфиёна қарашлардан қайрили ўлароқ, моддий дунё неъматлари аҳамиятсиз, рад қилиниши билан бўлган нарсалар эмас, балки улар Ҳақ яратган, ҳақиқат сирларини эълон қилган пинҳон этган мавжудотлар сифатида жиддий эътиборга лойиқ, деб қарашлар шаклландилар. Пайғамбаримизга нисбат берилган **«Мажоз – ҳақиқат»** қисмига *кўпригидир* ҳадисига мувофиқ бу олам унсурларига, айниқса, ҳақиқатга нисбатан меҳрли (**«мажоз ишқини»**) *«ишқи ҳақиқий»* сари олиб кетилган йўл, деб талқин қилдилар. Ушбу қарашлар силсиласи уч буюк асар яратган **«Хамса»**лар мазмунида рўй-рост ўзини кўрсатди ва Навоий асарларида назарий жиҳатдан ҳам мукаммал изоҳланди.

Мавзуну мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. «Мажоз» атамасининг маънолар доираси ҳақида нима биласиз?
2. Тасаввуф таълимотида **«ҳақиқат»** ва **«мажоз»** тушунчалари қандай маъноларда ишлатилган?
3. Ирфоний шеърларда *«ишқи ҳақиқий»* нима маъно англатади?
4. Суфийлар нега «ишқи мажозий»дан қайтаришган?
5. Ислом минтақа маънавияти аъёнларида Навоийгача ишқ мавзусида қандай қарашлар мавжуд бўлган?
6. Алишер Навоий ишқни неча қисмга ажратган?
7. Адабиётда **«мажоз тариқи»** босқичи қайси асрларни ўз ичига олади?
8. «Мажоз тариқи» адабиёти вакилларида кимларни биласиз?
9. Минтақа адабиётида хамсачилик аъёнлари ҳақида гапириб беринг.
10. Минтақа адабиётида **«мажоз тариқи»** босқичининг моҳияти нимада?

«МАНТИҚ УТ-ТАЙР» ВА «ЛИСОН УТ-ТАЙР»

Алишер Навоий неча йиллар мажоз тариқи устодлари ишдан бориб, «Хамса» мулкани тасарруф этгач, умр ниҳоясида «*ҳақиқат тариқининг суханвари*» Фаридиддин Аттор этагига илик урди, «*сиратили ишорати билан ҳақиқат асрорини*» талқин этмоққа кирди.¹⁶³

Шоирни гўдаклик чоғидан мафтун этган бу рамзий достонни туркий тилда қайта нақл қилишга қандай эҳтиёж бор эди. Ҳозирга қадар Навоий достонини тасаввуфий руҳдаги асар сифатида талқин қилиш кенг урф бўлган. Унинг «*ҳақиқат асрорининг мажоз суратида кўргузупмен*» деган сўзлари ҳам худди шу мазмунда, яъни ирфоний ғояларнинг мажозий ифодаси маъносини тушунилади. Аслида ҳам шундайми?

Аттор асари рамзий-мажозий услубда ёзилган, Навоий татаббуъи ҳам. Фарқ шундаки, **Аттор учун мажоз фақат аллегория** ҳолда, **Навоий учун эса мажоз қуруқ аллегория эмас, балки метафорадир.** Ушбу ўта муҳим масалага, афсуски, жуда кўп асар мунаққидлар чандон эътибор қаратмайдилар. Бу катта фарқнинг моҳиятини тўғри идрок этиш учун татаббуъ ҳодисасининг минтақа халқлари маънавий такомил жараёни билан боғлиқ жиҳатларини эътибор қаратиш лозим бўлади. Ушбу жараённинг ички қонуниятларини англамаган ҳолда, Навоий татаббуъсининг сирини сиримкандан ташқаридир.

«Мантиқ ут-тайр» достонида эпик тасвир изчиллигидан кўра эҳтиросли лирик-дидактик оҳанг устун туради. Навоийнинг бундай оҳанги эса ниҳоятда босиқ, туйғуга эмас, ақл-идроққа таъсир этиши қаратилган. Бундай тасвир оҳанги тасаввуфий шеърятга хос эмас. Навоий ҳаёт ҳодисаларини таҳлил этмоқда, аммо бу таҳлил тўлиқ равишда рамзий-мажозий тасвир услуби доирасидан четга чиқмайди.

Инсон моҳияти Атторда оддий зиддиятли жуфтлик («*хок*» ва «*жон*») сифатида бадиий талқин этилса, Навоий унинг турли

¹⁶³ «Чун «Лисон ут-тайр» илҳоми била тараннум тузупмен, куш ширини ишорати била ҳақиқат асрорининг мажоз суратида кўргузупмен». (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-том. Т., «Фан», 2000, с.26).

таърифт унсурларининг мураккаб уйғунлиги асосига қурилганлигида эътибор қаратади. Аттор «Чун қунам, чун ман надорам маърифат» – «Қандай қилай, ахир менда маърифат (Олий ҳақиқатни билиш салоҳияти) йўқ бўлса» деб фарёд чекса, Навоий инсон имкониятлари хусусида некбин қарашларни олға суради, Назомий изидан бориб, унинг кўнглини «Олий ҳақиқатни англаш минахонаси» («махзани ирфон»), деб таърифлайди. Аттор баърича, инсон ҳар қанча изланса, фақат ўзини ўзи англаб етиши мумкин, Олий ҳақиқат сирлари барибир унинг дил кўзидан тамомила яширин қола беради. У инсондаги жон ва жисм аферикувини «*тилисм*» деб атар экан, фақат «*тилисм кўздан аферикувач, хазина пайдо бўлади*», яъни жон жисмдан ажралгачина Олий ҳақиқат сири ечилади, деб хулоса чиқаради. Навоий бу мисалларни буткул бошқача талқин этади. У инсон моҳиятининг мураккаблигини инкор қилмайди, аммо айна мана шу мураккаб муносабат Олий ҳақиқатни чексиз англаб боришга, камолотга имкон қилувчи қудрат замири эканлигини ҳар жиҳатдан таъкидлайди.

«*Мантиқ ут-тайр*» ҳам, «*Лисон ут-тайр*» ҳам кўп маъноли, турли-туман фалсафий, руҳоний (яъни, руҳиятга тегишли), ахлоқий, ижтимоий, маънавий ва ўзга ғояларга бой, ички турпимаси ниҳоятда мураккаб асарлардир. Бир ўқиш билан уларнинг ҳатто асосий мундарижасини қамраб олиш ҳам қийин. Шу сабабли биз бу мақолада «*ҳақиқат тариқи*» ва «*мажоз тариқи*» намояндаларининг Борлиқ ҳақиқатига ёндошувидаги асосий фарқ бўлмиш ижтимоий воқеликка муносабат масаласига эътибор қаратиш билан чекланамиз.

Аттор ижтимоий воқеликни ўзгаришсиз олади, Олий ҳақиқатни ҳақиқий Борлиқ ва унинг моҳияти нима, деган нуқтаи назардан талқин қилади. Инсон ва илоҳиётнинг ўзаро муносабати унинг учун энг муҳим муаммодир. «*Мантиқ ут-тайр*» биринчи навбатда ушбу муаммони ҳал этишга бағишланган ва унда Атторнинг хулосаси Симурғ тимсолида энг ёрқин ифодасини топган. «*Мажоз тариқи*» соликлари тарафидан воқеий борлиқ ва Олий моҳият аро нисбатнинг қандай талқин этилиши эса Навоийнинг «*Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват*» асаридаги шайх Авҳадиддин Кирмоний¹⁶⁴ номидан келтирилган рубоийда ихчам ва пўнда ифода этилган:

¹⁶⁴ Авҳадиддин Кирмоний XIII асрда яшаб ўтган тасаввуф шайхларидан. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида уни Саъдий, Ҳофиз ва Дехлавий-

*3-он менигарам ба чашм сар дар сурат,
Зеро-ки зи маъност асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.*

*(Бошидаги кўз билан суратга тикшишимнинг боиси –
Суратда маънонинг изи борлиги сабабдир.
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас).*

Яъни, бу сатрларда борлиқнинг Олий моҳияти ва унинг таълимий моддий намоён бўлиши (мазҳари) аро мураккаб уйғунлашув мавжудлиги эътироф этилади. Бу анъанавий тасаввуф ирфонийлиги етиб келиб тўхтаган нуқта.

Худди ана шу нуқта «Мажоз тариқи» устодлари учун асосий ибтидо дир. Агар Аттор «мажоз» (сурат)га маҳлиё бўлиш инсоннинг Олий ҳақиқат («сифат», «маъно»)дан йироқлаштиради, деген ҳисоблаб, бундай гумроҳликни тарк этишга чақирган бўлса, Амир Хусрав Дехлавий «ҳақиқат ишқи» («ишқи ҳақиқий»)дан йироқланган ургандан кўра, «мажоз ишқи» («ишқи мажозий»)га ўзни қайтариб олган мақбулдир, деб билди. Навоий масалани янада ойдинлаштириб, «Гар сен идрок айласанг, айна ҳақиқатдир мажоз» деген тушунтирди.

Ўз вақтида Низомий ҳам инсоннинг Олий моҳиятга нисбатан масаласини унинг ижтимоий адолатга муносабати масаласидан айру кўрган эмас. Шоҳ ҳам инсон. Аммо унинг ижтимоий ҳаётининг ҳаракатидаги адолатсизлик нимадан туғилмоқда ва не қудратли шоҳ-инсоннинг моҳиятидаги ушбу қусурни бартараф эта олади? Мана, Низомий «Хамса»сининг бош масаласи. Низомий ўз даврда доирасида фикр юритиб, шоҳ табиатидаги қусурлар билан одамнинг инсон табиатидаги иллатларни бир манбадан қидиради, ҳукмларнинг ўрнига шоир ўзини қўйиб кўриб, уни адолат йўлига бошлагувчи асос омиллар – **ишқ** ва **илм** деб хулоса чиқарди. Умрини султоннинг саройида ўтказган Амир Хусрав Дехлавий эса бутун ижоди билан бу ақидага ишончсизлик билдириб, **ошиқлик ва шоҳлик** бутун

лар қатори «ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилгон»лар жумласига қўшади.

ид моҳиятлардир, тож ва меҳр бир-бирини истисно қилади, деб қайд этди.

Навоий ўз «Хамса»сида бадий тафаккур қонуниятларига инсон ушбу қарашларни ҳар бир тимсол, ҳар бир қаҳрамон шифасида танқидий тадқиқ этди, янги хулосалар чиқарди. Унинг аёвсий хулосаси Фарҳод тимсолида мажозий тажассумини топди. Фарҳод – бу бошига тож кийишдан воз кечиб, инсонлигини, мажозий ишқ толиби бўлиш ҳуқуқини сақлаб қола билган шаҳзода, маънавий камолот касб этган хос инсон. Аммо ҳали «Хамса»да «мажоз тариқи» устодларининг ижтимоий тафаккурига аёв маълум чегаралар сақланиб қолган, бу соҳада руҳий инқилоб юз бермаган. «Хамса» ёзилган даврда Навоийнинг воқеий ҳаётдаги янги умидлари ҳали буткул поймол бўлмаган эди. Навоий дўсти Муҳаммад Бойқарони «дарвеш-шоҳ» бўлишга тарғиб этар, Мўмин Мирзога алоҳида умидлар боғларди. Аммо тожу тахтнинг аёвсиз қонуниятлари, айниқса, ёш шаҳзоданинг ўз бобоси фармони билан ўлдирилиши, бу иккиланишларга узил-кесил барҳам берди.

Мутафаккир санъаткор янги қадриятлар яратиш йўлини излади. Келгуси авлодларга васияти сифатида «*Лисон ум-тайр*» ва «*Маҳбуб ул-қулуб*» асарлари дунёга келди.

Б.Э. Бертельс 1929 йилда босилиб чиққан «*Навоий ва Аштор*» мақоласидаёқ «*Лисон ум-тайр*» таржима асар эмаслигини исботлаб берган эди. Навоий тасвири ҳаётийлиги, ақлга мувофиқлиги, ҳикоя тарзининг изчил ва босиқлиги жиҳатидан ҳам Аштор достонидан кескин ажралиб туради. Шарқ адабиётининг фидоий тадқиқотчиси Навоий талқинларининг ўз салафларидан фарқи илгарилаб кетганлигини завқи салиқаси билан сезиб туради. «*Навои больше чем суфий*» деб эътироф этади олим. Аммо бу гурӯҳ маъносини алоҳида шарҳламайди. Кейинги тадқиқотлар (Ғумладан, В.Зоҳидов, Ш.Шарипов, А.Малехова ишлари)да ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмаган.

IX–XII асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда етакчи ғоявий йўналиш бўлган сарой маърифатчилигининг ижтимоий соҳадаги нуқтаи назари хаёлий «*одил шоҳ*», «*файласуф ҳукмдор*» тимсолида тиндаланган эди. XII асрдан минтақа аҳли руҳини эгаллай бориб, XIII асрда Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий ижодида мантикий чўққисига эришган тасаввуф ғоявий йўналиши таъсирида сарой маърифатчилиги олға сурган ижтимоий орзуларнинг анча қисми тўкилиб қолди. Тасаввуф устозларининг маърифий тарбия-

сини олган Алишер Навоий ўз ижодининг бошланиш даврида салтанат аҳлига ўта танқидий руҳ билан ёндашади:

*Шоҳ эмас тур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анго.*

Тазоднинг кучини қаранг-ки, ҳукмдор бир нафас дўзах ваҳмидан жони тинч эмасмиш-у, дарвеш (яъни ҳалол маърифат билан кун кечирувчи донишманд инсон) жаннатни кераксиз нафас сифатида аллақачон рад қилиб қўйган эмиш. Албатта, шоирдаги бундай кайфиятлар унинг ўз тождор дустор муносабатида ҳам муайян бир шаклда аксини топмай қолмади. Алишер Навоий ижодининг биринчи даврида Форобий талқинидаги «файласуф-шоҳ» ўрнига давр руҳига уйғун «дарвеш-шоҳ» тимсолини олға суради. Хусайн Бойқаро таърифида ёрғояни очиқ изҳор этиб:

*Шоҳлар дарвешиню, дарвешлар шоҳики бор
Шоҳлиғ сурат апга, дарвешлик сийрат анго, –*

деб таъкидлайди.

Навоий асарларида яхши ва ёмон, одил ва золим шоҳлар ҳақида гапирса-да, унинг реал воқелиқда «одил шоҳ»ни учратиши умиди қуйидаги ўзи яратган ажойиб ташбеҳда том ифодага топган деса бўлади:

*Ул сифатким, баҳрнинг аччиқ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам, вале маълум эмас.*

Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» қасидаси, кўплаб ғазаллари ўзга шеърлари унинг салтанат тизимига бўлган умумий муносабатини ёрқин очиб беради. Маълумки, кўпгина шеъриятимиз учун энг мўътабар инсоний туйғу – ишқ-муҳаббат туйғусидир. «Ишқ аро душвордир...» деб бошланувчи ғазалда Навоий ҳокимият («жоҳ») эгаси ва ошиқ (дилида ишқ-муҳаббат туйғуси ҳукмрон бўлган инсон) нисбатини ҳар тарафлама очиб берган:

*Шоҳ мёндан ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас,
Ким балокашлик мёнинг хўйимдир, онинг – иззу жоҳ.*

ҳукмдор ишқ борасида мөндан ожизроқ бўлса, ҳеч ажабланарли
иш йўқ,
Чунки менинг одатим зулму жафоларга чидашдир, ҳукмдор
иш эса иззатталаблик ва мансабпарастлик.)

Шоҳ ким, матлубиға қуллуқ буюргай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдир гувоҳ.

Ривғилисидан ўзига таъзим бажо келтириш, бўйсуннишни
таиб қилувчи шоҳ туйғусини ишқ деб бўладими ?
Кимки чин ошиқ бўлса, ундан ишқ йўлида хокисорлик ва ўтинч
таиб қилинади.)

Тазал мақтаида ишқ ичра гадолик шоҳлиқдан ортиқ қўйилади:

Ид, Навоий, сидқ ила бўлгин гадо ишқ ичра ким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Бундай нуқгаи назар Навоийнинг улуғ салафларига ҳам хос
ки, шоир уларга чин кўнгилдан эргашади. Аммо бир оғир ҳаётий
масала ҳал қилинмай келарди, у ҳам бўлса қандай қилиб
иштимой адолатни таъмин-лаш, ижтимоий тартиб ва инсоний
группар орасида уйғунликни вужудга келтириш.

Қушларнинг афсонавий подшоҳининг номи Абу Али ибн Синонинг
«Рисолат ут-тайр» ва Аҳмад Ғаззолийнинг шу номдаги рисоласида
Симурғ эмас эди. Аттор ўз достонининг бош тимсолини биринчи бўлиб
қандий икки маъноли номлаш билан келгусидаги мажозий тасвирларга
кўп-кўп таъзим таъзимин яратди. Навоий салафи мерос қолдирган ушбу янги
эстетикур чизгиларига изчил ривож бахш этиб ва уларни мантикий
ташабб, яхлит дунёқараш даражасига кўтарди. Аттор, асосан, эски
қушларни рад этишга аҳамият берган бўлса, Навоий янги руҳий дунёни
ташаббуслантиришга эътиборини қаратди. Мисол учун, Аттор Симурғни
«Тартоб» ва қушларни «соя»га ташбеҳ этади. Навоий буни инкор этмайди,
вақдат у масаланинг нозик бир жиҳатига диққатни тортиб айтадики,
«Соя»ники воқеан мавжуд бўлса, унинг сояси бор, сояси йўқ нарсанинг ўзи
«соя» бўлмайди. Бу ташбеҳ Авҳадиддин Кирмонийнинг юқорида тилга
келтирилган хулосаси билан мосдир. Демак, олий ҳақиқатни англаб етиш учун
«соя»нинг «сояси» («мажози», «сурати») бўлмиш оддий кўз билан кўриниб
қолган моддий воқеликни, унинг турли кўринишларини, ҳодисаларини
ташбеҳ этиш, ички мураккаб боғланишлари, турли-туман жараёнларини

таҳлил этиш, ўрганиш лозим. Навоий хотирини ўзига жалб этган инсон ижтимоий жараёнлар, инсонларнинг бахти ва камолотини белгиларини ўзаро муносабат қонуниятларидир. Бу муаммони жиддий ўрганиш шартини учун ҳам муҳимки, инсон Олий ҳақиқат «мазҳари», унинг кўнгли «сўзлари» асрори»ни ўзида пинҳон этгандир.

Навоий аввало шоир, шу сабабдан унинг Борлиқ, инсон ва жамият ҳақидаги изланишлари шеъриятида, бадиий тафсилот қонунлари асосида кечади ва хулосалари илмий таъриф ва йўсинида эмас, мажозий тимсоллар қиёфасида юз кўрсатади. «Мажоз тариқи»нинг яна бир қудрати – унда бир тимсол қабат-қабат маъно беради ёки бир моҳиятнинг айри-айри жиҳатлари бир йўла ўзлигини намоён қилади. «Мантиқ ут-тайр» муаллифи истифода этган Симури тимсоли худди шу мажоз тариқи имкониятларига жуда мос келарди.

Аттор талқинига кўра, жаҳоннинг барча паррандалари йиғилишиб, «бу замонда шахриёрсиз ҳеч бир шаҳар йўқ, нега энди бизнинг иқлимда шоҳ бўлмас экан, бундан бу ёғи биз ҳам шоҳлар юришимиз бўлмас, бир-биримизга кўмақдош бўлсак-да, биз ҳам ўзимизга бир подшоҳ изласак», дейишади.

Худди шу пайт қушлар жамоасига Худхуд (пўпишак) мурожаат қилиб, «мен ўз подшоҳимни таниганман», агар ўзга қушлар истаса, ул олий даргоҳга бошлаб боришим мумкин, дейди. У шундай номини ҳам эълон қилади:

*Номи у Симури – султони туюр,
У ба мо наздику мо з-у дур-дур.*

*(Унинг номи Симуридир – қушлар султони,
У бизга яқин, аммо биз ундан жуда узоқмиз.)*

Кўриб турганимиздек, ирфоний ҳақиқатлар куйчиси бошидан ташқин асл фикрини очиқ айтиб қўйган. Унинг мақсади тасаввур ақидаларининг рамзий тасвири ва шарҳи бўлганлигидан қушлар жамоасининг афсонавий шоҳи Симури – фақат аллегория, шоҳи шахриёр зарурати (яъни, ижтимоий масала) суфий шоир наздида жиддий муаммо эмас, унга ортиқча тўхталиб ўтириш бекор.

Аммо Навоий достонида бошланишданоқ ўзгача йўналиш танланади. Аввало сарлавҳа: «Қушлар ижтимои тақдим ва таъхир учун бир-бири билан низоъи». Насрий баён муаллифи ноаниқ талқин бергани туфайли бу сарлавҳа қайта шарҳ этишни талаб

этиди: «Ижтимои тақдим ва таъхир» («Ким олдинроқ ва ким охирироқдан жой олиб ўзаро уюшуви») бирикмаси «ижтимоий иерархия» маъносини билдиради. Демак, сарлавҳа маъноси: «Қушларнинг жамоада ким олдинги ўринларни ва ким охирироқдагиларини эгаллаши лозимлиги ҳақида бир-бирлари билан жанжаллашувлари»дир. Бобнинг мазмуни ҳам тартиб-ахлоқига тўлиқ мос келади.

*Ултирурда чунки ойин йўқ эди,
Ҳар бирининг ўрни таъйин йўқ эди.*

Шунини, агар қушлар инсоният рамзи экани назарда тутилса, инсонлар ўзлигини англаб, кишилик жамияти тузишга эҳтиёж сезилгач, бу жамиятда ким қайси ўринни эгаллаши кераклиги аниқлаш учун аниқлаш даставвал аниқ бир қоида-қонун («ойин») йўқлиги сезилиб қолди. Натижада шакаргуфтор тўти пастда қолиб, инсонларга юқорига кўтарилди, хушовоз булбулу кумридан гўнқарга олдинга ўтиб кетди. Калхат шунқордан олийроқ мақомга эга бўлиб, ўлаксаҳўр товусдан баланд парвоз этди.

Ҳуллас, беҳунарлар ҳунарлилар устидан ҳукмрон бўлиб олишди. Шариқлилар гуруҳи бунга норозилик билдирди, аммо разиллар уларнинг сўзига қулоқ осмадилар. Ана шу можарони ҳал қилиш учун бир адолатли шохга эҳтиёж туғилди. Кўпчилик умид қилдики, бир бир шуқуҳли ва одил Олий ҳукмдор бўлганда пасткаш, тубан кишилардан олий мартабага лойиқ кишиларга шикаст етмас ва шариқлилар хасислар олдида хор бўлмас эдилар.

Навоий қушлар низосининг асл моҳиятига жиддий эътибор қилди: унинг учун «**ижтимои тақдим ва таъхир**» масаласи тақдим муаммо. Е.Э. Бертельс Атторда «аниқ кўзга ташланувчи пантеизм» («ярко выраженный пантеизм»)ни кўрган, Навоий ҳақида «Атторнинг бениҳоя кескин қарашларини юмшатиб, мўътадил ҳолга чегараларига жойлаштиради», деб баҳо берган эди. Шунинда, Навоийнинг мақсади ирфоний қарашларни мўътадиллаштириш эмас, балки улар заминидан чекинмаган ҳолда янги фикрларни кашф этиш эди. Бунинг учун у «Мантиқ ут-тайр»нинг бадий тимсоллар тизимида яширинган ички имкониятлардан фойдаланади. Масалан, Атгор асарига ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини акс эттирувчи ҳар бири ўзича жуда фарқли қатор ҳикоятлар мавжуд бўлса-да, уларга тасаввуф ақиқати фақат тамсил сифатида ёндошиб, бадий лавҳалардаги

воқелик тасвирини, улардаги ички мантиқни асар бош йўналиши билан узвий боғламаган эди. Навоий ҳикоятларидаги ҳаёт кўринишлар эса қушларнинг мажозий сафари ва мақсадлари билан мураккаб ички боғланиш ҳосил қилиб, бутун дoston сифати ва кўзни қамаштирувчи сержило кошнлардан тартиб берилган муҳташам ва уйғун манзара янглиғ таассурот уйғотади. Бу албатга, дostonдаги ҳар бир ҳикоятни ўзимиз танлаган йўналиш асосида талқин қилиб чиқишимиз қийин. Аммо ундаги Шайх Санъон номи билан боғлиқ ўзак қиссанинг мазмуни шулардан таранки, бу ҳақда батафсил тўхтаб ўтиш зарур.

Симурғ (яъни адолатли жамият кафолати сифатида таъриф қилинган адолатли шoҳ) сари интилган тўда ҳар хил қушлардан ташкил топган. Инсонлар жамияти ҳам аслида турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифа, элат ва миллатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ этувчи алоҳида моҳиятга, фазилат ва қусурларга эга. Дини, эътиқоди, тафаккур йўналиши ҳам ҳар хил. Маълумки, Навоий давридаги анъанавий тасаввурлар-га кўра турли инсон гуруҳлари орасидаги маънавий жиҳатдан энг катта фарқ икки эътиқод кутби – ислом дунёси ва куфр дунёси аро ҳисобланарди. Шайх Санъон ислом дунёси маркази Каъбадан чиқиб, мусулмон нуқтаи назаридан зид дунё бўлган куфр ўчоғи – Рум дайри (яъни христианлар монастыри) сари қўрилиш отланиш билан ўз даврининг энг олис ва ўтиб бўлмас санъат масофасини босиб ўтишга қасд қилди. Бу журъат комил ва тасоввур инсоният оламини шакллантириш йўлида ниҳоятда муҳим қадам бўлган қисса мазмуни шу жиҳатдан ҳам Навоийга бу қадар манзур бўлган.

Аттор шайх Санъон қиссасини хулосалаб, қушлар саргузаштига қайтар экан, қушлар шайх ишқини рамзий, яъни Симурғ ишқи («ишқи ҳақиқий»)га ишора маъносида тушунганларнинг ларини алоҳида таъкид этади. «Лисон ут-тайр»да эса қисса хулосаси Симурғ тимсоли билан мутлақо боғланмайди, балки ишқ туйғусининг ўзи мустақил тараннум этилади. Бу ишқ энди «ишқ ишқи», яъни икки инсон орасидаги тор кечинма ҳам, Ҳақ ишқи ва оддий аллегория ҳам эмас. «Ишқ баҳредур-ки, поён йўқ анга» ва «Оламедур ишқ, лекин бас вaсе» деб таъриф этади шоир. Бу бепоён оламда инсонлар ўзаро ижтимоий мавқелари, билан даражалари билан фарқланмайди:

*Ишқ мулкида гадову шoҳ бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.*

Бу олий туйғу асло кўнгилхуши эмас, унинг масъулияти
вазифаси оғир, эвазига ҳеч қандай имтиёз ваъда этилмайди:

*Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,
Тулму бедоду жафодин ўзга йўқ.*

Бу олий туйғу ихтиёрини банд этган, шавқ ўтида ёнган қушлар
аммо сари олға интилар экан, йўл қийинчиликлари борган сари
бориб боради ва бир йўлбошчига эҳтиёж туғилади. Қушлар Худхудга
қўлдорликни таклиф этишади. Худхуд қабул қилмайди. («Айлади
яъни ҳукуматдан ибo» – «ҳокимлик қилишни таъби кўтарма-
ни»)¹⁰⁵

У, майли, мен йўлни бошқариб боришни зиммамга олай, аммо
қўлини таклиф этсангиз, ўртада яна нифоқ тушиш хавфи
Худхудга келади, дейди.

«Маърифат водийсининг васфи»да эса Навоий жамиятда
инсонларнинг ҳар бири гуруҳи Олий ҳақиқатни излашда ўз
қўли билан йўли билан боришини, ҳар ким ўз йўлини тўғри деб
билганини тан олмаслигини турли мисоллар билан очиб
кўрсатади. Хуллас, инсонлар қанча бўлса, йўл ҳам шунча кўп,
аммо бир-бири билан доимий ихтилофда бўлган турли мазҳаблар,
маърифатлар мазмунида қуйқа (дурд), яъни хатоликлар кўпроқ, соф
ҳақиқат эса жуда оз эди, дейди афсус билан шоир.

Қушлар Симурғ даргоҳига яқинлашар эканлар, Худхуддан
сўрашади: «Бу йўл нега кимсасиз?» Уларнинг маънавий пешвоси
жаъноб беради:

*Ким эрур холи улус ғавғосидин,
Шоҳ иззу жоҳу истиғносидин.*

Биз улуғ ҳодий насиҳатларини бугун ҳам унутмаслигимиз керак:
имки ижтимоий адолатга эришиш йўлини қидирмоқчи экан, у бир
томондан, «улус ғавғосини» унутмоғлиги, яъни мавжуд вазиятни
қўлга етишга то-қати етмай, айбни бировларга юклашни осон
билган оломон ғулусидан юқори турмоғи, иккинчи томондан, давр
қўлдорларининг кибру ҳавоси, иззатталаблиги, чала мулоҳазачи
лиги ва хом ишларини оқлаб кўрсатиш, улар истаги билан муроса

¹⁰⁵ Шу ўринда Имоми Аъзам ва Имом ал-Бухорийларнинг қозилик лавозини
эгаллашга нўписа остида ҳам рози бўлмаганликлари эсга тушади.

қилиш заруратидан мутлақо фориг бўлмоғи лозим. Асли ҳақиқат шундагина юз кўрсатиши мумкин.

Навоий достонидаги қушлар ожиз, ноумидликка биринчи бечора нотавонлар эмас, балки мақсад йўлида собитқадимлик билан олға босиб бораётган, ҳеч қандай дўқ-пўписа ёки ташвиқотга учмайдиган йўлчилардир:

*Йўл югурмоқдин туну кун ҳормайин,
Ҳар балоқим келса юз қайтармайин...
Ҳам аларда бор эди мардоналик,
Ҳодию комилда ҳам фарзоналик,
Сидқи ихлос ичра иккинчи фано
Ёрни қилди аларға ошно...*

Бу ерда Навоий «иккинчи фано» тушунчасидан моҳирлар фойдаланади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва шайх Суфийлар Сурийлар¹⁶⁶ номидан ифодаланган, дабдурустан қушлар ноумидликка туширган «биринчи фано», яъни Олий мутлақ моҳиятида ўзликдан буткул фориг бўлиш шахс сифатида улағи йўқотиш, жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади. Бу солиқлар ушбу юксакликдан «иккинчи фано» босқичига етишганлар. Бу мартабада энди васл боғидан Масиҳонинг жон бағи этувчи нафасидек майин ел эсади-да, барча нуру дунё пардаларини ҳар тарафга кўтариб ташлайди.

«Лисон ут-тайр»да Аттор достонидаги маҳобатли, кинояларзага солувчи сирли даргоҳ ўрнига қушлар ўзларини талқин қўйнида, ажойиб бир бўстонда кўрадилар. Гулу гулзор, «нуру сафо», «софу равшан сув» каби киши кўнглига осудалик, бегўна осойишталик бахш этувчи фараҳли тасвир намоён бўлади. Гулшанда ҳар гул бир кўзгу янглиғ, уларга боққан қушлар нуру чўмгандек, соф ва тиниғ ёғду аро ўз аксларини кўрар эдилар. Мунча ранжу азоб кўриб, бардош билан шу кунга етишган қушлар

*Кўрдилар ўзни қаёнқим тушди кўз,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойибдир бу сўз!*

¹⁶⁶ Суфийни Сурий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд каби машҳур тасаввуф шайхларидан, Навоий «биринчи фано» талқинини улар тилидан ифодалайди

Навоий энг асосий фикрни билдирар экан, яна ўз алоҳидзаларига урғу бериб, «не ажойибдир бу сўз!» деб хитоб қилиб қўяди).

Аттордаги ўттиз қуш (*си мурғ*) руқъа (ёзувли парча қоғоз)да келарини кўрган бўлсалар, Навоий қаҳрамонлари учун табиат рамзлари – гул, барглар ва зилол сув кўзгу вазифасини берибди, яъни инсонлар атроф-табиат билан мулоқотда фикрларини англаб етадилар. Олий моҳият (*Симурғ*) билан асосий инсонлар жамоаси (*си мурғ*) орасида мутлақ узилиш йўқ, «мажоз кўприги» уларни туташтириб турипти, Аттордаги «чумоли ва сандон», «пашша ва фил» тазодлари Навоийда тушириб келдирилган. Олий ҳақиқат улуғ мақсад йўлида риёзат чекиш вақти турли ҳирсу ҳаваслардан пок бўлган инсонларнинг соф шундонияти»да ўзини намоён этмоқда. «Нафсоният» тушунчаси ҳам Аттор кўзда тутган маънода, яъни умуман инсоннинг моддий қирғиғи деб эмас, балки маънавий баркамоллик касб этмаган инсонга хос худбин ғаразлар мажмуи сифатида тушунилмоқда.

Навоий форс эпик шеърятининг Низомий, Саъдий, Дехлавий каби забардаст устозлари анъаналарини изчиллик билан давом эттириб, шоирлик салоҳиятини асосан ўз даври ижтимоий муаммоларининг бадийий тадқиқига бағишлади. Шу асосда «ҳақиқат» ва «мажоз» муносабати унинг ижодида тасаввуф муносибидан кескин фарқ қилувчи янгича талқинга эга бўлиб қолади ва бу талқиннинг калити «Лисон ут-тайр»нинг бош ғоясида келтирилгандир.

Наиз асарни «Мантиқ ут-тайр» билан солиштириб, орадаги фарқларни Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш қизиқлиги ушбу талқинни қайта тиклашга уриндик. Ва бу тадқиқот муносабати қисқа қилиб шундай баён этиш мумкин:

Қушлар – инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният. Уларнинг Симурғ сари машаққатли йўли – бахтли ва одилона жамият сари тарихий йўналиш жараёни. Бу кўп асрлик орзу йўл бошида «одил шоҳ» қилиш тариқасида намоён бўлади. Юзлаб йўналишларни ўз ичига олиши мумкин бўлган бу шохйўлнинг ҳадсиз-ҳудудсиз эканлиги Навоий томонидан алоҳида таъкидланади. Тарихий жараён раъномияда инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, раънолотда юксалиб борадилар, турли маънавий босқичларни баъзиб ўтадилар. Ва охири бориб «одил шоҳ» орзуси муаммони раъноли ҳал қилиб бера олмаслиги равшан бўлиб қолади. «Биринчи фано»даги вазият: шоҳ, агар Симурғ бўлганда ҳам,

оддий халқни назар-писанд этмайди). Қушлар аввал бу ҳақиқатни англаб етгач, изтиробга тушадилар. Аммо улар мақсадларини чекинмай, «иззат чоғуши»нинг нўписасидан қўрқмай, мардонларга олға парвоз этишда давом этсалар, «иккинчи фано» бошқини етишадилар:

*Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Ёки иш сиррин тааммул айласанг,
Муттасиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила –
Ким сен-ўқ сен, ҳар не ким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
Уз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.*

Бунда шоир ҳар бир қушга мурожаат этиб, сен «одил шоҳ»дан мурувват кутиб фаолиятсиз, ўйсиз ўтирадиган бўлсанг, истаки ўзича амалга ошиши маҳол, улўғ орзу йўлида шахсан фидоини кўрсатмас экансан, хаёл хаёллигича қолаберади; ҳар неки ишга бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, камолингга таян», демоқда. Бир сўз билан айтганда, «Олий ҳақиқат мазҳари» сифатида қаралаётган комил ижтимоий тартибни вужудга келтириш «ва инсониятнинг ўз маънавий камоли ва фаоллик кудратини боғлиқдир:

*Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр –
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдишар.
Сенда ҳам билқува ул мавжуд эрур.
Феълга келса даво мақсуд эрур.*

Демак, шоир фикрича, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат – уйғун ва бахтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида баъзи жиҳатлар берилган, фақат бу имкониятни рўёбга чиқариш учун маънавий баркамол-лик ва фидоий фаоллик лозим.

Масаланинг энг диққатга сазовор жойи шундаки, Намий талқинида Симурғ – бу бутун Инсониятнинг яхлитликда эришуви

Мумкин бўлган Олий такомил босқичини ифодаловчи бадиий маънога, унга ҳар бир киши ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайдди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда эришиши мумкин. Ва бирга-бирга парвоз қилиб, йўл ва ҳаёт шарт-шароитларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ – бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи – Тавҳид босқичига эришилган ҳолатда бўлган ўттиз қуш («си мурғ»)нинг бирлиги – маънавий камолот ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоасидир.

Аммо давр оғир эди. Мустақил риёзат чекиб покланмаган (ёки, бундан айтганда, маърифат йўлининг ибрат, илм, риёзат ва ҳаёт босқичларини тўлиқ босиб ўтмаган) нафс бандаларига муаммони очиқ тушунтириш фикрни жўнлаштиришга олиб келиши ҳаёт тартибидеясида кутилган самара ўрнига фожиа чиқариши мумкинлигидан мутафаккир шоир минг мулоҳазага боради. Шу сабабли ўз ёлқинли фикрларини мажоз пардасидан ташқари кўрсатмайди, қайта бошқаларни ҳам мавжуд хавфдан оголантиради, қайта-қайта хушёрликка, эҳтиёткорликка чақиради:

*Кимки бу маънидин огоҳ ўлди бил,
Ким кесилди онга сўз айтурға тил...
Қуш тили билган сўзум фаҳм айлагай,
Фаҳм этардин ҳам бәсе ваҳм айлагай.
Пок зийрак қуш чу билди бу мақол,
Онглағайким недурур бу сўзда ҳол.
Барча сўзлар мушқулидир бу ҳадис,
Безабонларнинг тилидир бу ҳадис.*

Упуғ шоир асарлари замонамизгача омон етиб келди. Аммо улардаги мажозий қобик кўпинча теран ва эзгу фикрларни ўқувчи кўнглидан яшириб келмоқда. Кўп ўринда улар анъанавий талқин тартибидеясида келмоқда. Шу сабабли бўлса керак, биз – шоир ижодининг таъриқчилари – ҳануз унинг сатрлари қатига яширинган улуғ фикрлар ва рамзларни кашф этишга етарли журъат ва камолот топа олмамай қолмоқдамиз, иккиланмоқдамиз, жўн таҳлиллар билан буюк шайхларнинг устоди олдида ўзимизни хижолатда қолдирмоқдамиз. Қуш, нега Навоий талқинидаги ўттиз қуш бизнинг замонамизгача етиб келди? Чунки бу «ўттиз қуш» – бу «Симурғ» инсониятнинг минг йиллик тарихидан бизгача тирик етиб кела олган, бутун инсониятга бўлган юсак меҳрини улкан қалбларига жо эта олган

ва шу билан бақога-абадиятга эришган аждодларимиздир. Улар бугун ҳам тирик. Ва биз билан ҳамнафас, янги тароналар ва уфқларига қараб толиқиш билмай парвоз этиб бормоқдалар. Ҳам ҳам бизни олға чорламоқдалар. Бугунги кунда уларнинг кўриниш армонлари қушойиш топа бошлади. Аммо биз – камолот бағри интилаётган қушлар – бир нафас йўл машаққатларидан толиқиб беғамлик, тараддуд ва ё тушкунликка берилсак, Олий ҳақиқат сари интилишдан бир нафас чекинсак, бутун инсониятнинг маънавий йиллик орзуларига хиёнат қилган бўламиз, боболаримизнинг табаррук умидига шак келтирган бўламиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз борми?

Шундай қилиб, Ислом минтақа маданияти доирасида муаммо адабиётнинг ривожини мазмуний мундарижасига кўра 3 илми босқични босиб ўтди. Улардан **биринчиси** – «**дунёвий адабиёт босқичи**» бўлиб, то XI аср охиригача давом этади. Бу даврда бадиий адабиётнинг **инсонлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти** юксалиши идрок этилиб, кўпинча шаклий жиҳатларга эътибор устунлик қилинади. Бу давр шоирлари ижодида воқеликни акс эттиришнинг илми усуллари такомиллашувида катта ютуқларга эришилди. Жумладан Рудакий, Манучеҳрий ва бошқа шоирлар меросидаги маънавий тасвир намуналари бунга ёрқин намуна бўла олади. Минтақа бадиий тафаккури ривожининг **иккинчи босқичи тасаввуфий ирфоний ғояларнинг бадиий адабиётда аксланиши** бўлиб, Ҳодисанинг энг юксак намуналари **Фаридидин Аттор ва Жалолоддин Румийларнинг лирик ва эпик меросида ўз тажассумини топиб** бўлиб, улардаги мажозий тасвир энди фақат шаклий гузаблик бўлиб қолмай, **инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабати** рақиб мураккаб ботиний жараёнларни акс эттиришга қаратилган эди. Бу босқич XII-XIII асрларда нафақат форс тилидаги шеърятда балки араб ва туркий тилларда ҳам ўзлигини тўлақонли намоёниш этди.

Ниҳоят, XIV-XV асрларга келиб, минтақа адабиётида янги бир босқич – «**мажоз тариқи**» **босқичи** тўлиқ шаклланди.¹⁶⁸ Бу босқичнинг

¹⁶⁷ Ибн ал-Арабий, Ибн ал-Фарид, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқалар ижоди назарда тутилмоқда.

¹⁶⁸ Алишер Навоийнинг «**Маҳбуб ул-қулуб**» асари «**Аввалги қисм**»и «**Навъи гулистонининг хушнағма қушлари зикрида**» деб аталган фаслида тасвир олинган «**ҳақиқат тариқи**» ва «**мажоз тариқи**» ибораларини тасаввуфий тариқатлари билан чалкаштириш керак эмас, чунки бу иборалар

тасаввуфий-ирфоний адабиётдан асосий фарқи ижтимоий воқеликка муносабат масаласида намоён бўлди. Агар тасаввуф адабиёти («*Ҳақиқат тариқи*») намояндалари учун инсон ва илоҳиётнинг ўзаро муносабати энг муҳим муаммо бўлса, «*мажоз тариқи*» вакилларини баъзи навбатда инсонларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари таъқирар эди. Шу маънода биз реал воқелик деб тасаввур қилган фаний дунё ҳодисаларининг тасвири (тасаввуфий маънода «*мажоз*») автор ва Румийлар учун фақат ўз ғояларини ифодалашда бир ишора аниқ аллегория) сифатида хизмат қилган бўлса¹⁶⁹, «*мажоз тариқи*»да фаний дунё ҳодисалари (яъни «*мажоз*») мустақил аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар сифатида бадиий тадқиқ мавзусига айланган эди. Шу билан бирга Деҳлавий ва Навоийлар тасаввуфий-ирфоний адабиётда биринчи планга олиб чиқилган инсоннинг маънавий тартибмоллиги муаммосини инсонларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари масаласи билан узвий боғлиқликда олиб қарадилар. Шунингча қилиб айтганда, улар ижодида «*ишқи мажозий*» тараннуми фақат «*ишқи ҳақиқий*»га бир ишора сифатида, балки аниқ «*ишқи ҳақиқий*»нинг бу фаний дунёда зухур этиши (намоён бўлиши) тарзида ифодаланди. Бу ерда энди «*мажоз*» аллегория даражасидан юқорилаб, «*метафора*га айланади¹⁷⁰. «*Ҳазоин ул-маоний*»нинг охириги девони «*Ҳазоин ул-кибар*»да Алишер Навоий бундай ёндошув изоҳига махсус эътибор бағишлаб, нҳоятда гўзал бир шаклда хулоса қилади:

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошиқеким бўлса ишқ атвори ичра покбоз.
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гир сен идрок айласанг, айни Ҳақиқатдир мажоз.¹⁷¹

Тасаввуфдаги турли оқимларни эмас, балки мумтоз шериятимиздаги бадиий йўналиш ва Борлиқ ҳақиқатининг турли талкинларига алоқадорлик арабча «*тариқ*» сўзи («*тариқат*» эмас) аслида қадим юнон тилидаги «методос» сўзи билан бир маънода бўлиб, русчага «*путь, путь*» постронения» деб таржима қилинади.

¹⁶⁹ Масалан, «Маснавийи маънавий»даги биринчи ҳикоят (Подшоҳ ва ашад воқеаси)ни Шайх Одина Муҳаммад шундай шарҳлайди: «Бу ҳикоятдан мақаллид ва муҳаққиқнинг ҳолини баён этишдир». // Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. Т. «Муסיқа», 2006, с.107.

¹⁷⁰ Кенг маънодаги *аллегория*дан *метафора*нинг фарқи шуки, биринчисида тасвирдаги зоҳирий мазмун асосан ботиний мазмунни ифодалаш учун восита сифатида олиб қаралади, иккинчисида эса ҳар қандай мазмун ички мураккаб уйғунликда намоён бўлади. «*Мажоз тариқи*» адабиётининг мураккаб хислати ҳам шунда.

¹⁷¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-ж. Т. 1990, с. 512-513.

13-мавзу:

ҲОФИЗ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАЛҚИНИ

Дарснинг мақсади:

Ҳофиз Шерозий ғазалларидан бирини лингвопоэтик талқин қилиш орқали ниҳоятда сермахсул ва сермаъно ғазалларнинг лингвопоэтик таҳлил қилиш тамойиллари очиб бериш

Дарс режаси:

1. Ғазалларнинг турлари ва таркиби
2. ... дидим که دوش ғазалининг лингвопоэтик талқини
3. Ҳофизнинг یوسف گم گشته матлали ғазалининг талқини

Таянч сўз ва иборалар:

دیوانه، ساکنان، حرم و عفاف ملکوت، قرعه، دیوانه، هفتاد و دو ملت، حقیقت، ایزد، دیوانه، زلف، یوسف گم گشته، کنعان، کلبه احزان، چتر گل، مرغ خوشخوآن، مقصد، دیوانه، راهی، خلویت، حال

دوش دیدم که ...

ғазалининг лингвопоэтик талқини

گل آدم بسر شتاد و به پیمانہ زدند
با من راه نشین باده مستانه زدند
قرعه کار به نام من دیوانه زدند
چون ندیدند حقیقت ره افسانه زدند
صوفیان رقص کنان سافر شکرانه زدند
آتش آتست که در خرمن پروانه زدند

دوش دیدم که ملایک در میخانه زدند
بمآنان حرم ستر و عفاف ملکوت
قرعه کار به نام من دیوانه زدند
چون ندیدند حقیقت ره افسانه زدند
صوفیان رقص کنان سافر شکرانه زدند
آتش آتست که در خرمن پروانه زدند

دوش دیدم که ملایک در میخانه زدند
بمآنان حرم ستر و عفاف ملکوت
قرعه کار به نام من دیوانه زدند
چون ندیدند حقیقت ره افسانه زدند
صوفیان رقص کنان سافر شکرانه زدند
آتش آتست که در خرمن پروانه زدند

Классик поэзияда ғазаллар «ишқий», «хамрия» ва «орифона» турларига бўлинади. Ғазал тили рамзий бўлиб, унда ишлатилган рамз ва тимсоллар ассоциатив тусга эга бўлади. Яъни ғазалда ишлатилган бир рамз, масалан: «йор» рамзи ҳам конкрет шайларни қаратилган «дўст, биродар» маъносида, ҳам ишқий рамз сифатида «ошиқ, маъшуқ» маъносида, ҳам кенг маънода «йўлдош»

«йўлдош», «таниш-билиш» маъносида ҳам ирфоний «оллоҳ» маъносида, ҳамда мажозий маъноларда турли шахс ва шайларга ўхшатилиши мумкин.

Шунинг учун ҳар бир ғазалнинг таркибида келган сўзларнинг рамзий маъноси, мажозий маъноси, ирфоний маънолари бўлиши билан Ғазалдаги бу маънолар ўртасидаги мутаносибликнинг бадиий санъатининг юксаклиги, шоир маҳоратининг юксаклиги, маъно теранлигининг кенг қўламлигини таъминлайди.

Ҳофиз Шерозий девонида шундай ғазал учрайди:

دوش دیدم که ملایک در میخانه زدند
گل آدم بسر شتاد و به پیمانہ زدند

دوش دیدم که ملایک در میخانه زدند
گل آدم بسر شتاد و به پیمانہ زدند

دوش دیدم که ملایک در میخانه زدند
گل آدم بسر شتاد و به پیمانہ زدند

Байтнинг зоҳирий маъноси: «Кеча фаришталар майхона қилиб тақиллатишди (майхонага келишди), сўнг одам лойини қориб қадаҳга солишди». Бундан: «Одам азалдан лойи майга қилиб, шунинг учун май ичиш, мастлик унинг тийнатида бор», маъно маъно англашилади.

Аммо ирфоний маънода [mauxāna] миҳане сўзи Деҳудонинг маъносиде 1) «шавқ, завқ ва илоҳий маърифатга тўла комил бўлишнинг ботини», 2) «руҳоний олам», 3) «пир ва муршид хонаси», «пир ва муршид хонақоҳи» деб талқин қилинади.

«Кеча» бу сўз тор маънода «кеча кечкурун», «кеча кечаси» маъносини англатади. Лекин шеъриятда рамзий маънога эга бўлиб «кеча», «ўтмишда» маъносини англатади.

«Лой» [gel] лой; Қуръони каримда бир неча бор инсонни лойдан қилинганга ишора бор. Инсоннинг танаси «лой»га ўхшатилади, инсоннинг руҳи «сув»га.

Бу байтнинг мажозий маъноси «Фаришталар бир замонлар инсоний оламга (шавқ-завқ майдони) га тушишди ва инсонни лойини қориб, ундан инсон қолипни (шакли)ни ясашди»дир. Яъни инсонни ер юзида илоҳий ишқ шавқу-завқи билан яшаш учун қилишди, деган маъно англашилади.

ساکنان حرم ستر و عفاف ملکوت
با من راه نشین باده مستانه زدند

ساکنان حرم ستر و عفاف ملکوت
با من راه نشین باده مستانه زدند

ساکنان حرم ستر و عفاف ملکوت
با من راه نشین باده مستانه زدند

«Ғайб оламининг яширин ҳарамни аҳли, Мен, ватангадо билан маст қилувчи бода ичдилар. Зоҳирий маъноси: «Ғайб олами аҳли – фаришталар мен ватангадо билан май ичиб кайфу-сафо қилишди» деб талқин қилинади. Бундан шундай маъно чиқадики, май ичиб, кайфу-сафо қилиш бир

мен гуноҳкор бандасининг одати эмас, балки самовий олам фарриши, фаришталар ҳам май ичиб кайфу-сафо қиладилар, шарҳланади.

Ирфоний маънода *باده مستانه* (маст қилувчи ичимлик) – бу ишқ, илоҳий ҳақиқат, илоҳий руҳ. Бошқача қилиб инсоннинг тубан нафсоний иллатлардан покланиб, соф илоҳий лаззат – ҳақиқатларга йўл топиши.

Шундан келиб чиқиб байт: «Илоҳий олам, ғайб оламида яширин оламидаги кишилар – фаришталарнинг ишқи менга ватангадога (Одамнинг жаннатдан қувилишига ишора) тушди. Мендай гунҳкор бандага Оллоҳнинг иродаси билан фаришталар сажда қилишади», деб талқин қилинади.

باده مستانه نغمه است
من ديوانه زند.

Осмон омонат юкин кўтара олмади,

Бу ишнинг чеки мен-ақлдан озганга тушди.

Зоҳирий маъноси: «Осмон, яъни ғайб олами омонатга берилмади ва бу омонатни мендай бир телбага топшириши. Омонат – бировга вақтинча топшириладиган нарса, бу омонат замирида инсонга ишонч, инсонийлик бурчини адо этиш маъносида мавжуд.

Ирфоний маънода Қуръондаги маълум ва машхур оятга ишора бор:

وَمِنَّا الْإِمَانَةُ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا اللَّهُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا

«Шунда биз омонатни осмонга, ерга ва тоғларга арза қилдик, уни зиммага олишдан ибо қилдилар ва кўрқдилар, уни зиммасига олди, зероки у зolim ва жоҳилдир».

Шарҳларда айтилишича бу оятдаги «омонат» ирфоний маънода «ишқ, маърифат, яхшилик» деб талқин қилинади.

Шунга кўра байт: «Ғайб олами «маърифат» юкини кўтара олмади, келиб-келиб бу юкни кўтариш мендай бир телбанинг қарнига тушди», деб талқин қилинади.

Шоир «мен-девона» деганда «инсоният» ни назарда тутиб Одамзоднинг жаннатни ташлаб, ердаги азоб-укубатли ҳаётини танлаганига ишора бўлса керак. Балки шоир ўзи яшаб турган даврдаги огир турмуш шароитига ишора қилгандир.

هفتاد و دو ملت همه را عذر بنه
لديند حقیقت ره افسانه زندند

Етмиш икки миллат жангени ҳаймасини кечиргил,
Ҳақиқатни кўрмагач, афсона йўлини тутдилар.

Хоҳирий маъноси: «Бир-бири билан уруш-талашда бўлган етмиш
миллатни кечиргил, чунки ҳақиқатни билмагач улар талашув-
етишувда» деб талқин қилинади.

Ирфоний маънода эса, пайғамбар (а) нинг «Мендан кейин ислом
етмиш икки фирқага бўлинади – битта сунний мазҳаби тўғри
догоанлари ботил» ҳадиси шарифига ишора.

Шунга кўра байт «Етмиш икки мазҳаб тарафдорларининг ўзаро
юлғу жадалларига эътибор бериб, булар (илоҳий) ҳақиқатни
қалаб етмагач, ўзича турли [тутуриқсиэ] бидъат-хурофотларни
қалаб топишади», деб талқин қилинади.

شکر ایزد که میان من و اوصالح افتاد
صوفیان رقص کنان ساغر شکرانه زدند

Худога шукрки, мен билан унинг ўртасида тинч-тотувлик
қилади,

Сўфийлар рақсга тушиб, шукрона қадаҳини кўтардилар.

Ташқи мазмуни: «Худога шукр. Оллоҳнинг буюрганларига
қарайиниб, тинч-тотув яшамоқдаман, сўфийлар бу ҳолат шарафига
шукрондчиликдан рақсга тушиб, шукрона майини ичмоқдалар».

Ирфоний маънода: «Одамзод, шукрки, Оллоҳнинг
буюрганларига имон келтириб, ҳидоят йўлига юз тутди,
қавониятнинг бундай тўғри йўлни танлаганидан орифлар шавқ-у
шайққа тушишди», деб талқин қилинади.

آتش آن نیست که از شعله او خندد شمع
آتش آن است که در خرمن پروانه زدند

Унинг шуъласидан шам куладиган ўт оловмас,
Парвонанинг хирмонига тушган олов – оловдир.

Ташқи маъноси «Шамда ёниб ёруғлик берадиган олов-бу табиий
«бир ҳол, парвонанинг хирмонига тушган ўт, (яъни хону-монни
қулдирадиган) ўт хавфли», деб талқин қилинади.

Ирфоний маънода «шамъ билан парвона» бу ошиқ-маъшуклар
симболи, «олов» эса ишқ тимсоли. Шунга кўра «илоҳий жамолга
қўйилган ориф қалбидаги олов унинг борлиғини ва борлиққа қўйган
қарғини куйдириб кул қилувчи, маҳв қилувчи ҳис (куч) дир»,
демоқчи.

کسی چو حافظ نگشاد از رخ اندیشه نقاب
تا زر زلف سخن را به قلم شانه زدند

Ҳеч кимса Ҳофиздай ўй-фикр юзидан ниқобини ечмади,
Сўз кокилин қалам тарағи билан тарагандан буён.

Бу ерда ташқи маъноси «фикр-у хаёл юзидан ниқобини ташбиҳ санъати билан «тафаккурнинг энг теран сирларини маъносини ифодалаган, «сўз зулфини қалам тароғи билан тарамоқ», ибораси «шеъриятда қалам тебратмоқ» маъноси кинойадир.

Ирфоний маънода айтмоқчики «Инсоният пайдо бўлгандан ҳеч кимса Ҳофиздай ғайб сирини кашф қилолмаган».

Таҳлилдан маълум бўладики, Ҳофизнинг ғазаллари ташбиҳ бўлиб, унинг ғазалларида ишлатилган рамзий сўзлар ҳам (ташқи) маънода ҳам ботиний (ички) маънода ўзаро уйғун маъна касб қилган, Ички маъноси ирфоний, мажозий тус касб қилиши мумкин.

Ҳофизнинг يوسف گم گشته матлали ғазалининг талқини

يوسف گم گشته باز آيد به کنعان غم مخور
 کله احزان شود روزی گلستان غم مخور
 ای دل غمیدیه حالت به شود دل بد مکن
 وین سر شوریده باز آید به سامان غم مخور
 بهار عمر باشد باز بر تخت چمن
 و دل در سر کشی ای مرغ خوشخو ان غم مخور
 چون گم دون گر دو روزی بر مراد ما نرفت
 ای سامان نباشد حال دوران غم مخور
 ای مشو نومید چون واقف نی از سر غیب
 ای اندر پرده باز یهای پنهان غم مخور
 ای دل از سیل فنا بنیاد هستی بر کند
 ای نوح است گشتی بان ز طوفان غم مخور
 ای پایان گر به شوق کعبه خواهی زد قدم
 ای اشها گر کند خار مغیلات غم مخور
 ای منزل بس خطر ناک است و مقصد بس بعید
 ای راهی نیست کان را نیست پایان غم مخور
 ای ما در فرقت جانان و ابرام رقیب
 ای ماهی داند خدای حال گردان غم مخور
 ای غمنا در کنج فقر خلوت شبهای تار
 ای وردت دعا و درس قر آن غم مخور

Ҳофиз Шерозийнинг ҳамма ғазаллари ҳам орифона, ишқий жанр хамрия жанрида эмас, ижтимоий, фалсафий мазмундаги ғазаллари ҳам мавжуд. Аммо бу ғазалларни ким қандай талқин қилиши

мувофиқ. Унинг ғазаллари рассомнинг яратган шоҳқорига ўхшайди. «Донлик синчиклаб тикилсанг шунча, янгидан-янги маъноларини кашф қиласан. Биринчи байт:

يوسف گم گشته باز آيد به کنعان غم مخور
 کله احزان شود روزی گلستان غم مخور

Муқолган Юсуф Канъонга қайтгуси ғам ема,
 Ҳам – андуҳ кулбаси бўлар гулистон ғам ема.

Бу ғазалнинг зоҳирий маъноси қадимги машҳур Юсуф ва Улайхо қиссасига ишора бўлиб, бу қисса Қуръони Каримнинг энг муқаддас қиссаларидан бири ҳисобланади. Юсуф Яъқуб (а) нинг кенжа қизи бўлиб, уни ҳамма ўғилларидан яхши кўргани учун акалари қасб қилади. Овга олиб чиқамиз деб уйдан олиб кетиб, саҳродан қўриқ қудуққа ташлашади. Унинг кўйлагини ҳайвоннинг қонига қориб, «бу киши еб кўйди» деб отаси Яъқубга кўрсатишади. Юсуфни йўлдан қўйиб қолган савдогарлар карвони қудуқдан чиқариб Мисрга олиб бориб қўриқ қудуққа ташлашади.

Отаси шу кундан бошлаб ўғлининг фироқида узлатга чекилиб қўлини «Ҳам-алам кулбаси» да деворга қараб йиғлай-йиғлай қўлини кўр бўлади.

Байтнинг ташқи мазмуни гўё Яъқубга қараб: «Кўп ғам чекма Юсуф Канъонга (Фаластиндаги жой номи), яъни ўз юртига қайтади, ҳамма кулбаси яна гулистонга айланади» деб панд-насиҳат қилгандай мазмунга эга.

Покин Юсуф тимсоли бир неча ботиний рамзий маъноларни ифода қилади. Мумтоз адабиётимизда Юсуф тимсоли «севимли қизларга», «беғуноҳ жабрдийда», «поклик мазҳари», «донолик мазҳари», «пайғамбар», «адолат мазҳари» ва бошқа рамзий маъноларга эга.

Шунга кўра Ҳофиз бу байтга фалсафий маъно бериб: «Эзгу ниҳоятларим чиппакка чиқди, деб бирданига умидсизликка айланма, ҳали орзуларинг рўёбга чиқади, сенинг кўзингга ғам-аламли қўйилган дунё яна шод-у хуррамлик оламга айланади», - деган мазмунни сингдиради. Кейинги байти:

ای دل غمیدیه حالت به شود دل بد مکن
 وین سر شوریده باز آید به سامان غم مخور

Дў ғам босган дил, ҳолинг яхши бўлур кўнглини чўқтирма,
 Бу говлаган бошинг яна жойига тушар ғам ема.

Бу байт ҳам зоҳиран кимгадир юпатиш маъносига: «Ҳа деб ғам қўйиб қўйиб, бу ғам-ташвишлар ўтиб кетади, яна бошингдаги ғам-ташвишнинг арийди» деган мазмунни ифода қилади.

Фалсафий маънода эса «Дунёнинг барча ғам-ташвишлари ўткинчи, шунинг учун бу бошингга тушган оғир савдо ҳам тизилган ўтиб кетади» мазмунини ифодалайди. Кейинги байт:

درد عمر باشد باز بر تخت چمن
درد آید بر سر کشتی ای مرغ خوشخو آن غم مخور

*Агар умр баҳори чаман тахтига чиқса,
Эй сайроқи қуш, гул соябонин бошга тутарсан.*

Ташқи маъноси «Эй булбул, умр баҳори келса яна ёлғон орасида яйраб сайрайсан, ғам ема», деб талқин қилинади.

Рамзий маънода эса *عمر بهار* (умр баҳори) бирикмасини ғам маъноларда англаш мумкин: «ёшлик», «ғам-ташвиш» шунингдек «چمن» (чаман) сўзини «ям-яшил, сўлим маскан», «бўстон», «айш-ишоат маскани» маънолари бор.

«*مرغ خوشخو آن*» (сайроқи қуш) «булбул» тимсоли бўлиб, ғам маънода «шоир», кенгроқ маънода «бахтиёр инсон», «вақтичоғликка мойил инсон», «оллоҳнинг назари тушган инсон», «юксак истеъдод эгаси» маъноларини ифодалайди.

Шунга кўра байтнинг мажозий маъносини: «Агар тақдирингиз яна ёруғлик, шод-у хуррамлик кунларини кўриш насиб бўлган бўлса, эй бахтли инсон яна роҳат-фароғат кунларини кўрасан, ғам ема» деб талқин қилинади. Фалсафий мазмуни: «Бу дунё узгарувчан, агар бошингга ташвиш тушса дарҳол умидсизланма» (философия) ифодалаган. Кейинги байт:

درد آن روزی بر مراد ما ننگ است
درد آید بر همان نباشد حال دوران غم مخور

Фалакнинг гардиши агар бир-икки кун бизнинг маромимизга мос бўлмаса-да,

Даврон аҳволи ҳар доим бир хил бўлмайди, ғам ема.

Бу байтнинг ташқи мазмуни: «Агар ҳаёт тарзи бир-икки кун сенинг кўнглингдагидек бўлмаса ғам ема, чунки доим шундай бўлиб қолмайди».

Кенгроқ маънода: Инсон дунё ишларига кўнглини кенг қилиб қараш керак, қўйган мақсадинг бир пасда амалга ошмаса, дарҳол қўл силтаб кўнглингни совутишинг керакмас, мақсадга етмай қолганин интилишни давом эттириш керак» деган мазмун жо бўлган. Кейинги байт:

درد مشو نومید چون و آفت نه ای ز اسرار غیب
درد آید پرده بازی های پنهان غم مخور

*Ҳей, ноумид бўлма, чунки ғойб сирларидан воқиғамассан,
Парда остида пинҳоний ўйинлар бор, ғам ема.*

Бу байтнинг ташқи мазмуни: «Сен умидсизликка тушма, чунки
қоронғига нима ёзилганидан бехабарсан, сенинг тақдирингда
қандайдий воқеалар ёзилган билмайсан, ғам ема», деб англашилади.

Бу байтда Қуръони Каримдаги оятга ишора бор:

«و ائده مفاتيح الغيب الا يعلم ما في البر و البحر و ما تسقط من ورقه
يملها و لا حية فى ظلمات الارض و لا رطاب و لا يابس الا فى كتاب مبين.» (سوره انعام ايه 59)
«Ғайб калитлари унинг қўлида. Қуруқликда ва денгиздагини
қандайдий бошқа ҳеч ким билмайди, бир барг ва дона пастга
қандайдий билмайдиган ернинг қоронғи жойларида ҳеч
қандайдий ва намлик йўқ, аниқ-равшан китобдан ўзга [ҳеч кимга аён
қилмас].»

Философий маънода: «Инсоннинг тақдири унинг қўлида эмас,
қисмати илоҳий қисматга боғлиқ. Шунинг учун кўп ташвиш қилмай,
қалб-қалол ўйнаб кулиб яшайвер», деган мазмун ётади.

ای دل ار سبیل فنا بنیاد هستی بر کند
چون ترا نوح است کشتیایان ز طوفان غم مخور

«Дил дил, агар фано сели борлиқни тағ-туғи билан қўпорса,
Сенинг кемачинг Нух бўлгач, тўфондан ғам ема.

Бу байтда Нух пайғамбар воқеасига ишора бор. Ривоятга кўра
Нух (а) дунёни сув босишини олдиндан билиб, кема ясаб дунёдаги
барча жонзотлардан бир жуфт сақлаб қолган.

Шунга кўра Нух тимсоли «ғайб сирларидан воқиф», «дониш-
ворид», «нажот берувчи», рамзий маъноларини касб қилади.

Бу байтни ирфоний маънода «Сени йўл бошловчи пири
қўлидинг бор, шунинг учун дунё алғов-далғовларидан ғам ема, у
сени ҳамма балолардан қутқаради» деб талқин қилинади.

Ижтимоий-маъиший маънода: «Раиятнинг ҳамма ғам-
қайғуларини ўйлайдиган раҳбар (подшоҳ) инг бор, сени нима ғаминг
бор. Ҳар қанақа бало-қазодан нажот берадиган ўша» деб тушу-
нади.

Бу байтни тор маънода «сени севимли ёринг бор, унинг кўнгли
қандайдий мойил, шундай экан ҳеч ғам-ташвиш қилма» деб тушунса ҳам
қилинади. Кейинги байт:

در بیابان گر بشوق کعبه خواهی زد قدم
سر زنتش ها گر کند خار مغیلاں غم مخور

«Агар Каъба шавқида биёбонда қадам боссанг,
Муғилон тикони сени ранжитса ғам ема.

Тоҳирий мазмуни: «Агар Каъбага боришни ният қилган экансан,
қандайдий тикон кирди деб нолима».

Фалсафий маъноси: «Агар буюк мақсад сари интилоқда бўлсанг, бу йўлда заҳмат чекишга тайёр бўл» деб талқин қилинади.
Кейинги:

Ирфоний маънода: «Агар сенинг ниятинг Оллоҳнинг вижданига етиш бўлса йўл қийинчиликларидан қўрқма», деб англашилади.

«نزل بس خطر ناک است مقصد بس بعيد
وہی نیست کہ آن را نہت پایان غم مخور»

Гарчи манзил кўп хатарли, мақсад кўп йироқ бўлсада,

Охири йўқ йўлнинг ўзи йўқ, ғам ема

Ижтимоий мазмунида: «Агар яшаб турган муҳитинг қанчалик хавф-хатарга тўла бўлмасин, мақсадинга етиш қанчалик мушкул бўлмасин, мақсад сари интилсанг кўзлаган мақсадинга етасан».

Ирфоний маъноси: «Тариқат мақоматлари қанчалар хатарли ва мушкул бўлмасин, агар ёр жамолига эришишни мақсад қилсанг қўйган экансан, бунга албатта эришасан, танлаган йўлингдан қайтма», деб талқин қилинади.

Фалсафий маънода: «Метин ирода билан мақсадга эришган йўлда қийинчиликларни енгиб ўтсанг, мақсадинга эришасан» деб талқин қилинади. Кейинги байт:

«در ما در فرقت جانان و ابرام رقیب
وہی نیست داند خدای حال گردان غم مخور»

Жонон фироқидаги ҳолимизни ва рақиб бизга яратган муқаддас мashaққатини

Аҳволни ўзгартирувчи худой ҳаммасини билади ғам ема

Ташқи мазмуни: «Жонон фироқида роқиблар бошимизга солинадиган азоб-уқубатни барчасини худо кўриб турибди, раҳм-шафқатни ва қаҳрли Худо кимга ажрини, кимга жазосини беришни ўзи билади ғам ема» деб талқин қилинади.

Ирфоний маънода: «Оллоҳнинг лиқосига етишишда қанчалик риёзат чекиб, нафс балосини жиловлаш учун жафоканлик чекканимизни Худонинг ўзи билади. Унинг ажрини ўзи беради ғам ема» деб талқин қилинади.

Фалсафий маънода: «Мақсадга эришгач, ҳамма чеккан жафолар унут бўлади, инсон абадий бахт-саодатга эришади» деб талқин қилинади.

«در کنج فقر و خلوت شبہای تار
وردت دعا و درس قران غم مخور»

Эй Ҳофиз фақр гўшасида ва қоронғу кеча хилватида

Токи тилингда дуо, мутолаанг Қуръон экан ғам ема

Юзаки маъноси: «Эй Ҳофиз фақирликка қаноат қилиб, қоронғу ишларда Худого илтижо қилиб дуо ўқир экансан ва Қуръонни уюлаа қилар экансан ғам ема, ҳамма қийинчиликлар ўтиб келади», деб талқин қилинади.

Ирфоний маънода: «Эй инсон, сен агар дунёдаги барча шайхлардан воз кечиб, узлатда ёлғиз Аллоҳга таваккал қилиб ўзининг каломини тилингдан қўймасанг, Оллоҳ сени икки дунё ҳаётидан баҳраманд қилади», деб талқин қилинади.

Фалсафий маънода: «Дунё ҳаю-ҳавасларидан воз кечиб, фақат им йўлида риёзат чексанг, албатта чексиз бахт-саодат сенга ёр келади», деб талқин қилса бўлади.

Ҳофиз ғазаларининг таҳлилидан хулоса шуки, уни ижтимоий-ахлоқий маънода талқин қилинадими ёки фалсафий маънода талқин қилинадими, улардан кузатилган мақсад битта: тор маънода бўлиб турган жамиятини, кенг маънода бутун инсониятни жаҳолат ва қўриқдан қутқариш, илм-у маърифат сари йўллаш ва инсониятни ҳаётдагина умрини арзимас, беъмани, ўзига ва бошқаларга зарар елтирадиган қабих ишларга сарфламасдан, борлиқ умрини илму маърифат ўрганишга ва уни инсоният манфаати йўлида фойда елтирадиган ишларга йўналтиришга даъват қилади.

14-мавзу:

ҲОФИЗ ҒАЗАЛЛАРИДА «ГУЛ» РАМЗИ

Дарснинг мақсади:

Классик форс адабиёти наботот рамзлари тадқиқ натижасида ҳақида қўшимча маълумотлар берилади ва мисол сифатида туркум рамزلардан бири «гул» рамзи тадқиқ қилинади.

Дарс режаси:

1. Адабиётда ўсимлик рамзларининг ўрни
2. Ҳофиз ғазалларида «гул» рамзининг асл ва кўчма маънолари
3. «Гул» рамзининг тасаввуфий маънолари

Таянч сўз ва иборалар:

Ўсимлик символикаси, рамзий-мажозий қатламлар ҳақиқатлар, бадиий матн таҳлили, символизм, символ, образ, тафаккур, прагматик мақсадга кўра матн турлари, асл ва кўчма маънолари, Хўррамшоҳий *گل و تسرين، ورد*, Доктор Хонлари; *گل و تسرين، ورد* پارسى Абдуғани Мирзоев, Ғаззолий, А.Шиммель, Ибн Арабий маъшуқ.

1.Адабиётда ўсимлик рамзларининг ўрни

Шарқ шеърлятида қўлланилган ўсимликлар фақатгина аниқ ўсимлик маъносинигина эмас, балки аксарият пайтларда бир неча рамзий – илоҳий, фалсафий, дунёвий мазмунни ҳам ифода этган.

Маъруза давомида рамзлар билан ишлашнинг усулларидан бири орқали «Гул» рамзининг асл, кўчма ва тасаввуф маъноларини тадқиқ этилади.

X-XV асрлар форс мумтоз шоирлари ижодида ўсимлик символикаси билан боғлиқ образли тасвирдан кенг фойдаланиш Эрон мумтоз адабиётида ғазалсаролик, унинг бадиияти ва ўринда символика Ҳофиз ижодида ўзининг энг юқори чўққисига эришди. Ҳофиз ижоди, хусусан, лирикасида ўсимлик символикаси лирик қаҳрамон образини гавдалантириш, унинг ўй-эҳтирос дунёқарашини, атроф-муҳитга муносабатини ифодалаш, психологик ҳолатини тасвирлаш жиҳатидан, айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Узоқ асрлик мумтоз адабиётимиз намуналарини тадқиқ ва таҳлил қилганда, уларнинг рамзий-мажозий «қатлам» ва ҳақиқатлаш ва ҳақиқатлаш ҳам келинади. Бу фикр ўсимлик семантикаси ва символикаси ҳам бевосита дахлдор.

Дарҳақиқат, ўсимлик замирида яширинган у ёки бу маъно ва маъна қатғни англамасдан, бадиий матнни таҳлил қилиш анча мушкул. Аммо шёариятида қўлланилган ўсимликлар фақатгина аниқ бир ўсимлик маъносинигина эмас, балки аксарият пайтларда бирор бадий – илоҳий, фалсафий, дунёвий мазмунни ҳам ифода этган. Ўсимлик номлари турли қадимий эътиқодлар билан боғлиқ равишда бадий маъноларга ҳам эга. Қадимги даврларда ўсимликларни таърифлаштириш нуқтаи назари ҳам мавжуд бўлган. Шундай қилиб, ўсимликнинг турли мамлакатларида, турли вақтларда ҳар хил ўсимликлар муқаддаслаштирилган.

Ўсимлик рамзларидан моҳирона фойдаланиш ижодкордан дин, филология, фалсафа, тарих, тасаввуф кабиларга доир билимни талаб қилганидек, ҳар бир ўсимлик ортида беркинган мазмунларни таърифлаш, тўғри талқин қилиш учун ҳам маълум тайёргарлик ва малака зарурдир.

Ўсимлик рамзларни адабиётда ишлатилиш тарихи узоқ даврларга бориб тақалиши аёндыр. Ўсимликлар инсоният ҳаётининг илк даврларидан тириклик манбаиларидан бири бўлиши сабабидан унинг бадий инсоният ҳаётидаги роли анчайин юқори саналади.

Алирим тадқиқотчилар символни (рамз) бадиий матннинг асосий тартибига деб ҳисоблайдилар ва ҳатто бадиий матн семантикасини тадқиқ этишнинг мазмуни символларни таҳлил қилишдан иборат, чунки бадиий матн нобадий матндан символизмга кўра «тарқиланади» деган тезисни асослашга ҳаракат қиладилар.¹⁷²

Символ (юн. symbolon – шартли белги сўзидан) – рамз, символ – образли тафаккур маҳсули. Рамз ўхшатиш, истиора (қ. метафора)нинг ўта барқарорликка, ҳамма томонидан бир хил тушунилишига эришилши оқибатида юзага келади...

Демак, символ образли ифоданинг бир кўриниши бўлиб; бадиий матнда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ва сўз бирикмасидир.¹⁷³

¹⁷² Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. Дис...д-р. фил. наук. – Ташкент, 1993. С. 9.

¹⁷³ Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-тоҷикча изоҳли луғати.-Тошкент. Ўқитувчи, 1983. 293-294-бетлар.

Рус тилшунослигида матнни лингвистик объект сифатида бошлаб берганлардан бири И. Р. Галперин матнда ифода тавсифидаги информациянинг прагматик мақсадига кўра уч турли бўлишига биринчи бўлиб асослаб берган. Унинг кўрсатишича, матнда куйидаги информация турларини фарқлаш мақсадга мувофиқ а) мазмуний-фактуал информация («содержательно-фактуальная информация»), б) мазмуний-концептуал информация («содержательно-концептуальная информация»), с) мазмуний-тагмаънолий информация («содержательно-подтекстовая информация»). Таъкид қотчи бу турларнинг ҳар бирининг аниқ-равшан тавсифи берган.¹⁷⁴

Бизнинг мавзуимизга кўра ўсимлик рамзларининг мазмуний фактуал информация ва мазмуний-концептуал информация яъни асл ва кўчма маънолари тавсифи бўлиб, мазмуний тагмаънолий информация, бизнинг мазкур ишимизда тасаввур маъноларини ифодалайди.

Дунёни бир бутун тасаввур қилишнинг фалсафий, илмий ва диний жиҳатлари бор. Агар дунёни яхлит тасаввур қилмоқчи бўлиш уларни ўзаро бирликда қараш керак. Уларни фарқлаш розанга эмас, балки бирлаштириш, синтез қилиш асосида ўрганиш дунёни яхлит тушунишни ҳосил қилади.

Фалсафа, дин ва фаннинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш учун ҳар бир инсон маънавий ҳаётининг асослари, томонлари, маданиятининг шакллари эканлигини тан олиш керак. Улардан қайси бири аҳамиятли деган савол қўймай, ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси бор эканлигини, улар бирисиз иккинчиси яшashi мумкин эмаслигини кўрсатиш керак.¹⁷⁵

2. «Гул» рамзининг асл ва кўчма маънолари

«Гул» Ҳофиз ғазалларида нафақат ўсимлик дунёсига оид, балки табиат маъносига оид сўзлар орасида ҳам энг кўпи. Гулнинг луғавий маъноси луғатда куйидагича келади:

¹⁷⁴ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. М.: Наука, 1981. С. 27-29.

¹⁷⁵ Раҳимов И. Утамуротов А. Фанларнинг фалсафий масалалари (фалсафаси). Тошкент 2002.

گل [gʊl] II 1) гул; ___ تاج* гулчамбар, багак; 2) атиргул (Rosa); گل چایی* атир гули; (احمر) گل سرخ* қизил атиргули; ماقول گل بهار نمی شود; 176
гүл гүл билан баҳор келмайди;

Хўррамшоҳий, Гул ва насринни бир-биридан ажратиб бўлмайди дейди. Шунинг учун ҳам мазкур сўзни шу ерда беришга қарор қилдик.

گل [насрин ва несрин] 1) бот. насрин (Narsissus jonquilla) (нарсиннинг ёввойи ўсадиган тури); 2) Аёл.исм Насрин.

«Ҳофизнома»да эса шундай дейилади:

گل و نسرين; ва шунингдек, гул номи остида: бенафше; соусан; 176
گل و نارسين; наргес; настаран.

گل و نسرين; ва «вов» ва «вов» гул ў насрин: муҳим жиҳати шуки, бу бирикмани «вов» гул ў насрин шаклида- ўқиб бўлмайди. Ҳофизда бир неча бора «вов» гул ў насрин» қўлланган бўлиб иккита гулга ишорадир, бири «вов» мизи гул ёки атиргулга; иккинчиси насрин гулига. Шунинг ҳам «вов» қиммоқ керакки, ورد атиргул сўзи арабий сўз эмас балки «вов» (ф)фуздаги ўзгаришлар билан арабийлашган авесто ва «вов» (ф)авий тилларига оид ورد (вирд) ёки ورده (вариде) сўзидир. Ушар «вов» ўзгарган гул сўзидир (бу ҳақда қаранг: Моиннинг «Бўрхон «вов» (ф)авий...») «гўл» сўзига ёзган изоҳи). Гўл форсий шеърят ва Ҳофиз «вов» (ф)авийларида айнан ўша маънода келади ва баъзида қизил «вов» (ф)авийносида ҳам келади 177

گل خمر «Гўле ҳамро» 178: Доктор Хонлари ёзади: «Қадимий ва «вов» баъзи нусхаларда гўле ҳамридаги «ҳойи хутти» ҳарфи «вов» (ф)авийсиз келган. Бошқа нусхаларда гўле ҳамрога айлартирганлар. «вов» (ф)авий «гўл»га муаннас сифатини келтиришга асос йўқ. Мен «вов» (ф)авий «вов» (ф)авий қадар ҳеч бир бошқа шеърда гулга нисбатан бундай «вов» (ф)авий қилтирилмаган... 179

گل خمر «Гўле ҳамри(о)» даги «хамри» арабий қорага мойил қизил «вов» (ф)авийни билдиради... хамр (шароб) рангига ўхшаш... 180

گل پارسى - жуда қизил ва хушранг бир гул номи бўлиб, گل پارسى - жуда қизил гулнор - ҳам дейишади

176 Персидско-русской словарь.2 том. Под редакцией Ю.А.Рубинчик. «вов» (ф)авийская энциклопедия. Москва.-1970

177 گل خمر «Гўле ҳамри(о)» даги «хамри» арабий қорага мойил қизил «вов» (ф)авийни билдиради... хамр (шароб) рангига ўхшаш... 180

178 گل خمر «Гўле ҳамри(о)» даги «хамри» арабий қорага мойил қизил «вов» (ф)авийни билдиради... хамр (шароб) рангига ўхшаш... 180

179 گل خمر «Гўле ҳамри(о)» даги «хамри» арабий қорага мойил қизил «вов» (ф)авийни билдиради... хамр (шароб) рангига ўхшаш... 180

180 گل خمر «Гўле ҳамри(о)» даги «хамри» арабий қорага мойил қизил «вов» (ф)авийни билдиради... хамр (шароб) рангига ўхшаш... 180

Биз гул рамзини ўрганар эканмиз бу рамз серқирра маъноларга эга эканлиги билан аҳамиятлидир. Биз қўлимиздан келганига мазкур луғавий бирлик ифодалаган маънолар, унинг ҳақиқат наздида қандай маънолар касб қилганини ўрганишдир.

۱ رۆقم به باغ صبحتمی تا چشم گلی
آسد به گوش ناگهم آواز بلبلی (465)

*Бордим саҳарда боққа гул териш учун
Ногоҳ кулоғимга булбул овози чапинди.*

Бу байтдаги **гулни ўз маъносида** тушунсак бўлади.

«Ҳофизнинг мазкур ғазали кўп темалиликдан ҳоли. Шайх шоирнинг боққа киргани билан бошланиб, замоннинг бевақолик адолатсизлиги туфайли гулларнинг булбулларга наҳар бўлмаслигидан зорланиш ва афсус надомат билан тугайди дейилади. Ҳофиз девони таржимасидан намуналар китобига ёзилган муқаддимада¹⁸¹. Кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаганича универсал ва «ҳақиқат сиррини мажозга яширинган»лигини ҳисобга олсак бундан ўқувчи ёки тадқиқотчи эстетик завқи, билим ва камолот даражасига қараб қўшимча хулосалар чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан биз билдирган фикрларни мутлақ ҳақиқат деймас, балки нисбий деб қабул қилиш керак.

۱ رونق عهد شباب است دگر بستان را
میوشد بزمه گل بلبل خوش الحان را

*Ёшлик даври равнақи энди бўстонда
Хушвоз булбулга гул хушхабари келмоқда*

Форсий ғазалиётда булбул ва гул – ошиқ ва маъшуқа тимидир. Бу байтда гул – **ёр, маъшуқа** маъносида.

Ҳофиз ижодида ғазалнинг асосий объекти маъшуқ (дунёвий маъшуқ) нафақат **маъбуд** (илоҳий маъшуқа, Худо) билан ажралмас қўли боғланади, балки анъанавий қасида объекти бўлмиш – **мамдуҳ** (маъқулли қилинаётган)ни ҳам ифодалайди¹⁸².

¹⁸¹ Ochilov E. She'r guldastasi. Muqaddima. T.:Sharq.-2010.12-b.

¹⁸² Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века) М: Наука. 1989. С.8.

۳ من اگر خارم و گر گل چمن آرایم هست
که از آن بست که او سرکشتم موندگار

(380)

*Агар мен тикан бўлсам ва агар гул чаманоро бўлса,
У узатган қўлдан мен ўсаман*

Бу байтда «чаман» жамият, гул «жамиятдаги ўз ўрнига эга одам», «тикан-мен-лирик қаҳрамон», «у узатган қўл» - «у берган одам, илми ёки тажрибаси билан» «ўсаман» (гул) – «ўсмоқ – жамиятда ўз ўрнига эга бўлмоқ» маъносида бўлса, бу ердаги гул одамни мураббийга далолат қилади. Мақолда ҳам айтилганидек, тикан сени осмондан олиб тушса, **устоз** сени осмонга олиб чиқади.

۴ شکر ایزد که از تاراج خزان رخنه شایسته
بویستان سمن و سره و گل و شمشاد

(18)

*Аллоҳга шукрим, куз раҳналаридан омон қолди
Гусмон, сарв, гул, шамшод боғи*

Бунда куз ўсимликлар учун сўлиш даври, аммо бу байтда омон қолди дейилмоқда, бу бизнингча Ҳофиз даври талотумлари ўзаро муносабатларидан (маълумки Ҳофиз даврида бир қанча тахт ва мана шу рўй берган) омон қолган **одамларга** (фуқароларга) алоҳида қилинмоқда.

۵ حافظ از باد خزان در چند نفر مرتضی
فکر معقول بغرما گل بی خار کجاست

(19)

*Ҳофиз, чаманда даҳр хазон шамолидан ранжима,
Маъкул фикр айтгин, тикансиз гул бўларми?*

Бу байтда «тикансиз гул бўлмас» дейилмоқда, яъни ҳар қандай тикансиз, **роҳат** бўлмас, қийинчилик ортидан хурсандчилик бор, дейилмоқчи.

۶ صحن بستان دوق بندش و صحبت یاران خوش است
وقت گل خوش باد کز وی وقت میخواران خوش است

*Завқбахш бўстон саҳни ва ёрлар суҳбати яхшидир
Гул ҳамиша хурсанд бўлсин! Ундан майхўрларнинг вақти хушдир*

Завқбахш бўстон – ёрлар суҳбати юз берадиган анъанавий мавзу бўлса, Гул – **май қуюб берувчининг** кайфияти яхши бўлса, майхуш бўлиши ҳам вақтичоғдир. Май қуюб берувчининг тағмаъноси – тағмаъноси маъноси ҳам мавжуд, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

۱
۸ می بیابور که تنازد به گل باغ جهان
هر که غارتگری یاد خزانے داشت (48)

*Май келтиргин, жаҳон боғи гули билан нозланмасин,
Барча хазон шамолнинг босқинчилигини билди.*

Бу жаҳон боғи гули куз шамолида унинг умри тугашига ишора қилинапти. Бундан бу «жаҳон гули» деганда бу **дунёга** ва унинг моддиётларга рамзга тўғри келмоқда.

۱
۱۱ حافظ منشین بی می و معشوق زمانی
گیلم گل و یاسمن و عید صیلم است (46)

*Ҳофиз бир зум ҳам май ва маъшуқасиз ўтирмагин
Чунки гул ва ёсумон кунларидир ва рамазон байрами.*

Байтдан «Гул ва ёсумон кунлари» деганда баҳор сезилиб турибди.

۲
۱۲ غنیمت دان و می خور در کاستار
که گل با هفته دیگر نباشد (162)

*Ғанимат бил ва гулистонда май ич
Гул кейинги ҳафтагача бўлмаслиги мумкин.*

Гул бу байтда жон рамзидир.

۲
۱۳ برکش ای مرغ سحر نغمه داوردی باز
که سلیمان گل از باد هوا باز آمد

*Эй саҳар қуши яна довудий нағмангни чал
Сулаймон гули шамолдан келди.*

Бу ерда сулаймон гули Сулаймон (а.с.) тахтига рамздир. **گل** луғавий бирликининг ҳофизномаларда ва луғатларда кўриб келинган маъноларидан ташқари қуйидаги маъноларини кўришимиз мумкин:

К лугавий бирликининг ҳофизномаларда ва луғатларда қўрилган маъноларидан ташқари қуйидаги маъноларини билишимиз мумкин:

✓ Гул	✓ роҳат
✓ юз	✓ май қуюб берувчи
✓ ёр, маъшуқа	✓ дунёга оид моддиётлар
✓ маъбуд	✓ баҳор
✓ мамдуҳ	✓ жон
✓ устоз	✓ май
✓ одамлар	✓ тахт

Гул рамзига берилган ташбеҳлар унинг маъно қирраларини ташқари ёрдам беради, шундай экан, Ҳофиз ғазалларидаги бу ташбеҳлар аниқланди:

Ташбеҳлар:

✓ қомат	✓ айш, ёшлик
✓ олов	✓ лирик қаҳрамон
✓ умр	✓ боғбон
✓ дил	✓ Ҳофиз

1. «Гул» рамзининг тасаввуфий маънолари

Таниқли тожик адабиётшунос олими, академик Абдуғани Мирзоевнинг ёзишича, форсий адабиётда ғазалчилик тасаввуфий ва дунёвий йўналишда ривожланиб, Ҳофиз ўз ижодида ана шу икки йўналишни бирлаштиради¹⁸³

Тасаввуф таълимоти асосида Шарқ адабиётида янги адабий жанр вужудга келди. Бу оқим тарафдорлари ўз асарларида ҳақнинг ердаги инъикоси-инсонни улуғлашга эътиборни қаратди. Ёр деганда дилбар билан бир қаторда Худо ҳам, висол ҳолида, киши руҳининг Ҳаққа қўшилиб кетиши ҳам тушуниладиган бўлди. Ғазалларда мажозийлик кучайди, байтларнинг очиқ ва тирин маънолари деган тушунчалар пайдо бўлди.

¹⁸³ Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз// Навоий ва адабиёт таъсир масалалари (қоғазлар тўплами). – Тошкент. 1968. 54-57

Бунда шайхлар илоҳий ишқни васф этиш учун асосан, дунёда лирикадан фойдаланишган. Ғаззолий ҳам самоъ учун айни шайх қўшиқлар зарурлигини таъкидлаб кўрсатади. Бироқ руҳий ҳаёт ўрнига жисмоний шавқ уйғотадиган қўшиқлардан эҳтиёт бўлишга чақирган.

Демак, шайхлар самоъ учун рамзий шарҳга имкон берадиган шеърларнигина танлашлари лозим бўлган. Ана шундан келиб ўша пайтлардаёқ зўрма-зўраки рамзий талқин қилинувчи шеърлар эмас, чинакам, махсус ёзилган рамзий шеърятга эҳтиёж сезилган келди.

Бу анъанага биринчилардан бўлиб Абу Саид абул-Хаир (1000-1049) ўз ваъзларида рубоийлардан фойдаланган.

Араблар орасида Ибн Арабий асос солганлиги ҳақидаги тарихий диншуноси ва тасаввуфшуноси А.Шиммельнинг фикрларини келтирамиз:

«Ибн Арабий севиллалик аёллар билан учрашиб ўзини маънавий кароматгўй, илҳомлантирадиган бир аёл билан учрашувга тайёрлаганга ўхшайди. Бу аёл билан муқаддас зиёратгоҳда Иброҳим мақоми имомининг қизи Низом эди. Ибн Арабий жуғоҳ оятлар тиловат қилиб, экстаз ҳолатида Каъбатуллоҳни айтаётган зиёрат қилаётганда шу қизга дуч келади. Қиз унинг тиловатларини Ибн Арабийни лол қолдирган ҳолда уларнинг маъзани билан беради. Бу гўзал қиз билан бўлган учрашувнинг натижаси ўларнинг Ибн Арабийнинг «Таржумон ул-ашвоқ», яъни «Эҳтироқ таржимони» номли шеърлар тўплами вужудга келади. Тўпламдаги шеърлар араб ишқий поэзиясининг анъанавий услубида ёзилган бўлиб, уларда классик шеърятнинг андозавий сиймолари бўлмаган, ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги ишқ куйланади. Маълум вақт ўтганда Ибн Арабий ўзининг бу ишқий шеърларига мистик-фалсафий изоҳлар ёзиб, шеърятда янги бир йўналишни бошлаб беради. Бироз кейинроқ фаолият кўрсатган сўфийлар ўзларининг маънавий ҳижрон тўғрисидаги шеърларига ҳам шунақа шарҳлар ёзиб, уларнинг ўқимишли қилишни лозим топдилар ёинки энди ишқ, маънавий ҳижронларнинг маъноси кенгайиб Аллоҳ таолога нисбатан бўлиб, ишқни англата бошлади. (афсуски, кўпгина ҳолларда бундай шарҳлар ўта чўзилиб кетганлиги сабабли, табиий, тасаввуфий сифадиган ҳолатлар билан нотабиий, тасаввурга сиймайди)»

Ҳолатлар ўртасидаги мувозанатни барбод этиб, капалақдек нотабиий

...и шеърларни метафизик таълимотнинг қисқача қўлланмасига
...антириб кўйган).¹⁸⁴«

Тасаввуф Ҳофиз ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу эса
...и шоирнинг қарама-қаршилик ва зиддиятга тўла ижодини
...унишни янада мураккаблаштиради. Шарқнинг кўпчилик
...рхонлари Ҳофиз ғазалларини икки хил маънода, баъзилари
...асосан, иккинчи маънода қабул қилишган. Дарҳақиқат,
...ининг кўпгина ғазал ва байтларида тасаввуф таълимоти
...ири кўзга яққол ташланади.

Шоир ғазалда ҳам дунёвий севгини улуғлаш, ҳам тасаввуфона
...арни ифодалашнинг юксак, мумтоз намунасини кўрсатган.

Шоир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, ҳақиқат сирига
...и аралаштиргандир.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида бу хусусда
...тапиб: «Хожалар силсиласидан азизе дебтурки, ҳеч девон
...из девонидан яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу
...ирга андоқ маълум бўлубтур ва машҳур мундоқдурки, ҳазрати
...р Қосим аларнинг девонини Қуръони Форсий дер эрмишларки,
...ом оёти маъносидан мамлуъ ва асрор ва нукотидин
...қундир».¹⁸⁵

Ҳофизни ўзи ҳам буни шундай таърифлайди:

*Ўрталаб тургин-у саломатлик сўрагин Ҳофиз,
Нимаики қилган бўлсам, Қуръон давлатидандир.*¹⁸⁶

Тасаввуфда рамз тушунчасини шундай шарҳлашади: рамз
...ар ўз ҳолларини баён қилиш ва бошқа мақсадларда ўзи каби
...ар тушуниши учун махсус сўзлардан фойдаланишига нисбатан
...и дейилади.¹⁸⁷

¹⁸⁴ Шиммель А. Жонон менинг жонимда. Исом оламида хотин-қизлар
...моси. Тошкент. Шарқ. 1999/ 56-57-бетлар.

¹⁸⁵ Алишер Навоий. Асарлар. Т.15.-Т.:Ф.Фуложм номидаги Адабиёт ва санъат
...иёти. 1968. 184-б.

¹⁸⁶ Очилов Э. Ҳофиз Шеързийнинг Ишқ Гавҳари (ғазаллар, соқийнома, тар-
...лид, қитъалар, рубоийлар). – Тошкент: Шарқ. 2006. 11-б

¹⁸⁷ سجادی تصوف و عرفان. تهران. تهران. 1380. ص. 102.

Тасаввуфнинг бугунги кундаги баъзи ғоявий зиддиятларини
Ҳофиз тариқи-риндлик ҳал қилади. Ҳофизнинг универсаллиги
қуйидаги байтда кўринади¹⁸⁸:

*Эрталабки мастликдаги риндлар қалбий софлигидан
Истақ калитлари билан кўпгина эшикларни очиш мумкин.*

Тасаввуфнинг соҳа сифатида ривожланиши тасаввуф адабиёти
ривожланишига ҳам сабаб бўлди. Тасаввуфий рамзлар ривожланиши
рамзлар айнан бир маънони англатиш учун мустаҳкамланиши.
Рамзлар бир ижодкор ижодиётида пайдо бўлиб барча томондан
қабул қилингандан сўнг улар терминларга айланди.

А. Қуронбеков бу ҳақда илмий мақоласида шундай ёзади. Илм-фан
соҳасида илмий терминларнинг гуруҳи аниқланади. Бу гуруҳнинг
умумий тарзда олганда, илмий-техник тараққиётнинг муайян
босқичида илм-фаннинг қанча тури мавжуд бўлса шунча класслар
ажралиб кетади. Соҳа терминларининг ҳар бир классида эса маъно
илм-фан объектлари ва қонуниятларини тавсифловчи турли
мустақил назариялар қанча бўлса шунча гуруҳчалар (термин
системалар) ажралади.

Ҳар бир тилда ишланган соҳалар терминологияси у қадар кўп
миқдорни ташкил этмайди. Терминологик фаоллик ҳар бир
соҳанинг самарадорлиги, тараққий этганлиги каби ҳолатлар билан
ҳам белгиланади¹⁸⁹(1,4). Форс тилидаги тасаввуф терминлари
темаси бугун, ҳатто яқин ўтмишда ҳам вужудга келган эмас, балки
жуда бой анъана ва шаклланиш жараёнларидан ўтиб келган.

Маълумки, тасаввуф адабиёти ўзининг ўта рамзийлиги ва
серқирра маънолар мажмуасини жамлаганлиги билан ажралиб
туради. Бир қарашда оддий ва содда бўлиб кўринган ҳамма
кундалик ҳаёт мавзуларига бағишланган назмий ва насрий сатрлар
сўз ва сўз бирикмалари ортида чуқур фалсафий мушоаралар
маърифат ва маънавиятга етаклаш, фоний ва боқий дунё қарам-
қаршиликларидан огоҳ этиш мазмуни яшириниб ётади. Девон
Қосим Ансорийнинг ёзишича: «Сўфийлар ўз мақсадларини билан
этиш учун махсус истилоҳлардан фойдаланадилар... Сўфийлар

¹⁸⁸ Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV вв.). М.: Наука, 1989. С.8.

¹⁸⁹ Сусперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989. С. 4

уддалиқдан мураккабликка, осонлиқдан мушуқликка, очиқ-
қийинликдан рамзийликка қараб ўзгарган. Ирфоний калима ва
қабиллар ҳиссиётларга тўла ҳамда орифлар тили кўчма маъноли
қилиб, ички дунё ҳамда донишмандлик сифатларига таянади...»¹⁹⁰.

Биз тасаввуф истилоҳлари қаторидан ўрин олган ўсимликлар
номларидан гул рамзига диққатимизни қаратамиз.

Гулнинг ўзи тасаввуфий луғатларда:

Дилда пайдо бўладиган илм натижасидир

(لمعات عراقی)¹⁹¹ – дейилади.

Биз «гул» тасаввуфий маъносини луғатлардаги таърифни
қилиб ўқиб Ҳофиз ғазаллари мисолида ўрганишга ҳаракат қилдик.

درد تو عهد شیار است نگر بستان
میرسد مژده گل بلبل خوش الحان

Ёшлиқ даври равнақи энди бўстонда

Хушовоз булбулга гул хушхабари келмоқда.

Форсий ғазалиётда булбул ва гул – ошиқ ва маъшуқа
номлидир. Бу байтда гул – ёр, маъшуқа бу маънолардаги рамз
қилиниши ҳам мамдуҳ (мадҳ қилинаётган)ни, ҳам маъбуд (илоҳий
маъшуқа)маъносини англатишини таъкидлаган эдик¹⁹².

Тасаввуфий терминологик луғатларда ёр куйидагича шарҳланади:

يار- шухуд олами, яъни ҳақ зотини мушоҳада қилишга айти-
лади¹⁹³

Биз ёримизни кўп талаб қилишга не ҳожат, жонимизнинг
қурбониси биз учун етарлидир.¹⁹⁴

Шаҳват ва нафс хоҳишларига, нафсга ҳузур бўладиган барча
нарсаларга нисбатан айтилади, (لمعات عراقی)

Сўфийларга кўра ҳар қандай шаҳват ва нафс орзуларига
қўлилади. (کشاف اصطلاحات الفنون)

Нафсоний шаҳватлар ва ҳайвон табиати даражасидаги
нарсалар(مرات عشاق)

¹⁹⁰ دكتور قاسم انوری. مبنای عرفان و تصوف. تهران، چاپ اول، ۱۳۷۰، ص 53

¹⁹¹ نوربخش، دكتور جواد. فرهنگ نوربخش «اصطلاحات تصوف» 2. چاپخانه تهران. 1377. ص. 108

¹⁹² 147-бет

¹⁹³ تهاتوی کشف 1543، 1564؛ عراقی، اصطلاحات.

¹⁹⁴ سجادی. ج. فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی. تهران. طهوری. 1370 ص 666

6 روی چندان طلبی ایست را قابل ساز
درد نه هرگز گل و سیرین ایستد از آهن و روی (485)

*Жонон юзи истасанг ойинани тўғирла
Йўқса ҳарғиз темир ва биринж (бронза)дан гул ва насрин ўсмайди*

Байтдаги «жонон юзи», «ойна», «гул ва насрин», «темир ва беренж» рамзий тимсоллардир. «Руйи жонон» – «гул-у насрин» тажаллиси, «ойна» ва «темир ва беренж» кўнгил тимсолидир. **Тажалли** эришмоқ истасанг кўнглинг ойинасини тўғирла, кўнгил Аллоҳ жилвагоҳидир, агар кўнгил метал бўлса ундан гул ўсмайди, кўнглинг кир бўлса, Аллоҳ тажалли қилмайди.

2 من اگر خارم و گر گل چمن آرایی هست
که از آن دست که او می کشدم می رویم (380)

*Агар мен тикан бўлсам ва агар гул чаманоро бўлса,
У узатган қўлдан мен ўсаман*

Бу ердаги гул рамзи мураббийга далолат қилиши билан бир пири муршидга ҳам далолат қилади. Чунки тасаввуфда перо сайр-у сулук амалга олширилмайди. Муриднинг даражага етишиши муршид воситаси ила бўлади.

7 گل عزیز است غنیمت شمیریدش صحبت
که به باغ آمد از این راه و از آن خواهد شد (164)

*Гул азиздир суҳбатин ғанимат билинг
Боғга бу йўлдан келди, ундан кетади.*

Азиз гул - Авлиёларни азиз-авлиёлар деб ёдга олиш анъана халқимизда азалдан мавжуд. Солиқлар эса умри давомида саф қилиб азизлар билан учрашиши ва суҳбат ҳақиқатга эришиши муҳим жиҳатларидан биридир.

7 هر گل نو که شد چمن آرای
ز اثر رنگ و بوی صحبت اوست (56)

*Ҳар янги гул чаман безағи бўлди
Бу унинг суҳбати ранг-у бўйидан бўлди*

Бу йўлга янги кирган солик устози суҳбати билан ҳақиқатга – эшон безагига етишади.

۱ شڪفته شد گل حمرا و گشت بلبل مست
جرای سرخوشی ای صوفیان پاده برست (25)

*Қизил гул очилди ва булбул маст бўлди
Сархушлик қичқирғи, эй бодапараст сўфийлар*

Булбул – ошиқнинг маст бўлиши бу, ёр – Аллоҳнинг мурид қал-
биди жилोलаниши.

۲ در این چمن گل بی خار کس نمید آرد
جراغ محرم عشق یا شرار مراء بیست (64)

*Бу чаманда ҳеч ким тикансиз гул термади
Мустафо чироғи Абулаҳаб ёмонликларидандир.*

Бу йўлда риёзатсиз ёр васлига, Аллоҳ васлига эришилмайди, «атто пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳам ислом муридини таратиши»да Абулаҳабнинг ҳам ёмонликлари сабабчи бўлган. Ҳатто буюк ҳаёт дастур китоби «Қуръон»да ҳам одамларни ҳаётдаги киришлари учун шу номда сура нозил бўлган. (111 – сура)

۱ دوستان وقت گل از به که به عشرت گوشیم
سختن اهل دل است این و به جان بنیوشیم (376)

*Дўстлар гул вақтида ишрат қилишга интилиш яхшидир
Бу дил аҳли гаплардир, жонимиз билан эшитайлик*

Илоҳга зикр вақтида ихлосли зикрга тиришайлик, аҳли дил гапи-дир бу.

Сўфиёна биродарлик, жамоат бўлиб зикр тушиш ёки медитация қилиш, Саноида бир талай образлар воситасида намоён бўлади: мажлис, танзим, жамоат, тўгарак (халқа, махфал). Зикр тушишни хушчақчақ базмга ва мусиқий-бадий мажлисларга ўхшатиш сўфиёна ғазалда мусиқачи ва шоир образини, мусиқий асбоб номлари ва эроний мумтоз куй номларига тўлдириб ташлашига сабаб бўлди.¹⁹⁵

¹⁹⁵ Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). М.: Наука. 1989. с. С.136

بازم از آنکه غایب کنی از برگ کلم
بازم از آنکه غایب کنی از برگ کلم

(316)

*Жамолингни кўрсатиб гул баргимдан фориғ қил
Қад кўтаргин сарвдан озод қилгин.*

Жамолингни кўрсатгин, аслий ўзлигига эришиш¹⁹⁶ учун гул бўлувчи **нафсий** сифатлардан фориғ қил. Қаддингни кўтар ташдан-ўзимдан озод бўлай.

اگر گلزار غلظت و گل حکم ازلی این بود
طیور شاهد باغی از پرده تشییع باشد

Гулоб ва гул ишида азалий ҳукм шу эди:

Бу бозор гўзали бўлиши-ю, униси парданешин (ғунча шиктида)

Бу байтда азалий қоидага кўра **сир**, **ҳақиқат** пардалар ортдадир, аммо унга олиб борадиган йўллар ҳақида билдирилган.

Демак, гулга оид тасаввуфий маънолар дея қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

«Дилда пайдо бўладиган илм натижаси»дир деган маънодан тадқиқотимиз натижасида қуйидаги маъноларга аниқланди:

- ✓ Ёри мутлақ, маъбуд
- ✓ йўлга янги кирган солиқ
- ✓ муршид
- ✓ авлиё
- ✓ тажалли
- ✓ Аллоҳ васли
- ✓ сир, ҳақиқат
- ✓ зикр
- ✓ нафс

Навоий айтганидек, Ҳофиз Шерозий – алар лисон-ул табиғ ва таржимон ул-асрордурлар...»¹⁹⁷

¹⁹⁶ Усмон Т. Тасаввуф тарихи. Тосҳент. Истиқлол. 1999. 82-б.

¹⁹⁷ Алишер Навоий. Асарлар. Т.15.-Т.:Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1966. 21-б

Тундан кўриниб турибдики, ك сўзи ирфоний луғатлар юз фоиз маъноларини ифодалаб беролмасилига гувоҳ бўлмоқдамиз. Маънолардан анча кўпроқ шоирнинг ўзига хос луғат таркиби йўналишидан далолат беради. Ўсимликларга оид маъно қирраларини қиёсий шарқшунослик олдидан турган долзарб вазифалардандир.

Ҳофиз Шерозий ғазалларидаги ўсимлик образлари ва уларнинг маънолари ранг барангдир. Мазкур ишимиз бу йўлга қўйилган илк қадамлардир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўсимлик рамзлари адабиётдаги акси ҳақида нималар биласиз?
2. Бадий матндаги информация турларини қандай тушунасиз?
3. Ибн Арабийнинг тасаввуф адабиётидаги ўрни?

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ҳофиз девонидан бирор рамз танлаб олиниб асл, кўчма ва маънавий маъноларини топинг (манба: www.irib.ir да жойлашган)
2. Фоний девонидagi «гул» рамзининг асл ва кўчма маъноларини аниқланг.

ТИМСОЛЛАР ТИМСОЛИ

Дарснинг мақсади:

Талабаларда Навоийнинг сўфиёна мазмундаги ғазалларни тушуниш малакасини ҳосил қилиш мақсадида ғазалнинг навоий талқинини бериш орқали унинг мазмунини тушунишга йўналтириш.

Дарс режаси:

1. Навоий дунёқараши ва тасаввуф
2. Бу ғазалда асосий ғояси
3. Ғазал шарҳи

Таянч сўз ва иборалар:

Рамзий ибора-истиоралар, зоҳирий, ботиний, киний тимсоллар, каманд, майхона, қаҳгил, кўб, сунъ меъмор, паргори, хонақаҳ шайхи харобот, баҳя, хирқа, моиво, ҳайвон ҳайвон суйи, фано, пири дайр.

1. Навоий дунёқараши ва тасаввуф

Шарқ халқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адуоби меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўғри ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. Ўттизинчи йилларда Ойбек бунга эътиборни қаратган эди. Аммо, назаримда, бу масала ҳали ҳам ҳал бўлмасдан долзарблигини сақлаб қолмоқда. Чунки ҳозир ҳам ушбу шоир асарларини «керакли» ва «кераксиз» қисмларга ажратиш, орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, Эл кўзидан яшириш «пайқамасдан» тадқиқотларга киритмасликка мойиллик давом этмоқда. Баъзан эса сўфиёна маъноларни англаб етмаганимиз сабаб Навоийнинг рамзий ибора-истиораларини ҳаминқадар талқин этиш ўқувчиларни чалғитиб келмоқдамиз. Бу ҳол Навоий даҳосини, оламнинг бепоёнлиги ва улуғворлигини муаззам салоҳияти ҳам кўркемлиги билан идрок этишга халақит беради. Ваҳоланки, Навоий мероси – яхлит бу адабий борлиқ, бебаҳо маънавий хазина. Ва яна муҳими шундани

рининг ўлмас гуманизм билан кўкарган ҳаётбахш ғоялари «ду...
лариди қандай порлаб турса, биз бир чеккага олиб қўймоқчи бўл...
қий» асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан,
зоҳирий жиҳатдан шундай, аслида эса, ботиний маънолари
қийинга кўра бир хил фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига
қайта тақаладиган ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини
бириниси-сиз тушуниш қийин. Бас, шундай экан, шоир асарларида
қийиндиган ишқ, май, майхона, харобот, соқий, соғар, қадах, хум, кўнгил,
қўб сингари кўпдан кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва
қайта заминида ётган яширин маънолар асрори ҳамда унинг ижоди яхлит
қайта бутунликда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада-
қийинчиликларини ичида шарҳлансагина, мазмуни керакли даражада очиқ
қийинлаштиши мумкин.

Мисалан, қуйидаги ғазални олайлик:

*Киманд учига еткурмас ғаму андеша айёри,
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.
Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст ўлдум,
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.
Тўла қўб оғзи май, хуршидедур, гўё тенг очилмиш
Чекарди бу ики хуршид даврин сунъ паргори.
Май ичмиш хонақаҳ шайхи харобот аҳли айш айланг.
Ки, чиқмиш баҳя ургон хирқасидин маблағи кори.
Кўринган моиво буди эмас, балки намудидур,
Май устида хубобу мавж шаклиниг намудори.
Хубобу мавж май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин
Сукун толғон еужуди, майдин ўзга қайдадур бори?
Қуёш аксимумдур ҳайвон суйида ё кўрунмишдур
Равоносо май ичра сокин гулчеҳра рухсори.
Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга
Тутарда бода, шояд, журъае сунгай бизинг сори.
Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилгасен эй ишқ,
Навоий риштаи жонин муғанний удинииг тори.*

2. Бу ғазалда асосий ғояси

Май ва унинг хосиятларини таърифлашдан мурод нима?

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган ёхуд
қийинчиган ичимлик эмас. Шоир сира ҳам буни назарда тутмаган. Билъакс,

ута тақводор ва лоқдомон бўлган Навоий замонасининг ишратлиқ ва майхўр кишиларини қаҳру ғазаб билан танқид остига олиб шарҳ қилган. «Ҳайрат-ул аброр» достонида бўлса, бадмастларнинг масхарали ҳажвий қиёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир майни илоҳий ишқ – маърифат дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида найдо бўлган кучли завқ – илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамони ифодачиси сифатида қўллаган. Хумор бўлиш, майпарастлик ҳам бунда эрда шунга мувофиқ. Бу буюк нур чашмасидан хузурланиш, нурдан беҳудлиги, ҳаёт табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайди, аммо кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жиловлаш баҳрамандлик. ва шунга талпиниш сархушлигидир. Чунки Навоий эътиқод кўйган фалсафий таълимотга биноан, олам азалий ва абдий ягона руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагини пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот ва маълумот – заррадан қуёшгача, еру кўк, собиту сайёра шу нур билан ёритилиши шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланади туради. Бу илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадахдир. Дунёнинг ранго-ранг товланишлари, ўзгариш, янгиланишлар, табиатнинг турли сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, баҳорий уйғониш, чуниси дарахтларнинг кўкариб, гуллаб мева боғлаши, дашту даранинг ут утга билан қопланиши, қушларнинг маст бўлиб сайраши, боринки, ҳаётнинг барча нашъу намоси, гуркираб кўринган нафосат тўфони шу моддий уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунтирилган. Инсоннинг мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин руҳи мутлақ энг кўп акс этган хитлат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва гайжи гавҳари, яъни «икки олам истеъдодининг жамулжами» (Бедил). Инсон руҳи шу боис тинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб етиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, мендан ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олиш қизиқишини кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-тарадудда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талқин этилган.

Аммо инсон табияти икки асос – руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун улар орасида кураш боради. Агар моддий

бўлмиш жисм талаблари кучайса, у ҳирс ва шаҳват, ҳайвоний
оғирлик домига гирифторм бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу хавфнинг
қўлини олиш учун киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёж-
қўлини қондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоғи
лўзкар. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон – пир раҳнамолик
қўлади. Пир ёки ориф деб тасаввуф аҳли донишда етук, маърифат нури
қўлган қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли закий одамни
қўларда тутганлар. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган.
Шундай шахслар ҳаммавақт эзгуликни ўйлаб, ўзига иргашган одамларни
қўлиб саховати билан тарбиялаганлар, уларнинг иродасини чиниқтириб,
қўлиб чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, ҳақ йўлни
қўлиб қилишга ўргатганлар. Юқорида келтирганимиз ғазалда шу
қўлиблар ифодаланган. Буни муайян изоҳлар билан шарҳлаб,
тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Ғазал шарҳи

Ғазалнинг биринчи байтидаги ғаму андеша айёри, сунъ меъмори,
қўлиб, майхона каби сўз ва бирикмалар изоҳга муҳтож. Каманд
қўлиб-қўлибда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади.
Қўлиб бу ўринда Навоий унинг асл луғавий маъноси – арқонни
қўлибда тутган. Ғаму андеша айёри – ақл тадбиркорлиги, ақлу
қўлиб тадбири деган маънони беради. Майхона эса «шавқу завқ
қўлиб илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон – орифнинг
қўлиб дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир». (Саййид Жаъфар
қўлибқўлиб. Мусталиҳоти урафо. 392-6.) Сунъ меъмори – худо. Энди
қўлибнинг мазмунига келсак. Алишер Навоий баланд иморатлар,
қўлиб ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тирмашиб том
қўлибга чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: «Азал меъмори – худо
қўлиб майхона томини шунчалик улуғ ва баланд қилиб қўрган эканки,
қўлибру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учига
қўлибмайди». Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона
қўлибқўлибни забт этиш мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг
қўлибқўлибати ва у орқали илоҳий руҳ манбаининг беқиёс
қўлибқўлибқўлибни идрок этишга (шуни айтиш керакки, Навоий ибора-
қўлибқўлибқўлибларида ҳар доим икки маъно – ориф қалби ва руҳи мутлақ
қўлибқўлибқўлибда кўзда тутилади, зеро ориф қалби олий зот манбаига
қўлибқўлиб борадиган бир восита, кўприк деб қаралган) фақат қалб ва
қўлиб қўлибқўлибқўлиб; ақлий мушоҳада, мантиқий-тафаккурий билиш

усули бунга қобил эмас. Маълум бўладики, Алишер Навоӣ ғазалнинг матлайданоқ тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қўладиган одам учун биринчи жиддий мушкулот ҳам эди, чунки ақлу ҳақ қудрати етмайдиган нарсага кўнгил майли билан эришиш – табиғат иродани қайтадан қуриш, ўзини ўз виждони, эътиқоди оғушига жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳавас-хоҳишлардан воз кечиш демақдир. Майхона қасридаги буюклиги олам сиру асрори, ажойиботлари, ҳодиса-воқеалари билан беҳад кўплиги, уни билиш, моҳиятига етиш қийинчилигидир, амак вақтда саркаш нафс кутқуларини енгиш, юксак ахлоқли одам бўлиш машаққатларини ҳам англади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради, тавба (ёки ошиқ) ақлу тадбир билан комил инсон мартабасига кўтарилишига – майхонани забт этишга кўзи етмагандан кейин бу бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади. Яъни пирнинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки насиҳатларини эшитишдан баҳра олади. Майхона девори шундай қилиб, пирнинг комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи тарафдан бу – бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъа ичидаги пир манбаини идрок этиш, аввало қалъа деворлари – дунё ашбларини ўрганиш, хаёл, сезгилар орқали унинг моҳиятига етиб бориш билан амалга ошади. Заъфи хумор – кайфнинг тарқала бошлаши, ишқнинг вақтинча сусайиши, ҳақиқатга шубҳа билан қараш, шубҳаларнинг лаҳзасини билдиради. Каҳгил-сомонли лой. Май лойишароб куйкумак дунё мулки, ҳирсий иштиёқлардан ҳали покланмаган руҳ тимони. Алҳосил, байтнинг мазмуни қуйидагича: «Майхона деворини май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда димоним ҳам сомонли лой ҳиди уриб, яна маст бўлдим». Ёки: «Муҳаббатим вақтинча сусайганда (кўнгилда шубҳа туғилганда), пирнинг яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқнинг аввалгидай алангаланди». Пирнинг ички олами унинг нуқтаи нзар ҳаракатлари, кароматида зухур этганидай руҳи мутлақ ҳам дунёвий гўзаллигида жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг давона саліқаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар мағзини осон чаққон мушкул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб бериши олади. Бу худди қадаҳдан томган май томчилари каби ошиқ дилдорнинг ҳикмат нури бўлиб қуйилади. Шу маънода тасаввуф аҳли ҳақнинг хумхона, соғар, жом, майкада деганда ҳам орифнинг пурфайз жозибат юрагини тушунганлар.

Учинчи байтда биз тушунмайдиган учта сўз бор. Булар: куб, хуршид, паргор. Куб – шароб сақланадиган хум, мажозий маънода, хуршид – айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва руҳи мутлақ. Хуршид – қуёш. Паргор – доира чизадиган асбоб (циркуль); баъзан йўл-йўриқ, чоралардан бири маъносида ҳам қўлланилади. Шунга кўра, учинчи байтнинг маъносини ҳозирги тилимизда қуйидагича изоҳласа бўлади: «Оғзигача май тўлғазилган хум худди қуёшга ўхшайди, гўё қуёшнинг доира чизгичи бу икки қуёшнинг (яъни фалак қуёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда баравар бўлиб қолгандай». Ёхуд: «Май хуми билан қуёшнинг тарҳи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ўхшаш нарсалардир». Шоир айтмоқчи, қуёш ҳам май хуми, яъни бирламчи манбаъдан нишона. Шунинг учун улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар – қуёшнинг бўлиши қуёш. Май хумини қуёшга ўхшатиш билан Навоий орифнинг саховати, карамининг бепоёнлигини таъкидламоқчи, қуёш қуёш ўз ҳарорати, зиёси билан оламни мунаввар этгандай, ориф қалби ҳам ошиқларни фаровон баҳравар эта олади. Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зоҳирий мушоҳададан (майхона раворини ҳидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари йўриётгани, бундан ҳайратланаётгани ҳам ўз ифодасини топган.

Туртинчи байт шарҳи. Хонақоҳ – сўфийлар йиғилиб, важди паймоё билан шуғулланадиган жой. Харобот сўзининг луғавий маъноси вайрона, шаробхона бўлса-да, аммо тасаввуф аҳли тилиҳида инсон жисмининг хароб бўлиши – қаноат, фақр йўлига келиб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одатлардан қутулиб, ўзни хоксорлик, камтаринлик рутбасига солишдир. Хароботийлар, яъни риндлар «майхона тараддудидан бехонумонлиги ва паймона тааллуқидан бесарусомонлиги» («Маҳбуб-ул-қулуб») билан машҳур. Улар учун «тожу тахт туфроғ билан тенг», амма нарсадан фориғ, ёлғиз ёр ишқида сармаст. Ҳирқа-сўфийлар яқиндиган йиртиқ, жанда кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, қирати ва ашёлар олами ҳам. Баҳя – ямоқ, жияк. Маблағи кори – инсоннинг натижаси, аҳволи, бор-буди демак. Хуллас, байтнинг маъноси бундай: «Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг кўнглида қуёшнинг нур порлаб, бу ҳузурдан сархуш бўлибди. Эй ошиқ хароботийлар, сиз ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб, важд-ҳолга тушинг. Кўрмайсизми, шайхнинг аҳволи унинг жанда тўнининг йиртиқларидан маълум бўлди, яъни ботиний олами юзага чиқди, инсоннинг маърифат нури шуълаланди». Байтнинг иккинчи сатрида сўфилар-

нинг ўз жамоалари мажлисида жазава хуружида рақсу саманга тушиб, кийимларининг чок-чокидан сўкилиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тасаввуф орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг учта муҳим категориялар тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, жуд ва кулл (яккалик ва умумийлик) категорияларидир. Бироқ фалсафий категориялар ҳақида гапиришдан олдин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак. Масалан, мосиво – ғайр, улардан бошқа деган маъноларни ифодалаб келади. Мазмур фалсафий-тасаввуфий истилоҳнинг моадо деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий девонининг биринчи ғазалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланаётган ғазалимизда эса, шоир мосиво деб моддий борлик яъни дунёни назарда тутган. Чунки дунё мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан «у» орасида ғайр, бегона бир тўсиқ ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан маъшуқ орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир. Шарҳ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб – севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни ўзида жамлаган сиймо бўлиб гавдаланади. Бешинчи байтдаги буд – асос, ҳақиқий мавжудликнинг намуд – кўриниш, шаклий белгиларни англатса, ҳубоб – сув ва бошқа суюқликлар юзасида пайдо бўладиган пуфакча. Бу сўз маъно билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зухуротини билдиради. Шунинг бешинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: «Кўзга ташланган нарсалар (ўзгалиқлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳиятини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир». Ёки бошқача қилиб айтсак: «Мавж устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини акс эттирмаганидай «у»дан бошқа кўринган ашёлар «у»нинг борлигини – мавжудлигини белгиламайди, улар ташқи белгилардир, холос». Шундай қилиб, ташқи дунё ва ундаги иарсалар моҳият эмас, балки ҳодисадир. Моҳият – руҳи мутлақ ёки ориф кўнглидаги маърифат. Айни вақтда, моддий дунё – шакл, руҳ эса – мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билишга қараб бориш. Демак, тасаввуфда дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасида тўсиқ деб ҳисобланса-да бироқ барибир, дунёни билиш шарт қилиб қўйилган, дунёни билмасдан туриб, моҳиятни (ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тани олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни билиш йўлида имтиҳон, чунки у ранг-баранг ва хилма-хил. Шарқ файласуфлари бу миқдорий кўпликни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот

ифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), шижх (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келганлар. Миқдорий хилма-хиллик, мантиқий равишда, жузъият ва куллият, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. Жузъият (тасаввуфчилар буни касрат ҳам деганлар) куллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг кулусиятида ҳам қарама-қаршилик мавжуд: ваҳдат – бирламчи қудрат, турғун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, касрат – тафсиллийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобеъ. Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини томоша қилиш, мушоҳада этиш билан чегараланмасдан, худди ҳодисадан моҳиятга қараб борилгандай, касратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи қудрат нафосатини идрок этиб, ҳузурланиш мумкин. Ҳазалнинг олтинчи байтида бу фикр очиқроқ ифодаланган (бунда таҳрик – ҳаракат, сукут – турғунлик, тиниш): «Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати, тажаллисидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?»

Бу вужудни идрок этган киши Ёр ҳузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига яқинлашдиким, ҳазалнинг еттинчи байти шу кулусдадир. Ҳайвон суйи деб гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатнинг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади. Байтнинг мазмуни эса бундай: «Ишқ чашмасида ёки ҳақиқий нур манбаида кўринган қуёш аксими, ё жонга ўхшаш май ичида азал соқийсининг гулдай зебо юзи намоён бўлганми?» Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, мидърифат булоғи демак. Майда ёр жамолини кўриш, май идишини қуёшга ўхшатиш Навоийнинг севган образларидан. «Ашриқат мин акси шамсул каъси анворул худо, ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо» – чиқаётган қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан ёр жамолини майда кўр, деган садо чиқди. «Ҳазоин-ул маоний» девони мана шу байт билан бошланади. Шоир назарида ловуллаган олов кўраси – муаззам офтоб ҳам ўша буюк илоҳий қудратнинг инъикоси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май тўлғазилган жом, унинг порлаши эса – ёр жамоли.

Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадга эришиб, фано водийсига кириб боради. Ҳазалнинг охириги икки байти шу маънони ифодалашга хизмат қилади. Саккизинчи байтдаги дайр аслида насронийлар ва оташпарастлар ибодатхонасининг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. Дайри фано – ҳайвоний нафсдан қутулган,

руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами, Навоий бу байтда маънавий ҳақиқатларни кайта ётган одамлар ҳузурини қўмсаш, улар хизматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган. Шунинг учун у пири дайр деганда ҳам эзгулик ва қарам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тутган Алҳосил, байтнинг мазмуни: «Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил кишиларга сабоқ бермоқда, шояд менга ҳам шу маъ шуъласидан бир насиб этса». Ёки: «Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истайди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзидан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу ҳикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса».

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз ўзак маъно ташийдилар. Биринчиси – наво. Навонинг маънолари кўп. У мусиқа, куй, оҳанг, шў билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсак, наво умумбашарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона руҳий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шукуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, охири байтда қалб ором, ички руҳий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муғанний (иккинчи ўзак сўз) тушуичаеи билан боғлиқ кетган. Муғанний – чолғувчи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турган пурфайзнинг навосини етказувчи, шу неъматдан оғоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалбни роҳат фароғатга ғарқ этади. Байтнинг насрий таржимасини келтирсак, фикримиз янада ойдинлашиши мумкин: «Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиш муяссар бўлди, энди Навоий жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қилгин, яъни ўша буюк нур риштасига улаб юборгин». Ёки: «Эй ишқ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хори» бўлдим – мақсадга етдим, висол куйи вужудимни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини жонон нурининг тарамларига боғла». Бу ўрда шоир тахаллуси билан байт мазмуни ўзаро уйғунлашиб, ажойиб сўз ўйини ҳосил бўлганини кўрамиз. Шу нуқтада шоирнинг ҳар икки тахаллуси (Навоий ва Фоний) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин эканлиги ҳам маълум бўлади. Улуғ шоирнинг фалсафий мушоҳадаси мана шундай чуқур ва қамровли. Коинот ва инсон

нинг назарида яхлит бир бутунликни ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини руҳ кучи, алоҳида ҳиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси ифодалаб берилган: аввал олами билиш мушкуллигидан қўрқиб саросимага тушиш, ҳайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, рухий-тафаккурий қониқиш туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, илмул яқин, айнул яқин, ҳаққул яқин деган махсус терминлар билан белгиланган. Яқин – исбот талаб қилинмайдиган шакл-шубҳасиз ҳақиқат. Айн – чашма, кўз, ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввуф назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: «филжумла, сўфийлар ақидасига мувофиқ маънавиятни билиш уч илдир: илмул яқин, айнул яқин ва ҳаққул яқин. Аввалги ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан дарк этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни дарк этишга етади». (Абдураззоқ Кошоний. Масобих-ул ҳидоя, 52-бет). Бу бамисоли куёш нуъласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илмул яқин), куёш жисмини кузатиш билан аниқлаш (айнул яқин) ва куёш вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан идрок этишдай (ҳаққул яқин) гап. Қаширий деган олим назарида эса «илмул яқин – ақл аҳли учун, айнул яқин – илм арбоблари учун, ҳаққул яқин – орифлар учундир». (Қаширий. Кашф-ул маҳжуб, 497-бет). Демак, бу фалсафий қарашга мувофиқ, ҳақиқат тажрибадан олдин мавжуддир, мантиқ кучи билан эмас, балки ҳис – руҳ воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўзининг қалбида, кўнгил кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишнинг бу усули немис олими И. Кант (XVIII аср)нинг «нарсга ўзида» ва «априор» (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шуни таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи бир дин ўрнига келган янги, мураккаблаштирилган ва мистик туйғуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки олами билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-ҳиссий мушоҳадакорлик, хур фикрлиликни ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга диққат қилган катта фалсафий

оқимдир. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олға таълимий муҳим қадам бўлди ва башарий тафаккур тараққиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Алишер Навоийга ўхшаган гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида жамият, ҳаёт воқеа-ҳодисалари моҳияти тўғрисида ўйлашга имкон берадиган қидириш изланиш, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир буни биринчи девонига киритган:

*Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол, —*

деб яқунловчи таржеъбандида равшан баён этган. Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан бундай бўламиз, чунки у ёшлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўрганган. Ҳар хил «саргузашт»ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади. Шоҳу султонлар, дабдабаси, шайхул ислому уламо-умаролар, ман-ман донишмандлар суҳбати уни қониқтирмаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. «Назар айла бу коргоҳ ваъзига, ки орта тамошосида ҳайратим», дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибгарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қардас келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшаш саволлар Навоийни ҳаминдай қийнаб келган. На ўзимнинг «Саъи ила фикратим», «на касби улму этти ҳал мушкулим», деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андешалар шубҳалар кезгани, лекин замона тафаккури доирасида батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Бу оқибатда:

*Менинг бошима бас қотиғ тушди иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим, —*

деб яна ўзини тасаввуф билан овутади, яъни «май билан улфат» тутинади. Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга чанқоқ юракни маълум даражада тинчитишга кўмак берган. Бунинг иккита сабаби бар биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожини реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимрақ

инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-иштиги орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликдур. Навоий шу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида афс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машхур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улуғ инсонпарвар шоир ахлоқий фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасаввуфна мурожаат этишга олиб келарди. Зеро, тасаввуф бутун антиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида таллашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

Фалсафий таълимот сифатида оламни ягона деб эътироф этиш билан тасаввуф жаннат-дўзах тўғрисидаги диний афсоналарни интиқан инкор қилар, натижада зоҳид, муҳтасиб, аълам каби шариат намояндалари ҳақиқатни билмайдиган нодон кишилар бўлиб чиқарди. Навоий уларни муқаллидлар, яъни юзаки нарсалар, кўрүк ақидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрлашдан маҳрум одамлар деб атайди. Тасаввуф, шу тариқа, фалсафий интиқараш сифатида диний ақида, мутаассибликка зид эди ва янашар Навоий ундан куч-қувват олиб, комил журъат билан:

*Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак, –*

дея олар эди. Тасаввуф, айниқса, Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийинишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни инкор этмаган. Ингаки, модомики реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак уни сезиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш ҳам табиий ва зарурий деб топилган. Навоий ўзини ана шу «ишқи мажозий» куйчилари сирасига киритади. Дарҳақиқат, бу таҳлил этган ғазалга ўхшаган соф тасаввуфий маъноли ва «ишқи ҳақиқий»ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни эгалламайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолийлиги, рамзий йўналиши «дунёвий ғазаллар»да ҳам сақланган. Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда

тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш мадҳ атифати билан пок солмоқдир ва пок кўнгул ул пок кўз ошубидин кўнгулдан ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқат жамолидин баҳра олмак.» (Маҳбуб-ул қулуб, 42-бет). Шунинг учун масалан, дейлик, «Келмади» радифли ғазални муножот кўри оғушида берилиб тингларканмиз, «Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгил уйин, не учунким бода кирган уйга қайғу келмади», деган мақтаъни эшитганда, шоирнинг лирик қаҳрамони ёрини кутганини қийналганидан, уйига кириб аламдан роса ичиб олибди деди, деган ўйласак, ўта калтафаҳмлик қилган бўлардик. Бундай ғазалларда ҳам бода, шароб, май сўзлари ўша мажозий маънода – муҳаббат шавқини билдириб келишини эсдан чиқармаслик керак. Бундай ташқари, Навоий бодани «кўнгул уйини хуррам этувчи» нари деганда, ёрни кўнгилида сақлаш, унинг ёди билан яшашни таъкидлаган. Негаки, нақшбандия сулукида ёд, хотира, эсга олиш тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Абдулҳаким Табибийнинг ёзишича, нақшбандияда туз йўлга кирган одам қалбида «эътиқод нури, тавҳид нури, маърифат нури, ҳидоят нури, ажодлар ёди нурининг бодаси» жўшиб туриши лозим. (Абдулҳаким Табибий Афғонистонда тасаввуф ривожини, 10-бет). Бунда эсга олиш ҳофиза қуввати ҳақида ҳам гап борадики, бу ватан, эл-улус таълим каби кенг маъноли тушунчалар билан боғланиб кетади.

Шундай қилиб, тасаввуф инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш ғояларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсонпарвар шоирларнинг илҳомини илҳом қўшган. Бу таълимнинг негизи савқи табиий, руҳий қўзғалиш, ваҳийлик ҳам шоирона тафаккур кайфиятига мўл тушарди. Ва, умуман, биз шайхлар, орифлар тасаввуфнинг ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Сўфийлар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, касбу каромат эди. Аттор, Румий Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуунинг мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орсуси, сирли-хаёлий оламни тасаввурда яратиб, Идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган. Одамнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, руҳнинг ўлмаслиги ҳақида ўйлаб келган армонли ривоят-асотирлар бу беҳудуд романтик олам уфқини кенгайтирган. Шу боис, умрида тасаввуфнинг бирор расмий қондасини бажармаган яъни расман сўфий бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимнинг маслак, мафкуравий эътиқод сифатида қабул қилиб, унинг

инсоншунослик, ҳақпарастлик ва адолатпарастлик ғояларига
уйсундирган эди. Шоҳ ва шаҳзодаларни инсофга чақириш, риёкор
шайхлар, бетавфиқ сўфийларни фож қилишда ундан фойдаланди.
Ширнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қирралли, ибора-
қизилари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида
муқалганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.

Мавзуни мустаҳкамловчи саволлар:

1. Навоий ижодида тасаввуфнинг ўрнини қандай тасаввур қила-
ди?
2. Мумтоз адабиётда «май» рамзи маъно қирралари ҳақида
қандай фикрларни биласиз?
3. «Майхона» тасаввуф адабиётида қандай маънода
шипатилади?
4. Ғазал ғоясидаги ақл, қалб ва руҳ ифодаси қандай берилган?

Мустақил иш учун қўшимча материаллар:

«АХТАРИН АШК ЭТТИЮ СОВУҚ НАФАСНИ ОҲ СУБҲ»

*Ахтарин ашк эттию совуқ нафасни оҳ субҳ,
Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.
Ғам туни муҳлик ғамим англаб яқо чок айлади,
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимға тортиб оҳ субҳ.
Тийра ҳижрондин чу йўқтур фарқ субҳу шомима,
Хоҳ, шом ўлсун қоронғу рўзгорим, хоҳ субҳ
Дуди оҳимдин қарорғай ҳажр шомидин батар,
Бўлса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.
Тийра шомим дафъи қилди меҳр зоҳир айлабон,
Яхши борди меҳрибонлиғларда шайъуллоҳ субҳ
Хуштурур жоми сабуҳ, эй шайх, сен ҳам ичкасен,
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлик моҳ субҳ.
Ғам туни кўҳи балосидин магар бўлмиш халос,
Ким менингдек кўргузур рухсорай чун қоҳ субҳ.
Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг,
Ким сенинг уйқунга хандон ўлмасун ногоҳ субҳ.
Эй Навоий, ул қуёшнинг муждаи васлин бериб,
Қилса неткай шоми ҳажрим меҳнатин куттоҳ субҳ.*

Тўққиз байтли бу ғазал рамали мусаммани маҳзуф баҳри ёзилган (фоилотун, фоилотун, фоилотун - фоилун). Мазмунига кўра ошиқона, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтиробларини, кечинма ҳисларини ифодалайди. Шу жиҳатдан уни шарҳи ҳол усулда ёзилган ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Аммо зоҳирий маънолари билан ошиқона бўлиб кўринган ушбу ғазалда орифий (тасаввуфий) маънолар ҳам ифода этилади. Умуман Алишери Навоийнинг аксар ғазалларида зоҳирий ва ботиний маъно «дунёвий» ишқ билан «илоҳий ишқ», бошқача айтганда, «маънолий» маънолар билан «ҳақиқий» маъно бирга қўшилиб, бир иккинчисини тақозо этиб келади. Икки маънолилиқ, икки шакл тасвир мазкур ғазалга ҳам хос, шунинг учун унинг шарҳи ҳам шу икки жиҳатни очиб беришга хизмат қилиши керак. Ғазалда бошдан охиригача иккита образ – *тонг ва тун* (ёки *шом*) тимсол қарама-қарши қўйилиб, қиёслаб борилади, ташбеҳ ва истироҳат шу икки тимсол – образ атрофига уюштирилган. Ошиқнинг ҳижрон айрилиқдаги ҳолати – тун, висол дамлари – тонг, ёруғлик, Отаинсон ҳижрон, айрилиқ тунидан қутулишга ва ёр дийдорига мушарраф бўлиб, фараҳ топишга талпинади, ҳижрондаги азобларидан зорланади, охирида эса тонг отиб, васл умиди шуъласи кўринади. Демак, ғазал ягона мавзуга бағишланган тасвир мантиқи байтлар аро вобаста бўлиб, бир силсилани ташкил этади. Энди байтлар шарҳига ўтамиз.

*Ахтарин ашк эттию совуғ нафасни оҳ субҳ,
Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.*

Аввало нотаниш сўзларга изоҳ берамиз: *ахтар* – юлдуз, *ашк* – кўз ёши, *субҳ* – тонг. Матлада ҳазрат Навоий ажойиб шоирлик тасвир яратган: тонг (субҳ) жонлантирилиб, унга одам хусусияти берилган. Тонг ғира-ширасида юлдузлар кўз ёшидай оминат милтиллайди, тонгнинг салқин шамоли эса дардманд ошиқнинг оҳидай совуқ. Яъни тонг ошиқ аҳволига ачинади, ғамгин бўлади ва кўз ёши тўкиб, совуқ оҳ тортади. Лирик қаҳрамон ўз ҳолати билан отаётган тонгни қиёслаб, тонг менинг айрилиқ шомидан азобларимдан хабардор бўлган, шу сабабли юлдузларни кўз ёшидай тўқди, салқин шабада уфуриб, оҳ чекди, дейди. Эрталабги салқин шабада дард зўридан оҳу нола қилган одамнинг нафаси ва ўхшатишган, совуқ оҳ эса бу ўринда афсус ва ачиниш, оқибат нишонаси. Байтнинг насрий мазмуни: «Тонг гўё менинг ҳижрон

қунидаги аҳволимдан хабар топгандай, юлдузларни кўз ёши қилиб, шунуқ шамоли билан оҳ уриб етиб келди». Бу – байтнинг «дунёвий», «шиқона шарҳи. Байтнинг ботиний, орифона маъносини англамоқ нун эса баъзи сўзларнинг мажозий, тамселий маъносини тушуниб олишимиз керак. Чунончи, тонг (субҳ) – «вахдат нурининг таралиши» («Шарҳи Гулшани роз», 583- бет), илоҳиёт тажаллиси; у шунини ғайбдан нузул этиб, таайюнот (аён нарсалар, дунё ғоялари) тушумотини ошиқ кўнгли саҳифаларидан сидириб ташлайди. Оҳ – «шиқ гулгуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзаси. Шом – ваҳдатга қарама-қарши касрат (кўплик) мартабалари, таайюнот пардаси. Нафас – (кўнгилнинг маънавият гулзоридан тушган лутфидан тозаланиши» (*Саййид Жаъфар Саждодий*. «Мусталаҳоти урафо, 405-бет), ғайб латофатига, маҳбуб талабига иштилоқ. Нафас, шунингдек, вақтни, лаҳзалик ҳолни, олий ўзгариш ва ёришишларни ҳам билдиради. Ҳижрон – Ҳақдан, Илоҳдан иштилоққа юз ўгириш, кўнгилнинг вақтинча ўзга фикр – ташвишлар билан банд бўлиши, парда орқасида қолиши.

Ана шу маъноларига кўра, матланинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Менинг дунё ишлари – касрат билан машғуллимни, Ҳақдан бошқа нарсаларга эътибор қилиб, ундан узоқда қиналганимни кўриб, илоҳий ваҳдат нури дилим саҳифасини тозалаш, ўз ҳолимга қайтариш учун етиб келди». Воқеан, орзудаги мазмун – гўзалликка мунтазир одамнинг қалби тонгда ёришиб, ғайраҳ, топиши табиий. Кўнгил мусаффо бўлади, яйраб нафас олисан киши. Тонг орифона шеъриятда кўп қўлланилади. У – илоҳий файзият тимсоли, нуроний одам даракчиси. Илоҳий ёр қийдорига толиб одам бу нурга етишиш учун кўпдан-кўп руҳий қиноклар, ҳижрон азобларини бошидан ўтказиши керак. Шарҳланаётган ғазалда солиқ (йўловчи)нинг ана шу аҳволи руҳияси таъбирланади, ташвишли таппинишлари кўрсатилади.

Иккинчи байт:

*Ғам туни муҳлик ғамим англаб яқо чок айлади,
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимға тортиб оҳ субҳ.*

Мазкур байтда матлаъда ифода этилган мазмун давом эттирилган. Тонг матладагидай бечора ошиқ ҳолига ачиниб, кўз ёши тўкиш, оҳ уриш баробарида, ғам тунидаги ҳалокатли (муҳлик – ҳалокатли демак) аҳволни кўриб, «ёқасини йиртади». «Ёқа йиртиш» – тонгнинг отишини англаувчи истиорадир, чунки ёқа йиртилганда

одамнинг кўкраги кўринганидай, тун пардаси йиртилганда тун
намоён бўлади, яъни илоҳиёт жамоли кўрина бошларди.
Навоийнинг Самарқандда гадодан сотиб олган байтининг биринчи
мисраси: «Кўкрагимдур субҳнинг пироханидан чокроқ», яъни
«Кўкрагим тонгнинг кўйлагидан чокроқ». Бу ерда субҳнинг
пироҳани – тонг пардаси, ҳарир бир нимқоронғилик хаёл саҳфаси
яралган, ҳам тонгнинг отиши ёқанинг йиртилиши эмас, балки
кўкракнинг чок-чок бўлишига ташбеҳ қилинган. Аммо ҳар икки байт
таъсирининг чиройида муштарак жозиба бор. Иккинчи байтда
«тонг ели», «оҳ», «нафас» сўзлари такрор бўлса-да, аммо ҳақиқат
конкретлаштириш, таъкидлашга хизмат қилган. Тун – маъно
маъносидан ташқари, олами имкон – борлиқ, ғайб сиру асрорининг
мазкур байтда жабарут олами (Илоҳ ва фаришталар орасидаги
олам)ни ҳам англатади. Бироқ биринчи маъно ҳам назарда
тутилган. Шунингдек, тонг елини илоҳий неъмат файзи, илоҳиёт
маъноларида ҳам тушунсак, байтнинг орифона мазмуни бундай
бўлади: «Ғайб асрорини англашдаги ҳалокатли интилишларим
кўрқинчли аҳволимни кўриб, тонг ёқасини чок этди, яъни ота
Иштиёқ-у изтиробим эвазига илоҳий нурдан нишона кўрдим».

Учинчи байт:

*Тийра ҳижрондин чу йўқтур фарқ субҳу шомима,
Хоҳ, шом ўлсун қоронғу рўзгорим, хоҳ субҳ.*

Бу байтда яна бир фавқулодда тоза истиора қўлланилган: тийра
ҳижрон. Қоп-қора айрилиқ – бу ошиқнинг қил сиғмаган қалби
мотамзада ҳолати. Ҳижрон туни, ҳажр шом иборалари ёнида
мазкур истиора таъсирининг латифлигини оширади, ранг
қуюқлаштиради, лирик қаҳрамон кечинмаларининг шиддатини
бўрттириб кўрсатишга хизмат этади. Қолган сўз ва иборалар
тушунарли, шу учун байтнинг зоҳирий мазмуни бундай шарҳ
мумкин: «Айрилиқ ғамидан ҳаётим, руҳиятим шундай қоронғи
тонг билан шомим, кеча ва кундузим орасида фарқ йўқ. Хоҳ тонг
бўлсин, хоҳ шом – сезмасман, бари қоп-қора тунга айланган.
Байтнинг ботиний, маърифий маъноси: «Илоҳий ёр ёдини фаромус
этиб, нафсоний дунёга берилиб қолганим учун тонг билан шомим
фарқи билинмай қолди, шом бўлса ҳам, тонг отса ҳам кўнгимиз
ҳеч нарса сиғмайди, чунки «қоронғу рўзгор» – дунё ташвишида
қутулиш ғоят мушкул, у мани ўз домида занжирбанд этган». Сом
ўз иродасини батамом пир кўлига топшириб, тариқат мақомидан

ина-ба зина кўтарилса, нафс қутқуси ва дунё истакларидан
тутунлай қутулсагина кўнгилни узил-кесил тажаллиёт зиёсига
қўбарў эта олади, «тийра ҳижрон»дан қутулади.

Гўртинчи байт:

*Дуди оҳимдин қарорғай ҳажр шомидин батар,
Бўлса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.*

«Дуди оҳ» ҳам ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошиқ
қолининг ночорлигини англаувчи муболағали истиоралардан:
«ишқ ёр ишқида шундай ўртаниб ёнаптики, гўё унинг ичидан олов
қўриллаб чиқяпти, бу олов унинг оҳу нолаасидирким, тутундан олам
қоронғилашади, ҳатто зиё таратадиган тонг юзи ҳам бу тутундан
қора тусга киради. Бу эса ҳажр шомидан ҳам бадтар. Шоир сўзу
қудоз, ёниш-ўртаниш, ишқ тортишлари, қийноқлари, руҳий-
маънавий талпиниш ва курашларни шундай дардли сатрларда
таъриф этади. Хуллас: «Агар тонг ҳижрон пайтида (авжида) мен
билан бир кун бирга бўлса, оҳим тутуни-ю ҳажрим шиддатидан ўзи
ним қора рангга бўялади». Дунё ишлари, моддий олам талабларига
қираб юраверсанг – тонгни ҳам сезмайсан, илоҳий нур ҳам
қоронғуликни ёриб ўтолмайди.

Бешинчи байт:

*Тийра шомим дафъи қилди меҳр зоҳир айлабон,
Яхши борди меҳрибонлигларда шайъуллоҳ субҳ.*

«Меҳр» билан «меҳрибонлик» сўзлари ўзаро тажнис – сўз
таъинини ташкил этган: меҳрнинг бир маъноси қуёш, яна бир
маъноси эса муҳаббат, меҳр. «Шайъуллоҳ» – Аллоҳнинг каромати,
қолимати демак. Байтнинг мазмуни: «Худонинг неъмати бўлган тонг
меҳрибонлик кўрсатиб, яхши натижа олиб келди, қоронғи шомимни
дафъ этиб, қуёшни бошлаб келди». Ва яна: «Ваҳдат нури зиёси –
тонг баракотидан касрат – дунё шугли кўнглимдан кетди, кўнглим
юзаланди, илоҳий нур чашмаси – қуёшга етишиш имкони топилди».

Олтинчи байт:

*Хуштурур жоми сабуҳ, эй шайх, сен ҳам ичкасён,
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлик моҳ субҳ.*

Бу байтдаги «меҳр» сўзи бошқа маънода, яъни маъшуқа сифати бўлиб келган. Шоир умумлашма тасвирлардан бир қадар аниқликка – конкретроқ тасвирга кўчади, юзи қуёшдай порлаган соҳибжамол соқий ҳақида ёзади. Лекин бу билан Навоий ғазалнинг орифотининг ботиний маъноларини давом эттиришдан воз кечди, дея олмайми. Аксинча, анъанавий тамсиллар – соқий, жом, май сўзлари шайхга айнан илоҳий муҳаббат ҳақида гапираётганини билдириб туради. Бу байтда яна бир анъанавий образ бор – бу *шайх* образи. Шайх шоир бу ўринда тақводор шахс, зоҳид маъносида қўллаган, аслида эса шайх комил инсон, пири муршид маъносида ҳам келиди. Машхур сўфийларнинг кўпи шайх деб эътироф этилган. Навоий ўзларини билимдон ҳисоблаб, орифларнинг ботиний оламида беҳабар, завқу шавқдан маҳрум дунёпараст шайхларни назарда тутган. Шундай қилиб, байтнинг маъноси: «Эй тақводор шайх, тоғ пайти комил инсон маънавиятдан сўз бошласа ёки Қуръон тилови қилса, илоҳий кашф зухуроти, мушоҳада сархушлигида муҳаббатга лиммо-лим юрагидан роз айтса, сен ҳам қулоқ сол ва сархуш бўл чунки тонгги суҳбатнинг сурури ўзгача, лаззати бениҳоя ва ёқимли».

Нега бундай маъно келиб чиқди? Чунки тасаввуф талқинида *жом* – «илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоён нурнинг порлаши» («Миръот ул-ушшоқ»), *соқий* – «файз манбаиким, вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир» («Миръот ул- ушшоқ»), *май* – «ғалаботи ишқ» (*Сажжодий*, 400), «илоҳий тажаллиёт» («Миръот ул- ушшоқ»). Яъни: меҳрюзлик соқий – ориф инсон илоҳиёт тажаллисининг файзидан тонгда бода тутса, эй шайх, сен ҳам ичишинг муқаррар.

Еттинчи байт:

*Фам туни кўҳи балосидин магар бўлмиш халос,
Ким менингдек кўргузур рухсораи чун коҳ субҳ.*

Кўҳи бало – бало тоғи, *рухсора* – юз, *коҳ* – сомон. Ошиқ изтироб чекишдан, бало тоғининг юкини тортишдан ранглироқ сомондай сарғайган. Бу аҳвол тонгнинг бўзариб оқариши орқасидан қуёш нурларининг олтин (сарик) рангда кўрина бошлаши билан қиёсланган. Афтидан, тонг ҳам мен каби айрилиқ ғаминини балосидан халос бўлибди, чунки сомондай сарғайган юзини кўрсатмоқда, дейди ошиқ. Тоғ балосидан халос бўлиш қуёшнинг тоғ ортидан чиқиб келишига ишора ҳамда қуёш тунда уфқ ортида тоғлар қўйнида банди бўлади, эрталаб яна қутулиб йўлга чиқадиган

деган қадимий тасаввурга вобаста тасвир бу. Навоий субҳ (тонг)ни бир шахс сифатида жонлантириб, уни лирик қаҳрамон ҳолати билан қиёслашни давом эттирган.

«Бало» – Илоҳнинг имтиҳонлари, солиқ йўлида учрайдиган қийинчиликлар, «бало тоғи» шунга мувофиқ – тариқат йўлида учрайдиган имтиҳонларнинг энг оғири демак. Мазкур байтда кўҳ ва коҳ (тоғ ва сомон) сўзларини зид қўйиш (тазод санъати) ҳам бор. Ошиқ ўзининг дарддан юзи сарғайганини айтиш билан бирга илоҳий кудрат, зоти азалий ва унинг имтиҳон – балоларининг беҳадлиги олдида зарра мисол кичик ва ҳақир эканини ҳам таъкидлайди. Шу тариқа, солиқнинг мақомот сари интилишларидаги иккиланишлар, мушкулотлар, имтиҳонлар қийинчилиги ва уларни енгиб ўтиш учун иродани чиниқтириш иштиёқи акс этади бу байтда.

Саккизинчи байт:

*Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг,
Ким сенинг уйқунга хандон ўлмасун ногоҳ субҳ.*

Ҳазалнинг орифона мазмуни бу байтда яна ҳам очикроқ ифодаланган, субҳ илоҳий файз тимсоли эканини шоир ўз тили билан баён этган. Бундай файзга тунлари бедор ўтириб, тоат-ибодат билан шуғулланган, Илоҳ ишқида куйган, ўртанган дардли одамларгина эришадилар. Навоий даврида илоҳталаб дарвешлар, ориф солиҳлар дунё роҳатидан воз кочиб, маънавият сиррини кашф этиш учун кечалари ухламай, зикр айтиб чиқар, бутун вужудлари, қалб-шуурларини шу мақсадга қаратиб, сидқидилдан Мутлақ руҳ сари интилардилар. Натижада уларнинг кунгиллари равшанлашиб, завқу сурур топар, зеҳнларида маърифат тонги ёришарди. Маънавият олами ошиқлари Навоий васф этган ҳақиқий ошиқлардир, улар шоирнинг идеал образлари, эзгулик фаришталари эди. Шунинг учун у орифлар ғоясини жону дилдан тарғиб этади, дейдики: агар илоҳий файз истасанг, эрта саҳарда уйқуни тарк эт, Худо йўлида бедор ва гирён бўлгин (байтда гирён ва хандон – ийғлаш ва кулиш сўзлари зид қўйилган), ғафлатда ётма, бўлмаса, файздан бенасиб бўласан – тонг сенинг аҳволингга кулади. Камолот истаган одам тонгдай уйғоқ, тонгдай пок бўлиши лозим.

Ва, ниҳоят, тўққизинчи байт:

*Эй Навоий, ул қуёшнинг муждаи васлин бериб,
Қилса неткай шоми ҳажрим меҳнатин кутоҳ субҳ.*

Ҳазалнинг бошидан бошлаб давом этиб келган шом – тонг қиёсий параллеллик мақтага келиб яқунланяпти. Субҳдан кейин куёш чиқиши ва туннинг чекиниши муқаррар. Лекин Алишер Навоий назарда тутган тонг илоҳий тажалли сафоси бўлганлиги сабабдан куёш ҳам пири муршид қалби ёки мутлақ Рухнинг манбаи тимсолидир. Тонг эса шу манба – нур чашмасининг даражаси. Ошиқ йўловчи ҳижрон туни, яъни дунёвий талаблар, илоҳий талабларга узоқлаштирувчи ишлар – зулмлар зулумоти қийноғидан кейин ниҳоят, васл шодмонлиги имконини топади, кўнгил даричаси ар жамолига қараб очила бошлайди. Мақтанинг зоҳирий маъноси «Эй Навоий, ул куёш, яъни ёр васлининг дарагини етказиб, ҳижрон шоми азобини (меҳнат – азоб дегани) қисқартирса кошқийди».

Байтнинг орифона ботиний маъноси эса бундай: «Эй Навоий, ваҳдат нури жилоси – тонг Зоти мутлақ (ёки комил инсон қалби) манбаига етишиш хушxabарини етказиб, Илоҳ ёдидан бегоналаниш қийноғи, касрат зулумоти ичра чекаётган руҳий изтиробу азобларимни қисқартирса нима бўлар экан». Мазкур ғалатида Навоий ана шундай илоҳий кечинмаларни реал инсонга кечинмалар тарзида тасвирлайди. Зотан, орифларнинг тарикати даражаларини эгаллаш йўлидаги интилиш – ёнишлари нега реал бўлмасин? Ахир бу оддий одамларнинг эмас, ўзларини руҳий тайёрлаган, жуда катта вазифани бўйинга олиб, фақат маънавий маърифат сари ўтли шавқ билан интилган одамларнинг ҳар қандай дунёвий тушунчадан ҳоли покиза ишқи эмасми?! Шунинг учун ҳам уларнинг қалб кечинмалари юксак ва олижанобдир. Шу шавқ ва интилишни тор маънода тушунмаслигимиз керак. Бу Навоий қаби буюк инсонларнинг дунё ва Илоҳ орасида, дунёни севиш ва дунё кишиларидан задалик, дунё ишларидан кўнгил узолмаслик ва дунёда бўлмаган идеалга боғланиш, уни севиш ҳислари орасидаги талпиниш-изланишлари, руҳий саргардонлик ва қийноқларнинг рамзий шеърий изҳори эди.

ИШҚНИ ОЛОВЛАНТИРГАН СЎЗ ЁХУД «ҚАРО КЎЗУМ»

Бир донишманддан: дунёда энг кучли лаззат нима? — дунё сўраганларида, у: сўз лаззати, сўз санъатидан хузурланиш, деб жавоб берган экан. Чинданам шундай. Инсоннинг маънавий камолоти, ақл ва тафаккур қудратини намойиш этувчи, ижод ва истеъдод меваси бўлмиш бадий сўз кишига олам-олам завқ бағишлайди, ҳайрат ва ҳаяжонини

қабат бўлади. Аммо мўъжизалар мўъжизаси – бадиий сўз лаззатини туйиб, руҳий ҳаловат олиш учун уни чуқур идрок этмоқ, асар маъноларининг бутун нозик жиҳатларини қат-қатигача тушуниб етмоқ лозим. Айниқса, сўз санъатини ғоят баланд қадрлаган ва тил, услуб томонидан биздан анча узоқлашиб қолган классик шоирларимизнинг мижоз ва истиоралар, ўзига хос йўсинда пардаланган маъноларга бой асарларини тушуниш, ўқиб-уқиш хийла қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Жумладан, улуғ Навоий асарлари ҳам. Олимларнинг тадқиқотлари, «Хамса» дostonларининг насрий баёнлари, алоҳида нашрлар учун тўзилган изоҳлар, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» мушкулмизни бир қадар осонлаштирган бўлса-да, лекин буюк шоирнинг «маънолар хазинаси»ни кашф этиш, унинг бемисл санъати сирларини очиб, шеърят ихлосмандларини ундан баҳраманд қилиш эҳтиёжи биттамом қондирилган эмас. Назаримда, бу ишни янада давом эттириб, Судий Баснавий каби қадимги шарҳчиларнинг иш усулидан фойдаланиш анча самарали кўринади. Зеро, модомики Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий замондошлари учун ғазални байтма-байт, мисрама-мисра, қаттоки сўзма-сўз «майдалаб» тушунтириш лозим бўлган экан, бизга бу яна ҳам муҳимроқ ва зарурроқдир.

Шуларни ўйлаб, тажриба тариқасида Алишер Навоийнинг айрим ғазалларини классик шарҳ усулида тафсир қилишни лозим топдик.

*Қаро кўзум, келу мардумлиқ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросиға мардум киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингга бағир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.
Фироқ тоғида топилса туффроғим, эй чарх,
Хамир этиб ани яна ул тоғда Кўҳкан қилғил.
Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни бошдин-аёқ чин ила шикан қилғил.
Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёъ,
Бу боғ томига гар игнадин тикан қилғил
Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб била юву гул баргидин кафан қилғил.
Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоқлик ўқин шамъи анжуман қилғил.*

Бу ғазал куйидагича бошланади:

*Қаро кўзум, келу мардумлиқ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросиға мардум киби ватан қилғил.*

Тўйчи ҳофиз Тошмуҳаммедов XX аср бошида ушбу ғазални «ушшоқ» куйига солиб куйлагандан кейин у «Қаро кўзим» номи билан машҳур бўлиб кетади. Айтишларича, ҳофизнинг ёш фарзанди бевақт оламдан ўтгандан кейин ушбу ғазални куйиб қилиб куйлаган, ўзининг дарду ҳасратини куйга солиб, нола қилган экан. Ҳа, кўшиқ ҳофизнинг илоҳий овози билан ғоят таъсирчан жаранглайди, Навоий сўзлари юрак қатларига сингади.

Аmmo Навоийнинг сўфиёна маъноларини англаган одамга Тўйчи ҳофиз ушшоғи яна ҳам кучлироқ таъсир этади. Зеро, «ушшоқ» ошиқлар дегани, яъни ошиқларнинг ишқ дарди, айрилиқ ва садодан изҳоридан ҳосил бўлган туйғулари ноласи, фалакка ўрлаган фидо бу. Ушшоқ – шашмақом куйларидан. Шашмақом сўфийлар мақомнинг мусиқавий ифодаси. Демак, ушшоқ Илоҳга интилан руҳнинг нолаларидан бири.

Дарҳақиқат, ушбу ғазалда ошиқнинг етуклик ва камолот тимсоли – Комил инсонга муҳаббати ифодаланади. Тасаввуф луғатларида кўз – Комил инсон тимсоли деб шарҳланади, чунки у фанат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илоҳий зуҳурот рамзи бўлса, кўз шу зуҳуротни жамлаган манба – маънавий комилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади. Навоий қаҳрамони ана шу Инсонни ўз кўзининг гавҳарига айлантирмоқчи – қалб чироғи этмоқчи бўлади. Шайх ишлатган сўз ўйинлари ҳам шунга йўналтирилган: «мардум» – кўз қорачиғи ва инсонийлик маъносиде келади, «фан» – одат, ўрганиш ва тадбир.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: «Қора кўзлугим (гўзал ёрим) кел энди, одамийлик мурувватини расм қилгин (ўрганиб ола кўзимнинг қорачиғига (гавҳарига) гавҳар (қорачиғ) каби ўрнашгин (маскан тут)». Алҳосил: «қора кўзлугим, келгин-да, лутф-шафқат вафо расмини туз (вафоли бўл), мен учун сен кўз қорачиғиде азизсан, жойинг кўзим ичиде».

Демак, Комил инсон, пири Комил Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачиғидай асрашга интилади, уни талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади.

Бундай байтлар классик танқидчиликда шоирлик маҳоратининг биланд намунаси – ҳусни матлаъ (шоҳ байт) деб баҳоланган.

Ғазалнинг иккинчи байти:

*Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.*

Бу байтда сўз ўйини, мажоз йўқ, аммо бир-бирига вобаста бўлган тўртта истиорали бирикмадан фойдаланиб, ўзига хос бир илтижо оҳангини кучайтирувчи зарофатли тасвир ҳосил қилинган. Булар: юзинг гули, кўнгил равзаси (кўнгил боғи), жон гулшани иборалари гул, боғ, ниҳол, гулшан, чаман ўзаро алоқадор тушунча-образлар. Шунинг учун ҳам мазкур байтни тушуниш унча қийинчилик туғдирмайди, воқеан, кўрилган образлар ҳозирги шеърятда кенг ишлатилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, Навоийнинг бу сатрлари ҳам ички рамзий маънодан ҳоли эмас. Қўлланилган иборалар фақат бир маънони ифодалайди, десак хато қиламиз. Мунончи, «Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил», деганда Навоий кўриниб турган зоҳирий маъно билан бирга, араб ёзувининг «усусиятидан фойдаланиб («жон» сўзи арабча ёзилганда алиф ҳарфи ўртада келади), қадинг алифдай жон ичида бўлсин, деган маънони ҳам қистириб кетган. Шу сингари, «кўнгил боғини гулшан қилиш» деганда, хурсандчилик (кўнгилнинг ёр юзини кўриб гулдай очилиши) ва бунинг тескараси – дард-маҳзунлик (ишқ изтиробида кўнгил яраларининг яллиғланиши) маънолари мужассам.

Алҳосил: «Эй ёр, кўнглимнинг боғини юзингнинг гули учун гулшан қил, жонимнинг гулшанини эса қадинг ниҳоли учун чаман қилгин». Ёки: «Менинг кўнглим, қалбим сенинг гул юзинг яшнаб турадиган гулшан бўлсин, қадинг ниҳоли жоним ўртасида алифдай турсин». Ёхуд: «Сенинг гулдай юзингнинг жойи менинг кўнглим, у кўнгил яраларига даво, у қалбим гулларини яшнатади. Ғўзал суратинг, баланд, зебо қоматинг жоним ичида, бу ерни ўзингга макон қил».

Бу байтнинг сўфиёна маъноси эса қуйидагича: боя биринчи байтда кўз Комил инсон тимсоли дедик. Қад эса (шу каби алиф ҳам) Комил инсон ҳайқалидир. Юз, айтганимиздай, илоҳий ғўзаллик мазҳари. Энди «юзинг гули» – мазҳарининг порлаши, яшнаши, кўнгул равзаси (боғи) – ошиқнинг Ёрга интизор қалби. Шундай экан, шоир Комил инсоннинг порлаган нури қалбимга кирсин, яъни Ёр юзининг гулини кўнгил боғига ўтқазиб, гулшанга айлантирай, дейди.

«Гулшан» эса бу ерда Пир ёки Комил инсон сўзи, дийдоридан қалбнинг яшнаб кетишини англатади.

Иккинчи мисрада биринчи мисрадаги маъно кучайтирилган комил инсон ҳайкали ҳам жон ичида бўлсин – маъшуқа образ қалбда нақшлансин.

Учинчи:

*Таковарингга бағир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.*

Таковар – тез юрадиган, йўрға от. Маъшуқ уни миниб сайрон чиққанда ошиқ дарди бадтар ортади, безовталанади. От ва унинг суворийси саркаш, бебок, бепарво. Бу анъанавий тасвир ҳар ҳақиқат кўринишда классик шеърятда тез-тез учраб туради. Бироқ ана шу анъанавий образларни Навоий халқ ичида кенг тарқалган хино кўйиб ясаниш одати билан боғлаб, чиройли, завқли поэтик маънони юзага чиқара олган. Хино кўйиш Шарқ халқлари, жумладан, ушбу халқи орасида қадимий удум. Айниқса, қиз-жувонлар, келинлар шодиёна кунлари қўл-оёқлари, юзларига хино кўйиб ясанганлар, бу шодлик ва хурсандчилик қилиш белгиси ҳисобланган. Хино маъну ўсимлик баргидан олинади. Барг қуритилиб, яхшилаб сувга аралаштирилади ва байрам арафасида кечқурун қўл-оёқларга (кафтга, бармоқларга), сочга боғланади. Эрталаб турганида хинонинг тўқ қизил ранги баданга кўчади ва узоқ сақланиб туради. Навоийнинг лирик қаҳрамони эса ўз маъшуқига мурожаат қилиб ўзига эмас, балки отига ошиқнинг бағир, яъни жигар қонидан хино боғлашни илтижо қилиб сўрайди. Чунки у ёрени шу даржада севадики, унинг ҳар қандай жафосига чидашга тайёр, йук-йук бугина эмас, у ёрга ёлвориб, хоксор ошиқни азоблаш, қийноқлар гирдобига олишни тилайди. Ахир ёр қийноқлари ошиқ учун ҳушёр ҳаловат-да! (Хино гул, гулшан сўзларига ҳамранг бўлиб, сўфиёна тасвир ҳам ўзаро боғланган). Иккинчи мисра иборалари ҳам шундай туташиб кетади: ишқ дарди изтиробидан ингичкалашиб қолган жон ипидан (риштасидан) арқон ясаб (расан-арқон) маъшуқ ити бўйинига боғлашни хоҳлайди. Ошиқ садоқати шундай бўлиши керак. У ёр ити билан суҳбат қуришдан ор қилмаслиги, унга ҳам дил рози – ишқини сўйлаши, уни кучоқлаб ўпиши (Мажнун Лайли итини оғушга олгандай) ва, ҳатто, унга жон фидо қилиши мумкин. Навоий ана шундай садоқат тимсолидан илҳомланиб, ёрига муҳаббатини муболаға авжида изҳор этади. Хуллас, байтнинг умумий маъноси

бундай: «Эй ёр, саркаш, йўрға отингнинг оёқларига менинг жигаримнинг қонидан ҳино боғлаб, ғамингда қийналиб, озурда бўлиб қолган жон ипини итингнинг бўйнига арқон қилиб боғла». Тўртинчи байт:

*Фироқ тоғида топилса туйфроғим, эй чарх,
Хамир этиб ани яна ул тоғда Кўҳкан қилғил.*

Кўриб ўтилган олдинги уч байтда лирик қаҳрамон ўз садоқатини билдириб, илтижо-ёлбориш оҳангида ёрга мурожаат қилган бўлса, тўртинчи байтга келиб у фалакка (чарх-фалак, осмон) қараб нола-фиғон билан муҳаббат кудратидан жўшиб гапиреди. Лекин шуниси борки, мазкур байт мазмунан аввалги байтлардан бутунлай узилган эмас. Зеро, бунда ҳам ишқ ва ошиқлик сулуки, фидойи қалбнинг талпинишлари куйланган. «Уқ сўзлар» бу ерда фироқ тоғи ва кўҳкан бўлиб, булар Фарҳоднинг фожиали тақдирига ишорадир. Фироқ тоғи – энг оғир айрилиқ, улкан дард; айрилиқда Ширин ёдида жон берган Фарҳоднинг маскани. Фарҳод эса илоҳий ишқда садоқат кўрсатиш, ўртаниш, андуҳ ва ҳажр тажассуми. Эсингизда бўлса, Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonида Фарҳод исмига рамзий таъриф берар экан, уни Фироқ, Ранж, Ҳажр, Оҳ ва Дард сўзларининг биринчи ҳарфларидан таркиб топган дейди.

Кўҳкан ҳам Фарҳоднинг лақаби. Бу сўзнинг луғавий маъноси – тоғ кесувчи, тоғ қазувчи демак. Лекин адабиётда Фарҳод лақаби сифатида ёки Фарҳод исми ўрнида истиора-символ бўлиб тирқалган. Чунки тоғ кесиш, не-не машаққатлар билан ариқ қазиб, сув чиқариб (Низомий сут оқизади), Ширин орзуларини ушатган, аммо муродига етмаган ошиқ Фарҳоддир. Ҳосили калом, шоир одамнинг лойдан яралганлиги ҳақидаги афсонага суяниб, дейди (байтнинг мазмуни): «Эй фалак, айрилиқ тоғида (яъни Фарҳод жон берган жойда) менинг жасадимнинг тупроғини агар топсанг (чунки мен ҳам Фарҳод каби ишқ йўлида тупроқман), уни қайта қориб, яна ўша кўҳкан – Фарҳод, яъни фидойи ошиқ, одамни яратгин». Ёки: «Менинг ишқдаги дардим Фарҳод дарди билан баробар, балки ўндан ортиқ ҳам. Агар мен маъшук ишқи йўлида жон берсам, тупроғимни янгидан қориб одам яратсалар, тагин Фарҳод каби ошиқ жисми вужудга келади».

Бу ерда Ҳаққа бўлган ишқнинг азалий ва абадийлиги, Одам отодан қолганлигига ишора бор.

Бешинчи байт:

*Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни бошдин-аёқ чин ила шикан қилғил.*

Шоир яна ёрга мурожаат қилишга қайтади. Аммо аввалгидек ёлбориш-муножот оҳангида эмас, балки унинг ошиқлар кўнглини овловчи жамолини (соч – хусни жамол нишонаси ва тажалли олами) васф этиш орқали муносабат билдиради, ёрга бўлган меҳр бошқача йўсинда изоҳланади. Байтнинг мазмуни чин ва шикан сўзларини изоҳлаш воситасида очилиши мумкин. Чин ва шикан маънодош (синоним) сўзлар, яъни: чин – 1) рост, тўғри (узбекча маъноси); 2) ўрам, букум, ҳалқа-ҳалқа шаклида бўлиш (форса маънолари). Навоий бу ўринда иккинчи маънони назарда тутган. Шикан – печу тоб, қат-қат бўлиш, ўрам-ўрам, занжирсимон шакл олиш; 3) исканжа, азоб. Мисрада шиканнинг ҳар икки маъноси ҳам акс этган. Чунки ёрнинг ҳалқа-ҳалқа бурамали зулфи ошиқ кўнглини илинтирадиган тузоқ, тузоққа тушган қуш азоблангани каби, кўнгли ҳам шундай изтироб-уқубатни бошдан кечиради (сочни тузоққа кўнгилни қушга ўхшатиш байтда зимдан англашилиб турибди). Аммо ошиқ бунга мингдан-миг рози. Ахир ёр зулфининг домига гирифтор бўлмай туриб, унинг висолига муяссар бўлиш мумкин эмас-да! Агар ақл зулфнинг бандида бўлиш бу қадар роза эканлигини билсайди, оқиллар занжиримиз изидан дивона бўлардилар, дейди Ҳофиз. Бедил бўлса «Зулфининг занжиридан минглаб дил кўзғолади», - деб ёзган.

Нега шундай, нега кўнгул ёр зулфи ҳалқаларига илинмай висолга етиши мумкин эмас? Бу саволга, юқорида айтилганлардан ташқари, нега тасаввуф тимсоллари маъносига суяниб қуйидагича жавоб бериши мумкин: тасаввуф бўйича, соч – мавжуд дунё рамзи, юз эса илоҳий манба рамзидир. Яъни: Мутлақ руҳ дунёни яратар экан, унга ўз нурини таратиб (тажалли этиб) ҳаракатга келтирган. Хусну жамол бағишлаган Дунё – касрат, яъни кўпликни англатади, бунда илоҳнинг сифатлари мужассам. Дунё бепоён ва Илоҳ манбасига нисбатан қоронғироқ – зулматли. Сочнинг узунлиги ва қоралиги ҳам дунёнинг бепоёнлиги ва зулматига ишора. Сочнинг ҳалқалари – солиқ руҳи овора, банд бўладиган дунё ташвишлари. Сочнинг учи – инсоннинг ўзи. Бошқача айтсак, инсон тажаллиётнинг охиридир, у асл манбага қайтишни интилади, чунки у Мутлақиятдан ажралган, ҳижронда. Лекин дунё ташвиши, зулматини – ҳалқаларини енгмасдан туриб, Мутлақ руҳ жамолига мушарраф бўлолмайди. Висолга эришолмайди. Навоий байти ана шунга ишора.

Ва умуман, Шарқ поэтикасида маъшуқ юзини гул, гулшан, ғунча, қуёш, ой; қошини камон, ярим ой; кипригини камон ўқи; лабини павл, ғунча, ақиқ; тишларини гавҳар, марварид, садаф; қаддини ниҳол, сарв дарахт, алиф ҳарфи, шамшод; сочини занжир, тузоқ, гун, шом; кўзини жодуга, оху кўзига ўхшатиш расм бўлган. Ҳар бир шоир шу анъанавий ташбеҳ – образлар таносубиятидан янги маъно, янги тасвирлар яратиб, ўз маҳоратини намойиш этган. Шарҳлаётганимиз байтда соч шунчаки тузоққа ўхшатилмаган, балки у бир жозоба манбаи, жамолнинг зуҳур этиш нуқтаси сифатида кўрсатилган. Маҳбубнинг ошиқ олдида ўзига оро беришига даъват бор. Шу тариқа, байтнинг умумий мазмуни: «Агар юзинг висолига кўнгилларнинг етишишини истасанг, сочинг (зулфинг, кокилинг)нинг ҳаммасини ҳалқа-ҳалқа, бурам-бурам қилиб юр». Ёки: «Кўнгилларни асир этиб, васлингга мушарраф қилмоқчи бўлсанг, сочингни занжирга айлантириб, уларни боғла ёхуд тузоқ ҳалқаларидай бурам-бурам қилиб илинтириб ол».

Ва яна: «Илоҳ жамолига, Комил инсон ҳузурига етмоқ учун жами иштироб ва азобларга розиман, эй ишқ-, занжиринг-ла боғла».

Олтинчи байт:

*Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёъ,
Бу боғ томига гар игнадин тикан қилғил.*

Бу – «Қаро кўзим» ғазалининг мураккаб маъноли тағдор байтларидан бири. Шоир ишқу ошиқлик, севги ва садоқат ҳақида ёзиб келиб, орада бирданига дунё ва унинг ишлари, умр, ҳаётнинг ўткинчилиги тўғрисида фалсафий мушоҳадага берилади, бир армон-орзиқиш, афсус-ҳасрат аралаш маҳзунлик кайфияти юзага келди. Ёр жамоли васфи, садоқат изҳорининг хушҳолликларидан кейин буни қандай тушуниш мумкин?

«Ҳазон сипоҳи» – куз лашкари, ҳазонрезги пайт демак. Тикан, игна билан лашкарнинг найзалари ҳам қиёсга олинган: сон-саноқсиз қўшин қўлидаги учли найзалар узоқдан осмонга қаратиб терилган игналардай кўринади. Бироқ гап фақат шу ташбеҳда эмас. Бунинг ўзи билан мазкур байтни шарҳлаб бўлмайди. Бу ўринда Алишер Навоий ўз даврида кенг тарқалган яна бир одат – боғ ва ҳовлиларнинг девори устини тиканакли буталар билан ўраб чиқишни назарда тутиб фикр юритган. Боғ ичидаги меваларни зараркунанда ҳайвонлар ва ўғрилардан қўриқлаш учун шундай қилинарди. Шоир шунга ишора қилиб, дейдики, эй боғбон, сен

боғингнинг деворларинигина эмас, унинг томи устини ҳам бутунини ҳатто игнадан тиканлар ясаб, беркитиб чиқсанг-да, уни ҳазондан сақлаб қололмайсан, барибир куз келади ва дарахтлар барги ҳазон бўлади, яъни байтнинг мазмуни: «Эй боғбон, бу боғ томини игнадан тиканаклар қилиб ёпиб чиқсанг ҳам, куз қўшинининг ҳужуми монеълик қилолмайсан». Чунки инсон фалак айланган замонларнинг ўтиши, табиат қонуниятларига қаршилик қилишга ожиз. Шундай бўлгач, ёр висолига интил, ғанимат дамларини беҳуда ўтказмай умр шодликларидан баҳраманд бўл. Бунда инсон ўткинчи дунёга меҳр қўйиш, олам-олам қўшин йиғиб жаҳонгирлик қилиш, молу мулк йиғишга қарши фикр ҳам мужжасам. Зеро, қандай меҳр қўйма, дунё бақосиз, фақат илоҳиёт абадий, ўшанинг ёдидан яша. Вафоли ёр ҳам шу Аллоҳнинг ўзи. Маълум бўладики, байт оҳангида ҳазинлик сезилса-да, лекин ботиний маъно хулосаси ҳаётсеварликка ҳидоят этади ва шу асосда олдинги байтнинг билвосита боғланади. Навоий ошиқ садоқати, ишқ қудратини қуйлаб, ёрдан вафо тилаб («кўзим гавҳарига жойлашиб олгин») умрнинг ўткинчилиги муқаррарлигини далил келтирган.

Еттинчи байт:

*Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб била юву гул баргидин кафан қилгил.*

Олтинчи байтдаги кайҳоний фалсафий ҳикмат бу ерда йўқ, шунинг учун яна ишқ мавзуга қайтади. Аммо, шунга қарамай, бу байт ҳам олтинчи байтнинг бевосита давоми ва мазмун-маъноларнинг миқёсийлиги, теранлиги билан ундан мураккаброқ. Нега шундай деяпмиз? Зоҳиран қараганда, ҳамма нарса аниқ-равшан: тер, гул, гулоб нима эканини кўпчилик билади. Маҳбуб юзидаги тер гул баргидаги шабнам сингари жозибали ёхуд гулдан олинадиган хушбўй доривор ичимлик – гулобдай ёқимли. «Гулоб – гул суви атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик» («Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати», 1-жилд, 417-бет). Гулобни амбиқ деган махсус асбоб воситасида олганлар, у молихулиё, хафақон касалликларига даво бўлган; таомга ичимликка қўшиб истеъмол қилинган. Беҳуш одамнинг юзига гулоб сепиб хушига келтирганлар. Шоирлар маҳбуб юзига томган кул ёшини ҳам мажозан гулоб дея тасвирлайдилар. Аммо мазкур байтда бу маъно кўзда тутилмаган. Тер форсчада – «хай», арабчада – «арақ». Арақнинг иккинчи маъноси ичимлик эканлиги

маълум, шу ҳам аниқки, у гулобга ўхшаган йўл билан ҳосил қилинган: «Арақ» – , ... дориворларни пиширишда буғдан ҳосил қилинадиган сув» («Ғиёс ул-луғат», 342-бет). Шундай қилиб, арақ ва тер сўзлари маънодош, яъни буғдан пайдо бўладиган тер томчилари йиғилиб, арақ вужудга келади. Шоир тасвирига кўра, ёр юзи бамисоли гул ва ундаги тер томчилари гулдан олинган гулоб. Ажиб дилрабо сурат. Боз устига, ташбеҳланувчи сўзлар яширин равишда, истиора тариқасида келтирилиб, завқли санъат иратилган.

Булар ҳаммаси маъқул, бироқ шарҳимиз кишини қаноатлантирмайди, чунки байтнинг маъноси ҳали равшанлашган эмас. Масалан, нима учун ошиқ ёр юзида терни кўрганда ўлиши керак? Терда яна қандай ҳикмат бўлиши мумкин? Балки унда биз илғамаган бошқа мажозий маънолар бордир?

«Тоҷик тилининг изоҳли луғати»да арақ сўзининг хижолат тортиш, ҳаё, уят (ҳаёдан терга ботиш, уят терларини оқизиш) каби кучма маънолари борлиги айтилади (1-жилд, 80-бет). Бу бизни бирмунча мақсадга яқинлаштиради. Дарҳақиқат, тер инсоннинг руҳий ҳолатларидан бири – уялиш, ҳаё нишонаси, ҳаё эса энг шариф хислатлардан, кишини гўзал ва севимли, мунис, мўътабар қиладиган хислат. Носир Хусрав ёзади:

*Ҳаё асл аст дар зоти инсон,
Ки дорад одамиро одамисон.*

(Ҳаё инсон зотининг асл белгиларидандир, у одамини одамий қиёфасида тутиб туради). Алишер Навоий эса «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳаёни вафо билан ёнма-ён қўйиб, бундай ҳикмат дурларини тизади: «Ҳар кўнгулниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – имони йўқ ва ҳар кимда имон йўқ – андин одамийлик келмак имкони йўқ». Ҳаё сўзи шу тариқа ўзида, яна номус, виждон, карам ва саховат каби ахлоқий фазилат тушунчаларини жамлаган.

Навоийнинг лирик қаҳрамони севган одам ана шундай «аҳли ҳаё – комил инсонлар»дандир. Шундай маъшукнинг жамолига етишганда у жонини фидо қилишга тайёр. Воқеан, ҳаё висол лаҳзасида, ушшоқ аҳли бир-бири билан яқинлашганда яна ҳам кучаяди. Ёр жамолининг тажаллиси, салобат ва ҳаяжон шиддати шундай ҳолга сабаб бўлади. «Ҳаё – бир-бирига яқин одамларнинг

аҳволи жумласидандир ва яқинлик қанча ошса, ҳаё ҳам ортади. На кимдаки ҳануз ҳаё ҳолати юзида акс этмаса, бу аломат унинг яқинлик (муҳаббат) мартабасига эришмаганини кўрсатади», - дейди эронлик адабиётшунос Саййид Жаъфар Саҷжодий ўзининг «Орифлар истилоҳлари луғати» китобида.

Демак, ҳаё – муҳаббат нишониси, ёр жамолини мушоҳада этиш руҳий-маънавий соғинч ва ташналикни қондириш сари интилишдан қалб кўзғолишидан чеҳрадан ёғилган нур ва сафодирким, шоирлар буни тер образида тараннум этганлар. (Шу ўринда ўзбекча «Меърожнома»дан бир мисол келтирмақчимиз. «Меърожнома»да тасвирланишича, Муҳаммад Мустафо Буроқи бодпойга миниб, нур нарвонидан аршга кўтарилар экан, ёр – Худо дийдорига мушарраф бўлиш иштиёқи, муҳаббат зўридан терга фарқ бўлади:

*Ҳар арақким, мисли маржону гуҳар,
Айлади пайдо тани хайрулбашар,
Андин оқ гулни дарахти бош чекиб,
Яшнади бир соат ўтмай очилиб.*

Балки ҳазрат Навоий айнан ана шу терни, ана шу гулни назарда тутгандир? Оқ гул ва дорулбақо кийими – кафан ранги бир хил ку?

Гўзал, навқирон маҳбуб юзидаги тер уни яна ҳам дилқаб дилкаш қилади. Мирзо Бедил: «Аз сафои оразат жон мечакад, тод арақ» (Юзинг сафосидан гоҳ жон томади, гоҳ тер). Тер – сув Раҳмат суви – обиҳаёт:

*Юзунгда хай эмас, оби ҳаёт қатрасидин
Қуёш жамолига сунъ илги тақди зеварлар.*

(Навоий)

(Юзингда тер эмас, балки Тангри қўли оби ҳаёт – тиқининг суви қатраларидан қуёш жамолига таққан марваридлардир)

Улуғ шоир наздида тер покизалик, файз ва жило, таронат ва жамолининг порлашидир. «Ҳар ён юзда тер оқиздингму?» - мисраъ билан бошланадиган ғазалида у терни яна сафо-ёғду, шай атрофидаги юлдузлар, ҳижрон ёшларига қиёслаган бўлса, бошқа бир ғазалида «Юзида тер фитнасидан ўлсам ажаб эрмас», - дейди ёзади ва терни руҳни ғалаёнга солувчи куч сифатида таърифлайди:

Сув – тер софлик рамзи экан, бу Пири Комил Қалбининг мусаф-фолиги ҳам.

Хулласи калом, еттинчи байт мазмунини бундай баён этиш мумкин. «Ёр юзида терни, яъни вафо аломати – инсонга розилик нишонаси ҳамда покиза қалб сафосини кўриб, шу қувонч ҳаяжони ичра жон берсам, эй дўст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув – гулоб билан ювгин-да, ўшал гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин». Бу ошиқнинг айна вақтда армони ва «Қаро кўзим» ғазалида куйланган садоқат ғоясининг чўққиси! Чунки ошиқ ҳар бир байтда ёрга бўлган муҳаббатининг чексизлигини билдириб келди, уни кўз гавҳари ўрнида кўриб, бағир қонидан хино қилишни таклиф этди, юракни, жонни, кўнгилни бир-бир унинг йўлига бағишлади. Шунча илтижолардан кейин агар мабодо ёр лутф этса-ю муродимга етсам, ҳаётимни бус-бутун унга қурбон қилардим, дейди садоқатли ошиқ еттинчи байтда. Мазкур байт мазмунидан Навоийнинг ҳаётсеварлиги, ҳаёт ошиғи эканини ҳам англаш қийин эмас: гул ва гулоб тириклик рамзи, гулоб билан гулга ўраш эса шу маънода кишига абадий ҳаёт бағишлаш демак.

Саккизинчи байт:

*Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоқлик ўқин шамъи анжуман қилғил.*

Анжумани шавқ – шоир ошиқ қалбидаги иштиёқ-истакнинг авж олиши, ёрга етишиш орзуси тараддудини шу ибора билан ифодалаган (иборанинг луғавий маъноси – орзумандлик, кучли рағбат мажлиси, маъракаси). Бундан руҳий ҳаяжон, кўзғолиш, сурур бўронининг бошланиши ҳам англашилади. Жон ичида шундай анжуман тузиш кўнгилнинг нурли орзуларга лиммо-лим бўлишидир. Бошоқлиғ ўқ – ўткир учли, ўткир тиғли камон ўқи. Ўқ учининг бошоққа ўхшашлиги ҳам эътиборга олинган. Шундай кўринишда у чиройли киприк ва ёниб турган шамга шаклан монанддир. Воқеан, «бошоқлиғ ўқ» деанда, Навоий ёр кипригини айтмоқчи. Чунки, киприк – муҳаббат ўқи, қайсиким, тўғри юракка бориб қадалади. Байтнинг мазмуни: «Эй Навоий, агар жон ичида шавқ-ҳаяжонли рағбат мажлисини тузмоқчи бўлсанг, ёр киприги – ўқини шу мажлисининг шамъи қил». Бу ерда иккинчи байтдаги китобат маъноти янги деталлар воситасида қайтарилган, яъни киприк алифбодирфига ҳам ўхшайди, унинг жон орасидаги мажлис шамъи бўлиши

– жон ўртасида алифдай жойланиши демак. Шу зайлда, улуғ шоир бир йўла бешта ашёни бир-бирига ташбехлаб, ҳайратомуз маҳорат кўрсата олган.

Бунда қуйидаги тасаввуфий маъно ҳам бор: киприк-ўқ солиқини ҳол мақомидаги айни шавққа тўлишган пайтида чақин каби порларнинг кўнгилни ёритадиган илоҳий жазба-илҳом, ваҳийлик тимсоли ҳам. «Анжумани шавқ» бу ўринда ҳол мақомига кўтарилишни англатиб келади.

Алҳосил, охирги байтнинг хулосавий маъноси шуки, ошиқнинг бевисолига интилиши чексиз бир орзу, қўл етмас идеалига талпиниш. Зотан, ахлоқий покланиш ва бу покликка муҳаббат муттасил давом этадиган, чин инсон қалбини ёндириб турадиган туйғу. Ёр диидора орзуси юрагингни банд этиб, зўрайса, тўлиб-тошсанг, унинг кипригини шу орзу авжининг чироғига айлантир, кўнгилни унинг муҳаббати шамъи билан ёритиб тур, дейди шоир. Чунки ёр ўки дардига гирифтор юрак ҳамма вақт ёниқ, машъаладор бўлади.

Мана шу якун билан ғазалнинг умумий мазмуни яхлитлик топади, байтлар ўзаро боғланган. Асар бошида кўринган ёрға илтижо, вафога даъват этувчи муножот ва ошиқ садоқатининг изҳори бора-бора табиат, фалак ишлари ҳақидаги ўй-фикрларга уланиб кетиб, ҳаёт боқийлиги, унинг ишқ тимсолидаги эзгу ва сафоли нашидаси, Ёр жамолига чанқоқ Кўнгилнинг дардига талпинишлари куйланади.

Навоийнинг байтлари қатида яшириниб ётган маънолар шу қадар теран, шу қадар кўламлики, у дурлар тўла денгизга ўхшаши. Бу денгизга шўнғиган одам, албатта, янги маъно дурларини қўли киритиб, баҳрамандлик бахтини туйиши муқаррар.

ТАСАВВУФГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Абвоб ابواب, **боб** باب нинг кўплик шакли — эшиклар, бўлаклар, қисмлар. Тасаввуфда валий зотлар, пир ва муршидларга берилган унвон.

Абдол ابدال — ўринбосар. Тасаввуфда валийликнинг маълум даражасига эришган авлиёлар, худога яқинлар, маънавий борлиқларини моддий борлиқлари ўрнига бадал қилган дарвешлар, етти иқлимга раҳномолик қилувчи дунёнинг маънавий посбонлари.

Авлиё اوليا — валийнинг кўплик шакли, қ.: **валий** ولى

Адаб ادب — меъёрланган одоб, ахлоқ. Сўфийнинг ўз тариқатидаги шайхи ва биродарларига нисбатан меъёрланган ахлоқи; тариқатдаги муносабатларни, шунингдек, диний маросимларни ўтказишни тартибга солувчи қоидалар; Аллоҳ розилигига эришиш учун диққат-этибор берилиши лозим ахлоқий мажмуа. Тасаввуф аҳлининг адаби ўзига хос бўлиб, улар *кўнгил адаби*, *кўз адаби*, *қулоқ адаби*, *тил адаби*, *қўл адаби*, *қорин адаби* ва *оёқ адаби*дир.

Азал ازل — бошланиш даври йўқ, энг қадим.

Амал عمل — иш, ҳаракат, фарзларнинг бажарилиши, вазифлар.

Арбаъин اربعين — қирқ, чилла. Сўфийнинг тариқат мақомларини босиб ўтишда узлатга чекиниш ва маънавий покланиш муддати.

Арбоб ارباب — олимлар, ўз ишининг усталари, бамаъни кишилар, муршидлар, пирлар.

Арш عرش — осмоннинг энг юқориси, тўққизинчи осмон, мулк, ҳокимият. Арш барча оламларни қамраб олган. Тасаввуфда арш — комил инсоннинг қалби.

Аркан ارکان — бирламчи асослар, асос солувчилар.

Асо عصا — тариқатга янги кирган аъзога тариқатга тегишлилик рамзи сифатида бериладиган ҳасса.

Асмо اسما — исмлар. ал-асмо ал-хусна الاسما الحسن — Аллоҳнинг энг гўзал исмлари.

Ато اعطا — инъом, эҳсон, илоҳий лутф, ғайб туҳфаси.

Ақида عقيدة — эътиқод, ишонч, ихлос. Тасаввуфда бирор нарсага ишониш, ниманидир тасдиқ этиш ва уни қабул қилиб, унга содиқ қолиш. Ақида ишонч-эътиқоднинг тамал тошидир.

Ақл عقل — ҳуш, эс, фаросат. Тасаввуфда ақл илоҳий нурдир. Ақл кишининг барча ҳаракатларини бошқаради.

Аҳд – аҳд, паймон, қасамёд. Тасаввуфда аҳд ал-ёд, аҳд ал-хирра – алоҳида қўл бериш ёки сўфийлик кийимларини кийиш асносида қилинадиган содиқлик қасамёди, аҳди(байъат)

Аҳл ас-суффа **اهل اسفه** , **асҳоб ас-суффа** اصحاب السفه – суфа аҳли. Пайғамбар Мухаммад (САВ)нинг Мадинадаги масжидларидаги супаларда яшаган фақир саҳобалар. Сўфийлар томонидан улар аҳд ва поклик намунаси қилиб кўрсатилади ҳамда энг биринчи сўфийлар сифатида хурмат-эъзозланади.

Аҳли қабул **اهل قبول** – Алишер Навоий наздида Борлиқ Ҳақиқати но эътироф этувчи, инсоф ва диёнат, сабр ва ризолик, ҳалоллик ва мубор йўлини танлаган имон-эътиқодли инсонлар.

Аҳли рад **اهل رد** – Алишер Навоий наздида Борлиқ Ҳақиқатини тан олишдан бош тортувчи, норизолик ва бадбинлик, хиёнат ва худбинлик, харом ва қаҳр йўлини танлаганлар, имонсиз кишилар.

Аҳли футува, ёки жавонмардлар **اهل فتوة** – IX-XV асрларда истом минтақасида кенг тарқалган ижтимоий-маънавий оқим намояндалари. асосан шаҳар косиб-хунармандларидан иборат бўлиб, пири қомил раҳбарлигида ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолот сари интилишни ҳалол ризқ топиш ҳаракати билан уйғунлиқда олиб борган юксак маънавиятли шахслар жамоаси.

Байъат **بيعت** – қасам ичиш. Тариқатга кирган шогирд(мурид)нинг мураббий(муршид)га боғланиб ва қўл бериб, унга содиқ қолиш ҳамда унинг барча буйруқларини бажариш қасамёди. Байъатнинг асослари Мухаммад Пайғамбар(САВ) ҳаётларидан олинган: Расули Акрам(САВ) муайян ишларни бажаришларидан олдин ўз сафдошларидан содиқлик қасамёдини қабул қилиб борганлар.

Байъат маросими деярли барча тариқатларида бир хил. Тариқатга кириш ва ўз маънавий камолоти йўлини бошлашни истовчи одам устоз олишга мақсадга мувофиқлигини ҳал этади. Агар устоз уни шогирдликка олишга қарор қилса, байъат маросимини шу захотиёқ бошлаш мумкин. Бунинг учун шогирд ғусл(баданни тўлиқ ювиш, чўмилиш) қилади ва устоз олдига келиб, тиззасига чўк тушиб ўтиради. Устози унинг ёнига ўтиради. Кейин улар қўл ушлашади. Устоз шогирдига барча гуноҳларига тавба қилишни таклиф этади. Устознинг сўзларига қўл тутиб, шогирд барча гуноҳларига тавба қилади ва Аллоҳга ҳамда устозига тўлиқ бўйсунушга сўз беради. Сўнгра Аллоҳни ягона илоҳ, Мухаммадни Унинг пайғамбари, Қуръонни ўзининг дастуруламали ишайхни ўзининг устози сифатида қабул қилишини эълон қилади.

Аёл киши байъат қилганида у устозининг қўлини ушламайди, балки байъатни оғзаки сўз билан ёки ёзма равишда амалга оширади.

Байъат қилишда баъзи тариқатларда шогирдга хирқа, бошқала-рида узун қалпоқ(сикка) кийдирадилар. Байъат устоз ва шогирдни руҳан боғлайди ва уни бузиш жуда қаттиқ жазоланади.

Бало بلا – ғам-қайғу, мусибат. Тасаввуфда солиқ бошига тушган синовлар. Бало авлиёнинг либосидир, яъни бало Аллоҳга яқинлашти-ради, балога сабр этиш билан банданинг иймони мустаҳкамланади.

Бандалик بندە لیک – Аллоҳга, фақат Аллоҳга қуллик, бандалик қилиш.

Барака برکه – унум, барака. Тасаввуфда Аллоҳнинг марҳаматини Пайғамбарлар орқали авлиёларга етказилиши. Авлиёлар ўз навбатида баракани авлодларига мерос қилиб қолдирадилар. Тасаввуф тариқатлари тасаввурларида барака биринчи навбатда Муҳаммад Пайғамбар(САВ)нинг тўғридан тўғри авлодлари – саййидлар ва шарифларга етказилган.

Аллоҳ марҳамати етган авлиёлар эса баракани оддий одамларга ҳам ўтказа оладилар. Баракани нафақат тирик валийдан, балки унинг қабридан ҳам олиш мумкин. Шу сабабли тасаввуфда валийлар қабрлари ҳам алоҳида ҳурмат-эъзозланган, қабрлар устига бинолар қурилган ва бу мақбаралар зиёратгоҳларга ҳам айланиб борган. Тасаввуфдаги бу амалиёт ортодоксал мусулмон уламоларининг баҳсу мунозараларига сабаб бўлиб келган.

Баст بسط – кенгайиш. Тасаввуфда инсон руҳининг марҳамат умидидан кенгайиши ҳолати. Бу ҳолат ражодан кейин келади.

Басмала بسملة – Қуръондаги бир сурадан бошқа барча суралари бошланиш жумласининг қисқа шакли. Унинг тўлиқ шакли: бисмиллааҳи-р-роҳмани-р-роҳим – «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)»; зикрнинг бошланғич жумласи

Басират بصيرت – «ички кўз» билан кўриш. Бу термин Қуръонда икки марта келади (юсуф сураси 108-оят, қиёмаи сураси 7-оят). Покланган на сайқалланган қалбнинг сифат ва қобилияти.

Бақо بقاء – боқийлик. Тасаввуфда Аллоҳ вужудига сингиш. Бақони юзага чиқарувчи ва ундан олдинги даража фанодир. Фано ўз «Мен»ини йўқ қилиш, инсоний сифатларнинг йўқолиши маъносида тушунилади. Бақо ўзида барча яхши сифатларни мужассам этиш. Бақога зуҳд, руҳий машгулотлар ва камолотга бетиним интилиш орқали эришиш мумкин.

Ботин باطن – ички, ичкари. Тасаввуфда инсон руҳининг ички томони.

Ботиний باطنی – ички. Тасаввуфда махфий, яширин илм.

Бидъат بدعت – қабул қилиш тавсия қилинмайдиган янгилик.

Важд وجد – ҳаяжон, тўлқинланнш, ишқ ва муҳаббат, экстаз. Сўфийларнинг зикр ва самоъ пайтидаги завқ ва шавққа тўлиб-тошган на вужудидан хориж бўлган ҳолати. Аллоҳ сирларидан воқиф бўлиш. Важд ҳолининг энг мукаммал шакли Ҳаққа етишиш ва солиқнинг башарий сифатлардан фоний бўлиб, Ҳақ вужудига бирлашувидир. Бу

ҳолатда инсон реал борлиқни ҳис қилиш туйғусини йўқотади ва ўз ўзини назорат қилмай қўяди.

Вазифа *وظیفه* – вазифа, топшириқ. Тасаввуфда тариқатдаги лавозим; тариқатнинг мажбурий ибодати; шайх муридга белгиланган берадиган ҳар қанлик вазифалар.

Вакил *وكيل* – намоянда, сақловчи. Тасаввуфда мадраса, масжид, хонақоҳдаги молиявий ва маъмурий ишларни бошқарувчи мансабдор шахс.

Валий *ولى* – тасаввуфда камолотга етишган, «махфий»нинг сир асорларини очган ва Аллоҳ тажаллийсини кўра оладиган суфий Аллоҳ зоти ва сифатини мукаммал биладиган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳлардан ўзини сақлаган, дуолари мустажоб, солиҳ, ориф, илоҳий марҳаматга эришган Аллоҳнинг севимли бандалари Валийларни *аҳли кўнғил, аҳли дил, аҳли дард, аҳли ҳикмат, мажлусишқ эли, ошиқлар, валиуллоҳ, хос куллар, эранлар, азизлар, худонини халқи, марди худо, аҳлуллоҳ, дарвишлар* каби маънодош сўз ва иборалар билан ҳам номлаганлар.

Валоят *ولاية* – валийлик, илоҳий паноҳ остида бўлиш; валийнинг ҳолати ва тушунчаси; Аллоҳ томонидан оддий инсонларга руҳий йўл билан тушириладиган муқаддаслик.

Вараъ *ورع* – ҳушёрлик, қўрқув, парҳезкорлик, ҳалол ва ҳаромни ажрата олиш, ман қилинган ишлардан чекиниш. Тасаввуфда Ирфон Йўлида тўхташ жойларидан бири (мақом). Ҳаромдан қайтишни буюрилгани бажаришдан устун қўйиш (айни пайтда унисини ҳам бунисини ҳам бажариш зарур). Вараъ барокотидан инсон фариштадан устунроқ бўлишга эриша олади.

Васл *وصل* – қўшилиш, қовушиш. Тасаввуфда қалбга Аллоҳ нурини кириши, унга етишиш, эришиш, восил бўлиш. Фано мақомидан кейинги мартаба. Бунда валий Аллоҳдан ўзга барча мавжудотлардан руҳан ажралиб, Аллоҳ васлига етган бўлади.

Васият *وصيت* – Тасаввуфда шайхнинг ўз вориси ёки шогирдини васият кўринишидаги тавсиялари.

Васила *وصيلة* – боғланиш, қовушиш воситаси. Тасаввуфда Аллоҳга яқинлашиш воситаси. Василадозим, зеро Аллоҳ ўз ҳидоятини пайғамбарлар ва авлиёлар воситасида юборади. Тавассул – Аллоҳга яқинлашиш мақсадида воситачиликка муурожаат диний қонунчилик билан муқаддаслаштирилган амалдир.

Васл *وصل* – боғланиш, бирикиш. Тасаввуфда Тангри Таоло ва Ҳақнинг вужуди тажаллийси нурларини кузатиш туфайли ўзинини «Мен»ини ва Аллоҳдан бошқа барчани ёддан чиқариш.

Вақт *وقت* – замон, вақт. Тасаввуфда мозий билан истиқбол орасидаги маънавий ҳолат.

Ваҳдат وحدت – яккалик, бирлик. Тасаввуфда Аллоҳнинг яккаю ягоналиги, азалийлиги ва боқийлиги ҳақидаги ақида.

Ваҳдоният وحدانيت – Аллоҳнинг ягоналиги, бирлиги.

Ваҳий وحى – пайғамбарга мўлжалланган илоҳий кашфиёт.

Ваҳм وهم – орзу-истакларда тасаввур қилиш.

Вирд ورد – Тасаввуфда Оллоҳ номини зикр этиш, тариқат ибодати, шунингдек, тариқатнинг йўли. Вирд яна вазифа маъносида ҳам ишлатилган, яъни, шайх ва муридларнинг кундалик ўқиб юриш-лари учун зарур бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, салавотлар.

Ҳар бир тариқатнинг ўзига хос қондаси ва вирдлари бўлиб, махсус шартларга амал қилинадн. Масалан, нақшбандийлик тариқатида ҳар бир таҳоратдан сўнг икки ракаат «шукру вузуъ» намози, кун тиккага кўтарилмаслан туриб икки ёки тўрт ракаат «кишроқ» намози, Шом намозидан сўнг икки ракаатдан ўн икки ракаатгача «аввобин» намозини ўқиш каби вирдлар бор.

Восита واسطه – воситачилик вазифасидаги муршид.

Воқиф واقف – замон ва макон чегараларини босиб ўтиб, излаганига етишгани учун қидиришни тўхтатган шахс.

Вужуд وجود – борлик, бўлишлик, мавжудлик. Барча нарсада мавжуд бўлган олий вужуд – Аллоҳ; важд ҳолатидан ташқарида турувчи ҳолат. Сезгирлик.

Гавҳар گوهر – жавҳар, инжу. Тасаввуфда асл жавҳар Аллоҳ таолодир. Шунингдек, гавҳар илоҳий маърифат тушунчасини ҳам англатади.

Гумроҳ گمراه – йўлини йўқотган, йўлдан адашган, гуноҳкор, йўлдан озган.

Густоҳлик گوستاه ليک – адабсизлик, андишасизлик, ибосизлик.

Дайр دایر – насронийлар ибодатхонаси. Тасаввуфда дунё.

Дайри фано دایر فنا – сўфийнинг фоний бўлиб, ўзлигидан кетган ҳолати.

Дарвеш درویش – нафсининг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунё лаззатларига қўл силтаб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи ва сўфиёна ғояларнинг дайди тарғиботчиси. Дарвеш хуррият мақомидаги энг юқори ҳол эгасидир. Навоий наздида маънавий камолотга эришган шахс, ҳақиқий зиёли тимсоли, «ичи таши билан мувофиқ, балки ариғроқ (покроқ), ботини зоҳир била мусовий (тенг мувозанатда), балки ёруғроқ» деб таърифлайди уларни шоир. Бу тоифа аҳли элга фақат маърифат, илм нурини тарқатиш билан кифояланмайди, улар инсонлар дилига поклик, меҳр-оқибат, эзуликка интиқлик, ўз-ўзини англаш туйғуларини сингдиради.

Даъво دعا – бирор нарсани талаб қилиш, манманлик. Тасаввуф-да нафсининг ўзига мансуб бўлмаган нарсани ўзига нисбат бериши.

Доира دایره – жамоа бўлиб зикр тушишда ташкил этиладиган айланма тўплам.

Дорулфано دار الفنا – тасаввуф адабиётида абадий (у) дунё (дорул) бақо)га қарама-қарши қўйилувчи ўткинчи (бу) дунё. Бу термин фороний ирфоний шеъриятда кўп учрайди.

Дунё دنیا – олам, жаҳон, борлиқ. Тасаввуфда Аллоҳни ёдда тутишнинг монелик қиладиган барча нарсалар.

Дуо دعا – Аллоҳга қаратилган илтимос, истак, ибодат.

Жабр جبر – зулм, адолатсизлик, азоб, қийинчилик. Тасаввуфда маъшуканинг ошиққа зулми.

Жавонмард جوانمرد – умрини дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, борини ўзгача билан баҳам кўриш, муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботиндан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатига бўлиш ва улар меҳрини қозониш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган киши.

Жавҳар جوهر – моҳият, мазмун.

Жазба جزیه – тортилиш, интилиш. Тасаввуфда банданинг Аллоҳга ўта кучли муҳаббат билан интилиши. Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишини ўзига тартади, яъни жазбага тушиш инсонга, унинг тоат-ибодати даражасига боғлиқ эмас. Аллоҳ хоҳласа, У ўзи ва севиқли бандаси орасидаги пардани кўтаради ва бандасини маънавий-руҳий камолотнинг энг олиёвч қўққисига олиб чиқади. Аллоҳнинг ўзига нисбатан муҳаббати ва интилишини ҳис қилган банда ўзининг «мен»инини йўқотади ва самимий сархуш қилувчи муҳаббат ва важд воситасида Унга интилади. Сўфийлар жазбанинг борлигига далолат қилиб Қуръон оятини келтирадilar: «Аллоҳ унга(динга) ўзи хоҳлаган кишиларни танлар ва Унга инobat қиладиганларни ҳидоят қилур»(Шўро сурасининг 10 оятидан)

Жам جمع – фикру-хаёл ягона вужуд ва борлиқ Аллоҳ эканлиги билан тўлиқ банд бўлган ҳолат. Бу ҳолат диққатни фақат Аллоҳга жамлаш. Унгагина ибодат қилиш ва теварак атрофда Ундан бошқани кўрмасликка имконият яратади.

Жамоат جماعت – жамоа, диний-мазҳабий гуруҳ.

Жамол جمال – Аллоҳнинг лутф-эҳсони билан қилган тажаллийси.

Жаҳд جهد – инкор этиш, тониш, рад этиш, билиб туриб инкор этиш.

Жаҳр جهر – овоз чиқариб зикр қилиш.

Жиҳод جهاد – дин йўлида уруш, жанг қилиш. Тасаввуфда жиҳод нафсга қарши курашни англатади. Энг катта жиҳод – нафсга қарши жиҳоддир.

Жилва جلوه – ошкор бўлиш, маълум бўлиш. Хилват терминининг антоними. Аллоҳнинг қули хилватда ўтириш орқали узлатга чекиниши

ва қалби ва руҳини дунёвий ҳою ҳаваслар чиркидан тозалаш муддати тугагач, ўзининг энг яхши сифатлари ва хислатлари билан халққа чиқади. Хилват ва жилва терминлари Ибн ал-Арабийдан сўнг бирга айтила бошлаган. Тасаввуф классиклари фикрига кўра, бу тушунчалар бевосита Хиро ғоридаги муайян муддатли хилватдан сўнг халқ орасига чиқиб(жилва) фаол равишдан динга даъват қила бошлаган Муҳаммад Пайғамбар(САВ) га тегишли бўлган.

Нақшбандийлик тариқатида жилвани хилват дар анжуман, деб номлайдилар.

Жон جان – биологик мавжудотлар (ҳайвонлар ва инсонлар) учун хос бўлган тириклик ва эркин ҳаракатга қобилликни англаувчи тимсол-тушунча.

Завқ ذوق – ҳузур, лаззат. «татиб кўриб», ирфонни англашнинг бошланишидаги нур.

Закот زكات – ўсиш, покланиш. Шариатда нисобга етган бойликдан бериладиган қисм. Тасаввуфда таркидунё қилган сўфийнинг кўлига тушган маблағини Аллоҳ йўлида сарфлаши.

Залолат زلالت – гумроҳлик, жоҳиллик, бесаводлик, ҳақиқат йўлидан адашиш.

Зикр ذكر – Ўзидан Илоҳий ҳузурни ҳис этиш ҳолатига эришиш мақсадида амалга ошириладиган маънавий-руҳий машғулот. Бу ҳолатга дил, фикр, туйғуни Аллоҳга йўналтириб, Унинг исмларини такрор ва такрор зикр қилиш орқали У билан илоҳий ришта боғлаш, Унинг чексиз қудрат ва гўзаллигини идрок этиш воситасида эришилади. Зикр орифнинг таоми.

Турли тариқатларда зикр турлича амалга оширилади: Зикри жаҳрий(овоз чиқариб зикр айтиш) – бу анъана Али ибн Абу Толибга бориб тақалади ёки Зикри хафий(овозсиз зикр) – бу анъана эса Абу Бакр ас-Сиддикдан бошланган. Зикр ёлғиз ёки жамоа бўлиб айтилади.

Зиёрат زيارت – авлиёлар қабрларини зиёрат қилиш учун сафарга чиқиш. Зиёрат сафари устига бинолар қурилган қабрлар ва улар атрофида муайян маросимлар ўтказилишини назарда тутати. Бу расм-русумлар Ислоннинг анча кейинги тарихий даврларига бориб тақалади, шунинг учун ортодоксал Ислон софлиги тарафдорлари томонидан рад этилиб келади. Зиёратни улар янги киритилган нарса(бидъат) деб эълон қилишган.

Зулм – жабр-ситама, шафқатсизлик, зўравонлик, эзиш. Тасаввуфда Аллоҳнинг сўфий –иродасини синаш учун юборган балолари, қийинчиликлари, дардлари.

Зокир ذاكِر – зикр тушишда иштирок этиб, уни тўғри ташкил этилишини назорат қилувчи.

Зоҳид زاهد – дунё ишларидан юз ўгириб, тоат-ибодатга, зуҳдга кирган, таркидунё қилган шахс.

Зоҳир ظاهر – ташқи, кўринадиган, очиқ-ошкора, юзадаги дунё.

Зоҳирий ظاهرى – ҳаммага маълум билимларни эгаллаган киши.

Зухд زهد – қалбда Аллоҳдан бошқасини унутиш, дунё ҳаёти, лаззатларига лоқайд ва беларво муносабатда бўлиш, таркидунё қилиш, парҳез қилиш, Аллоҳга маъқул нарсаларнигина севиш, Аллоҳ таъқиқлаган нарсалардан умуман воз кечиш ва ўз вақтининг ҳаммасини ибодатда ўтказиш.

Иймон-эътиқодли киши учун шарт бўлган зуҳд – бу гуноҳлар кабиралар қилишдан, шубҳали нарсалардан ва умуман, Аллоҳдан самимий ибодат қилишга халақит берадиган барча нарсалардан воз кечишдир. Зухдга кирган мусулмонларни зоҳид дейдилар.

Ижозат اجازت – рухсат ёки гувоҳлик. Ижозати ирода – тариқатга қабул қилинганликка гувоҳлик; ижоза ат-табаррук – кўрсатувчининг тариқат асосчиси билан боғлиқлигини тасдиқловчи ёзма гувоҳлик.

Идрок ادراك – тушуниш, англаш.

Ийқон ايقان – ошкор ва инкор қилиб бўлмас билим, соғлом (фин) соҳиби. Тасаввуфда ийқон «йўловчи»(солик)ни тўлиқ қаноатлантирадиган билимдир. Бу билим эса тажрибага таянган ҳолда, далил, исботлар орқали эгалланган ҳам бўлиши мумкин.

Илми ладуний (ладуний билим) علم لدنى – иродасини тўлиқ Борлик ҳақиқатига бўйсундирган алоҳида инсонлар мушарраф бўладиган Аллоҳ инояти билан эришиладиган билим (Имом Ғаззолий ушунга «мукошафа илми» яъни кашф этиладиган илм деб атайди). Бу илмга ноил бўлганлар валийлик мақомига эришган кароматли зотлар ҳисобланади.

Илоҳий файз فيض الالهى – (1) Қуръони каримнинг «Нур» сураси 35-оятида ишора этилган Аллоҳ «нури», (2) Аллоҳнинг алоҳида иноятига ноил бўлган хос инсонларга насиб қиладиган маънавий қувват, (3) илми ладуний (мукошафа илми) баъзан шунга тенглаш-тирилади.

Илҳом الهام – Аллоҳдан етган илҳом, билим. Илҳомга яширин моҳиятлар оламига дуч келганда ёки аллоҳнинг ўзи иноят этганида эришилади. Илҳом манбаи Аллоҳ ёки Унинг фариштасидир.

Инобат عنابت – муриднинг муршидга қўл бериши, унинг ҳузуриде гуноҳларга тавба қилиши, унга таслим бўлиши, Аллоҳ томон юз бериши, ҳидоятга эришиши.

Иноят عنابت – лутф, эҳсон, илтифот, ёрдам, эзгулик. Тасаввуфда Аллоҳнинг бандасига илтифоти, марҳамати, ҳадяси.

Инсон انسان – одам, инсон. Тасаввуфда Аллоҳнинг ердаги халифаси

Инсонни Комил **انسان كامل** – «комил инсон». Сўфийлар наздида пайғамбарлар ва сўфий авлиёлар табақаланишида энг юқори габақадан жой олувчи кутб ва ғавслар комил инсонлардир.

Истиғфор **استغفار** – кечиришни сўраб, илтимос сўзларини айтиш.

Итминон **اطمينان** – қийинчилик ва сиқилишлардан сўнг хотиржамликка эришиш. Бу сўз Қуръонда бирор-нарсга ишонч ва боғланиш ҳамда шунинг натижасида хотиржамликка эришиш маъносида учрайди (Раъд сураси, 28-оят, Фажр сураси, 27-оят). Яъни руҳ ҳою ҳаваслар сиқувидан ўзини кутқариб хотиржамликка эришади. Итминон гуноҳли ҳою ҳаваслардан қутилиш ва Аллоҳга интилиш. Интилувчи бу йўлда ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайди.

Ирода **اراده** – ирода, хоҳиш, муридлик. Тасаввуфда сўфий қалбидаги илоҳий муҳаббат ўтидан пайдо бўлувчи азм, мақсал, хоҳиш. Сўфий ўз хоҳишидан Аллоҳ хоҳишини устун қўйиб, унинг амрини бажариб, гақдирига рози бўлади.

Ирфон **عرفان** – Аллоҳнинг моҳияти ҳақидаги, кашф ва илҳом орқали эришиладиган завқий билим. Ирфон бутун илмларнинг ақл-асоси, мағзи, барча гўзал хислатларнинг бошланғичи, дунё ва охират калитидир.

Ирфоний билим **علم عرفاتی** – тасаввуфда орифлик даражасига эришган суфийларга илоҳий илҳом орқали бериладиган билим, илми ладуний. Инсонлар тилида бошдан-оёқ фақат рамз ва ишоралар орқали ифодаланади.

Исм **اسم** – исм, ном. Тасаввуфда сифатнинг зоҳири, ташқи кўриниши. Аллоҳнинг исмларида барча сифатлари мужассамдир.

Истиқомат **استقامت** – турғунлик, барқарорлик, тўғрилиқ, тўғри ҳаракат қилиш, рост йўлга етишиш, давомийлик.

Истилоҳ **اصطلاح** – атама, термин, муайян соҳага тегишли бўлган ва шартли маънода қабул қилинган сўз ва иборалар.

Ихлос **اخلاص** – Аллоҳга чин юракдан ишониш.

Ишон (Эшон) **ايشان** – «улар». Марказий Осийёда «устоз», «раҳнамо» маъносини берувчи термин.

Ишқ **عشق** – сўфийни ирфон йўлида етакловчи Аллоҳга чек-чегарасиз муҳаббат.

Ишқи ҳақиқий **عشق حقیقی** – тасаввуф ирфонида Ҳақ ишқи, Борлиқ ҳақиқатига фидоийлик, «ишқи илоҳий».

Ишқи мажозий **عشق مجازی** – тасаввуф аҳли наздида бу дунё, ўткинчи олам мавжудотларига қаратилган муҳаббат. Суфийлар бундай ишқни арзимас ҳисоблаб, «ишқи ҳақиқий»га интилишни маъқул кўрсалар, «Мажоз тариқи» вакиллари Пайғамбаримиз(сав)-нинг «Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа» (Мажоз ҳақиқатнинг кўприги-дир) ҳадисидан келиб

чиқиб, «ишқи мажозий»ни «ишқи ҳақиқий»га элтувчи йўл сифатида улуғлайдилар.

Сиддиқлар ишқи عشق صدقان – Алишер Навоийнинг таърифига кўра моддий олам орзу-ҳавасларини буткул тарк этган тасаввуф аҳлига ҳасб бўлиб, улар «Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолини унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (Олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул фарқ этган ва улар фарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар»... «Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса, улар беҳабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган иш ҳужумлари остида йўқолиб битган...» Адибнинг бундай муболағани таърифларида унинг «сиддиқлар», яъни таркидунёчи тасаввуф аҳли қарашларига муносабати аниқ акс этган бўлиб, бу даража фидоий эътиқодга эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, «халқ ғамидин ғами» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.

Каромат كرامت – раҳмдиллик, мўъжиза кўрсата олиш қобилияти, авлиёнинг Илоҳий ижозат билан кашфу каромат, мўъжиза кўрсатиши.

Кафан كفن – кафан. Тасаввуфда таркидунёчилик рамзи сифатида қўлланади.

Кашф كشف – беркитилган, тушунилмаган нарсалар устидан парданинг олиниши жараёни, парда остидаги нарсаларнинг қалбда зуҳурланиши, очилишидир. Кашф махфийликнинг ошкор бўлиши, сирларининг очилишидир. Кашф ғис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи билан кўришдир.

Кашф ботиний категория бўлиб, махфий, сирли нарсалар ҳақида билим касб этишга олиб келади. Натижада махфий нарса ошкор бўлади.

Кўлоҳ كلاه – қўй терисидан тикилган ва дарвишлар кийиб юрган учи қиррали бош кийим.

Лутф لطف – Аллоҳнинг меҳрибонлиги, юмшоққўнгиллиги, раҳмлилиги.

Мажоз مجاز – сўзни кўчма маънода ишлатиш.

Мажлис مجلس – йиғилиш; ўқиш, суҳбат; тўпла мажлис аз-зикр – Аллоҳни ёд этиш учун йиғилиш; авлиёлар билан суҳбат чоғида улар айтганларининг ёзиб олинган тўплами.

Малакут ملكوت – фаришталар табиати. Унга етишиш учун покланиш йўлидан, яъни тариқат йўлидан юриб бориш зарур.

Маломат ملامت – нафсни маломат қилиш, таъна. Кибру ҳавога берилмаслик учун ўз нафсини маломат қилиб бориш.

Манзил – икки жой орасидаги масофа, тураржой. Тасаввуфда тариқат манзили, камолотга эришишнинг йўллари.

Маоний معاني معانى маънонинг кўплиги – ирфоний ботиний моҳият; маънавий – махфий моҳиятга тегишли, руҳий.

Машойих مشايخ – шайхнинг кўплик шакли. Қ.: шайх.

Машраб مشرب – табиат, хулқ, одат, равиш. Тасаввуфда илоҳий ишқ шаробини ичган одам. Аллоҳ Таолога олиб борувчи йўл.

Маънавият معنويت – инсоннинг ички олами, ботиний тафаккур. Инсоннинг тил, дил ва амал бирлигини уйғунлаштириш.

Маърифат معرفت - ўзини билмоқ, англамоқ. Маърифат сўфийнинг оламнинг бирлиги Аллоҳда мужассам бўлиши, яъни олам Аллоҳ-нинг тажаллийси эканлигини қалб билан англашидир. Маърифат ботин илми, яъни тоат-ибодат, зикр, риёзат. мужоҳада, тафаккур, тақво натижасида Аллоҳ бандасига эҳсон қиладиган илмдир.

Маърифат – тажриба ва субъектив ҳиссиётларнинг узоқ муддат-ли амалиётдан ўтиши натижасида иррационал йўл билан эгалланадиган ақлу онгдан ташқарида турувчи(ботиний) билим. Маърифатнинг манбалари руҳ, илҳом, қалб даъвати ва ҳ.к. каби иррационал категориялардир. Илмдан фарқли равишда маърифатга муаммоларни объектив тадқиқ қилиш, рационал ёндашув орқали етишиб бўлмайди.

Маърифат(уллоҳ) معرفت الله – тасаввуфда тариқатдан кейинги учинчи босқич бўлиб, «Аллоҳ(Ҳақ)ни таниш» маъносини билдиради ва «**фано фи-л-лоҳ**» мақомидан «**бақо би-л-лоҳ**» мақомигача бўлган маънавий такомил даражасини англатади Юқоридаги мажозий ўхшатишни давом эттирсак, «**маърифатуллоҳ**» босқичини хумдонга қиёс этиш ўринли бўлиб, бу «хумдон»нинг олови эса «**ишқи илоҳий**»дир. Ана шу муқаддас ишқ олови бутун борлигини чулғаб олиб, инсон руҳиятидаги нафс йўлига мойиллик ва худбинлик «чирки»ни буткул куйдириб ташлаган бўлса, суфий «**ҳақиқат**» босқичига кўтарилиб, **орифлик** мақомига эришади. Тасаввуфда фақат **орифлик** мақомига эришган суфийгина пири муршид хирқасига ноил бўлиши мумкин.

Мақбул مقبول – розилик олган, тариқатга қабул қилинган мурид.

Мақом مقام – сўфийнинг маънавий-руҳий камолотга бетиним интилиши натижасида етишадиган маънавий мавқеи ёки даражаси. Ўрин, тўхтам, манзил, мартаба, босқич маъналарига ҳам эга. Ҳар бир мақомга риёзат ва мужоҳада орқали эришилади. Тасаввуфда асосан етти мақом мавжуд: **тавба**, **вараъ**(Аллоҳдан кўрқиш), **зуҳд**(таркидунё-

чилиқ), фақр(ихтиёрий фақирлик), сабр, ризо(қаноат), таваккут (Аллоҳга суяниш).

Маҳбуб محبوب – «Маъшуқа» – «Ошиқ», яъни сўфийнинг ҳи-
туйғулари йўналган Аллоҳнинг мажозий номи

Маҳв محو ва **Исбот** اثبات – йўқолиш, йўқ бўлиш ва мавжуд бўлиш, бор-
бўлиш. Тасаввуфда ўз «йўловчи»(солик)нинг Аллоҳга самимий ибодат
қилиш орқали ўз қусуру шаҳватларини йўқ қилиши, маҳв этиши ва улар
ўрнига янгиланган мавжудликка, борликка эришиш.

Мозор مزار – авлиёнинг қабри ёки зиёратгоҳ.

Мосуво مساوى – Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсалар.

Мужоҳада مجاهدہ – нафс севмайдиган амалларни бажаришга
қаратилган сай-ҳаракатлар.

Муножот مناجات – ялиниш, ёлвориш. Тасаввуфда Аллоҳга илтижо
қилиш, сиғиниш, сирли суҳбат.

Мурид مرید – ирода соҳиби. Ўз иродасини Оллоҳ иродасини
шунингдек, мураббийи(шайхи) иродасига бўйсиндирган ўқувчи. Батта
мутасаввуфлар хатто, муридда умуман ирода йўқ, балки унда фақат
ягона мақсад – Оллоҳга хизмат қилишга интилиш бўлади, деб
ҳисоблайдилар.

Муриднинг ўз иродасини Оллоҳга бўйсиндириши муршид(шайх)
раҳбарлигга амалга ошади. Шайхга бўйсинишдан сўнг мурид или
маънавий камолот йўлини босиб ўтади ва соликка(йўловчига)
айланади. Соликнинг кейинги йўлини ақлу онг орқали англаб бўлмайдиган
ва у тафаккурдан ташқари(ботиний) категория ҳисобланади. Тасав-
вуфда муршид раҳбарлигисиз соликнинг маънавий камолот йўлини
босиб ўтиши мумкин эмас.

Муршид مرشيد – йўл кўрсатувчи, пир, шайх, устоз. Тасаввуфда
соликни Ҳаққа йўналтирувчи раҳнамо, тариқат пири.

Муташобих متشابه – ишора, гумонли

Мутлақ مطلق – ҳеч нарса билан чекланмаган

Мушоҳада مشاهدہ – кўриш, тамоша қилиш, мушоҳада, кузатиш. Қалп
пардасининг кўтарилиб, басират кўзининг очилиши, парда остидаги
нарсаларнинг қалбда зуҳур этиши.

Муҳаббат محبت – Аллоҳ ва Унинг яратгани орасидаги ўзаро севги.

Муҳосаба محاسبہ – Аллоҳ томон ҳаракат қилишга халақит берувчи
ҳою ҳаваслардан сақланиш мақсадида амалга ошириладиган ўз-ўзини
назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисоб бериш.

Нафас – тирикликни таъминловчи нафас, ҳаво. Тасаввуфда
муршид-дан етадиган файз, лутф. Нафас сирр соҳибларига хосдир.

Насаб نصاب – насл-насаб, келиб чиқиш.

Нафий نفى ва **Исбот** اثبات – «рад этиш ва тасдиқлаш» формуласи – шаҳодатнинг биринчи қисми: ла илаҳа иллаллоҳ («Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ»)

Нафс نفس – миллий маънавиятимиз аънаналарига биноан инсон руҳиятида моддий олам неъматларига мойилликни ифодаловчи тимсол-тушунча. Тасаввуф тариқатларида нафс тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилган ва унинг турли даражалари белгиланган.

Нафси аммора نفس اماره – инсонни тамомила ўз жиловига олган, ҳарқандай оғир гуноҳларга бошловчи тарбияга бўйсунмаган, ўжар нафс. Қуръони каримнинг «Юсуф» сурасида эсланади.

Нафси лаввома نفس لوامة – гуноҳ ишларга йўл қўйганда виждони қийнала бошлаган, ўз хатоларидан афсусланиш ҳисси пайдо бўлган инсон нафсининг ҳолати. Қуръони каримнинг «Қиёмат» сурасида эсланади.

Нафси мутмаъинна نفس مطمئنة – Сокин мувозанатга эришган, хотиржам, гуноҳлардан тийилган нафс. Қуръони каримнинг «ал-Фажр» сурасида эсланади.

Нафси мулҳама نفس ملهمة – илҳомланган нафс, нафс тарбиясининг бу даражасига эришган инсонлар ўзгаларга беминнат ёрдам кўрсатишга мойил бўладилар, савоб учун вақтини, молини, меҳнатини аямайдилар.

Нафси марзия نفس مرضية – рози бўлган нафс, Аллоҳ тақдир этган яхши-ёмон ишларга сабр қилувчи, турмуш оғирликларига бардошли, одамларнинг ноўрин муносабатларидан хафа бўлиб, гина қилмайдиган инсонлар нафси.

Нафси софия نفس صافية – дунё орзу-ҳавасларидан, обрў-эътиборга интилиш тамойилларидан буткул фориғлик даражасига эришган нафс, орифлик мақомига етишган пири муршидлар, валийлар нафси.

Нафси комила نفس كاملة – пайғамбарлар нафси, оддий кишилар нафс тарбияси билан бу даражага етиши қийин, аммо комил нафс эгаси бўлишга интилиш маънавият нишонасидир¹⁹⁸.

Нақиб نقيب – шайхнинг хонақоҳ(зовия)даги ёрдамчиси. Маънавий камолот йўлида салмоқли муваффақиятларга эришган энг тажрибали дарвишларгина нақиблар бўлганлар. Нақиблар кишилар феъли, руҳиятини яхши фаҳмлайдиган закий инсонлар бўлиб, ўзида ўн хислатни жамлаган: олим (шариат ва тариқат илмини мукаммал билган), омил (илмига амал қилувчи), кўп сафар қилиб, кўпни кўрган, раҳбарлик ва раҳнамолик қилишга қобилиятли, насихатлари ёқимли, яхшилик ва эзгулик соҳиби, саҳий, гўзал хулқли, тўғри сўзли, сир

¹⁹⁸ Нафс даражалари ҳақидаги маълумотлар И.Останақулов мақолаларидан олинди.

сақлайдиган. Нақиблар Ҳақ йўлига кирган-ларнинг йўлбошчиси бўлган «аҳли нуқабо», уч юз улуғ валийдир.

Ниҳоя نهایه – охириги босқичга етиш.

Ният نیت – ният. Амалнинг хайрли амалга айланиши учун асос. Яхши амал қилишга ният, хатто унинг бажарилишига бирор нарса халақит берса ҳам хайрлилик сифатини йўқотмайди.

Ноиб نایب – тариқат пирининг ўринбосари, унинг минтақалардаги вакили.

Ноқис ناقص – нуқсонли киши.

Нур نور – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. Тасаввуфда валийдаги яширин имкониятларнинг ғайб илми орқали юзага чиқиши.

Нуқсон نقصان – камчилик.

Оби ҳаёт آب حیات – абадий ҳаёт бахш этгувчи чашма. Ҳазрати Ҳизр ва Илёслар ана шу чашмадан сув ичганлар. Тасаввуфда авлиёнинг сўзи, насихати ва нафаси, абадий умр ато этгувчи ишқ ва муҳаббат чашмаси. Адабий манбаларда оби жовид, оби бақо, оби ҳайвон, оби зиндагон, оби Ҳизр, оби Искандар вариантлари ҳам учрайди.

Обид عابد – ибодат қилувчи. Аллоҳга юзланган ва умрини ибодат билан ўтказган киши. Сўфийнинг номларидан бири.

Одоб آداب – сўфийнинг зоҳир ва ботин нафсини тарбия қилиши. Одобринг - шариат одоби (Пайғамбар (САВ) шариати ва суннатига амал қилиш), тариқат одоби (бир тариқатга боғланиб унинг одоб арконини ўрганиб, шу бўйича ҳаракат қилиш), маърифат одоби (нафси амморани егиб, илми илоҳийни ўзлаштиришга ҳаракат қилиш), ҳақиқат одоби (Аллоҳдан бошқасидан юз буриб, ваҳдатга эришиш, барча амалларни Аллоҳ розилиги учун қилиш) каби турлари бор.

Олам عالم – дунё, жаҳон коинот, борлиқ. Тасаввуфда Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса оламдир.

Ом عام – оддий одамлар

Ориф عارف – билим инъом этилган киши, амалий билим соҳиби. Ладуний билим эгаси, Борлиқ ҳақиқатини моҳиятан англаб етган, ул руҳиятида Борлиқ ҳақиқати билан мукаммал уйғунлик ҳосил қилган билган шахс, тасаввуфда маънавий камолотнинг олий даражаси бўлмиш «Ҳақиқат» босқичига кўтарилган солиқ. Орифлар тафаккурдан ташқари турувчи (ботиний) билимга ҳам эгалар ва маънавий камолот йўли билимдонларидир. Ориф - ирфон соҳиби, таниган ва англаган, Аллоҳнинг исм, сифат, зот, феълларини идрок этган, тариқат мақомларини ўтаб, ҳақиқат даражасига етган сўфий, ҳақ-шунос. Аллоҳни таниган, англаган, ирфон ва маърифат соҳибидир.

Орифлик мақоми مقام عرفی – Ирфоний камолотда «ҳақиқат» босқичига кўтарилиб, валийлик даражасига етиш.

Ошиқ عاشق – ишқ тутқуни. Тасаввуфий маслақда Ҳақ ишқига мубтало бўлган киши. Сўфийнинг номларидан бири.

Ошно آشنا – тариқатга қадам қўйган. Ҳақ талабида маърифат йўлига кирган солиқ.

Пир پير – кекса, қари. Валоятнинг маълум даражасига эришган ва солиқ ва муридларга таълим-тарбия берувчи, тариқат йўлларида сабоқ бсрувчи муршид, раҳбар, дарвишлар раҳнамоси, руҳий мураббий.

Пири муғон پير مغان - тариқат йўлига кирган солиқни тўғри йўлга солувчи муршид, тасаввуф аҳли учун пири муғон пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)дир.

Ражо رجاء – умид. Тасаввуфда ражоъ ўз амалларини яхшилаш воситасида Аллоҳ раҳматига, гуноҳ қилиш хавфидан қутулганига умид қилишдир, зеро сай-ҳаракатсиз умид – бу алдов, ёлғон. Ражо яна қалбнинг Аллоҳ васлига эришиши учун дийдор соғинчи маъносида ҳам қўлланади.

Рамз رمز – яширин маъноларни ифода этувчи, тасаввуф аҳлининг бошқа кишилар англай олмайдиган ўзаро сўзлашув услуги.

Расул رسول - пайғамбар. Расул бевосита диний ҳукмларни келтирган пайғамбардир. Фазилат ва даражасига кўра расул набийдан устунроқдир.

Ризо رضا – қаноат. Тасаввуфда сўфийнинг ирфон Йўлидаги тўхташ жой(мақом)ларидан бирини ифодаловчи термин. Ризонинг маъноси илоҳий иродага тўлиқ бўйсунуш ва ўз мушкулотларига бепарво бўлишдир. Ризо тушунчасини яна бир ирфоний мақом – таваккул билан ҳам боғлайдилар. Таваккул ҳаёт кечириш учун маблағ топишга интилишдан воз кечиш ва Аллоҳагина суянишни назарда тутати.

Ридо ردا - шайх ва дарвешлар елкасига ташлаб юрадиган устки кийим, чакмон.

Риё ربا – ўзини ёмонликлардан сақланган киши қилиб кўрсатиш, иккиюзламачилик, мунофиқлик, ихлоссиз ибодат.

Риёзат رياضت – Аллоҳга етишиш йўлида солиқнинг нафс ва шайтон ҳийлаларини енгиб ўтиши қийинчиликлари, изтироб ва ранж-заҳмат машаққатлари, нафс орзуларига барҳам бериш. Риёзат – ўз-ўзи билан тубан истакларни бажармаслик мақсадида курашиш.

Робита رابطه - алоқа, боғланиш, Аллоҳ билаи солиқ ўртасидаги робита илоҳий нурдир.

Роҳ روح – илоҳий китоб (Қуръони карим) оятлари мазмунига биноан Аллоҳ томонидан фақат инсонга инъом этилган алоҳида ғайбий қувват бўлиб, бани одамнинг маънавий камолот касб этиш имкониятининг асосидир.

Ўсимлик руҳи روح نباتات – миллий маънавиятимиз анъаналарида руҳшунослик илмига оид тимсол-тушунча, барча биологик мавжудот-

лар (наботот, яъни ўсимликлар, ҳайвонот ва инсонлар) учун умумий бўлган озиқланиш ва ўсиш хусусияти, «қуйи оламдан» (Азизуддин Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» рисоласи асосида).

Ҳайвон руҳи روح حيوانات – миллий маънавиятимиз анъаналарида руҳшунослик илмига оид тимсол-тушунча, тирик мавжудотлар (ҳайвонлар ва инсонлар) учун умумий бўлган эркин ҳаракатланиш ва нафс (яъни, моддий майллар)га эга бўлиш хусусияти, «қуйи оламдан» (Азизуддин Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» рисоласи асосида).

Инсон руҳи روح انسان – миллий маънавиятимиз анъаналарида руҳшунослик илмига оид тимсол-тушунча, барча инсон зоти учун умумий бўлган тафаккур (фикрлаш, ақл ишлата билиш) ва нутқ (фикрини эркин баён эта билиш) хусусияти, (Азизуддин Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» рисоласи асосида).

Муқаддас руҳ روح القدس – миллий маънавиятимиз анъаналарида руҳшунослик илмига оид тимсол-тушунча, ҳақиқий имон эгалари пайғамбарлар ва валийлар (ориф инсонлар) руҳиятига алоқадор ғайб олами билан туташликни англатувчи атама, «юқори оламдан» (Азизуддин Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» рисоласида «осмоний фаришталар жинсидан» деб таърифланади).

Пири муршид پير، مرشد – Орифлик мақомига етишиб устози томонидан муридларни мустақил тарбият қилиш ҳуқуқига мушарраф бўлган солиқ, муайян тариқат силсиласида алоҳида ҳалқа соҳиби.

Рӯё رويآ – туш.

Рӯза روزه – солиқнинг руҳан ва жисмонан покланиб, ҳидоят ва саодатга эришиши.

Руҳ روح – илоҳий бир нафас. Ҳақнинг тажаллийси. «(Эй Муҳаммад.) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ фақат Раббимнинг ишидандур» (Ал-Исро сураси, 85-оят). Инсонни ҳақиқатда ҳаракатли келтирган нарса руҳдир.

Руҳоният روحانيت – маънавий-руҳий дунё.

Рушд رشد – тўғри мураббийлик.

Сабр صبر – чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устуворлик, солиқнинг бошига тушган ҳар бир қийинчиликка чидаши. Ирфон йўлидаги мақомлардан бири.

Садр صدر – ҳамма нарсанинг аввали ва ибтидосининг энг яхшиси, улуғлик, юксаклик.

Саййид سيد – Пайғамбар авлоди, етакчи, бошлиқ, султон.

Сайр سير – жаҳолатдан четлашиш ва юксак одоб-ахлоққа юзланиш «Сулук» термини билан жуфтликда ишлатилади.

Самоъ صماء – ашула, куй, муножот эшитиш, тинглаш, илоҳий жазба, завқ-шавқ ҳоли. Дарвешларнинг зикр мажлисларида наът, зикр ёки ғазалларни куйга солиб ижро этиши. Самоъ важд ҳолатига кириши

ёрдам беради. Самоъ аксарият сўфийлар томонидан мақбул, деб топилган ва тана учун шифо ҳамда руҳ учун озуқа, деб ҳисобланган. Самоънинг уч тури мавжуд: ҳалол(илоҳий маърифат сирларидан хабардор кишиларнинг наът, зикр ва муножотлари), мубоҳ(тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган куй-қўшиқлар) ва ҳаром (кишилар ахлоқини бузадиган ва ёмонликка даъват этадиган шаҳвоний куй-қўшиқлар). Шариат аҳли самоъни инкор этади.

Сафар سفر – йўлга чиқиш. Тасаввуфда қалбни Аллоҳга йўналтириш.

Сафар дар ватан سفر در وطن – ўз ватанида, ўз уйида ўтирса-да, фикран ва зикран бутун коинот ва мавжудот ҳақида таффаккур қилиш.

Сафо صفا – поклик, ёруғлик, равшанлик, порлоқлик. Тасаввуфда ҳақиқий содиқларнинг сифати. Сафонинг моҳияти қалбни поклашдир. Сафо талабсиз бир ҳузур, тамаъсиз вужуд ҳолидир.

Саҳв صحو – хушёрлик. Маънавий камолот йўлини хушёр ҳолда, ақлу-хушни йўқотмай, жазав ва миянинг карахтлашиши ҳолатларига тушмай босиб ўтиш. Саҳв суқр(мастлик ҳолати)га қарама-қарши қўйилади. Саҳв ортодоксал Испом томонидан эътирозга учрамаган.

Сиддиқ صدیق – ростгўй, чин дилдан тасдиқ этиб ишонувчи. Пайғамбарликдан кейин турадиган валийликдаги энг юқори мартаба.

Сидқ صدق – ҳақиқатпарварлик. Сўзда, ният ва интилишларда, қатъиятда, амалларда ва дин босқичларини қидиришда ҳақиқатпарварлик.

Силсила سلسله – занжир, халқа, кишан. Руҳий ворислик занжири, руҳий шажара. Бир пир(муршид)га туташ тизилган ёки занжирсимон тартибда боғланган валийлар таснифи. Тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишлари бўлиб, биринчиси – ҳар бир шайх ўз пиру устози, устозининг устози номларини номма ном айтиб, силсила ҳақида маълумот бериши, иккинчиси – ҳар бир шайх ўзининг ота-боболари ким бўлган ва қайси машхур зотга бориб тақалишини исботлаб берадиган шажарани келтириши.

Сир سر – яширин, махфий, сирли. Тасаввуфда Аллоҳ билан солиқ ўртасидаги яширин ҳақиқат. Сир ботиний нигоҳ орқали ангашилади, уни тил билан ифодалаш мушкул. Муқаддас моҳият билан ўзаро тўқнашишнинг махфий нуқтаси.

Сифат صفت – Аллоҳ зоти тажаллийси. Аллоҳнинг аслий сифатлари ҳаёт, илм, ирода, таквин(қудрат), самиъ, басир, калом. Сифат исмининг ботинидир.

Солиҳ صالح – хайрли амаллар қилувчи, яхши тарбияланган.

Солик سالىك – ирфон Йўлидан бораётган йўловчи. Тасаввуфда тариқатни ихтиёр этиб, руҳий покланиш йўлига кирган, ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган киши.

Сукр(сакр) سكر – Ўзининг «мен»идан йироқлашиш, Аллоҳга руҳий муҳаббатдан мастлик, Унинг васлидан сархушлик ҳолати. Сукр ҳолида инсон ҳамма нарсани унутади, сархуш ва сармаст бўлади. Сукр ул моҳиятига кўра важд ва ғайбатга яқин туради. Бундай мастлик ҳолати сўфийнинг оғзидан Шариат маъқулламайдиган ва унга хилоф нарсалар ҳақидаги сўзлар чиқишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ортодоксал Исломнинг сукр, шунингдек, важд ва жазбага муносабати унчалик ижобий эмас.

Сулук سلوك – Тариқатга кириш, маънавий-руҳий камолот йўлини босиб ўтиш. «Сайр» термини билан жуфтликда ишлатилади.

Сўфий صوفى – тасаввуф йўлига кирган, тариқат одоб-арконларини риоя қилган, фоний дунёнинг ғам ва муаммоларидан устун, тафаккурнинг сатҳи фалаклар қадар қамровли, қалбида маънолар булоғи қайнаб турган комил инсон, халқ эъзозлаган азиз авлиё, илоҳий нафасли киши. Сўфий – ўзидан фоний бўлиб, Ҳаққа боқий бўлган, яъни ўзидан кечиб, Ҳаққа етган, илоҳий лутфдан баҳраманд бўлган киши.

Табаррук تبرك – табаррук, муқаддас. Тасаввуфда ажралмас сифат даражасидаги авлиёлик.

Таважжуҳ توجه - юзланиш, зеҳни диққат билан бир нарсага қаратиш. Тасаввуфда таважжуҳ солиқнинг барча нарсадан холи бўлиб, Аллоҳга юзланиши.

Таваккул توكل – ҳар бир ишда Аллоҳга суяниш, ожизлигини Аллоҳга билдириш ва ўзини илоҳий иродага топшириш; Таваккул ирфоний Йўлдаги бошланғич мақомлардан бири. Таваккулда мурид ул иродасидан тўлиқ воз кечади ва Аллоҳга ўзининг мавжудлигининг ягона манбаи сифатида юзланади.

Тавба توبه – қилган гуноҳлардан қайтиш, пушаймон бўлиш. Аллоҳ ризолигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феълдан қайтиш. Тавбанинг моҳияти инсоннинг ўз нуқсонларини кўра билиши, ул аҳволини англаши, қабиҳ ишлардан қайтишида намоён бўлади. Оддий кишилар тавбаси кўркув тавбаси, яъни гуноҳларга иқрор бўлишдир, сўфийлар тавбаси эса қалб истижоби(покланиши)дир. Тавба тариқат йўлига кирган солиқнинг биринчи мақомидир.

Тавозуъ تواضع – адаблилик, ўзини паст тутиш. Тасаввуфда солиқнинг Аллоҳга хоксорлиги, камтарлиги.

Тавҳид توحيد – сўзнинг лексик маъноси – **ягоналик** ва **яхлитлик** бўлиб, тасаввуфда Аллоҳнинг ягоналигига ишониш, илоҳий ҳақиқатлар ошкор бўлганда бошқа барча дунёвий ашёларнинг арзимаслигини англашдир. Тимсол-тушунча сифатида миллий маънавиятимиз тарихий такомилда

турли замон ва турли соҳа намояндалари томонидан турлича талқин этилган. Масалан, (Сунна босқичига хос) *диний талқини* – фақат Аллоҳнинг ягона маъбуд (сиғинишга лойиқ ягона зот) эканлиги, (Ислоом маърифатчилиги босқичига хос) *илмий талқини* дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлиги, (Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичига хос) *тасаввуфий (ирфоний) талқини* - ҳақиқий (боқий) Борлиқ фақат Ҳақнинг Борлиғи эканлиги, («Мажоз тариқи» босқичида шаклланган) *мумтоз адабиётимиз намояндалари ижодида акс этган қараш* - ҳақиқий Борлиқ - Ҳақнинг Борлиғи, бу дунё – яъни биз кўриб турган моддий олам эса Ҳақнинг мазҳари (кўзгуда намоён бўлиши), аммо биз инсонлар ҳам ушбу кўзгудан (мажоз оламидан) ташқарида эмасмиз, шундай экан, биз асосий эътиборни Ҳақ жамоли акс этувчи кўзгу бўлмиш инсон қалбига қаратишимиз, инсонга меҳр қўйишимиз, қолаверса, Аллоҳ яратган моддий оламнинг ҳар бир заррасига меҳр ва эътибор билан қарашимиз, жиддий ўрганишимиз, ижтимоий ҳаётимизни ҳам маънавий қадриятларга таянган ҳолда такомиллаш-тириб боришимиз лозим. Шундай қилиб, «Мажоз тариқи»да Тавҳид моҳияти Янги давр қадриятларига мувофиқ келувчи янгича талқин олди Аммо санаб ўтилган талқинларнинг бирортаси бошқаларига зид эмас, миллий маънавиятимизда улар моҳиятан бир-бирини тўлдириб келади.

Тавҳид ҳақиқати **حقيقت توحيد** – Аллоҳнинг барча китобларида уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Борлиқ ҳақиқати бўлиб, миллий маънавиятимизда Борлиқ ҳақиқати айна Тавҳид эътиқодида ифодаланади. Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти шундаки, ягона Аллоҳ иродаси билан биз кўриб турган Борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли Борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун Борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Бу умумжаҳоний қонуният аро ер юзида халифа қилиб яратилган Инсон зотининг алоҳида имтиёзи - унинг иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган. Шу билан бирга Ер юзида халифалик ҳам катта имтиёз, ҳам жиддий масъулиятдир - онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига Аллоҳ олдида жавоб беради. Тавҳид ҳақиқатининг яна бир сирини эътироф этиш керак. Борлиқнинг ягоналиги шуни тақозо қиладики, ундаги энг ибтидоий маконда силжиш ҳаракатидан энг олий маърифат йўлларигача аслида бир пайтнинг ўзида мавжуд. Фақат инсоний мантиқнинг муайян даражада чекли эканлиги боис, биз тасаввур этган замон ва маконда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ҳар бир ҳолати камолотнинг муайян босқичи доирасида тасаввур қилинади.

Тажаллий تجلى – жилоланиш, кўриниш, нурланиш. Яралган оламдаги илоҳий кўринишлар, жилоланишлар. Илоҳий файзнинг солиқ кўнглида қарор топиши. Валийнинг Аллоҳ лутфига муяссар бўлиши на ғайбдан келадиган ҳамда қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ширлар. Бу маънода мазкур термин илоҳий зухурланишлар тушунчасига яқин келади. Тажаллий тўртга бўлинади:

1. **Зотий тажаллий** ذات تجلى – Илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси
2. **Сифатий тажаллий** صفت تجلى – Илоҳий сифатларнинг банди кўнглида зухур этиши.
3. **Исмий тажаллий** اسم تجلى – Аллоҳ исмларидан бирининг банди қалбида зоҳир бўлиши.
4. **Феълий тажаллий** فعل تجلى – илоҳий феълларнинг банди қалбида юзага келиши.

Тажрид تجريد – яккалик, танҳолик, дунёдан узилиш. Тасаввуфда барча дунё неъматларини қалбдан чиқариб, Аллоҳга боғланиш.

Таквин تكوين – бирор нарсани йўқликдан борликқа чиқариш, ижод қилиш. Таквин Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, Аллоҳ ана шу сифат орқали ҳар нарсани йўқдан бор, бордан йўқ қилган.

Талаб طلب – сўраш, исташ, хоҳиш, майл. Тасаввуфда маърифат мақомининг биринчи даражаси.

Тарбия تربية – мураббийлик, тарбиялаш. Муршиднинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Тасаввур تصور – тасаввур, ҳаёлот.

Тасаввуф تصوف – даъволарни тарк этиш ва маъноларни яшириш.

Тасарруф تصرف – ихтиёр, эгалик, ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш. Муршиднинг бошқаруви.

Таслим تسليم - бўйсунуш, бирор фикрни қабул этиш, ён бериш. Тасаввуфда солиқнинг ҳар ишда ўз ихтиёрини Аллоҳ ҳукмига ҳавола этиши.

Тасфия تصفيه – сафо, тараққий, юксалиш, покланиш. Тасаввуфда солиқнинг бир ҳолдан иккинчи ҳолга, бир мақомдан бошқа мақомга кўтарилиши.

Тариқат طريقت – араб тилида «тариқ» сўзининг луғавий маъноси ҳам «йўл» бўлиб, «тариқат(т)»нинг тасаввуфий маъноси маънавий камолот сари интилган суфийнинг махсус танлаган йўлидир. Бу йўл тавба мақомидан бошланиб, муриднинг бир улуғ пири муршидга қўл беришидан («фано фи-ш-шайх» мақоми) то «фано фи-л-лоҳ» даражасига етишгунича давом этади. Мажозий маънода бу босқичдаги пири муршиднинг вазифасини кулолга, муридни унинг қўлидаги лойга, «тавба» мақомини лойнинг хас-хашакдан тозаланишига қиёс қилиш мумкин. Барча гуноҳларидан астойдил тавба қилган муридни сопол ёки

чинни ясашга ярайдиган лой деб тасаввур қилсак, пири муршид унга ишлов бериб, яхши бир кўза ясайди, унга жило бериб, «офтобда куритгач», пишириш учун «хумдон»га салади.

Тафаккур تفكر – фикрлаш, муҳокама қилиш. Тасаввуфда сўфийнинг Аллоҳ кудрати ва ҳикматидан ҳайратланиб, унинг маърифатини тафаккур қилиши.

Тақво تقوى – худодан қўрқиш, покдомонликка интилиш, Аллоҳга диққат-эътиборлилик.

Тоат طاعت – итоат этиш, бўйсунуш, диний буйруқларни бажариш.

Турбат – тупроқ, ер. Тасаввуфда азиз авлиёларнинг қабрлари устига қурилган бино, мақбара. Турбат дейилганда Мавлоно Жалолоддин Румий мақбараси тушунилади.

Тоифа طائفة – ҳамжамият, гуруҳ, ташкилот. Термин сифатида тасаввуфий тариқат маъносини беради.

Увайсий اويسى – Аллоҳ йўлига кирган ва тариқатда пири бўлмаган солиқни Пайғамбар(САВ) ёки машойихлардан бирининг руҳи тарбия қилади. Бундай боғлиқлик риштасини увайсий ришта дейилади.

Узлат عزلت – хилват, пана жой, чекка. Солиқнинг халқдан ажралиб, холи жойларда ибодат ва зикр билан машғул бўлиши. Тасаввуфда узлат яна турли ёмон иш ва одамлардан узоқлашиш, беҳуда машғулотлар ўрнига тоат-ибодат билан машғул бўлиш, ўзи халқ ичида бўлса-да, қалби Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиши, жамоат ичида бўлса ҳам фикру-зикрни Аллоҳдан узмаслик маъноларида қўлланади.

Унс انث – бу тасаввуфий ҳолат бастдан юқорироқ туради. Унс инсонни алангалантириб, унинг руҳини Аллоҳ ҳақидаги ўйлар учун кенгайтиради. Унс ошиқ ва маъшуқа орасидаги муносабатларда самимиятнинг устунлигини беради ва улар орасидаги расмиятга барҳам беради.

Файз فيض – тўлиб-тошиш. Тасаввуфда Аллоҳ ҳузуридан сўфий қалбига ўрнашадиган илоҳий нур, маърифат, ирфон. Илоҳий марҳаматнинг намоён бўлиши.

Фазл فضل – Аллоҳнинг лутфи, марҳамати, эҳсони.

Фано فنا – фонийлик, йўқ бўлиш. Бақо сифатининг инъикоси, бақо ўзида барча яхши сифатларни мужассам этиш бўлса, фано – ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик қилишлик.

«**Фано фи-ш-шайх**» فنا فى شيخ – тўлиқ ишонч билан пири муршид иродасига ўзлигини топшириш. Бу мақомни тўғри талқин қилиш учун тасаввуфдаги пири муршидлик мақомининг асл моҳиятини англаб етиш талаб этилади.

«**Фано фи-л-лоҳ**» فنا فى الله – луғавий маъноси: «Аллоҳда йўқ бўлиш». Тасаввуфий маъноси: илоҳий ишқ жазбасида буткул ўзликдан кечиш.

Мансури Халложнинг машхур»Аналҳақ» хитоби ушбу ҳолатнинг энг ёрқин намунасидир.

«Бақо би-л-лоҳ» بقا بالله – луғавий маъноси «боқийликда (абдийликда) Аллоҳ билан». Тасаввуфий маъноси: нафсоний ва худбинлик майлларидан буткул озод бўлиб, иродасини тўлиқ Борлик ҳақиқатига бўйсундириш, орифлик мақомига етишиш.

Фарз فرض – ислом оламида шариатнинг ҳар бир мўъмин бажариши шарт бўлган қонун-қоидалари(иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж).

Фаросат فراصت – ақл, зеҳн. Тасаввуфда ботиний сезги, ҳис, қалб кўзи билан кўриш. Басират кўзи билан ғайбни кўриш, руҳнинг илоҳий қувват ила тафаккур этиши орқали ғайб илмидан хабардор бўлиши. Фаросатнинг иймон, валоят, нубувват, рисолат каби мартабалари бўлиб, улардан иймон ва валоят касбий, яъни мужоҳада орқали қўлга киритиладиганлари, нубувват ва рисолат эса ваҳбий, яъни Аллоҳнинг лутфидир.

Фароғат فراغت – тинчлик, хотиржамлик, озодлик, истироҳат, ҳамма нарсадан қутилиш.

Фарқ فرق – ажралиш. Тасаввуфда солиқнинг ашёларни Аллоҳдан айри, аммо Аллоҳдан, деб билиши.

Фасод فساد – бузуқлик, тартибсизлик.

Фатҳ فتح - илоҳий илҳомдан файзланган йўловчи(солиқ)га очилувчи ҳолатлар.

Фақиҳ فقيه – шариат илмининг билимдони, ислом ҳуқуқшуноси.

Фақр فقر – ихтиёрий фақирлик, камбағаллик. Тасаввуфда Аллоҳдан бошқасига муҳтожлиги бўлмасдан таваккул эътиқоди билан яшаш. Тасаввуфдаги энг юқори мақомлардан бири. Тасаввуфда фақрнинг Аллоҳга нисбатан ўзининг фақирлиги, ожизлигини ҳис этиш, борлигидаги ҳамма нарсанинг Аллоҳга тегишли эканлигини билиш, идрок этиш, Аллоҳга бандаликни сидқидилдан адо этиш, аммо камбағалликда яшаш дегани эмас каби маъноси ҳам бор.

Фасл فصل – Аллоҳга қалбнинг интилиши жараёнида Ундан бошқа барча нарсалар билан руҳий алоқаларни узиш.

Футувват فطوت – йигитлик, мардлик, саховат. Футувват ўзида тасаввуф ахлоқи ҳамда юксак ижтимоий-ахлоқий ғояларни мужассамлаштирган таълимот. Тасаввуфда футувват барчани ўзингдан афзал билиш ва ўзингни ҳеч кимдан юқори қўймаслик. Футувват барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик.

Хавф خوف – таҳдид, хатар, қўрқув. Тасаввуфда солиқнинг иймондан ажралишдан қўрқиши. Мусулмоннинг иймон-эътиқоди Аллоҳнинг жазосидан қўрқув ва Унинг марҳаматидан умидворлик ҳиссиётлари оралигида туриши лозим. Аллоҳдан қўрқиш лозимлиги ҳақида Қуръон-

нинг қуйидаги оятида келади: «Аллоҳдан бандалари орасида уламопаргина кўрқадилар»(Фотир сурасининг 28-оятидан).

Хадра خدره – ёпиқ, парда билан тўсилган. Тасаввуфда ашулалар айтиш, зикр туриши ва бедор туриши учун сўфийлар йиғилиши.

Халифа خليفة – тариқат ёки унинг шохи асосчисининг бевосита ўринбосари. Пир ёки муршид уни ўз шоирдлари ичидан танлаб олади ва халифа устози каби сабоқ беради, риёзатга жалб этади, йўл-йўриқ кўрсатади.

Халқа خالقه – айлана, доира. Тасаввуфда дарвишлар бедорлик вақтида доира тузиб ўтиришларида ташкил топадиган айлана, занжир.

Хизр – тириклик сувини топган ва ҳамиша тирик бўлган каромат соҳиби. Қуръонда Аллоҳнинг қули номи билан тилга олинган тақводор зот. Тасаввуфда Хизр алайҳиссалом валоятнинг ботиний тимсоли сифатида талқин этилган. Хизр а.с. авлиёлар пири сифатида эъзозланади. Хизр одамлар мушкулини осон қилувчи, ладуний илмларни ўргатувчи, яхшилик ва эзгулик тимссолидир.

Хилват خلوت – пана, кимсасиз жой. Муршид буйруғига кўра муриднинг хонақоҳ(зовия, такка, остона, рабат)нинг бирор бир қисмида маълум муддатга ёлғиз қолиши, танҳо бўлиши, узлатга чекиниши. Бу амал шогирд(мурид)нинг тариқатга кирганидан бироз муддат ўтганидан кейин бажарилади. Хилват шогирдга ўз қалби ва руҳини дунёвий ҳою ҳаваслар чиркидан тозалаш ва Аллоҳ ҳақидаги ўй-фикрларга тўлиқ чўмиш имконини беради. У хилватда жуда оз ейди ва ичади, мунтазам, узлуксиз(ўз имконияти доирасида) ибодатда бўлади.

Хилват турли тариқатларда турли муддатли, масалан, 3 кунлик, 40 кунлик ёки 1001 кунлик бўлиши мумкин. Аммо хилватнинг энг кенг тарқалгани 40 кунлик(арабча номи «арбаъин», форсчаси «чилла»). Хилват амалиётига Абу Ҳамид ал-Ғаззолий каби тасаввуфнинг мумтоз намоёндаси катта аҳамият берган.

Хилват дар анжуман خلوت در انجمن - ўзи халқ ичида, анжуманда бўлса ҳам хилватда ўтиргандек фикру зикри Аллоҳ билан бўлиши. Зоҳирда халқ биланг ботинда Ҳақ билан бўлиш нақшбандийлик тариқатининг тамалини ташкил этади.

Хирқа خرقه – айнан маъноси «латта». Тариқатга киритишда байъат маросимидан сўнг шогирд(мурид)га кийдириладиган дағал ва эски матодан тикилган махсус кийим. Хирқа муриднинг тариқат қонунларига тўлиқ бўйсунганининг ва ўз устози билан руҳий алоқа ўрнатганининг белгиси.

Тариқатга янги кирганлар қора хирқа, маълум бир даражага эришганлар мовий ранг, сулукни охирига етказганлар оқ рангли хирқа кийганлар.

Хожа **خواجه** – хожа, хўжайин. Тасаввуфда тариқат машойихларига бериладиган унвон.

Хом **خام** – хом, етилмаган, пишмаган. Тасаввуфда Ҳақ ва ҳақиқатни ҳали мукамал идрок эта олмаслик, моҳиятини англамаслик.

Хонақоҳ **قاه خانه**, **Такия** **تکيه**, **Работ** **رباط**, **Зовия** **زاويه**, **Даргоҳ** **درگاه**, **Жамоатхона** **جماعت خانه**, **Такка** **تکه**, **Оситон** **استان** – сўфийлар тураргоҳлари номлари. Одамларнинг masjidдан ташқарида тўпланиш жойлари бўлиб, у ерларда бетиним равишда маънавий-руҳий камолотга етишиш амалиёти, биргалашиб зикр айтиш, бошқа ибодатларини бажариш, шунингдек, дарс ўтиш ва ўқитиш билан шуғулланилган.

Илк йиғилишлар чегараларда жойлашган работ-қалъаларда ўтказилган. Биринчи работ Ободонда Ҳасан ал-Басрийнинг шоғирди Абдулвоҳид ибн Зайд томонидан 150х/767м.йилда ташкил этилган. Бошқа маълумотларга кўра биринчи такя 2-ҳижрий асрнинг охирида Рамлада, Шом(Дамашқ) яқинида Куфалик Абу Ҳошим шарафига қурилган. Кейинчалик работлардаги йиғилишлар амалиёти ислом дунёсининг кўпгина минтақаларида тарқалиб кетди. Масалан, Абу Исҳоқ ал-Қозируний исми сўфий Эроннинг ўзида 65 работга асос солгани ҳақида маълумотлар бор. Чегаралардаги қалъа-работларда тарбияланган сўфийлар нафақат ибодат билан шуғулланганлар, балки улар фидокор жангчилар ҳам бўлганлар. Улар мусулмон ерларини ташқи тажовузлардан ҳимоя қилишда фаол иштирок этганлар. Фаластин ва Анатолияда работ аҳли салб юриши қатнашчилари билан, Ҳиндистонда маъжусийлар билан жанг қилганлар, Испанияда Реконкистани чеклаб турганлар.

Кўплаб юзийлликлар давомида сўфийлар тураргоҳлари мусулмон дунёсида катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган. Хонақоҳлар асосий илм-маърифат марказлари бўлган, у ерларда мактаблар жойлашган. Савод ўргатилган, турли диний илмлар ўрганилган. Шу ернинг ўзида кутубхоналар ҳам жойлашган. Мактаб битирувчилари орасидан кўпгина машҳур мутафаккирлар ва олимлар етишиб чиққан.

Сўфийлар тураргоҳлари шунингдек, турли ижтимоий ва сиёсий йиғилишлар ўтказиладиган жой бўлиб ҳам хизмат қилган. Бундан ташқари, хонақоҳлар меҳмонхоналар ва карвонсаройлар вазифасини ҳам бажарган. Бу ерда барча мискин ва ночорлар, ҳокимият қувғинига учраган кишилар егулик ва бошпана топа олганлар. Хонақоҳларда касалхона(Дорул ажозо)лар ҳам бўлган. Яраланганларга тиббий ёрдам берилган, турли касалликларни даволаганлар.

Хосс **خواص** – алоҳида олий тоифа, танланганлар. Тасаввуфда авлиёлар, машойихлар.

Хотир خاطر (кўплиги хавотир خواطر) – ўй, фикр, ҳаёп. Тасаввуфда қалбда пайдо бўладиган туйғу, маънавий хитоб. Бошқа фикр муҳолифлик қилмаган хотир ҳақиқий хотирдир.

Шавқ شوق – майл, истак. Тасаввуфда Аллоҳга бўлган ишқ муҳаббат ва қўрқув натижасида кўнгилда пайдо бўладиган илоҳий истак, майл, интилиш. Шавқнинг дунёда ҳам, охиратда ҳам ниҳояси йўқ, шавқ Аллоҳ жамолини кўриш билан таскин топади.

Шайх شيخ – кекса, оқсақол. Тасаввуфда сўфийлар хонақоҳи раҳбари. Шайх ўз вазифалари бўйича кўпроқ ўқитувчи тушунчасига яқин келади, аммо ундан фарқли равишда шайх нафақат муайян фандан дарс беради, балки ўқувчилар билан маънавий-руҳий алоқа ҳам ўрнатади ва уларнинг маънавий мураббийи бўлади.

Шайх маънавий-руҳий камолот йўлидан ташқари, фикрнинг илмларни ҳам билиши, Қуръон тафсири ва ҳадислар шарҳи илмларини эгаллаган бўлиши лозим. Шунингдек, шайх энг олий маънавий ва ахлоқий сифатларга эга бўлиши шарт. Шайх ёки муршид термини тариқат пирига нисбатан ҳам ишлатилган.

Шаҳват شهوت – хирс, истак, майл. Тасаввуфда оддий одамнинг ўткинчи фикр ва истаклари, ҳаётини ҳою ҳаваслар.

Шукр شكر – Аллоҳнинг неъматларини эътироф этиб, унга шукрона айтиш.

Эҳсон احسان – хайр, садақа. Тасаввуфда муршиднинг муридга, Аллоҳнинг бандаларига маънавий лутф-карама.

Яқин يقين – ишонч, бирор нарсага қатъий ишониш. Тасаввуфда аниқ, шубҳа гумондан холи илм.

Қабз قبض – сиқиш. Тасаввуфда инсон руҳининг жазо қўрқувидан сиқилиши ҳолати. Бу ҳолатлар хавф ва ражодан кейин келади.

Қаландар قلندر – дунёнинг ҳамма борди-келдиларидан воз кечиб, дайдиб юрувчи дарвеш, девонатабиат киши.

Қалб قلب – кўнгил, юрак, дил. Тасаввуфда иймон ва покдомонлик идиши, диний ҳақиқатлар англанадиган тана аъзоси; Қалб – тасаввуфнинг энг асосий тушунчаларидан бири. Қалб – ҳақиқий зикрнинг энг муҳим ўрни, бундай зикр натижасида Аллоҳ қалбни ҳаракатлантиради. Қалб – Аллоҳни ўзига сиғдира оладиган дунёдаги ягона моҳият.

Қаноат قناعت – қониқиш, ўзни тийиш. Тасаввуфда нафснинг истагига қарши бориш, барча истаклардан воз кечиб, ейишда, ичишда бориға шукр қилиш.

Қурб قرب – яқинлик. Тасаввуфда солиқнинг Аллоҳга яқинлик ҳолати.

Қутб قطب – ўрта, марказ, ҳар нарсанинг ўртасидан ўтган ўқнинг икки учи, қутб, таянч нуқтаси. Тасаввуфда авлиёлар табақаланишидаги энг юқори даража.

Ғайб غيب – ғойиблик, ҳозир эмаслик, кўзга кўринмаслик, сир, яширинлик.

Ғайб олами عالم غيب – инсон ўз ақли ва тафаккури, ҳаётини тажрибалари ва махсус ускуналар ёрдамида била олмайдиган, фақат илоҳий китоблардаги махсус хабарлар ва ишоралар орқалигина бизга маълум бўлган воқелик. Материалистик дунёқарашнинг чекланганлиги ғайб оламини тан олмасликда яққол кўзга ташланади.

Ғайбат غيب – тасаввуфда ўзини йўқотиш. Солиқнинг халқдан ғайбат(моддий оламдан фориғ бўлиш) қилиши.

Ғайрат غيرت – сайъ ҳаракат, бутун вужуд билан берилиш, жидду жаҳд.

Ғалаба غلبه – ютуқ, устунлик. Тасаввуфда Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг барча нарсадан устун келиши, жазбадаги шоду хуррамлик.

Ғалаён غلبان – қайнаш, кўтарилиш, ҳаяжон. Тасаввуфда нафси аммора ҳолидаги сўфий нафсининг қайнаши, норозилик, сўфий ички оламидаги туғён, исён.

Ғафлат غفلت – бепарволик, лоқайдлик, ғофиллик. Тасаввуфда англаш камолоти йўлидаги бепарволик, ўз-ўзи билан овора бўлиб қолиш; бир зумгада бўлса ҳам Аллоҳни ёддан чиқариш.

Ғаво هوا – орзу, истак, майл. Тасаввуфда солиқнинг манзилларни босиб ўтишида барча ўткинчи орзу, ҳавас, майл, истаклардан воз кечиши ва нафсга қарши кураши. Ғавои нафс барча ёмонлик, кибр, манманлик, риёкорликнинг етакчисиدير. Ғаво ва ҳавасга тобелик қилиш солиқ мақсадининг суствлашуви, ҳатто, мақсадидан воз кечишига олиб келиши мумкин.

Ғаёт حيات – тириклик, яшаш, умр. Тасаввуфда илм кудрати билан белгиланувчи бир сифатдир. Ғаётнинг «ҳаёти илм»(қалбнинг нодонлик, билимсизлик, жоҳиллик ўлимидан халос бўлиб, илм билан яшаши), «ҳаёти жамъ»(қалбнинг паришонлик, ажралиш ҳалокатидан қутулиб, ўзида ҳикматни мужассамлаштириши), «ҳаёти Ғақ»(қалбнинг фанофиллоҳ ва бақобиллоҳ мақомларига юксалган вужуд ҳаёти) каби даражалари бор.

Ғаж حج – исломда фарз амалларнинг бешинчиси: Каъбатуллоҳ зиёрати. Тасаввуфда ҳаж иқтидор, куч-қувват шарти ва тариқат хавфсизлигидир.

Ғазрат حضرت – ҳурматли, олий насабли. Тасаввуфда олий мартабали авлиё, сўфийлар муршидининг номи, пир.

Ғайбат هيب – бу тасаввуфий ҳолат қабздан юқорироқ туради. Ғайбат бир вақтнинг ўзида кўрқув ва ҳурмат ҳиссларини уйғотади ва қабздан устунроқ туради. Ғайбат инсон руҳига Аллоҳнинг ёнма-ён туришидан хавотир ва хатто, кўрқув ғиссини жойлайди.

Ҳайрат حيرت – ажабланиш, ҳангу-манг бўлиш. Тасаввуфда ошиқнинг фанофиллоҳ мақомига етиш учун босиб ўтган йўли.

Ҳақ حق – ҳақиқий, ҳақиқат. Тасаввуфда Аллоҳнинг исмларидан бири.

Ҳақиқат حقيقت – асл моҳият, ҳақиқат, ҳақиқий борлиқ, чиндан мавжуд нарса. Тасаввуфда ҳақиқат Аллоҳга етиш илмининг охиргиси, ҳидоят йўли, у валий зот қалбида очилади.

Ҳидоят هدايت – етаклаш, тўғри йўлга бошлаш. Тасаввуфда ҳақ йўлига бошлаш.

Ҳижоб حجاب – парда, тўсиқ. Тасаввуфда валийлар ботинидаги парда. Бу парда уларнинг Ҳақ нури билан сийланган маърифати устидаги ёпинчиқдир.

Ҳикмат حكمة – донишмандлик, фалсафа. Тасаввуфда махфий сир, ақл ва ҳақиқатга тўғри келадиган нозик маъноли мухтасар сўз. Ҳикмат Аллоҳга итоат, ақл, сўз ва ҳаракатдаги уйғунлик.

Ҳиммат همت - кўмак, ёрдам. Тасаввуфда сўфий қалбининг бутун қувват ва ғайрат билан Аллоҳга қаратилиши.

Ҳол حال – ҳол, вазият. Маънавий-руҳий «йўловчи(солик)»лар қалбига кирувчи ўзига хос қисқа муддатли хурсандлик ва қайғу, хотиржамлик ва сиқилиш ҳиссиётлари ва кайфиятлари. Кўплик шакли - **Аҳвол**. Ҳол валий маънавий-руҳий камолотининг натижаси бўлиб, унга ҳар бир ҳодисада Аллоҳ қудратини ва ҳар бир нарсада Аллоҳ жамолини кўриш, идрок этиш орқали илоҳий маърифатга йўл очилган. Бу ҳиссиётлар солиқнинг сай-ҳаракат, интилиш ёки истагу хоҳишларига мутлақо боғлиқ эмас, балки Аллоҳдан келади. Шунинг учун ҳам қалбига ҳол кирган сўфий уни ўзидан йироқлаштира ҳам олмайди ва ўз ихтиёри билан қалбига ҳолни кирита ҳам олмайди.

Ҳузур حضور – ҳозирлик. Тасаввуфда халқдан кечиб, Ҳаққа юз буриш. Аллоҳ ҳузуридаликни доим ва ҳар жойда ёдда тутиш. Ҳақ зикри солиқнинг қалбини эгаллаши натижасида унинг юзи Аллоҳга бурилади ва У билан бир ҳузурда бўлишга эришади.

Ҳуррият حرّيت – эркинлик, озодлик. Тасаввуфда Аллоҳга энг юксак даражада бандалик қилиш ҳолати.

Ҳурфикр حرّ فكر – эркин фикрли. Тасаввуфда трли динлар ва мазҳабларга боғланишдан устун турган, турли расм-русм, қатъий қоидалар, шариат амаллари билан чекланиб қолмай, асосий эътиборни қалб софлигига қаратган киши. Нафс, ҳирс, тама каби салбий ҳислатлардан халос бўлган, инсон руҳининг халос бўлишига интилган киши.

Ҳуш дар дам هوش در دم – ҳар бир нафасни ҳушёрлик билан олиш, ғафлатда бўлмаслик, ҳар лаҳзада Аллоҳни эслаш нақшбандийлик тариқатининг асосий қоидалардан бири.

Яқийн يقين – шак-шубҳасизлик, аниқлик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбек ва рус тилидаги манбалар

Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент, «Фан», 1981. Билим-имон чироғи. Тўпловчи ва таржимон Абдужабборов А. 15 с
Бадий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Коллектив монография, Т.2010.

Ибраев Л.И. Слово и образ. К проблеме соотношения лингвистики и поэтики // Филологические науки. 1981, N1 С.18

Исследования по иранской филологии. Выш. второй. М., 1999. С.7.

Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. Т.:Фан, 2008.

Лиггарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М., 2006.

Лиггарт А.А. Методы лингвопоэтического исследования. – М.,1997.

Мансур. Т., 2001й. (Қуръон оятларининг таржимаси шу китобдан келтирилди).

Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // «ЎТА», 1985 № 6, 48-51-бетлар.

Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент 1998й. 67-69

Навоий А. Асарлар. 15-томлик. 15-т Т., 1368й. 168 б.

Навоий А. Насойим ул-муҳаббат / Мукамал асарлар тўплами/. 17-том. - Т.: Фан, 2001. - 520 с.

Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Э.И. Фозилов таҳрири остида. –Т.: Фан, 1983-1984.

Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. Муҳаррир ф.ф.д., С. Муталлибов. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. - 784 с.

Назаров Б.»Тасаввуф адабиёти жанрлари», Ўқув қўлланма, Т.20

Назаров Б, «Исломи агнографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари (Бакҳоуддин Нқшбанд мақомотлари мисолида)», Т.»Ўзбек энциклопедияси»,2007.

Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Мақолалар тўплами, Муаллифлар гуруҳи, Т.2010

Умиркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент, «Фан» 1990.

Қуронбеков А.»Маснавийи маънавийда тасаввуф тимсоллари», Т.2011.

Қуръони карим маъноларини таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.

Форс тилидаги манбалар

۱. سجادی س.ج. فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی چاپ هفتم سال ۱۳۸۳
۲. شمیسا س. بیان و معانی چاپخانه رامین. ص ۲۲۲۱-۱۳۷۴
۳. تاجدینی ع. فرهنگ نمادها و نشانه‌ها در اندیشه مولانا. سروش، تهران ۱۳۸۳
۴. بهار، م.ت. سبک‌شناسی زبان و شعر فارسی تهران ۱۳۷۷
۵. پناهی، م. اصطلاحات و رموز در متن صوفیانه
۶. ندوشن م.ع. ا. آواها و ایماها. انتشارات یزدان. چاپ چهارم. ۱۳۷۰
۷. تاجدینی، علی. فرهنگ نمادها و نشانه‌ها در اندیشه مولانا. سروش، تهران ۱۳۸۳
۸. رومی جلال‌الدین. «متنوی معنوی». انتشارات امیرکبیر تهران ۱۴۷۱
۹. سجادی. ع. گزیده‌ای از تأثیر قرآن بر نظم فارسی. تهران ۱۴۷۱
۱۰. دهخدا ع. لغت‌نامه. تهران ۱۳۷۳
۱۱. شمیسا س. فرهنگ اشارات ادبیات فارسی. تهران ۱۳۷۷
۱۲. عقیقی د. فرهنگ‌نامه شعری. ۳ جلد. تهران ۱۴۷۶
۱۳. موین م. فرهنگ فارسی. چاپ هشتم. ۱۳۷۱
۱۴. نامداریان ت. رمز و داستانهای رمزی. ۱۳۶۸
۱۵. ندوشن م. «آواها و ایماها» تهران. چاپ چهارم. ۱۳۷۰، ۱۳۵
۱۶. یسری، س.ی. آب‌تریناک. تهران ۱۳۷۶، ۱۴
۱۷. نامداریان ت. رمز و داستانهای رمزی تهران. ۱۳۶۸، ۴۷
۱۸. مهی ماقهی تهران چاپ سوم ۱۳۸۲. ۲۹۱
۱۹. سجادی. فرهنگ اصطلاحات و تزیینات ارفانی ۳۸۷
۲۰. راضی، ن. میرساده‌ها. تهران. ۱۳۷۱، ۳
۲۱. فرهنگ اشارات ادبیات فارسی. تهران. ۱۳۷۷، ۴۷۴، ۴۷۵
۲۲. لیتنامه دخدا. تهران
۲۳. متنوی معنوی مولوی مقدمه و شرح حال استاد بدیع‌الزمان فروزانفر حواشی و تعلیقات از: م. درویش ۱۳۷۱
۲۴. انوری ه. فرهنگ کناعت سخن. تهران ۱۳۸۳
۲۵. قاسم غنی. بحث در آثار و افکار و احوال حافظ. چاپ اول انتشارات هرمس تهران ۱۳۸۶ ص ۱۲۹۵
۲۶. شبستری، م. گلشن راز. «متن و شرح» به اهتمام دکتر کاظم دزفولیان. ی ۱۲۰ انتشارات طلایه چاپ اول ۱۳۸۲
۲۷. قاسم غنی. بحث در آثار و افکار و احوال حافظ. چاپ اول. انتشارات هرمس تهران ص. ۱۳۲۸، ۱۴۸۶.
۲۸. شبستری، م. گلشن راز. چاپ خوشه تهران ۱۳۸۲ ص. ۴۹۳-۴۹۴
۲۹. رومی، ج. متنوی معنوی. مقدمه و شرح حال استاد بدیع‌الزمان فروزانفر چاپ شقایق. ۱۴۷۱
۳۰. آریا، غ. کلیاتی در مبانی عرفان و مصوف. چاپ جوانجت ۴۷۷ ص. ۳۶-۳۵
۳۱. اسما عیلی، امیر. مولانا جلال‌الدین رومی. تهران ۱۳۷۸ ص. ۵
۳۲. تاجدینی، علی. فرهنگ نمادها و نشانه‌ها در اندیشه مولانا تهران ۱۳۸۳
۳۳. رومی، جلال‌الدین. متنوی معنوی. حواشی و تعلیقات م. درویش. چاپ هشتم تهران ۱۳۷۱
۳۴. شمیسا، س. فرهنگ اشارات ادبیات فارسی. تهران ۱۳۷۷ ص. ۷
۳۵. معین م. فرهنگ فارسی. موسسه انتشارات امیرکبیر. تهران ۱۳۷۱
۳۶. صدری افشار، غ. حکمی ن. حکمی نسترن. فرهنگ فارسی امروز موسسه نشر کلمه. تهران ۱۳۷۵
۳۷. متنوی معنوی مولوی. مقدمه و شرح حال استاد بدیع‌الزمان فروزانفر چاپ شقایق. چاپ ششم ۱۴۷۱
۳۸. دکتر ندوشن، م. ع. ای. آواها و ایماها. تهران. انتشارات یزدان سال ۱۴۷۰
۳۹. متنوی معنوی مولوی. تهران چاپ شقایق ۱۳۷۱

۴۰. دکتر س. شمیسا، فرهنگ اشارات ادبیات فارسی، تهران ۱۴۷۷ ص ۵۹۳
۴۱. شدری افشار، غ. حکمی، ن. حکمی نسترن، فرهنگ فارسی امروز، تهران ۱۳۷۵
۴۲. یاخقی، م.ج. فرهنگ اسائر و اشارات داستانی در ادبیات فارسی، تهران، ۱۳۷۵
۴۳. شبستری، م. گلش راز، به اهتمام کاظم دزفولیان، چاپ خوشه، ۱۴۸۳ ص. ۲۴۵
۴۴. ایولفاسمی، س.م. اصطلاحات و مفاهیم عرفانی دیوان شمس تهران ۱۴۸۶
۴۵. رومی، ج. مثنوی معنوی، مقدمه و شرح حال فروزا نفر، چاپ هشتم، ۱۴۷۱
۴۶. یاخقی، م.ج. فرهنگ ادب‌اطبیر، تهران ۱۴۷۵ ص ۹۴
۴۷. دکتر شمیسا، میروس فرهنگ اشارات ادبیات فارسی، تهران، ۱۳۷۷
۴۸. شیخ محمود شبستری، گلشن راز، تهران، ۱۳۸۲
۴۹. دکتر سید جعفر سجادی، فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی، تهران: طهوری ۱۳۷۰

Илмий нашр

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

Босишга рухсат этилди: 28.12.2011 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆.
Agial гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 18,27. Шартли б.т.: 22,67.
Адади: 50 нусха.
Буюртма № 81

«Akademnashr» МЧЖ нинг матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, 20^А-мавзе, 42-уй.

